https://buxdu.uz

ISSN 2181-6883

# PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

2-son (2020-yil, aprel)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro – 2020

https://buxdu.uz


# PEDAGOGIK MAHORAT
## Ilmiy-nazariy va metodik jurnal
## 2020, № 2

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrdagi qarori bilan **pedagogika** va **psixologiya** fanlari bo‘yicha dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo‘lgan zaruruiynashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O‘zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro‘yxatga olingan.

**Muassis: Buxoro davlat universiteti**
**Tahririyat manzili:** O‘zbekiston Respublikasi,Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko‘chasi, 11-uy
Elektron manzil: ped_mahorat@umail.uz



**TAHRIR HAY’ATI:**
**Bosh muharrir:** Adizov Baxtiyor Rahmonovich– pedagogika fanlari doktori, professor
**Bosh muharrir o‘rinbosari:** Navro‘z-zoda Baxtiyor Negmatovich – iqtisod fanlari doktori, professor
**Mas’ul kotib: Hamroyev Alijon Ro‘ziqulovich** – pedagogika fanlari doktori, dotsent
*Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisod fanlari doktori*
*Begimqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Choriyev Abdushukur Choriyevich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G‘arbiy Universitet, Bolgariya)*
*Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Mahmudova Muyassar, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor*
*Jabborov Azim Meyliqulovich, psixologiya fanlari doktori, professor*
*Sunnatova Ra’no Izzatovna, psixologiya fanlari doktori, professor*
*Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)*
*Morogin Vladimir Grigoryevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Xakassiya davlat universiteti, Rossiya)*
*Belobrikina Olga Alfonsasovna, psixologiya fanlari nomzodi,professor (Novosibirsk davlat pedagogika universiteti, Rossiya)*
*Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)*
*Tadjixodjayev Zokirxo‘ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor*
*Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor*
*O‘rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor*
*Axmedova Shoira Ne‘matovna, filologiya fanlari doktori, professor*
*Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor*
*Hayitov Shodmon Axmadovich, tarix fanlari doktori, professor*
*To‘rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor*
*Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor*
*Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisod fanlari doktori, professor*
*Bo‘taboyev Muhammadjon To‘ychiyevich, iqtisod fanlari doktori, professor*
*Bo‘riyev Sulaymon Bo‘riyevich, biologiya fanlari doktori, professor*
*Olimov Shirinboy Sharopovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Qahhorov Otabek Siddiqovich, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent*
*Qosimov Fayzullo Muhammedovich, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent*
*Jumayev Ulug‘bek Sattorovich, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent*

https://buxdu.uz

# ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО
## Научно-теоретический и методический журнал
## № 2, 2020

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании Решении ВАК от 29 декабря 2016 года для получения учёной степени по **педагогике** и **психологии**.

Журнал основан в 2001г.
Журнал выходит 6 раза в год
Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.
Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 05-072 от 22 февраля 2016 г.
**Учредитель: Бухарский государственный университет**
**Адрес редакции:** Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.
e-mail: ped_mahorat@umail.uz

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**
**Главный редактор:** Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор
**Заместитель главного редактора:** Навруз-заде Бахтиёр Нигматович – доктор экономических наук, профессор
**Ответственный редактор:** Хамраев Алижон Рузикулович – доктор педагогических наук, доцент

*Хамидов Обиджон Хафизович , доктор экономических наук*
*Бегимкулов Узакбай Шаимкулович, доктор педагогических наук, профессор*
*Махмудов Мэлс Хасанович, доктор педагогических наук, профессор*
*Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор*
*Чориев Абдушукур Чориевич, доктор педагогических наук, профессор*
*Янакиева Елка Кирилова, доктор педагогических наук, профессор (Болгария)*
*Каххаров Сиддик Каххарович, доктор педагогических наук, профессор*
*Махмудова Муяссар, доктор педагогических наук, профессор*
*Баратов Шариф Рамазанович, доктор психологических наук, профессор*
*Джаббаров Азим Мейликулович, доктор психологических наук, профессор*
*Суннатова Рано Иззатовна, доктор психологических наук, профессор*
*Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор (Ярославль, Россия)*
*Морогин Владимир Григорьевич, доктор психологических наук, профессор (Абакан, Россия)*
*Белобрыкина Ольга Альфонсасовна, кандидатпсихологических наук, профессор (Новосибирск, Россия)*
*Чудакова Вера Петровна, PhD (Психология) (Киев, Украина)*
*Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор*
*Аманов Мухтор Рахматович, доктор технических наук, профессор*
*Ураева Дармоной Саиджановна, доктор филологических наук, профессор*
*Ахмедова Шоира Негматовна, доктор филологических наук, профессор*
*Дурдыев Дурдымурад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор*
*Хаитов Шадман Ахмадович, доктор исторических наук, профессор*
*Тураев Халим Хаджиевич, доктор исторических наук, профессор*
*Мирзаев Шавкат Мустакимович, доктор физико-математических наук, профессор*
*Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор*
*Бутабоев Мухаммаджон Туйчиевич, доктор экономических наук, профессор*
*Буриев Сулаймон Буриевич, доктор биологических наук, профессор*
*Олимов Ширинбай Шарапович, доктор педагогических наук, профессор*
*Каххаров Отабек Сиддикович, доктор философии по экономическим наукам (PhD), доцент*
*Касимов Файзулло Мухаммедович, кандидат педагогических наук, доцент*
*Жумаев Улугбек Саттарович, кандидат психологических наук, доцент*

https://buxdu.uz


# PEDAGOGICAL SKILLS
## The scientific-theoretical andmethodical journal
## # 2, 2020

The journal is submitted to the list of the scientific journals applied to the scientific dissertations for **Pedagogic** and **Psychology** in accordance with the Decree of the Presidium of the Ministry of Legal office of Uzbekistan Republic on Regulation and Supervision of HAC (The Higher Attestation Commission) on December 29, 2016.

The journal was founded in 2001.
The journal is published 6 times a year
The journal is registered by Bukhara management agency for press and mass media in Uzbekistan.
The certificate of registration of mass media № 05-072 of 22 February 2016

**Founder: Bukhara State University**

**Publish house:**Uzbekistan, Bukhara, Muhammad Ikbol Str., 11.
e-mail: ped_mahorat@umail.uz



**EDITORIAL BOARD:**

**Chief Editor:** Ph.D. of Pedagogy, Prof. Bakhtiyor R. Adizov. **Deputy Editor:** Ph.D. of Economics, Prof. Bakhtiyor N. Navruz-zade. **Editor:** DSc., Asst. Prof. Alijon R. Khamraev

*Doctor of Economics Sciences Obidjan X. Xamidov*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Uzakbai Sh. Begimkulov*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Mels Kh. Mahmudov*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Holby I.Ibrahimov*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Abdurashid Ch. Choriev*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Yelka K. Yanakiyeva (Bulgaria)*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Siddik K. Kahhorov*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof.M.Mahmudova*
*Ph.D. of Psychology, Prof. Sharif R.Baratov*
*Ph.D. of Psychology, Prof. Azim M. Jabbarov*
*Ph.D. of Psychology, Prof. Rano I.Sunnatova*
*Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir V. Kozlov (Yaroslavl, Russia)*
*Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir G. Morogin (Abakan, Russia)*
*Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Olga A. Belobrikina (Novosibirsk, Russia)*
*Ph.D. of Psychology, Vera P. Chudakova (Kiev, Ukraina)*
*Ph.D. of Technical sciences, Prof. Shavkat M. Mirzaev*
*Ph.D. of Technical sciences, Prof. Mukhtor R.Amanov*
*Ph.D. of Technical sciences, Prof. Zakirkhodja A. Tadjikhodjaev*
*Ph.D. of Philology, Prof. Darmon S. Uraeva*
*Ph.D. of Philology, Prof. Shoira N. Akhmedova,*
*Ph.D. of Physical and Mathematical Sciences, Prof. Durdimurod K. Durdiev*
*Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Shadman A. Khaitov*
*Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Halim H. Turaev*
*Ph.D. of Economics, Prof. Nasir M. Mahmudov*
*Ph.D. of Economics, Prof. Mukhammadjon T. Butaboev*
*Ph.D. of Biological Science, Prof. Sulaymon B. Buriev*
*Ph.D. of Pedagogical Science, Prof. Shirinboy Sh. Olimov*
*Ph.D. doctor of philosophy in economics Otabek S.Kahhorov*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Fayzullo M. Kasimov*
*Ph.D. of Psychology Sciences, Prof.Ulugbek. S. Jumaev*

https://buxdu.uz

**МУНДАРИЖА**

**РЕКТОР МИНБАРИ**....7
Обиджон Хамидов. Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни ташкил этиш имкониятлари..7
**PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA**....12
Сиддиқ Қаҳҳоров, Акмал Жўраев. Бўлажак технология фани ўқитувчиларини касбий тайёрлашда дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланишнинг назарий асослари....12
Роҳатой Сафарова. Ўқув материаллари воситасида ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш....16
Махматмурод Шомирзаев. Ўзбекистон республикаси ижтимоий- иқтисодий соҳаси ривожланишида миллий ҳунармандчиликнинг аҳамияти....20
Азамат Саидов. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш устувор вазифа сифатида..26
Мухиддин Бафаев. Шахсда миллий бағрикенгликни ўрганишнинг экспериментал натижалари....30
Durdona Axatova. O’quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishda pedagogik mahoratning o’rni....36
Уйғун Ўринов, Наргиза Ражабова. Олий таълимда инновацион фаолиятнинг энг муҳим масалалари 40
Абдурахмат Хамракулов. Роль информационно-коммуникационных технологий в самостоятельном обучении....44
Шохрух Юнусов. Организационное сопровождение реализации международного сотрудничества высшего образовательного учреждения....47
Gulchehra Cho‘lliyeva. Boshlang‘ich ta’limda integrativ yondashuvdan foydalanish yo‘llari haqida ba’zi mulohazalar....52
Моҳигул Каримова. Мактабгача таълим тизимида туб ўзгаришлар мақсади ва моҳияти....55
Собир Раҳимов. Олий таълимда “таълимда ахборот технологиялари” фанидан мультимедиали электрон дарслик яратиш ва ундан фойдаланиш методикаси....59
Улугбек Жумаев. Социальный психологический особенности международных и межкультурных связях человечества....64
G‘olib Jumaqulov. O‘quvchilar intellektual sifatlarini tarbiyalash texnologiyalari....69
Феруза Шерманова. Мактабгача таълим тизимида тарбиячи-педагогларнинг медиа ахборот саводхонлигини ошириш долзарб муаммо сифатида....72
Nasiba Azimova. Kasbiy ta’lim o`qituvchilarini tayyorlashning yangi pedagogik texnologiyalarini ishlab chiqish va ularni o`quv-tarbiyaviy jarayonga tatbiq etish....75
Фируза Шоджонова. Талабаларда иқтисодий тушунчаларни ривожлантириш - педагогик муаммо сифатида....79
Жамол Носиров. Спортчи психологик-эмоционал ҳолатини коррекциялашнинг методологик асослари....84
Дилдора Кахарова. Узлуксиз таълим тизимида инклюзив таълимни такомиллаштириш....87
Гулноз Курбонова. Талабаларда касбий тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик-психологик асослари....91
Ферузахон Акбарова. Бошланғич синф она тили таълимининг самарадорлигини ошириш усуллари .98
Иқболжон Тўрақулов. Ўқитувчи фаолиятини моделлаштириш....101
Дилноза Саидова. Инновацион технологиялар таълим самарадорлигини ошириш воситаси....103
Махлиё Кукибоева. Особенности и преимущества коммуникативного подхода к преподаванию иностранного языка....105
Feruz Ganjiyev, Dilnoza Qodirova. Maktabgacha ta’lim muassasasi tarbiyalanuvchilari ijtimoiy-psixologik moslashuvining o`ziga xos xususiyatlari....109
Дилором Убайдуллаева, Зебинисо Ханкельдыева. Дистанционные технологии и самостоятельная работа студентов....111
Фируза Мурадова. Виды и структуры учебно-методических материалов с компьютерной поддержкой....115
Моҳира Турдиева. Педагогик - психологик ҳамда ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш масалалари....121
Саноат Зоҳидова. Интерфаол таълим стратегиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштириш тизими....125
**FILOLOGIYA VA TILLARNI O‘QITISH**....131
Рустам Йўлдошев. Махсус шакллантирилган орфоэпия қоидаларни ўргатайлик....131

https://buxdu.uz


Шоҳида Юсупова. Она тили ўқитишда фалсафий қонуниятларнинг акс этиши: миқдор ва сифат ҳодисаси ... 133
Муталлиб Ҳазратқулов. Умумий ўрта таълим мактабларининг адабиёт дарсларида иншонинг ўрни 138
Feruza Akmaldinova. globallashuv sharoitida mantiqiy fikrlashning o'rni ... 142
**ANIQ VA TABIIY FANLAR ... 146**
Gulnora Ixtiyarova, Nigora Jo'raqulova, Ma'murjon Ahadov, Charos Haydarova. Virtual laboratoriyadagi uch o'lchovli o'zaro ta'sirning kimyo ta'limidagi o'rni ... 146
Машрабжон Маматов, Қундуз Каримова. Бошланғич синф математика дарсларида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантириш ва тафаккур амалларининг бажарилиши ... 152
Mansur Ergashov, Mahbuba Ochilova, Zulfiya Qodirova. Modulli ta'lim texnologiyalarini qo'llab "asoslar va tuzlarning umumiy xossalari" mavzusini o'tish ... 157
Муаттархон Акбарова. Нокимёвий таълим йўналишларида "кимё" курсини ўқитишда дидактик материаллардан фойдаланиш ... 160
Анваржон Рашидов. Масофавий таълим моделлари ва уларни такомиллаштириш истиқболларини эксперт баҳолаш усули орқали аниқлаш ... 163
Shabnam Yusufzoda. Boshlang'ich sinfda misollar yechish jarayonida yo'l qo'yiladigan xatolar va ularni bartaraf etish ... 171
Baxtiyor Ungarov, Nafosat Muhamadiyeva. Ixtisoslashtirilgan umumta'lim maktablari boshlang`ich sinf matematika darslarida ko`paytirishga oid algoritmlarni ishlab chiqish texnologiyalaridan foydalanish ... 176
Shahlo Xudoyqulova. Tabiatshunoslik va uni o'qitish metodikasini takomillashtirishda talabalarning mustaqil va ijodiy ishlarini tashkil etish ... 179
Майсара Нуриддинова. Бошланғич синф "Атрофимиздаги олам" фанини ўқитишда инновацион услублардан фойдаланишнинг методик хусусиятлари ... 183
**IQTISODIY TA'LIM VA TURIZM ... 187**
Махаммаджон Бутабоев, Фарход Мулайдинов. Сущность и особенности зеленой экономики ... 187
**TASVIRIY SAN'AT VA MUSIQA ... 194**
Саидахбор Булатов. Улуғбекнинг жаҳон олимларини ҳайратга соладиган кашфиёти аниқланди ... 194
Баҳром Мадримов. Талабалар тарбиявий ишларини режалаштиришнинг педагогик асослари ... 201
Маърифат Умурова. Аждодлар меросида мусиқа ва руҳият талқини ... 204
Рустам Раҳимов. Мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларини ахлокий-эстетик тарбиялашнинг назарий асослари ... 207
Нурбек Раҳматов. Талабаларни халқ қўшиқлари воситасида эстетик тарбиялаш ... 211
**ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ... 216**
Павел Костенок, Валентина Миронова. Оздоровительная гимнастика цигун как средство решения ключевых задач обеспечения безопасности личности ... 216
Азамжон Махмудов. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ... 221
Содик Казаков. Взаимосвязь физического и психического развития детей в процессе физического воспитания ... 226
Феруза Зокирова. Физкультурно-оздоровительные подходы в процессе физического воспитания студентов вузов ... 229
Amirbek Ikramov. Maktab o'quvchilariga jismoniy tarbiya mashg'ulotlariga qiziqishni shakllantirishda harakatli o'yinlarning o'rni ... 232
**QUTLOV ... 235**
BuxDU magistranti respublika miqyosida matematika sohasida "Eng yaxshi ilmiy maqola" tanlovi g'olibi bo'ldi ... 235
"Педагогик маҳорат" журнали учун мақолаларни расмийлаштириш талаблари ... 236

https://buxdu.uz

# РЕКТОР МИНБАРИ



**Обиджон ХАМИДОВ**
Бухоро давлат университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

*Мақолада олий таълим тизимида масофавий таълим тизими ва уни ривожлантириш масалалари, масофавий таълим тизимини ташкил килиш усуллари, масофавий ўқитишнинг аҳамияти атрофлича кўрсатиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *масофавий таълим тизими,масофавий таълим,платформа, тажриба, модул ўқитиш тизими.*

*В статье рассматривается развитие дистанционного образования в Республике Узбекистан, обзор методов организации дистанционного образования, состояние и проблемы системы дистанционного образования, модели дистанционного обучения и их типы.*

***Ключевые слова:*** *система дистанционного обучения, дистанционное обучение, платформа, опыт, модульная система обучения.*

*The article deals with the development of distance education in the Republic of Uzbekistan, a review of the methods for organizing distance education, the state and problems of the distance education system, distance learning models and their types.*

***Key words:*** *distance learning system, distance learning, platform, experience, modular learning system.*

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли – масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди.

Замонавий технологиялар масофавий олий педагогик таълимни янгича ташкил қилинишига асос яратади. Бундай таълимда педагоглар, компьютер дастурчилари ва мутахассислари ёрдамида янги ўқитиш курсларини яратишлари лозим бўлади. Замонавий таълим тизими ўқитувчидан масофавий ўқитиш тизимига тайёр бўлмоғини, яъни илғор ўқитиш технологияларни (Интернет, Кейс, ТВ – технологиялар ва ҳ.к.) ўзлаштирган бўлишини тақозо этмоқда.

Олий таълим муассасасини бошқаришни автоматлаштириш, ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури”нинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади [1]. Айни вақтда, мазкур йўналиш бўйича XXI аср талабларига мос келувчи концептуал қарашлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли олий таълим муассасаларининг айрим фаолиятларидагина ахборот тизимларини жорий этилганини кўришимиз мумкин. Олий таълим муассасаси фаолиятини тўлиқ ахборотлаштириш олий таълим тизимидаги янги ислоҳотлар ҳисобига мураккаблашиб, баъзи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилишини тақозо этмади. Бунинг учун ахборотлаштиришнинг энг биринчи вазифаси мавжуд жараёнларни реинженеринг қилишдан иборат бўлади. Ушбу йўналишда Жанубий

https://buxdu.uz



Корея, Буюк Британия, Дания, ва Россия каби давлатларнинг тажрибаси ўрганилганда, ахборотлаштиришнинг асосий мақсади биринчи навбатда таълим сифатини оширишга қаратилган бўлса, кейинги ўринда жараёнларни автоматлаштириш орқали олий таълим муассасаси ходимлари ва профессор-ўқитувчилари фаолиятида кўп такрорланадиган вазифалар учун кетадиган вақтни тежашга қаратилган. Таълим сифатини оширишда асосий эътибор таълим контентларини яратиш ва улардан очиқ фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Эндиликда эса таълим тизимида таълим олишнинг анъанавий шакллари ўрнига масофавий таълим элементлари кириб келди.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди.

Масофавий таълимда талаба ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни бажаради.

Масофавий ўқитиш барча таълим олиш истаги бўлганларга ўз малакасини узлуксиз ошириш имконини яратади. Бундай ўқитиш жараёнида талаба интерактив режимда мустақил ўқув-услубий материалларни ўзлаштиради, назоратдан ўтади, ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида назорат ишларинибажаради ва гуруҳдаги бошқа «вертикал ўқув гуруҳи» талабалари билан мулоқотда бўлади.

Маълум сабабларга кўра, таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида таҳсил олиш имконияти бўлмаган, масалан, соғлиги тақоза этмайдиган, мутахассислигини ўзгартириш нияти бўлган ёки ёши катта, малакасини ошириш нияти бўлган кишилар учун масофавий ўқитиш қулай ўқитиш шакли ҳисобланади.

Масофавий ўқитишда турли хил ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланилади, яъни ҳар бир технология мақсад ва масала моҳиятига боғлиқ. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиш воситалари (ўқув қўлланма, дарсликлар) талабаларни янги материал билан таништиришга асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишга, электрон почта тўғри ва тескари алоқа ўрнатишга, яъни хабарларни жўнатиш ва қабул қилишга мўлжалланган. Олдиндан тасмага муҳрланган видеомаърузалар талабаларга маърузаларни тинглаш ва кўриш имконини берса, факсимал алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашиниш талабаларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имконини беради.

Юқоридагиларга асосланиб, таълим жараёнида айни вақтда қайта-қайта тилга олинаётган айрим терминлар тавсифи ва таърифларни келтириб ўтамиз.

**Масофавий ўқитиш** –энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртқи ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир.

**Масофавий ўқиш** –бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизимидир. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, ўқувчидан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишни талаб қилувчи тизимдир. Бунда ўқиш жараёни таълим олувчини қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас.

**Масофавий таълим** –масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи махсус ахборот муҳит ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим тури.

https://buxdu.uz



**Масофавий ўқитиш тизими** –масофавий ўқитиш шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиш тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиш тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга.

Нима учун масофавий таълим керак бўлиб қолди? – деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб тариқасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

Таълим олишда янги имкониятлар (таълим олишнинг арзонлиги, вақт ва жойга боғлиқмаслиги ва бошқалар).

Таълим масканларига талаба қабул қилиш сонининг чекланганлиги.

Таълим олишни хоҳловчилар сонининг ошиши.

Сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Халқаро интеграциянинг кучайиши.

Юқорида санаб ўтилган шароит ва имкониятлар масофавий ўқитишга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Масофавий ўқитишнинг таълим тизимида бир-биридан фарқланувчи модел ва шакллари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги қўлланиш шартлари билан фарқланади:

географик шартлар (масалан, мамлакат территорияси, марказдан узоқликда жойлашуви, иқлими);

мамлакатнинг ахборотлашуви ва компьютерлаштириш умумий даражаси;

коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси;

таълим жараёнида ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг қўлланиш даражаси;

таълимда қўлланиладиган анъаналари;

масофавий ўқитиш тизими учун илмий педагог кадрлар мавжудлиги ва уларнинг салоҳияти ва бошқалар.

Умуман олганда масофавий таълимнинг мақсадига қуйидагилар киради:

Мамлакат миқёсидаги барча ҳудудлар ва чет элдаги барча ўқувчилар, талабалар, таълим олишни хоҳловчиларга бирдек таълим олиш имкониятини яратиб бериш.

Етакчи университетлар, академиялар, институтлар, тайёрлов марказлари, кадрларни қайта тайёрлаш муассасалари, малака ошириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларининг илмий ва таълим бериш потенциалларидан фойдаланиш эвазига таълим беришнинг сифат даражасини ошириш.

Асосий таълим ва асосий иш фаолияти билан параллел равишда қўшимча таълим олиш имкониятини яратиб бериш.

Таълим олувчиларни таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш ва таълим муҳитини кенгайтириш.

Узлуксиз таълим имкониятларини яратиш.

Таълим сифатини сақлаган ҳолда янги принципал таълим даражасини таъминлаш.

Юқоридагиларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, масофавий таълим элементларини таълим муассасаларига жорий этилиши ҳар томонлама фойда келтиради. Олий таълим тизимида бу комплексни жорий қилиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Мамлакатимизда олий таълим соҳасини такомиллаштириш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчилислоҳотлар жараёнида Бухоро давлат университети ҳам фаол иштирок этиб, эришилаётган ютуқларга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Айниқса, дунёнинг кўплаб давлатларида коронавирус пандемияси ёйилиши билан боғлиқ фавқулодда воқеалар университет жамоаси зиммасига мутлақо янги вазифалар юклади. Карантин даврида кўплаб олий таълим муассасалари қатори Бухоро давлат университетида ҳам масофадан ўқитиш йўлга қўйилди. Бу 16 мингга яқин талабалар контингентига эга олий таълим муассасаси учун ўзига хос синов бўлди.

Аввало, университетимизда масофавий таълим бериш ишларини тўлиқ йўлга қўйиш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, онлайн модул ўқитиш тизими ишга туширилди. Талабаларга масофавий таълим беришда қулайлик яратиш мақсадида иккита муқобил вариант

https://buxdu.uz



шакллантирилди. Биринчиси, телеграм ижтимоий тармоғида ҳар бир кафедра кесимида масофавий таълимни олиб боришга мўлжалланган ижтимоий гуруҳлар ташкил этилди.

Иккинчиси, масофавий таълим платформасига аъзо бўлиш имконияти мавжуд бўлмаган талабалар учун электрон ўқув ресурсларини етказиш ва ўрганиш жараёни бўйича мулоқот ташкил қилинди.

Шунингдек, университет веб сайти ва телеграм ижтимоий тармоғидаги саҳифалари орқали университет ва олий таълим тизимидаги янгиликлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар мазмунини талабаларга етказиш тизими йўлга қўйилди.

Уиверситетнинг профессор-ўқитувчилари томонидан ҳозирги кунга қадар 1700 та фандан ўқув ресурси Moodle электрон таълим тизимига жойлаштирилди.

Амалдаги ўқув жараёни жадвалига мувофиқ, талабаларнинг жорий, оралиқ ва якуний назорат топшириқлари тизимга жойлаштирилган. Талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг тизимдаги иштироки, фаоллик даражаси университет раҳбарияти, гуруҳ мураббийлари ва фан ўқитувчилари томонидан қатъий назоратга олинган. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар томонидан ўқитилаётган фанлар бўйича тегишли мавзулардан видеодарслар тайёрланиб, мунтазам платформага жойлаштирилмоқда.

Университет раҳбарияти томонидан барча масъулларга шу йил 1 апрелдан бошлаб, кунлик амалга оширилган ишлар бўйича ахборот бериб бориш вазифаси юклатилган. Бажарилган ишлар ҳисоботи ва таклифларни ўрганиб чиқиш мақсадида университет раҳбарияти ҳамда профессор-ўқитувчилар иштирокида белгиланган муддатларда ZOOM дастури орқали видеоконференциялар уюштирилмоқда.

Масофавий таълим — келажак таълими. Шу боис дунё таълим тизими ўқитишнинг шу шаклига босқичма-босқич ўтяпти. Бухоро давлат университети ҳам жаҳон олий таълим тизимига интеграциялашаётган ўқув муассасаси сифатида масофавий таълимга тайёргарлик босқичида эди. Пандемия сабаб бу жараён тезлашиб, тўлақонли тизим шаклланишига туртки бўлмоқда.

Масофавий таълим ўтиш ишлари карантин тугагандан сўнг ҳам давом эттирилади. Шу боис 2020-2021 ўқув йилига тайёргарлик юзасидан ишларни масофавий шаклда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Унга асосан, магистратурага қабул жараёнини масофавий ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилмоқда.

Масофавий ўқитишда анъанавий босма усулига асосланган ўқитиш воситалари, видеомаъruzалар билан бирга, интерактив усуллардан ҳам фаол фойдаланилмоқда. Аудио ва видеоконференциялар ташкил этилмоқда. Университетимизнинг профессор-ўқитувчилари ҳам замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиб, масофавий таълимни сифатли ташкил этиш бўйича билим ва кўникмаларини такомиллаштирмоқда.

Университетнинг халқаро рейтингларга киришини таъминлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Бундан кўзланган асосий мақсад, университетда “Proofreading service” хизматини кенгайтириш, Scopus ва Web of Science журналларида мақолалар чоп этиш бўйича маҳорат дарслари ташкил этиш, университетга хорижлик талабаларни жалб қилиш, KOICA, JICA, ITEC, ERASMUS+, UniCEN, Fullbright халқаро дастурлари билан яқиндан ҳамкорликни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар кўриш, лойиҳалар тақдим этиш, волонтёрларни таклиф қилишдан иборат.

Университетимиз профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларига илмий тадқиқот олиб бориш ҳамда мақолаларини хорижий илмий журналларда чоп этишга кўмаклашиш мақсадида ҳар бир факультетга масъуллар бириктирилиб, улар “Scopus” ёки “Web of Science” базасига киритилган илмий журналларга мақолалар тайёрлаш ҳамда уларни чоп эттиришга кўмаклашмоқда.

Университет профессор-ўқитувчилари ҳамда илмий ходимларига халқаро “Scopus” ёки “Web of Science” базасига киритилган илмий журналларда мақолаларни чоп этишга кўмаклашиш мақсадида факультетларга бириктирилган масъуллар томонидан Zoom дастури орқали ҳар бир кафедралар кесимида онлайн семинар-тренинглар ташкил этилмоқда.

https://buxdu.uz



Бутун дунё халқлари бошига тушган ушбу синовли дамларни бирдамлик билан енгиб ўтамиз. Бироқ энг қимматли бўлган вақтнинг беҳуда сарфланишининг олдини олиб, карантиндаги ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, ундан унумли фойдаланишимиз лозим.

**Адабиётлар**

1. 20.04.2017 й. ПҚ-2909-сон “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури.

2. Парпиев А., Марахимов А., Ҳамдамов Р., Бегимкулов У., Бекмурадов М., Тайлоқов Н. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари. ЎзМЭ давлат илмий нашриёти. -Т.: 2008.-196 б.

3. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан, 2009. -145 б.

4. Аюпов Р.Х., Шаякубов Ш.Ш. Интерфаол таълим усуллари ва воситалари. Т.: ТМИ, 2016. -164 б.

https://buxdu.uz



## PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA

**Сиддиқ ҚАҲҲОРОВ**
Бухоро давлат университети
физика кафедраси профессори,
педагогика фанлари доктори

**Акмал ЖЎРАЕВ**
Бухоро давлат университети
меҳнат таълими кафедраси ўқитувчиси,
педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

# БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШДА ДАСТУРЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*Мақолада бўлажак технология фани ўқитувчиларини касбий тайёрлашга мўлжалланган дастурлаштирилган таълим воситалар таркибига мултимедиали ўргатувчи тизимлар, аудио ўқув-ахборот материаллари, видео ўқув-ахборот материаллари, амалий ишлар, тренажёрлар, электрон кутубхоналар, эксперт ўргатувчи тизимлар асосидаги ўқитиш воситалари, электрон кўргазмаларнинг таълим жараёни сифати ва самарадирлигини оширишдаги дидактик имкониятлари таҳлил қилиниб, ўқитиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида фикрлар баён қилинган.*

***Таянч сўзлар:*** *технология, дастурлаштирилган восита, электрон дидактик восита, электрон дарслик, мултимедиа, компетентлик.*

*В статье обсуждаются вопросы внедрения мультимедийных обучающих систем, аудио-обучающих информационных материалов, практических работ, тренажеров, электронных библиотек в состав запрограммированных образовательных средств, предназначенных для профессиональной подготовки будущих учителей предмета технологии и профессионального образования. Также, рассмотрено включение в ряд образовательных средств и средство обучения на основе экспертных обучающих систем. Проанализированы дидактические возможности в повышении эффективности и качества в систему образования этих наглядных электронных средств. Изложены мнения о совершенствовании методики обучения.*

***Ключевые слова:*** *технология, запрограммированное средство, электронное дидактическое средство, электронный учебник, мультимедиа, компетентность.*

*The article discusses the introduction of multimedia training systems, audio-training information materials, practical works, simulators, electronic libraries programmed educational tools intended for the training of future teachers of the subject of technology and vocational education. Also, the inclusion of a number of educational tools and a learning tool based on expert training systems is considered. The didactic possibilities in increasing the efficiency and quality of the educational system of these visual electronic means are analyzed. The opinions on the improvement of teaching methods are stated.*

***Key words:*** *technology, programmed tools, electronic didactic tools, electronic textbook, multimedia, competence.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган таълим ва фан соҳасини ривожлантириш асосида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5099-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарорлариузлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш,малакали кадрлар тайёрлаш, таълим сифатини тубдан оширишҳамда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга [1].

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: С.С. Ғуломов ахборот тизимлари, А.А. Абдуқодиров масофавий таълимни ташкил қилиш; М.М. Арипов ахборот технологиялари мазмуни; У.Ш. Бегимкулов олий таълимда электрон ресурслардан фойдаланган ҳолда бошқариш; У.Юлдашев ахборот

https://buxdu.uz



технологияларидан таълим тизимида фойдаланиш, ягона ахборот маконини яратиш ҳамда ресурс ва гибрид, интеллектуал тизимлараро муносабатлар, эксперт-ўқитиш тизимлари; Ф.М. Закирова виртуал дидактик карточкалар; Н.А. Муслимов таълим тизимида масофали таълимни қўллашнинг умумий тавсифи ва қиёсий таҳлили; Қ.Т. Олимов электрон дарсликлар яратиш технологияси ва тамойиллари; А.Ғ. Ҳайитов педагогик дастурий воситалар; Н.И. Тайлоқов электрон дарсликлар ва электрон қўлланмалар яратиш йўллари, уларга қўйиладиган талаблар; О.К. Тихомиров таълимни компьютерлаштиришнинг психологик муаммолари, автоматлаштиришнинг психологик хусусиятлари таҳлили; А.С. Лесневский электрон ахборот ресурслари турларининг тавсифланиши ва уларнинг дастурий воситаларини ўрганган [2].

Санаб ўтилган ишлар, таълимда электрон ахборот ресурсларини яратиш, уларнинг хоссаларини санаб бериш ва жорий қилиш муаммоларига бағишланган бўлсада, уларни ўқитиш методикасига қўйиладиган талаблар, хусусан, бўлажак технология фани ўқитувчиларини касбий тайёрлашда, умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича жорий қилиш муаммолари етарлича ўрганилмаган.

Тадқиқотчилар фикрича, бутун ҳаёти давомида таълим олиш - бу бошланғич, умумий ўрта, касб-ҳунар ва олий таълим йиғиндиси эмас, балки инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олишни шакллантиришни кўзда тутади. Улар таълим олиш бутун ҳаёти давомида узлуксиз жараён бўлишини, бугунги кунда таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, мақсадга интилиш, индивидуал ва гуруҳий ишлари ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва дарсдан ташқари таълим олиш имкониятларини яратиш таълим муассасаларининг асосий вазифаси бўлишини таъкидланган.

В.Паронджанов "XXI аср дарслиги" номли асарида қуйидаги фикрлар баён қилинган: "Ҳозирги даврда янги авлоди учун замонавий билим ва маълумотларга эга бўлиш зарур бўлади. Табиий, техник ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг барча соҳаларида аввалги стандартлар билан таққослаб бўлмайдиган даражада улкан ҳажмдаги билимларни эгаллашга тўғри келади. Ҳозирги таълим методлари, технологиялари ва ўқув адабиётлари бунга жавоб бермайди" [3].

Б.Ю.Ҳодиев фикрига кўра, замонавий дарслик таълим жараёнини сезиларли жадаллаштиришга имкон яратувчи восита сифатида хизмат қилиши керак [4].

Т.С.Назарова, Ю.П. Господарик фикрича, замонавий дарслик мустақил билим олишни ташкил қилиш учун шароит яратишга, таълим олувчиларда ижодий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилиши керак. Муаллифлар томонидан замонавий дарсликнинг функцияси ахборот узатиш эмас, балки мустақил таълимга ёндашган ҳолда ўқитувчи ва таълим олувчининг фаолиятини ташкил қилишдан иборат бўлиши таъкидланган [5].

Б.М. Мирзаҳмедов "Замонавий таълимнинг ривожланиш босқичида дарсликларнинг янги авлодини яратиш педагогик ўзгаришларни таълаб этади ва ушбу ўзгаришлар орқали ўқув адабиётларини таҳлил қилиш критериялари ва шакллари аниқланади. Яхши ёзилган дарслик ўқув жараёнидаги кўп муаммо ва қийинчиликлардан халос этади, ўқитиш самарадорлигини оширади, таълим олувчиларнинг тизимли билимларини таъминлайди, ижодий қобилиятларини ривожлантиради ҳамда касбий мотивациясини кучайтиради" деб таъкидлаганлар [6].

А.З. Рахимов тадқиқотларида ўқув адабиётларининг янги авлоди қандай хусусиятларга эга бўлиши ва уларга қўйиладиган талаблар келтирилган бўлиб, бугунги кунда таълим воситаларининг асосий вазифаси таълим олувчиларга ананавий билим ва маълумот бериш билан чекланиб қолмай, балки уларни мустақил ва мунтазам ўқишга, изланишга, касбий ва ҳаётий муаммоларни ечишга ўргатиш долзарб вазифалардан биридир [7].

Маълумки, 2002 йил 7 мартда Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамда Давлат матбуот қўмитасининг 71/22/44 сонли қўшма буйруғи билан «Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси» тасдиқланган [8]. Ушбу меъёрий ҳужжат (концепция) узлуксиз таълим тизимининг барча турлари учун фанлар бўйича узвий боғланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга асос бўлиб, ўқув жараёнини сифатли ташкил қилишга хизмат қилиб келмоқда.

Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш олдига қўйилган талабларда: «Узлуксиз таълим тизимининг барча турларида фундаментал билимлар бўйича» ўқув адабиётларининг, асосан, анъанавий босма шаклда тайёрланиши, «Электрон ўқув адабиётлари»нинг «Билим олувчилар тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланиши, кўпроқ чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича» яратилиши, «Узлуксиз таълим тизимида фан ва технологияларнинг жадал ривожланиб боришига мувофиқ тарзда мазмуни тез ўзгарувчан, чуқурлаштириб ўқитиладиган, касбий махсус фанлар бўйича асосан кам ададли электрон ўқув адабиётлари» тайёрланиши таъкидланган.

https://buxdu.uz



Хусусан, дастурлаштирилган таълим воситаларга электрон дарслик, электрон ўргатувчи тизим, электрон масалалар тўплами, электрон тренажёр, электрон лаборатория, электрон маълумотнома, мультимедиали ўқув машғулоти, электрон ўқув курси, электрон тикловчи курс, электрон ўқув-услубий мажмуа, билимларни назорат қилишнинг компьютерли тизимилари киради.

“Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси”да таъкидланганидек, миллий истиқлол ғоясига содиқ, интеллектуал салоҳиятга эга, илм-фаннинг замонавий ютуқлари асосида мустақил фикр юрита оладиган шахсларни тарбиялаш рақобатбардош, юқори малакали кадрларни тайёрлаш асосида ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишни талаб этади. Ўқув адабиётларининг янги авлоди орасида электрон ўқув адабиётлари алоҳида ўрин эгаллайди [9].

Дастурлаштирилган таълим воситаларнинг асосий дидактик имкониятлари, бир нечта тоифада қўлланилишини билдиради:

1. Мультимедиали ўргатувчи курс сифатида, бир нечта намойиш анимациялар, видео дарслар, иллюстрациялар, ўргатувчи ва интерфаол лабораториялардан таркиб топган.

2. Мультимедиали ўргатувчи интерфаол лаборатория сифатида, таълим олувчиларнинг лаборатория иши топшириқларини бажаришда фаол бўлишга, бевосита ўзи иштирок этишга ундайди, бунинг натижасида дастурлаштирилган таълим воситаларини яратиш ва қўллаш бўйича билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.

3. Ўргатувчи – назорат қилувчи сифатида, ҳар бир мавзу бўйича ўргатувчи, машқ қилдирувчи ва назорат тестлари киритилган бўлиб, улар ёрдамида таълим олувчилар қўйилган саволларнинг тўғри жавобини ўрганади, ўз билим даражасини аниқлайди. Бунда тўғри жавобни ўрганиш орқали билим олиш самарадорлиги ошади [12].

Ҳар бир мавзу бўйича методик ишланмалар тайёрлаш, таълим олувчилар билан машғулотларни гуруҳ бўлиб ўтишни ташкил этиш, ўқитувчи томонидан ҳар бир таълим олувчининг ўқув фаолиятини индивидуал қўллаб-қувватланишини ташкил этиш, яратилган дастурлаштирилган таълим воситалардан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотларни ва мустақил таълимни ташкил этиш, ҳамда дастурлаштирилган таълим воситаларни яратиш жараёнида фойдаланиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатди. Таълим олувчиларнинг ўз соҳаси билан бир қаторда касбий педагогик фаолиятида ахборот технологиялари, хусусан дастурлаштирилган таълим воситалар яратиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Баён этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланиш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишда бир қатор жараёнларни бажариш керак: жумладан, таълим соҳасини танлаш ва зарур муаммоларни тизимли таҳлил қилиб, бартараф этишда дастурлаштирилган таълим воситаларини яратиш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни тақозо этмоқда.

Бўлажак технология фани ўқитувчиларида ўқув материалини дастурлаштирилган таълим воситалари асосида мустақил ўрганиш малакасини шакллантириш жараёни, ўқитувчи томонидан мақсадли ташкил этилади ва унинг назорати остида амалга оширилади. Шу ўринда бўлажак касб таълими ва технология фани ўқитувчиларини умумкасбий ва ихтисослик фанлар бўйича касбий тайёрлаш жараёнида дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланиш асосида мутахассис тайёрлаш тузилмаси – моделини яратиш назарияси илгари сурилади [10].

Мутахассис модели вазиятни яхлит тушуниш, олий таълим муассасаси доирасидан ташқарига чиқиш, ўрганилаётган мутахассислар мисолида технология фани ўқитувчилари фаолияти соҳасидаги ўзгаришларни олдиндан айтиш ва бу ўзгаришларни мутахассислар тайёрлаш жараёнида ҳисобга олиш зарурлигини ўз ичига олиши лозим.

Мутахассис педагог фаолияти моделини яратиш мураккаб ва кўп қиррали вазифа бўлиб, унинг босқичларини Р.С. Немов қуйидагича ажратиб кўрсатган: мутахассис моделининг асосий параметрларини дастлаб фаразлар тарзида, сўнгра тадқиқот даражасида ажратиб кўрсатиш; моделни лойиҳалаш учун унинг кўрсаткичларини танлаш, конструкциялаш, стандартлаштириш; мутахассис моделини яратиш учун методик асосларни ишлаб чиқиш лозим бўлади [11].

Шундай қилиб, бўлажак технология фани ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини модел кўринишида ифодалашнинг ахборот-таълим муҳитида технология фани ўқитувчиларини касбий тайёрлаш механизмини такомиллаштириш ва унинг таркибий қисмларини мантиқий ўзаро боғлиқлиги асосида ишлаб чиқиш кераклигини билдиради. Унга кўра, олий таълим тизимида бўлажак технология фани ўқитувчиларини касбий тайёрлашда дастурлаштирилган таълим воситалар асосида ташкил этиш кераклигини таъкидлаш мумкин.

https://buxdu.uz



**Бўлажак технология фани ўқитувчиси:** ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жараёнига раҳбарлик қилувчи, якуний натижада уларнинг меҳнат қуроллари, воситалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларини ҳамда маълум соҳадаги ишлаб чиқариш меҳнатини бажариш учун зарур амалий кўникма ва малакаларини шакллантирувчи, онгли равишда касб танлашга ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифатларини ва тафаккурларини ривожлантиришга қаратилган фаолият билан шуғулланувчи шахс тушунилади.

**Таълимда касбий-педагогик тайёргарлик:** келгуси касбий фаолиятлари давомида лозим бўладиган касбий маҳорат элементларини таркиб топтириш.

**Таълимда касбий сифатларни таркиб топтириш:** глобал фикрлаш, касбий ташкилотчилик, интизомлилик, ташаббускорлик, бошқарувчанлик, касбий омилкорлик, меҳнатсеварлик, қизиқувчанлик, мотивацион хислат, интеллектуал салоҳият, иродавийлик, ҳиссийлик, амалий кўникмалар, ўз-ўзини бошқара олиш.

**Таълимда касбий билимдонлик:** глобал билим, фанлар интеграцияси, ахборот технологияларини ўзлаштирганлик, хорижий тилларни билиш, касбий тажриба, касбий мослашувчанлик.

**Ахборот технологияларини эгаллаганлик:** компьютер саводхонлиги, технология таълими жараёнида ахборот технологияларини қўллай олиш, малакасига эга бўлиш, ахборот ресурслардан фойдаланиш.

**Электрон дарсликлар:** компьютер технологияларига асосланган таълим методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиш воситаси бўлиб, ундан мустақил таълим олишда ва ўқув материалларини ҳар томонлама самарали ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин. Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари талабаларга интерфаол методлар билан, психологик ва педагогик жиҳатлар, замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланилади.

**Электрон дарсликлардан фойдаланиш:** бу малака талабларининг мутахасссислик ва йўналишлар бўйича фанларнинг алоҳида муҳим бўлимлари бўйича тайёрланган электрон нашрлар, намунавий ва ишчи режалар, шунингдек, машқлар ва масалалар тўпламлари, харита ва схемалар альбомлари, тузилма атласлари, диплом лойиҳаси бўйича кўрсатмалар, маълумотномалар акс этган электрон манбадир.

**Виртуал лабораториялар:** ўрганилаётган ҳақиқий объектларда бўлаётган жараёнларни компьютер имитацияси орқали тақдим этиш ва масофавий кириш имкониятига эга бўлган дастурлаштирилган мажмуа.

**Касбий компетентлик:** ўрганилаётган аниқ объектлар билан боғлиқ мантиқий, методологик ва ижтимоий фаолият элементларидан иборат бўлган мустақил фикрлаш компетентликларининг тўплами, мақсадни кўра билиш, фаолиятни режалаштириш, мазмунини таҳлил қилиш, рефлексия, фаолиятга шахсий баҳо бериш борасидаги билим ва малакалар мажмуаси.

**Ахборот олишга компетентлик:** аудио-видео воситалари ва ахборот технологиялари (интернет ва бошқалар) ёрдамида мустақил изланиш, таҳлил қилиш ва зарур ахборотларни танлаб олиш, уларни таҳлил этиш, ўзгартириш, сақлаш ва узатиш маҳорати.

**Коммуникатив компетентлик:** ўзаро муносабатлар, уларнинг методлари, мулоқот жараёнида устувор ўрин тутувчи тилни ўзлаштириш, гуруҳларда ишлаш кўникмалари, жамоада турли хил маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишни билиш.

**Амалий фаолиятга компетентлик:** маънавий, мотивацион, интеллектуал, амалий, иродавий ва ҳиссий ўз-ўзини такомиллаштириш.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, бўлажак касб таълими ва технология фани ўқитувчиларини касбий тайёрлашда ахборот-таълим муҳитининг ўрни сезиларли даражада салмоқли бўлиб, бунда дастурлаштирилган таълим воситаларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Дастурлаштирилган таълим воситалардан маъруза, лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказишда, таълим олувчилар билимини назорат қилишда фойдаланиш мумкин. Таълим олувчилар, дастурлаштирилган таълим воситалардан аудитория машғулотларидан ташқари мустақил таълимда ҳам индивидуал фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Ишлаб чиқилган видеодарслар, интерфаол лаборатория ишлари, ўргатувчи, машқ қилдирувчи ва назорат тестларидан фойдаланиш, бўлажак касб таълими ва технология фани ўқитувчиларининг умумкасбий ва ихтисослик фанлар бўйича касбий компетенцияларини шакллантиришда самарадорлиги билан асосланади.

https://buxdu.uz



Доимий ва тез ўзгариб борувчи технологиялар ва билимларнинг янгиланиши замонавий шароитларга мослашиш кўникмасига эга бўлиш ва янги билимларга интилишни талаб этади. Бунинг учун таълим олувчиларни янги билимларни мустақил ўзлаштиришга ўргатиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, яратиладиган ўқув адабиётларининг янги авлоди шахсни мукаммал ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Таълимда янги Давлат таълим стандартларининг жорий этилиши жараёнида таълим олувчиларнинг шахси марказий фигура ҳисобланиб, фан-техника ва технологияларнинг тараққий этиши эса ўзгарувчан таълим мазмунига ўтишни талаб қилади, уни танлаш эса ўқув методик таъминотни ривожлантириш стратегияси билан аниқланади.

Касбий фаолиятга йўналтирилган дастурлаштирилган таълим воситаларини яратиш, янги Давлат таълим стандартлари ва фанларнинг ўқув дастури мазмуни асосида қайта ишлаб чиқиш ва бу жараённи истиқболи режа асосида тизимли ривожлантириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Адабиётлар**


1. www.lex.uz.
2. Олимов Қ.Т. “Ўқув адабиётларини яратиш назарияси ва методикаси”. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. “Фан” нашриёти. – Т.: 2010 й. – 158 б.
3. Паронджанов В. Учебнник XXI века: он может быть эффективнее в 8000 раз: (электронный документ). Проверено 02.04.2003 г.
4. Ҳодиев Б.Ю. Олий таълим иқтисодий таълим тизими учун замонавий ўқув адабиётларини яратиш: янги стандарт талаблари, тузилиши, мазмуни. Академхизмат. – Т.: 2005 й. - 167 б.
5. Назарова Т.С., Господарин Ю.П.Стратегия развития учебной книги. Педагогика. – Т.: 2005 й. № 3. С. 10-19.
6. Мирзаҳмедов Б.М. Замонавий дарсликка қўйиладиган дидактик талаблар. “Ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимида замонавий ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Б .: 2006 й. – 148 б.
7. РахимовА.З. Логико-психологическая концепция разработки школьних учебников. Проблемы учебника. 20. М., 1991 г. С. 27-33.
8. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси. – Т.: Шарқ, 2002 й. – 176 б.
9. Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётларни янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари. Авторефер. дис. ...пед. фан. док. – Т.: 2005. - 44 б.
10. Тўрабеков Ф.С. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ахборот технологияларини қўллаш методикаси. 13.00.02. Дис. пед. фан. ном. – Т.: 2011 й. – 176 б.
11. Немов Р.С. Статистический анализ экспериментальных данных и способов наглядного представления результатов. – М.: “Просвещение”, 1992 г. - 550 с.
12. Турсунов С.Қ. Таълимда электрон ахборот ресурсларини яратиш ва уларни жорий қилишнинг методик асослари (педагогика олий таълим муассасалари «Web-дизайн» фани мисолида).13.00.02. педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2011 й. – 24 б.


**Роҳатой САФАРОВА**
Ўзбекистон педагогика фанлари илмий
тадқиқот институти лаборатория мудири,
педагогика фанлари доктори, профессор

# ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ОММАВИЙ МАДАНИЯТГА ҚАРШИ КУРАШЧАНЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Ушбу мақолада дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, мақолада ўқувчиларни интеллектуал, маънавий жиҳатдан ривожлантириш, уларда зарур компетенцияларни ва “оммавий*

https://buxdu.uz



*маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантиришда дарслик таянч восита бўлиб хизмат қилиши баён қилинган.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *оммавий маданият, аждодлар мероси, маданий қадриятлар, дарслик, ўқув адабиётлари, ижтимоий-гуманитар фанлар, одоб-ахлоққа доир ҳикматлар, маънавий олам, касбий маданият, маънавий-ахлоқий мерос.*

*Данная статья посвящена формированию у студентов навыков борьбы с массовой культурой путем интеграции шедевров Восточного педагогического мышления в содержание учебников и учебной литературы. Кроме того, в статье поясняется, что учебники служат базовым средством для развития учащихся в умственном, духовном смысле, в формировании необходимых компетенций и навыков борьбы с "массовой культурой".*

***Базовые слова и фразы:*** *массовая культура, наследие предков, культурные ценности, учебники, учебная литература, социально-гуманитарные науки, пословицы о нравственности, духовный ученый, профессиональная культура, духовно-нравственное наследие.*

*This article is devoted to the formation of students ' skills to combat mass culture by integrating masterpieces of Eastern pedagogical thinking in the content of textbooks and educational literature. In addition, the article explains that textbooks serve as a basic tool for the development of students in the mental and spiritual sense, in the formation of necessary competencies and skills to combat "mass culture".*

***Basic words and phrases:*** *mass culture, ancestral heritage, cultural values, textbooks, educational literature, social and humanitarian Sciences, Proverbs about morality, spiritual scientist, professional culture, spiritual and moral heritage.*

Халқимизнинг бирдамлигини, ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини тарбиялаганлигини эътироф этган ҳолда, маданиятнинг устуворлигига урғу бериш, жамият ҳаёти сифатининг янада юқори даражасини таъминлаш, унда фуқароларнинг ҳамжиҳат бўлишига эришиш, маънавиятли, масъулиятли, мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарори [1] қабул қилинди. Мазкур қарорда Ўзбекистонда миллий маданиятни янада ривожлантиришнинг муайян вазифалари белгиланган.

“Педагогика” энциклопедиясида “Оммавий маданият (*арабча* оммавий – умумга, умумхалққа тегишли, оид) – 1. Халқ маданияти, урф-одатлари, маросимлари, санъати ва шу кабиларни ифодаловчи тушунча. 2. ОАВ ривожи б-н боғлиқ ҳодиса. 3. Оммавий ишлаб чиқариш. 4. Маданиятнинг мураккаб, ҳаммавақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли” тарзида талқин этилади [2; 49-б.].

Бугунги кунда оммавий маданият дунёвий маданиятнинг асосига айланмоқда. Оммавий маданиятни тарғиб қилувчи асарлар умумий психологик тавсифлар ва идрок механизмларига таянади. Чунки у кишиларнинг ўқимишлилик даражаларидан қатъи назар ўз олдига қўйилган мақсадга эришиш имкониятига эга. Шу билан бир қаторда, бундай ҳодиса учун жамият аъзоларининг билимдонлиги зарарли ҳисобланади. Чунки инсоннинг ўқимишлилик даражасига эга бўлиши ҳиссий идрокка бевосита халақит беради. Оммавий маданият ҳиссий идрок этишга мўлжалланган ҳодиса ҳисобланади.

Шу сабабдан ҳам “оммавий маданият”нинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини ёшлар ва педагогларга етказиш зарурияти кучаймоқда. Унинг турли кўринишлари, турлари ҳақида маълумотлар бериш орқали “оммавий маданият”нинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрнини баҳолаш ниҳоятда зарур ҳисобланади. Ўқувчиларни интеллектуал, маънавий жиҳатдан ривожлантириш, уларда зарур компетенцияларни ва “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантиришда дарслик таянч восита бўлиб хизмат қилади. Дарсликлар аждодларимиз меросини ёш авлодга етказишда кўприк вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам дарсликларнинг мазмуни замонавий фан-техника ютуқларига таянган ҳолда танланиши лозим.

Дарсликларда ўқувчиларнинг хотираси, дунёқараши, маънавий оламини кенгайтиришга хизмат қиладиган, уларда “оммавий мадният”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантирадиган ўқув материалларини имкон қадар тақдим этиш, шу мақсадда аждодларимиз меросидан олинган намуналардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, Баҳоуддин Нақшбандийнинг одоб-ахлоққа доир қуйидаги ҳикматлари ҳам ўқув материали сифатида хизмат қила олади:

Денгиздан ҳамиша изламагин дур,
Одамга бир ҳунар бас, эзгу турур.

https://buxdu.uz



***

“Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғуда бўл”.

***

“Агар адабдан озгина нуқсонга йўл қўйсанг ҳам нимаики қилсанг беадаблик кўринади”.

* * *

“Агар дўст айбига боқсак, дўстсиз қоламиз, ҳеч ким дунёда беайб эмас”.

Баҳоуддин Нақшбандийнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги ҳикматларидан намуналарни Ўқиш, Она тили, Одобнома, Адабиёт, Ватан туйғуси, Маънавият асослари туркумидаги ўқув фанларидан тузиладиган дарсликлар таркибига киритиш мумкин.

Саъдий Шерозийнинг қуйидаги ҳикматларидан ҳам ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича тузиладиган дарсликларда фойдаланиш тавсия этилади:

Чумоли ёз бўйи йиғар емак-дон,
Токи қишда уйи бўлсин фаровон.

* * *

Ҳаракат бўлмаса, бўшаб кишани,
Орзуга етолмас полвонлар тани.

* * *

Ҳар ишдаким, инсон кўрсатур ҳиммат,
Тикан ҳам гулдаста бўлур оқибат.

* * *

Чин азму ҳаракат қилмай муттасил,
Ҳеч кимса муроди бўлмади ҳосил.

* * *

Эрта кун арпага зор бўлмай десанг.
Бу кун эк, шоядки, буғдой нон есанг.

Кўриниб турибдики, ушбу ҳикматлар ўқувчиларда ватанпарварлик, дўстга садоқат, меҳнатсеварлик, халқпарварлик, инсонийлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилиб, уларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантиради.

Дарслик яратиш соҳасидаги назарий ёндашувларнинг етарлича шаклланмаганлиги учта муҳим сабаб билан изоҳланади Улар:

1. Мавжуд ёндашувлар шуни кўрсатадики, дарслик яратиш - ўзига хос санъат асари яратиш демакдир. Бу ўринда илмий асосланган қонунлар ва қатъий қоидалар ўрнатиш мумкин эмас. Бу субъектив характердаги жараён бўлиб, ҳар бир муаллифнинг ўзигагина тааллуқли бўлган ҳолат ҳисобланади.

2. Мактаб таълимида дарслик жуда катта педагогик аҳамиятга эга. Уни муайян электрон воситалар билан алмаштириб бўлмайди. Электрон воситалар ва ўқув қўлланмалари уни тўлдиришга хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам дарслик ўқувчиларга фундаментал билим бериш, кўникма, малака ва компетенцияларини шакллантириш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш, тарбиялашнинг таянч воситаси ҳисобланади.

3. Бугунги кунда мавжуд тавсияларнинг аксарият қисми дарслик яратишдан кўра ўқув адабиётини нашр эттиришга тааллуқли ҳисобланади.

Аксарият ҳолатларда педагогларда касбий маданиятнинг етарлича шаклланмаганлиги туфайли улар ўқувчиларни “оммавий маданият” таъсиридан сақлашда камчиликларга йўл қўймоқдалар. Энг кўп учрайдиган ва кенг тарқалган камчиликлардан бири ўқитувчилар томонидан телевизион кўрсатувларнинг бир ёқлама таҳлил қилинаётганлиги, китобхонлик маданиятига етарлича эътибор қаратилмаётганлиги ёки ўқувчиларни китобларни саралаб ўқишга ундаш кўникмасининг педагогларда ҳам, ота-оналарда ҳам етарлича шаклланмаганлигида намоён бўлмоқда.

Дастлаб “оммавий маданият”нинг пайдо бўлиши ва йўналишлари устида тўхталиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жумладан, “оммавий маданият”, авваломбор, саноат ҳисобланади. У, биринчи навбатда, болалар ва ўқувчи-ёшлар онгини забт этиш, уларни жалб қилиш учун болаларнинг субмаданияти сифатида намоён бўлади. Бу болалар учун ёзилган бадиий адабиёт намуналари, ўйинчоқлар ва саноат тарзида ишлаб чиқариладиган ўйинлар, болалар истеъмолига мўлжалланган турли саноат маҳсулотлари, болалар учун мўлжалланган маданият масканлари ва оромгоҳлар, болаларни жамоавий тарбиялаш технологиялари кабиларда ўз ифодаини топади. “Оммавий маданият”нинг яққол намоён бўладиган мақсадларидан бири болаларни тарбиялаш мазмуни ва шаклларини стандартлаштиришдан иборат. “Оммавий маданият” ушбу воситалар орқали ўқувчи-ёшлар онгига ижтимоий ҳамда шахсий маданиятнинг умумлашган шаклларини сингдиришни назарда

https://buxdu.uz



тутади. “Оммавий маданият” муайян жамиятда ғоявий йўналтирилган қадриятларнинг таянч қоидаларига асосланган ҳолда оламни тасаввур қилишга ёшларни ундайди. Ушбу мақсадда “оммавий маданият” намояндалари жамиятда қатъийлашган тарғибот усуллари ва қадриятлардан фойдаланадилар.

Умумий ўрта таълим мактаблари болалар субмаданиятининг кенг тарқаладиган маконларидан бири ҳисобланади. Ўқувчилар асосий илмий билимлар билан мулоқотга киришиш натижасида атроф-олам ҳақида фалсафий, диний тасаввурга эга бўладилар. Ўзбек халқининг тарихий, ижтимоий-маданий тажрибалари шуни кўрсатадики, жамиятда қабул қилинган қадриятли муносабатлар, йўналишлар ўзининг ижтимоий-маданий моҳиятига эга. Шунинг учун ҳам бундай тарихий, ижтимоий-маданий тажрибалар билимлар мажмуини қамраб олган стандартларда ўз ифодасини топиши ҳамда ўқув дастурлари ва дарсликларида тақдим этиладиган ўқув материаллари орқали умумлашган шаклда ўқувчи ва талабалар онгига етказилиши керак.

Сўнгги йилларда россиялик олим Э.Орлова [3] томонидан оммавий маданиятнинг ижтимоий функцияларини тадқиқ этишнинг эътиборга молик назарий асослари ишлаб чиқилган. Оммавий маданиятнинг асосий вазифаси инсонларга мураккаб замонавий воқелик тўғрисидаги нисбатан тартибли тасаввурларни ва ижтимоий коммуникациянинг мос умумфойдаланиладиган тилини таъминлашидан иборат. У ахборот муҳитини ҳосил қилади, унда жамиятнинг барча аъзолари қатор ижтимоийлаштирувчи вазифаларни амалга ошириш туфайли стереотип ижтимоий-маданий вазиятлар ва уларнинг доирасидаги стандарт муносабатлар тўғрисидаги маълумотларни олишлари мумкин [3; 4-10-б.].

Оммавий ахборот воситалари ёшларга ҳаққоний ахборотларни еткзиш орқали уларнинг таълим жараёнида олган билимларини бойитишга хизмат қилиши лозим. Ушбу ахборотлар ҳар бир таълим олувчини “оммавий маданият”нинг икки ёқлама характеридан хабардор этишга хизмат қилиши лозим.

Л.П.Моринанинг фикрича[4], оммавий маданиятнинг мақсади – бу бўш вақтни тўлдириш ва инсондаги зўриқишни енгиш имконияти эмас, балки қабул қилувчидаги (тамошабин, тингловчи, китобхон) истеъмолчилик онгини рағбатлантириш бўлиб, бу инсоннинг мазкур маданиятни пассив, нотанқидий идрок этиши алоҳида турини шакллантиради. Оммавий маданият – замонавий жамият шароитларида маданиятнинг мавжудлигининг энг одатий усули бўлиб, унда оммавий маданиятнинг ишлаб чиқилиши кундан кунга, доимий, куну-тун амалга оширилади [4; 13-б.].

Миллий ташвиқот ва тарғибот тизими ўқувчи ҳамда талаба-ёшларни фидойилик руҳида тарбиялаш, уларнинг бузғунчи ғояларга қарши тура олиш кўникмаларини шакллантирувчи ва назорат қилувчи усуллар ва методларни кенг қўллаш, уларнинг онгини банд қилишга хизмат қиладиган воситаларни ҳар томонлама таҳлил этиш педагогларнинг муҳим вазифалари сирасига киради.

Хулоса қилиб айтганда, оммавий маданиятга қарши ёшларда ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуларини тарбиялашимиз, юксак халқ миллий маданияти нима эканини ёшлар онгига сингдиришимиз зарур. Бунда дарслик, қўшимча ўқув материаллари, дарс ишланмалари муҳим ўрин тутади. Биринчи навбатда, ижтимоий-гуманитар фанларни, жумладан, “Ватан туйғуси” фанини ўқитишда “оммавий маданият”га қарши ғоявий тарбия кўламини кенгайтириш, бунда асарлари ўзбек миллий маданиятида катта ўрин эгаллаган улуғ мутафаккирларимизнинг маънавий-ахлоқий меросидан фойдаланишимиз зарур.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарори. Lex.uz
2. Педагогика: энциклопедия. III жилд. жамоа // Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. 424-бет.
3. Орлова, Э. А. Социокультурное пространство массовой культуры // Обсерватория культуры. – 2004. – №3. – С. 4 – 10.
4. Морина, Л. П. Танец в системе массовой культуры // Российская массовая культура конца XX века. Материалы круглого стола. 4 декабря 2001 г. Санкт-Петербург. – СПб.: Санкт-Петербургское философское общество. – 2001. – С. 43.

https://buxdu.uz



**Махматмурод ШОМИРЗАЕВ**
Термиз давлат университети
умумтехника фанлари ва технология
кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИДА МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

*Мақолада миллий ҳунармандчилик ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти баён қилиниб, мазмун-моҳияти мантиқан кетма-кетликда изчил ёритилган.*

***Таянч сўзлар***: *кулол, сопол, ҳунарманд, хумдон, чанг, ҳунармандчилик, кулолчилик чархи, ганч ўймакорлиги, нақш, мисгарлик.*

*В статье описывается народное мастерство и его социально-экономическое значение с последовательной логикой.*

***Ключевые слова***: *гочар, керамика, ремесленик, утонченность, пыль, ремесла, керамика, ганчевая гравюра, узор, медь.*

*The article describes folk craftsmanship and its socio-economic significance with a logic and step by step logic.*

***Keywords***: *potter, ceramics, artisan, refinement, dust, crafts, ceramics, ganch engraving, pattern, copper.*

**Кириш.** Кулол-сопол идиш ва буюмлар тайёрловчи ҳунарманд ҳисобланади. У махсус тупроқдан қорилган лойдан пиёла, коса, товоқ, лаган, кўза, хурмача, тоғора, хум, тандир ва бошқа буюмлар тайёрлаш, уларни сирлаб безаш ва хумдонда пишириш билан шуғулланади. Асосий асбоби – ***чарх*** бўлиб ҳисобланади. У ҳамма халқларда асосан бир хилдир. Кулоллар бундан ташқари турли ўйинчоқлар, кошинлар ва кувурлар ҳам тайёрлай оладилар. Уларнинг касби “***кулоллик***”, ***“кулолчилик”*** деб юритилади.

Кулоллик, кулолчилик - ҳунармандчиликнинг лойдан турли-туман идиш, буюм, қурилиш материаллари ва бошқалар ишлайдиган соҳаси ҳисобланади. Ўтда қиздирилганда тошсимон бўлиб котиб пишадиган махсус (қорамтир, сарғиш, кўкимтир, яшил товланадиган ва бошқача) тупроқдан идиш тайёрлашни одамлар неолит даврининг бошларидаёқ (милоддан аввал 5 минг йиллик) билганлар.

Дастлабки, пайтларда идишлар лойдан тайёрланиб, қуритиб, кейин гулханда қиздирилган. Кулолчиликда ишлатиладиган тупроқ жаҳоннинг ҳамма ерида ҳам борлиги деярли барча халқларда кулолчиликнинг кенг тарқалишига имкон берди. Дастлаб, кулолчилик билан аёллар (милоддан аввал 4-минг йилликнинг охирлари (Месопатамия)да, ва 3-минг йилликнинг бошлари (Миср)да шуғулланган бўлсалар, кейинчалик, кулолчилик чархи ихтиро қилингач эса, кулолчилик билан эркаклар ҳам шуғуллана бошлаганлар. Унда идишлар махсус ўчоқ ва хумдонда пиширилган. Ҳозирги кунда кулолчиликнинг содда усуллари Осиёнинг тоғли ҳудудларида яшовчи халқларда ҳали ҳам мавжуд.

Неолит даврига мансуб қароргохларнинг қазиб топилган қолдиқлари ўша даврларда идишларнинг таги учли қилиб тайёрланганини кўрсатади. Бу шундан далолат берадики, ўша даврда идишлар ерга суқиб қўйиб ишлатилгандир [1].

Энеолит даври (мис асри)да Шарқ мамлакатлари ва Қадимги Грецияда нафис сопол идишлар тайёрлаш, securing сополдан архитектурада фойдаланиш авж олади, кейинчалик сирлаш усуллари кашф этилгач, кулолчилик маҳсулотларининг бадиий қиммати оша боради [2].

Афросиёбда ва Ўрта Осиёнинг бошқа ерларида топилган археологик қазилмалар VII-XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда анча ривож топганини кўрсатади. XIII асрда мўғуллар хужуми оқибатида кулолчилик секин ривожланди. XIV-XVI асрларга келиб эса яна авж олди. XVII-XVIII асрларда Ўрта Осиёнинг бир неча феодал давлатга ажралиши турли ўлкалар ўртасида ўзаро алоқаларнинг сусайишига сабаб бўлди. Лекин, шунга қарамай ҳунармандчиликнинг барча турлари қатори кулолчиликда ҳам турли жойларда турлича услублар вужудга келди. XIX аср кулолчилик маҳсулотлардан ёғоч ва ганч ўймакорлиги нақашарига яқин безаги билан ажралиб туради.

Кулолчилик маҳсулотларининг, жумладан, идишларининг шакли асрлар оша давр ва дид талаблари билан ўзгариб борди. Ўрга Осиёда сувга бўлган катта эхтиёж сопол идишларнинг

https://buxdu.uz



турларини кўпайишига олиб келди. Халқ усталари бу идиш ва буюмларни тайёрлаш билан бир қаторда уларни юксак дид билан безардилар. Россияда XIX асрда арзон баҳода чинни ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга қўйилиши ва марказий Россиядан чинни маҳсулотлари кўп келтирилиши Ўрта Осиё кулоллари бозорини бирмунча сусайтирди. Лекин арзон сопол идиш ва буюмларга бўлган талаб, айниқса, архитектурада кулолчилик маҳсулотларининг зарурлиги кулолчиликнинг узлуксиз давом этишини тақозо этди [3].

**Мақсад.** Кулолчилик Ўрта Осиёда, айниқса, ўзбеклар ва тожиклар яшайдиган шаҳар ҳамда қишлоқларда кенг ривож топган. Қоратоғ, Самарқанд, Шаҳрисабз, Ғиждувон, Тошкент, Риштонда сопол идишларни сирлаб безатишнинг ўзига хос услублари вужудга келган. XIX асрда кулолчиликнинг йирик марказлари бўлган. Бу ерларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар пишиқ, чиройли, сири нафис, нақшлари кўркамлиги билан диққатни тортади.

Октябрь тўнтарилишидан кейин кулоллар меҳнатини уюштиришга алоҳида эътибор берилган. 1930 йилда Тошкентда экспериментал керамика, Самарқандда керамика устахоналари очилди. 1932 йилда Тошкентда ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси ишга тушди, қисқа муддатли курслар ташкил қилиниб, кулоллар тайёрланган, уларнинг малакалари ошириб турилган.

Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида ҳам кулолчиликга катта эътибор берилди. 1943 йилда Шаҳрисабзда ўқув-ишлаб чиқариш бадиий комбинати ишга тушган. Туроб Миралиев (Тошкент), Рустам Эгамбердиев, Карим Ҳазратқулов (Шаҳрисабз), Узоқ Шерматов, Холмат Юнусов (Риштон), Муҳаммад Сиддиқ, Усмон Умаров (Ғиждувон) сингари ўнларча атоқли кулоллар ёшларга таълим-тарбия берган. Ўзбекистонда кулолчилик ишларини ривожлантириш, ёшлардан кулоллар тайёрлаш, кулолчиликни тадқиқ этишда Ўзбекистон халқ рассоми, санъатшунослик номзоди Муҳиддин Раҳимов самарали меҳнат қилди. Ғиждувон ва Риштонда кулолчилик, айниқса, ривож топиб, бу ерларда ўнларча кулолчилик устахоналари ишлади. 1940-йилларда Ғиждувондаги “Намуна”, Риштондаги “Янги ҳаёт” артелларининг маҳсулотлари бутун республикада машҳур бўлган.

Машҳур ганч устаси Зиёвуддин Юсуповнинг - “Ганч ўймакорлиги санъати минг йиллик тарихга эга. Халқ амалий санъатининг бу тури Эрон, Туркия ва Туркистонда кенг тарқалган бўлиб, ҳозиргача давом этиб келмоқда. Ганчкорлик санъатининг имкониятлари жуда кенг. Уни хоҳлаган шаклга солиш мумкин ва бу санъат турида ота-боболаримиз ўз орзу-умидларини, маданиятини кўрсатиб борган, уларга давр фалсафаси сингиб кетган”, деган фикрни келтириб, Беҳзод Норбоев қуйидагиларни ёзади: “Зиёвуддин ака Юсупов Бухоро ганчкорлик мактаби, Умаржон ака Тоҳиров Хива ганчкорлик мактаби усулларида ижодий иш бошлайдилар. Уларни бир-бирига туташтирган ният ўзбек халқининг амалий санъат соҳисидаги нуфўзини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши бўлди. Уларнинг ҳозиргача бажарган ишларининг санаб ардоғига етиб бўлмайди: Метронинг “Миллий боғ” бекати, Қарши шаҳридаги мемориал комплекс ва вилоят театри, Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш мухандислари институти биноси безаклари” [4].

XIX асрда Бухоро, Қўқон, Марғилон, Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз ва Хоразмда кандакорлик мактаблари вужудга келди [5].

Инқилобдан кейин кандакорлар артелларга уюштирилди. 50-йиллардан бошлаб совға буюмлари, бадиий буюмларга талаб кўчайиши билан уларни ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилди. Кандакорлик цехлари барпо этилди. Бу цехларда кандакорликнинг турли мактабларига мансуб (Масалан, Қўқонда Л.Фозилов, Бухорода С. Ҳамидов, Хивада Ё. Бекжонов каби) усталар ёшларга кандакорлик санъатини ўргатиб келганлар. Қўқон ва Марғилон кандакорлик мактаби намуналарида боғ-роғлар, чаманзорлар тасвирланади, нақшлар саёз ўйиб, тор заминли қилиб ишланади. Тошкентда ишланадиган мис буюм ва идишлар йирик, соддароқ нақшлар билан безатилади. Бухоро мактаби нақшлари эса мураккаб ва нафис. Қарши ва Шаҳрисабз кандакорлик нақшларига қиммат баҳо тошлар, рангдор шишалар кадалади.

Диаграммадан кўриниб турибдики, **республика ҳунармандлар сонида** Фарғона минтақасининг ҳунармандлар сонини вилоятлар кесимида таҳлил этганда уларнинг деярли ярими (2700 нафар киши,13%) Фарғона вилоятига тўғри келади. Андижон (1904 нафар киши, 9%) ва Наманган (934 нафар киши,4%) вилоятларида эса нисбатан кам. Демак, бу ҳудудларда Фарғона водийсининг улуши касаначилик, ҳунармандчиликка маҳаллий шарт-шароитларнинг яратилиши юқори бўлган.

Самарқанд кандакорлик нақшларида геометрик шакллар кўп учрайди. Хоразм кандакорлари эса ўта мураккаб ўсимликсимон ва геометрик шакллардан жимжимадор нақшлар ҳосил қилиб ишлайдилар [5].

https://buxdu.uz



*1-диаграмма.*

2011 йилда республика ҳунармандлар сонида Фарғона минтақасининг улуши (Республика кўрсаткичига нисбатан киши) [6]




*2-диаграмма.*

2011 йилда Республика ҳунарманд аёллар сонида Фарғона минтақасининг улуши (Вилоятлар кўрсаткичига нисбатан киши)[1].




**Изланиш объекти.** Ҳозирги вақтда (2005 йил) Ўзбекистонда мавжуд 347,4 минг корхонанинг 93,0% и нодавлат ва фақат 7,0% и давлат корхоналаридан ташкил топган. Нодавлат корхоналарининг 48,6 % и фермер ва деҳқон хўжаликларидан, 2,1% и акциядорлик жамиятларидан, 1,9% и чет эл инвестициялари мавжуд корхоналардан ва 40,4% и бошқа турдаги корхоналардан ташкил топган. Республикада жами банд аҳолининг 77,2% и нодавлат, 22,8% и давлат секторларига тўғри келади. Демак, Ўзбекистонда ҳам иқтисодиётнинг бозор моделига ўтиш жадал суръатларда амалга ошмоқда.

[1]Диаграмма Республика "Ҳунарманд" уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

https://buxdu.uz



Маълумки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида касаначиликка катта эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда ҳунармандчилик Республика "Ҳунармандлар" уюшмасига жипслаштирилиб, уларнинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида дастурлар қабул қилиш йўли билан кенг имкониятлар яратилмоқда.

Республика бўйича "Ҳунармандлар"уюшмасида рўйхатда турган ишчиларнинг умумий сони 2011 йилда 21106 нафар кишига етди.Шундан, Фарғона минтақасининг улуши 5538 нафар кишига тўғри келиб, бу республикадаги барча ҳунармандларнинг 26,5 фоизи демакдир.

Фарғона минтақасининг ҳунармандлар сонини вилоятлар кесимида таҳлил этганда уларнинг деярли ярими (2700 нафар киши) Фарғона вилоятига тўғри келади. Андижон (1904 нафар киши) ва Наманган (934 нафар киши) вилоятларида эса нисбатан кам.

Мустақиллик йилларида аёлларнинг ишлаб чиқаришдаги иштирокига аҳамият ортди. Республикада 2011 йилда ҳунарманд аёллар сони 6983 нафар кишига етди, шундан 1853 нафар киши, яъни 26,3 фоизи Фарғона минтақасида тупланган. Агар, республикада ҳунарманд аёллар жами ҳунармандларнинг 33,2 фоизини ташкил этиши эътиборга олинса, Фарғона минтақасидаги ҳунарманд аёллар минтақкдаги жами ҳунармандларнинг салкам 34 фоизини ташкил этади. Бу минтақада ҳунарманд аёлларга эътибор юқорилиги билан изоҳланади. Жумладан, Фарғона вилоятида вилоят ҳунармандларининг 46 фоизини, Андижон вилоятида 25 фоизини ва Наманган вилоятида 13 фоизини ташкил этади. Минтақанинг Андижон ва Наманган вилоятларида Фарғона вилоятига нисбатан аёллар иштироки анча кам.

*3-диаграмма.*

2011 йилда Республика "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (млн. сўм)[2]




**Қўлланиладиган услуб.** 2011 йилда Республика "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 55608,5 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 14021,7 миллион сўмлик маҳсулот Фарғона минтақасига ва 41586,8 миллион сўмлик маҳсулот Республиканинг бошқа вилоятларига тўғри келади. Минтақада Республикадаги ҳунармандчилик маҳсулотларининг 25,2 фоизи ишлаб чиқарилади. Ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми вилоятлар кесимида таҳлил этилганда, Андижон вилоятида минтақада ишлаб чиқариладиган ҳунармандчилик маҳсулотларининг ярмидан кўпи (51,7%) тайёрланади. Минтақанинг Фарғона ва Наманган вилоятларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми анча кам.

*1-жадвал.*

[2] Диаграмма Республика "Ҳунарманд" уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

https://buxdu.uz



Халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик соҳаларининг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ҳиссалари (фоизда)[3]

| Т/р | Фаолият турлари | Ўзбекистон бўйича, жами | Шу жумладан минтақалар бўйича | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Тошкент | Фарғона | Зарафшон | Мирзачўл | Жанубий | Қуйи Амударё |
| 1. | Кулолчилик,тандирчилик, чиннисозлик | 100 | 78,1 | 18,8 | 2,1 | од | 0,4 | 0,5 |
| 2. | Миниатюрачилик, рассомчилик | 100 | 50,6 | 36,9 | 8,9 | - | 1,9 | 1,7 |
| 3. | Наққошлик, ганч ўймакорлиги | 100 | 23,7 | 32,0 | 38,1 | 2,5 | 1,0 | 2,7 |
| 4. | Пичоқчилик, кондакорлик, тунукасозлик, темирчилик | 100 | 9,0 | 74,9 | 11,4 | 1,4 | 0,9 | 2,5 |
| 5. | Зардўзлик,каштачилик, чокли буюмчилик | 100 | 1,7 | 90,2 | 6,6 | 0,4 | 0,4 | 0,7 |
| 6. | Ёғоч ўймакорлиги | 100 | 10,3 | 69,3 | 12,4 | 1,3 | 1,1 | 5,6 |
| 7. | Заргарлик | 100 | 55,8 | 33,7 | 6,7 | 1,5 | 0,7 | 1,6 |
| 8. | Гилам, атлас тўқиш, чопондўзлик, дўппидўзлик, газламага гул босиш | 100 | 4,8 | 71,0 | 19,7 | 0,9 | 0,6 | 3,0 |
| 9. | Ҳижмли қолипларда куювчи устачилик | 100 | 13,3 | 51,4 | 33,4 | 1,1 | 0,1 | 0,7 |
| 10. | Косибчилик | 100 | 13,7 | 80,9 | 3,9 | 0,8 | 0,2 | 0,5 |
| 11. | Чармдўзлик, эгар-жабдуғ ясаш | 100 | 23,7 | 63,5 | 10,2 | 1,0 | 0,3 | 1,3 |
| 12. | Уй-рўзғор буюмларини ясаш | 100 | 4,7 | 72,3 | 18,8 | 3,0 | 0,6 | 0,6 |
| 13. | Қўғирчоқсозлик | 100 | 2,7 | 17,2 | 78,9 | 0 | 0,1 | 1,1 |
| 14. | Бошқалар | 100 | 77,8 | 0,8 | 9.7 | 2,2 | 1,7 | 7,8 |
| **Жами:** | | **100** | **18,5** | **66,3** | **11,5** | **0,9** | **0,6** | **2,2** |

*Жадвал таҳлиларидан кўриниб турибдики,* Фарғона вилоятида **халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик кўпгина соҳаларининг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ҳиссалари** Тошкент, Зарафшон, Мирзачўл, Амударёнинг жанубий ва қуйи минтақаларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидан нисбатан фоиз ҳисобида анча юқори (фаолият турлари бўйича умумий 66,3%) бўлганлигини кўрамиз.

Қолган ҳудудларда касаначилик, ҳунармандчиликка эътиборсизлик маҳаллий шарт-шароитларнинг яратилишидаги сусткашлик билан изоҳланади.

Ўтмишдаги боболаримиз қолдирган мерос, маданий бойликлар, миллий қадриятларни ҳурмат қилиш, уларни ўрганишни ҳар бир инсон буни ўзида ҳис этмоғи керак.

Шу ўринда миллий ҳунармандчилик ҳақида ҳам тўхталиб ўтар эканмиз, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида халқ бадиий ҳунармандчилигининг асрий анъаналари ва ўзига хос турларини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилган.

Республика халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик соҳалари маҳсулотининг ҳудудий таркиби бевосита ҳунармандчиликнинг тарихан таркиб топиши, шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Унда Фарғона минтақасининг иштироки ўзига хосдир [6].

Минтақа наққошлик ва ганч ўймакорлиги; пичоқчилик, кандокорлик, тўникасозлик ва темирчилик зардўзлик ва каштачилик ёғоч ўймакорлиги; косибчилик чармдўзлик ва эгар-жабдуғ ясаш бўйича республикада биринчи ўринда туради [7].

Жумладан, зардўзлик ва каштачилик маҳсулотларининг 90 фоизи, косибчилик маҳсулотларининг 80 фоизи, пичоқчилик, гиламчилик, атлас тўқиш, чопондўзлик, дўппидўзлик ва уй

[3] *Ўзбекистон Республикаси “Ҳунарманд” уюшмасининг 2010 йил материаллари асосида тузилди.*

https://buxdu.uz



рўзғор буюмларининг 70 фоиздан ортиғи, ёғоч ўймакорлиги, чармдўзлик ва эгар-жабдуғ маҳсулотларининг 60 фоиздан ортиғи Фарғона минтақасида ишлаб чиқарилади.

Минтақа кулолчилик, тандирчилик, чинни созликда Тошкент ва Қуйи Амударё минтақасидан кейинги 3-ўринни, миниатюрачилик ва рассомчиликда Тошкент минтақасидан кейинги 2-ўринни эгаллайди. Заргарлик буюмлари ясашда Тошкент минтақасидан кейинги иккинчи ўрини эгаллаб, минтақада республикада тайёрланадиган жами заргарлик буюмларининг 33,7 фоизини ишлаб чиқаради. Бу Мирзачўл ва Қуйи Амударё минтақаларида ишлаб чиқариладиган заргарлик буюмларидан икки ҳисса ортиқ демакдир.

Республикада тайёрланадиган жами қўғирчоқларнинг қарийб 80 фоизи Зарафшон минтақасига тўғри келади. Фарғона минтақаси Республикада иккинчи ўринни эгаллагани ҳолда минтақада жами қўғирчоқсозлик маҳсулотларининг 17,2 фоизи тайёрланади.

2010 йилда халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик соҳасида 36563,4 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 24226,7 млн сўмлик маҳсулот, яъни 66,2 фоизи Фарғона минтақаси ҳисобига тўғри келади.

Ўзбекистон халқ усталари бирлашмаси Раимберди Матжонов устахонасида ҳунармандчилик мактаби очиш таклифини берган, бу устага ҳунармандчилик сир-асрорларини кенг тарғиб этиш имконини берди. Унинг шогирдлари Даврон Саъдуллаев, Амин Мирзаев, Марямжон Матжонова, Мукаррама Саъдуллаевалар ҳозир бадиий кулолчилик санъатини ривожлантиришда катта ҳиссақўшмоқда. Тарихий обидаларни таъмирлашда кулолнинг хизматлари катта. 1956 йилда Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини таъмирлашда қатнашди. У гумбазнинг пастки қисми учун қадимги услубда зангори рангда кошинлар тайёрлаб берган. Улар ҳозирги кунда аввалгидек рангини йўқотмай турибди. Кулол яна кўҳна арк дарвозасининг икки минорасини таъмирлашда қатнашди.

Агарда, миллий маданиятга бошқа бир турдош ёки турдош бўлмаган маданият тазйиқ ёки зўравонлик билан курашса, у ҳолда унинг ривожланиши у ёқда турсин, балки барчаси ҳам инқирозга юз тутади. Бошқача қилиб айтганда, на у ёқлик, на бу ёқлик бўлмаган маданият юзага келади, кўп нарсалар унутилади. Чунончи, араб ёки муғул истилоси ерлик халқ маданиятини қориштириб ташлаган бўлса, рус, Европа маданияти, Туркистоннинг босиб олиши натижасида ерлик аҳоли истаса-истамаса - Рус Европа маданиятидан баҳраманд бўлган бўлса, советлар даврида араб алифбосининг энг аввало, лотин, кейинчалик кириллида (рус алифбоси)га зўрлаб ўтказилиши фан ва маданиятимизда, адабиёт ва санъатимизда, ўтмиш тарихимизни ўрганишимизда бу ҳудудларда касаначилик, ҳунармандчиликка маҳаллий шарт-шароитларнинг яратилишидаги сусткашлик салбий оқибатларга олиб келган.

**Олинган натижалар.** Туркистонда янги собиқ иттифоқ тузумининг ўрнатилиши, лекин унинг асосий принципларини бузилган ҳолда талқин ва амал қилиниши, жумладан, якка ёки оилавий тартибда, меҳнат қилувчи ҳунармандлар ва амалий санъат вакиллари ҳамда ҳунармандчилик ширкатлари ходимлари хусусий мулк эгалари деб топилиши, уларга молия ташкилотлари томонидан жуда катта миқкорда солиқ солиниши, уларни фаолиятининг меҳнат стажига ўтмаслиги, уларга қарилик нафақаси тўланмаслиги, яна шуни қайдқилиш лозимки, ҳатто баъзи бир сақланиб қолган якка тартибдаги ёки оилавий ҳунармандлар, хусусий мулк эгаси деб топилиши эвазига, уларнинг мол-мулки ва дўконларининг мусодара қилиниши, ўзларини эса қувғин қилиниши халқ ҳунармандчилиги ва амалий саънатнинг илдизига болта урди. Бундай ноҳақликлар ҳунармандлар меҳнатини қадрсизлантирди ва уларнинг синишига олиб келди. Қатағонлик муносабатларига чидай олмаган ҳунар соҳиблари артель, фабрика ва заводларга ишга ўтиб кетишга мажбур бўлдилар.

**Хулоса.**

Миллий халқ ҳунармандчилигига, унинг амалий санъатига нисбатан ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ожизлик эди. Чунки, дунёга довриғи кетган, халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатида дурдоналар яратган, халқни истъемол буюмлари билан таъминлаган, иш берган уста-шогирдлар, ҳунармандчилик ва амалий санъат мактабларининг номи ана шундай қабихлик ва ожизлик эвазига тобора ўса бошлади. Оқибатда, жаҳонга машҳур Туркистон гиламлари-ю, нақшиндор усталари, заргалик буюмлари-ю - тарихий ёдгорликлари, чинни идишлари-ю - шоҳи сўзаналарини, музей ёки шахсий тўпланма (коллекция)ларда учратиш мумкин, холос.

**Тавсиялар.**

Маълумки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида касаначилик ва ҳунармандчиликка катта эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда ҳунармандчилик Республика “Ҳунармандлар” уюшмасига жипслаштирилиб, уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида кенг имкониятлар яратиш имконини беради.

Жумладан:

https://buxdu.uz



- Ўзбекистон халқ усталари ҳамкорлигида ҳунармандчилик мактабини очиш ва иқтидорли ўқувчиларни жалб этиш;
- таълим жараёнида ўқувчи шахси ҳунармандчилик касбини такомиллаштиришда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш;
- ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳунармандчилик дарсларини шакллантиришга қаратилган машғулотлар ташкил этиш.

**Адабиётлар**


1. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент: “Меҳнат”, 1991. Б.37.
2. Сергеев Б. Ўзбекистонда мискарлик. – Тошкент:”ЎзССР Давлат бадиий адабиети”, 1960. Б. 66-68.
3. Пещерева Е.М. Гончарное производство Средней Азии. - М.: “Просвещение”, Л., 1959.Б.54.
4. Развадовский В. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае. – Ташкент: Китобда нашриёт кўрсатилмаган, 1916. С.74-75.
5. Ташходжаев Ш.С. Художественияя поливная керамика Самарқанда. IX - начало XIII вв. – Ташкент: ”ЎзССР Давлат бадиий адабиети”, 1967. С.95-97.
6. Рахимов М.К. Народные традиции в современиой художественоий керамика Ўзбекистана. - Ташкент, 1964.С.42-43.
7. Бойтуллаев Р. Соҳибқирон даврида ҳунармандчилик // Тошкент оқшоми, 2004 йил 7 апрель.


**Азамат САИДОВ**
Самарқанд давлат чет тиллари институти
педагогика ва психология кафедраси мудири,
педагогика фанлари номзоди, доцент

# ЁШЛАР ЎРТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСТУВОР ВАЗИФА СИФАТИДА

*Мақолада ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантириш устувор вазифа сифатидаги мақсад ва йўналишлари баён этилган. Шунингдек, мақолада соғлом турмуш тарзининг психологик, тиббий, маънавий-маърифий асослари ва саломатлик психологиясини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик муаммолари ҳамда бу борадаги тавсиялар ўрин олган.*

***Таянч сўзлар:*** *Ёшлар, соғлом авлод, соғлом турмуш тарзи, соғлом турмуш тарзи психологияси, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, саломатлик, билим ва кўникмалар, тиббий психология, маънавият, саломатлик психологияси.*

*В статье изложены цели и направления формирования психологии здорового образа жизни у молодёжи в качестве приоритетной задачи. Наряду с этим, в статье раскрываются психологические, медицинские, духовно-просветительские основы и социально-психологические проблемы формирования психологии здорового образа жизни.*

***Ключевые слова:*** *молодёжь, здоровое поколение, здоровый образ жизни, психология здорового образа жизни, формирование здорового образа жизни в семье, здоровье, знания и навыки, медицинская психология, духовность, психология здоровья.*

*The article sets out the goals and directions of the formation of the psychology of a healthy lifestyle in young people as a priority. Along with this, the article reveals the psychological, medical, spiritual and educational foundations and socio-psychological problems of the formation of the psychology of a healthy lifestyle.*

***Keywords:*** *youth, a healthy generation, a healthy lifestyle, the psychology of a healthy lifestyle, the formation of a healthy lifestyle in the family, health, knowledge and skills, medical psychology, spirituality, health psychology.*

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда адолатли демократик жамият бунёд этиш бош мақсад қилиб белгиланди ва бу мақсад сари изчил қадамлар қўйилди. Бунда инсон манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ ҳисобга оладиган, унинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган энг адолатли ижтимоий макон бўлмиш фуқаролик жамиятини қуриш борасида ҳам муҳим натижаларга эришилди.

https://buxdu.uz



Жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий бой ёш авлодни тарбиялаш, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишига кенг жалб этилишини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган фаол ислоҳатчилик сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон соғлигининг 20-25% атроф- муҳит таъсирида, 20% наслий омиллар асосида, қолган 55% ҳар-хил сабаблар, ўз соғлиги турмуш тарзига бўлган эътибори таъсирида шаклланар экан [2]. Сиҳат-саломатлик муаммолари бўйича келтирилган мазкур далиллар шахснинг соғлом турмуш тарзи борасидаги тасаввурлари, саводхонлик даражаси шахснинг ўсиб, вояга етишида асосий омил эканлигини исботлайди.

Соғлом авлодни шакллантириш жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш негизида амалга оширилади. Бунинг учун эса жамиятнинг ҳар бир аъзоси соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиши, саломатликни маданиятлиликнинг бир кўриниши сифатида қабул қилиш лозим. Ёшлар ҳаётида, юриш-туришида ҳам мана шундай янгича тафакурнинг шакллантирилиши бу борадаги барча муаммоларга ечим бўлиб хизмат қилади.

Соғлом турмуш тарзи кенг маъноли тушунча бўлиб, у унумли меҳнат қилиш, фаол дам олиш, спорт билан доимий шуғулланиш, организмни чиниқтириш, шаҳсий касбий ва психогигиенага риоя қилиш, тўғри овқатланиш, зарурли одатлардан ўзини тийиш, ҳар йили шифокор кўригидан ўтиб туриш ва соғлом оилани шакллантиришда ўз ифодасини топади. Шунингдек соғлом турмуш тарзи бу шахснинг соғлом оилани шакллантириш ва соғлом фарзанд кўриш билан боғлиқ бўлган кўникмаларида ҳам ўз ифодасини топади. Бугунги кунда олий таълимда талаба-ёшларни интелектуал, касбий, аҳлоқий, маданий ривожланиш талабларини қондиришда улардаги соғлом турмуш тарзи, борасидаги билим, кўникмаларни, репродуктив маданиятни шакллантириш таълим мақсадларининг асосий қисми бўлиб ҳисобланмоқда хусусан, педагогик-психологик касб доирасидаги мутахассисларда.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, мутахассислар томонидан турмуш тарзи тушунчаси борасида аниқ бир тўхтамга келинмаган. “Турмуш тарзи” кенг қамровли, мураккаб ва ғоят кенг тушунчадир. У кишиларнинг ҳаёт фаолияти, ишлаб чикариш, ижтимоий-сиёсий, маданий соҳадаги фаолиятларининг барчасини энг муҳими уларнинг амалийлигини, маълум бир ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, фалсафий, тиббий ва биологик қадриятлар ва эҳтиёжларнинг реал ҳаётда акс этганлигини ўз ичига олади.

Таъкидлаш жоизки, саломатлик тушунчаси бу кенг маънодаги “соғлом турмуш тарзи”дир. У шахс умумий маданиятининг асосий қисмини ташкил қилади. Шахснинг соғлом турмуш тарзи унинг ижодий куч ва қобилиятларининг ривожланиши, ҳаёти ва фаолиятини ташкил қилиш шаклларида намоён бўлади. Соғлом турмуш тарзи шахснинг маънавий, жисмоний, руҳий, ижтимоий, гекнетик соғломлигини билдирувчи мураккаб жараён ҳисобланади.

Турмуш тарзи негизида кишиларнинг эҳтиёжлари, улар мақсадлари ва қадриятлари тизими ётади, лекин эҳтиёжлар ҳар доим ҳам англанган ва тўғри, яхши, ижобий эҳтиёжлар бўлавермайди. Англанган, шахс ва жамият манфаатларига мос келадиган эҳтиёжларгина турмуш тарзини ташкил этиш мумкин. Турмуш тарзи - жамоат ҳаётининг барча соҳаларида инсон ҳаёти фаолиятининг конкрет шакллар йиғиндисидир.

Илмий тажрибаларнинг кўрсатишича, файласуфлар, этнографлар, тарихчилар, социологлар, психологлар ва педагоглар томонидан соғлом турмуш тарзи, соғлом турмуш тарзи муаммосининг фалсафий жиҳатлари, соғлом турмуш тарзининг ижтимоий муносабатлардаги ўрни, жамиятга тарбиявий таъсири, аҳоли ўртасида, айниқса ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларига бағишланган қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Турмуш тарзи тарихан таркиб топган ижтимоий- иқтисодий ва маънавий факторлар билан белгиланадиган кундалик ҳаёт уклади бўлиб, шу асосда ривожланган муносабатлар, анъаналар ва урф-одатлардан иборатдир.

Табиий равишда турмуш тарзи - инсоннинг жамият ва муҳитдаги ҳаётини, меҳнат қилиш, дам олиш ва бошқаларни ўз ичига олади. Унинг таркибий қисмларига нафақат ижтимоий-сиёсий ва ишлаб чиқариш фаолияти, балки ишлаб чиқаришдан ташқари вақтдаги ижтимоий-маданий фаолияти ҳам киради. Тиббий ва физиологик фаоллик ҳам унинг бир туридир. Тиббий ва физиологик фаолиятнинг бош мақсади эса соғлом бўлишга йўналтирилган. Буларнинг олдини олиш учун аҳолининг ўз саломатлигига бўлган адекват ва мутаносиб муносабатларини тарбиялаш ва кенг аҳоли қатламлари, шу жумладан ёшлар ўртасида тиббий билимларни тарғиб қилиш тақозо этилади.

Шундай қилиб, турмуш тарзида ҳар бир халқнинг узоқ асрлар давомида яратган маънавий ва моддий бойликлари, ён-атроф, муҳит ва келажак ҳақида тасаввурлари, миллий-этник белгилари, минталитети, урф-одатлари, анъаналари ҳамда яшаш усули тўла акс этади. Шу нуқтаи назардан

https://buxdu.uz



турмуш тарзи халқ, миллат, этноснинг ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида яратган ҳаёт кечириш усулларининг мажмуидир. Турмуш тарзи инсон ҳаёти ва инсоният мавжудлигининг, борлиғининг асосий белгиси сифатида қадим кишилик жамияти билан бирга мавжудлик касб этган. Соғлом турмуш тарзига эга бўлиш ҳар бир халқ, ҳар бир миллат, ҳар бир инсон, ҳар бир шахснинг онги, унинг тафаккури ва дунёқараши, яшаш тарзи билан узвий ва бевосита боғлиқ психологик-ахлоқий ва ижтимоий-тарихий зарур хусусият ҳисобланади.

Ҳар бир миллат ўз маиший турмуш тарзига эга. Ҳар бир халқнинг ўз миллий турмушини ташкил этишга унинг миллий менталитети, маданият даражаси, турмуш шароити ва тарихий даври таъсир кўрсатади. Улар ўша миллатнинг соғлом турмуш маданиятига эга ёки эга эмаслигини белгилаб беради. Шунингдек, ҳар бир халқнинг соғлом турмуш маданиятини белгиловчи унинг тили, ахлоқий фазилатлари, болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, кексаларни қадрлаши, юриш-туриши, кийиниши, овқатланиши, соғломлик ҳолати мавжуд бўлади.

Турмуш тарзи кишиларнинг индивидуал ва руҳий ҳаётий фаолияти кўриниши бўлиб, у ижтимоий муносабатлар, ижтимоий-сиёсий фаолият, мулоқот, дунёқараш, ҳулқ-атвор, меҳнат, маиший дам олиш каби омиллар таъсирида шаклланади.

Тиббий энциклопедик луҳатларда саломатлик тушунчаси 4 та асосий йўналишга бўлиб изоҳланади ва ўрганилади [3].

1. Ҳолати бўйича саломатлик. Бу йўналиш организмнинг умумий ҳолатини белгиловчи, унинг биологик ўсиши ва ривожланиш жараёнини белгилайди.

2. Ҳаракат бўйича саломатлик. Бу инсон организми ҳар хил аъзоларининг ҳаракат вазифаларини таъминлаш, ўсиш даражасини белгилайди.

3. Руҳий саломатлик. Бу атама фанга 1979 йилда киритилган бўлиб, инсон руҳий холатини аниқлайди. Шахснинг руҳий ҳолати яъни қувонч- ташвишлари, турли ўзгаришлар, воқеаларнинг сиҳат-саломатликка бўлган таъсирини табиий ва ижтимоий-психологик имкониятларидан келиб чиқиб ўрганади.

Маънавий саломатлик. Бу шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ўз хатти-ҳаракатлари, ички кечинмаларини тартибга солиш, умуминсоний қадриятларга содиқлик ва улардан ҳаёт тарзини йўлга қўйишда фойдаланиш, оғир ҳаётий вазиятларда оқилона йўл танлаш кўникмаларининг шаклланиши билан белгиланади. Баъзи бир рус олимлари масалан, Т.Ф.Акбашев, Б.А.Классов инсоннинг маънавий саломатлигини уч омил бирлигида яъни ижтимоий, психологик, интелектуал ва репродуктив саломатлик билан тўлдирадилар.

Уларнинг фикрича, интеллектуал саломатлик фикрлаш, ахборотларни қабул қилиш ва уни етказишда ўз аксини топса, ижтимоий саломатлик, инсонни ижтимоий фаоллигида жамиятда ўз ўрнини топиши, касбий камолотида ўз ифодасини топади. Психологик саломатлик мослашувчанлик, ўз ҳиссиёт ва кечинмаларини бошқара олиш, психоген ва низоли вазиятларда мақбул хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, руҳий тетиклик, барқарорлик, соғлом хулқлилик ва шу кабилар билдан характерланади. Репродуктив саломатлик эса ота-оналар билан бўлган алоқада, оилавий муносабатлар, жинсий маданият, фарзанд кўриш ва уни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган ҳолатларда намоён бўлади.

Саломатлик, соғлом турмуш тарзи психологияси муаммоси бўйича шуғулланувчи тадқиқотчилардан Р.Айзман шахс саломатлигига таъсир этувчи омилларни ўрганар экан, унинг қуйидаги даражаларини ажратиб кўрсатади:

жисмоний, яъни генетик, биокимёвий, метаболик, морфологик, функционал;

руҳий, яъни ҳиссий, ақлий, шахсий;

ижтимоий-маънавий ёки ахлоқий [4].

Тадқиқотларимиз натижалари тиббий-биологик, психологик ва педагогик, фалсафий, ижтимоий адабиётларнинг таҳлили соғлом турмуш тарзи тушунчасига турлича ёндошувларни таҳлил этиш ва психологик нуқтаи назардан ўрганиш асосида қуйидагича таъриф бериш имконини берди. Соғлом турмуш тарзи психологияси - инсониятнинг пайдо бўлиши билан ҳаётий эҳтиёжга айланиб қолган маънавий, жисмоний, руҳий, ижтимоий саломатлик ҳақидаги миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур билган ҳолда уларга онгли равишда амал қилиш, режали, мақсадли соғлом ҳаёт кечириш қоидаларига тўлиқ риоя этган ҳолда уларни кундалик ҳаётий эҳтиёжга айлантириш тафаккури ва унинг амалиёти демакдир.

Демак, соғлом турмуш тарзининг икки муҳим қирраси мавжуд, биринчидан инсоннинг соғломлик борасидаги билим ва малакалар мажмуидан иборат, иккинчидан эса, мана шу билим ва малакалар унинг реал ҳаётидаги амалга оширилишига боғлиқ. Соғлом турмуш тарзи мактабгача ёшдаги болалар онгида шаклланиши ва уларнинг ҳаёт тарзига айланиши учун педагогик жараёндан

https://buxdu.uz



узвийлик ва узлуксизлик талаб этилади. Узвийлик - амалга ошириладиган таълим-тарбия ишларининг мазмунан изчиллиги, бири бирини тўлдириши, тизимлилиги, илмийлиги, давомийлиги, босқичма-босқич амалга оширилиши, ҳаёт қўйган муаммоларга ҳозиржавоблиги, амалиётга мослиги ҳамда ўзаро алоқадорликда самарали педагогик натижаликка олиб келиши демакдир.

Социолог олимларнинг фикрига кўра турмуш тарзи муайян тарихий ижтимоий муносабатларга мос келувчи инсон ҳаёт фаолиятининг индивидуал ёки гуруҳий тури. Жамият ҳаётида шахс турли соҳаларга оид ўз фикрларини намоён этади. Турмуш тарзи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, табиий ва бошқа шароитларга боғлиқ ҳолда шаклланади ва жамият моддий ва маънавий ҳаёти унсурларидан ташкил топган яхлит тузилма сифатида намоён бўлади. Турмуш тарзи муайян ижтимоий қурилмани тавсифлайди ва бу жамиятда индивид қандай яшаётганини, у инсон ўз “Мен”и ривожланиши ва такомиллашиши учун нима қилаётганини, унинг эҳтиёжлари манфаатлари ва ижодий имкониятлари амалга ошаётганини кўрсатади. Турмуш тарзи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, мафкура ва маданият, атроф-муҳитнинг инсонга таъсири сифатида шаклланади ҳамда жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол таъсир этади. Биргаликдаги фаолият усуллари, ижтимоий-жамоавий муносабатлар ва кишилар ўртасидаги алоқа, улар мулоқоти ва хулқ-атворининг устувор шакли, мулоқотнинг мақсад ва вазифаси, фаолиятнинг манфаатлари турмуш тарзининг характерини белгилайди.

Турмуш тарзи ва саломатлик тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги соғлом турмуш тарзи тушунчасини келтириб чиқаради. Тиббиёт энциклопедиясида келтирилган таърифига кўра: турмуш тарзи - кишилар ҳаётий фаолиятининг аниқ тури ҳақидаги тасаввурларни мувофиқлаштирувчи муҳим ижтимоий категориялардан бири [1]. У ёки бу миллат, элатга, эътиқодга (динга) тааллуқлилик турмуш тарзига ўзига хослик бағишлайди. Эътиқод ва ишонч нуқтаи назардан буддавийлар, христианлар, мусулмонлар ва бошқаларнинг турмуш тарзи бир- биридан фарқланади. Турмуш тарзи шаҳар, қишлоқ, ёшлар, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, талабалар турмуш тарзи кабиларга ажратилади.

Маълумки, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавий маданиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Шунингдек, инсон характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар, носабатлар тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар оила шароитида, ота-онанинг ибрат-намунасидан шаклланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, оила тарбияси шахс маънавиятини шакланишидаги асосий восита экан, бу ўринда бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Шу маънода ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, улар онгида “Соғлом турмуш тарзи - соғлом оила, соғлом оила бу соғлом фарзанд, бахтли келажакдир” тасаввурини шакллантириш, бўлажак ота-оналар яъни талаба-ёшлардаги репродуктив маданиятни шакллантириш бу йўналишдаги ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан саналади.

Соғлом авлодни шакллантириш жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш негизида амалга ошрилади. Бунинг учун эса жамиятнинг ҳар бир аъзоси соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиши, саломатликни маданиятлиликнинг бир кўриниши сифатида қабул қилиш лозим. Ёшлар ҳаётида, юриш-туришида ҳам мана шундай янгича тафакурнинг шакллантирилиши бу борадаги барча муаммоларга ечим бўлиб хизмат қилади.

Психологик билимларга кўра саломатлик ҳақидаги билим ва соғлом тафаккурнинг шаклланганлиги соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантиришнинг энг биринчи ва муҳим бўғини ҳисобланади

Бугунги кунда соғлом тафаккур билан боғлиқ бирламчи элементлар, яъни ғоялар, қарашлар, тушунчалар, уларнинг инсон ҳаётида махсус сайи-ҳаракатга айланиши, уларнинг ҳаракатга айланиши учун зарур бўлган ижтимоий-психологик тизимнинг мавжудлик даражаси етарлидек кўринади.

Бироқ, мана шундай қадриятлар тизимининг мавжудлигига қарамасдан, педагогик психология жараёнидан талаб этилаётган нарса шундаки, инсондаги соғлом турмуш тарзи психологияси шахс ва унинг ҳаётий мақсади, яъни саломатлик тафаккурига айлантириш лозим. Саломатлик қадриятлари агар шахс ҳаётида амалда қўлланилмаса, оддий ғоя ва қараш тарзида қолиб кетади. Мазкур қараш ва ғоялар шахс ҳаётининг таркибий қисми ва унинг яшаш тарзига айлангандагина улар турмуш тарзига айланади.

Бугунги кунда соғлом турмуш тарзи психологияси тушунчасининг мазмуни инсон - шахс - соғлом - билим ва малакаларни эгаллашга интилиш_- соғлом бўлишга нисбатан сайи - ҳаракат - саломатликни шахсий қадриятга айлантириш - саломатлик нуқтаи назаридан баркамолликка эришиш - шахсий саломатликнинг барқарорлиги ва таъмин этилганлигига эришиш - ўз саломатлигининг

https://buxdu.uz



посбони бўла олиш - жамият, яъни оила, меҳнат ёки ўқитиш даргоҳи, маҳаллада соғлом турмуш маданиятининг шаклланишига ҳаракат қилиш ва жамиятга ижобий таъсир ўтказа олиш - жамиятни соғломлаштириш каби тушунчаларнинг узвийлиги, улар давомийлиги ва устуворлигини талаб этади.

Саломатлик психологиясига эга бўлган инсон на фақат саломатликни асраш бўйича билим ва малакаларни эгаллаган бўлади, балки эгаллаган билим ва малакаларни ўз ҳаёти жараёнида қўллаб, ўз саломатлигининг посбонига айланади. Бугунги инсон ҳаёт тарзига бўлган турли иқтисодий, ижтимоий, психологик ва маънавий-мафкуравий таҳдидлар ўсиб бораётган шароитида соғлом тафаккур ҳам тиббий, ҳам психологик, ҳам маънавий жиҳатдан инсонни мураккаб дунё воқелиги ичида турли мавжуд зиддиятлардан асрагувчи қонунлар мажмуаси сифатида жуда муҳим роль ўйнайди. Аммо инсоннинг ўзи эгаллаган билим ва малакаларни қўллашга, ўз ҳаётида уларга қатъий риоя қилишга ўрганмас экан, берилган билим ва малакалар кўзланган натижага эришиш имконини бермайди.

Кейинги йилларда соғлом турмуш тарзи ва маданияти масалалари кенг ижтимоий оммани қизиқтираётган энг долзарб мавзулар қаторидан ўрин олаётганини кузатиш мумкин. Хусусан, Россияда унинг кўпмиллатли ва элатли давлат бўлганлиги боис толарантлик, провослав динидаги саломатлик омиллари, шунингдек бошқа дин ва маданиятларда, масалан ислом динида соғломликка бериладиган баҳо ва уни шакллантиришнинг педагогик-психологик усуллари, шакл ва воситаларига эътиборнинг кундан кун ўсиб бораётганлигини қайд этиш мумкин.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан ва техника, технологияларнинг ютуқлари асосида шахснинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришдан иборат. Чунки, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти, жамиятнинг аҳлоқий ва маънавий такомили кўп жиҳатдан шахснинг маънавий-психологик тарбиясига боғлиқ. Дарҳақиқат сўнгги йилларда кескин ўзгарган ҳаёт шароитлари ва таълим тизими, унинг мақсади, мазмуни, турлари ўртасидаги ўзгаришлар ёш авлоднинг маънавий тарбиясига янгича қараш, уни бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиш, баҳолаш ва унда халқимизнинг бой маданий меросидан мақсадли фойдаланишни талаб этмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиб қайд этиш мумкинки, саломатликни асрашга ва соғлом турмуш тарзига йўналтирилган психология ўзининг илк шаклланиш жараёнида турибди. Зеро, кўпчилик одамлар умр бўйи ўз саломатлигини бефойда сарфлаш амалиёти билан шуғулланаётганлиги, аслида эса улар саломатликни асраш фаолияти билан умр бўйи мақсадли шуғулланиши зарур эканлиги, чунки инсон жисми ва психикаси ўз ривожланишига кўра табиий равишда қарилик томон йўналтирилган фаол ҳаракат ҳисобланади.

**Адабиётлар**


1. Жабборов И. Турмуш тарзи, урф-одатлар ва одоб. -Т.: Ўзбекистон, 1983.
2. Каримова В.Саломатлик психологияси ёхуд соғлом бўлиш учун руҳиятни бошқариш сирлари. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2005.
3. Толстых В.И. Образ жизни. Понятие. Реальность. Проблемы. - М.: Мысл, 1975.
4. Шарипова Д.Ж. ва бошқалар.Талабаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Фарғона, 2010.



**Мухиддин БАФАЕВ**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети психология кафедраси
ўқитувчиси, Халқаро психология
фанлари академиясининг Фахрий аъзоси


# ШАХСДА МИЛЛИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ЎРГАНИШНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ НАТИЖАЛАРИ


*Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлатнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатлардаги турли муаммоларни ҳал этиш қобилиятига боғлиқдир. Тарихий жиҳатдан толерантлик (бағрикенглик) инсонларга ҳамдард бўла олиш хусусиятлари Шарқ цивилизацияси таркибида шаклланган.*

https://buxdu.uz



*Мақолада кўтарилган миллий бағрикенглик (миллатлараро толерантлик) масаласи – фаол, бошқаларнинг фикрига, дунёқарашига ва ҳаракатларига нотабиий равишда бўйсуниш; бўйсунадиган бардош эмас, балки фаол ахлоқий-маънавий дунёқараш ва этнослар орасидаги, ижтимоий гуруҳлар орасидаги бошқа маданият, миллат, динлар ва ижтимоий муҳитлар орасидаги ўзаро муносабатларда инсонни бардош билан сабр қилишга психологик жиҳатдан тайёрлигини кўрсатиб турувчи фаол позиция бўлиб, муайян методикалар асосида ўрганилган ҳамда илмий натижалар таҳлил этилган.*

***Таянч тушунчалар**: шахс, миллий бағрикенглик, миллатлараро муносабатлар, кўп миллатлилик, анъанавий маданият, замонавий маданият, динамик маданият, маданий-маърифий йўналганлик, маънавий-ахлоқий сифат, миллий ўзлик.*

*Из мирового опыта известно, что стабильность государства во многом зависит от его способности решать различные проблемы межнациональных отношений. Исторически характеристики толерантности формировались внутри восточной цивилизации.*

*В статье поднимается вопрос о национальной толерантности (межэтнической толерантности): активное, неестественное подчинение мнениям, мировоззрениям и действиям других; скорее это активное нравственно-духовное мировоззрение и активная позиция, которая демонстрирует психологическую готовность человека продолжать взаимодействие между этносами, социальными группами, другими культурами, нациями, религиями и социальной средой; изучено психологическими методиками, анализированы научные результаты.*

***Ключевые понятия:** личность, национальная толерантность, межэтнические отношения, многонациональность, традиционная культура, современная культура, динамическая культура, культурно-просветительская направленность, духовно-нравственные качества, национальная идентичность.*

*It is known from world experience that the stability of the state depends to a large extent on its ability to solve various problems of inter-ethnic relations. Historically, characteristics of tolerance have been formed within Eastern civilization.*

*The article raises the question of national tolerance (inter-ethnic tolerance): active, unnatural submission to the opinions, world views and actions of others; Rather, it is an active moral and spiritual outlook and an active position that demonstrates the psychological readiness of man to continue interaction between ethnicities, social groups, other cultures, nations, religions and the social environment; Studied by psychological methods, analyzed scientific results.*

***Basic concepts**: personality, national tolerance, inter-ethnic relations, multi-ethnicity, traditional culture, modern culture, dynamic culture, cultural and educational orientation, spiritual and moral qualities, national identity.*

Одамларнинг дунёқараш, фикрлаш тарзига асосланувчи мураккаб ҳодиса бўлмиш миллатлараро муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиши кўп жиҳатдан мамлакат аҳолисининг бағрикенглик даражасига боғлиқдир. Миллий бағрикенглик (миллатлараро бағрикенглик) унинг устувор жиҳатларидан биридир. Бу эса миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик маданиятини умумбашарий қадриятга айлантириш масаласининг қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди. 2017 йил 19 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон эълон қилинганлиги билан янада аҳамиятли ва Ўзбекистон ҳудудида кўпмиллатлиликнинг шаклланиши ва ўзбек халқи орасида бошқа халқ ва миллат вакилларининг тараққий этиши жараёнини кўрсатиб беради [1].

2018 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида худди шу масалага тўхталиб: “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессия вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади” [2], дея таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари қабул қилган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 5.1.-бандидаги Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар: фуқаролик, миллатлар ва конфессиялараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш; давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларда тўла ҳуқуқли субъекти сифатида ўрни ва ролини кучайтириш, ривожланган

https://buxdu.uz



демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик минтақасини вужудга келтириш [3] каби вазифаларни амалга оширишга шу ва шунга ўхшаш тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Миллий бағрикенглик масаласи дастлаб, шахсдаги инсонийлик сифатлари, инсонпарварлик, бағрикенглик масалалари Шарқ мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Жалолиддин Давоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Абдураҳмон Жомий, Кайковус, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг илмий меросида ўрганилган [6].

Таъкидлаш жоизки, узоқ ва яқин хориж олимларидан Г.Оллпорт, Т.Мендельберг, Дж. Милль, Дж.Локк, Дж.Оллпорт, А.Тешфел, А.Уолцер, Г.Солдатова, А.Асмолов, И.Юсупов, В.Хотинец, Г.Бардиер, В.Петренко, Г.Стефаненко, П.Степанов, Н.Лебедева, В. Золотухина, Г.Андреева, Э.Богардус, В.Криско, Е.Шлягиналар томонидан толерантлик (бағрикенглик)нинг турли жиҳатлари илмий ва назарий жиҳатдан таҳлил қилинган [5]. Ўрганилган адабиётлар ва таҳлилий материаллар асосида миллий бағрикенглик – кўп қиррали инсоний муносабатларнинг ўзига хос жиҳати бўлиб, ўзини ва ўзгаларни қадрлаш, уларни эъзозлаш, ҳурмат қилиш билан боғлиқ шахс хислати деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон психологларидан М.Давлетшин, В.Токарева, Э.Ғозиев, В.Каримова, Ғ.Шоумаров, Н.Сафаев, А.Жабборов, М.Маматов, И.Махмудов, Б.Ботиров, Ф.Татибаева каби олим ва тадқиқотчиларнинг изланишларида этник ва миллий ўзликни англаш, ижтимоий тасаввурлар, ёшларни маънавий тарбиялаш, этник қадрият, стереотиплар, ижтимоий ҳаётда шахснинг маънавий шаклланиши нуқтаи назаридан ёритиб берилган [6].

Миллий бағрикенгликнинг шахсда намоён бўлиши, ўсмир ва ўспиринлик даврида миллий бағрикенгликнинг шаклланиш хусусиятлари ҳамда шахсда маданий-маърифий йўналганлик ва миллий бағрикенглик ўртасидаги алоқадорликни текшириш каби масалалар тадқиқотимизнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу муносабат билан биз томонимиздан дастлаб турли ёш даврда миллий бағрикенглик шаклланишининг ижтимоий-психологик омилларини тадқиқ этишга қаратилган ўсмир ва ўспиринлар гуруҳида “Этник идентификацияни ўрганиш саволномаси (О.Л.Романова) ўтказилиб, қуйидаги эмпирик маълумотлар тўпланди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Шахсда миллий бағрикенгликнинг ёндош ҳодисалар билан алоқадорлиги**

| **Миллий бағрикенглик мезонлари** | Анъанавий маданият | Замонавий маданият | Динамик маданият | Этник толерантлик | Ижтимоий толерантлик | Баркамоллик | Хайрихоҳлик |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Миллий бағрикенглик | -0,06 | -,005 | 0,05 | 0,21** | 0,10 | 0,12 | -0,06 |

Жадвал натижаларига кўра, ўсмирлик даврида миллий бағрикенгликни шаклланиши шахсдаги қатор омиллар билан боғлиқлиги асосланилди. Миллий бағрикенгликни шахсда шаклланиши этник толерантлик билан ($r=0,21$; $p\leq 0,001$) кучли даражада аҳамиятли эканлиги тадқиқот натижаларидан аниқланди.

Маълумки, этник толерантлик – шахснинг бошқа этник жамоа вакилларининг нотаниш турмуш тарзига, уларнинг хатти-ҳаракатлари миллий урф-одатлари, ҳис-туйғулари, қарашлари, ғоялари, эътиқодлари ва бошқаларга нисбатан сабр-тоқатни намоён эта олиш қобилияти [9]. Келтирилган таърифдан кўринадики, миллий бағрикенгликни инсонларда ривожланиши этник толерантликнинг ҳам кучайишига сабаб бўлади. Айтиш жоизки, қайси шахсда ўз миллатига нисбатан қадр-қиммат, урф-одатларига нисбатан ҳурмат ҳиссининг кучайиши ўзга миллатларга нисбатан муносабатни ижобий томонга ўзгаришига олиб келади.

Толерантлик бу инсоннинг онгли мазмунли ва масъулиятли танлови бўлиб, шахс муайян муносабатларни ўрнатишда ўз позицияси ва фаолияти орқали намоён бўладиган мураккаб, кўп қиррали ва компонентли ҳодисадир. Шу боис ўсмир ва ўспиринлар гуруҳида миллий бағрикенгликни шаклланишида толерантликнинг этник, ижтимоий ва толерантлик шахс сифатидаги турларини

https://buxdu.uz



таъсир даражасини ўрганишга ҳаракат қилинди. Бунинг учун танланма гуруҳда "Толерантлик индекслари" экспресс сўровномаси (Г.Солдатова, О.Кравцова, О.Хухлаев, Л.Шайгерова) ўтказилиб, қуйидагича эмпирик маълумотлар тўпланди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Шахсда толерантлик турларини ўзаро интеркорреляцион алоқадорлиги**

| **Толерантлик индекси** | Этник толерантлик | Ижтимоий толерантлик | Баркамоллик |
|---|---|---|---|
| Этник толерантлик | 1 | 0,24** | 0,19** |
| Ижтимоий толерантлик | 0,24** | 1 | 0,30** |
| Баркамоллик | 0,19** | 0,30** | 1 |

Келтирилган жадвал натижаларига кўра, ўсмир ва талабалик даврида этник толерантлик ижтимоий толерантлик билан ($r=0,24$; $p\leq0,01$), баркамоллик ($r=0,19$; $p\leq0,01$) билан мустаҳкам алоқадорлик кузатилади. Таъкидлаш жоизки, этник толерантлик ўзга миллат ҳалқларнинг урф-одат, маданиятларини қадрлаш, ҳурмат қилиш каби хислатларни таркиб топганлигидан далолат беради. Шунингдек, ижтимоий толерантлик – ижтимоий муносабатлар ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятларда томонларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаши ҳамда фикрларини ҳурмат қилишдан иборат инсоний хислат ҳисобланади.

Баркамоллик синалувчилар гуруҳида аҳамиятли эканлиги аниқланиб, унга кўра этник толерантлик ($r=0,19$; $p\leq0,01$) ва ижтимоий толерантлик ($r=0,30$; $p\leq0,01$) билан кучли даражада аҳамиятли эканлиги кузатилади.

Бу ижтимоий ва этник гуруҳлардаги муносабатларни ортиши шахснинг баркамоллашувига олиб келади.

Маданият – муайян жамиятлар, халқлар ва элатларни шунингдек, фаолият ва ҳаётнинг (меҳнат маданияти, сиёсий маданият) ўзига хос соҳаларини таърифлаш учун қўлланилади. Шу боис тадқиқотга асосланиб, синалувчилар гуруҳида "Маданий-маънавий йўналганликни мўлжалга олиш" методикасидан фойдаланиб, аҳамиятли маълумотлар қўлга киритилди (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Ўсмирлар ва талабалар гурухида маданий маърифий йўналганлик кўрсаткичлари**

| Маданий маърифий йўналганлик турлари | Анъанавий маданият | Замонавий маданият | Динамик ривожланаётган маданият |
|---|---|---|---|
| Анъанавий маданият | 1 | -0,37** | |
| Замонавий маданият | -0,37 | 1 | -0,47** |
| Динамик ривожланаётган маданият | -0,08 | -0,47** | 1 |

Жадвал натижаларига кўра, анъанавий маданият замонавий маданият билан ($r=-0,37$; $p\leq0,01$) тескари алоқадорлик мавжудлиги аниқланди. Ўз навбатида анъанавий маданиятни тараққий этиши замонавий маданиятни ривожланмаслигига олиб келади. Шунингдек, динамик ривожланувчи маданият замонавий маданият билан ($r=-0,47$; $p\leq0,01$) қарама-қарши боғлиқликка эга эканлиги кузатилди. Динамик ривожланаётган маданият эса замонавий маданият билан ($r=-0,47$; $p\leq0,01$) тескари алоқадорликка эга эканлиги тажриба натижаларидан аниқланди.

**4-жадвал**

**Шахсда маданий-маърифий йўналганлик ва толерантлик турлари ўртасидаги муносабат**

| Маданият маърифий йўналганлик турлари | Толерантлик турлари | | |
|---|---|---|---|
| | Этник толерантлик | Ижтимоий толерантлик | Баркамоллик |
| Анъанавий маданият | 0,13* | 0,08 | 0,07 |
| Замонавий маданият | -0,06 | 0,01 | -0,03 |
| Динамик маданият | -0,006 | 0,01 | 0,04 |

Жадвал маълумотларига кўра, анъанавий маданият этник толерантлик билан ($r=0,13$; $p\leq0,05$) алоқадорликка эга эканлиги аниқланди. Таъкидлаш жоизки, анъанавий маданият-барқарор динамик бўлмаган маданият бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти жамиятдаги ўзгаришларга нисбатан суст

https://buxdu.uz



даражада ривожланишидир. Шу нуқтаи назардан олганда, анъанавий маданият ва этник толерантлик ўртасида ижобий алоқадорликка эга эканлиги кузатилади.

Шунингдек, тадқиқот давомида миллий бағрикенглик шаклланишининг ҳудудий фарқларини аниқлашга ҳам ҳаракат қилдик. Шу боис, тадқиқот ўтказилган объект ва ҳудудлар ўртасидаги фарқли жиҳатлар асосланилди.

**5-жадвал**

**Миллий бағрикенглик шаклланишининг ҳудудий фарқлари (1-курс талабалари мисолида)**

| Мезонлар | Ҳудуд | Mean | Std Deviat | Статистик тафовут кўрсаткичлари t мезони бўйича |
|---|---|---|---|---|
| анъанавий маданият | Жиззах | 1,5563 | 1,08591 | p≤0,05 |
| | Урганч | 2,2083 | 1,28466 | |
| Замонавий маданият | Жиззах | 2,3313 | 1,00139 | p≥0,05 |
| | Урганч | 1,9583 | 1,04170 | |
| Динамик ривожла-наётган маданият | Жиззах | 1,6000 | 1,01684 | |
| | Урганч | 2,0833 | 1,05981 | p≤0,05 |
| Этник бағрикенглик | Жиззах | 23,0250 | 5,64121 | p≥0,05 |
| | Урганч | 22,6667 | 5,74582 | |
| Ижтимоий бағрикенглик | Жиззах | 24,4000 | 5,60121 | p≥0,05 |
| | Урганч | 25,7500 | 7,15815 | |
| Баркамоллик | Жиззах | 25,4125 | 4,79437 | p≤0,05 |
| | Урганч | 27,3333 | 5,28876 | |
| Хайрихоҳлик | Жиззах | 5,2750 | 3,42567 | p≥0,05 |
| | Урганч | 5,7500 | 1,64845 | |
| Бағрикенглик | Жиззах | 43,5750 | 8,16154 | p≥0,05 |
| | Урганч | 43,1250 | 12,37569 | |

Келтирилган жадвал натижаларига кўра, анъанавий маданият (M=1,55) ва (M=2,20) динамик ривожланган маданият (M=1,60) ва (M=2,08), баркамоллик (M=25,4) ва (M=27,3) аҳамиятли алоқадорлик мавжудлиги қайд қилинди. Таъкидлаш жоизки, замонавий маданият, этник толерантлик, ижтимоий толерантлик, хайрихоҳлик, миллий бағрикенглик кўрсаткичлари ўртасида ўзаро муносабат кузатилмади.

**6-жадвал**

**Ўсмирлик даврида миллий бағрикенглик шаклланишининг ҳудудий фарқлари**

| Мезонлар | Ҳудуд | Mean | Std Deviat | Статистик тафовут кўрсаткичлари t мезони бўйича |
|---|---|---|---|---|
| анъанавий маданият | Жиззах | 1,8571 | ,81228 | p≤0,01 |
| | Урганч | ,6301 | ,63480 | |
| Замонавий маданият | Жиззах | 2,8163 | 1,09683 | p≤0,05 |
| | Урганч | 3,0137 | 1,17252 | |
| Динамик ривожланаётган маданият | Жиззах | 1,6939 | ,75174 | |
| | Урганч | 1,3836 | 1,03589 | p≤0,05 |
| Этник бағрикенглик | Жиззах | 22,0000 | 6,38942 | p≥0,05 |
| | Урганч | 20,1918 | 6,14785 | |
| Ижтимоий бағрикенглик | Жиззах | 27,3673 | 6,01268 | p≤0,05 |
| | Урганч | 25,6849 | 4,93816 | |
| Баркамоллик | Жиззах | 25,3776 | 4,12314 | p≤0,05 |
| | Урганч | 23,6438 | 3,24196 | |
| Хайрихоҳлик | Жиззах | 5,4796 | 1,78902 | p≥0,05 |
| | Урганч | 5,9178 | 1,54339 | |
| Бағрикенглик | Жиззах | 43,3571 | 9,34367 | p≥0,05 |
| | Урганч | 43,6712 | 6,93432 | |

https://buxdu.uz



Тадқиқотда иштирок этган синалувчиларнинг ёш ва ижтимоий-психологик нуқтайи назаридан натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, аҳамиятли кўрсаткичлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, ўсмирлик даврида анъанавий маданият (M=1,85) ва (M=0,63), замонавий маданият (M=2,81) ва (M=3,01), динамик ривожланаётган маданият (M=1,69) ва (M=1,38), ижтимоий бағрикенглик (M=27,3) ва (M=25,6), баркамоллик (M=25,3) ва (M=23,6) мезонлар ўртасида аҳамиятли алоқадорлик қайд этилади. Шунинг билан бирга ўсмирлар гуруҳида этник толерантлик, хайрихоҳлик ва миллий бағрикенглик ўртасида ўзаро аҳамиятли боғлиқлик кузатилмади.

Олиб борилган изланишлар давомида миллий бағрикенгликни ривожлантиришда психологик тренингларнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда шакллантирувчи тажриба шароитида миллий бағрикенгликни ривожланиш динамикасига доир масалалар ёритилди [4]. Бунда ўсмир ва талабалар учун психологик тренинг машғулотлари ишлаб чиқилиб, тажриба-синов жараёнига тадбиқ этилди.

Психологик тренинг бу – турли ижтимоий фаолият соҳаларига шахсни тайёрлашдан иборат бўлиб, бунда асосий эътибор шахс ёки гуруҳнинг мулоқот ёки коммуникатив соҳасидаги билимдонлик даражасини мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш жараёнини акс эттиришдир. Шу боис, танланма гуруҳларда “Жуфтликларда танишиш”, “Бизнинг қоидалар”, “Меҳмонларни кутиб олиш”, “Ўз фикрини ҳимоя қилиш”, “Қиёфалар”, “Мен сени тушунаман”, “Менинг кучли томонларим”, “Толерантлик эмблемаси”, “Қўшни”, “Толерантлик шкаласи” каби машқлар [8] ўтказилди.

Шахсда миллий бағрикенгликни ривожлантиришга қаратилган психокоррекцион дастурнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида қайта текширув амалга оширилди. Бунинг учун синалувчилар гуруҳида “Этник идентивликни аниқлаш” сўровномаси ўтказилди.

**7-жадвал**

**Психокоррекцион таъсирда шахсда миллий бағрикенгликни ривожланиш кўрсаткичлари**

| Синалувчилар гуруҳи | Синалувчилар | Экспериментдан олдинги кўрсаткичлар | | Экспериментдан кейинги кўрсаткичлар | | Тафовутнинг статистик аҳамияти (t мезони бўйича) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | $M_1$ | $S^2{}_1$ | $M_2$ | $S^2{}_2$ | |
| Тажриба гуруҳи | Ўсмирлар | 12,9 | 7,6 | 15,7 | 3,4 | $p \leq 0,05$ |
| | Талабалар | 17,6 | 14,0 | 19,7 | 10,2 | $p \leq 0,05$ |
| Назорат гуруҳи | Ўсмирлар | 12,8 | 9,3 | 14,3 | 8,4 | $p \geq 0,05$ |
| | Талабалар | 17,8 | 8,8 | 18,9 | 10,1 | $p \geq 0,05$ |

Жадвал натижаларидан миллий бағрикенглик даражаси паст бўлган ўсмирлар ва талабалар гуруҳида ўтказилган психологик тренинг машғулотлари самарали натижа берганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса, тренинг машғулотлари ўтказилган гуруҳларда ўзгаларга нисбатан ёрдам, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ҳурмат қилиш, меҳрибонлик, самимийлик, тоқатлилик, ўзини бошқара олиш, бошқаларни эшитиш ва тушуниш каби шахс сифатларининг ортганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот давомида айни глобаллашув жараёнида миллий бағрикенгликнинг ижтимоий психологик детерминантлари ўрганилиш жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Шарқ алломалари асарларида бағркикенглик масаласи саховат, ҳиммат, ўзгаларни қадрлаш, ҳурмат қилиш, инсоний сифатлардан меҳрибонлик, яхшилик, меҳмондўстлик, ўзгаларга ёрдам кўрсатиш, ғамхўрлик кабилар билан боғлиқ тарзда тушунтириб берилади;

Хориж психологлари изланишларида сабр-тоқатлилик, бардошлилик, ўзаро ёрдам, қўллаб-қувватлаш, бошқа инсонларни қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ўзаро муносабатларда самимийлик ва этник тенглик асосида изоҳлаган бўлсалар, ўзбек психологлари шахсни маънавий тарбиялаш, маънавий-ахлоқий сифатлар, этник ва миллий ўзликни англаш, ижтимоийлашув, этник стереотиплар нуқтайи назаридан асослайдилар;

Шахсда миллий бағрикенгликнинг шаклланишида улардаги анъанавий, замонавий ва ривожланган динамик маданият билан узвий алоқадорлик мавжуд;

Миллий бағрикенгликнинг ривожланиши этник толерантлик, ижтимоий толерантлик ва баркамоллик билан ўзаро муносабатларда яққол кузатилади.

Юқорида олинган хулосалар юзасидан қуйидаги **тавсияларни** беришни лозим топдик:

https://buxdu.uz



-миллий бағрикенгликни ёшларда шакллантиришнинг мазмунини психологик жиҳатдан белгилаб олиш, миллий бағрикенгликни шакллантиришнинг мезонлари, мавзулари ва хусусиятларини тўла қамраб олиб, унинг психологик шакл, услуб ва воситалари тизимини ишлаб чиқиш;

- шакллантирувчи тренинглар орқали ёшларни ўзаро мулоқот ва муомала маданиятига, баҳс олиб бориш, етакчилик қилиш, зиддиятларнинг ижобий ечимини топиш, ўзгалар маданияти, қадриятлари ва ҳуқуқларини ҳурматлаш маданиятига ўргатиш;

- ҳар бир шахс ноёб ҳодиса, такрорланмас воқелик эканлигини чуқур англаш, ўзгаларга маънавий-руҳий ва жисмоний зарар етказмаслик, ўзгалар билан инсоний муносабатга киришиш маданиятини, инсонлараро коммуникативлик кўникмаларини шакллантириш.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон. //“Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 20 май.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. – Т.: Маънавият, 2019. 264-265-бетлар.
3. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-4947-сон 07.02.2017 http://www.lex.uz/docs/ 3107036. (Мурожаат санаси: 20.12.2019)
4. Бафаев М.М. Глобаллашув жараёнида миллий бағрикенгликни шакллантириш масалалари. // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2016. – №2. – Б. 47-51.
5. Бафаев М.М. Хориж психологлари тадқиқотларида миллий бағрикенглик муаммоси.// Психология. – Бухоро, 2019. – №3. – Б.93-97.
6. Бафаев М.М. Ўзбек миллий қадриятлари тизимида миллий бағрикенглик муаммосининг назарий таҳлили.// “Шахсда илмий дунёқараш ривожланишининг психологик имкониятлари ва тарбиявий жиҳатлари” мавзусида республика илмий-амалий конференция материаллари//Тошкент, 2019. – 632 б. – Б. 40-43.
7. Мурашов А.А. Гримасы толерантности: когда терпимость нетерпима//Мир образования – образование в мире. №3. – 2003. – С.189
8. Солдатова Г. У., Шайгерова Л. А., Шарова О. Д. Жить в мире с собой и другими: Тренинг для подростков. – М.: Генезис, 2000. – С.11.
9. Бардиер Г.Л. Социальная психология толерантности. Автореферат доктора психологических наук. 19.00.05. – Санкт Петербург, 2007. – 46 с.


**Durdona Axatova**
Navoiy davlat pedagogika instituti
umumiy pedagogika va psixologiya
kafedrasi dotsenti, pedagogika fanlari nomzodi

# O’QUVCHILARDA MUSTAQILLIK VA TASHKILOTCHILIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISHDA PEDAGOGIK MAHORATNING O’RNI

*Maqolada o’quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirish zarurati, mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishdagi faoliyat turlari va samarali yo`llari, bu jarayonda o`qituvchi amal qilishi lozim bo`lgan talablar hamda bu sifatlarni shakllantirishda o`qituvchining pedagogik mahorati mohiyati yoritiladi.*

***Tayanch tushunchalar:*** *o’quvchi, o`qituvchi, mustaqillik, tashkilotchilik, faoliyat turlari, erkin fikrlash, komil inson, yetakchilik (liderlik), faollik, tashabbuskorlik, tirishqoqlik, uyushtira olish, muomalaga kirishuvchanlik, pedagogik talablar, pedagogik mahorat.*

*В статье освещается необходимость формирования у учащихся - независимость и организационные качества, виды и эффективные пути деятельности по формированию*

https://buxdu.uz



*самостоятельных и организационных качеств; требования, которые должен соблюдать учитель в этом процессе, а также суть педагогического мастерства учителя в формировании этих качеств.*

***Ключевые слова:** ученик, учитель, независимость, организованность, виды деятельности, свободное мышление, личность, лидерство, активность, инициативность, трудолюбие, организованность, общительность, педагогические требования, педагогическое мастерство.*

*The article highlights the need to develop independence and organizational skills and effective ways of action for promoting independence and organizational skills, the requirements that must be met by the teacher in this process as well as the pedagogical skill of the teacher in developing these skills.*

***Key words:** student, teacher, independence, organization, activities, free thinking, personality, leadership, activity, initiative, hard work, organization, sociability, pedagogical requirements, pedagogical skills.*

Mustaqil fikrlay oladigan, dunyoqarashi va tafakkuri keng barkamol insonlar yurtimiz taqdirini hal qiladilar. Shuning uchun ham kelajakka munosib bo'lgan ma'naviy jihatdan yetuk yoshlarni tarbiyalash bugungi kunning muhim vazifalaridan biridir. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev yoshlarni mustaqil fikr tarbiyasi zarurligiga e'tibor qaratib: "Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz" [1],– deb ta'kidlaydi.

Tub islohatlar davrida jamiyat hayotiga daxldorlik, millat va mamlakat taqdiriga befarq bo'lmaslik hissi shakllangan yoshlarga bo'lgan ehtiyojni hayotning o'zi taqozo etib, kelajagimiz bo'lgan yoshlarni ijtimoiy faol, mustaqil va tashkilotchi qilib tarbiyalash zaruriyatini kun tartibiga olib chiqdi.

Jamiyatimimzda ayrim hollarda uchrab turadigan loqaydlik, beg'amlik, befarqlik, e'tiborsizlik, yolg'onchilik, o'g'rilik, ichkilikbozlik, fohishabozlik, giyohvandlik shu bilan birga diniy ekstremizm hamda terrorizm global muammo bo'lib, asr vabosiga aylanib borayotgan bir sharoitda, ijtimoiy faol, mustaqil fikrlovchi shaxs tarbiyasi alohida dolzarb pedagogik muammo bo'lib hisoblanadi.

Mustaqil, erkin fikrlovchi o`quvchi shunday shaxs turiki, u doim izlanuvchi bo`ladi, o`z ustida tinmay ishlaydi, bahs-munozarani juda yoqtiradi, turg`unlik kayfiyati, eskicha yashash, o`qish va fikrlash tarzi unga mutlaqo yot. U tashabbuskor, doim oldinga intiluvchan bo`ladi. Bugungi hech kimga tobe bo`lmagan mustaqil hayotimizda, yangi demokratik jamiyat qurish jarayonida xuddi shunday o`quvchi kerak. Bunday o`quvchining murabbiysi va ustozi esa o`z sohasining haqiqiy ustasi bo`lmog`i zarur.

O'quvchilarda mustaqillik sifatlarini shakllantirishga e'tibor qaratar ekanmiz, dastlab "mustaqillik" so'zining ma'nosiga e'tibor qaratsak. "Mustaqillik" (arabchadan-tobe emaslik; ixtiyori o'zidalik, qaram emaslik) – erkin va ozod ravishda, boshqalarning rahbarligisiz ish yurita bilish. Mustaqillik – o'zaro hurmat, bir-birlarini qadrlash, milliy va bashariy qadriyatlarga tayanib yashash, fikrlash, o'z hayotini o'zi tashkil etish imkoniyati va amaliyotini bildiradi [2].

Mustaqil, erkin fikrlovchi komil insonni tarbiyalashning muhim shartlaridan biri o'sib kelayotgan yosh avlodning ijtimoiy munosabatlar jarayonining faol ishtirokchisi bo'lishiga erishishdir. Ijtimoiy munosabatlarda faol ishtirok etish har bir shaxsdan ularni tashkillashtirish, ya'ni tashkilotchilik sifatlariga ega bo'lishni talab qiladi.

Tashkilotchilik (arabcha "tashkil" so'zidan olingan) muayyan ish harakatni boshlab berish, tashkil etish, uyushtirish yoki uyushtirishni oqilona rejatashtirish xislati. Manbalarda "tashkilotchilik" tushunchasi "1) tashkil etish xislati; 2) tashkilotchilik ishi, faoliyati, jamoani uyushtira bilish, jipslashtira olish, shuningdek, o'zining shaxsiy ishini to'g'ri tashkil qila olish, "tashkillashtirish ishlarini olib borishga bo'lgan ehtiyoj" deya ta'riflanadi. Tashkilotchilik o'yin, ta'lim va mehnat ko'rinishidagi faoliyatlarni tashkil etish, ijtimoiy munosabatlar jarayonini faollashtirish, jamoani jipslashtirish va yagona maqsad atrofida birlashtirishda tashabbus hamda nazoratni o'z qo'liga olish, uni samarali boshqarish va mavjud imkoniyatlaridan unumli foydalanish, shuningdek, jamoadoshlarni faollik ko'rsatishga rag'batlantirish, yetakchilik (liderlik) qobiliyatiga egalikdir.

O'quvchilarning tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishga yo'naltirilgan pedagogik faoliyatning samarali natijasi ularda mustaqillik, faollik, maqsad sari intilish, jamoada tengdoshlari bilan faol muloqotga kirisha olish, o'yin, ta'lim va mehnat jarayonida hamkorlikka erishish, shuningdek, jamoa a'zolarini uyushtirish, ularni yagona maqsad atrofiga birlashtirish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirishda yetakchi (lider)likni qo'lga olish kabilarning samarali shakllanganligi bilan belgilanadi.

Tashkilotchilik zamonaviy, ishbilarmon shaxsga xos sifatlar majmui sanaladi. Ingliz olimi F.Teylorning fikriga ko'ra, zamonaviy shaxs qiyofasida aql-idrok, maxsus ma'lumot hamda texnikaviy bilimlarga egalik, chidamlilik, bardoshlilik, xushmuomalalik, ta'sirchanlik, qat'iyatlilik, haqiqatgo'ylik,

https://buxdu.uz



mulohazakorlik kabi sifatlar namoyon bo'ladi.

Boshqaruv sohasida faoliyat yuritayotgan olim A.Fayol tashkilotchi shaxs, eng avvalo, uzoqni ko'ra olish qobiliyatiga ega bo'lishi zarurligini uqtiradi. Muallifning fikricha, tashkilotchilik sifatlari jamoani uyushtira olish, mutaxassis (kadr)larni joy-joyiga qo'yish, istiqbolda hal etiluvchi vazifalar (uyushtiriluvchi tadbirlar)ni rejalashtirish, qatiy nazoratni yo'lga qo'yish bilan xarakterlanadi.

O'qituvchida o'ziga xos tashkilotchilik xususiyatlarining mavjudligi o'quvchi shaxsida ijodkorlikni, tashabbuskorlik, mustaqillikni tarbiyalashga o'z ta'sirini ko'rsatib boradi. O'qituvchi bolalar bilan ishlovchi, ularning dars va darsdan tashqaridagi faoliyatlarini va munosabatlarini boshqaruvchi sub'ekt hamdir. Shuning uchun har bir o'qituvchi o'zida umumiy va o'ziga xos tashkilotchilik sifatlarini rivojlantirib bormog'i lozim. Tashkilotchilikning umumiy sifatlari deganda, aqlning amaliy va chuqur mulohaza yurita olishi, faollik va tashabbuskorlik, qo'yilgan maqsadga erishishda tirishqoqlik, murakkab vaziyatlarda o'zini qo'lga ola bilish, uyushtira olish, kuzatuvchanlik, muomalaga kirishuvchanlik kabilar tushuniladi.

Tashkilotchilikning o'ziga xos sifatlari: ichki sezgirlik, xushyorlik, xissiy irodaviy ta'sir eta olish, tashkilotchilik faoliyatiga moyillikni o'z ichiga oladi. O'qituvchi o'zini anglab yetishi, o'ziga xos xususiyatlarini, intilishlari, imkoniyatlari, kamchiliklari va uning sabablari, kasbiy faoliyatning o'ziga xos tomonlari va muvaffaqiyatga erishish shartlarini, o'zining ustun tomonlarini, mazkur faoliyatning samarali kechishini ta'minlovchi imkoniyatlar va turli yo'nalishlarda ko'zda tutilgan vazifalarni yaxshi bilishi kerak. Bunday imkoniyatlarni o'z kasbiy faoliyatida ochiq, erkin namoyon qila borib o'qtuvchi bu bilan o'quvchilar faoliyatida ochilmagan, imkon topilmagan, o'ziga xos xususiyatlarni, jumladan, tashkilotchilik faoliyati uchun zarur bo'lgan sifatlarni yuzaga chiqarish, ulardan foydalanish uchun keng imkoniyat yaratiladi.

O'quvchini dunyoda yuz berayotgan voqea-xodisalarni kechishiga tezkor, oqilona, mustaqil, ijodiy munosabatlarni bildirishga tayyorlash muhimdir. Yangi avlod va uni rivojlanishi, moslashuvi, o'zini va boshqacharning faoliyatini boshqarish bilan bog'liq muammolarni yuzaga kelishi va uning yechimini topishga doim tayyor turish bugungi kun o'qituvchisi oldidagi asosiy vazifatardan biridir.

O'quvchilarni mustaqil ijodiy bilish jarayonini tashkil etish va yo'lga qo'yishda paydo bo'lgan maxsus, jumladan, tashkilotchilik sifatlarini tarbiyalash, ijodiy xarakterdagi vazifalarni hal etishga yo'naltirilgan o'qituvchi faoliyatida yangi vosita, usul, shakllarni doimo izlab topishga ehtiyojni shaklantirish muhimdir.

O'quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishda o`qituvchi quyidagi talablarga amal qilishi lozim:

1. O'qituvchining o'quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirish jarayoniga pedagogik va metodik jihatdan to'g'ri yondasha olishi.

2. O'qituvchi tomonidan o'quvchilarga tarbiyaviy ta'sir qo'llanganda, ularning qiziqishi, faolligi, shaxsan tashabbusini inobatga olish.

3. Har bir topshiriqni bajarishda mas'uliyat, burch hissining shakllanishi, o'zaro yordamlashishga intilish, o'z ustida mustaqil ishlashi, birdamlik, kerak bo'lgan paytda bo'ysunish odatlarining tarkib togishi.

4. O'qituvchining faoliyatni amalga oshirish tartibi yuzasidan to'g'ri tushuncha berishi, bola erishgan yutuqlarga munosib baho berish, rag'batlantirish.

O'quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishda quyidagi faoliyat shakllaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir:

1) dars jarayoni-o'quvchilarga ijodiy topshiriqlarni berish; ularni muammoli vaziyatlarni hal qilishga jalb etish;

2) darsdan tashqari ishlar jarayonida o'quvchilarning ommaviy tadbirlar (kechalar, bayramlar, festivallar, aksiyalar, forumlar, musobaqalar, intellektual bellashuvchilar va hokazolar)da faol ishtirok etishlarini ta'minlash; to'garaklar (fan to'garaklari, mohir qo'llar va badiiy havaskorlik)ga jalb qilish;

3) maktabdan tashqari sharoitda - yoshlar tashkiloti tomonidan uyushtirilayotgan tadbirlarda ishtirok etishlari uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish.

O'quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishda *ijodiy topshiriqlarning* o'rni katta bo'lib, o'quvchi topshiriqni bajarish jarayonida o'zini o'rab turgan moddiy borliq bilan bevosita muloqotga kirishadi. O`quvchida turli ijodiy topshiriqlarni bajarishga nisbatan ko'nikma va malakalarning hosil bo'lishi ta'lim jarayonining muvaffaqiyatli bo'lishini ta'minlaydi. Ijodiy topshiriqlarning didaktik va tarbiyaviy imkoniyatlaridan yetarli darajada foydalanish uchun ularning quyidagi talablarga javob bera olishiga e'tiborni qaratish zarur:

- tuzilgan topshiriqlar ilgarigisidan tubdan farq qilishi;
- topshiriqlarning mazmuni o'quvchilarning yosh, psixologik va individual xususiyatlaridan kelib chiqishi;
- topshiriqlar o'quvchilarinng qiziqishlari, ehtiyojlari hamda imkoniyatlariga mos holda tanlanishi;

https://buxdu.uz



- topshiriqning bajarish usullarini tanlashda o'quvchilarning erkin va mustaqil harakat qilishlarini ta'minlashi;
- topshiriqlar tizimi mazmunida ilmiylik va tushunarlilik tamoyilining aks etishi ( bu narsa o'quvchining ilmiy dunyoqarashi shakllanishiga yordam beradi, fan asoslarini tushunib olishlariga ko'maklashadi);
- topshiriqlar tizimi osondan qiyinga, soddadan murakkabga qarab ketma-ketlikda tuzilishi lozim.

Ijodiy topshiriqlarni bajarish jarayonida past o'zlashtiruvchi o'quvchilar yaqqol namoyon bo'ladi, ularga zarur yo'nalishlarda qo'shimcha yordam berish imkoniyati yaratiladi. O'quvchining individual xususiyatlarini namoyon qilishga ko'maklashadigan ijodiy topshiriqlarni to'g'ri tashkil qilish o'qituvchining mahoratiga bog'liq. Ijodiy topshiriqlarda o'quvchilarning individual xususiyatlari namoyon bo'ladi.

O'quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishga yo'naltirilgan *darsdan tashqari ishlar* jarayonida, shuningdek, maktab kechalari, bolalar bayramlari, quvnoqlar va topqirlar musobaqalari ham muhim ahamiyat kasb etadi. Bu jarayonda o'quvchilarni bir-biriga hurmati, axloqiy sifatlari, ular orasida muomala madaniyat shakllanib boradi.

To'garaklar esa bolaning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etishga, ularning ongida yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlarni mujassamlashga yo'naltirilgan bo'lishi kerak. To'garak a'zolarida mustaqillik, g'oyaviy yetakchilik, sardorlik tushunchalari shakllangan bo'lishi, o'qituvchini diqqat bilan eshitish, topshiriqlarni o'z vaqtida bajarish, intizomga rioya qilishi qatiy talab etiladi.

O'quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishda quyidagi yo'llarning samarali ekanligini ta'kidlash mumkin:

- o'quvchilar jamoasi oldiga individual va umumiy pedagogik talablarni qo'yish;
- o'quvchilar jamoasi imkoniyatlaridan to'g'ri foydalanish;
- o'quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllashirishda ommaviy axborot vositalari xizmatidan foydalanish;
- o'quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini izchil shakllantirish an'analarini tarkib toptirish;
- o'quvchilar jamoalarining o'z-o'zini boshqarishiga erishtirish;
- ta'lim muassasasi va oilalar o'rtasida sinf o'quvchilarida mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirish borasida o'zaro hamkorlikka erishish.

Shaxsning mustaqillik va tashkilotchilik sifatlariga ega bo'lishi shaxslararo munosabatlarda faol ishtirok etish, o'z fikrlarini o'zgalarga uqtira olish va ularni o'z ortidan ergashtira bilishiga yordam beradi. O'quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik negizida aks etuvchi — kirishimlilik, muloqotga tez kirishuvchanlik, o'z-o'zini baholash va boshqarish, sinf jamoasi bilan birlikka intilish, sinfdoshlariga nisbatan ijobiy (yaxshi) munosabatda bo'lish, ularni yoqtirish, ijtimoiy munosabatlarga kirisha olish, serharakatlilik hamda liderlik kabi sifatlarni shakllantirishda ham o`qituvchi mahorati muhim ahamiyat kasb etadi. O'quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishda sinf rahbarlari va fan o'qituvchilari muhim rol o'ynaydilar.

O'quvchilarda tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishga qaratilgan pedagogik faoliyatning o'yin texnologiyalariga asoslanishi, individual va jamoaviy topshiriqlarni berish orqali o'quvchilarning amaliy faoliyatga jalb qilinishi hamda o'quvchilar jamoalarida o'z-o'zini boshqarish organlari faoliyatining yo'lga qo'yilishi kabi shakllarda tashkil etilishi kutilgan natijalarni qo'lga kiritish imkoniyatini yaratdi.

Shunday qilib, yangi, ijtimoiy vazifalarni hal etish maqsadiga yo'naltirilgan o'quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirish uchun zarur bo'lgan pedagogning layoqatlilik darajasi, ta'lim sifatini ta'minlovchi kasbiy mahorati kelajakda yuqori malakali kadrlar tayyorlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

## Adabiyotlar

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини бир галикда барпо этамиз. Тошкент - «Ўзбекистон». 2016. 13-14 b
2. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат.-Тошкент, 2006. -274-бет.
3. Комилова Ф. Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш. Тошкент, «YANGI NASHR». – 2010. -108 б.

https://buxdu.uz



**Уйғун ЎРИНОВ**
Бухоро муҳандислик технология институти, машинасозлик технологияси кафедраси докторанти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

**Наргиза РАЖАБОВА**
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети магистранти

# ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ЭНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинган қарор ва фармонларнинг ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларида замонавий таълимни амалга оширишда ўқув фанлари бўйича янги ахборот технологияларининг тез ва қулай фойдаланиш имконини берувчи турларидан ҳар бир талаба ва ўқитувчи эркин фойдалана оладиган шароитни яратиш мақсадга мувофиқдир. Мақолада талабанинг шахсий хислатлари педагогик жараённинг субъекти сифатида ёритилади. Олимларимиз томонидан касбий фаолиятнинг самарасини ошириш билан йўғрилган инсон ҳаётининг энг ижодий даврлари, етуклик босқичлари тўғрисида фикрлари келтирилган. Ўқитувчи фаолиятидаги креативликнинг бир неча босқичлари баён этилган. Ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мотивлар муҳим аҳамият касб этади. Инновацион фаолиятнинг асосий функциялар келтирилган.*

***Таянч иборалар:*** *талаба, ўқитувчи, ижодкорлик, креативлик, педагогик жараён, олий таълим, ўқув фанлари, ахборот технологиялари, касбий фаолият, инновацион фаолият*

*В целях обеспечения реализации решений и указов Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева целесообразно создать условия для свободного доступа к новым видам информационных технологий в высшем образовании при внедрении современного образования. В статье описаны личностные качества студента- как субъекта педагогического процесса. Наши ученые высказали свои взгляды на самые творческие периоды жизни человека, этапы зрелости, которые сопровождаются повышением эффективности профессиональной деятельности. Описаны несколько этапов творчества в обучении. Мотивы самоактивации, самосовершенствования, самопознания и творчества, которые играют важную роль в деятельности учителя. Перечислены основные функции инновационной деятельности.*

***Ключевые слова:*** *студент, преподаватель, творчество, педагогический процесс, высшее образование, педагогические науки, информационные технологии, профессиональная деятельность, инновационная деятельность.*

*In order to ensure the implementation of decisions and decrees of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev, it is advisable to create conditions for free access to new types of information technologies in higher education with the introduction of modern education. The article describes the personal qualities of a student as a subject of the pedagogical process. Our scientists expressed their views on the most creative periods of human life, stages of maturity, which are accompanied by an increase in the efficiency of professional activity. Several stages of creativity in learning are described. Motives of self-activation, self-improvement, self-knowledge and creativity play an important role in the activities of teachers. The main functions of innovation are listed.*

***Key words:*** *student, teacher, creativity, pedagogical process, higher education, pedagogical sciences, information technology, professional activity, innovative activity.*

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида барқарорлашув ҳукм сураётган бир пайтда иқтисодиётнинг чуқур модернизациялашувига эришмай туриб инновациялар диффузиясига, яъни янги ғоя, ишланма ва технологиялар жорий этилиши ва жадал тарқалишига эришиш қийин. Бунинг учун эса, авваламбор, таълим, илм-фан ва саноат интеграциясини таъминлаш, шунингдек, инновацион маҳсулотларга бўлган талабни оширадиган янги компаниялар ташкил этилишини рағбатлантирувчи янги саноат тармоқларини яратишга кўмаклашадиган бир қатор аниқ техник ечимларни жорий қилиш талаб этилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 30 ноябрда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги № ПҚ-3416-сонли қарорида “.....аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш,

https://buxdu.uz



унинг фаровонлигини оширишни таъминлаш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва прогноз қилиш, шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлай оладиган фан ва инновацияларни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш" каби устувор вазифалар қўйилди. Шу устувор вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим соҳасида бугунги кунда анчагини салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим жараёнида талабаларга билим олиш ва амалий кўникмаларни шакллантиришда профессор-ўқитувчилар янги педагогик ва инновацион технологияларни қўллаган ҳолда мақсадга эришмоқдалар.

Олий таълим муассасасида инновацион фаолиятнинг субъекти ҳисобланган ўқитувчи шахсининг ижтимоий-маданий, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари юксак аҳамиятга молик бўлади.

Замонавий таълимни амалга оширишда ўқув фанлари бўйича янги ахборот технологияларининг тез ва қулай фойдаланиш имконини берувчи турларидан ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчи эркин фойдалана оладиган шароит яратишдан иборат. Ҳозирда сифатли таълим бериш учун анъанавий иккита томон — ўқувчи-ўқитувчига зарур ахборотларни етказиб турувчи хизматдан иборат учинчи томон фаолиятини ташкил қилиш зарур.

Бу йўналиш ахборот технологияларини таълим-тарбия жараёнига жорий қилиш йўналиши деб номланади. Шу ахборотларни ўқувчилар тушуна оладиган мантиқий шаклларда ифодалаш ўқувчи билан ўқитувчининг вербал мулоқотини ташкил қилади.

Талабанинг шахсий хислатлари педагогик жараённинг субъекти сифатида ёритилади. Унга қуйидагиларни киритиш мумкин: ўқитишнинг ҳозирги ва келгуси босқичлари учун қабул қилинган ўқув - тарбия жараёнининг мақсади, вазифаси ва кўрсатмаларини англай билиш; интеллектуал меҳнатнинг янги тадбирларини эгаллаш; мақсадга мувофиқ касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таҳсил олиш, қийинчиликларни аъло даражада енга билиш, ўсиш ва мустаҳкам ўрин эгаллашнинг кенгаётган интеллектуал ва касбий имкониятлари, истиқболлари билан қониқиш, ўзининг социал роли, функциясини бажаришида фаол муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Инновацион педагогик жараённинг муҳим унсурлари шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини-ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш. Бундай йўналиш талабаларнинг ўқув ишларини фаоллаштириш, уларнинг касбий ихтисослашишини аниқлаб олиш фаоллигини ўз ичига олади.

Таянч йўналишлар – таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви, уларнинг ўзаро алоқаларида янги тамойилларга ўтиш**.** Шундай қилиб, инновацион фаолият омиллари назарияси таҳлили унинг энг муҳим йўналиши гуманистик аксиология экан деган ҳулосага олиб келади.

Инновацион фаолиятга аксиологик ёндашув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига бахшида қилиши, унинг томонидан яратилган педагогик қадриятлар жамини англатади. Аксиология инсонга олий қадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан – бир мақсади сифатида қарайди.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси. Ўқитувчининг инновацион фаолиятига яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият натижаси сифатида қаралади.

Олимларимиз касбий фаолиятнинг самарасини ошириш билан йўғрилган инсон ҳаётининг энг ижодий даврлари, етуклик босқичлари тўғрисида фикр юритадилар. Улар етук инсонларнинг профессионализми, шахс ривожланишининг гуллаган давридаги психик қонуниятлари, профессионализмга етишдаги баландликлардан ўта олиш масалалари билан шуғулланганлар. Улар объектив омилларга олинган таълимнинг сифатини, субъектив омиллари эса инсоннинг истеъдоди ва қобилиятини, ишлаб чиқариш вазифаларини самарали ҳал қила олишидаги масъулияти, мутахассисларга ёндашувини киритадилар.

Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари сифатида қуйида-гилар кўрсатилади: истеъдод нишоналари; укувлилик; қобилият; истеъдод; оила тарбияси шароити; ўқув юрти; ўз хатти-ҳаракати.

Акмеология илмий нуқтаи назардан профессионализм ва ижод муносабатида олиб қаралади. Бунда қуйидаги категориялар фарқланади: ижодий индивидуаллик; ўзининг ўсиш ва такомиллашиш жараёни; ўз имкониятларини амалга ошириш сифатидаги креатив тажрибаси.

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат: интеллектуал - ижодий ташаббус; билимлар кенглиги ва чуқурлиги интеллектуал қобилияти; зиддиятларга нисбатан хушёрлик, ижодга танқидий ёндашув, вужудан яратувчиликка курашчанлик қобилияти; ахборотларга ташналик, муаммолардаги ғайриодатийликка ва янгиликка бўлган ҳис – туйғу, профессионализм, билишга бўлган чанқоқлик.

https://buxdu.uz



Шу тариқа ўқитувчининг ижодий индивидуаллигини шакллантириш шахс ривожланиши ва янгиланишининг динамик инновацион жараёни сифатида тушунилади.

Ижодий индивидуалликни тавсифлайдиган самарали ўз-ўзини англаш қуйидагиларни қамраб олади: ўзини бошқаларга қиёс қилиш асосида ўз шахсининг бетакрор эканлигини англай олиши; ўзи тўғрисидаги креатив кўринишлар ва тасаввурлари тўплами; индивидуал креатив ўзига хосликларнинг бир бутунлиги ва уйғунлиги, ички бирлиги; шахснинг ўз ривожланишидаги динамиклик ва доимийлик жараёни ва унинг ижодкор сифатида шаклланиши; шахс ўзини намоён қила олиши ва ўзининг муайян ишларни амалга оширишга ҳозир турганлиги; ижодкор сифатида ўзини бахшида қила олиши ва шахсий ҳамда ижтимоий вазиятларда ўзининг ўрнини англай олиши.

Инновацион фаолият тузилмаси таҳлилида акмеологик ёндашув ўқитувчининг касбий маҳорати чўққиларига эришувида унинг шахси ривожланиш қонуниятларини очиш имконини беради.

Ўқитувчи фаолиятидаги креативликнинг бир неча босқичларини белгилаш мумкин:

Биринчи босқичда тайёр методик тавсияномалар кўчирилади; иккинчи босқичда мавжуд тизимга айрим мосламалар (модификациялар), методик усуллар киритилади; учинчи босқичда ғояни амалга ошириш мазмуни, методлари, шакли тўла ишлаб чиқилади; тўртинчи босқичда ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз бетакрор концепцияси ва методикаси яратилади.

Dars oxirida rivoyatda berilgan bobodehqon topib olgan tilla to‘ldirilgan xumchani yasab kelish uyga vazifa sifatida berilsa, mavzuni mehnat (texnologiya) darslari bilan ham bog‘lash, fanga qiziqishini oshirish hamda o‘quvchilarning qo‘l mehati orqali tasavvurlarini boyitishga erishish mumkin.

3-sinf darsligidagi “O‘jar buzoqcha” she’rini o‘tishda, avval, o‘quvchilarga “Tabiat” o‘quv predmetidan o‘zlashtirganlari hamda o‘zlarining turmush tarzimizdan orttirgan tajribalari asosida “Men qaysi uy hayvonlarini bilaman” mavzusida suhbat o‘tkaziladi. O‘quvchilardan uy hayvonlari haqida nimalarni bilishi, sigir, ho‘kiz va buzoqcha so‘zlarining ma’no farqi haqida so‘raladi hamda atrofimizdagi olamga e’tiborli bo‘lish, tabiatni asrash kabi tarbiyaviy tushunchalar ham singdirib boriladi. O‘qish darsining “Tabiat” o‘quv predmeti bilan uzviylikda olib borish o‘quvchilarda nazmiy asarga qiziqishlarini oshiradi hamda she’rni oson va tez yodlatishlariga turtki beradi.

O‘qish darslarida badiiy asarni o‘qitish, uning matnini tahlil qilishda o‘quv jarayoni uchun mo‘ljallangan maxsus texnik vositalar orqali mayin milliy kuy qo‘yib, ifodali o‘qitilsa yoki hikoya qilib berilsa, o‘quvchilarning diqqatini bir joyga jamlash, ularni faollashtirishni yengillashtiradi. Darsning musiqa bilan uzviylashtirilishi o‘quvchilarni ma’nan oziqlanishga, insoniylikni, hayotni sevishga o‘rgatadi.

Zero, o‘qituvchi birgina o‘qish darsini boshqa o‘quv predmetlari bilan integratsiyalash orqali ta’lim oluvchilarda assotsiativ dunyoqarashning shakllanishi va rivojlanishiga zamin hozirlaydi.

Boshlang‘ich sinflarda, fikrimizcha, o‘qish va ona tili darslarini integratsiyalashda quyidagilarga e’tibor berish muhim:

https://buxdu.uz



– har bir darsda nazariy ma’lumotlarni berishga qaratilgan istalgan usul, albatta, ta’limiy maqsad ro‘yobini ta’minlashga xizmat qila olishi kerak;

– fanlararo aloqadorlik asosida tanlangan qo‘shimcha material o‘tiladigan mavzu bilan bevosita bog‘lanishi shart;

– integrativ ta’lim jarayonida sinf o‘quvchilari faolligini oshirish uchun pedagogik hamkorlikka tayanish juda muhim;

– integrativ ta’lim jarayonida darsning ta’limiy maqsadi tarbiyaviy madsadni to‘ldirib borishi yoki, aksincha, tarbiyaviy maqsad ta’limi madsad bilan yaxltlashib borishi zarur;

– integrativ ta’lim jarayoni bolaning tabiat, inson tafakkuri, jamiyat taraqqiyoti uzviy aloqadorlikda ekanligini anglashiga poydevor bo‘lishi kerak. Zero, insonning ona tilisi uning dunyoni bilishi uchun asosiy vositadir.

Ta’kidlash zarurki, integrativ ta’lim fan o‘qituvchisidan alohida tayyorgarlikni talab etadi.

Vaholanki, ulug‘ didakt olim Yan Amos Komenskiy aytganidek: “Bir-biri bilan bog‘liq bo‘lgan hamma narsa, xuddi shunday holda o‘rganilishi kerak”. I.V.Pestalossi esa o‘zining didaktik xarakterdagi maqolasida o‘quv darsliklaridagi bog‘liqlik masalasiga keng to‘xtalar ekan: “Bir-biri bilan bog‘liq fanlarni ko‘z oldingga keltir, ularni tabiatdagi uzviy bog‘liqlik holatida ekanini angla”, - deydi. Pestalossi bir fanning boshqa bir fandan uzoqlashuvi hatto xavfliligini ham ta’kidlaydi.

Boshlang‘ich sinflar ta’limi jarayonida o‘quv predmetlarini integratsiyalash nazariy va amaliy jihatdan hozirgi zamon talablari nuqtayi nazardan ham juda muhim bo‘lib, yangi ijtimoiy maqsadlar asosida yanada dolzarblik kasb etadi. Vaholanki, hozirgi zamon ta’lim-tarbiya tizimi zimmasida eng katta mas’uliyat turibdi: ta’lim oluvchilarimiz intellektual salohiyatga ega bo‘lsin va ular kelajakda yurt nufuzini dunyo standartlari darajasiga ko‘tara oladigan yuqori malakali kadrlar bo‘lib yetishsin.

Maktab umumta’lim fanlarini tarqoq holda o‘rgatish, ularni bir-biriga uzviy bog‘lab o‘tmaslik o‘quvchilar bilimini mukammal bo‘lishi va borliqni bir butun sistema (tizim) ekanligini tushunib yetishiga to‘sqinlik qiladi, o‘quvchi uchun fan mavzularini anglashda qiyinchilik paydo qiladi. Xullas, bu muammolarning barchasi uchun yechim kaliti o‘qituvchining mahorati va uning integrativ ta’limni to‘g‘ri yo‘lga qo‘ya olishiga bog‘liq.

**Adabiyotlar**

1. Karimov I.A. Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T.: Sharq, 1997.
2. Asqarova G., Egamberdiyeva G. Boshlang‘ich ta’limda integratsiya. – Namangan, 2007.
3. Davlat ta’lim standarti va o‘quv dasturi boshlang‘ich ta’lim, ona tili, o‘qish, matematika, tibbiyot (1-4-sinf). – T.: Sharq, 2017.
4. Mavlonova R.A., Rahmonqulova N.H. Boshlang‘ich ta’limning integratsiyalashgan pedagogikasi. – T.: Ilm ziyo, 2009.
5. Ochilov M. Yangi pedagogik texnologiyalar. – Qarshi: Nasaf, 2000.
6. Sayidahmedov N.S. Oliy pedagogik ta’limda integral texnologiyalar. – T.: Fan, 2003.
7. Yo‘ldoshev J. Xorijda ta’lim. Integratsiyalashgan va maxsus kurslar. – T.: Sharq, 1995.
8. G‘afforova T., Nurullayeva Sh. O‘qish kitobi. 3-sinf. – T.: Sharq, 2016.– 26-37-bet.

ziyonet.uz

aim.uz

**Моҳигул КАРИМОВА**
Самарқанд шаҳар 27-мактабгача
таълим ташкилоти мудираси
мустақил тадқиқотчи

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР МАҚСАДИ ВА МОҲИЯТИ

*Ушбу мақолада мактабгача таълим муасссасининг вазифалари, мақсади ва тизимдаги ислоҳотлар, туб ўзгаришлар, шунингдек, “инсон капитали”нинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги тушунчаларга алоҳида эътибор берилган.*

***Калит сўзлар:*** *шахс, таълим-тарбия, маданият, саломатлик, ҳис-туйғу, атроф-муҳит.*

*В данной статье рассматриваются концепции дошкольного образования, цели и системные реформы, фундаментальные изменения, а также концепция «человеческого капитала».*

https://buxdu.uz



***Ключевые слова:*** *личность, образование, культура, здоровье, эмоции, окружающий мир.*

*This article discusses the concepts of preschool education, goals and systemic reforms, fundamental changes, as well as the concept of "human capital".*

***Key words:*** *personality, education, culture, health, emotion, the world around.*

Мактабгача таълим вазирлиги берган ахборотга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда мактабгача таълим вазирлиги тизимига 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 2,5 млн бола қамраб олинган. Республикадаги боғчалар сони - 6154. Улардан 5586 таси - давлатга қарашли, 568 таси нодавлат таълим муассасасидир. Бугунга келиб 859 141 нафар бола мактабгача таълим билан қамраб олинган, бу умумий ҳисобнинг 34 фоизи демакдир. Жами 1 млн 600 дан зиёд бола мактабгача таълим билан қамраб олинмаган [1]. Мазкур рақамлар соҳадаги сўнгги давр ўзгаришлар моҳиятини белгилаб беради. Мактабгача таълим тизимидаги туб ўзгаришларни давлат амалга оширмоқда, унинг ғоялари ва амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқмоқда. Мазкур ўзгаришлар ва ислоҳотлар мақсади давлат стратегик тараққиётини таъминловчи "инсон капиталини" мақсадли, ҳар томонлама ва самарали тарзда етиштириш учун боланинг гўдаклик давриданоқ ҳаракат қилиш, унинг ривожланиши учун барча зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш, таълим ва тарбия жараёнини моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлашдан иборатдир.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистонда таълим тизимининг мақсади сифатида "инсон капитали" тушунчасининг аҳамияти ўсиб бораётганлиги ҳамда "инсон капиталини" яратиш таълимнинг мақсадларидан эканлиги қайд этимоқда. "Инсон капитали" тўғрисида давлат раҳбари мамлакатимиз тараққиёти стратегияси борасида сўзлаганда ҳам таъкидлаб, туб ислоҳотлар айни мана шу мақсадга йўналтирилиши даркорлиги айтдилар.

"Инсон капитали"нинг ривожи инсонга истиқболда мамлакатни ривожлантирувчи куч сифатида қараш, унга ижтимоий инвестицияларни киритиш, инсон шахси ва унинг ҳар томонлама ўсишига нисбатан иқтисодий манфаатдорлик нуқтаи назаридан қарашга боғлиқдир. Ҳозирда барча давлатларда айнан "инсон капиталини" ривожлантириш таълим тизимининг бош мақсадларидан бири сифатида эътироф этилмоқда [2]. "Инсон капитали" тушунчаси асосида шахснинг униб ўсиши учун зарур бўлган барча эҳтиёжлар назарга олинади ҳамда улар зарур кетма-кетликда давлат томонидан таъмишлаш масалаларини ўз мазмунига қамраб олади, уларнинг ичида физиологик, тиббий, психологик, таълимий, эмоционал эҳтиёжлар кабилар назарга олинади, хусусан озиқ-овқат, кийим-кечак, саломатлик, таълим, маданият кабиларнинг барчаси ўз ўрнида зарур эканлиги тан олинади. Чунки инсон капитали бўлмас экан, иқтисодий тараққиёт ҳам оқсайди ва мамлакат ривожланган ва технологик давлатлар қаторига қўшилмайди. Бинобарин, мамлакатимизда мактабгача таълим тизимининг тараққиёти ҳам "инсон капиталининг" биринчи босқичини ташкил қилади ва уни шакллантириш стратегик мақсаддир.

2018 йил 28 декабрда мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Сенат олдидаги анъанавий мурожаатномасида[1] таъкидлашига кўра, "Буюк Имом Бухорий ҳазратларининг "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" асари "Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарсаси берилади" деган ҳадис билан бошланишида албатта жуда чуқур маъно бор". Бинобарин, "Илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш зарур. Халқимизда "таълим ва тарбия бешикдан бошланади" деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Шу сабабли, таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим.

Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради.

Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади.

Бинобарин, *инсон капиталига* эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт. Шу йўлдаги муҳим амалий қадам сифатида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини бугунги 34 фоиздан 2019 йилда 44 фоизга етказамиз. Умумий ўрта таълим тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш, фарзандларимиз ҳар томонлама камол топиши учун барча шароитларни яратиш лозим» [3].

Президент Ш.М.Мирзиёев буюк аллома Нажмиддин Кубро ҳазратларининг "Муваффақиятни – саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса – лоқайдлик ва дангасаликда кўрдим", деб бежиз айтмаганларликларига ишора қиладилар. Шу билан бирга, бугунги кундаги мамлакатимиз таълим тизимидаги туб ўзгаришлар ва инновацион ислотҳотлар ўзининг янгиланган мазмуни, кенг кўламлилиги ҳамда инсон омилига, унинг ҳуқуқлари таъминланишига, эркин ва озод шахсни, фаол ва

https://buxdu.uz



бунёдкор фуқарони, рақобатбардош мутахассисни шакллантиришга йўналтирилганлиги билан характерланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"га Фармонининг тўртинчи ижтимоий соҳани ривожлантиришга бағишланган йўналишида "таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш" мақсади мамлакатимиз истиқбол тараққиёти учун устувор эканлиги белгилаб қўйилган. Мақсадларнинг алоҳида йўналиши мактабгача таълим тизимини янги мазмунда қайта шакллантириш ва инновацион тарзда қайта қуришга бағишланган. Мазкур мақсадларни реал тарзда амалга ошириш ва ҳаёти қилиш, ҳар бир фуқаро учун сифатли таълим хизматларининг етиб боришини таъминлаш, фуқароларнинг таълим хизматларидан, хусусан мактабгача таълим жараёнидан қониқиш хиссини таъминлаш учун куйидаги вазифалар белгилаб берилган:

мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;

мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш.

Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим бўғинлардан бири эканлиги таъкидланди, унинг нуфузини оширишга йўналтирилган давлат сиёсати мазмуни белгиланди. Бунинг учун мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ва психологик жиҳатдан ривожлантирувчи замонавий таълим дастурлари ва технологияларини таълим-тарбия жараёнига жорий этиш, болаларнинг мактабга тайёргарлик даражасини таъминлаш кабилар зарурлиги белгилаб берилди.

Мазкур илғор тамойилларни ҳаётга жорий этиш учун ҳамда мақсадларни тўғри ва адекват тарзда белгилаб олиш учун мавжуд тизим амалий ҳолатини холис ва танқидий назарда таҳлил қилиш зарур эди. Мактабгача таълим тизимининг ҳолати эса кўплаб тизимли ва ички муаммоларнинг йиғилиб қолганлигини намоён этди. Масалан, 2019 йил ҳолатига қараганда, Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Жиззах вилоятларида ўтказилган ўрганишлар натижаларига кўра, Андижон вилоятидаги 87 та маҳаллада биронта ҳам болалар боғчаси йўқлиги, 84 та боғча филиалини мустақил муассасага айлантириш ёки давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчаларини ташкил этиш бўйича туман ҳокимликлари томонидан аниқ чоралар белгиланмагани аниқланган. Вилоятда мавжуд 451 та боғчадан 200 тасида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун махсус омбор йўқлиги, совуткич, шкаф, стол-стуллар, зарур асбоб-анжомлар, жиҳозлар етишмаслиги аниқланган. 123 та боғчага ичимлик суви ташиб келтирилиши, 71 тасининг атрофи ўралмаганлиги, 134 тасида мусиқа хоналари жиҳозланмаганлиги, 420 тасида кичик кутубхоналар ташкил этилмаганлиги аниқланган. Шундай камчиликлар Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Жиззах вилоятларида ҳам кузатилиши соҳада анчагина муаммолар йиғилиб қолганлигидан далолат беради [1].

Тизимдаги мавжуд системали камчиликлар мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилаётганлиги куйидаги ҳолатлар бўйича тезкор ва самарали чора-тадбирларни белгилашни тақозо этади [2]. Хусусан:

мактабгача таълимни бошқаришинг амалдаги ҳолати тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур соҳада, шу жумладан, нодавлат секторда замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини чекламоқда;

мактабгача таълим соҳасига инвестицияларни жалб қилишга, шу жумладан, ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, уларни моддий-техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш ва илғор педагогик технологияларни қўллашга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий қилиш зарур;

мактабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техника базасининг амалдаги ҳолати болаларни мактабгача таълим муассасалари билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга имкониятни чеклаётганлиги, натижада мамлакатда аҳоли сонининг ўсиши айрим мактабгача таълим муассасаларининг ҳаддан ташқари тўлиб кетишига олиб келаётганлиги;

https://buxdu.uz



миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар ва бадиий адабиётларни тайёрлаш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятига жорий этиш ишлари замонавий талабларга жавоб бермаётганлиги;

кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг амалдаги тизими мактабгача таълим соҳасини болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассислар билан таъминлай олмаётганлиги, соҳада кадрлар етишмовчилиги мавжудлиги, улар касбий компетенцияси, дунёқараши, маданий савиясининг замонавий талаблар даражасига жавоб бермаслиги.

Назарий тадқиқотларнинг кўрсатишича, мактабгача таълим фаолиятига нисбатан стереотип ёндашув кучли бўлиб, уни тубдан ўзгартириш, унинг янгиланган инновацион ва самарали тизими, механизмлари ва соҳага нисбатан комплекс қарашни жорий этиш зарур.

Мактабгача таълим муассасасидаги таълим ва тарбия жараёни қуйидаги тамойиллар кетма-кетлиги асосида ташкиллаштирилиши, бошқарилиши ва улар амалий бўлиши даркор [3]:

таълим-тарбиянинг ривожлантирувчи характерга эга бўлиши зарурлиги;

таълим-тарбия болаларнинг яширин ва салоҳиятли хислатларини, истеъдодлари ва лаёқатларини намоён этишга йўналтирилиши зарурлиги;

таълим-тарбия болаларга ҳодисалар, ўрганилаётган объектлар, атроф муҳит ва гуманитар қадриятларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашга ёрдам бераши даркорлиги;

боланинг ривожланиши унинг ҳис-туйғулари, экспрессияси, эмотивлиги ва ёшига мос бўлган ҳолда билим олишнинг рационал шаклларига таяниши зарурлиги;

таълим-тарбия мультимаданиятли характерга йўналтирилган бўлиб, унинг маҳаллий ҳамда бошқа миллат ва элатларнинг урф-одатларининг ўзига хослигига болани яқинлаштириши зарурлиги;

таълим-тарбия конфликтология ва медиация асосида яшаш принципларига асосланиши, боланинг бошқалар фикрига чидамлироқ бўлиш, унинг ўз эмоцияларини бошқара олишга ўргатиш, болада ўзининг норозилиги, ғазабланиши ва хафалигини меъёрланган ҳолда ифодалаш малакаларини шакллантириш даркорлиги;

таълим-тарбия бола саломатлигининг соғлом турмуш тарзи, гигиена қоидаларига амал қилиш ва спорт билан шуғулланиш асосларига қурилиши зарурлиги;

таълим-тарбия тизими фаолияти илғор хорижий педагогик усуллар ва ёндашувларга очиқ бўлиши, тажриба алмашиш ва ўртоқлашиш принципларига қурилиши зарурлиги. Масалан, Буюк Британияда одатда таълим бериш ўрганилаётган предмет ёки ўқитувчига эмас, балки болага йўналтирилади. Бундай ёндашув инглиз таълими тарихига асосланиб, унинг ривожига Руссо, Фребель, Монтессори каби буюк олимлар ҳисса қўшган. Германияда Вальдорф болалар боғчалари ва Монтессори тизимида ишлайдиган болалар боғчалари мавжуд. Японияда мактабгача тарбия бешта йўналишни ўз ичига қамраб олган, булар: ижтимоий муносабатлар; саломатлик, хавфсизлик; тил; атроф мухит; ҳис-туйғуларини ифодалаш [4].

Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги Низомда қайд этилишига кўра, мактабгача таълим муассасаси таълим-тарбия ва соғломлаштириш муассасаси ҳисобланади. Низомга кўра унинг вазифалари қилиб қуйидагилар белгиланган:

бола шахси асосларини шакллантириш;

унинг билимга қизиқишларини ривожлантириш;

боланинг интеллектуал, шахсий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;

боланинг ривожланишидаги нуқсонларни зарур тарзда тузатиш;

болани миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш;

болани мактабда ўқишга тайёрлаш.

Давлат раҳбари Германияга қилган 2019 йилнинг январдаги сафари чоғида ҳамюртларимиз билан бўлиб ўтган учрашувда шундай дедилар: “Ривожланган давлатлар барча соҳаларга илмий ёндашиб натижага эришган. Биз ҳам жуда катта изланишдамиз. Бутун ҳаракатларимиз дунё билан тенг бўлишга, халқимизга муносиб ҳаёт яратишга қаратилган. Ислоҳотларни сиздек илғор ёшлар билан бирга амалга оширамиз. Ҳамма ўрганган билим, “ноу-хау”ларингни Ўзбекистоннинг ҳар бир соҳаси интиқлик билан кутяпти. Қанча кўп билимли бўлсак, шунча қудратли бўламиз» [4]. Демак, мамалкатмиз тараққиёти учун билимли, рақобатбардош, жамиятнинг барча соҳаларини инновациялар асосида ривожлантиришга қодир бўлган “инсон капиталига” бўлган жуда катта эҳтиёж асосида қайта шакллантириш зарур.

Бинобарин, мактабгача таълим тизимидаги барча ўзгаришлар, аввало, инсонни болалик давриданоқ замонавий дунёвий жамиятда яшашга ўргатишга йўналтирилган бўлиб, мақсад уни жамият ҳаётига тўлиқ интеграцияси ва ижтимоийлашувини, унинг жамият ҳаётидаги

https://buxdu.uz



фаоллигини таъминлаш орқали ҳаётда ўз ўрнини топишига педагогик шарт-шароитлар яратиб беришдан иборатдир.

**Адабиётлар**

1. https://daryo.uz/k/2018/02/14/maktabgacha-talim-tizimini-rivojlantirishga-qaratilgan-islohotlar-natijadorligi-tahlil-qilindi/
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.
3. Березина Ю.Ю. Формирование познавательного интереса у детей старшего дошкольного возраста. Дисс. .. канд.пед.н., -Москва, 2014. – 146 с.
4. Абидов Б.К. Мактабгача таълим (хорижий мамлакатлар тажрибаси) // Замонавий таълим, 2017, -№ 11.

**Собир РАҲИМОВ**
Самарқанд давлат университети
ахборотлаштириш технологиялари
кафедраси ўқитувчиси

# ОЛИЙ ТАЪЛИМДА “ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” ФАНИДАН МУЛЬТИМЕДИАЛИ ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК ЯРАТИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

*Мазкур мақолада “Таълимда ахборот технологиялари” курси бўйича мультимедиали электрон дарсликни яратиш босқичлари белгиланди, тузилиши ва мазмунига қўйиладиган талаблар ҳақида фикр юритилди. Хусусан, яратилган мультимедиали электрон дарслигидан фойдаланиш услуби очиб берилди. Шунингдек, электрон дарслик яратишнинг афзалликлари, уни босқичларга бўлиб амалга ошириш ва электрон дарслик яратишнинг асосий босқичлари ҳақида атрофлича маълумотлар берилган.*

***Калит сўзлар:*** *ахборот технологиялари, мультимедиа, мультимедиа файллари, электрон дарслик, дидактик воситалар, фотоматериаллар.*

*В данной статье описываются этапы создания мультимедийного электронного учебника по курсу «Информационные технологии в образовании» и обсуждаются требования к его структуре и содержанию. В частности, был раскрыт способ использования созданного мультимедийного электронного учебника. Он, также, предоставляет подробную информацию о преимуществах создания электронного учебника, его постепенном внедрении и основных этапах создания электронного учебника.*

***Ключевые слова:*** *информационные технологии, мультимедиа, мультимедийные файлы, электронный учебник, дидактические инструменты, фотоматериалы.*

*This article describes the stages of creating a multimedia electronic textbook for the course "Information technologies in education" and discusses the requirements for its structure and content. In particular, the method of using the created multimedia electronic textbook was revealed. It also provides detailed information about the advantages of creating an e-textbook, its gradual implementation, and the main stages of creating an e-textbook.*

***Key words:*** *information technologies, multimedia, multimedia files, electronic textbook, didactic tools, photographic materials.*

Замонавий дарслик, электрон дасрлик, мультимедиали дидактик воситаларни яратиш долзарб муҳим муаммога айланиб, ундан нафақат “Таълимда ахборот технологиялари” таълимидагина қўллаш, балки ундан бошқа фанларни ҳаракатли, дидактик, кўргазмали, товушли, сермазмун тарзда қўллаш ўқитиш жараёнида самарали натижаларга олиб келиши аён бўлиб қолди.

https://buxdu.uz



Умуман, ўқув адабиётлари билан боғлиқ бўлган кўп тушунчалар охирги йиллар давомида сезиларли даражада ўзгарди, қуйида электрон ўқув адабиётларга тегишли бўлган айрим тушунчаларнинг тавсифини келтирамиз [15. Б. 2-4].

***Дарслик*** – давлат таълим стандарти ва ўқув дастурига мос келувчи, ўқув фани ёки унинг бўлими, қисмининг тизимли баёнини ўз ичига олувчи ва шу турдаги нашр сифатида расман тасдиқланган ўқув нашри.

***Электрон дарслик*** – компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган манбадир.

***Мультимедиали дидактик воситалар*** – ҳаракатли, товушли, кўргазмали ва мультимедиа имкониятларига эга бўлган электрон дарсликдир.

Бошқачароқ айтганда, мультимедиали дидактик воситалар мультимедиа технологияси ёрдамида ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирувчи электрон дарсликдир.

Республикамизда замонавий электрон дарсликлар яратиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан, А.А. Абдуқодиров [1.Б.50-56], М.А. Арипов [2.Б.3-4], Н.И. Тайлақов [4.Б. 271-272], У.Ш. Бегимқулов [3.Б.38], М.Ҳ. Лутфиллаев [7.Б.55-57], Қ.Т. Олимов [10.Б.22-26], Ш.М. Комилов, Ш.Т. Эрматов [6.Б.14-16], А. Неъматов, Г. Усмонов [9.Б.25-26], А. Жумабоев [11.Б.61] ва бошқалар ўз тадқиқот ишларида ахборот технологиялари асосида электрон қўлланмалар яратиш, ундан таълим тизимида фойдаланиш ва ривожланиш истиқболи масалаларига тўхталишган.

А.А. Абдуқодиров умумтаълим мактаблари учун электрон дарсликлар яратиш ва харажатларини аниқлаш масалаларига алоҳида эътиборни қаратган [1.Б.50-56].

М.М.Арипов ўз тадқиқотларида ўқув жараёнига ахборот технологияларни қўллаш ва шу орқали дарс самарадорлигини ошириш томонларини тадқиқ этган [2.Б.3-4].

Н.И.Тайлақов информатика курси мисолида узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётлари янги авлодини, шу жумладан, электрон дарсликлар яратиш масалаларини илмий-педагогик асослаган [4.Б. 271-272].

Қ.Т. Олимов томонидан махсус фанлардан электрон дарслик(ЭД)ларни яратиш тамойиллари, технологияси ҳамда уларни экспертизадан ўтказиш услубияти ишлаб чиқилган [10.Б.22-26].

Маълумки, олий таълим муассасаларида “Таълимда ахборот технологиялари” фанини ўқитишда мультимедиали электрон дарсликлар яратиш ва улардан фойдаланиш талабалар учун фанни ўзлаштиришга катта ёрдам беради. Яратилган янги электрон дастур имкониятларини ўрганиб чиққан талабаларда бошқалар учун ҳам фойдали бўлган ўзларининг билимлари акс этган янги лойиҳаларни яратиш истаги вужудга келади. Бундай ҳолда ўқитувчи талабаларга “электрон қўлланма”ни яратишни таклиф қилиши мумкин. Бу албатта электрон қўлланма яратишдаги илк қадам. Бу лойиҳани яратишни уддалаш учун турли дастурлар тўплами билан ишлашга тўғри келади. Талабалар тасвирни қайта ишлаш, нутқ ва мусиқани ёзиб олиш, анимацияли эффектлардан фойдалана олиш кабиларни бажара олишлари керак. Улар учун ахборотни топиш ва танлаш усуллари, уларни тартиблай олиш муҳим бўлади. Уларга бу катта ишда мутахассис ва фан ўқитувчиси кўмак беради. Натижада мультимедиали дастур ҳосил бўлади. Фан ўқитувчисига эса талабалар билан ишлашнинг бу шакли унинг меҳнати ўсиб келаётган ёш авлодга жуда зарур эканлиги ҳақидаги ишончни беради.

Электрон дарслик яратиш мураккаб жараён эканлигини эътиборга олган ҳолда уни босқичларга бўлиб амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Электрон дарслик яратишнинг асосий босқичлари қуйидагилар:

- манбаларни танлаш;
- муаллиф билан шартнома тузиш;
- мундарижа тузиш;
- қисмлар бўйича матнларни қайта ишлаш;
- гиперматнни электрон шаклга айлантириш;
- овозли соҳани ишга тушириш;
- мультимедиали соҳа учун материл танлаш;
- компьютер ёрдамини яратиш.

Мультимедиали электрон дарслик (МЭД)ни яратишда талабаларга тушунарли, матни равон ва қизиқиш уйғота оладиган, тест, кроссвордлар танлашда уларнинг ёши, физиологик хусусиятлари ҳисобга олинади. Электрон дарслик структураси, боблар ва уларга тегишли мавзулар бўйича билимлар қисқа ҳамда хулоса қисми билан боғланган ҳолда келтирилган.

https://buxdu.uz



Талабалар эришилган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш мақсадида МЭДда савол ва топшириқлар, тест синовлари ва кроссворд келтирилган. Масалан, электрон дарслик ёрдамида талабалар ўз билимларини назорат қилишлари, яъни талабалар ўз билимларини синаб кўриш мақсадида тест синовларига жавоб беришлари мумкин.

Электрон дарсликларни малакали дастурчилар Delphi ва Visual Basic каби визуал дастурлаш тиллари воситасида яратишмоқда, чунки уларда бошқа системаларда яратилган маълумотларни ўзига бирлаштириш имконияти жуда катта. “Таълимда ахборот технологиялари” фани электрон дарслигини яратишда AutoPlay дастурий таъминотдан фойдаланилган. Macromedia Flash системасидан электрон дарслик учун анимацион моделларни яратишда фойдаланилган. Унда электрон дарсликка киритилган материаллар образли қилиб кўрсатилади ва ундаги анимациялар бир неча форматларда сақланган. Дастлаб, “Таълимда ахборот технологиялари” фани электрон дарслиги ташқи ташувчилардан махсус дастурий восита ёрдамида компьютерга ўрнатилади. Файллар рўйхатидан Informatika.exe файли устида сичқонча тугмаси босилади, натижада бош саҳифа ойнаси ҳосил бўлади (1.1-расм.)




1.1-расм.**Электрон дарсликнинг бош ойнаси**

Экранда мазкур ойна ҳосил бўлгач, БОШЛАШ тугмаси босилади. Экранда электрон дарсликнинг фойдаланиш мундарижаси ҳосил бўлади (1.2-расм.)




1.2-расм. **Мундарижадан мавзу танлаш.**

Мундарижада фанда мавжуд барча мавзулар кетма кет ўрин олган. Фойдаланувчи ўзига керакли фанни танлаб босади. Масалан, “Тақдимот дастурлари. MS Power Point дастури ёрдамида тақдимотлар яратиш асослари” мавзуси танланди дейлик. Дастлаб экранда мавзунинг батафсил баёни ифодаланган маърузалар матни ҳосил бўлади Электрон дарсликда маълумотларни бу тарзда ифода этилиши талабаларда МЭД нисбатан қизиқиш уйғотиши табиий. (1.3-расм).




1.3-расм. **Маъруза матни ойнасидан лавҳа**

Танланган мавзудан орқага қайтиш, такрорлаш, янгилаш, мундарижага қайтиш, олдинги мавзуга ўтиш, кейинги мавзуга ўтиш, мавзудан ажратилган қисмни чоп қилиш, мавзудан чиқиш, ойнани ёпиш каби туркум ишларни бевосита меню ости буйруқлари ёрдамида амалга ошириш имконияти мавжуд. Экраннинг чап юқори қисмида “Мундарижа” очиш ойнаси мавжуд бўлиб, у асосий мундарижага қайтмай тегишли боб ва мавзуларни танлаш имконини беради. “Мундарижа” белгиси устига сичқонча кўрсаткичи келтирилса экраннинг чап томонидан бобларнинг номлари, тажриба топшириқлари, тест, электрон дарсликдан фойдаланувчилар учун қўлланма бандлари акс этган ойна очилади.

Юқорида таъкидлангандек, талабалар эришилган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш мақсадида МЭДда синов саволлари, мавзуга оид тестлар ва кроссвордлар келтирилган. Масалан, электрон дарслик ёрдамида талабалар ўз билимларини назорат қилишлари, яъни талабалар ўз билимларини синаб кўриш мақсадида тест синовларига жавоб беришлари мумкин. Бунинг учун “Мундарижа”дан “Мавзуга оид тестлар” банди кўрсаткич орқали танланади. Натижада, экранда мавзуга оид тест саволлари бирин кетин чиқа бошлайди. (1.4-расм).




**1.4.Тест синовларидан намуналар.**

Тест саволларига жавоблар 4 га ажратилган бўлиб, ундан ихтиёрийсини танлаб, тест саволларига жавоблар киритилади. Тестлар ечиб бўлингач, экранда натижа ҳосил бўлади, яъни нечта тўғри жавоб, нечта нотўғри ва умумий балл кўрсаткичи намоён бўлади.




**1.5-расм. Тест синовлари натижаси акс этган ойна.**

https://buxdu.uz



Тест натижалари тугагач, фойдаланувчи “Ҳисоботни кўриш”ни босиб, тест саволлари ичидан қайсиларига тўғри, қайсиларига нотўғри жавоб берганини текшириб кўриши мумкин. (1.6.расм).



**1.6-расм. Тест синовлари таҳлили акс этган ойна.**

Фойдаланувчи ўз билимини синов саволларига жавоб бериш ва кроссворд ечиш орқали ҳам синаб кўриши мумкин (1.7.ойна). Масалан,




**1.7-расм. Синов саволлари таҳлили акс этган ойна.**

Хуллас, “Таълимда ахборот технологиялари” курси бўйича мультимедиали дидактик воситалар яратиш фанга оид илмий ва амалий аҳамиятга молик назарий маълумотларни, қонун-қоидаларни, тушунчалар берилишлиги илмий нуқтаи назардан очиб беришга ёрдам беради. Олий таълим муассасалари учун МЭД яратишда муаллифлар дарс матнини тушунарли ва мантиқий усулда тузиши, матнларни иллюстрация ва чизмалардан фойдаланган ҳолда жойлаштириши, матнни тушунарли, равон ва қизиқарли ранглардан фойдаланган ҳолда ёзиши, талаба тажрибасига алоқадор мисоллар ва фикрлар қўллаши, мазмуннинг аниқлиги, рангларга мослиги, бехатолигини таъминлаши, МЭД ҳажмига, рангларнинг ўрнида ишлатилишига эътибор бериш каби туркум мезонларга амал қилиш лозим. Яратилган МЭД ўқув дастурига ва режадаги дарс соатларига асосланиши, фаннинг сўнгги ютуқларини қамраб олиши, замонавий педагогик технологиялар асосида билимни мустақил назорати учун тестлар, амалий топшириқлар билан таъминланган бўлиши керак. “Таълимда ахборот техологиялари” курси мисолида мультимедиали дидактик воситалар мазмунини белгилашнинг методик асосларини ёритишга ҳаракат қилдик.

## Адабиётлар

1. Абдуқодиров А.А. Масофали ўқитиш моделлари ва уларнинг гуруҳлари // Физика, математика ва информатика. – Тошкент, 2004. -№5. – Б.50-56.

2. Арипов М.М., Захидов А. К проблеме создания локальнух электронных библиотек // Узлуксиз таълим тизимида математика фанини ўқитишни такомиллаштириш масалалари: Республика илмий анжумани материаллари. – Андижон: АДУ, 28 - 29 апрель, 2006. – Б. 3 -4.

3. Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси амалиёти: Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент. 2007. –38 б.

4. Жўраев Р.Ҳ., Тайлаков Н.И., Рустамов Н.Р. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун электрон дарслик // Ўзбекистон Республикаси давлат патент идорасининг расмий ахборотномаси. -2006. - №2. –Б. 271 - 272.

5. Иноятходжаев Х.У., Иноятходжаев Ж.Ш. Виды электронных учебников методы и технологии их создания // Ахборот –коммуникациялар технологиялар асосида электрон ўқув

https://buxdu.uz



адабиётларини яратиш: тажриба, муаммо ва истиқболлар: Республика илмий–амалий анжумани маърузалар тўплами. –Тошкент: ТДИУ, 2004. – Б. 62 - 63.

6. Комилов Ш.М., Эрматов Ш.Т. Мультмедиали электрон дарсликларини яратиш ва ишлатиш муаммоларини долзарблиги // Ахборот–коммуникациялар технологиялар асосида электрон ўқув адабиётларини яратиш: тажриба, муаммо ва истиқболлар: Республика илмий–амалий анжумани маърузалар тўплами. –Тошкент: ТДИУ, 2004. – Б. 14 - 16.

7. Лутфуллаев М.Х. Мультимедиали дидактик воситалар асосида таълим тизими самарадорлигини ошириш // Таълим ва тарбия. – Тошкент, 2003. - №3-4. – Б. 55 - 57.

8. Мусаев П. Ўқув фанларининг функционал вазифаси ва уларни интеграциялаш масалалари // ДТС асосидаги ўқув дастурлари: муаммолар, изланишлар, ечимлар. Семинар материаллари. – Тошкент: 2002. – Б. 34 - 37.

9. Неъматов А., Усмонов Г. Электрон дарсликлар ва уларнинг таркибий тузилиши ҳақида // Ахборот–коммуникациялар технологиялар асосида электрон ўқув адабиётларини яратиш: тажриба, муаммо ва истиқболлар: Республика илмий–амалий анжумани маърузалар тўплами. –Тошкент: ТДИУ, 2004. – Б. 25 - 26.

10. Олимов Қ.Т., Мирзааҳмедов Б.М. Касб–ҳунар таълимида махсус фанлардан ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш муаммолари // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2004. - №5. – Б.22 - 26

11. Олимов М., Жумабоев А. Электрон ўқув адабиётларини яратиш технологиялари // Ахборот–коммуникациялар технологиялар асосида электрон ўқув адабиётларини яратиш: тажриба, муаммо ва истиқболлар: Республика илмий–амалий анжумани маърузалар тўплами. –Тошкент: ТДИУ, 2004. – Б. 61.

12. Тайлақов Н.И. Организация дистанционных курсов по информатике для средних школ Республики Узбекистан // Ахборот–коммуникациялар технологиялар асосида электрон ўқув адабиётларини яратиш: тажриба, муаммо ва истиқболлар: Республика илмий–амалий анжумани маърузалар тўплами. –Тошкент: ТДИУ, 2004. – Б. 20 - 22.

13. Тайлақов Н.И. Узлуксиз таълимда информатикани ўқитишнинг муаммолари // Узлуксиз таълим жараёнини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: Республика илмий–амалий конференция материаллари. –Тошкент: ЎзПФИТИ, 11- 12 май, 2004. – Б. 34 - 36.

14. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси / Тузувчилар: Каримов А.А., Имамов, Қ.И., Рўзиев Э.З., Бўтаёров О.С.. –Т.: “Шарқ” НМАК. 2002. –16 б.

15. Филатов О.К. Основные направления информатизации современных технологий обучения // Информатика и образование. 1999. -№ 2. -С. 2 -4.

16. Цой М.Н., Джураев Р.Х., Тайлаков Н.И. Создание электронных учебников: теория и практика. Монография. Государственное научное издательство “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. –Т.: 2007. –192 с.

**Улугбек ЖУМАЕВ**
кандидат психологический наук, доцент,
Бухарский государственный университет
кафедры психологии

# СОЦИАЛЬНЫЙ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ ОСОБЕННОСТИ МЕЖДУНАРОДНЫХ И МЕЖКУЛЬТУРНЫХ СВЯЗЯХ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА

*В статье рассматривается один из наиболее актуальных и вместе с тем, чувствительных аспектов современной человеческой цивилизаций – взаимное влияние глобализации и культуры. Анализируются основные тенденции развития личностной и национальной самоидентификации в свете коренных изменений в международных и межкультурных связях человечества. Приводится сравнение традиционного понятия культуры и ее «глобализационной» смысловой модификации. Дается объяснение преимуществам и недостаткам глобализации с точки зрения ее влияния на культуру народов. Статья отличается: попыткой целостного подхода к проблеме изучения цивилизации и культуры. Статья может быть рекомендована как оригинальное исследование для*

https://buxdu.uz



*лиц, интересующихся вопросами социальной психологии, этнопсихологии, культурологии и социологии.*

***Ключевые слова:*** *цивилизация, культура, тенденции, аспекты, социология, психология.*

*Мақолада замонавий инсон цивилизацияларининг энг долзарб ва айни пайтда сезгир жиҳатларидан бири – глобаллашув ва маданиятнинг ўзаро таъсири кўриб чиқилади. Инсониятнинг халқаро ва маданиятлараро алоқаларидаги туб ўзгаришлар асосида шахсий ва миллий ўз-ўзини аниқлаш ривожланишининг асосий тенденциялари таҳлил қилинади. Маданиятнинг анъанавий концепциясини ва унинг" глобаллашув" семантик модификациясини таққослаш. Глобаллашувнинг афзалликлари ва камчиликлари унинг халқлар маданиятига таъсири нуқтаи назаридан тушунтирилади. Мақолада цивилизация ва маданиятни ўрганиш муаммосига яхлит ёндашишга уриниш мавжуд. Мақола ижтимоий психология, этнопсихология, маданиятшунослик ва социология масалаларига қизиққан шахслар учун оригинал тадқиқот сифатида тавсия этилиши мумкин.*

***Калит сўзлар:*** *цивилизация, маданият, тенденция, аспект, социология, психология.*

*The article is devoted to one of the most actual and, at the same time, most sensitive issues of contemporary mankind civilization-the reciprocal influence culture and globalization. Major trends in personal and national self-identification through the prism of radical shifts in international and intercultural relations are analyzed. The comparison of traditional understanding of 'culture' and its meaning modification under the influence of globalization is made. Main advantages and disadvantages of globalization as a process from the point of view of its impact on nations' cultures' are studied. The paper features a holistic approach to issues of civilization and culture in modern world. It could be recommended as an original research paper for scholars interested in social psychology, ethnic psychology, cultural studies and sociology.*

***Key words:*** *civilization, culture, trends, aspects, sociology, psychology.*

Сегодня ни одной страной и ни одним обществом социальные группы и индивиды не воспринимаются как замкнутые и самодостаточные феномены. Они включены во всеобщие взаимоотношения и взаимообусловленность.

Всеобщая *взаимосвязь, взаимообусловленность и взаимоотношения* являются закономерностью крайне сложных и противоречивых процессов глобализации. Основная характеристика процесса глобализации, протекающего в современном мире - экстраполяция либерально-демократических ценностей на все регионы без исключения. Это значит, что политические, экономические, правовые и т.д. системы всех стран мира становятся идентичными, и взаимозависимость стран достигает небывалых масштабов. До сих пор народы и культуры никогда не были так зависимы друг от друга. Проблемы, возникающие в любой точке мира, моментально отражаются на остальном мире. Процесс глобализации и гомогенизации приводит к созданию единого мирового сообщества, в котором формируются единые нормы, институты и культурные ценности. Появляется ощущение мира как единого места.

Процесс глобализации характеризуется следующими основными аспектами:

1. Интернационализацией, что, в первую очередь, выражается во взаимозависимости;
2. Либерализацией, то есть устранением торговых барьеров, мобильностью инвестиций и развитием интеграционных процессов;
3. Вестернизацией - экстраполяцией западных ценностей и технологий во все точки мира;
4. Детерриторизацией, что выражается в активности, имеющей транснациональные масштабы, и уменьшении значимости государственных границ.

Глобализация - это всеобщий и многосторонний процесс культурной, идеологической и экономической интеграции государств, государственных объединений, национальных и этнических единств, что представляет собой сопутствующее явление современной цивилизации. Страны и народы всего мира существуют в условиях растущего взаимовлияния. Ускоренные темпы развития цивилизации и хода исторических процессов поставили вопрос о неизбежности глобальных взаимоотношений, об их углублении, укреплении и ликвидации изоляции стран и народов. Изолированность от мира, замкнутость в собственных рамках была идеалом общества аграрного типа, для современного общества характерен тип человека, вечно преступающего установленные границы и обретающего новый облик, всегда движимого прежде всего мотивами обновления и изменения.

Последующие исторические процессы предопределяли все большее сближение народов и стран. Подобные процессы охватывали с каждым разом большее пространство и обуславливали общий исторический прогресс и новый этап интернационализации. Сегодня же глобализация стала

https://buxdu.uz



процессом строительства нового единства всего мира, ведущее направление которого и есть интенсивное распространение экономики, политики и культуры развитых стран во многообразном пространстве развивающихся и отсталых стран.

Понятие культуры в словаре «Мир и культурно-историческая психология» вводится как исторически определенный уровень развития общества и человека, выраженный в типах и формах организации жизни и деятельности людей. Понятие культуры употребляется для характеристики материального и духовного уровня развития определенных исторических эпох, общественно-экономических формаций, конкретных обществ, народностей и наций (например, античная культура), а также специфических сфер деятельности или жизни (культура труда, художественная культура, культура быта). В более узком смысле термин «культура» относят только к сфере духовной жизни людей. В обыденном сознании «культура» выступает как собирательный образ, объединяющий искусство, религию, науку и т.д. Культурология же использует понятие культуры, которое раскрывает сущность человеческого бытия как реализацию творчества и свободы. Именно культура отличает человека от всех остальных существ. Понятие культуры обозначает универсальное отношение человека к миру, через которое человек создает мир и самого себя. Каждая разновидность культур - это неповторимая вселенная, созданная определенным отношением человека к миру и к самому себе. Иными словами, изучая различные культуры, мы изучаем не просто книги, религии или археологические находки, - мы открываем для себя иные человеческие миры, в которых люди и жили, и чувствовали себя иначе, чем мы. Каждый вид культуры есть способ творческой самореализации человека. Поэтому постижение иных культур обогащает нас не только новым знанием, но и новым творческим опытом. Культура включает в себя не только результаты деятельности человечества в виде различных изделий (машины, технические сооружения, результаты познания, произведения искусства, нормы права и морали и т.д.), но и субъективные человеческие силы и способности, которые реализуются в его деятельности (знания и умения, производственные и профессиональные навыки, уровень интеллектуального, эстетического и нравственного развития, мировоззрение, способы и формы взаимного общения людей в рамках коллектива и общества).

В силу того, что человек, по своей природе существо духовно-материальное, он потребляет как материальные, так и духовные средства общения. Для удовлетворения материальных потребностей он создает и потребляет пищу, одежду, жилища, создает технику, материалы, здания, дороги и т.п. Для удовлетворения духовных потребностей он создает духовные ценности, нравственные и эстетические идеалы, политические, идеологические, религиозные идеалы, науку и искусство. Поэтому деятельность человека распространяется по всем каналам как материальной, так и духовной культуры. Поэтому человека можно рассматривать как исходный системообразующий фактор в развитии культуры. Человек создает и использует мир вещей и мир идей, который вращается вокруг него; и его роль творца культуры. Человек закладывает основы культуры, воспроизводит и использует ее как средство для собственного развития. Таким образом, культура - это все материальные и нематериальные результаты человеческой деятельности, ценности и признанные способы поведения, объектированные и принятые в любых общностях, которые передаются другим общностям и последующим поколениям. Культура, поскольку она является результатом человеческой деятельности, не может существовать вне общности людей. Эти общности представляют собой субъект культуры, являются ее создателем и носителем.

Нация создает и сохраняет свою культуру как символ реализации своего права. Нация, как культурная реальность, проявляет себя в разных сферах, каковыми являются обычай, направленность воли, ценностная ориентация, язык, письменность, искусство, поэзия, судопроизводство, религия и т.д. Свою высшую функцию нация должна видеть в существовании нации как таковой. Она вечно должна заботиться о прочности суверенности государства. Сохранение самобытности и ее укрепление, главным образом, зависит от активности внутренних сил и от выявления национальной внутренней энергии. Культура общности не является простой суммой культур отдельных личностей, она сверхиндивидуальна и представляет собой совокупность ценностей, творческих продуктов и стандартов поведения общности людей. Культура - единственная сила, формирующая человека как члена общности. Культура становится богаче не только при сохранении национальных особенностей, но и если она взаимодействует со многими народами мира. Глобализация выдвигает идеал «глобальной правовой государственности», что неизбежно ставит вопрос о расширении средств ограничения государственного суверенитета. Это является фундаментальной негативной тенденцией глобализации. В этих случаях слаборазвитые страны, имеющие исторически традиционную культуру, могут найти себе место только среди поставщиков сырья или стать рынком сбыта. Они могут остаться без собственной национальной экономики и без современных технологий.

https://buxdu.uz



Человек - единственное существо во вселенной, которое не только созерцает ее, но и своей активной деятельностью заинтересован в целесообразном преобразовании ее и самого себя. Он является единственным разумным существом, способным к рефлексии, к размышлению над своим бытием. Человек не равнодушен и не безразличен к существованию, он всегда выбирает между разными возможностями, руководствуясь желанием улучшить свое существование и свою жизнь. Основная особенность человека заключается в том, что он представляет собой личность, которая является членом определенной общности, со своим волевым целеустремленным поведением, и действием стремится к удовлетворению своих потребностей и интересов. Способность создания культуры и есть гарант человеческого бытия и его фундаментальный характеризующий признак. Общественная жизнь - это, прежде всего, интеллектуальная, моральная, экономическая и религиозная жизнь. Она охватывает все особенности совместной жизни людей. «Общество подразумевает систему взаимоотношений, связывающую индивидов, принадлежащих к общей культуре», - отмечает Э. Гидденс. Ни одна культура не может существовать без общества, но также и ни одно общество не может существовать без культуры. Мы не были бы «людьми» в том полном смысле, который обычно вкладывается в данный термин. Мы не имели бы языка, чтобы выразить себя, не обладали бы самосознанием, и наша способность думать и рассуждать была бы сильно ограничена...»

Ценности всегда отражают обобщенные цели и средства их достижения. Они играют роль фундаментальных норм, которые обеспечивают интеграцию общества, помогают индивидам осуществлять социально одобряемый выбор своего поведения в жизненно значимых ситуациях, в том числе и выбор между конкретными целями рациональных действий. Ценности служат социальными индикаторами качества жизни, а система ценностей образует внутренний стержень культуры, духовную квинтэссенцию потребностей и интересов индивидов и социальных общностей. Система ценностей, в свою очередь, оказывает обратное влияние на социальные интересы и потребности, выступая одним из важнейших стимулов социального действия, поведения индивидов.

В культуре каждой общности приняты определенные системы ценностей и соответствующая иерархия. Мир человеческих ценностей, затронутый бурными переменами, стал очень изменчив и противоречив. Кризис системы ценностей означает не их тотальное уничтожение, а изменение их внутренних структур. Ценности культуры не погибли, однако они стали другими по своему рангу. В любой перспективе появление нового элемента влечет за собой перетасовку всех остальных элементов иерархии.

Моральные ценности и нормы - очень важные явления в жизни индивида и общества. Именно через эти категории осуществляется регулирование жизни индивидов и общества. И ценности, и нормы «вплетены» в общество. Вместе с этим, соблюдение норм - не только их внешняя функция. В соответствии с групповыми нормами индивид рассматривает самого себя. Пробуждение национального самосознания, которое наблюдается в сегодняшней действительности, свидетельствует о неестественности процесса слияния наций, о несоответствии его природе человека. Пока же некоторые мыслители обеспокоены будущим человечества при усиленной цивилизации и глобализации. «Наш XX век был, может быть, самым драматичным в истории человечества с точки зрения судеб людей, народов, идей, социальных систем и цивилизации, - отмечает А.А. Зиновьев, - ...Это был, может быть, последний человеческий век». Хотя необходимо отметить, что те явления, которые сопутствуют составным частям глобализации, непрямым путем вызывают изменения национальных культур. В первую очередь это относится к национальному языку, к умалению его значения. Успешная экономическая деятельность требует осуществления своевременного информационного обмена на одном языке; и таким языком в случае глобализационных процессов является английский. Конкретный индивид, общество, этнос, первым делом самоидентифицируется с языком, как со столбом национальной культуры; поэтому пренебрежение им, даже уменьшение ареала его распространения воспринимается болезненно. С позиции ценностей, язык является не только средством передачи сообщения, то есть средством коммуникации, но и мировоззрением и мироощущением народа-носителя этого языка, в нем зафиксирована биография нации, на нем говорили предки и он является моделью мира. Суть языка - неотъемлемый признак нации: нет национальности без языка. Национальным сознанием язык воспринимается как живой организм, который требует бережного отношения и заботы. За потерей языка следует разрушение исторической наследственности, связи времен, памяти... Язык является объектом любви, он - ось национальной культуры, объект уважения, потому что родной и является собственностью. Поэтому национальный язык является наиважнейшим феноменом культуры. Нет культуры без языка; языком пронизаны все феномены культуры, для культуры он - всеобъемлющий. Это означает, что язык является определяющим не только для какой-либо конкретной, отдельно существующей культурной среды,

https://buxdu.uz



но, если что-либо существует в культуре, то это имеет свое оформление в языке. Иными словами, культура существует в языке, а язык является способом передачи существования культуры.

Также считают, что процессы глобализации обуславливают разрыв памяти. Культура является формой исторической памяти; она - коллективная память, в которой происходит фиксация, сохранение и запоминание уклада жизни, социального и духовного опыта данного общества. Культура как память сохраняет не все, что было создано народом, носителем этой культуры, а то что объективно оказалось ценным для нее. Если мы воспользуемся аналогией и осмыслим значение и роль памяти в реальной жизни конкретного человека, тогда нам станет более ясным и значение памяти культуры в жизни нации. Человек, теряя память, теряет и собственную биографию, собственное «Я» и индивидуальную целостность; он существует физически, но не имеет прошлого, настоящего и будущего. Он не знает, кто он, для чего существует, чего хочет и т.д. Ту роль, которую играет память в жизни индивида, в историческом бытии общества и нации исполняет культура. Культура форма памяти, которая передается сквозь поколения, и посредством которой жизнь культуры нации сохраняет непрерывность, последовательность и единство. В биологических организмах эту функцию выполняет генные структуры: видовые популяции определяются генетической наследственностью, которая передается по крови. Социальный же опыт людей передаётся последующим поколениям не по крови, а посредством культуры, и именно в этом смысле можно назвать культуру негенетической памятью. Нация осознает свое единство, она имеет историческую память, посредством которой воспринимается ее прошлое в качестве основы настоящего и будущего. В национальном самосознании связь времен осмыслена как единая непрерывность, поэтому сохраняется контакт даже с далекими предками: они и их деяния перманентно присутствуют в жизни современников. Образ жизни, который определен культурой, рассматривается не просто как ординарный бытовой фактор, а как значительное завоевание, в достижение которого внесли свой вклад усердие и труд многих поколений. Для национального сознания собственный жизненный уклад нации воспринимается не только как своеобразный, только ему присущий способ оформления жизни, но и также как превосходство по отношению к другим культурам. Для национального сознания твердость культуры и уклада жизни осмысливается как преодоление конечности. Каждый представитель нации видит преодоление собственной эмпирической конечности в бессмертии национальной культуры, где будущие поколения сохранят уклад жизни, присущий этой культуре, как это делают современники и как это делали предки. Своеобразное чувство, которое постоянно сопутствует национальному самосознанию, сознание самобытности собственной нации и ее отличий от других наций называется национальным чувством. Представители одной нации отличаются от представителей другой физическим типом, различны и их обычаи, тип поведения и бытовые навыки. В процессе исторического развития нация вырабатывает определенные представления и ценностную ориентацию. Общение с другой культурой лишь усиливает симпатии к собственной нации. Сознание принадлежности к нации означает, что человек связан с ней общностью характера, что судьба и культура нации влияет на него, что сама нация живет и реализуется в нем. Он воспринимает нацию частью своего «Я»; поэтому оскорбление собственной нации воспринимает как личное оскорбление, а успехи представителей своей нации и признание их другими вызывает чувства национальной гордости.

Отказ от культуры означает разрыв в памяти и, следовательно, аннулирование собственной самобытности. Непрерывность культуры для национального сознания, осознают это или нет, означает отрицание личной смерти и обоснование бессмертия. Культура предлагает своему носителю приемлемые требования к порядку поведения, ценностям и нормам, которые являются основой психического равновесия индивида. Но, стоит человеку попасть в такую ситуацию, когда в его повседневности участвуют различные культурные системы и когда социальная среда требует от него действий, противоречившие нормам его культуры, а часто даже и исключающих ее, человек все же старается сохранить свою культурную идентичность, хотя среда и требует культурной адаптации.

**Литературы**

1. Асмолов А.Г. XXI век: психология в век психологии. // Вопр. психологии. – М., 1999. - № 1. – С. 3-12.
2. Асмолов А.Г. Культурно-историческая психология и этносоциология образования: второе рождение. // Вопр. психологии. – М., 1999. - № 4. – С. 106-107.
3. Асмолов А.Г., Лурия А.Р. Мир и культурно-историческая психология. // I Междунар. конф. Памяти А.Р. Лурия: Сб. докладов. – М., 1998. – С. 5-7.

https://buxdu.uz



4. Блинникова И.В. Культурно-историческая психология: взгляд со стороны. // Психол. журнал. – М., 1999. – Т. 20, № 3. – С. 127-130.
5. Глозман Ж.М. Культурно-исторический подход как основа нейропсихологии XXI века. // Вопр. психологии. – М., 2002. - № 4. – С. 62-68.
6. Коул М. Культурно-историческая психология. Наука будущего. – М., 1997.
7. Кудрявцев В.Т. Психология развития человека. Основания культурно-исторического подхода. – Рига, 1999. – Ч. 1.
8. Марцинковская Т.Д. Путь А.Р. Лурия к культурно-исторической психологии. // Вопр. психологии. – М., 2002. - № 4. – С. 44-49.
9. Мещеряков Б.Г., Зинченко В.П. Л.С. Выготский и современная культурно-историческая психология: (Критический анализ книги М. Коула). // Вопр. психологии. – М., 2000. - № 2. – С. 102-117.
10.Петровский В.А. Идея историзма в психологии развития. // Вопр. психологии. – М., 2001. - № 6. – С. 126-129.
11.Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. – М., 1973.
12.Шапиро А.З. Психология, культура, биология. // Психол. журнал. – М., 1999. – Т. 20. – С. 123-126.
15. Чавчавадзе Н.З. Культура и ценности. Т., 1984. С. 36.

**G‘olib JUMAQULOV**
Buxoro davlat universiteti
huzuridagi Qorako‘l
akademik litsey direktori

# O‘QUVCHILAR INTELLEKTUAL SIFATLARINI TARBIYALASH TEXNOLOGIYALARI

*Ushbu maqolada o‘quvchilarning intellektual sifatlarini tarbiyalashda matematika va geometriya fanlarining roli ko‘rsatib berilgan. Shuningdek, o‘quvchilarning intellektual sifatlarini tarbiyalashning usul va shakllari to‘g’risida fikr yuritilgan.*
***Kalit so‘zlar:*** *o‘quvchi, axborot, intellektual, hunar, bilim.*
*В данной статье показана роль математики и геометрии в воспитании интеллектуальных качеств учащихся. Также было высказано мнение о методах и формах воспитания интеллектуальных качеств учащихся.*
***Ключевые слова:*** *читатель, информация, интеллект, ремесло, знания.*
*This article shows the role of mathematics and geometry in the education of students intellectual qualities. The opinion was also expressed about methods and forms of education of intellectual qualities of students.*
***Key words:*** *reader, information, intelligence, craft, knowledge.*

Hayot, fan va madaniyat juda katta sur’at bilan rivojlanmoqda. Hozir axborotlar nihoyatda ko’paygan davr. Axborotlar ichida o’zi uchun eng muhimini topa bilish o‘qituvchilardan tinmay izlanishni talab etmoqda.

O’qituvchi o’z bilimini o’quvchilarga bera bilishi, eng muhimi, ularda bilimga qiziqish uyg’ota olishi, mustaqil o’qish ko’nikmalarini tarbiyalashi va bu borada bola faoliyatini tashkil etishga rahbarlik qilishi kerak. Endilikda butun o’qitish faoliyatimizda o’quvchining intellektual sifatini rivojlantirishni tezlatish eng muhim masala bo‘lib qoladi. Buning uchun bolaning bugungi yoki kechagi holatini emas ,balki kelgusi imkoniyatiga tayanib ish ko’rish lozim. Iloji boricha bola oldiga uni fikrlashga da’vat etadigan muammoli masalalarni ko’proq qo‘yib, zarur bo’lgan shart-sharoitlarni yaratib uni izlanishga o’rgatish lozim.Ana shunda o’quvchi hayotdagi rang-barang hodisa va voqealarni sinchkovlik bilan kuzatadigan, tahlil qila oladigan, fanning sehri bilan yashaydigan bo’lib kamolga yetishadi.

Yosh avlod chuqur bilim va mohir hunar egasi bo’lsa, odobli ,axloqli ma’naviy barkamol ,vatanparvar bo’lsa , ona vatan qudratli bo’ladi.

https://buxdu.uz



Hozirgi kunda ta'lim tizimida turli innovatsion texnologiyalardan foydalanilmoqda. Maqsad esa avlodning aqliy va axloqiy kamolotidir.

Buni maktab va akademik litseylarning xalqaro fan olimpiadalarida katta yutuqlarga erishayotgan o'quvchilari misolida ko'rib chiqamiz.

Olimpiada qatnashchilarida quyidagi sifatlarning tarbiyalaganligi ularning muvaffaqiyatiga omil bo'lmoqda:

-bilim doirasining kengligi;
-ona yurti va xalqini jon-dildan sevishi;
-chin insoniy xislatlarning shakllangani, ya'ni ichki dunyosining go'zalligi;
-ilm olish va mulohaza qilishdagi o'ziga xos uslub;
-o'zaro hamkorlik;
-ruhiy ko'tarinkilik.

O'quvchilarni xalqaro tajribalarga tayangan holda saralab tayyorlash lozim. Bunda ijtimoiy tarmoqlardan xalqaro darajadagi olimpiada masalalari va yechimlari bilan doimo tanishib borish kerak.

Ma'naviyati, madaniyati rivojlangan jamiyatda har qanday intellektual sifatni shakllantirish, kamol toptirish mumkin. Intellektual sifat jamiyatning ma'naviy omili hisoblanadi. Yoshlarning intellektual sifatlarini tarbiyalashga e'tibor berish orqali jamiyat siyosiy, iqtisodiy,madaniy va ma'naviy tomondan yuksaladi. Intellektual sifatlari tarbiyalangan yoshlar hayotni chuqur, har tomonlama tushunadi.Ma'naviyati yuksak bo'lib, minglab kishilarga ma'naviy ozuqa beradi. Bunday shaxslar doimo ilm bilan shug'ullanadi. Mamlakatning ma'naviy muhitini yaxshilashga o'z hissasini qo'shadi.

O'tmish tarixini yaxshi biladi. Intellektual sifat egalari mustahkam irodali, aniq maqsad yo'lida qat'iy harakat qiladigan, ruhi tetik, vijdoni pok, ma'naviy olami boy, fikrlovchi, hayot go'zalligini chuqur his qiluvchi ijodkorlardir. Ularning ishlari ham, o'ylaydigan fikrlari ham, his-tuyg'ulari ham orzu-istaklari ham salmoqli va hammaga ibrat bo'ladi. Intellektual sifat egasi doim mehnat bilan yashaydi. Izlanish jarayonida fidokorlik, poyonsiz chidam, tuganmas qunt bilan o'z qobiliyatini namoyon qiladi.

Buyuk O'zbekistonga kuchli mutaxassislar kerak. Unga zamin maktab partasidan tayyorlanadi. Maktabda intellektual sifatlar qanchalik yaxshi tarbiyalansa, jamiyat shunchalik farovon bo'ladi. Bugun ta'lim tizimida shunday yoshlarni juda ko'p tarbiyalashimiz kerak. Aynan intellektual sifatlari tarbiyalangan e'tiqodi butun, har tomonlama kamol topgan, milliy qadriyatlarning va axloqiy fazilatlarning qadriga yeta bilgan barkamol avlod mustaqil O'zbekistonning kelajagini yaratadi.

Bunda maktabda o'qitiladigan fanlar qatorida matematikaning ham o'z o'rni bor. Bugungi kunda mamlakatimizda matematika faniga bo'lgan e'tibor yanada kuchaydi. Chunki aynan matematika sohasini rivojlantirish bilan O'zbekiston kelajagini rivojlantirish va mustahkamlash mumkin.Yoshlarga matematika fanini o'rgatishning turli xil usullari mavjud. Shulardan biri sifatida mustaqil o'rganish usulini ham ko'rsatib o'tishimiz mumkin.

Quyida so'ngi yillardagi xalqaro matematika olimpiadalarida taklif qilingan misollar va ularning yechimlari bilan tanishamiz.

1-misol (IZho-2020 problem 1)

n shunday natural sonki, ixtiyoriy a va b natural sonlar uchun $2^a3^b$+1 ifoda n ga bo'linmaydi. U holda ixtiyoriy c va d natural sonlari uchun $2^c+3^d$ yig'indi n ga bo'linmasligini isbotlang.

Yechimi. Masalani bir nechta hollarga bo'lib isbotlaymiz.

1 – hol. Agar n juft son bo'lsa, u holda $2^c+3^d$ toq son ekanligidan n ga bo'linmaydi. Demak, har qanday juft son uchun masala yechildi.

2 – hol. Agar $n \vdots 3$ bo'lsa, u holda $2^c+3^d$ yig'indi 3 ga bo'linmasligidan n ga ham bo'linmaydi. Demak bu holda ham masala yechildi.

3 – hol. Demak (n,2)= (n,3)=1 holda isbotlash qoldi. Bu holda Eyler teoremasiga ko'ra

$$2^{\varphi(n)}-1 \vdots n => 2^{k*\varphi(n)}-1 \vdots n \quad (1)$$

munosabat o'rinli. Teskarisini faraz qilaylik $2^c+3^d \vdots n$ shart bajariladigan c va d natural sonlar topilsin. k ni yetarlicha katta qilib tanlashimiz hisobiga $k*\varphi(n)$-c>0 tengsizlikni hosil qilamiz. Bundan

$$2^{k*\varphi(n)-c}\,(2^c+3^d) \vdots n <=> 2^{k*\varphi(n)} + 2^{k*\varphi(n)-c} * 3^d \quad (2)$$

https://buxdu.uz



munosabat kelib chiqadi. (1) va (2) munosabatlarga ko‘ra $2^{k*\varphi(n)-c} * 3^d + 1 \vdots n$ munosabat kelib chiqadi. Bu esa masalaning asosiy shartiga nisbatan ziddiyat. Demak, farazimiz noto‘g‘ri ekan, ya’ni ixtiyoriy c va d natural sonlari uchun yig’indi n ga bo‘linmaydi.

2-misol. (IMO 2019 Problem 1)

Z- butun sonlar to’plami. Barcha funksiyalarni toping f:Z→Z , bunda a, b butun sonlar.
f(2a)+2f(b)=f(f(a+b))

Yechish: Barcha yechimlar f(n)=0 va f(n)=2n+k ixtiyoriy k$\epsilon Z$ o’zgarmas son uchun.
a=0,b=n+1 qiymat bersak f(f(n+1))=f(0)+2f(n+1)
a=1,b=n berganimizda esa f(f(n+1))=f(1)+2f(n)
Yuqoridagilarni tenglashtirsak, f(f(n+1))=f(0)+2f(n+1) =f(1)+2f(n) demak,
f(n+1)- f(n)=$\frac{1}{2}$(f(2)-f(0)) . Shuning uchun f(n+1)- f(n) o’zgarmas bo’ladi. f faqat butun qiymat qabul qilganligi uchun f chiziqli funksiya bo’lishi shart. Demak, f(n)=Mn+k ko’rinishida. Masala shartiga qo’yib tekshirish natijasida
(M-2)(M(a+b)+k)=0 ni topamiz.Bunda M=2 yoki M(a+b)+k=0 barcha a+b lar uchun. Bundan kelib chiqadiki funksiya yechimlari faqat f(n)=0 va f(n)=2n+k ixtiyoriy k$\epsilon Z$ o’zgarmas son uchun bo’la oladi.

3-misol. (IMO 2019 Problem 4)

Barcha k va n natural sonlarni toping bunda
k!=( $2^n$-1)( $2^n$-2)( $2^n$-4)…($2^n$-$2^{n-1}$) bo’ladigan.
Yechish: Avvalo, tenglikning ikkala tomonini 2 ning maksimal qanday darajasiga bo’linishini topamiz.

$$\vartheta_2(chap\ tomon) = \sum_{i=1}^{\infty}\left\lfloor\frac{k}{2^i}\right\rfloor \le k$$

Bu paytda o’ng tomonda aynan 2 ning 1+2+…(n-1)=$\frac{n*(n-1)}{2}$ darajasiga bo’linadi. Demak, k$\geq \frac{n*(n-1)}{2}$ .
Endi tenglikning ikkala tomonini 3 ning maksimal qanday darajasiga bo’linishini topamiz. Eslatma LTE lemmasidan $\vartheta_3(2^j-1)$=1+$\vartheta_3$(j) ekanligi aniq. Shu bilan birgalikda $\vartheta_3$(k!)=[$\frac{n}{2}$]+$\vartheta_3$(n!). $\vartheta_3$(k!)-$\vartheta_3$(n!)$\geq \frac{k-n}{3}-2$ demak, bundan kelib chiqadiki, k$\leq n+\frac{3n}{2}$+6 yuqoridagilarni birlashtirish orqali n≤7 ni topamiz. Bu orqali (n,k)$\epsilon\{(1,1)(2,3)\}$ yechimlarni topamiz.

4-misol (IZho-2018 Problem-1)

α,β,γ mos ravishda uchburchakning a,b,c tomonlarining qarshisidagi burchaklar. Isbotlang:

$$2((\cos\alpha)^2+(\cos\beta)^2+(\cos\gamma)^2) \geq \frac{a^2}{b^2+c^2}+\frac{b^2}{a^2+c^2}+\frac{c^2}{a^2+b^2}$$

Yechish: Avvalo $(\cos\alpha)^2+(\cos\beta)^2 \geq \frac{c^2}{a^2+b^2}$ (1) ni isbotlaymiz. $a^2+b^2$>0 bo’lgani uchun tengsizlikning ikkala tarafiga ko’paytiramiz. $((\cos\alpha)^2+(\cos\beta)^2)(a^2+b^2)\geq c^2$ ni isbotlash yetarli. Koshi-Bunyakovskiy tengsizligiga ko’ra $((\cos\alpha)^2+(\cos\beta)^2)(b^2+a^2)\geq$ $(\cos\alpha*b+\cos\beta*a)^2=c^2$ Chunki $\cos\alpha*b+\cos\beta*a=\frac{b^2+c^2-a^2}{2c}+\frac{b^2+c^2-a^2}{2c}=\frac{2c^2}{c}$=c .Demak (1) isbotlandi, endi masala shartini isbotlaymiz.

$$+\begin{cases}(\cos\alpha)^2+(\cos\beta)^2 \geq \frac{c^2}{a^2+b^2}\\ (\cos\gamma)^2+(\cos\beta)^2 \geq \frac{a^2}{c^2+b^2}\\ (\cos\alpha)^2+(\cos\gamma)^2 \geq \frac{b^2}{a^2+c^2}\end{cases} \Rightarrow$$

$$\Rightarrow\ 2((\cos\alpha)^2+(\cos\beta)^2+(\cos\gamma)^2) \geq \frac{a^2}{b^2+c^2}+\frac{b^2}{a^2+c^2}+\frac{c^2}{a^2+b^2}$$

https://buxdu.uz



**Adabiyotlar**
1. Mirziyoyev Sh.M. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir.
2. Usmonov R. Saodatnoma.
3. International Mathematics Olympiad-2019.
4. IZho Olympiad (2018;2020).
5. Ulfat Mahkamov. Odob axloq saboqlari.

**Феруза ШЕРМАНОВА**
Қори Ниёзий номидаги илмий
тадқиқот институти
таянч докторанти

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАРБИЯЧИ-ПЕДАГОГЛАРНИНГ МЕДИА АХБОРОТ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ДОЛЗАРБ МУАММО СИФАТИДА

*Бугунги кунда таълим соҳасининг барча бўғинларида медиа таълим ўзига хос ўрни бор. Ҳозирги вақтда мактабгача таълим соҳасида ҳам медиатаълим имкониятларидан фойдаланиб, болаларнинг ижодий имкониляларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ушбу мақола таълим муассаларида медиа таълимнинг ўзига хос имкониятлари ҳақидаги фикрлар баён этилган.*

***Калит сўзлар:*** *медиатаълим, мактабгача таълим, креативлик, информацион муҳит, техник воситалар, ахборот, мулоқот маданияти.*

*Сегодня медиаобразование играет особую роль во всех сферах образования. В настоящее время в сфере дошкольного образования развитию творческих возможностей детей способствует использование возможностей среднего образования. В данной статье рассматриваются взгляды на специфические возможности медиаобразования в образовательных учреждениях.*

***Ключевые слова:*** *медиаобразование, дошкольное образование, творчество, информационная среда, технические средства, информация, коммуникативная культура.*

*Today, media education plays a special role in all areas of education. Currently, in the field of preschool education, the use of secondary education opportunities contributes to the development of children's creative abilities. This article examines the views on the specific possibilities of media education in educational institutions.*

***Key words:*** *media education, preschool education, creativity, information environment, technical means, information, communication culture.*

Дунёда инсон онги ва қалби учун кураш кун сайин шиддатли тус олиб, мамлакатлар мафкуравий манзараси ўзгариб бормоқда. Геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг қўшилиб бораётгани, мустақилликни қўлга киритган мамлакатларда мафкуравий тамойиллар аҳамиятининг ошиб бораётгани, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашаётгани, педагогика назарияси ва амалиёти олдида ушбу жараёнларга мос келадиган, янгича фикрловчи ёш авлодни тарбиялаш долзарб вазифага айланди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: "Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Шу боис, **"Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари"** деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир" [1],-дея таъкидлагани бежиз эмас.

Мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва унинг асосида амалга оширилаётган узлуксиз таълим тизимидаги ислоҳотлар устувор аҳамият касб этиб, таълим сифатини такомиллаштириш борасида янги талабларни юзага келтирди.

Таълим тизимининг сифат даражасини ошириш таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш билан бир қаторда, таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва уни бошқариш тизимини ҳам такомиллаштиришни тақозо этади. Чунки, ҳозирги кунда таълим муассасаларида яратилаётган замонавий шароит ва имкониятлардан самарали фойдалана оладиган, ўз ишига нисбатан талабчан,

https://buxdu.uz



ахборот коммуникацион технологиялар бўйича чуқур билим ва савияга эга бўлган таълим муассасаси, оила ва маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўя оладиган ҳамда ўзини-ўзи ривожлантирувчи раҳбар ва педагог кадрларнинг фаолият кўрсатишини талаб қилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида "....биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шарқ донишмандлари айтганидек, **"Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!"**

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак" [1] дея билдирган пурҳикмат сўзлари юқоридаги фикрларнинг исботидир.

Бугунги кунда ёш авлодга таълим - тарбия бериш, фарзандларимизнинг баркамол, юксак тафаккур ва билимга эга бўлишида ота-оналар билан бир қаторда, мактабгача таълим ташкилотлари хамда тарбиячи педагогларнинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда мамлакатимизда мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида катта эътибор қаратилган.

Бу борада таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўналишида вужудга келаётган замонавий талаблар асосида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячи педагогларнинг билим савиясини таҳлил қилиш, ўрганиш, компетенциявий диагностика, яъни таълим сифатин баҳолашда замонавий технологияларини амалиётга татбиқ этиш, мактабгача таълим ташкилотлари (тарбиячи-педагог ва мутахассис) ходимларида малака оширишга бўлган эҳтиёжларни ўрганиш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш ва уларнинг **медиа ва ахборот саводхонлиги бўйича билим савиясини янги методлар асосида** шакллантириш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш масалаларини келтириш мумкин.

Сўнгги йигирма йил давомидаги техника ва технологиялар тараққиёти, ОАВ, ахборот манбалари ва ахборот етказиб берувчилари (кутубхоналар, архивлар, Интернет ва б.) фаолиятининг беқиёс кенгайишига олиб келиб, фуқароларга унинг улкан ҳажмидан фойдаланиш ва алмашиниш имконини яратди. Пировард натижада, фуқаролар ушбу ахборотнинг ишончли эканлигини баҳолаш, ўз фикрини эркин баён этиш борасидаги ҳуқуқларини тўлақонли амалга ошириш имкониятига эга бўлмоқда. Шунинг учун ҳам кун тартибига фуқароларнинг медиа ва ахборот саводхонлигини таъминлашдек долзарб масала кўндаланг қўйилмоқда [3].

Ҳозирги кунда ахборотларнинг мазмунини ҳам, уларни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш усуллари ва йўлларини ҳам назорат қилиш амалда қийин бўлиб бормоқда. Ахборотнинг бундай аралаш-қуралашлиги таъсирида ўқувчининг мустақил равишда тафаккур қилиши муаммоси, унинг қарашларини, қадриятларини ва идеалларини шаклланиши масалалари ўқувчи онгида ахборот оламини тартибга солиш йўлларини излашни, ахборот билан муомала қилишнинг янги усул ва кўникмалар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда шакллантиришни тақозо этмоқда.

Боз устига жаҳондаги таълим амалиётида бу соҳадаги изланишлар ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ бошланган бўлиб бу эса педагогика фани олдига ўзига хос йўналиш – медиатаълим тизими пайдо қилди.

Медиатаълим, инсон хаётида фаол давом этадиган жараён бўлиб бу болаларга берилаётган билим, маълумотларнинг тез, тушунарли ва эсда қоларли бўлишини таъминловчи таълим усулидир. Педагогнинг медиакомпетентлиги медиатаълимнинг натижаси бўлиб бу эса медиатаълим жарёнига хисса қўшадиган педагогнинг медиа ахборот саводхонлиги хисобланади.

Медиа ахборот саводхонлиги таркибини қуйидаги асосий тушунчалар ташкил этади:

– медиа саводхонлик;

– ахборот саводхонлиги;

– ўз фикрини эркин баён этиш саводхонлиги;

– кутубхона саводхонлиги;

– янгиликлар саводхонлиги;

– компьютер саводхонлиги;

https://buxdu.uz



– интернет-саводхонлиги;
– рақамли технологиялар соҳасидаги саводхонлик;
– киносаводхонлик;
– электрон ўйинлардан фойдаланиш саводхонлиги;
–телевизион саводхонлик, реклама соҳасидаги саводхонлик.

Шунингдек, медиа ва ахборот борасида етарли билим савияга эга бўлган тажрибали педагог қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

- медианинг ва улар орқали тақдим этилаётган ахборот шаклларининг таъсирини яхши тушуниш;
- ўйланган ва мутақил қарорлар қабул қилиш;
- атроф-мухит ҳақида янги маълумот олиш;
- умумийлик ҳиссининг шаклланишига кўмаклашиш;
- жамовавий дискурсни қўллаб қувватлаш;
- ҳаёти давомида узлуксиз таълим олиш;
- ахборотни яратиш;
- танқидий фикрлаш;
- медиадан ўзини намоён қилиш ва ижодий мақсадларда фойдаланиш;
- медиадан ўз хавфсизлигини таъминлаган ва ижтимоий маъсулиятни ҳис қилган ҳолда фойдаланиш;
- демократик жамият хаётида ва глобал ахборот тармоғида фаол иштирок этиш [4].

Юқоридаги кўникмаларга эга бўлган хар қандай педагог ходимда медиа саводхонлик шакллланган бўлади. Аммо бугунги кунда медиа воситалар мунтазам равишда шаклланиб бораётганлиги сабабли, хар бир педагог ходим ўзининг билим ва кўникмаларини мунтазам ва узлуксиз шакллантириб, янгилаб бориши учун маъсулдир. Бугунги кунда медиа ва ахборот саводхонлигига оид билим ва кўникмаларимизни фаол намоён қилиб борганимиз сайин уларнинг моҳиятини янада чуқурроқ англаб бораверамиз.

Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган тарбиячи педагоглар манбалардан келаётган ахборот оқимидан тўғри фойдаланиб, ўзининг билим ва малакаларини ривожлантириши учун керакли бўлган медиа ресурслардан оқилона фойдалана олиши таълим сифати ва самарадорлиги ошишига ижобий натижа беради. Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари медиакомпетентлигини шакллантириш орқали мактабгача ёшдаги бола қобилиятини медиасаводхонлик асосида такомиллаштириш, ижодкорлигини ривожлантириш ва улар қизиқишларини фаоллаштириш хозирги замоннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, узлуксиз таълим тизимидаги ислоҳотлар таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштиришни, яъни таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг анъанавий методларидан воз кечиб, янги медиа ва ахборот коммуникацион технологиялар асосида ривожлантириш ҳамда шу асосда замонавий талабларга мос келадиган сифатли билим ва савияга эга бўлган рақобатбардош ёш авлод кадрларини вужудга келтиришни тақозо этмоқда. Ушбу йўналиш бўйича биз ишни, аввало мактабгача таълим ташкилотларида фалият юритиб, ёшларга таълим-тарбия бериб келаётган тарбиячиларга малака ошириш институтларида информатика ва ахборот технологиялари фани мазмунига медиакомпетентлик тушунчасини чуқур сингдириш масаласини бирламчи вазифа сифатида кўришдан бошлаш даркор.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 25 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020
3. Маматова Я., Сулайманова С. Ўзбекистон медиа тараққиёти йўлида. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Extremum-press». 2015.
4. Медиа ва ахборот саводхонлиги. Ўқув қўлланма. Б.Намазов, М.Файзиева, Ш.Шарафиддинов. Тошкент, Baktria press. 2018.
5. Баженова Л.М. Медиаобразование школьника (1-4 классы). Пособие для учителя. – М.: Изд-во Ин-та художественного образования Российской Академии образования, 2004. – 55 с.

https://buxdu.uz



**Nasiba AZIMOVA**
Buxoro davlat universiteti pedagogika
kafedrasi dotsenti,
pedagogika fanlari nomzodi

# KASBIY TA'LIM O`QITUVCHILARINI TAYYORLASHNING YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARINI ISHLAB CHIQISH VA ULARNI O`QUV-TARBIYAVIY JARAYONGA TATBIQ ETISH

*Pedagogik texnologiya nazariyasi va uni ta'lim jarayonida qo`llash muammolariga bag`ishlangan zamonaviy tadqiqotlar, mazkur nazariyaning ta'lim rivojini ta`minlashdagi ahamiyatini chuqur anglab yetish, uning imkoniyatlarini aniqlash va keng ko`lamli axborot maydonini egallashga yordam berish muammolarni hal etish.*

***Kalit so'zlar:*** *texnologiya, metod, amaliyot, faoliyat, pedagogik jarayon.*

*Проблемы теории педагогических технологий и ее применения в образовательном процессе, современные исследования в области обеспечения развития образования в данной теории, глубокое понимание и определение его возможностей, широкомасштабная информация помощь в освоении масштаба решение проблем.*

***Ключевые слова:*** *технология, метод, практика, деятельность, педагогический процесс.*

*In article was discussed the problems of the theory of pedagogical technology and its application in the educational process dedicated to modern research in ensuring the educational development of this theory deep understanding of the importance, identifying its capabilities and large – scale information solve problems to help occupy space.*

***Keywords:*** *technology, method, practice, activity, pedagogical process.*

Pedagogik texnologiyalarni ta'lim jarayoniga tatbiq etish mohiyati xususida so`z yuritish uchun «ta'lim texnologiyasi» tushunchasining tub ma`nosini anglash talab etiladi.

«Texnologiya» yunoncha so`z bo`lib, «techne»-mahorat, san`at hamda «logos»-tushuncha, ta'limot so`zlarining birikmasidan iborat. «Ta'lim texnologiyasi» tushunchasi esa lug`aviy jihatdan (inglizcha «an educational technology») ta'lim (o`qitish) jarayonini yuksak mahorat, san`at darajasida tashkil etish borasida ma'lumotlar beruvchi fan (yoki ta'limot) ma`nosini anglatadi [1].

Qayd etib o`tish joizki, pedagogik texnologiya nazariyasi o`tgan asrning ikkinchi yarmidan boshlab asoslanib kelinayotgan bo`lsa-da, aynan «pedagogik texnologiya» tushunchasiga nisbatan turlicha yondoshuvlar mavjud. Xususan, pedagog olim V.P.Bespalko pedagogik texnologiyani «amaliyotga tatbiq qilinadigan muayyan pedagogik tizim loyihasi» deya ta`riflaydi hamda asosiy diqqatni o`quv-pedagogik jarayonni oldindan loyihalashga qaratadi. N.F.Talizina esa pedagogik texnologiyani «fan va amaliyot oralig`ida muayyan tamoyillarni olg`a suruvchi metodlar ishlab chiqaruvchi, ularni izchil qo`llash kabi masalalarni hal etishga yo`naltirilgan mustaqil fan» bo`lishi lozimligini qayd etadi [2].

«Ta'lim texnologiyasi» xususida yaratilgan adabiyotlarda mazkur tushunchaga berilgan ta'riflarga asoslangan holda biz ushbu tushunchani quyidagicha sharhlashga jur`at etdik: pedagogik texnologiya - bu muayyan loyiha asosida tashkil etiladigan, aniq maqsadga yo`naltirilgan hamda ushbu maqsadning natijalanishini kafolatlovchi pedagogik faoliyat jarayonining mazmunidir.

Ta'lim jarayonini texnologiyalashtirish nazariyasi dastlab G`arbiy Yevropa hamda AQSHda yuzaga kelgan edi. Bizga ma'lumki, g`arbiy Yevropa mamlakatlari va AQSHda «Pedagogika» fani mavjud emas, shu bois «pedagogik faoliyat», «pedagogik tizim», shuningdek, ularga bog`liq ravishda yuzaga keluvchi «pedagogik texnologiya» tushunchasi ham iste'molda yo`q. Ushbu mamlakatlarda shaxsga ta'lim berish jarayoni «ta'lim jarayoni» sifatida nomlanadi, shaxsga bilimlar berish, uning ma'lumotini oshirish, ta'lim samaradorligini ta'minlashga xizmat qiluvchi fanlar majmui «metodika» deb yuritiladi. Metodika fanlarini o`qitishda asosiy e'tibor ta'lim sifatini yaxshilash, uning samaradorligini ta'minlashga qaratiladi [4].

O`zbekiston Respublikasi (shu jumladan, MDH mamlakatlari) ta'lim tizimi amaliyotida o`qitilib kelinayotgan «Pedagogika» fanining predmeti shaxsni shakllantirish, uning kamolotini ta'minlashga yo`naltirilgan ta'limiy hamda tarbiyaviy faoliyatni tashkil etish jarayonining mazmunidan iboratdir. Ya'ni shaxsning yetuk kamoloti ikki muhim faoliyat – ta'limiy va tarbiyaviy faoliyat jarayonining samarasi natijasi sifatida namoyon bo`ladi.

https://buxdu.uz



Mustaqillik sharoitda O`zbekiston Respublikasi ta'lim muassasalari faoliyati jarayoniga yangi pedagogik texnologiyalarni olib kirish borasidagi faoliyat bir qator yetakchi tashkilotlar tomonidan olib borilmoqda. Xususan, xalqaro SOROS fondi (Ochiq institut), AXELS, IREX, JICA kabi tashkilotlar tomonidan olib borilgan faoliyat o`zining samaradorligi bilan alohida ahamiyat kasb etmoqda. So`nggi besh yillar davomida yuqorida nomlari keltirilgan tashkilotlar ko`magi va rag`bati asosida respublikaning bir qator yetakchi oliy o`quv yurtlari qoshida innovatsion (pedagogik texnologiya) markazlari tashkil etildi.

Pedagogik texnologiya nazariyasini shakllantirish va undan foydalanish mexanizmini bilish ta'lim jarayonini rivojlantirish va boshqarishning eng samarali shakl va metodlarini aniqlash imkonini beradiki, buning faqat nazariy, balki amaliy ahamiyati ham beqiyosdir.

Ta'lim majmuining kontseptual tahlili quyidagi xulosalarni chiqarish imkonini beradi:

- har qanday texnologiya negizida mehnat faoliyati ko`rinishidagi o`zaro jamoaviy ta'sir yotadi. Texnologiya mehnat jarayonining o`ziga singdiriladi. Texnologiyaning amalga oshirilish shaklidan qat`i nazar, asosiy maqsad umumiy jarayonining operatsiyalar tavsifi, predmeti, vositalari va yakuniy natija bilan belgilanadi. Binobarin, pedagogik texnologiyaning pedagogik jarayonni amalga oshirish shakli sifatidagi mohiyati pedagogik faoliyat sohasida namoyon bo`ladi;

- insonning ongi jamoaviy o`zaro ta'sir in'ikosining ideal shakli hamda dialektik qarama-qarshiligini ifoda etib, o`zgartirilgan mehnat sifatida namoyon bo`ladi. Shunga ko`ra ongni qayta shakllantirish qonuniyatlarini ijtimoiy texnologiyadan, ushbu qonuniyatlarini joriy etishning asosiy shakllarini esa pedagogik texnologiyaga asoslangan pedagogik amaliyotdan izlash taqozo etiladi;

- pedagogik texnologiya ijtimoiy texnologiyadan ajralib chiqib, o`z taraqqiyotida shartli jamoaviy repetitsiyaviy (mashqlantiruvchi) refleks bosqichini bosib o`tgan holda, asosiy texnologik o`zaro ta'sirlarini maqsadga muvofiq tarzda takrorlovchi harakat va operatsiyalar tizimiga ajratiladi. Bundan kuzatilgan maqsad ijtimoiy ongni mustahkamlash va to`plangan ijtimoiy tajribani yangi avlodlarga yetkazishdan iborat bo`lgan, uning predmeti esa ideallashtirilgan tavsifga ega;

- pedagogik texnologiya mohiyatining umumiy jihatlari, shakl va mazmuni, qarama-qarshiliklar tizimi, miqdoriy va sifat o`zgarishlari dialektikasi, qurilish, amal qilish va rivojlanishining umumiy qonun va qonuniyatlari texnologiyaning umumfalsafiy kontsetsiyasi doirasida muvaffaqiyatli ravishda ko`rib chiqilishi mumkin. Uning harakat mantiqi moddiy ishlab chiqarish sohasidagi yuqorida ko`rib chiqilgan qonuniyatlar (obyektiv texnologiya), uning dialektik nuqtayi nazardan qarama-qarshi tomoni bo`lgan – ma`naviy ishlab chiqarish, shuningdek, ta'lim sohasi qonuniyatlarini ko`chirish jarayonini aks ettirishdan iborat;

- pedagogik texnologiya nazariy negizga ega, zero, asl texnologiya o`zining mustahkam ilmiy-nazariy poydevoriga asoslanadi. Pedagogik texnologiya nazariyasining mazmuni va tarkibiy tuzilmasini shakllantirish jarayoni har qanday fanning shakllanishida muhim o`rin tutuvchi asosiy qonuniyatlarga bo`ysunadi. Ijtimoiy ishlab chiqarish sohasi rivojlangan sayin e'tibor umumnazariy elementlarning sintez etilishiga qaratiladi;

- pedagogik texnologiya nazariyasining yaratilish va rivojlanish mantiqi asosiy bosqichlarda umumiy texnologik nazariyaning shakllanishini aks ettiruvchi holat sifatida namoyon bo`ladi. Mazkur holat asosi fikrlash jarayonining eng muhim shakli sifatida xulosa chiqarish imkonini beruvchi deduktiv yondashuv hisoblanadi;

- pedagogik texnologiya nazariyasining yaratilishi uchun «g`isht qo`yishning» asosiy davri pedagogik texnologiyaning boshlang`ich «hujayrasi»ni ifoda etuvchi pedagogik jarayonda texnologik jihatning mohiyatini ochishga yordam beruvchi, o`ziga xos tushuncha va kategoriyalar tizimini aks ettiruvchi texnologik o`zgarish, texnologik vosita hamda texno-pedagogik o`zaro ta'sir bilan bog`liqdir.

Nazariyaning konseptual asosini ishlab chiqishga alohida e'tibor berildi. Ushbu asos pedagogik texnologiya matritsasi deb ataladi. Pedagogik texnologiya matritsasi (texno-pedagogik matritsa) – bu minimal darajada zarur belgilar nazariy konstruktlarga tayanuvchi rang-barang, sifatli pedagogik texnologiyalarning mavjud modeli. Uning negizida quyidagi elementlar: asoslangan elementar texno-pedagogik o`zaro ta'sir, texno-pedagogik o`zgarishlar (qayta qurishlar)ni aks ettiruvchi predmet talabalarning bilimlari, malakalari, ko`nikmalari; texnologik-pedagogik vosita tabiatini qayd etuvchi elementlar, tabiiy, ijtimoiy, texnikaviy; predmetning texno-pedagogik harakat bosqichlari va ularning o`zgarishlarini (qayta qurilishini) belgilovchi texno-pedagogik natijaga birlashtiradigan, shuningdek, pedagogik texnologiya nazariyasining kontseptual asosini ifoda etadigan elementar texno-pedagogik o`zaro ta'sir xususida ishlab chiqilgan tasavvur yotadi.[5]

O`quv jarayonini loyihalashga texnologik jihatdan yondashish quyidagi asosiy bosqichlardan iborat bo`ladi:

1. Ta'lim jarayonining umumiy asosiy maqsadini belgilab olish.

https://buxdu.uz



2. Ta’lim jarayonini real muayyan bosqichlarga bo`lish, har bir bosqich uchun xususiy maqsadlarni belgilash, ya`ni asosiy maqsadni amalga oshirishda juz’iy maqsadlarni ham hal etib borish.

3. Ta’lim oluvchilarning bilim darajasini oldindan tashxis qilish.

Pedagogik texnologiyani ta’lim jarayoniga tatbiq etishning umumlashgan ketma-ketligini quyidagicha tashkil etish maqsadga muvofiq sanaladi:

- talabalarning istiqboldagi faoliyati mazmunini tahlil qilish, ta’lim jarayonida hal qilinishi lozim bo`lgan maqsad va vazifalarni belgilash;
- umummehnat va kasbiy ko`nikma hamda malakalarni rivojlantirishda ta’lim vositalarini qo`llashga oid ta’lim uslubi mazmunini ishlab chiqish;
- oliy o`quv yurtlari o`quv dasturlarida talabalar tomonidan ta’lim vositalaridan foydalanish texnologiyasini o`zlashtirishlari uchun vaqt mezonini belgilash;
- talabalarda ko`nikma va malakalarni rivojlantirishga oid mashqlar tizimini ishlab chiqish;
- talabalarda hosil bo`lgan bilim, ko`nikma va malakalarning sifatini nazorat qilish bilan bog`liq obyektiv nazorat o`tkazish va testlar tizimini ishlab chiqish;
- ishlab chiqilgan "pedagogik texnologiya"ni amalda sinash va uni o`quv jarayoniga tatbiq etish.

Pedagogik texnologiyaning asosiy maqsadi komil shaxsni shakllantirish uchun poydevor bo`lgan pedagogik jarayonni takomillashtirish, insonparvarlashtirish, ta’lim oluvchining mustaqilligini ta’minlash, o`qitish jarayonida texnik vositalar imkoniyatlaridan samarali foydalanishga erishishdan iborat.

Pedagogik texnologiya doirasida quyidagi vazifalar hal etiladi:

– ta’lim jarayonining umumiy, yaxlit loyihasini ishlab chiqish;
– ta’lim jarayonida hal etilishi lozim bo`lgan aniq maqsad va vazifalarni belgilash;
– ta’lim jarayoni mohiyatini bashoratlash (tahmin qilish) va uning mazmunini ishlab chiqish;
– ta’lim jarayoni samaradorligini ta’minlashga yordam beruvchi eng samarali, maqbul shakl, metod, usul hamda texnik vositalarni tanlash;
– ta’lim jarayonida ta’lim oluvchining erkin, mustaqil faoliyat ko`rsatishi uchun muayyan shart-sharoitlarni yaratish, ularda ma’lum ko`nikma hamda malakalarning shakllanishi uchun vaqt o`rnini belgilash, ularning bilimlari darajasini avvaldan tashhislash;
– ta’lim oluvchilar faoliyatini yo`naltirish, nazorat qilish hamda baholashni tashkil etish;
– ishlab chiqilgan pedagogik texnologiya loyihasini jamoada sinash, maqsadning natijalanganlik darajasini tahlil etish.

Mazkur vazifalarning ijobiy hal etilishi quyidagi shartlarga amal qilinishiga bog`liq: mavjud shart-sharoitlarni inobatga olgan holda faoliyatni tashkil etish; ta’lim oluvchilarning yosh, fiziologik, psixologik hamda shaxsiy xususiyatlarini hisobga olish; ta’lim jarayonini demokratlashtirish va insonparvarlashtirish; ta’lim oluvchilar faoliyatini obyektiv nazorat qilish va baholash; xususiy fanlarni o`qitish jarayonida imkon qadar albatta, samarali ravishda texnik vositalar imkoniyatidan keng foydalanish; pedagogik tizimda maqsad aniq va ravshan qo`yilmog`i lozim.

Har qanday fanning mazmuni egallanayotgan kasb xususiyatlariga mos obyektlar, jarayonlar va faoliyat uslublari to`g`risidagi ma’lum axborotlar majmuidir. O`quv predmetlari obyektlar tarkibi, faoliyat uslublari va jarayonlari bilan farqlanadi. Ba’zi fanlar umumiy obyektga, hodisaga yoki faoliyat metodiga ega bo`lishi mumkin bo`lgan holdagina, ular o`rtasidagi fanlararo aloqa to`g`risida so`z yuritish mumkin.

Obyektiv mavjud bo`lgan hodisa, uslub yoki obyektlar to`g`risidagi ma’lum sohaga tegishli axborotlar qarab chiqilayotgan fan sohasini ifodalaydi. Bugungi kunda insonlar misli ko`rilmagan sur’atlarda o`sib borayotgan axborotlar hajmini o`zlashtirib ulgurishga qodir emas, biroq u yoki bu sohaga oid fikrlash hamda faoliyat uslublarini egallash mumkin. Buning uchun to`laqonli hamda ongli faoliyat olib borishni ta’minlay oluvchi bilimlar asosida mustaqil o`rganish uchun asos yaratuvchi obyektlar fan mazmunidan ajratib olinishi lozim bo`ladi.

Ta’lim jarayonida yangi pedagogik texnologiyalarni muvaffaqiyat qo`llashning muhim omillaridan biri – muayyan, yaxlit ta’limiy jarayonni oldindan loyihalash, ta’lim oluvchilar tomonidan o`zlashtiriladigan nazariy va amaliy bilimlar, ko`nikma va malakalar darajasini tashxislash hamda ta’lim maqsadining muvaffaqiyatli natijalanishini bashoratlay olishdan iboratdir. Ayni vaqtda pedagogik yo`nalishda faoliyat olib borayotgan ilmiy tadqiqot institutlari, xalq ta’limi muassasalari va oliy o`quv yurtlari oldida o`quv jarayonini loyihalashning eng maqbul, barcha turdagi o`quv muassasalarida shakli, metod va vositalaridan qat’i nazar tashkil etiladigan ta’lim uchun birdek xizmat qiluvchi andozani yaratish maqsadga muvofiqdir. Biz ilmiy-tadqiqotlarimizni amalga oshirish uchun pedagogik texnologiyani loyihalashning quyidagi ketma-ketlikdan iborat bosqichlarini ishlab chiqdik:

https://buxdu.uz



- birinchi bosqichda kasb ta'limi fakulteti talabalarining kelajakdagi kasbiy faoliyati tahlil qilindi. Tahlil natijasida talaba faoliyatining istiqbolini belgilovchi va kelajak faoliyatida u duch keladigan vazifalar aniqlab olindi;

- ikkinchi bosqichda umummehnat va kasbiy ko`nikma hamda malakalarni rivojlantirishning psixofiziologik asoslari; o`qituvchilar tayyorlashning yangi pedagogik texnologiyalari ishlab chiqildi va ta'limning har bir davri uchun uning mazmuni aniqlab berildi;

- uchinchi bosqichda umummehnat va kasbiy ko`nikma hamda malakalarning tarkibiy qismlari, shakllantirish jarayoni; malakalar ko`chishi va moslashuvchanligi xususiyatlari, umummehnat va kasbiy ko`nikma hamda malakalarni rivojlantirish jarayonida ta'lim vositalarini qo`llash texnologiyasi ishlab chiqildi;

- to`rtinchi bosqichda umummehnat va kasbiy ko`nikma hamda malakalarni rivojlantirish didaktik jarayonining eng muvofiq ta'lim shakllari aniqlandi. Uning natijasi sifatida ko`nikma va malakalarni rivojlantirish pedagogik tizimida o`qituvchi va talaba munosabatlari mazmuni ishlab chiqildi;

- beshinchi bosqichda umummehnat va kasbiy malakalarni qo`llashga oid ta'lim metodi mazmuni ishlab chiqildi, uning natijasi sifatida umummehnat ko`nikma va malakalarni rivojlantirish jarayonida trenajorlardan foydalanish texnologiyasi yaratildi;

- oltinchi bosqichda ta'lim maqsadi asosida ko`nikma va malakalarni rivojlantirishga qaratilgan mashqlar tizimi ishlab chiqildi hamda o`quv qo`llanmalari mazmuni bilan umumlashtirildi, natijalar belgilangan ko`rsatkichlari darajasida ta'lim jarayoniga tatbiq etildi;

- yettinchi bosqich – o`zlashtirish darajasini baholash mezonlari va ta'lim maqsadlariga mos keluvchi talabalarning bilim va ko`nikmalarini aniq nazorat qilish bilan bog`liq testlar tizimi ishlab chiqildi. Ta'lim maqsadlariga erishish imkonini beruvchi o`quv mashg`ulotlarining tuzilmasi va mazmuni shakllantirildi; talabalarning umummehnat va kasbiy ko`nikma hamda malakalarini rivojlantirishga qaratilgan topshiriqlar majmuasi ishlab chiqildi;

- sakkizinchi bosqichda – umummehnat va kasbiy ko`nikma hamda malakalarni rivojlanganlik darajasini baholashning ko`rsatkich va mezonlari tajriba-sinov ishlari asosida sinab ko`rildi. Bosqich natijasida loyihaga tegishli tuzatishlar kiritildi.

O`qituvchilar tayyorlashning yangi pedagogik texnologiyalarini ishlab chiqish bir qadar murakkab jarayon bo`lib, mazkur jarayonda mutaxassislik yo`nalishlari hamda ularning o`ziga xos xususiyatlarini inobatga olish taqozo etiladi. O`quv jarayonini kuzatish jarayonida o`qituvchilar tayyorlashning yangi pedagogik texnologiyalarini ishlab chiqish va ularni o`quv-tarbiya jarayoniga tatbiq etish muammolari quyidagilardan iborat ekanligi aniqlandi:

– pedagogik texnologiya nazariyasi va uning asoslari borasida ma'lumotlar bera oluvchi manbalarning yetarli emasligi;

– mavjud manbalarda xususiy fanlar, shuningdek, muayyan ta'lim muassasalarining faoliyat yo`nalishlariga hamda xususiyatlariga muvofiq ularning faoliyatiga yangi pedagogik texnologiyalarni tatbiq etish mexanizmining ishlab chiqilmaganligi;

– yangi pedagogik texnologiyalarni ta'lim tizimida o`quv-tarbiya jarayoniga tatbiq etish yo`lida amalga oshirilgan tadqiqotlar natijalarining yaxlit holda tahlil etilmaganligi hamda bu borada qo`lga kiritilgan tajribalarning ommalashtirilishi borasida sustkashlikning mavjudligi;

– ta'lim muassasalari, shu jumladan, oliy ta'lim muassasalarida faoliyat yuritayotgan pedagoglarning yangi pedagogik texnologiya asoslarini puxta o`zlashtirmaganliklari hamda o`z faoliyatlarida ulardan samarali foydalanish malakasi (tajribasi)ga ega emasliklari;

– pedagog xodimlarni tayyorlash jarayonini texnologiyalashtirish borasida keng ko`lamli amaliy harakatning tashkil etilmaganligi.

Qayd etib o`tilgan muammolarning bartaraf etilishi yetuk mutaxassislarni tayyorlash, shuningdek, bo`lg`usi pedagoglarda umummehnat va kasbiy ko`nikma hamda malakalarni takomillashtirishga imkon yaratadi.

Mehnat va kasb ta'limi o`qituvchilarida umummehnat va kasbiy ko`nikma hamda malakalarni rivojlantirish muammolarining tahlili uning pedagogik muammo sifatida o`zining to`laqonli yechimini topmaganligini ko`rsatdi. Bu yo`nalishning ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan tub islohotlar talablariga muvofiqligini ta'minlash uchun o`qitish jarayoniga zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo`llash uslublarini ishlab chiqish, ko`nikma va malakalarning rivojlanganlik darajasini aniqlash, ularni ta'lim tizimiga joriy qilishning samarali yo`nalishlarini ishlab chiqish zarurati paydo bo`ldi. [5]

Umummehnat va kasbiy ko`nikma hamda malakalarni rivojlantirishning psixofiziologik sharoitlari, psixologik xususiyatlari, bilim, ko`nikma va malakalarning psixofiziologik mexanizmi va ijtimoiy-tarixiy o`rnining tahlili asosida ta'lim oluvchilarning bilim darajasini yanada oshirishda yetarlicha

https://buxdu.uz



foydalanilmayotgan ko`plab imkoniyatlar mavjud ekanligi aniqlandi. Shu asosda talabalarda bilim, ko`nikma va malakalarning rivojlanishi va biridan ikkinchisiga aylanish jarayonlari mazmuni ochib berildi.

Islohotlar tufayli ta'lim tizimiga yangi pedagogik texnologiyalar keng kirib kelmoqda, biroq buning natijasida yuzaga keladigan ulkan didaktik imkoniyatlardan foydalanish uchun yetarli nazariy - uslubiy asos yaratilgan emas. O`qituvchilarni tayyorlashning o`quv-tarbiyaviy jarayoniga yangi pedagogik texnologiyalarni ishlab chiqish va tatbiq qilish muammolarini o`rganish natijasida tadqiqot muammosini hal qilishda pedagogik texnologiyalar va texnologik yo`nalish imkoniyatlari tahlil qilindi.

**Adabiyotlar**

1. Azizxodjayeva N.N. Osnovnie tendentsii razvitiya visshego pedagogicheskogo obrazovaniya v Uzbekistane /Pod red. V.A.Slastenina. - T.: "Fan", 1990. –143 s.
2. Bespalko V.P. Pedagogika i progressivnie texnologii obucheniya. – M.: 1995.
3. Bespalko V.P. Slagaemie pedagogicheskoy texnologii. - M.: Pedagogika. 1989. - 190 s.
4. Vorobyev A.I., Limanskiy S.A. Texnicheskoe konstruirovanie i modelirovanie. Uchebnoe posobie dlya studentov IPF pedinstitutov i uchashixsya peduchilish. -T.: "O`qituvchi", 1990. –110 s.
5. Jo`rayev R.H., Tolipov O`.Q. Pedagogik faoliyat, texnologiyalar va mahorat. // "Uzluksiz ta'lim" j. 2003. № 2. 3-10-b.

**Фируза ШОДЖОНОВА**
Бухоро давлат университети таълим
сифатини назорат қилиш бўлими
бош мутахассиси

# ТАЛАБАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ - ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

*Ушбу мақолада фан техника тараққиётининг шиддат билан ривожланиши ва рақамли технологияларни жорий этиб рақамли иқтисодиётга ўтилиши зарур бўлган даврда ишчи кучига бўлган талаб камайиши, аммо сифатли, малакали ва юқори интеллектга эга бўлган мутахассисларга талаб ошиб бориши, шундай кучли рақобат мавжуд бўлган меҳнат бозорида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва ёшларни тадбиркорлик билан шуғулланиб ўзини-ўзи банд қилиш имкониятларини ўргатиш зарурлиги илмий-услубий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, талабаларда ишбилармонлик борасидаги тушунча ва кўникмаларни шакллантириш учун махсус тайёргарлик кўрган, юқори билимга эга ва педагогик маҳорат соҳиби бўлган педагоглар олдида катта масъулиятли вазифа юклатилганлиги, бундай вазифани бажаришда замонавий педагоглардан аждодларимиз, яъни шарқ мутафаккирлари томонидан қолдирилган илмий меросимизни ўрганиб, уларни ёш авлод тарбиясида фойдаланиш йўллари ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:*** *таълимислоҳоти, эҳтиёж, иқтисодий фаолият, ишлаб чиқариш, меҳнат ресурси, меҳнат предметлари, меҳнат қуроллари, меҳнат шароити, иқтисодиёт.*

*В статье обсуждены проблемы базового образования в высших учебных заведениях Республики. Выпуская специалистов, мы должны учитывать их способность выдерживать конкуренцию в условиях рыночной и цифровой экономики. Не усугубляя проблему безработицы, которая, естественно, возникает в условиях высоких технологий, необходимо развивать у студентов правильное понятие о бизнесе. Особенно делать ударение на расшифровку азов предпринимательства, действующих в рамках законов, принятых, соответственно, в нашей Республике.*

*Следующим звеном в цепочке подготовки специалистов, отвечающим требованиям мировым стандартам, естественно, требуются преподаватели с высоким уровнем интеллекта. Преподаватель постоянно и стабильно должен над собой работать, владеть большой информационной зоной и активно доносить свою информацию на образовательных площадках. Чтобы вносить интеллектуальные инвестиции с расчетом на перспективу, обязательным является глубокие познания научных трудов наших предков – гениальных творцов Востока, наследием которых пользуется весь мир.*

https://buxdu.uz



***Ключевые слова:*** *реформа образования, потребность, экономическая деятельность, производство, трудовые ресурсы, предметы труда, оружие труда, условия труда, экономика.*

*The article discusses the problems of basic education in higher educational institutions of the Republic. When releasing specialists, we must take into account their ability to withstand competition in a market and digital economy. Without aggravating the problem of unemployment, which naturally occurs in high-tech conditions, it is necessary to develop students ' correct understanding of business. Especially to emphasize the deciphering of the basics of entrepreneurship, acting within the framework of laws adopted, respectively, in our Republic.*

*The next link in the chain of training specialists who meet the requirements of international standards, of course, requires teachers with a high level of intelligence. The teacher must constantly and steadily work on himself, own a large information zone and actively communicate his information on educational platforms. To make intellectual investments with a view to the future, it is necessary to have a deep knowledge of the scientific works of our ancestors – the genius creators of the East, whose legacy is enjoyed by the whole world.*

***Key words**: education reform, need, economic activity, production, labor resources, labor items, weapons of labor, working conditions, economy.*

Ҳар бир инсон дунёга албатта ўзининг эҳтиёжлари билан келади. Эҳтиёж бу иқтисодий категория бўлиб – инсоннинг яшаши ва камол топиши учун истеъмол қилиши лозим бўлган товар ва хизматлар ҳисобланади. Инсон ҳаёти давомида эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилиб яшайди ва максимал даражада қондириш имкониятларини излаб умрини ўтказади. Эҳтиёжларини қондириши учун инсон албатта иқтисодий фаолият билан шуғулланиши, истеъмол учун зарур бўлган неъматларни яратиши яъни, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиши лозим. Иқтисодий фаолият қуйидаги таркибий қисмлардан иборат.




Аммо иқтисодиётнинг бош масаласи эҳтиёжларнинг чексизлиги ва ресурсларнинг чекланганлигидадир. Шу билан бир қаторда эҳтиёжларнинг кундан-кунга ошиб бориши бу муаммони янада мураккаблаштиради. Шунинг учун инсоният олдида қуйидаги вазифалар туради:

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг энг зарур ва камхарж вариантини яратиш;
- мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш;
- меҳнат унумдорлиги ва ресурслар унумдорлигини ошириш;
- иқтисодий билим ва кўникмага эга юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун аввало ёшларимизда иқтисодий тушунча ва фикрларни ривожлантириш зарур. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бозор иқтисодиётини қуриш, бозор ислоҳотларини амалга ошириш учун аввало кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашларини ўзгартириш лозим” [2,87]. Бу муаммони ечимини топиш ва эҳтиёжларни максимал қондириш учун инсон олдида турган вазифаларни бажаришда бозор иқтисодиётини барпо этиб, иқтисодиётнинг ички қонунларини, имкониятларимизни бирма-бир таҳлил қилиб чиқишимиз зарур. Бу эса бугун олий таълим муассасалари олдига ҳам катта вазифаларни қўяди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз” [1] - кўрсатиб ўтганидек, ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ интилиш ва меҳнат қилиш эвазига эҳтиёжларни қондириш ҳамда фаровон ҳаётга эришиш учун тадбиркорликни йўлга қўйиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этишимиз лозим. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш, энг зарур ва камхарж вариантларини яратиш учун аввалambor ҳар бир тадбиркор - иш бошқарувчи нима ишлаб чиқариш? Ким учун ишлаб чиқариш? Қанча ишлаб чиқариш? лозим деган саволларга тўғри жавоб топа олса, унинг яратган маҳсулоти албатта ўз харидорларига етади, мўлжалланган нархда сотилади ва ортиқча маҳсулот қолмайди. Бундай саволлар жавобини топиш учун ўзини-ўзи иш билан таъминламоқчи бўлган ҳунар эгалари,

https://buxdu.uz



ишбилармонлар, тадбиркорлар, умумий қилиб айтганда иқтисодий фаолият эгалари иқтисодий билимга эга бўлишлари лозим.

Тайёр режалар асосида ишни ташкил этиш ва маҳсулотни паст қийматда яратиб юқори нархда сотиб максимал фойда олиш учун товарга (хизматга) сарфланадиган ресурслардан самарали фойдаланиш лозим. Маҳсулотни паст қиймат асосида яратиш учун ишлаб чиқарувчи-тадбиркор авваламбор товарга сарфланадиган ресурслар таркибини яхши ўрганиб, уларни имкон қадар соддалаштириш ва камайтириш борасида бош қотиради. Ҳар бир маҳсулотга сарфланадиган ресурсларни 4 гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Меҳнат предметлари (хом-ашё ва материаллар сарфи).
2. Меҳнат қуроллари (асбоб ускуналар, технологиялар).
3. Меҳнат шароити (бино-иншоотлар).
4. Ишчи кучи.

Ҳар бир ресурс маҳсулот яратилиши учун муҳимлиги жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмайди, яъни барчаси бир хил зарур. Аммо маҳсулот ҳажмига ва сифатига таъсири жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Махсулот сифатига таъсир қилувчи ресурслар (меҳнат предметлари)ни камайтиришни иложи йўқлигини, бундай ресурслар камайтирилса, маҳсулот ҳажми камайиши ёки сифати пасайиши ҳаммага аён. Аммо меҳнат қуролларидан, меҳнат шароитидан, ва албатта ишчи кучидан самарали фойдаланиш, яъни шу ресурсларнинг қувватидан максимал даражада фойдаланган ҳолда товар (хизмат) яратиш товар қийматини пасайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, товарнинг нафлилигини оширган ҳолда паст қийматда яратилса, бу товар тадбиркор фойдасини оширади ва унга бўлган талабни ҳам ошишига сабаб бўлади. Демакки, аҳолининг шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжи кўпроқ қондирилади.

Ресурслар қувватидан максимал даражада фойдаланиш – шу ресурслар унумдорлигини ошириш ҳисобланади. Унумдорлик - яратилган махсулот миқдори билан ўлчанадиган иқтисодий категория бўлиб, уни икки усулда ҳисоблаш мумкин.

1-дан жон бошига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмини ўлчаш оркали меҳнат унумдорлигига баҳо берилади.

2- дан вақт бирлигида яратилган маҳсулот ҳажмини ўлчаш оркали меҳнат унумдорлигига баҳо берилади.

Хўш меҳнат унумдорлиги ва ресурслар унумдорлигини ошириш учун нима қилиш лозим? Унга қандай омиллар таъсир қилади?

Меҳнат унумдорлиги деганда меҳнатни яратувчи (ишчи кучи) нинг унумдорлиги тушунилади ва меҳнатни яратувчи (ишчи кучи)га боғлиқ омиллар меҳнат унумдорлигига таъсир қилади. Ишчи кучи билан боғлиқ омиллар:

- ишчи кучининг билими, малакаси ва маҳорати;
- ишчи кучига яратилган шароит;
- ишчи кучи ишлайдиган технология. Бу омилларнинг энг мақбул (мукаммал) ҳолатида меҳнат унумдорлиги юқори бўлади ва тайёр маҳсулот ҳажми ошади.

Ресурс унумдорлиги тайёр маҳсулотга сарфланаётган ресурс қувватидан (имкониятидан) унумли фойдаланган ҳолда максимал миқдордаги маҳсулот яратиш. Бундай унумдорликларни таъминлаш учун ҳар бир тадбиркор-раҳбар билимли малакали мутахассисларни ишга ёллаши, ишчи ходимга яхши фаолият олиб бориши учун қулай шароит яратиб бериши, илғор технологиялар билан таъминлаши лозим. Илғор технологияларни жорий этилиши ресурслар унумдорлигини оширибгина қолмасдан, балки ресурслар сарфини камайтиришга ҳам олиб келади. Замонавий технологиялар электр ва ёқилғи сарфи жиҳатдан камхаржлиги ҳамда бундай технологияларга жорий таъмирлаш харажатлари минимал даражада бўлиши билан ресурс унумдорлигини оширади. Хусусан, бугунги кунда рақамли технологиялар ҳар томонлама замон талабларига мос бўлиб, бундай технологияларни жорий этиш ва рақамли иқтисодиётга ўтиш учун Президентимиз айтганларидай ҳаммамиздан тинимсиз ўқиб-ўрганишимиз, ишимизни мукаммал ва унумли бажаришимиз, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилишимиз талаб қилинади.

Иқтисодий билим ва кўникмага эга юқори малакали мутахассислар ишлаб чиқариш унумдорлигига таъсир этувчи биринчи омил экан, давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фикрларидан хулоса қилиб, бу омилни асосий омил сифатида ҳам кўрсатишимиз мумкин. Хўш, шундай экан, кучли рақобат бозорида рақобатбардош бўлган юқори билим, кўникма ва интеллектга эга мутахассисларни тайёрлаш биз учун муҳим масала бўлиб турибди. Жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш - юқори малакали педагогларга бўлган талабни ошириш билан бир қаторда улар олдида жиддий вазифаларни ва талабларни қўяди. Президентимиз

https://buxdu.uz



Ш.М.Мирзиёев 2020 йилда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаларида таъкидлаганидек, "Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик.

Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шарқ донишмандлари айтганидек, "Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!" [1].

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Бугунги давр талаблари биз иқтисодчи - педагоглардан нафақат ўзимиз–ўз устимизда ишлаб замон талабларига мос билимларни ўзлаштиришимизни, балки иқтисодий йўналишдаги талабалардан ташқари ноиқтисодий йўналишдаги талабаларга ҳам иқтисодий маълумот, билим ва тарбия беришимизни тақозо этади.

Иқтисодий маълумот – иқтисодий тушунчаларни кундалик ҳаётга боғлаб ўргатиш, кўрсатиб бериш. Иқтисодий таълим-махсус тайёрланган шахслар ёрдамида иқтисодиётнинг қонун- қоидалари ва категорияларини ўргатиш ва улардан иқтисодий фаолиятда фойдалана олиш кўникмасини шакллантириш, иқтисодий билимларини ривожлантириш. Иқтисодий тарбия – шахсга хисоб-китобни, тежамкорликни, меҳнатсеварликни ўргатиб, бу билимларини кундалик фаолиятида қўллай олиш қобилиятини шакллантиришдан иборатдир. Демак иқтисодий бўлмаган йўналишидаги талабаларни ҳам иқтисодий маълумотларга эга қилиб, уларга иқтисодий тарбия бериш зарурлигини айтишимиз мумкин.

Иқтисодий таълим педагогикаси авваламбор, Қуръони Карим ва Ҳадислардаги иқтисодий ғоялари асосида шаклланиб, уни Форобий, Ибн Сино, Юсуф хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобирларнинг иқтисодий қарашлари бойитган.

Бугунги таълим ислоҳоти талаблари ва республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари бўлажак иқтисодчи, тадбиркор ва бошқарувчиларни тайёрлашда мутафаккирларимиз қолдирган илмий меросдан фойдаланиб, замон талабларига мос мутахассисларни тайёрлашни талаб этмоқда. Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек, "Иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифалар ҳақида гапирганда, аввало – иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлашни кўрсатишимиз мумкин" [1].

Иқтисодиётни талабаларга ўргатар эканмиз, авваламбор ўзимиз унинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда ҳар бир тушунча ва категорияларни, қонун ва қоидаларни талабага тушунарли бўлган содда тилда, кундалик ҳаёт билан боғлаб, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда уларга етказишни ўрганишимиз лозим.

Юнон мутафаккири Аристотель ўз даврида "Уй хўжалигини юритиш қонун қоидалари" [5,29] - деб таъриф берган "Иқтисод" тушунчасини иқтисодчи олим Ш.Ш.Шодмонов "Чекланган ресурслар шароитида, чексиз эҳтиёжларни қондириш мақсадида, товар ва хизмат яратиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни, қонун қоидаларни ва иқтисодий муносабатларни бирлаштирувчи тизим" [5,32-33] деб таъриф берган. Бугунги замон талабларидан келиб чиқиб, олимларимизнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда биз "Иқтисод - рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий фаолият билан шуғулланиш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ва қонун-қоидаларни бирлаштирувчи тизим" деб таъриф беришимиз мумкин.

"Иқтисод" тушунчасини таърифи замон талабига кўра кундан кунга ўзгарар экан, бу тушунчаларни талабаларга етказиш усул ва воситалари ҳам ўзгариб, замонга мослашган ҳолда оптималлашиб бориши лозим. Қайси тушунчани қандай усул ва восита ёрдамида талабага етказишни тўғри танлаш учун ҳар бир иқтисодчи – педагог дарс турлари (маъруза, амалий)га мос қилиб, дарсда белгиланган мақсаддан келиб чиқган ҳолда танлаши ва талабага етказиб уларда шу тушунча борасидаги билим ва кўникмаларини шакллантириши лозим.

**Мисол:** "Бозор тушунчаси ва унинг функциялари, бозор турлари" мавзусини қуйидагича ўтиш мақсадга мувофиқдир:

**Дарс мавзуси**: "Бозор тушунчаси ва унинг функциялари, бозор турлари."

**Дарс мақсади:** талабаларга бозор, унинг мазмуни ва моҳияти ҳақида маълумот бериш, бозорнинг функциялари ва бозор турлари ҳақида билим бериш.

https://buxdu.uz



**Дарс тури:** янги билимларни ўзлаштириш.

**Дарс усуллари:** ақлий ҳужум, тоифалаш жадваллари, муаммоли вазиятли топшириқлар.

Назарий-маъруза дарсларида мавзуни талабаларнинг ўз фикр ва тушунчаларидан фойдаланган ҳолда оддийдан мураккабга ўтиб суқрот техникаси ёки баҳс-мунозара каби усуллардан фойдаланиб тушунтириш мумкин. Чунки замонавий таълим анъанавий таълимдан воз кечиб ноананавий тарзда дарсларни ташкил этишни, бу дарсларда ўқитувчи билан бир қаторда талаба ҳам фаол бўлишини талаб қилади. Чунки замонавий психология ананавий маърузаларда инсон мияси 80 дақиқадаги дарснинг атиги 20 дақиқасида юқори қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, фаол бўлишини исботлаган. Қолган 60 дақиқадаги маъруза илм олувчи томонидан ўзлаштирилмай қолар экан. Аммо агар билим олувчи бу маърузада ўзи қатнашиб, фикр бериб фаол бўлса, унинг мияси маърузадаги 60 дақиқалик маълумотни қабул қилар экан. Демак, педагог маъруза дарсида фақат ўзи маъруза қилгандан кўра талаба билан ҳамкорликда янги билимларни ўзлаштирса, дарсда қўйилган мақсадга эришилади.

"Бозор тушунчасини "Ақлий ҳужум" методи билан барча талабаларнинг шу тушунча борасидаги фикрларини ўрганиб чиқишимиз ва "Илмий абстракция" ўрганиш услуби каби барча йиғилган жавоблардан хато тушунчаларни йўқ деб фараз қилган ҳолда тўғри жавоблардан фойдаланиб, тўлиқ ва мукаммал таърифни бериш, бозор тушунчасининг мазмунини очиб кўрсатиш лозим. Бозорнинг моҳиятини кўрсатиб ўтиш учун унинг бажарадиган ҳар бир функцияларини муаммоли вазиятлар кўринишидаги топшириқлар асосида талабаларга етказиш мумкин. Худди шундай бозор турларини бир-биридан ажрата олишни талабаларга ўргатиш учун иқтисодчи педагог қиёсий жадваллардан фойдаланиши яхши натижа беради. Замонавий педагогикада амалий дарсларни ўтишда ўқитувчи модератор бўлиб гуруҳни бошқариб-кузатиб туришини, дарсларни эса ўқувчиларни ўзи ўтказиши, ўқитувчи фақат хулоса сифатида камчиликларни кўрсатиб ўтиши талаб қилинади. Чунки минг марта эшитгандан кўра бир бор кўрган афзал, бир бор кўргандан кўра ўзи бажарган маъқул эканлигини биз Конфуцийнинг "Эшитсам - ишонаман, кўрсам - танийман, бажарсам – ўрганаман" деган фикрларидан хулоса қилишимиз мумкин.

Ҳар бир фаолиятда мотивация асосий туртки вазифасини бажаргани каби, таълимда ҳам талабалар учун мотивация ҳисобланган дарс жараёнидаги баҳоларни қўйиш ва хулоса қилишда талабанинг ўзи қатнашгани мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, хусусан ўзига ишонган, бўйсунишни хоҳламайдиган иқтисодчи-талабалар учун бу жараёнда қатнашиш улардаги қизиқиш ва иштиёқни кучайтиради. Шу билан бирга иқтисодчи – талабалар, бўлажак тадбиркорлар, бошқарувчилар мустақил равишда адолат билан қарор қабул қилишни ўрганиши учун биз ўқитувчилар бу соҳа мутахассисларини тайёрлашда уларга кўпроқ вазиятли топшириқлар, муаммоли топшириқларни бажаришига, ҳар бир муаммо ечимини топишда илмий (назарий) асосларга ёндашиб излашни ва ечимни ҳам назарий асослар ёрдамида исботлаб бериши учун шароит яратишимиз лозим. Шунингдек, муаммо ечимини амалда жорий этиш учун қарор қабул қилишда эса ҳар бир тадбиркор адолат, инсонийлик, ватанпарварлик каби туйғуларни эсдан чиқармасдан, масалага бир томонлама ёндашмасдан ҳар томонлама пухта ўйлаб қарор қабул қилишни ўргатишимиз биз иқтисодчи – педагогларнинг бурчимиз ҳисобланади.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил. 25 январ. https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020

2. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. 2019 йил 8 октябр http://uza.uz/uz/documents/o-zbekiston-respublikasi-oliy-ta-lim-tizimini-2030-yilgacha--09-10-2019

3. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. *Тошкеит, 1998. 625-бет. file:///C:/Users/Admin/Desktop/14%20%D0%BC%D0%B0%D1%80%D1%82/2013-qobilov-iqtis-naz-uz.pdf*

4. Жўраева Т., Тожибоева Д. "Иқтисодий педагогика" - Тошкент. 2012. – 333 б http://is.nkzu.kz/publishings/%7B3B21DBAD-4958-4DD0-B5C3-C6A3E6BDF757%7D.pdf

5. Иқтисодий таълим ривожланишининг муаммолари ва истиқболлари Республика илмий-амалий анжуманининг илмий мақолалар ва маъруза тезислари тўплами Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланади 2015 йил 25 декабрь http://is.nkzu.kz/publishings/%7B3B21DBAD-4958-4DD0-B5C3-C6A3E6BDF757%7D.pdf

6. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика. -Тошкент. 2002.-128 б http://moodle.pharmi.uz/intranet/Elibrary/oum/Iqsodiyot%20nazariyasi.pdf

https://buxdu.uz



7. Шодмонов, Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. –Тошкент. 2005 .-780 бhttp://moodle.pharmi.uz/intranet/Elibrary/oum/Iqsodiyot%20nazariyasi.pdf

8. Қобилов Ш.Р. “Иқтисодиёт назарияси” - Тошкент. 2013. - 713 б http://akadmvd.uz/wp-content/uploads/2013-qobilov-iqtis-naz-uz.pdf

**Жамол НОСИРОВ**
Бухоро давлат университети
психология кафедраси тадқиқотчиси

# СПОРТЧИ ПСИХОЛОГИК-ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

*Мақолада спортчи психологик-эмоционал ҳолатини коррециялашнинг методологик ҳамияти хусусида фикр баён этилган.*

***Калит сўзлар:*** *спортчи, коррецция, психик ҳолат, юклама, ирода, чидамлилик.*

*В статье изложено представление о методическом характере коррекции психоэмоционального состояния спортсмена.*

***Ключевые слова:*** *спортсмен, коррозия, психическое состояние, нагрузка, сила воли, выносливость.*

*The article presents an idea of the methodological nature of correction of the psychoemotional state of the athlete.*

***Keywords:*** *sportsman, corrosion, mental state, load, willpower, endurance.*

**Мавзунинг долзарблиги:** Жисмоний тарбия ва спортни ривожланиши мустақил Ўзбекистоннинг энг мухим давлат дастури –соғлом авлодни тарбиялаш дастурининг таркибий қисмига айланди. Ҳозирги даврда энг мухим муаммолардан бири ўз сохасида билимдон, янги педагогик технологиялари билан куролланган педагогик кадрларни тайёрлаш. Ёш авлодни хар томонлама тарбиялашнинг илмий услублари асослашда, уларни хар томонлама ривожлантириш ва таълим беришда шу жумладан жисмоний тарбия сохасида хам психологик хизмат мухим ўрин тутади. Ҳозирги кунда давлатимиз, жисмоний маданият ўқитувчилари ва тренирлар олдига янада мураккаб вазифаларни қўймоқда. Бу ҳам бўлса, спортчиларнинг руҳиятини ўзгартириш, ўзбек спортини жаҳондаги энг тараққий этган спортлар қаторига кўтариш, мутахассислар ва спортчилар онгида спорт психологиясини шакллантириш, Республикамиз спортчилари руҳиятида ўрнашиб қолган собиқ тоталитар тизим даври психологик тушунчаларига бархам бериш, уларда жисмоний тарбия ва спорт психологиясининг мухим элементлари бўлган фаоллик, меҳнатсеварлик, иродавийлик, ўзини тута билишлик, мустақиллик, чидамлилик, эпчиллик, матонатлилик, шунингдек, ўз хатти-ҳаракати учун жавобгардлик ҳиссини ўстириш, кенг даражада фикрлаш кабиларни шакллантиришнинг психологик механизмларини ишлаб чиқиш зарур. Республикамизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар, шунингдек, жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши спорт психологияси соҳасига ҳам тааллуқлидир. Инсоннинг балоғатга етиши даври бўлиб, ўзига хос анатомикфизиологик ва ижтимоий-психологик ўзгаришлар туфайли камолотнинг бошқа поғоналаридан кескин фарқланади. Инсон организмида рўй берадиган биологик ўзгаришлар ва шахсий “Мен”даги янгиланишлар натижасида унинг руҳий оламида туб бурилишлар юзага келади. Ёшларда жисмоний тарбия муаммоларини ижобий ҳал этишда иродани шакллантиришнинг аҳамияти жуда каттадир. Бу масалани кучли таассурот қолдирарли даражада ҳал этиш учун ирода психологик қонуниятларининг ривожланиш томонларини ҳисобга олиш зарур. Ирода ўқувчиларнинг қийинчиликларини енгиш жараёнида шаклланиб боради. Бу ўқувчиларнинг ўқув режасини ўзлаштиришида турли хил жисмоний машқларни бажаришда ҳамда ташқи ва ички қийинчиликларни енгишида вужудга келади. Аралаш услублардан фойдаланиб, иродавий сифатларни тарбиялашда ички қийинчиликларни енгиб ўтишни ҳисобга олиш лозим. Жисмоний маданият дарсида ички ва ички қийинчиликларини бартараф этиш ўқув материаллари характерига режадаги меъёр талабларига ҳамда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига қараб белгиланади. Иродавий сифатларни вужудга келтириш мақсадида, жисмоний маданият дарсида ўқувчиларнинг бор кучини сарф қилиш асосида ўз-ўзини иродавий мажбурлашга ўргатиш. Иродавий куч услубини ташқи ва ичик турларга ажратиш

https://buxdu.uz



мумкин: -ўқувчининг сезги органларига таъсир этиб турган ташқи ҳодисасига ва қузғовчиларга боғлиқ бўлади; -иродавий куч ўқувчининг ўзидаги мавжуд бўлган ўзининг йўналишлари асосида пайдо бўлади. Ўқитувчи мактабда, ўқувчиларда иродавий чидамлиликни тарбиялашда қуйидаги услублардан фойдаланишни тавсия қиламиз: уйга берилган машқларни талаб қилиш, ўз кучига ишонтириш, тўғри бажарган машқларни баҳолаш, мажбурлаш, мусобоқалашиш, мақташ, айниқса ўсмир ёшдаги болаларга ўз-ўзини рағбатлантириш, қийин машқларни мустақил бажартиришга ўргатиш, ўзига-ўзи таъсир этиш, ўз-ўзини хурсанд қилиш, ўзига-ўзи буйруқ бериш услубларидан фойдаланиш кенг самара кўрситиши билан эътиборга моликдир. Спортчи характерининг ривожланиши унинг фаол спорт фаолияти жараёнида ҳамда спортчининг жисмоний машқ ҳаракатларига боглиқ равишда содир бўлади. Спорт фаолияти жараёнида спортчиларга хос бўлган характер хислатлари нихоятда хилма – хил бўлади ва ҳар бир характер хислати спортчи психикасининг ҳамма томонлари билан боғлиқ бўлади. У спортчининг бутун харакатларида, феъл – атворида такрорланиб туради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. “Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало, ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳам муҳим ислоҳотлардан биридир” “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанига содиқ, қатъий-ҳаётий нуқтаи назарига эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” вазифалари белгиланган.

Жаҳонда спортчилар психологик-эмоционал ҳолатини коррекциялашнинг юзасидан жуда катта ишлар олиб борилмоқда. Эмоционал идентификация ғояси А.В.Петровский томонидан ишлаб чиқилган. А.И.Папкиннинг экспериментида бўлса эмоционал идентификация тадқиқ қилинган. Н.С.Мансуров жамоавий жипсликни таркибини ўрганишга ҳаракат қилган. А.И.Донцов бўлса спорчиларда жипсликни структурасини ишлаб чиққан Р.М.Загайнов командада психологик муҳитни шакллантириш жараёнига таъсир этувчи омилларни табақалаштирган. В.В.Шпалинский стратометрия назариясини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда спорчи психологик эмоционал ҳолатини коррекциялашнинг юзасидан тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган. Лекин спортдаги айрим муаммолар бўйича изланишлар олиб борилган, холос. Жумладан, О.К.Садиковнинг "Юқори малакали футболчиларни машқланиш ва мусобақалашиш жараёнидаги жамоавий техник-тактик ҳаракатларининг ўзаро алоқаси"; Ж.К.Комилов "Босқичма-босқич назорат натижаларига асосланиб юқори малакали футболчиларнинг жисмоний ва техник-тактик тайёргарланишининг индивидуал дастурларини ишлаб чиқиш"; З.Р.Нуримов "Малакали футболчиларнинг гуруҳий тактик ҳаракатларини ривожлантиришнинг самарали воситалари"; И.В.Майпас "Жисмоний ривожланиш босқичидаги ёш футболчиларининг машқланиш юкламаларини дастурлаш"; О.А.Курбонов "Ёш футболчиларнинг бош билан зарба бериш методикасини мукаммаллаштириш"; О.Л.Эрдонов "Мини-футбол бўйича 13-14 ёшли спортчиларни тайёрлов методикасини экспериментал асослаш"; О.Р.Атаев "Малакали футболчиларнинг мусобақалашиш даврининг ўйинлар орасидаги юкламаларини (турли йўналганликка эга) оптималлаштириш"; С.Р.Давлетмуратов "Тайёргарлик даврининг турли босқичларида малакали футболчиларнинг машғулот юкламаларини оптималлаштириш" мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Мазкур муаммонинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамияти юқорилигига қарамай, уни ишланганлик даражаси қониқарли эмас. Тадқиқотлар назарий жиҳатдан етарлича асосланмаган, улар кам миқдорда ва фрагментар тарзда амалга оширилган. Бироқ мамлакатимиз спорт психологияси соҳасида ушбу муаммо юзасидан айтарли тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги масалага алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Шунинг учун спортчиларнинг казусли вазиятларда мослашув йўлларини излаб топиш бугунги кунда етарли бўлиб қолмасдан, эмоционал ҳолатларни бошқариш ва енгиш усулларини ўргатиш ҳам ўта долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз спортида спорчиларнинг эмоционал ҳолатини тадқиқ қилишнинг амалий жиҳатдан долзарблиги шундаки, инсоннинг ўз олдига қўйган мақсади йўлида турган ҳар қандай тўсиқларни, жумладан, ички тўсиқларни (салбий ҳолатлар, қўрқув, ўзига ишонмаслик, чарчаш ва

https://buxdu.uz



бошқалар.) енга олиш кўникмасини шакллантириш ва тарбиялаш зарурати билан боғлиқ. Мазкур тўсиқларни енгиш инсоннинг ўз-ўзини психологик тайёрлаш билан ташқи тўсиқларни (рақибнинг карама-қаршилиги, фаолиятнинг нохуш шароитлари, масалан, ҳакамларнинг нореал баҳоси, спорт атрофидаги муҳит билан ўзаро таъсирнинг ноқулайлиги ва бошқалар.) енгишга жисмоний-психологик йўналганлик асосидаги курашиш жараёнини ўз ичига олади.

Назарий жиҳатдан олиб қараганда, ушбу муаммонинг долзарблиги мазкур муаммони концептуал аппарати ишланмаганлиги, экспериментал маълумотларнинг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, спорт психологияси ва педагогикасида тарбия тизими фақатгина умумий тавсиялар билан чегаралиниб қолганлигини кузатамиз мумкин. Шу боис, тадқиқотлар аслида спортга мослаштирилган таълим муассасаларида олиб борилишини тақозо этмоқда. Жумладан, А.В.Петровский билан В.В.Шпалинскийнинг фикрларича, жамоанинг жипслиги, ундаги шахсларнинг бир-бирига мос келиши, психологик муҳит, жамоа аъзоларининг уни идрок қилиши, жамоада шахсларнинг кайфияти ва ўзини ўзи ҳурмат қилиши, жамоа истиқболи билан уйғунлашган шахснинг келажаги ва омилларга боғлиқ. Шунингдек, А.В.Петровский билан В.В.Шпалинскийнинг асаридаги гуруҳ билан жамоа ўртасидаги фарқлар ва улар шаклланишининг хусусиятлари, тоифаларнинг ўзига хослиги, таърифлари, тузилиши, ҳамкорлиги, унда ҳамкорликнинг вужудга келиши ва ривожланишининг ҳам объектив, ҳам субъектив омиллари атрофлича таҳлил қилинган. АҚШнинг социал-психологик адабиётларида "социал кутилма" ("экспектация" инглизча "expectation" – кутилма деб аталади) атамаси негизида хулқ-атвор усуллари ва мезонларини бажариш жараёнидаги кутилмаси фараз (тасаввур) қилинадики, бунда гуруҳ қатнашчиларида ўзаро социал таъсир қандай ҳукм суриши мумкинлиги ўрнатилади, бундай таърифни Грузия психологи М.Л.Гомелаури ҳам қўллаб-қувватлайди. Хориж социал психологиясида "жипслик" тушунчасини гуруҳнинг ўз аъзоларига таъсир ўтказиш феноменининг имконияти билан боғлашади. Г.Хоманснинг тахминига кўра, мулоқотга киришиш (мулоқотмандлик) частотаси ва миқдори, шунингдек, уларнинг давомийлиги гуруҳнинг ички бирлигини англатиб келмайди. Аксинча, гуруҳ аъзолари ўртасида коммуникация алоқалари миқдорининг сунъий равишда кўпайиши шундай воқеликка олиб келдики, натижада камроқ жипслашган гуруҳлар кўпроқ жипслашиш кўрсаткичига эришадилар; ҳатто алоҳида индивидлар мулоқот кўламининг ортиши билан қадриятга йўналганлик ва унинг мезонлари бўйича бир-бирига аста-секин идентификация бўла борадилар. АҚШ психологлари: Т.Ньюком, Р.Бейлс, Г.Хоманс, М.Аргайл, Д.Морено, Д.Картрайт, Л.Зандер, А.Матейко, Л.Фестингерларнинг фикрлари; шу билан бирга, Собиқ Иттифоқ психологлари: Б.Ф.Поршнев, А.В.Петровский, В.В.Шпалинский, Н.В.Бахарева, В.Г.Иванов, А.С.Леонавичюс, Л.И.Уманский, Н.С.Мансуров, Л.Десев, А.И.Донцов, В.С.Агеев каби олимларнинг спорчилардаги руҳий ҳолатлар бўйича қарашлари ҳам ушбу муаммони ўрганишда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

АҚШда чоп этилган психологик адабиётларда жипслик гуруҳнинг муҳим илмий-психологик тавсифи сифатида баҳолашда ўзига хос контекстда "муроса" (consensus) ва "ёқимлилик" (жозибалилик-attraction) тушунчаларини қўллайдилар. Т.Ньюком гуруҳий жипсликни чуқурроқ таҳлил қилиш ниятида "муроса" терминини фойдаланишга олиб киради, бироқ унинг ўзаро таъсир частотаси билан боғлайди, худди шу фикрлашнинг тор доирасидан ташқарига чиқа олмасдан, жипсликни эмоционал-психологик тавсиф билан уйғунлаштиради, холос. Унингча, коммуникациянинг ҳар қандай шакли ўзининг мазмун-моҳияти билан "муроса" даражасининг ривожланишига дахлдордир. Шунинг учун "муроса" билан "коммуникация" ўртасида шартланганлик мавжуд эканлигига ишора қилиш айни муддаодир. "Муроса"нинг бир туслилиги олдинги коммуникация актининг натижаси ҳисобланиб, келажакнинг детерминантидир. "Муроса" этнопсихологик мезонларни шаклланиш механизми сифатида изоҳловчи гуруҳий тавсифнинг бир тури, миллий расм-русумлар ва хулқ-атворнинг авлоддан авлодга узатувчи усул (восита) тарикасида талқин қилиш ҳолатлари, ҳодисалари ҳукм суришда давом этмоқда. Унинг талқинича, барча психологик ҳолатлар ва ҳодисаларда "муроса" коммуникация ва ўзаро таъсир ўтказишнинг назариялари билан узвий боғлиқликка эга.

Олиб борилган таҳлиллар натижаси бугунги спортчилар эмоционал ҳолати ўзгаришининг олдини олишга йўналтирилган ижтимоий-психологик тренинг дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллашга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг мавжудлигини яна бир тасдиқлади. Чунки муайян мақсадларга қаратилган мазкур дастурни ишлаб чиқиш спорчилар касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларга асосланиб, баён этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда спортчилар эмоционал ҳолатини коррекциялаш бўйича қуйидагилар аниқланди:

https://buxdu.uz



1. Спортчиларни руҳий ҳолатини характерловчи психологик жиҳатлар қаторига психологик-эмоционал ҳолатини қўшиш мумкин. Бу эса, спортчиларни руҳий ҳолатини касбий камолотдаги ролини янада чуқурроқ тушуниш имконини берди.

2. Спортчиларни руҳий ҳолати аниқ мезонли ва тизимли, илмий асосланган тадқиқот методикаси асосида аниқланди. Бу унинг касбий фаолият билан мазмуний боғлиқлигини тушунтириш имконини берди.

3. Спортчилар ўртасида муомала, роллар, мавқе, лидерликка интилиш, ҳамкорликка мойиллик – ҳамиша микромуҳитда ҳукм сурадиган объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклланади. Худди шу боисдан, илиқ микромуҳит, ўзаро ёрдам, ўзаро тушунув манбаи сифатида хизмат қилишга йўналтирилган бўлиши жоиз, чунки шахсларaро муносабатлар тенглик, тенг ҳуқуқлик мезонларини тақозо этади.

4. Тренинг ва махсус машғулотларни ўтказишдан олдин спорчиларнингпсихологик-эмоционал хусусиятларини, имкониятларини, жисмоний ва ақлий салоҳиятини, шаклланган касбий кўникмаларини, муомала маромини текшириш жипслик барқарорлигини оширади, чунки ташхис ўтказмасдан туриб, динамика тўғрисида мулоҳаза юритиб бўлмайди.

**Адабиётлар**


1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами . 2017. (766)-сон
2. Ғозиева З. Социал психологияда жипслик. Монография, ISBN: 978-9943-4199-9-5, Тошкент, “NOSHIR” – 2014. – 115 б.
3. Илин Е.П. Психология спорта. Питер. 2009.
4. Ғозиев.Э. . Умумий психология. – Т. 2010
5. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М., 1996. – 144 с.


**Дилдора КАХАРОВА**
Бухоро давлат университети ўқитувчиси,
Бухоро шаҳар сколиоз билан касалланган
болалар учун ихтисослашган санаторий
туридаги 23-сон мактаб-интернат директори

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Мақолада умумий ўқитиш тизими билан инклюзив таълимни интеграциялаш, ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштиришда муҳим аҳамият эканлиги очиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *инклюзив таълим, ногрионлиги бўлган болалар, интеграция, таълим, педагогик-психологик асос.*

*В статье рассмотрены психологические, педагогические стороны инклюзивного образования учеников нуждающихся специальной помощи, с ограниченной возможностью, доказывается что инклюзивное образование является важнейшем средством развития научных интересов учеников, любви к овладению профессией, воспитанию качеств человеколюбия.*

***Ключевые слова:*** *Инклюзивное образование, диагнози и советы, дети ограниченной возможностью, социальные, политические, педагогико-психологические основы, культурные преобразования, интеграционное образование,*

*This article contains information about the factors of forwarding the impaired learners to professional training, their ability to work and their preferences to study subjects.. The interest of the learners to the subjects, to develop their ability to work, to increase their love to gain a profession are acknowledged as an important means of training them good-willed person through scientific proof of psychological and pedagogical aspects of inclusive education of the children with limited ability who need special care.*

***Key words:*** *needs special care, children wirh limited ability, inclusive education, psychological and pedagogical, profession, a mature and mature person.*

https://buxdu.uz



Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жамият олдига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган таълим тизимини янгилаш ва ёш авлодни замон талабларига жавоб бера оладиган баркамол инсон этиб тарбиялаш, улар онгига мустақиллик ғояларини сингдиришдек муҳим вазифаларни қўймоқда. Ҳозирги кунда мамлакатда ногиронликнинг олдини олиш ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг яшаш, ўқиш, меҳнат қилиш ва дам олишлари учун қонуний асос яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги Ф-5006-сон фармони ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган. Таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия томонидан ногиронликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга ўргатиш ва ишга жойлаштириш соҳасидаги ишларнинг аҳволи ҳамда "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги 2017 йил 1 декабрдаги фармонида тасдиқланган[1].

Бу таълим амалиёти ва ўқитиш хизматларини ташкиллаштиришни, уларга фундаментал, аниқ ўзгаришлар киритишни талаб этади. 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПҚ-4947-сон Қарори [2] ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, уларни назарий ҳамда амалий асослаш, бу жараённи методик қўлланмалар билан таъминлаш педагогика ва махсус педагогика фанлари зиммасига тушади.

Испания давлатининг Саламанка шаҳрида 1994 йил 7 - 10 июнда 92 давлат ва 25 та халқаро ташкилот вакиллари иштирокида бўлиб ўтган умумжаҳон конференциясида махсус таълимга муҳтожлиги бўлган болалар, ёшлар ва катталарга оддий таълим тизими доирасида таълим бериш зарур эканлигини тан олган ҳолда махсус таълимнинг тамойиллари, ислоҳотлари бўйича "Саламанка баёноти" қабул қилинди. Баёнотда ҳаммага: "Биз барча давлатларни чорлаймиз ва мурожаат қиламиз: инклюзив таълим тамойилини қонун ёки ислоҳот деб қабул қилинг..." [5] деб даъват қилинган ва қуйидаги алоҳида талаблар ишлаб чиқилган:

- махсус ёрдамга муҳтожлиги бўлган ҳар бир боланинг эҳтиёжига мос равишда таълим олиш имконияти бўлиши;
- ногиронлиги бўлган бола ҳам такрорланмас хислатлар, қизиқишлар, иқтидор соҳиби сифатида билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги;
- ўқитиш тизими барча болалар имкониятига мос, эгилувчан тарзда ташкил этилиши, дастурлар эса ҳар бир боланинг эҳтиёжи ва имконияти даражасида бўлиши;
- алоҳида эҳтиёжи бўлган болаларга ҳам умумтаълим мактабларида таълим олиш имконияти берилиши ва уларнинг имкониятлари, эҳтиёжларига монанд шарт-шароитлар яратилиши, махсус педагогика қўлланилиши зарурлиги таъкидланган[5].

Дастурнинг бош мақсади давлатлар, халқаро ташкилотлар, миллий ёрдам уюшмалари, нодавлат ташкилотлар ва бошқа бўлимларни махсус эҳтиёжлар таълими амалиёти, ислоҳоти ва тамойиллари бўйича Саламанка баёнотини ҳаётга татбиқ этишнинг ислоҳотлари ва фаолияти билан таништиришдир. Дастурда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, конференцияда қатнашаётган давлатлар тажрибалари ва бошқа давлат ташкилотларида чоп этилган қўлёзмалар, маслаҳатлар, турли масалаларнинг ечими, айниқса, ногирон шахслар имкониятларини барқарорлаштириш бўйича стандарт қоидалар асосида фаолият юритиш назарда тутилган. Ҳар бир боланинг таълим олиш ҳуқуқи бутунжаҳон "Инсон ҳуқуқлари" Конвенцияси [3] да қабул қилинган ва бутунжаҳон "Таълим барча учун" декларациясида алоҳида қайд этилган [5]. Кўринадики, ҳар бир ногирон шахс ўз хоҳиши бўйича, исталган йўналида таълим олиш ҳуқуқига эга. Ота-оналар эса болаларининг хоҳиши, ҳолати, эҳтиёжларига мос келувчи таълим шаклини танлаш бўйича маслаҳатлар олиш ҳуқуқига эгадирлар.

**«Инклюзив таълим»** тушунчаси адабиётларда турлича талқин қилинади: «Инклюзив таълим – инглизча (inclusive, inclusion) сўздан олинган бўлиб уйғунлашмоқ, уйғунлаштирилган, ўзига тортувчи, қамраб олувчи маъноларини англатади [14]. Лотинчада эса (include) қамраб оламан, жалб қиламан маъносини, яъни ногиронлиги бўлган ва оддий болалар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этишни назарда тутади. Инклюзив таълим барча мамлакатларда давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан биридир. Дарҳақиқат, алоҳида эътиборга муҳтож бўлган, вояга етаётган ўсмирлар ривожланишида учрайдиган нуқсонлар ёки иқтисодий қийинчиликлардан қатъий назар ижтимоий ҳаётга мослаштиришга йўналтирилган ўқув жараёнига жалб қилишни ифодаловчи таълим тизимидир ва ҳ.к.

https://buxdu.uz



**Инклюзив таълим** – ногиронлиги ёки бошқа сабаблар туфайли алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар, тарбияси оғир, етим болалар учун мослашувчан, индивидуаллашган ва барча болаларга тенг хуқуқ ва имкониятлар тенглигини берадиган таълим тизимидир.

Шунингдек, инклюзив таълим миллати, ирқи, танасининг ранги, ижтимоий келиб чиқиши, моддий ва маънавий аҳволи, оиласининг жамиятда тутган ўрни, жисмоний ёки ривожланишда камчилиги бўлишидан қатъи назар барча болаларни тенг кўриш, улардаги ҳар қандай имкониятни қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган таълимдир [5].

Олиб борилган изланишлар асосида, юқоридаги таърифларни такомиллаштирган ҳолда «инклюзив таълим» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин**: Инклюзив таълим** – бу узлуксиз ўқитиш тизимида алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар ва ёшларга меҳрибонлик билан, тизимли ёндашадиган, индивидуаллашган, шароитга қараб ўзгарувчан, махсус ўқув дастурлари, материаллари, воситалари ва методлари ёрдамида таълим-тарбиянинг педагогик-психологик жиҳатларини замонавий талабларга мос олиб бориладиган жараёндир.

Инклюзив ўқитиш билан интеграллашган умумий ўрта таълим мактабларида алоҳида эътиборга муҳтожлиги бўлган болаларнинг билим олиш билан боғлиқ ҳуқуқлари ҳимояланади. Ўқувчилари турлича бўлган, уларнинг барчаларига ҳар бирлари учун ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга тенг шароит яратилган мактаблар **инклюзив мактаб** деб номланади.

Инклюзив таълимнинг **мақсади** алоҳида ёрдамга муҳтожлиги бўлган болаларнинг соғлом тенгдошлари билан тенг шароитларда ўқиши, улар билан ўзаро дўстона муносабатда бўлиши ҳамда жамиятга ижтимоий мослашувини енгиллаштириш, уларниг таълим олишлари учун зарурий педагогик-психологик ва коррекцион шароитларни яратишдан иборатдир.

Инклюзив таълимнинг ўзига хос бир қанча **вазифалар**и мавжуд:

- оила, маҳалла ҳамда таълим муассасалари ўртасида интеграцион ишларни ривожлантириш;
- соғлом турмуш тарзига амал қилган ҳолда баркамол авлодни тарбиялаш;
- умумий таълим ва махсус таълим ўртасидаги тўсиқларни камайтириш;
- чекка ҳудудлардаги таълимга жалб қилинмаган ногиронлиги бўлган болалар учун педагогик коррекцион ишларни такомиллаштириш;
- ногиронлиги бўлган болаларни таълимдан кейинги ҳаётида жамиятга ижтимоийлашувини интеграциялаш;
- ногирон болаларни ташхислашда замонавий инновацион методлар ва воситалардан фойдаланиш.

Инклюзив таълим жараёни ўзига хос мураккабликларига эга бўлиб, шу соҳада ишлайдиган мутасаддилар, ўқитувчилар зиммасига жиддий масъулият юкланади. Бундай таълимда синф раҳбари, фан ўқитувчилари, тарбиячилар, касбий маҳорат усталари сифатида ёрдам кўрсатиш орқали ўзларининг профессионал вазифаларини бажарадилар. Айниқса, оддий болалар билан алоҳида эҳтиёжга муҳтожлиги бўлган болалар орасида тафовут сезилганда, яъни ногиронлиги бўлган боланинг тенгдошларига қўшилмай, тортинчоқлик қилиб ўз имкониятларидан фойдалана олмаслиги сабабли уялган ёки инжиқ бўлиб қолган ҳолатларида устозларнинг оқилона тутуми катта аҳамият касб этади.

Инклюзив таълимни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси асосий меъёрий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Конститутциянинг 45-моддасида вояга етмаганлар ва ногиронлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги акс этган бўлса, барча болаларнинг қонун олдида тенглиги унинг 65-моддасида белгилаб қўйилган [1]. ЎзР хукуматининг 2008 йилда қабул қилинган “Болалар ҳуқуқлари кафолатлари” тўғрисидаги Қонуни ногиронлиги бўлган болалар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлайди. Ногирон болаларга оид қонунчиликдаги охирги ўзгаришлар ЎзР хукуматининг “Ўзбекистонда ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси ҳақида”ги Қонунида ўз аксини топди[16]. ЎзРБМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини ратификация қилган ва БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги” Конвенциясини ратификация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширмоқда [6]. Шунингдек, ЮНЕСКО томонидан 2005 йил инклюзив таълим бўйича чоп этилган “Барчага таълим олишни таъминлаш” номли қўлланмада шундай таъриф берилган: “Инклюзия бу ўқувчиларнинг (айниқса, алоҳида эътиборга муҳтож ўқувчиларни) турли хил эҳтиёжларини қондириш, уларни таълим, маданият соҳаларида ва жамиятда бўлиб ўтаётган жараёнларга кенг жалб қилиш ва таълим олиш йўлида бўлган қийинчиликларни енгиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдир” [7]. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида кичик нуқсони бўлган болаларни оддий мактабгача таълим муассасага ёки мактабга жойлаштириш инклюзив таълимни интеграциялаш жараёнининг дастлабки босқичидир.

https://buxdu.uz



**Интергрaциялаш** (integrative) тушунчаси жамловчи, мужассамловчи, (integrate) – жамлаш, қўшиш маъноларини англатади. Ақлий ва жисмоний ривожланишларида муаммоси бўлган болаларнинг соғлом тенгқурлари жамоасида биргаликда таълим олишини таъминлаш жараёнини бир сўз – **интеграциялаш** билан ёки **интеграцион таълим**и бораси орқали ифодалаш мумкин. Интеграцион таълимда имконияти чекланган болаларнинг муаммоси аниқланади ҳамда педагоглар томонидан оддий синф шароитида уларнинг ўқитилиши, тарбияланиши йўллари ва воситалари, технологиялари назарда тутилади. «Интеграциялашган» тушунчаси – мужассам, ажратиб бўлмайдиган қисм деган маънони билдиради [10].

Ҳар бир бола таълимга жалб этилиши лозим. Интеграциялашган таълимда барча тенг ҳуқуққа эга ва бу яхлит жамиятдир. Инклюзив таълим туфайли бундай ўқитиш тизими интеграциялашган жамиятга айланади. Махсус эҳтиёжга муҳтож бўлган болалар таълими барча учун умумий ва фойдали бўлган самарали педагогик тамойилларни ҳам тарғиб этади. Инсонларнинг турфа имкониятларга эга бўлиши нормал, табиий ҳолат деб қабул қилинган шароитда ўрганиш жараёни босқичларидан келиб чиқиб болани мазкур жараён талабларига эмас, балки бу жараён боланинг жисмоний талабларига мослаштирилиши керак. Шундан келиб чиқиб интеграция жараёнини қуйидагича таснифлаш мумкин:

– жисмоний интеграция – имкониятларида алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ва соғлом бола орасидаги тафовут иложи борича камайтирилиши назарда тутилади;

– функционал интеграция – алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ва соғлом бола орасидаги функционал тафовут имкон қадар бартараф этилиши диққат марказида бўлади. Бунинг учун алоҳида эътиборга муҳтож болаларни мусиқа, санъат, драмматик тўгараклар ва спорт машғулотларига жалб этиш англашилади;

– ижтимоий интеграция – ижтимоий тафовутни камайтиришга, ногиронлиги бўлган ва меъёрда ривожланган болаларни ўзаро дўстлашишга, бир-бирига ҳурмат билан қарашга ундалади. Меъёрда ривожланган болаларни мурувватли бўлишга ўргатади. Жамият аъзолари ногирон кишиларга тўғри муносабатда бўлиши керак.

Инклюзив таълимда “интеграция” сўзи кўп талқин этилганини эътиборга олиб Г. М. Каждаспаров “Педагогический словарь” луғатида: “Жамоада, гуруҳларда инсонпарварлик муносабатларини амалга ошириш, жамоалар, инсонлараро ижобий жамоатчилик муҳитининг яратилиши билан вазиятни интеграция тарзида амалиётга татбиқ этиш мумкин” деган фикрни таъкидланган [12].

Инклюзив таълим ногиронлиги бўлган ўқувчиларнинг яшаш жойларига яқин бўлган умумтаълим мактабларининг оддий синфларида амалга оширилади. Оддий синфлардаги ўқитиш жараёнини ногиронлиги бўлган ўқувчилар учун зарурий муҳитни яратиш, таълим олишда қўшимча ёрдам ва хизматларни ташкил этиш, уларнинг ижтимоий, жисмоний ҳамда ички эҳтиёжлари талабларига жавоб берадиган тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Таниқли психолог Л. С. Виготский ҳам муҳит ва шахснинг уйғунлиги тўғрисида: “Ижтимоий муҳит соғлиғи, имкониятлари чекланган болалар учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир, – деб таъкидлаган. – Дарахтнинг ингичкагина илдизлари ўзини озиқлантирувчи тупроқнинг қатламлари ва шаклига мос келмайди. Улар ўз-ўзича тупроқнинг озиқа берувчи қатламларига етиб боролмай, қуруқ ва заҳарли қатламга кириб қолади. Бундай ўсимлик мувофиқ шароитларда гуллаши мумкин эди, бироқ одатдаги шароитда тараққиётнинг чўққисига етмасдан, бужмайиб сўлиб қолади” [13], – дея ногирон болаларнинг ривожланишини илдизи ёмон томир отган ўсимликка ўхшатган. Бинобарин, «тупроқ», яъни инклюзив таълим-тарбия тизими ҳар бир миллат ва элатга хос бўлган хусусий томонлар, миллий анъаналар, урф-одатлар, давлатнинг таълим тизими олдига қўйиган мақсад ва вазифалар ҳамда тарбияланувчиларнинг руҳий, жисмоний ривожланишидаги жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Инклюзив ўқитишни мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ривожланишида ногиронлиги бўлган болаларнинг атрофдагилар билан мулоқотда бўлишига, ижтимоий муҳит талабларига жавоб бера оладиган ва шу билан бирга, кундалик-маиший эҳтиёжини қондириш кўникмаларини эрта эгаллашларига, ҳаётга мослашиб, умумтаълим мактабларида тенгдошлари қатори дарсларни ўз вақтида ўзлаштиришига, топшириқларга масъулият билан ёндашиш кўникмасини эгаллашларига кўмаклашади. Инклюзив таълимни нафақат соғлом ва ногиронлиги бўлган болалар ўртасида, балки соғлом турмуш тарзи мавжуд бўлган оиладаги болалар ўртасида, мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, касб-ҳунар коллежларида, фанларни ўзлаштириш даражаси турлича бўлган ўқувчилар орасида ҳам жорий этиш мумкин. Масалан, битта синфда аъло баҳоларга ўқийдиган, иқтидорли болаларга фанлардан ўзлаштириши

https://buxdu.uz



паст бўлган болаларни бирикитиб қўйиш, бир партада ёнма-ён ўтирғизиб, унинг иқтидорини, ютуқларини жалб қилган ҳолда ўқувчининг ўзлаштириш самарадорлигини ошириш ҳам инклюзив таълимнинг бир кўринишидир. Яъни яхши ўқийдиган боланинг ёнига ўзлаштириши суст болани қўйиб, унинг ўзлаштириш кўрсаткичини маълум даражада яхшилаш мумкин. Намунали ўқийдиган ўқувчи қолоқ ўқувчини ўзининг ижобий таъсир доирасига олиши, яхши хусусиятлари билан уни ўзига жалб этиши мумкин. Касб-ҳунар коллежларида ҳам фанлар билан бир қаторда касбий маҳорати яхши бўлган иқтидорли ўқувчидан фойдаланиб касбни эгаллаши ёки касбий ўзлаштириши сустроқ ўқувчининг касбий маҳоратини ошириш, таълим самарадорлигини кўтариш мумкин.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.–Т.: "Ўзбекистон", 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 3-сон, 79-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 3-сон, 79-модда
4. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. – Т.: "Ўзбекистон", 2008.
5. UNESCO: Жамиятга ва махсус таълимга мухтожларга қаратилган Дастур. –Т.: "Ўзбекистон", 1994. – 94-б.
6. UNISEF: Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция. –Т.: "Ўзбекистон", 2005.
7. UNESCO: Барчага таълим олишни таъминлаш. –Т.: "Ўзбекистон", 2009.68-б.
8. UNESCO: The edication of children end young health with Disabilities Parish. Principies fun the review of practiced. – Paris, 1992. P. 9; БрюноЖ. и др. Одаренные дети: психоло-педагогические исследования и практика. //Психологический журнал. – 1995 №4. – С. 74.
9. Раджапова А. Р. Педагогик мулоқотни оптималлаштиришнинг коммуникатив усуллари. //Халқ таълими. – 2011 №6. –104-бет.
10. Дьюи Дж. От ребенка – к миру, от мира – к ребенку. – М.: Карапуз, 2009. –С. 122.;
11. Жўраев Т. С. Ўсмир ўқувчилар ақлий ривожланишининг психологик хусусиятлари: Псих. фан. номзоди ...дисс. – Т., 2005. – С. 139.
12. Каждаспаров Г. М., Каждаспаров А. Г. Педагогический словарь. – М.: Просвещение, 1998. – С. 49.
13. Выготский Л. С. Педагогическая психология. – М.: АСТ, 2005. – С. 6
14. https://en.wikipedia.org/wiki/Inclusion_(education)
15. http:// inclusionbc.org
16. http://lex.uz/docs/3436192


**Гулноз ҚУРБОНОВА**
Бухоро давлат тиббиёт институти
педагогика, психология ва тиллар
кафедраси мудири, педагогика
фанлари номзоди, доцент

# ТАЛАБАЛАРДА КАСБИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

*Мақолада таълим жараёнида бўлажак мутахассисларнинг касбий тафаккурини педагогик-психологик тамойиллар асосида ривожлантириш масалалари ўрганилган бўлиб, бу жараёнда тафаккур маданияти ҳамда педагогик мулоқотнинг аҳамияти кўрсатилиб, эмперик тадқиқотнинг назарий асослари, методик тамойиллари ва натижалари мазмуни ёритилган. Тадқиқот давомида тиббий педагогика таълим йўналиши талабалари касбий тафаккурининг педагогик-психологик ўзига хос жиҳатлари аниқланди. Бу жараённи ривожлантирувчи муаллифлик дастуримиз эса бўлажак мутахассислар касбий тафаккурининг ривожланишига муҳим амалий туртки бўлиб хизмат қилади.*

https://buxdu.uz



**Калит сўзлар:** *тафаккур, касб, мулоқот, бўлажак ўқитувчи, ривожланиш, тарбия, маданият, механизм, мотив, лаёқат, хусусият, мезон, натижа.*

*В статье исследуются вопросы развития профессионального мышления будущих специалистов в образовательном процессе на основе педагогико-психологических принципов, указывается культура мышления и значимость педагогического общения в этом процессе, освещается содержание теоретических основ, методологических принципов и результатов эмпирического исследования. В ходе исследования были определены педагогические и психологические особенности профессионального мышления студентов медико-педагогического направления образования. И наша авторская программа, развивающая этот процесс, служит важным практическим стимулом для развития профессионального мышления будущих специалистов.*

**Ключевые слова:** *мышление, профессия, общение, будущий учитель, развитие, образование, культура, учебный план, мотивация, заслуга, признак, критерий, результат.*

*The article presents the development of professional thinking of future specialists in the educational process based on pedagogical and psychological principles, indicates the culture of thinking and the importance of pedagogical communication in this process, highlights the content of theoretical foundations, methodological principles and results of empirical research. In the course of the research, pedagogical and psychological features of professional thinking of students of the medical and pedagogical direction of education were determined. And our author's program, which develops this process, serves as an important practical incentive for the development of professional thinking of future specialists.*

***Key words:*** *thinking, profession, communication, future teacher, development, education, culture, curriculum, motivation, merit, attribute, criterion, result.*

**Кириш.** Олий таълим муассасалари замонавий талабалари касбий тафаккурини ривожлантириш муаммосининг долзарблиги шундаки, бўлажак ўқитувчининг тафаккури мураккаб ички психологик фаолият сифатида унинг келажакдаги касбий етуклигини белгилайдиган мезон бўлиб хизмат қилиши лозим. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодийислоҳотлар ва ўзгаришлар даврида алоҳида эътибор бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашга қаратилиб, ўз навбатида улар ўқувчи ёшлар шахсини шакллантириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга масъул ҳисобланадилар.

**Тафаккурни ўрганишнинг назарий-методологик асослари.**

Тафаккур-инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли, объектив воқеъликнинг онгда акс этиш жараёни ҳисобланиб, қадим замонлардан бошлаб, доимий равишда фалсафий, педагогик, психологик, физиологик тадқиқотлар илмий қизиқишлари доирасида асосий объектлардан бири сифатида ўрганилиб келинган.

Антик давр файласуфлари Арасту, Демокрит, Суқрот, Эпикур тафаккурни руҳият ҳамда таассуротлар бирлиги сифатида эътироф этган ҳолда, тафаккур қонуниятлари, шаклларини биринчилардан бўлиб таснифлаганлар. Янги давр файласуфлари Дж. Локк, Ф.Бэкон, К.Гальвеций, Д. Юмлар эса тафаккурнинг намоён бўлишини: ҳис этиш, идрок этиш, тасаввур қилиш ҳамда рефлексия сифатида белгиладилар.

Классик немис фалсафасида (Э. Кант, И. Фихте, Ф. Шеллинг, Г. Гегель) тафаккур субъектнинг мустақиллиги рамзи сифатида намоён бўлади. XVIII аср немис файласуфлари тафаккурнинг меҳнат фаолияти ҳамда ижтимоий амалиёт натижасида юзага келадиган ўзига хос шакллари сифатида намоён бўлишига эътиборларини қаратдилар.

Шуни қайд этиш лозимки, фалсафий тадқиқотлар йўналишида тафаккур, аввaламбор, инсоннинг билиш имкониятларини рўёбга чиқарувчи ижтимоий-тарихий жараён сифатида юзага келади.

Ю.Корнилов[4] касбий тафаккурни касбий фаолият жараёнида касбий вазифаларни ечишдаги инсон тафаккурининг намоён бўлиши деб ҳисобласа, Д.Кавтарадзе амалий касбий вазифаларни ҳал этишда иқтидор кўникмаларни ҳосил қиладиган компетент тафаккур деб белгилайди. О.Тихомиров касбий тафаккурни касбий ижодий топшириқларни ечишга қаратилган турли-туман эвристик усулларни ўзида мужассамлаштиради, Ю.Кулюткин эса ижодий характерга эга тафаккурнинг юксак даражадаги касбий ривожланиши жараёни деб таъриф берадилар. М.Кашапов фикрича касбий тафаккур бу касбий фаолиятда юзага келадиган қийинчиликларни топиш, ўрганиш, бартараф этишнинг юқори даражадаги билиш жараёнидир. Кўриниб турибдики, адабиётлар таҳлили натижаси “касбий тафаккур” тушунчасининг турли хил талқин этилиши унинг тузилиши ва таркибий қисмлари бўйича бир хил аниқ фикр мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

https://buxdu.uz


Касбий тафаккурни ривожлантириш инсон касбий етуклик жараёнининг муҳим таркибий қисми сифатида унинг муваффақиятли касбий фаолият олиб боришига имкон беради. Касбий тафаккурни ривожлантиришда асосий ўринни олий таълим муассасаларидаги таълим-тарбия олиш жараёни эгаллаб, бу жараёнда бўлажак мутахассиснинг касбий етукликка эришиш йўлига муҳим пойдевор қўйилади.

Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тафаккурини мақсадли йўналтирилган ҳолда ривожлантиришнинг баъзи жиҳатлари Л.Жалилова, Е.Осипова, Н.Степанова, Б.Ломов[6], Н.Кузмин[5]ларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Мазкур тадқиқотчилар бўлажак ўқитувчилар касбий тафаккурини ривожлантиришни тафаккурнинг мантиқий маданиятини ривожлантириш, аниқ педагогик вазиятларда педагогик ҳамда психологик назариялар, категориялар, тамойиллар ва қонуниятларни қўллаш кўникмаларини эгаллаш, педагогик интуицияни ривожлантириш, диалектик тафаккур асосларини ва илмий тафаккур методларини эгаллаш, касбий рефлекция қобилиятларини эгаллаш, ўқувчилар билан самарали мулоқот кўникмаларини эгаллаш ҳамда тор мутахассислиги дорасидаги илмий тафаккур кўникмаларни ҳосил қилиш билан боғлиқ ҳолда ўрганганликлари диққатга сазовордир.

Шундай қилиб, “касбий тафаккур” тушунчаси фанда умумий қабул қилинган аниқ таърифга эга бўлмасдан, у ёки бу касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида мутахассиснинг етуклик даражасини белгиловчи тафаккур шакли сифатида намоён бўлади.

Республикамизда ўқитувчилик касбининг ўзига хос этнопсихологик фазилатлари, хислатлари, қобилиятлари иш услублари маҳоратга эришишнинг йўллари, шахслараро мулоқот маромлари юзасидан ҳар хил даврларда бир мунча илмий изланишлар олиб борилган.

Касбий тафаккур жараёнида инсонда ўз мутахассислиги, касби тўғрисида фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз кабилар вужудга келади ва улар шахснинг онгида тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар шаклида ифодаланади. Ижтимоий ҳаётда, таълим жараёнида инсонлар ўртасидаги алоқа, мулоқот ва мунособатлар ҳам тафаккур ёрдамида намоён бўлади[10].

Ўз навбатида бўлажак ўқитувчининг касбий тафаккур маданиятини шакллантириш учун муайян дидактик механизмлар, педагогик жараённи тизимли ташкил этиш ҳамда махсус педагогик таъсир ва самарали бошқарув зарур бўлади.

Касбий таълим жараёнида касбий тафаккур маданиятини шакллантиришнинг дидактик механизмларни аниқлашнинг назарий асоси сифатида касбий тафаккур маданиятининг тузилиши ва хусусиятлари намоён бўлади.

Касбий тафаккур маданиятини мақсадли шакллантириш таълим жараёнида фикрлаш жараёнини ташкил этишнинг натижаси ҳисобланиб, бизни тиббиёт олий ўқув юрти талабаларида касбий тафаккур маданиятини шакллантириш моделини ишлаб чиқишга даъват этди.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, касбий тафаккур маданиятини шакллантириш жараёни ўқитувчи ва талаба ўртасидаги фаолиятни ташкил этишнинг ўқув жараёнини мотивацион таъминлаш принципи, педагогик жараённинг инсонпарвар йўналганлик принципи, ҳаёт билан амалиётнинг боғлиқлик принципи, педагогнинг шахсий маданияти ҳамда касбий фаолияти уйғунлиги принципи, касбий йўналганлик принципларига асосланиши лозим.

Ўқув жараёнини мотивацион таъминлаш принципи талабаларда касбий вазифаларнинг ечимини топишни англашга қаратилган мақсадли мотивацияни шакллантиришни назарда тутади.

Педагогик жараённинг инсонпарвар йўналганлик принципи бўлажак ўқитувчиларда жамият ва шахс мақсадларининг уйғунлиги, замонавий дунёда инсоний қадриятларнинг аҳамиятини тушуниш даражасининг шаклланганлик ҳолатини ифодалайди.

Касбий тафаккур маданиятини шакллантиришнинг ҳаёт билан амалиётнинг боғлиқлик принципи бўлажак ўқитувчиларда таълим жараёнини модернизациялаш шароитида ундаги ўзгаришларни тушуниш ва иштирок этиш жараёни мазмунини ифодалайди.

Педагогнинг шахсий маданияти ҳамда касбий фаолияти уйғунлиги принципи ўқитувчи педагогик фаолиятининг юксак профессионализм асосида унинг шахсий маданияти орасидаги муносабат тизимини англатади.

Бунда бўлажак ўқитувчининг касбий сифатлари сифатида: педагогик йўналганлик, педагогик тафаккур, педагогик рефлекция ҳамда педагогик назокатининг педагогнинг шахсий маданият сифатлари: тарбияланганлик, фуқаролик, инсонпарварлик, юксак ахлоқ, хайрихоҳлик, самимийлик сифатлари билан уйғунлиги асосида педагогик тафаккур маданиятини шакллантириш назарда тутилади.

Касбий йўналганлик принципи бўлажак ўқитувчининг педагогик фаолият мазмунига қизиқиши, уни амалга оширишга шахсий мотивациясини шакллантиришга қаратилган бўлади.

https://buxdu.uz



Шу ўринда юқоридаги принципларни амалга оширишда педагог, мутахассис ҳамда бўлажак ўқитувчилар орасидаги педагогик мулоқот ҳам алоҳида аҳамият касб этишини қайд этишимиз лозим.

Мулоқот – мулоқот субъектларининг ўзаро таъсир жараёни бўлиб, бу таъсир давомида ахборот алмашинади, муносабат ўрнатилади, ривожлантирилади. Мулоқот воситасида ҳамкорликдаги фаолият ташкил этилади ва амалга оширилади. Айни вақтда фаолият давомида инсонлар ўртасида янги-янги муносабатлар ва алоқалар шаклланади. Демак, мулоқот ва фаолият ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Мулоқотнинг тарбияловчи имкониятларини рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан ўқитувчининг шахсий сифатлари билан белгиланишини айтиб ўтиш керак. Педагогик мулоқотнинг тўғри танланган, педагогнинг бетакрор индивидуаллигига мувофиқ келувчи услуби қуйидаги вазифалар мажмуини ҳал қилишга ёрдам беради:

биринчидан, педагогик таъсир кўрсатиш педагог шахси билан айни бир нарса бўлиб қолади, аудитория билан мулоқотда бўлиш жараёнининг ўзи соддалашади, у педагогнинг ўзи учун ёқимли, узвий бўлиб қолади;

иккинчидан, талабалар билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш жараёни анча енгиллашади;

учинчидан, педагогик мулоқотнинг барча энг муҳим вазифаларининг самарадорлиги ортади, шу билан бирга уларнинг ҳаммаси мулоқотнинг барча босқичларида педагогнинг ҳиссий хотиржамлигининг ижобий негизида рўй беради.

Талабаларда мулоқотларнинг индивидуал услубини шакллантириш методикаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Талабалар мулоқоти индивидуал услубининг хақиқий шахсий хусусиятларини ўрганиш ва уларни талабаларнинг англаб етиши. Талабаларнинг мустақил таҳлил қилиши ўзаро ҳар томонлама тавсифномалари, ўқитувчиларнинг кузатишлари асосида амалга ошади. Талабалар шу мақсадда «Мен бошқа кишилар билан мулоқотда қандайман?» мавзусида эссе ёзадилар, бир-бирларига шунга ўхшаш мазмунда тавсифнома тайёрлайдилар ва ҳоказо.

2. Шахсий мулоқотдаги камчиликларни аниқлаш ва уларни барҳам топтириш юзасидан қилинадиган ишлар: уятчанликни, тортинчоқликни, мулоқот услубидаги салбий ҳолатларни енгиш.

3. Педагог учун мулоқотнинг ҳиссий жиҳатдан қулай бўлган услубини ишлаб чиқишга доир топшириқлар ва уларни ўз-ўзини кузатиш маълумотлари билан таққослаш.

4. Мулоқотда ўз индивидуал услуби асосида педагогик мулоқот таркибий қисмларини эгаллаш (махсус машғулотларда) соҳасидаги ишлар.

5. Ўз мулоқот услубига мувофиқ равишда педагогик мулоқотдан иборат яхлит ҳодисани билиб олиш борасидаги ишлар ва мулоқот услубига аниқликлар киритиш (махсус машғулотларда).

6. Ҳақиқий педагогик фаолият индивидуал услуб асосида талабалар билан мулоқот қилиш, бу услубни мустаҳкамлаш (педагогик амалиёт ва стажировка жараёнида).

Тиббиёт коллежларида ишни энди бошлаётган ўқитувчилар индивидуал мулоқот услубини шакллантириш устида мунтазам иш олиб боришлари зарур.

Тарбиявий жараённи ташкил этишда педагогик мулоқотнинг жиҳатлари муҳим рол ўйнайди, улар педагог билан талабаларнинг бевосита ўзаро ҳаракати билан боғлиқдир. Бу ўринда бир неча босқичлар ажратиб кўрсатилади.

Биринчи босқич – бу тарбиячининг тарбиявий жараён вазиятидан хабардорлигидир, бу жараён ўзига педагогнинг хотирасида гуруҳ билан мулоқотнинг олдинги хусусиятларини тиклашни, мулоқот вазиятини қайд этишни, уни ўзаро ҳаракатнинг олдинги вазияти билан, бу ҳаракатнинг илгари режалаштирилган андазаси билан тезда қиёслаб чиқишни, ўз мулоқот услубига аниқлик киритишни қамраб олади. Шуни назарда тутиш керакки, бу босқич жуда тез кечади ва худди шу босқичда зарур сўз, оҳанг, хулқ-атвор вужудга келиши лозим.

Иккинчи босқич – педагогик мулоқотнинг самарали жараёни учун унинг шарт-шароитларини билиб олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Талабалар билан ўзаро ҳаракатнинг бошланиши ўзаро фикр алмашишга доир яна бир муҳим вазифани ҳал қилиш билан мулоқот объектининг диққатини ўзига жалб қилиш билан боғлиқдир. Мулоқот объектининг, яъни талабанинг диққатини ўзига жалб қилиш деганда нимани англаш керак? Бунинг маъноси бўлажак ўзаро ҳаракатга, таълимнинг режалаштирилган усулларига, ташкилий шаклларига ижтимоий-психологик негизни асос қилиб олиш, дарсни ўтказиш учун зарур бўладиган талабалар диққатини жалб қилишдир. Кўпинча ёш педагоглар, талабалар ҳар доим ўқитувчига ўз диққатларини қаратишлари лозим деб ҳисоблайдилар ва ўзаро фикр алмашишга доир бу муҳим вазифаларни собит қадамлик билан ҳал қилмайдилар.

https://buxdu.uz



Бўлажак тиббиёт муассасалари ўқитувчилари қуйидаги хусусиятлари билан кескин даражада ажралиб туриши лозим ва бу хусусиятлар улар касбий тафаккурининг асосий мезонларини белгилайди:

- мустақил республикамизнинг талаблари ва эҳтиёжларига мос тушувчи юксак маънавият даражасидаги қарашлар, кучли ва барқарор эътиқод, буюк давлатимиз идеаллари, миллий ғоя ва истиқлол мафкурасига содиқлик, ватанпарварлик, фидоийлик туйғулари шаклланганлиги, жамоавийлик ҳиссини мукаммал акс эттирувчи, ижтимоий-сиёсий фаол шахс эканлиги;
- болаларга, ўқувчиларга, ҳаттоки жамиятимизнинг барча аъзоларига ҳам оташ, ҳам самимий меҳр – муҳаббат, уларнинг ҳар қандай эҳтиёжлари, қизиқишлари, ҳатти-ҳаракатлари мотивлари, хулқ-атворларини тушуниш кўникмаси, малакаси ва уқувининг мавжудлиги;
- жамият ҳодисалари, ҳолатлари, табиат ва воқеликлари, борлиққа, шахслараро, гуруҳлараро, миллатлараро муносабатларига нисбатан педагогик кузатувчанлик, яъни перцептив (идрокка нисбатан сезгирлик) қобилиятга эгалиги;
- ҳаёт ва фаолиятнинг у ёки бу жабҳаларида одамларнинг ҳатти-ҳаракатлари, муносабатлари хусусиятларини оқилона тушуниш уларни идентификацияга, рефлексияга йўллашга қобиллиги;
- фавқулотдаги вазиятларда, ўзгарувчан шарт – шароитларда омилкорлик билан мўлжал олиш, мақсад қўйиш, режа тузиш, бевосита назорат қилиш, бошқариш ва ўз-ўзини намоён этишга қобилиятлилиги;
- педагогик фаолиятда, жамоатчилик тизимида муваққат гуруҳий муносабатларда оммавий ҳаракатларда ташкилотчилик ва бошқарувчанлик қобилиятини эгалланганлиги;
- умумий қизиқиши кўламининг кенглиги, билишга оид қизиқишларнинг серқирралиги, илмий изланишларга лаёқатлилиги, муайян салоҳият, маҳорат даражаларига эришганлиги;
- мулоқот мароми, нутқ маданияти, мантиқан ихчам, маъноси кучли, таъсирчан фикр узатиш, таъсир ўтказиш уқуви билан қуролланганлиги;

Фикримизча, замонавий ўқитувчи мулоқот давомида тўғри, омилкор ахборот узатиши ва унга суҳбатдошини ишонтира билиши касбий зарурият ҳисобланади. Касбий тафаккурни шакллантириш жараёнида ўзаро фикр алмашиш алоқасига доир қуйидаги дастурини тавсия этишимиз мумкин:

1. Касб-кор жиҳатидан ўз-ўзини англашни (мулоқотда ўзининг ўзаро фикр алмашишга доир сифатларини, ижобий ва заиф томонларини аниқлашни) амалга ошириш ва шу асосда ўзаро фикр алмашиш йўли билан ўз-ўзини тарбиялашнинг дастурини ишлаб чиқиш. Бу ўринда ўз шахсига қуйидаги йўналишларда баҳо бериш, тажрибани таҳлил қилиш, талабалар билан мақсадга мувофиқдир, кишилар билан бўлган мулоқотда олинган сезгилар тажрибасини таҳлил қилиш, кишилар билан бўлган мулоқотда олдинги мулоқотнинг ҳозирги даражасини таҳлил қилиш, мулоқот ҳақида ўзининг идеал тасаввурларини таҳлил қилиш, сизнинг мулоқотдаги имкониятларингизни бошқалар (талабалар, ўқитувчилар) қандай баҳолаши ҳақидаги тасаввурларни таҳлил қилиш.
2. Ўзида дилкашликнинг асосий хусусиятларини ривожлантириш юзасидан ихтисослаштирилган машқлар асосида ишлаш.
3. Талабалар ва кишилар билан хилма-хил жамоат ишлари олиб бориш, бунда ўзаро фикр алмашиш фаолиятининг тажрибаси (маърузалар, суҳбатлар) ҳосил бўлади.
4. Мулоқотда салбий кайфиятларни енгиш тажрибасини шакллантирадиган ва дилкашликни ривожлантирадиган вазиятлар тизимини яратиш.

Таклиф этилган бу тизимга таяниб иш кўриш педагогнинг касбкорга оид шахсий фазилати бўлган дилкашликни шакллантиришни тезлаштиради.

Касбий тафаккур жараёнида инсонда ўз мутахассислиги, касби тўғрисида фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз кабилар вужудга келади ва улар шахснинг онгида тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар шаклида ифодаланади. Ижтимоий ҳаётда, таълим жараёнида инсонлар ўртасидаги алоқа, мулоқот ва муносабатлар ҳам тафаккур ёрдамида намоён бўлади.

Таълим жараёнида бўлажак ўқитувчилар касбий тафаккурининг вужудга келиш ҳолатини ўрганиш “кесимлар” методи орқали амалга оширилди. Яъни биз ўқитишнинг турли босқичларида талабаларнинг тафаккур даражасини ўзига хосликларини ўзаро таққолаб тегишли хулосалага келдик. Бу босқичлар сифатида 1-курснинг иккинчи жараёни, 3- курснинг иккинчи ҳамда 6- курснинг иккинчи жараёнлари танлаб олинди. Бу босқичлар танланишидан мақсад 1-, 3-, 6- курслар тиббий педагогика йўналиши бўйича бўлажак мутахассисларни тайёрлаш педагогик-психологик тизимининг дастлабки, оралиқ ва якуний босқичлари ҳисобланади.

Тадқиқотни ўтказиш давомида биз томонимиздан ўзида тегишли методикалар тизимидан иборат, таълим жараёнида бўлажак мутахассислар касбий тафаккурини ривожлантиришга қаратилган комплекс психодиагностик дастур тайёрланди ва амалиётда қўлланилди.

https://buxdu.uz



Талабалар тафаккурини ташхислаш Р.Амтхауернинг интеллект структураси тести, "Тушунчаларни қиёслаш", "Кераксизи ортиқча", "Сўз лабиринти", "Вазиятлар ечимини топ"(бадиий-метафорик тафаккур даражасини ташхислаш, таниқли объектлар ва ҳодисаларни таққослаш асосида янги билимларни шакллантириш), «Мақолларни шарҳлаш» (тафаккурнинг мақсадга йўналтирилганлик даражасини аниқлаш), «Тафаккур тезлигини тадқиқ қилиш", «Рефлексив тафаккурнинг шаклланганлик даражасини ташхислаш» (Т. Пашуков, А. Допир, В. Дьяконов), С. Медникнинг «Вербал креативликни ташхислаш» методикалари ёрдамида амалга оширилди.

Биз томонимиздан тузилган "ривожлантирувчи дастур" асосида тиббий педагогика йўналиши талабаларининг касбий тафаккурини ривожлантиришдаги асосий мақсадимиз қуйидаги вазифалар ечимини назарда тутди:

- тиббий педагоглар томонидан шахсий касбий тафаккурини ривожлантириш орқалигина касбий етукликка эришиш мумкинлигини тушунишга кўмаклашиш;

-шахсий касбий тафаккурининг ўзига хосликлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишини шакллантириш;

- вербал краетивлигини шакллантириш;

-тафаккур рефлексивлиги даражасини ошириш;

-ривожлантирувчи дастур асосида эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш.

"Ривожлантирувчи дастур"имизнинг умумий тузилиши 4 та: мотивацион, ахборот, инструментал ҳамда рефлексив таркибий қисм, блоклар сифатида тақдим этилди.

Мотивацион қисмнинг мақсади талабаларнинг "ривожлантирувчи дастур"да иштирок этишга ижобий мотивацияни уйғотиш ва ҳосил қилишдан иборат бўлди. Чунки дастур раҳбарига ишонмаслик ёки уни ёқтирмаслик, гуруҳдаги носоғлом муҳит, дастур мақсади ва вазифаларини тушунмаслик, олдимизга қўйилган мақсадга эришиш ва якуний натижага салбий таъсир этиши мумкин эди. Биринчи навбатда гуруҳда соғлом ва дўстона муносабатларни ўрнатишга ҳаракат қилдик. Биринчи машғулотда гуруҳ аъзоларининг ўзаро ҳамда дастур раҳбари билан танишувлари ташкил этилди.

Гуруҳ аъзоларининг шахсий касбий тафаккурларини ривожлантиришга қаратилган истаклари ва кутилаётган натижа бўйича кичик ўзаро тақдимотлар турли, жумладан: "исмим", "музёрар", "келинг танишамиз" каби психогимнастик машқлар орқали амалга оширилди. Бунинг натижасида экспериментда иштирок этаётган талабаларда: муваффақиятга интилиш, ўзи ва гуруҳ аъзолари хатти-ҳаракатларини янада яхшироқ тушуниш, ўзига ишонч, ўз ютуқларини кўра олиш ва ундан фахрланиш, ўқув-тарбия жараёнида самарали ўзаро мулоқот ва таъсирга киришиш ҳисси, дарсларни ўзига хос ва қизиқарли тарзда ўтиш каби аҳамиятли мотивлар пайдо бўлди.

Ахборот блокининг вазифаси бўлажак ўқитувчиларга касбий фаолиятга доир турли ахборотларни тақдим этиш ва улар томонидан ахборотларни ўқиш, таҳлил қилиш ва матн билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат бўлди. Талабаларга касбий фаолиятини давом эттириш, ўз соҳаларида муваффақиятларга эришиш мақсадида қандай ишларни амалга ошириш кетма-кетлигини белгилаш мақсадида топшириқлар берилади. Талабалар ўз навбатида мунозара асосида нутқ имкониятларини намоён қилиш, товуш тембри, мароми, диапазонига эътибор берган ҳолда ўз фикрларини ёқимли тарзда ифодалаш имкониятларини мукамаллаштирадилар. Тафаккур ва нутқ бирлиги ва уйғунлиги ҳар қандай касбий тафаккурни ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Инструментал блокнинг асосий мақсади бўлажак ўқитувчиларда матнлар билан ишлаш кўникмалари ҳамда вербал креативликни намоён қилишда иборатдир. Бу жараёнда ахборотлар мазмунини ёритувчи матнлардаги асосий ҳамда иккинчи даражали ғояларни таҳлил қилиш, ажратиш ва тафаккур қилиш масаласи асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек, талбалар маъруза матнларини самарали конспектлаштириш, илмий адабиётлар билан мустақил ишлаш, мақолалар, тезислар тайёрлаш, доклад тайёрлаб, уни тақдим этиш кўникмаларига эга бўладилар.

Охирги рефлексив блокнинг мақсади – талабаларда рефлексия даражасини оширишдан иборатдир. "Ривожлантирувчи дастур"ни амалга ошириш муддати 12 ҳафтани ташкил этди ( ҳафтасига 2 тадан машғулот). Машғулотлардаги ишлар рефлексиянинг шахснинг когнитив хусусияти сифатида ривожлантиришга қаратилиб, турли психотехник машқлар ва рефлевсив вазифалар қўлланилди. Бу машқлар орқали релаксация, концентрация(мувозанат), визуализация, ўзини ўзи ишонтириш каби хусусиятлар ривожлантирилишига эришилди.

Жамоавий муҳокама натижасида педагогик жараёнда рефлекциянинг ташкилотчилик, маъно ҳосил қилувчилик, мотивацион, коррекцион ҳамда коммуникатив функциялари, хусусиятлари белгилаб олинди.

https://buxdu.uz



"Ривожлантирувчи дастур"ни қўллаш натижасида олинган натижалар тажриба гуруҳидаги талабаларда касбий тафаккурнинг: рефлексив тафаккур(t = 3 ,24; p < 0,01), вербал креативлик (t = 3 ,45; p < 0,01) ҳамда металингвистик хабардорлик (t = 4,18; p < 0,001) каби асосий кўрсаткичларининг ижобий тарзда ўзгарганлигидан далолат берди.

Шунингдек, тажриба гуруҳида барча тўртала субтестлар ҳамда Р.Амтхауэрнинг интеллект структураси хотира тести кўрсаткичларининг ошганлиги кузатилди ( 1-жадвал).

**1-жадвал интеллекттузилиши кўрсаткичларининг тажриба боши ва охиридаги кўрсаткичлари фарқи**

| Субтестлар | (M±σ) | | t |
|---|---|---|---|
| | тажрибагача | Тажриба сўнгида | |
| Сўзларни давом этириш | 11,5±2,7 | 12,31 ± 2,24 | 2,801 |
| Ортиқча сўзни чиқариш | 11,27 ± 1,97 | 11,89 ± 1,90 | 2,261 |
| Аналогиялар | 9,27 ± 3,12 | 11,08 ± 1,62 | 3,713 |
| Умумлаштириш | 6,58 ± 4,0 | 8,77 ± 2,66 | 4,12 |
| Арифметик амаллар | 7,31 ± 3,37 | 7,62 ± 2,58 | 0,915 |
| Сонли қаторлар | 8,35 ± 3,86 | 9,15 ± 2,46 | 1,98 |
| Борлиқни тасаввур қилиш | 10,85 ±3,02 | 11,39 ± 2,06 | 1,613 |
| Борлиқни умумлаштириш | 7,65 ± 2,76 | 8,31 ± 2,07 | 1,42 |
| Хотира | 11,19 ± 3,5 | 12,69 ± 2,38 | 3,706 |

Хулоса қилиб айтганда таклиф этган "Ривожлантирувчи дастур" асосида тиббий педагогика йўналиши талабаларининг касбий тафаккурини ривожлантириш борасида олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида тиббий педагоглар шахсий касбий тафаккурнинг ўзига хосликлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишди, уларда мантиқий фиклаш орқали вербал краетивлик шакллантирилди, тафаккур рефлексивлиги даражаси ошганлиги кузатилди ҳамда эгалланган билим, кўникма ва малакалар мустаҳкамланди.

## Адабиётлар

1. Беляева Е.В. Управление развитием культуры профессионального мышления студентов в процессе учебно-исследовательской деятельности / Е.В.Беляева // Актуальные вопросы методики обучения математике и информатике: межвузовский сборник научных трудов. Выпуск 2. – Ульяновск: УлГПУ, 2004. – С.22-25.
2. Исаев И.Ф. Профессионально-педагогическая культура преподавателя: Учебное пособие для вузов / И. Ф. Исаев. – М.: Академия, 2002.
3. Каримов Б.Х., Қаландаров А.Д. Онг ва руҳият фалсафаси.-Бухоро: Дурдона,-624 б.
4. Корнилов Ю.К. О зарождении и развитии мыслительного процесса в педагогической деятельности /Ю.К. Корнилов // Психология педагогического мышления: теория и практика. – М.: ИП РАН, 1998. – С. 3-8.
5. Кузьмин Н.Н. Единство теории и практики как общий принцип профессиональной подготовки будущего учителя /Н.Н. Кузьмин // Профессионально-педагогические умения и пути их формирования. – Воронеж: ВГПИ, 1985. – С. 7-20.
6. Ломов Б.Ф. Вопросы общей, педагогической и инженерной психологии /Б.Ф. Ломов. – М.: Педагогика, 1991. – 296 с.
7. Мышление учителя: Личностные механизмы и понятийный аппарат / Под ред. Ю. Н. Кулюткина, *Г. С. Сухобской*. М.: Педагогика, 1990. 104 с.
8. Очилов М. , Очилова Н. "Ўқитувчи одоби". – Т.: "Ўқитувчи", 1997, 6-бет.
9. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии /С.Л. Рубинштейн; В 2 т.- Т. 2. - М.: Педагогика, 1989. – 328 с.
10. Теплов, Б.М.Практическое мышление / Б.М. Теплов. – Москва // Психология мышления : хрестоматия / – Издание 2-е, переработанное и дополненное. – Москва : АСТ :Астрель, 2008. – С.224.
11. Хрестоматия по общей психологии. Психология мышления /под ред. Ю.Б. Гиппенрейтер, В.В.Петухова. – М.: Изд-во МГУ, 1981. – 240 с.
12. Ғозиев Э.Э Муомала психологияси Т-2001 й

https://buxdu.uz



13. Эббингауз Г. Очерк психологии; Психология / Г. Эббингауз, А. Бэн. – М.: АСТ-ЛТД, 1998. – 528 с. – (Ассоциативная психология). – (Классики зарубежной психологии).
14. Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, Curriculum and Culture. – Routledge, USA, 2012.
15. Skinner B.F. The origins of cognitive thought / B.F.Skinner // American Psychologist. – 1989, №44. – P.13- 18.

**Ферузахон Акбарова**
Фарғона вилоят халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
ҳудудий маркази, мактабгача, бошланғич ва
махсус таълим методикалари кафедраси ўқитувчиси

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

*Мақолада бошланғич синф она тили таълими жараёнида когнитив-прагматик усул элементларидан фойдаланиш, она тили дарсларида ўқувчиларнинг тафаккурини ўстириш ва унинг йўналишлари хусусида фикр юритилади.*

***Таянч сўзлар:*** *она тили таълими узлуксизлиги, она тили таълими мазмуни, ўқувчилар тафаккури, фонематик эшитиш, орфографик малака, просодик малака, ижодий топшириқлар, нутқ маданияти.*

*В данной статье говорится об использовании элементов когнитивно-прагматического метода на уроках родного языка в начальных классах.*

***Ключевые слова:*** *непрерывность образования на родном языке, содержание образования на родном языке, мышление учащихся, фонематический слух, орфографическая квалификация, просодическая квалификация, творческие задания, культура речи.*

*This article describes the use of elements of the cognitive-pragmatic method in the lessons of the native language of primary classes.*

***Key words****: continuity of education in the native language, content of education in the native language, students thinking, phonemic hearing, spelling qualification, prosodic qualification, creative tasks, speech culture.*

Мустақиллик йилларида она тили ўқитиш методикаси фани беқиёс даражада ривожланди. Шу йиллар ичида она тили ўқитиш методикасидан қатор диссертациялар ҳимоя қилинди. Бу тадқиқотларда она тили ўқитиш методикасига оид муаммолар назарий ва экспериментал ўрганилган: А.Я.Бобомуродова(1)нинг олиб борган изланишларида она тили таълимида ўйин-топшириқлардан фойдаланиш, Т.У.Зиядова(2)нинг диссертациясида она тили таълимининг ўқувчилар нутқини ўстириш имкониятлари атрофлича таҳлил қилинган. Она тилидан ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришга оид тадқиқотлар ҳам мавжуд. М.С.Саидов(3) болалар тафаккурига мўлжаллаб тузилган ўқув топшириқларини она тили таълимига татбиқ қилиш йўлларини ўрганди, бу йўналишда аниқ тавсиялар берди. Т.Т.Ғаниев(4) она тилидан машқ бажариш жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш масаласини таҳлил қилган. Эътиборлиси шундаки, она тили таълимининг самарадорлигини ошириш тадқиқотчиларнинг диққати марказида турган, аммо билимни ўқувчига етказишда қандай йўл танлаш, ўқувчини ижодкор шахс этиб тарбиялаш муаммосига етарли аҳамият берилмагандек туюлади. Жумладан, узлуксиз таълимнинг ўрта босқичида она тили таълимини индуктив моҳиятли когнитив-прагматик методга асосланиб ўқитиш аллақачон йўлга қўйилган. Аммо бошланғич таълим бўғини ҳали ҳам дедукцияга таянадиган ретроскопия (репродуктив, кўргазмали баён) усулида қолиб кетмоқда. Тўғри, савод, имло, билим ва замонавий фанлар алифбосини берадиган бошланғич таълим бўғинида ретроскопик усул етакчилик қилмоғи шарт. Бироқ, назаримизда, таълимда узлуксизликни таъминлаш учун бошланғич синфдан бошлаб ўқувчиларга когнитив-прагматик метод асосида ўргатишнинг элементларидан фойдаланиб бориш вақти келди деб ўйлаймиз. Чунки ўқувчининг тафаккурини ривожлантириш замонавий таълимнинг бош мақсади саналади. Бу талаб дастур ва ДТСда ҳам ўз ифодасини топган. Бу эса амалдаги дарсликлар

https://buxdu.uz



мазмунини қисман янгилаш вазифасини қўяди. Ҳозирги кунда бошланғич синфларда она тили таълими мазмуни тўрт йўналишдаги билимларни ўз ичига олади. Булар қуйидагилар:

**Биринчи йўналиш.** Она тили қурилиш бирликлари ҳақида элементар билимларни ўзлаштириш. Бунда ўқувчилар нутқ товуши ва ҳарф тўғрисидаги дастлабки билимларни, унли ва ундош товуш, жарангли ва жарангсиз ундош, бўғин, очиқ ва ёпиқ бўғин, бўғин кўчириш қоидаларига оид ахборотларни ўрганади. Шунингдек, сўз ва унинг маъноларини фарқлашга оид, сўз маънолари ва сўроқларига кўра гуруҳлаш - от, сифат, сон, феъл сўз туркумлари ҳақида илк тасаввурларга эга бўлади.

**Иккинчи йўналиш.** Она тилидан илк илмий ахборотларни ўзлаштириш нутқ кўникмаларини шакллантириш билан узвий алоқадорликда ўргатилади. Она тилида сўзлаш ва айтилганларни ёзув воситасида қайд этиш, гапириш ва эшитиш, фикрни нутқ воситасида рўёбга чиқариш эҳтиёжи ўқувчиларда турли нутқ кўникмаларини шакллантириш, уларни малака даражасига кўтариш имкониятларини юзага чиқаради. Бошланғич синфларнинг она тили ўқув предмети бўйича ҳосил қилинадиган кўникма-малакалар қуйидаги гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинади.

1.Фонематик эшитиш малакалари – нутқ товушини сўз таркибида тўғри ижро этиш ва эшитиш, нутқ товушларига кўра сўз маъноларини фарқлаш, урғули ва урғусиз бўғинларни талаффуз қилиш, сўзларни бўғинлар кетма-кетлигида айтиш ва эшитиш лаёқатлари.

2. График малакалар – ҳар бир нутқ товушини ўзига хос ҳарф ва белгилар билан ёзиш демак.

3.Орфографик малакалар – сўз ва унинг таркибий қисмлари – ўзак ва негизни, ясовчи, турловчи, тусловчи қўшимчаларни, ажратиб ва қўшиб ёзиладиган сўз, сўз бирикмаларини, атоқли отларни орфографик қоидалар асосида ёзиш.

4. Услубий малакалар – сўз ва унинг таркибий қисмларини матнда ортиқча такрорламасдан, гап таркибида гап бўлаклари тартибига риоя қилиб, матнни шакллантириш.

5.Тиниш белгиларини ёзма нутқда тўғри ишлатиш малакалари – бошланғич синфларнинг дастурлари ҳамда Давлат таълим стандартларида кўзда тутилган нуқта (.), сўроқ (?), ундов(!), вергул (,) каби белгиларни матнда тўғри ишлатиш ва матнни жонлантириш, яъни ўқиш пайтида уларга риоя қилган ҳолда фаолиятни амалга ошириш.

6.Просодик малакалар – нутқ темпи, овознинг паст-баландлиги, дикция, оҳангга риоя қилиб ўқиш, гапириш малакалари.

**Учинчи йўналиш.** Ижодий фаолият тажрибасини ривожлантириш. Бола она тили воситасида ижтимоий тажриба ва уни ўзлаштириш воситаларини эгаллайди.

**Тўртинчи йўналиш.** Тилга, тил орқали тил ижодкори бўлган – халққа муносабатни шакллантириш. Бу йўналиш бошланғич синф она тили таълимида етакчи бўлиб, болаларда тил билимлари асосида дунёқарашни, табиат ва жамият ҳодисаларига муносабатларни тарбиялашни тақозо қилади.

Юқорида изоҳланган йўналишларга риоя қилиб, бошланғич синф она тили таълими мазмунини ижодий ўзлаштириш жараёнини бошқариш мумкин. Бунинг учун бошланғич синф она тили предмети мазмунини таҳлил қилишга эҳтиёж туғилади. Бошланғич синф она тили таълими жараёнига когнитив-прагматик усул элементларини киритиш муаммоси ҳалигача назарий ва амалий жиҳатдан махсус ўрганилмаган. Бошланғич синфларда она тили таълими жараёнини когнитив-прагматик усул элементлари асосида ташкил этишнинг мақсади, вазифа ва имкониятлари ҳалигача таҳлил қилиниб, комплекс ўрганилмаган; бошланғич синф ўқувчиларининг билиш имкониятларига мос ва бошланғич синф она тили таълими мазмунига мувофиқ ижодий топшириқларнинг самарадорлиги назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил қилинмаган. Она тили таълимида ижодий ва ноижодий ўқув топшириқларини ўзаро фарқлаш имкониятлари мавжудми? Бошланғич синф она тили таълими жараёнига когнитив-прагматик усул элементларини киритиш орқали ўқитишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

1. Бошланғич синф она тили таълими жараёнида когнитив-прагматик усул элементлари асосида ўқитиш — ўзига хос назарий ва амалий асосга, яъни ўз мақсади, тамойиллари, усулларига эга мустақил тизим.

2. Бошланғич синф она тили таълими жараёнида когнитив-прагматик усул элементларини киритиш асосида ўқитиш болаларнинг ички аффектлари—эмоция, мотив, қизиқишларини рағбатлантиришга мўлжаллаб ўтказилади.

3. Бошланғич синф она тили таълими жараёнига когнитив-прагматик усул элементларини киритиш ўқувчилар тафаккури ва мустақил фикрлаш лаёқатларини ўстиришнинг етакчи воситасидир.

4. Бошланғич синф она тили таълимига когнитив-прагматик усул элементларини киритиш таълим жараёни самарадорлиги, болалар ўзлаштиришининг сифатини яхшилашга олиб келади.

https://buxdu.uz



Мактабда она тили таълимининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда нутқ маданиятини таркиб топтиришдир. Маданий нутқ миллий тилнинг ўзига хослиги, маъно жиҳатидан аниқлиги, сўзларнинг ранг–баранг, турли–туманлиги, бадиий ифодалилиги билан ажралиб туради. Маданий нутқнинг оғзаки шакли адабий тилнинг орфоэпик меъёрларига, ёзма шакли орфография, услуб каби меъёрларига мос бўлиши лозим.

Нутқ маданияти адабий тил меъёрлари устида ўқувчиларнинг ақлий ва амалий фаолиятини ташкил этиш натижасида шаклланади. Ҳамма томонидан эътироф этилган, шу тилда сўзловчиларнинг барчаси риоя қилиши лозим бўлган қонун-қоидалар адабий тил меъёрлари ҳисобланади. Адабий тил меъёрларига маълум тилда мавжуд сўзлар, сўзларнинг қурилиши, сўз ясаш ва сўз ўзгартириш моделлари, сўз бирикмаси, сўзни нутқда тўғри қўллаш қоидалари киради.

Тилнинг моҳияти унинг инсон фаолияти эканлигида. Нутқ фаолияти бир индивиднинг ўз мулоҳазалари, истак ва талабларини иккинчи индивидга узатиши, иккинчи индивиднинг эса биринчисининг фикрларини тушуниб олиши, унинг талабларига тасдиқ ёки инкор шаклида жавоб қайтариши билан характерланади. Демак, нутқ фаолиятида икки шахс: хабар узатувчи–гапирувчи ва қабул қилувчи–тингловчи иштирок этади.

Нутқ фаолияти жараёнида сўзловчи ҳам, тингловчи ҳам сўз, сўз бирикмаси ва гапга таянади. Сўз, сўз бирикмаси ва гапнинг “айтилиш” хусусияти сўзловчига, “эшитилиш” хусусияти тингловчига хизмат қилади. “Айтилиш” ва “эшитилиш” маъноли жарангдорлик бўлиб, у тилнинг биринчи шакли–оғзаки нутқдир. Сўзнинг кўриладиган (ёзув) ва ўқиладиган хусусияти тилнинг иккинчи шакли–ёзма нутқдир.

Таълимда оғзаки ва ёзма нутқининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, уларнинг ўзаро алоқадорлигига риоя қилиш ниҳоятда зарур. Грамматика машғулотларида нутқ мақсадига мувофиқ сўз танлаш йўлларини ўқувчиларга ўргатиш, сўзларнинг маъноларини очиш орқали болалар тўғри нутқ тузиш сирларини эгаллай борадилар. Ўқувчи нутқ мақсадига мувофиқ сўзларни қанча тез танлай олса, нутқ фаолиятида шунча фаол қатнашади. Мактаб грамматикасини изчил ўрганиш натижасида ўқувчиларнинг нутқ жараёнида фаол қатнашишларини таъминлайдиган нутқ қобилиятлари таркиб топади. Нутқ қобилияти нима? Ҳозирги замон психологияси ўрганаётган муаммолардан бири шахс қобилияти масаласидир. Шахс психологиясига кўра, қобилият инсон фаолияти талабларига жавоб бера оладиган шахсий индивидуал хусусиятларнинг ансамбли ёки синтезидир. Нутқ қобилияти инсон қобилиятининг бир кўриниши саналади. Тилни муваффақиятли ўзлаштириш учун зарурий қобилиятларни ўрганиб чиқиш ва шу қобилиятлар ривожига бевосита таъсир этадиган ўқитиш тизимини яратиш она тили таълими соҳасида энг долзарб муаммо ҳисобланади.

Бошланғич синф она тили таълими жараёнини когнитив-прагматик усул элементлари ижодий таълим контекстида ташкил этиш талаб этилади. Бу эса ўқитишнинг самарадорлигини ошириш, ёшларни ҳаёт, ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларга тайёрлашнинг сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Аммо шунга қарамасдан, фан мутахассислари, шунингдек, мактаб ўқитувчилари орасида ижодий таълимни ноижодий таълимдан фарқлаш соҳасида тушунмовчиликлар, уларнинг ўзаро тафовутларини ажратишда камчиликлар кўзга ташланади. Шундан бўлса керак, ўқувчиларга бериладиган мустақил ишларнинг барчаси ижодий иш сифатида қабул қилинади. Яна бир мунозарали муаммо – ижодий ишни ноижодий ишдан фарқлаш масаласидир. Булардан кўринадики, бошланғич синф она тили таълими жараёнига когнитив-прагматик усул элементларини киритиш методик ҳодисадир. Бошланғич синф она тили таълими жараёнида когнитив-прагматик усул элементларини қўллаш - бу:

-таълимда ўқувчи мақомини ўзгартириш, уни таълим жараёни субъектига айлантириш;

-таълимни меъёрий таълимлар доирасидан чиқиб ўтказиш,

-ўқувчилар фаолиятини билим, кўникма-малака, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар комплексига йўналтириш;

- таълимни ўзига хос мақсад, восита, натижа, мотивларни кўзлаб ташкил этиш;

-таълимни тафаккурга мўлжаллаб ўтказиш;

-ўқувчилар ўзлаштиришини истиқбол (келажакда ижодий тафаккури ривожланган шахс бўлиб етишиши)га йўналтириш демакдир.

Когнитив-прагматик таълим усулида таълим жараёни субъекти – фаол ўрганувчиси, таълим тизими маркази - ўқувчи. Ўқувчига ўргатилмайди, у ўрганади ва таълим жараёнининг ҳамма таркибий қисмлари мана шунга мувофиқлаштирилиши лозим. Демак, она тили дарслари ҳам тафаккур, фикрлаш дарслари, билим дурдоналарини олишга эҳтиёж – изланиш, топиш, таҳлил қилиш ва қўллаш – фойдаланиш дарслари бўлмоғи зарур. Когнитив-прагматик таълим усули

https://buxdu.uz



элементларидан бошланғич синф она тили дарсларида фойдаланиш керак. Бу 7-11 ёшли болаларда ижод ва бунёдкорликка алоҳида қизиқиш билан она тилининг ички имкониятлари асосида мустақил фикрлаш, излаш, топиш ва топганларидан шароитга мос ва самарали равишда мустақил фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш зарурати билан узвий боғлиқдир.

Бошланғич синф она тили таълими жараёнига когнитив-прагматик усул элементларини киритиш – бу ўқувчиларнинг ташаббускорлиги, мустақиллиги ва фикрлашига асосланган онгни ривожлантиришга қаратилган, ижодий фикрлайдиган ва ўз фикрини равон баён қиладиган шахсни шакллантирадиган она тили таълимини жорий қилиш демакдир.

**Адабиётлар**

1. Бобомуродова А.Я. Она тили таълими жараёнида ўйин-топшириқлардан фойдаланиш. Пед. фанл. номз. илм. дараж. олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 1996. -145 б.

2.Зиядова Т.У. Она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш. Пед. фанл. ном. илм. дараж. олиш учун ёзилган дисс. –Т.: 1995. -161 б.

3. Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси. Пед. фанл. ном. илм. дараж. олиш учун ёзилган дисс. –Т.: 2000. -147 б.

4.Ғаниев Т.Т. Она тилидан машқ бажариш жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш. Пед. фанл. номз. илм. дараж. олиш учун ёзилган дисс. –Т.: 1991. -194 б.

**Иқболжон ТЎРАҚУЛОВ**
Фарғона вилоят халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
ҳудудий маркази мактабгача, бошланғич ва
махсус таълим методикалари кафедраси
ўқитувчиси

# ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

*Мақолада ўқитувчининг фаолиятини лойиҳалаштириш ҳамда лойиҳалаш фаолиятини педагог касбий компетенциясининг педагогик фаолиятни амалга оширишда назарий ва амалий тайёргарлиги бирлигини ифодалайдиган омил хусусида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:*** *таълим, фаолият, ўқувчи, ўқитувчи, лойиҳалаш фаолияти.*

*В статье описывается блок теоретической и практической подготовки профессиональной компетентности педагога к осуществлению педагогической деятельности, а также блок проектирования и проектирования деятельности педагога.*

***Ключевые слова:*** *образование, деятельность, читатель, учитель, проектная деятельность.*

*The article describes the unit of theoretical and practical training the professional competence of teachers to implement pedagogical activities, as well as the block design and design education.*

***Key words:*** *education, activity, reader, teacher, project activity.*

Таълим жараёнидаги бош муносабат ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатдир. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаш мақсадида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи нуқтаи назаридан қараганда ўқитувчи ва дарслик, ўқитувчи ва ўқув материали, ўқитувчи ва кўргазмали қурол боғланишлари, тайёр лойиҳадан фойдаланиб дарс ўтаётган ўқитувчи нуқтаи назаридан қараганда ўқитувчи ва лойиҳа, ўқитувчи ва ўқувчи, ўқувчи ва ўқувчи боғланишлари, ўқувчи ва ўқув материали боғланишлари амал қилади.

Дастлаб лойиҳалашда иштирок этадиган ўқитувчининг фаолияти ҳақида тўхталамиз. Табиийки, таълим самарадорлиги тузилган лойиҳанинг сифатига боғлиқ. Лойиҳалаш фаолияти тузилмасида фаолиятнинг икки даражаси кузатилади: лойиҳалашнинг лойиҳа кўринишидаги янги билимларни яратишни кўзда тутадиган ижодий характери; илғор педагоглар тажрибасини ўрганиш асосида яратилган лойиҳада педагог шахсини акс эттирадиган лойиҳалашнинг индивидуал характери. Лойиҳалаш фаолиятини педагогнинг касбий компетенциясининг педагогик фаолиятни амалга оширишга назарий ва амалий тайёргарлиги бирлигини ифодалайдиган ва касбий сифатини

https://buxdu.uz



тавсифлайдиган қисми сифатида қараш зарур (В.А.Сластенин). Лойиҳалаш фаолиятига назарий тайёргарлик - лойиҳалаш кўникмалари ва компетенциялар мажмуини юқори даражада эгаллаганлик ҳисобланади. В.А.Сластенин, Н.В.Кузьминалар ўқитувчининг лойиҳалаш фаолиятига назарий тайёргарлигини белгилайдиган компетенциялар мажмуига педагогик фаолиятни ўз-ўзини такомиллаштиришни таъминловчи рефлексив; ўзининг методик даражасини ошириш қобилиятини ривожлантирувчи когнитив; ахборот олиш ҳамда уни қўллашга оид кўникма ва малакаларни шакллантирувчи маърифий; оғзаки ва ёзма мулоқот технологиясини ривожлантирадиган коммуникатив; ўзининг касбий компетентлиги моҳиятини англашга йўналтирадиган ижтимоий компетенцияни киритади [1; 2].

Таълимни лойиҳалаштиришда педагогик технологиядаги етакчи ҳисобланган таълим мақсади, мазмунини лойиҳалаш энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолади. Уларни қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

- ўқув предметларини ўрганишда, энг аввало, таянч тушунчаларни ўрганиш даражасини аниқлаш ва уларни ўрганишни лойиҳалаш;
- таянч тушунчаларнинг таълим стандартлари, ўқув дастурларига мослиги, ўқувчининг келгуси фаолияти билан алоқадорлигини лойиҳалаш;
- ўқитиш услубларини лойиҳалаш;
- ўқувчининг тайёргарлик даражасини лойиҳалаш;
- ўқитиш мазмунининг қўйилган мақсад билан узвийлигини таъминлаш;
- таълим услубларини, уларнинг қайси бирини дарснинг қайси босқичида қўллаш зарурлигини олдиндан лойиҳалаш;
- турли типдаги дарсларда билим ва кўникмаларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштириш даражасини лойиҳалаш;
- ўқитиш жараёнида назорат ва текширишнинг турли усулларидан фойдаланишни лойиҳалаш;
- ҳар бир дарсда замонавий маълумотлардан унумли фойдланишни лойиҳалаш;
- ўқув материали матнларини тайёрлашда ўқув мақсадларига эришиш йўллари, воситалари, эришиладиган натижаларни олдиндан қайд этиш;
- ўқув предмети бўйича мақсад ва вазифалар базасини яратиш, баҳолаш орқали уни тўлдириб боришни лойиҳалаш ва ҳ.к.

Дидактикада моделлаштириш технологияси ўқув жараёнини моделлаштиришга инновацион ёндашувлар, шунингдек, педагогик тизим ва жараёнларни моделлаштиришни билиши ва шу жараёнга мослашишни ўрганиш бугунги куннинг замонавий ёшлари учун энг зарурий эҳтиёж бўлиб қолди. Узоқ йиллардан буён моделлаштириш илмий тадқиқотнинг энг долзарб методларидан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда инсоният ўзининг илмий, таълимий, технологик, бадиий фаолиятида атрофидаги оламни моделлаштирмасдан яшашини тасаввур қила олмайди. Тасаввур (модел)ларни қатъий, аниқ шакллантириш жуда мураккаб, лекин XXI асрга келиб, инсоният моделлаштириш ва ҳар хил объект ва жараёнлардан фойдаланишга оид бой тажриба тўплади. Моделлаштириш педагогик тадқиқотларда кишининг тажрибаси, унинг сезги органлари орқали олган таассуротлари ҳамда табиий шароитдаги кузатишларидан олинган эмпирик ҳамда назарий билимларни, яъни педагогик объектни ўрганиш жараёнида тажриба, мантиқий боғланишларнинг тузилиши ва илмий абстрактларни бирлаштириш имкониятини беради. Кўп ҳолларда дарсни режалаштириш жараёнида ўқитувчилар педагогик моделлаштириш тушунчасига дуч келишади. Аммо олимларнинг фикрига кўра [2; 3] моделлаштиришга замонавий фанда етарлича эътибор берилмайди, бу эса таълим самарадорлигига салбий таъсир қилади.

*Maqolada kompyuter yordamida qo'llab-quvvatlanadigan innovatsion o'quv-uslubiy materiallarning turlari va tarkibi, amaliy tayyorgarlik vositalarining turi, shuningdek, virtual laboratoriyalarning funktsiyalari va ahamiyati tavsiflangan. Kompleks kompyuter o'quv materiallari katta bo'limni rivojlantirishga qaratilgan o'quv dasturlarining yagona to'plamidir. Ularning tuzilishiga o'quv qismida navigatsiya qilish imkonini beruvchi dasturiy qism qo'shiladi. Muallif innovatsion kompyuter didaktikasi virtual laboratoriyasining ahamiyati va tuzilishini tasvirlaydi.*

***Kalit so'zlar:*** *innovatsiya, axborot, virtual laboratoriya, o'quv-uslubiy materiallar, ta'lim vositalari, multimedia, kompyuter didaktikasi.*

*The article describes the types and structures of innovative teaching materials with computer support, the class of practical training tools, and the functions and significance of virtual laboratories. Complex computer training materials are a single set of training programs that are focused on the development of a large section. The program part is added to their structure, which allows you to navigate through the entire training section. The author describes the value and structure of the virtual laboratory of innovative computer didactics.*

***Keywords:*** *Innovation, information, virtual laboratory, educational and methodical material, teaching tools, multimedia, computer didactics.*

Создание виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики потребовало рассмотрения как существующих учебно-методических материалов, так и обоснования новых моделей инновационных дидактических объектов. В последнее время в связи с бурным развитием информационных технологий разрабатывается большое количество инновационных учебно-методических материалов. А.И. Башмаков [1, стр.213] классифицируют компьютерные учебно-методические материалы по характеру дисциплины, по решаемым педагогическим задачам, по широте охвата учебного материала, по использованию телекоммуникационных технологий, по формам представления информации, по характеру модели изучаемого объекта или процесса, по виду пользовательского интерфейса, по реализации интеллектуальных функций. Остановимся подробнее на разделении компьютерных обучающих материалов по педагогическим задачам, в соответствии с которыми они классифицируютсяна средства теоретической, технологической,практической подготовки, а также на вспомогательные и комплексные средства.К первому классу относятся:

1. Компьютерный учебник - компьютерное средство обучения для базовой подготовки по определенному курсу.
2. Компьютерная обучающая система используется для базовой подготовки по одному или нескольким разделам.
3. Компьютерная система контроля знаний используется для определения уровня знаний обучаемого по данной дисциплине, курсу, разделу, теме или фрагменту предметной области и для его оценивания с учетом установленных квалификационных требований.

https://buxdu.uz



К классу средств практической подготовки относятся:

1. Компьютерный задачник используется для выработки умений и навыков решения типовых практических задач в данной предметной области, а также развития связанных с ними способностей.
2. Компьютерный тренажер используется для выработки умений и навыков определенной деятельности, а также развития связанных с ней способностей.

К третьему классу вспомогательных средств относятся компьютерные учебно-методические материалы, которые способствуют решению тех или иных задач, но являющиеся недостаточными для достижения соответствующих целей. К ним относятся:

- компьютерный лабораторный практикум - используется для поддержки автоматизированных лабораторных работ, в рамках которых изучаемые объекты, процессы и средства деятельности исследуются с помощью экспериментов с их моделями;
- компьютерный справочник - компьютерное средство обучения, содержащее справочную информационную базу по определенной дисциплине, курсу, теме или фрагмент предметной области и обеспечивающее возможности ее использования в учебном процессе;
- мультимедийное учебное занятие - компьютерное средство обучения,основным содержанием которого является мультимедийная запись реальногоучебного занятия.

К классу комплексных средств относятся:

- компьютерный учебный курс - используется для подготовки по определенному курсу, в котором интегрированы функции илисредства для решения основных задач теоретической, технологической ипрактической подготовки;
- компьютерный восстановительный курсиспользуется длявосстановления знаний и умений в рамках определенного курса, в котороминтегрированы функции или средства, поддерживающие разные этапыпроцесса повышения квалификации.

Т.Л. Шапошникова [2, стр. 32] выделяет следующие виды программных продуктов учебного назначения: обучающие программы, комплексные компьютерные учебные материалы, тестирующие системы, мультимедийные лекционные демонстрации, электронные учебники, мультимедиа-учебники, виртуальные лаборатории, презентационные системы, компьютерные учебно-методические комплексы. Анализ этих видов компьютерных средствобучения приведен в работах Д.В. Иуса и Е.И. Жужы [3, стр. 67].

Тематические обучающие программы применяются в потоковом режиме. В этом режиме осуществляется переход от простого компонента к сложному, но при этом каждый компонент может быть использован независимо от предыдущего. Это многоуровневые обучающие программы, в которых в зависимости от подготовки контингента обучаемых варьируется уровень представления информации.Авторы приходят к выводу, что главными способами предъявления информации в компьютерных обучающих программах являются текстовый и графический. При этом определённую информационную нагрузку несёт цвет, поскольку цветовая гамма применяется при выделении как текстовой, так и графической информации. В этих программных педагогических продуктах кспособам функционирования учебной информации можно отнести самыеразнообразные: от простого статического изображения до анимации.

Комплексные компьютерные учебные материалы представляют собой единую совокупность обучающих программ, которые ориентированы на освоение крупного раздела. К их структуре добавляется программная часть, которая позволяет осуществлять навигацию по всему учебному разделу [4, стр. 54].

Педагогический потенциал этих компьютерных учебных материалов дополняется более активной самостоятельной работой обучающихся, автоматизированным допуском к лабораторным работам, возможностью применения дистанционных форм обучения. Формы предъявления учебной информации не изменяются, а способ функционирования программно-педагогического продукта из автономного превращается в системный. Для него свойственна как содержательная связь отдельных порций информации, так и методическая, при которой одно и то же содержание интерпретируется в разных формах (текст, график, учебный эксперимент).Тестирующие системы со средствами интерактивного контроля методически взаимосвязаны с первыми двумя типами программно-педагогических продуктов, потому что охватывают инструментарий, позволяющий осуществить диагностику результатов их применения. Втестирующих системах существенно расширены возможности контроля знаний.

Мультимедийные лекционные демонстрации реализовывают иллюстративные функции и предназначены для сопровождения лекций. В них иллюстрации могут демонстрироваться как в

https://buxdu.uz



обычном статическом, так и в динамическом и кинематографическом режимах. Так же к этим программно педагогическим продуктам возможна интеграция звукового сопровождения.Электронные учебники отличаются четкой и последовательнойонтологической структурой. При этом за возможность навигации внутри учебника отвечает программная составляющая. Как правило, в электронныхучебниках применяется сложная структура перекрестных ссылок. При этом иллюстративный материал представлен в статическом виде.Значительно расширяются обучающие функции в мультимедиа-учебниках, поскольку ко всем структурным элементам электронного учебника добавляется набор мультимедийных технологий. При этом появляется возможность хранения крупных объемов информации, ее изменения и обработки, удаленного доступа к другим источникам информации, организации интерактивного общения с обучаемым. В результате все перечисленное способствует обогащению их педагогических функций.

Виртуальные лаборатории - это многофункциональные компьютерные обучающие системы, включающие в себя набор виртуальных экспериментов со справочными, расчетными, тестирующими и обучающими компонентами. При помощи виртуальных лабораторий учащиеся имеют возможность изучения современных экспериментальных установок. Так же при помощи них возможна организация различных практикумов и использование математических методов обработки результатов эксперимента. Этот вид обучающих систем вырабатывает у обучающихся навыки экспериментальной работы, демонстрируя роль практики в формировании теории, являющейся основой верификации естественнонаучных теорий и гипотез. Указанные компьютерные учебные материалы инструментально основываются на многообразии форм представления информации, возможностей по её обработке и функционированию в учебном процессе.

Презентационные системы обычно состоят из структурированных слайдов, которые отражают основное содержание и этапы работы. Их основное назначение состоит в кратком представлении результатов учебной и исследовательской работы. Они могут работать в автоматическом и интерактивном режимах.Компьютерные учебно-методические комплексы - это многокомпонентные программные средства обучения, интегрирующие многие из указанных выше компьютерных учебных материалов в единую систему и образующие единую смысловую структуру. Комплексы могут включать мультимедиа - учебники, виртуальные лаборатории, обучающие и тестирующие системы и благодаря этому способствуют преодолению разрыва между теоретическими знаниями и их практическим применением. Они являются универсальным средством обучения и позволяют организовать учебный процесс при учете психологических особенностей учащихся и степени их обученности. В компьютерных учебно-методических комплексах используются все формы предъявления информации (текст, графика, цвет, звук), а также всевозможные режимы её функционирования.

Итак, анализ подходов к типологизации компьютерных учебных материалов показал отсутствие единства в решении этой проблемы. При этомнаиболее оптимальным мы считаем выбор в качестве основания для классификации этих дидактических объектов педагогических задач, на решение которых нацелен тот или иной объект. На такой подход мы опираемся при структурировании виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики. Второе важное для решения задач нашего исследования заключение состоит в том, что все компьютерные учебные материалы построены на использовании четырех форм представления информации: текстовой, графической, звуковой и цветовой. При этом режимы функционирования информации также могут- быть различными - от статистического в демонстрации слайдов презентационных систем до мультимедийного с использованием динамических видеофайлов и звука. Этот вывод важен для проектирования интерактивных версий дидактических объектов виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики.

В соответствии с изложенным выше главная цель создания виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики состоит в обучении педагогов применению и разработке новых информационных технологий обучения с компьютерной поддержкой. На первом этапе реализации этой цели необходимо обоснование концепциисоздания виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики.

При разработке концепции мы опирались на данные, полученные в ходе анализа практики применения ИКТ учителями разных предметов, студентами педагогических отделений и гуманитарных вузов, руководителями школ. Основные выводы состоялись в следующем:

- в образовательном процессе как средних, так и высших учебных заведений используются традиционные электронные материалы (электронные презентации, компьютерные тесты,

https://buxdu.uz



электронные учебники), а учебные материалы инновационной компьютерной дидактики и системы дистанционного обучения практически не используются;

- учителями средних учебных заведений недостаточно используются возможности сети Интернет;

- большинство педагогов высоко оценивают учебные материалы инновационной компьютерной дидактики, возможности сети Интернет и проявляют высокий интерес к их применению в своей педагогической деятельности [7, стр.129].

Эти выводы были зафиксированы в результате констатирующего этапа педагогического эксперимента.

Вместе с тем среди педагогов был отмечен высокий уровень мотивации изучения компьютерных технологий, выразившийся в стремлении освоить соответствующие учебные курсы, качественно выполнить аттестационные работы, кропотливой и добросовестной самостоятельной работе. Характерный факт: если несколько лет назад многие педагоги не стремились овладеть компьютерными технологиями, ссылаясь на отсутствие доступа к компьютерам в школе, то в последние два года таких случаев мы не фиксировали. Налицо психологический перелом в отношении к компьютерному обучению со стороны педагогического сообщества.

Однако, общепринятая практика обучения педагогов и студентов применению компьютерных технологий в системе послевузовского образования нуждается в существенной модернизации. Укажем причины, вызвавшие последнее утверждение:

- большинство учебных курсов по программе «Информатизация образования» ориентированы на освоение приложений MSOffice, в них совершенно отсутствует предметная ориентированность;

- используемые методики обучения педагогов малоэффективны, вследствие того, что превалируют лекционные занятия;

- основным средством обучения являются электронные презентации со статическими текстовыми слайдами;

- отсутствует дифференциация учебных заданий, не учитывается начальный уровень подготовки слушателей в области новых информационных технологий;

- формальный подход к итоговым работам, которые отличаются теоретическим описанием стандартных технологий;

-не рассматриваются инновационные технологии обучения, отсутствует ориентация не творческое их применение;

- отсутствуют качественные методические пособия по многоуровневой подготовке учителей в области новых информационных технологий;

- отсутствует система подготовки учителей к применению и созданию технологий обучения конкретному предмету;

- делается опора на контингент педагогов, уже имеющих начальную подготовку в области новых информационных технологий, а учителя, не имеющие таковой, практически исключаются из учебного процесса;

- слабо демонстрируются приемы творческой работы с применением ИКТ;

- методика дистанционного обучения демонстрируется обычно в форме презентации, слабо отрабатываются практические приемы этих методик.

Мы считаем, что эта концепция должна включать следующие компоненты: аналитическую, формулировку цели, прогнозируемые педагогические свойства и функции проектируемых информационных и компьютерных технологий, принципы их проектирования, анализ типологии и структуры педагогических программных продуктов, отбор готовых инструментальных систем для их проектирования, примеры готовых, инструментальных средств для их создания, специальную методику проведения педагогической экспертизы, этапы в процедуре проектирования информационных и компьютерных технологий, методику обучения педагогов работе в учебных компьютерных средах, в том числе в средах дистанционного обучения.

При этом концепция проектирования виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики должна опираться на психологические особенности учебного процесса, выводы педагогических теорий (личностно-ориентированного, развивающего и продуктивного обучения), теорию познания, конкретную предметную область (физика, информатика), принципы проектирования и использования компьютерных технологий. Педагогические особенности учебного процесса должны отражаться в аппарате диагностики учебных достижений и опыте практического применения информационных и компьютерных технологий. Это вызывает необходимость разработки

https://buxdu.uz



специальных методик педагогической экспертизы для различных типов проектируемых объектов виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики.

Психологические аспекты проявляются в том, что все компоненты виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики должны проектироваться с ориентацией на развитие положительных качеств личности учащихся: воспитание самостоятельности, воли, формирование определенных позиций, нравственных, эстетических и мировоззренческих установок, воспитание сотрудничества, коллективизма, общительности, коммуникативности.

Принципы личностно-ориентированного обучения нацеливают разработчиков нового учебно-методического обеспечения на постоянное обогащение учащихся опытом творчества, формирование механизма самоорганизации и самореализации личности каждого обучающегося, на периодизацию умственного развития учащихся, на закономерности познавательной деятельности. [6, стр.122].

Теория познания отражается в системном подходе к построению методики обучения естественно-научным теориям, в соответствии с которыми процесс учебного познания должен соответствовать этапам развития научных теорий, отраженных в последовательности эмпирических фактов, научных понятий, законов, абстрактных моделей.

Конкретная предметная область выступает в роли базиса для построения контента компьютерных учебных материалов, однако при его построении надо опираться на универсальные наборы как методических приемов, так и их компьютерных интерпретаций. В связи с этим выступает проблема универсализации этих приемов, иначе обучение учителей разных предметов будет очень усложнено и будет носить бессистемный характер. Такой подход к проектированию объектов виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики мы определили как интеграционно-онтологический.

Опираясь на интеграционно-онтологический подход в создании компьютерных учебных материалов виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики, можно прогнозировать педагогические свойства и функции дидактических объектов лаборатории. Основные из них состоят в том, что эти объекты и лаборатория в целом должны:

- обеспечить условия для создания системных знаний;
- реализовать задачи интегративного обучения и функционирования межпредметных связей;
- интегрироваться в органическую целостность с инновационными дидактическими технологиями, способствующими активизации познавательной деятельности обучаемого;
- способствовать улучшению форм и повышению эффективности учебной деятельности;
- реализовывать эвристические и гносеологические функции в образовательном процессе;
- в соответствии с личностными свойствами учащихся и педагогов обеспечивать вариативность и адаптивность учебного процесса;
- оптимизировать обратную связь в обучении;
- сформировать прочную мотивационную основу обучения при помощи интерактивных форм представления учебной информации;
- отвечать эргономическим требованиям, предъявляемым к учебным материалам и их унифицированным формам, требованиям стандартизации представления учебной информации;
- осуществлять эффективный, оперативный, объективный контроль знаний и их многофакторную диагностику;
- обеспечить условия для эффективной подготовки учителей разных предметов к применению новых компьютерных дидактических технологий, модернизации их контента, а также созданию новых объектов виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики (локальных технологий обучения, дидактических комплексов, учебников нового поколения, банков учебно-методической информации и др.).

Прогнозируемые свойства и педагогические функции проектируемых объектов виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики определили основные принципы, на которых должен базироваться процесс формирования данной лаборатории и создание ее компонентов. Эти принципы сгруппированы следующим образом:

*психолого-педагогические:* взаимосвязи форм обучения и педагогического самообразования, активизации учебной деятельности и рефлексии, сотрудничества в учебном процессе, учета личностного фактора;

*общедидактические:* научности, наглядности, доступности, последовательности, систематичности (проявляются в объектах виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики и методиках их создания);

https://buxdu.uz



*методические:* адекватности информационных и компьютерных технологий специфике научного содержания, соответствия научного содержания и структуры учебно-методических материалов виртуальной лаборатории, их вариативности и воспроизводимости, функциональности и информативности, дифференциации и индивидуализации обучения посредством объектов виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики; соответствия содержания педагогических программных продуктов потребностям практики обучения; преемственности обучения на различных ступенях образования и его профессиональной ориентированности; структурированности содержания и контента проектируемых учебных материалов как в печатной, так и в компьютерных формах;

*технологические:* интерактивности (обеспечение активноговзаимодействия обучаемого и компьютера); адаптивности (вариативностьспособов общения обучаемых с учебным материалом и возможность индивидуальной траектории обучения); доступности интерфейса для преподавателей и учащихся, не обладающих навыками программирования; мобильности, модифицируемости, позволяющие педагогу вносить модификации в предметную базу знаний[8, стр. 26].

Самым эффективным способом обучения учителей и студентов применению и созданию компьютерных учебных материалов является использование систем и сред дистанционного обучения. В связи с этим этот аспект был включен в план данного исследования.

Итак, обоснование необходимости создания виртуальной лаборатории инновационной компьютерной дидактики опирается на выявленные в ходе исследования недостатки в подготовке специалистов сферы образования к работе в условиях информационного общества. Концепция создания лаборатории отражает принципы ее конструирования, структуру, прогнозируемые свойства и функции, а также подход к созданию методики обучения педагогов к работе в виртуальной лаборатории.

**Литературы**

1. Башмаков А.И. Разработка компьютерных учебников и обучающих систем. / А.И. Башмаков, И.А. Башмаков // - М.: Информационно-издательский дом «Филинъ», 2003. – 616 с.
2. Шапошникова Т.Л. Научно-методические основы проектирования и использования информационных и компьютерных технологий в обучении студентов вуза. Дис. .докт. пед наук, Ставрополь, 2001.
3. Иус Д.В. Компьютерная поддержка инновационной педагогическойдеятельности кафедры: дис. канд. пед. наук / Д.В. Иус/ - Краснодар, 2007.
4. Иус Д.В. Особенности методов обучения с использованием компьютерных технологий / Д.В. Иус, А.В. Слезев // Телематика-2004: Труды XI Всероссийской научно-методической конференции Т. 1. СПб., 2004.
5.Попова Г.И. Конструирование электронных учебных материалов в профессиональной подготовке учителей: дисс. ... канд. пед. наук / Г.И. Попова / - Краснодар, 2006.
6.Соломин В.П. Информатизация педагогического образования - основа его модернизации и интеграции в общеевропейское образовательной пространство. / В.П. Соломин, П.В. Станкевич, В.М. Васильев // XV конференция-выставка «Информационные технологии в образовании»: сборник трудов частников конференции. Часть 1.-М: «БИТ про», 2005. с. 122-125.
7.Соловьева Л.Ф. Методические аспекты преподавания информатики Технологии информационного общества - Интернет и современное общество: материалы Всероссийской объединенной конференции. Санкт-Петербург, 20-24 ноября 2000г. - СПб ,; 2000. с. 129-130.
8.Фурсенко А.А. О перспективах развития образования. // Телекоммуникации и информатизация образования. № 5 (30) сентябрь-октябрь 2005. Москва.
9. Эсонбоева Д.М. Нетрадиционные уроки по основам информатики и вычислительной техники и методика их проведений (на примере 8-9-классов): Авторефер. дисс. … кан. пед. наук. – Ташкент: СГУ, 2002. – 24с.
10. Юлдашев У.Ю., Боқиев Р.Р., Зокирова Ф.М. Информатика ўқитиш методикаси. – Тошкент, 2004.

https://buxdu.uz



**Моҳира ТУРДИЕВА**
Бухоро муҳандислик-технология институти
касбий таълим кафедраси мустақил изланувчиси

# ПЕДАГОГИК - ПСИХОЛОГИК ҲАМДА ИХТИСОСЛИК ФАНЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

*Мазкур мақолада техника олий таълим муассасаларида ўқитиладиган педагогик-психологик ва ихтисослик фанларини ўзаро интегратив ёндашув асосида ўқитиш, фанлар интеграцияси тушунчасининг моҳияти, фанлар интеграциясини таъминлаш асосларига таъсир этувчи омиллар, педагогик-психологик ва ихтисослик фанлар интеграциясини таъминлаш жараёнига қўйиладиган талаблар ҳақида фикр юритилган.*

**Таянч тушунчалар**: *олий таълим, ихтисослик фанлари, педагогика, интеграция, интегратив ёндашув, интеграцияни таъминлаш, педагогик-психологик фанлар, ўқитиш жараёни.*

*В данной статье рассматривается обучение педагогически-психологических и специальных дисциплин в высших технических учебных заведениях на основе интегративного подхода, сущность понятия интеграции дисциплин, факторы влияюшие к основам обеспечения интеграции дисциплин, процесс обеспечения интеграции педагогически-психологических и специальных предметов.*

**Ключевые слова:** *высшее образование, специальные дисциплины, педагогика, интеграция, интегративный подход, обеспечение интеграции, педагогически-психологические дисциплины, процесс обучения.*

*This article discusses teaching pedagogical-psychological and special disciplines in higher technical educational institutions on the basis of an integrative approach, the essence of the concept of integration of disciplines, factors influencing the basics of ensuring the integration of disciplines, the process of ensuring the integration of pedagogical-psychological and special subjects.*

***Key words:****higher education, special disciplines, pedagogy, integration, integrative approach, ensuring integration, pedagogical and psychological disciplines, the learning process.*

Иқтисодий қайта қуриш шароитида меҳнат бозорида маълум касблар ва мутахассисликларга бўлган эҳтиёж доимо ўзгариб туради. Касбий таълим тизими бу ўзгаришларга тезда мослашиши керак. Бунинг учун олий таълимнинг йўналишлари мутахассисликлари классификаторида икки, уч турдош соҳалардан иборат бўлган касблар бўйича ўқитиш кўзда тутилган. Бу ёшларнинг меҳнат бозоридаги касбий ҳаракатчанлигини ва янгиланаётган ишлаб чиқариш шароитларида тезда мослашувини таъминлайди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросим”да, яъни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, — деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Олий таълимнинг вазифаси – етук шахс, малакали мутахассисни шакллантиришдир. Олий таълим битирувчиси учун асосий мезонлардан бири – узлуксиз таълим олиш учун зарур бўлган асосий тушунчаларни ўз ичига олган юқори даражадаги билим, кўникма ва малакага эга бўлишдир. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг ушбу талабларга жавоб беришлари учун талабалар ихтисослик ва мутахассислик фанлари атрофида содир бўлган жараёнларни ўрганишда яхлит ёндашувга асосланишлари керак.

Республикамиз олий таълим муассасаларида касбий-педагогик таълим узвийлиги ҳамда узлуксизлиги, педагогик-психологик фанлар ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш каби ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар мавжуд бўлиб, бугунги узлуксиз таълим талабларидан келиб чиқиб, мазкур масалалар юзасидан йиғилган фикр-мулоҳазаларга илмий-амалий асосланган аниқликлар киритиш ҳамда касбий-педагогик ва техник таълим интеграциясини таъминлашни амалга ошириш фурсати етиб келди.

Интеграциялаш асосларига таъсир этувчи бир қанча қуйидаги асосий омиллар мавжуд:

– фанлар ривожланишининг объектив қонуниятлари;
– илм-фан тараққиётини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини белгилаш;
– давлат таълим стандартлари ва малака талаблари;

https://buxdu.uz



– таълим вазифалари;
– билимлар синтези;
– таълим жараёни ва мазмуни бирлиги;
– ўқув режа ва дастурларининг бир-бирини ўзаро белгилаши;
– моддий техник база;
– педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари.

Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид қатор ҳужжатларида таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири сифатида эътироф этилган. Бевосита шу тамойилга боғлаб олиб борилаётган педагогик тадқиқотларда «изчиллик», «узвийлик» каби тушунчалар ишлатилиб, улар турлича талқин қилинмоқда. Шу ўринда «интеграция» сўзи ҳам “бирлаштириш” деган маънони билдиради. Педагог-психологлар ва олимлар томонидан техник олий таълим муассасаларида таълим жараёнида узвийлик ва фанлараро алоқадорликни таъминлашнинг моҳияти хусусида бир қатор фикрлар айтилган. Жумладан, талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда фанлараро алоқанинг аҳамияти масаласида тўхталиб, қуйидаги фикрлар билдирилган: “Олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим омилларидан бири фанлараро алоқадир. Педагогик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, техник олий таълим муассасаларида ижтимоий фанларнинг ўқитилиш жараёнида мавзулараро, бўлимлараро боғланиш натижасида талабаларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, билимларни пухта ва онгли ўзлаштириш кўникмалари шаклланади, ўспирин маънавий-ахлоқий ҳодисаларни кузатади, хотирада сақлайди, исбот қилади, қиёслайди. Натижада уларда боғланишли нутқ, ижодий тафаккур ривожланади. Талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда фанлараро ёхуд ўқув предметлараро боғланишни амалга ошириш жамият ва ўқув муассасалари талабларини бажаришга ёрдам бериб, таълим-тарбия бирлиги (яхлитлиги)ни таъминлайди”.

Интеграция нафақат субъектлараро муносабатлар нуқтаи назаридан, балки технологиялар, усуллар ва таълим шаклларининг интеграцияси сифатида ҳам эътиборга олиниши керак.

Шунинг учун, мавжуд бўлган таълим фаолиятининг турли хил усулларини бирлаштириш, уларнинг тўғри бирлашиши муҳим аҳамиятга эга. Бу эса муваффақиятга ва тажрибаларнинг натижаларига боғлиқ.

Ўқув предметлараро боғланишнинг педагоглар томонидан тўғри ташкил қилинмаслиги талаба-ёшларни чуқур маълумотли қилиш, эгалланган билим ва тушунчалар асосида ўспиринларда маънавий-ахлоқий дунёқарашни шакллантириш жараёнини мураккаблаштиради.

Узлуксиз таълим тизимининг асосий босқичлари бўлган мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг янги тизими ташкил этилди ва улар учун ўқитувчилар, муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш мазмуни, шакли ва тартибларининг самарадорлиги ошириб борилмоқда.

Юқоридагилардан кўринадики, фан ўқитувчиси биринчи навбатда:

• фан бўйича давлат таълим стандарт (малака талаб)лари ва ўқув дастурларини мукаммал билиши;

• талабалар ўзлаштирган билим ва кўникмаларини амалиётда мустақил қўллашга ўргатиши;

• гуруҳда ва дарсдан ташқари таълим, яъни фан тўгаракларида талабанинг қизиқишига кўра машғулотлар олиб бориши;

• талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялай олиши, уларнинг ҳуқуқларига оид қонунчилик талаблари тўғрисида маълумот бера олиши;

• талабаларни касбга йўллай олиши керак.

Техник олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарида талабалар ўқув фаолияти ва инженер-педагоглар (стажировкаси) таълими учун ўқитувчиларни тайёрлашда узвийликни жорий қилиш фанлар дастурларининг дидактик мослигини ўрнатиш учун асос бўладиган қоидаларни излаб топиш, касбий ўқитишни ташкил этишда узвийликнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, ўқитиш жараёнида ёндош фанлар орасидаги алоқаларни амалга оширишнинг шакллари, усуллари ва услубларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Асосий муаммолардан бири, техник соҳага оид касб-ҳунар таълимида фаолият турлари ва фанлар орасидаги узвийлик тўлиқ таъминланиши орқали, талабаларда касбий билим ва кўникмаларни тармоқ таълим стандартлари ва малака талаблари даражасида тўлиқ ўзлаштиришнинг илмий асосланган тизимини яратишдан иборат.

Касбий фанларнинг хусусий мақсадлари таълим стандартининг умумий мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган бўлиши ва назарий, амалий дарслар ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти

https://buxdu.uz



орасидаги интеграция таъминланиши, таълим олувчиларнинг касбий фаолият турларини мукаммал ўзлаштиришда кенг имкониятлар яратади.

Тадқиқотчилар фан ва таълимдаги янгиликларни ўзлаштириш, педагогик-психологик ва ихтисослик фанлар интеграциясини таъминлаш жараёнида қуйидаги талабларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайдилар:

- жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги – тизимлилик, яъни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизимларида таълим босқичлари алоқадорлиги;
- фанлар блоклариаро узвийлик – умумтаълим фанлар, умумкасбий ва махсус фанларнинг ўзаро узвийлик ва интеграция жараёнлари;
- фанлар блоклари ичидаги узвийлик, яъни таълим жараёнида фанлар мазмуни, ўқитиш методлари ва шакллари, технологияси ва ўқитиш воситаларининг ўзаро боғлиқлиги.

Демак, таълим интеграцияси дейилганда, нафақат билимларни предметлараро боғланиши, балки ўқитиш технологиялари, усул ва шакллари интеграцияси ҳам тушунилади. Ўқув жараёнида самарадорликка эришиш учун интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, ўқув дастурларидаги интеграция (мавзулараро уйғунлик); модуллашган интеграция (турдош ўқув фанларига оид билим ва тушунчаларни тизимлаштирган ҳолда тақдим этиш); интегратив дастурлар (дастурларда бир неча ўқув предмети ёки ўқув фанларига оид мавзуларни уйғунлаштирган ҳолда тақдим этиш); мавзулараро интеграция (айни бир курс доирасида бериладиган ўқув материалларини бошқа бир курс ўқув материали билан уйғунлаштириш); мавзуларни кетма-кет баён этиш асосидаги интеграция (ўқув материалини баён этишдаги концентризм тамойили, яъни олдинги ўқув материалининг кейингисини мазмунан тўлдириши); ахборот технологиялари асосидаги интеграция (ўқув фанларини компьютер технологиялари асосида ўқитиш).

Ушбу таҳлиллар шундан далолат берадики, техник олий таълим муассасаларида педагогик-психологик ва ихтисослик фанларнинг интеграциясини таъминлаш таълим жараёнининг устувор йўналишларидан биридир. Фанлараро интеграция ўқув-билиш жараёни мазмуни, методлари ва шаклини ўзгартириб, таълим олувчиларда билим, кўникма ва малакаларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда шаклланишига хизмат қилади.

Фанлараро алоқалар ва интеграция муаммосининг услубий моҳиятида ўқув жараёни шундай ташкил этиладики, унда бошқа фанларни ўрганиш учун бир фанни ўрганишда эгалланган билим, кўникма ва малакаларнинг фойдаланилиши ўз ўрнига эга бўлади. Демак, фанлараро интеграциянинг асосий масаласи бўлиб, мумкин бўлган алоқаларининг асосий оқимларини аниқловчи таснифи ҳисобланади, яъни ўқитиладиган материаллар, баъзи кўникмалар, илмий усуллар мазмунининг умумийлаштирилганлиги тушунилади.

Фанлараро интеграциянинг имкониятларини, шунингдек, уларни жорий қилиш шаклларини тўлиқ, ҳар томонлама аниқлаш учун бир вақтнинг ўзида уларнинг турли хил жиҳатларини қамраб олиш лозим.

Объектнинг яхлитлик тузилмаси тушунчасини объектнинг барча элементлари ўртасида мавжуд бўлган ва объектни тизим сифатида тавсифловчи алоқаларнинг тўплами сифатида аниқлаб беради. Бир даражали – горизонтал ва кўп даражали – вертикал тузилмалар тушунчасини киритиб, вертикал тузилма деганда, кўргазмалиликнинг турли даражаларида бўлган объектнинг тавсифларини бирлаштирувчи функционал алоқалар тизими тушунилади.

Демак, вертикал узвийлик ва вертикал тузилмаларнинг пайдо бўлиши ўртасида, горизонтал узвийлик ва бир даражали тузилмалар ўртасида ўхшашлик борлиги кузатилади.

Ривожланишнинг қонунияти сифатида узвийлик олдинги босқичларнинг баъзи вазиятларини олий поғонада такрорлашни, юқори даражада бўлмаса-да, эскига ўзига хос қайтишни тавсифлайди. Г.А.Клековкиннинг фикрича, биринчидан, тизимнинг келажакдаги ривожланишини етарли даражадаги ишонч билан олдиндан айтиши ва башорат қилиши мумкин. Иккинчидан, тизимнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишда изланишни унинг пайдо бўлиш тарихи ва олдингисини ўрганишга йўналтиради. Ва ниҳоят, учинчидан, аксинча, тизимнинг ўтмишдаги ҳолатини таҳлил қилишда, унга ривожланишнинг ҳозирги даражасини билган ҳолда ёндашиш зарурлигини кўрсатади. Мазмунни лойиҳалаш, ўқитишнинг мақбул моделларини танлаш ва ўқувчиларнинг ўқиб-ўрганиш фаолиятини самарали бошқаришда айтиб ўтилганларни ўқитишнинг узвийлиги тамойилида яхлитлаштириш мумкин деб ҳисоблайди.

Б.Абдуллаева таъкидлашича, фанлараро алоқадорлик ижтимоий жараён бўлиб, фанларни боғловчи субъектларни уларнинг табиий, ижтимоий ва шахсий мавжудликлар қонуний боғлиқликлари ва амалий омилларига янада чуқурроқ когнитив кириб бориш «доимий» жараёнидир.

https://buxdu.uz



Ўқув жараёнида фанлараро алоқадорликнинг имкониятларини тўғри идрок этишнинг ўзига хослиги шундаки, ўқувчилар ушбу объектларнинг бир-бирига мазмунан боғланишини, бири иккинчисини тўлдиришини, уларни бир-биридан ажратиб ўрганиш мумкин эмаслигини тушунадилар.

Фанлараро алоқадорлик хусусиятларини ўрганишда педагогик ёндашув: ўқитувчи ўқувчиларнинг қайси фанларга кўпроқ қизиқиши, ўқув муассасаси ва ота-оналар орасидаги ўзаро алоқалар, мактаб ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги муносабатларнинг баъзи жиҳатлари педагогик истиқболлар, анъаналар самарадорлиги билан танишади.

Фанлараро алоқадорлик асосида: дидактик идрок этиш жараёнлари асосида ўқитувчи ўрганилаётган ўқув предметининг мақсад ва вазифалари, тузилиши, бошқа ўқув предметлари билан алоқадорлиги, улар ўртасидаги боғланиш воситалари, муносабатлар, коммуникацион дидактик воситалар самарадорлиги билан танишади.

Фанлараро алоқалар муаммосини ҳал этиш ўқув жараёни мазмуни, методлари ва ташкил этишни белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Фанлараро алоқалар билишга диалектик ёндашув асосида татбиқ қилишдир. Қуйида фанлараро алоқалар бевосита ўқув жараёнида, аввало, янги билимларни баён қилишда қандай амалга оширилиши ҳақида сўз боради, бу эса ўқитувчилар ўқув жараёнида амалга оширадиган фанлараро алоқаларнинг субъектив жиҳатидир. Ўқувчилар ўрганадиган фанлар сони кўп бўлиб, асосан, турлича малака ва кўникмалар шакллантирилади. Буларнинг барчасини улар яхлит ўзаро боғлиқ комплекс сифатида идрок этиши керак.

Фанлараро алоқани режалаштиришда биринчи навбатда ёндош фанлар бўйича дастурларда акс эттирилган масалалар кўзда тутилади. Бунда фанлараро алоқалар синхрон, истиқболли ва ретроспектив бўлиши мумкин. Бироқ, фанлараро алоқалар дастурларда ҳамма вақт акс эттирилмаган бўлиши мумкин ва билимлар тизимини ўзлаштириш ва илмий дунёқарашни шакллантириш мақсадларида уларни қайта ишлаш ва ўқитишда махсус киритиш лозим.

Фанлараро алоқаларни амалга оширишнинг услубий усуллари таснифи, услубларни тақсимлашнинг қуйидагиларни ташкил қилувчи умумий тамойилига бўйсунади: фанлараро изланиб ўрганиш фаолиятини; бошқа фанларнинг билимларни қайта ишлаш ва фанлараро муаммоларни ечишга кўмаклашишни; ёрдамчи жараёнларни.

Б.С.Абдуллаеванинг фикрига кўра, фанлараро алоқадорликнинг педагогик вазифаси ҳақидаги фикрларнинг турли хиллиги уларнинг ўқув жараёнида кўп қиррали намоён бўлиши сабаблидир. Бундан ташқари, бунга педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлигини етарлича ҳисобга олмаслик таъсир кўрсатади. Энди фанлараро алоқадорликнинг турларини кўриб чиқайлик, чунки тўғри турларга ажратиш тушунчаларнинг ривожланиш қонуниятларини акс эттириб, улар орасидаги алоқадорликни очиб беради, бу эса алоқадорликларни ўқув жараёнида амалга ошириш учун илмий-амалий шарт-шароитлар яратишга ёрдам беради.

Б.С.Абдуллаева предметнинг ички тузилиши шакл бўлганлиги боис алоқадорлик шаклларини қуйидагича ифодалайди:

1. Таркиби бўйича.
2. Ҳаракатлар бўйича.
3. Йўналтирувчи элементларнинг ўзаро алоқалари усули бўйича.

Фанлараро алоқадорликнинг турларини эса:

1) мазмунли;
2) операцион;
3) методик;
4) ташкилий кабиларга ажратади.

Демак, таълимда узвийлик ва узлуксизлик, интеграция муаммосини тўла ҳал этиш учун нафақат фанлараро, алоқадор таълим босқичлари ва курслараро узвийлик ва узлуксизликка эътибор бериш, фан ва ишлаб чиқариш орасидаги интеграцияни ўрнатиш, ўқитишнинг шакл ва методларида ҳам узвийликни таъминлаш муҳимдир.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, узвийлик ва интегрция кўп қиррали тушуналар бўлиб, таълим ва тарбия жараёнини тадқиқот қилиш ва бошқаришни таъминлайди ҳамда фаннинг мақсадини рўёбга чиқаришга имконият яратади.

Таълимнинг “интеграция” тамойилини ҳам фанлар интеграцияси каби бир неча хил кўринишда кўриб чиқиш мумкин: таълим турлариаро, босқичлараро, фанлараро ва мавзулараро интеграция. Бунда интеграциянинг охирги кўринишларида фанларни ўқитиш услуби, яъни уларнинг мазмунини баён этилиш методига таянган ҳолда турдош фанлар мазмунидан фойдалана билиш, мустақил ишлашга ҳаракат қилиш, шунингдек, услубият ва мазмунан кузатиладиган ўхшашликни қўллашда кузатилади.

https://buxdu.uz



Хулоса қиладиган бўлсак, интеграция – бу таълим турлари орасида, фанлараро ва мавзулараро ўзаро боғлиқлик ва муносабатларни тўғри ўрнатилишини таъминлашдан иборат бўлиб, таълим-тарбия жараёнининг сифатига таъсир кўрсатувчи муҳим тушунча сифатида таълимнинг маълум босқичи, фан ёки мавзуларининг муайян кетма-кетлик ва изчиллигини таъминлаш орқали талабалар билимини чуқурлаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Демак, педагогик-психологик ва ихтисослик фанларининг интеграциясини таъминлаш жараёни кўп қиррали масала бўлиб, таълим ва тарбия жараёнини тадқиқот қилиш ва бошқаришни таъминлайди ҳамда фаннинг мақсадини рўёбга чиқаришга имконият яратади.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори.
2. Тўхтаева З.Ш., Қаноатова Д. Внедрение в практику интеграционных связей между техническими предметами. Учёный XXI века. Международный научный журнал № 6-3 (41), июнь 2018. – С. 41-42.
3. Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликда дидактик жараённинг когнитив тузилиши. №1. Педагогик таълим. Тошкент, 2006. - 34-37 б.
4. Клековкин Г.А. Преемственность в обучении. В поисках теоретических оснований. – Самара, 2000. - С. 328.
5. Тўхтаева З.Ш. Касб-ҳунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш методикаси. П.ф.н. ... диссертацияси. Тошкент, 2012. - 156 б.
6. Ошанин Д.А. Предметное действие и оперативный образ. – М.: Московский психолого-социальный институт // Воронеж: НПО МОДЭК, 1999, - С. 52.



**Саноат ЗОҲИДОВА**

Самарқанд давлат университети
мактабгача таълим педагогикаси
ва психологияси кафедраси доценти,
педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)


# ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ СТРАТЕГИЯЛАРИ ВОСИТАСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШ ТИЗИМИ


*Мазкур мақолада интерфаол таълим стратегиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштириш тизими ёритиб берилган. Интерфаол ўқитишда ўқитувчи ўқув фаолиятниниг фаол ташкилотчиси бўлиб, талаба бу фаолиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади ҳамда интерфаол ўқитиш жараёнида талабалар жисмоний, ижтимоий ҳамда ўрганиладиган таълим мазмуни билан ўзаро муносабатлари муҳим аҳамиятга эга саналади.*



***Таянч сўзлар:*** *интерфаол таълим, стратегия, касбий ижтимоийлаштириш, бўлажак ўқитувчи, шахсий сифатлар, касбий сифатлар.*



*В данной статье описывается система профессиональной социализации будущих учителей с помощью интерактивных стратегий обучения. В интерактивном обучении преподаватель является активным организатором учебной деятельности, субъектом этой деятельности является учащийся, и в процессе интерактивного обучения важное значение имеет взаимодействие учащихся с физическим, социальным и образовательным содержанием.*



***Ключевые слово:****интерактивное обучение, стратегия, профессиональная социализация, личные качества, профессинальные качества.*



*This article describes the system of professional socialization of future teachers using interactive learning strategies. In interactive learning, the teacher is an active organizer of educational activities, the subject of this activity is the student, and in the process of interactive learning, the interaction of students with physical, social and educational content is important.*



***Key words:*** *interactive learning, strategy, professional socialization, personal qualities, professional qualifications.*

https://buxdu.uz



Таълим тизимини модернизациялаш ва уни шахс имкониятларига тўлиқ мослаштиришга кўмаклашувчи замонавий таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири таълим олувчиларда ташаббускорлик, мустақиллик, креативлик сифатларини қарор топтириш ва ривожлантиришдан иборат этиб белгиланган. Шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, мутахассислар тайёрлаш тизимини модернизациялаш, педагогик фаолият самарадорлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири – уларда касбий фаолиятга нисбатан интерфаол ёндашувни ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида бугунги кунда ёшлар билан ишлаш, жамиятда уларнинг шахсий, касбий ва ижтимоий фаолликларини ошириш масаласи хусусида тўхталиб, бу борада “...ёшлар аудиторияси билан иш олиб боришда интерактив усуллар қўлланмаётганини қайд этиш лозим”лигига алоҳида эътибор бериб ўтди [12].

Дарҳақиқат, жамият ва фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида таълим-тарбия жараёни, унинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари, мутахассислар тайёрлаш жараёнига таъсирини таҳлил этганда, бўлажак ўқитувчиларда креатив фаолиятга бўлган эҳтиёж қуйидагилар билан белгиланишини аниқладик:

Биринчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таълим тизими, методологияси ва ўқув жараёни технологиясини тубдан янгилашни талаб қилади. Бундай шароитда ўқитувчининг фаолияти педагогик янгиликлар яратиш, илғор тажрибаларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини эгаллашдан иборат. Бу эса, ўз-ўзидан бўлажак педагогларда креатив қобилятларини ривожлантириш зарурлиятини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, таълим мазмунини инсонпарварлаштириш ўқитишнинг янги ташкилий шакллари, технологияларини излаш, яъни таълимга инновациялар киритишни тақозо қилади. Таълим жараёнига инновациялар киришининг муҳим шартларидан бири эса, ўқитувчининг инновацион тайёргарлиги, ижодкорлиги ва креатив фаоллиги билан тавсифланади.

Учинчидан, педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни амалиётга татбиқ этишга нисбатан бўлажак ўқитувчиларда фаол майлларни ривожлантириш кабилар тадқиқот муаммосининг ижтимоий, педагогик-психологик жиҳатдан долзарблигини ифодалайди.

Кўриниб турибдики, талабаларда креатив қобилиятларни ривожлантиришнинг зарурлиги ўзаро фаол муносабатлар таъсирида ривожланадиган кўникмаларни шакллантириш имконини беради. Бу эса олий таълим муассасаларидаги таълим муҳити, ўқитиш шарт-шароитлари ва методларининг интерфаол характер касб этишини таъминлашни талаб қилади.

Бугунги кунда ўқитувчининг шахсияти ва фаолиятига бўлган талаблар билан олий таълим муассасалари битирувчиларининг тайёргарлик даражалари орасида сезиларли зиддиятлар кузатилмоқда. Шу билан бир қаторда ўқитувчилар тайёрлашнинг мавжуд тизими билан бўлажак ўқитувчи фаолиятининг касбий-ижодий тавсифи орасида ҳам номутаносибликлар кузатилмоқда. Бунинг натижасида ўқитувчилар билан таълим олувчилар орасида тўсиқлар ва бўшлиқ вужудга келди, ўқитувчининг таълим жараёнидаги якка ҳукмронлиги қарор топди. Шу билан бир қаторда, улар аксарият ҳолларда асосан ўқув дастурлари ва дарсликларга боғланиб қолдилар, уларнинг креатив фаолиятларини ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмади. Бу эса, ўз навбатида, ўқитувчилик касбининг ижтимоий мавқеи ва обрўсига путур етказди. Чунки бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш тизими жамият эҳтиёжлари ва унинг ўткир муаммоларидан узоқлашган эди. Шу нуқтаи назардан, эркин ва шахсга йўналтирилган интерфаол таълим муҳитини шакллантириш, бугунги кунда педагогик тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида баҳоланмоқда.

Сўнгги йилларда педагогик-психологик тадқиқотларнинг асосий йўналиши сифатида таълимни инсонпарварлаштириш, шахсга йўналтирилган таълим, ўқитишни индивидуаллаштириш, таълим шаклларини оптималлаштириш, таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш, бу жараёндаги ўқитувчининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш масаласига алоҳида урғу берилмоқда.

Интерфаол таълим – бўлажак мутахассислардаги касбий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг энг самарали шаклларидан саналиб, унда талабаларда креатив қобилиятларни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган шахс мустақиллиги таъминланади ва ривожлантирилади.

Тадқиқотчилар Т.С.Банина ва Л.Н.Вавиловалар интерфаол таълимнинг самарали жиҳатларини қуйидагича баҳолайдилар:

1. Интерфаол таълим талабалардаги билиш жараёнларини фаоллаштириш, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни аниқ вазиятларда қўллаш олиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий изланиш имконини беради.

https://buxdu.uz



2. Интерфаол таълим методлари ва технологиялари – таълим олувчилардаги мотивацияни, ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш кўникмаларини, тадқиқотчилик фаоллиги, креатив фикрлаш кўникмасини ривожлантиради.

3. Интерфаол таълим муҳити таълим олувчиларда муаммоларни кўра билиш, таҳлили қилиш, фаол ҳаётий позицяни шакллантириш, толерантлик, ўзгалар фикрига ҳурмат, жамоадаги ҳамкорлик, ҳаётий қадриятларини ривожлантиришга қулай шарт-шароитларни яратади[27].

Таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш масаласи турли даврларда турли муаллифлар томонидан ўрганилган, илмий-назарий жиҳатдан асосланган. Бунда ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларини ўзгартириш, уларни таълим олувчининг индивидул хусусиятларига мослаштириш, таълимни махсус психологик-дидактик шароитларини яратиш масалалари алоҳида ўрганилган.

Бизга маълумки, "интерфаол" сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, "interactive" – биргаликдаги ўзаро ҳаракат деган маънони англатади. Интерфаоллик муайян тартибда ким биландир ўзаро муносабатга киришиш, мулоқот ўрнатишни ифодалайди. Шунинг учун ҳам интерфаол ўқитиш биринчи навбатда диалогга асосланган ўқув жараёнини англатади.

Интерфаол ўқитишда ўқитувчи ўқув фаолиятнининг фаол ташкилотчиси бўлиб, талаба бу фаолиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

Таълим жараёнида интерфаол методларни қўллаш ғояси XIV асрда илмий жиҳатдан асосланган бўлсада, ўтган XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб таълим жараёнига кириб келди ва илғор ўқитувчилар томонидан қўлланила бошланди.

Таълим жараёнини жуфт-жуфт ёки гуруҳли тарзда ўқитиш асосида ташкил этиш ғояси XII асрда илгари сурилган бўлиб, ўтган XX асрнинг охирларида ушбу ғоя негизида қуйидаги: билим-тажриба-таълим олувчи моделининг шаклланишига асос бўлди. Бу модел моҳиятини ёритувчи таълим парадигмаси гуруҳли ўқитиш тарзида номланиб, у таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти доирасида ўз-ўзини англаш, вақтнинг самарали ўтишига эришиш, тескари алоқа сифати ва миқдорини орттириш, дидактик материаллар сифатини яхшилаш, ўз-ўзини бошқариш тизимини кенгайтириш, ривожлантирувчи таълим парадигмасини татбиқ этиш, янги курслар мазмунини лойиҳалаштириш, ўқув режасини такомиллаштириш, таълим жараёни субъектларининг ўқув имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, улар фаолиятини баҳолашда қулай воситалардан фойдаланишга хизмат қилади.

Интерфаол ўқитишнинг характерли жиҳатлари нимада кўрнади? деган саволга жавоб излайдиган бўлсак, бу тизимда профессор-ўқитувчи билан талабанинг мунтазам тарзда амалга ошириладиган биргаликдаги фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. Чунки ҳар бир талабанинг ўзига хос имкониятлари ва эҳтиёжлари мавжуд.

Интерфаол ўқитиш жараёнида талабалар жисмоний, ижтимоий ҳамда ўрганиладиган таълим мазмуни билан ўзаро муносабатга киришадилар. Ушбу ҳар уччала фаоллик кўринишлари ранг-баранг шаклларда таълим жараёнида иштирок этади. Жумладан: жисмоний – талабаларнинг иш ўринларини ўзгартирадилар, бошқа жойга ўтирадилар, мулоқотга киришадилар, ёзадилар, тинглайдилар, чизадилар, ижодий фаолият кўрсатадилар;ижтимоий – саволлар берадилар, жавоблар қайтарадилар, ўзаро фикр алмашадилар; билиш – профессор-ўқитувчилар баён этган фикрларга ўзгартиришлар киритадилар, уни тўлдирадилар, ўзлари мустақил тарзда муаммоларга ечим топадилар, касбий тажриба манбаи сифатида намоён бўладилар.

Интерфаол ўқитиш жараёнининг таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ўқув фанининг мазмуни;таълимий таъсирнинг шакллантирилиши;талабаларнинг ўқув фаолияти;талабалар ўқув фаолиятининг назорати;талабалар ўқув фаолияти натижаларининг баҳоси;тескари алоқа кабилар.

Мазкур тизимнинг таркибий қисмлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Улар бир-биридан мустақил тарзда мавжуд бўла олмайди. Шунинг учун ҳам интерфаол ўқитишнинг барча таркибий қисмлари ўзаро алоқадорликда таҳлил этилиши керак.

Талабаларга нисбатан таъсирнинг шаклланиши муайян ўқув фани доирасидаги назарий материалар билан мувофиқ тарзда амалга оширилади. Таълимий таъсир янги ўқув материалининг баёни ёрдамида вужудга келади. Бунда амалий топшириқлар, машқлар, мисоллар, методик кўрсатмалар, йўл-йўриқлар, тушунтиришлар, ўрганилаётган материаллардан олинган лавҳаларнинг намойиши катта аҳамиятга эга.

Талабаларнинг ўқув фаолияти уларнинг ўқув материалларини идрок этишлари, эслашлари, улар устида фикрлашлари, ўз билимларини амалий фаолиятларида қўллашлари жараёнида мустаҳкамланади.

https://buxdu.uz



Интерфаол ўқитиш жараёнининг ўзига хос фарқли жиҳати бу тизимда талабаларнинг ўқув фаолияти ўз-ўзидан назорат қилинишидадир. Назоратнинг натижалари талабалар билим даражасини баҳолашда ҳисобга олинади. Шу асосда тескари алоқа орқали навбатдаги ўқув фаолиятининг самарали амалга ошишига таъсир кўрсатилади. Шу тариқа интерфаол ўқитишнинг бошқа бир фарқли жиҳати муайян ўқув фаолияти жараёнидаги тескари алоқа орқали талабалар фаолиятига тезкорлик билан тузатишлар киритиш имкониятининг мавжудлигида ўз ифодасини топади. Бу, биринчи навбатда, аниқ бир талабанинг билим даражаси, у йўл қўйган хатолар, унинг эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ.

Маълумки, анъанавий таълим жараёнида профессор-ўқитувчиларда ҳар бир талабанинг билиш даражаларини назорат қилиш имконияти мавжуд эмас эди. Интерфаол ўқитиш жараёни эса профессор-ўқитувчиларга талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини тезкор бошқариш имконини беради.

Интерфаол ўқитиш жараёнида анъанавий авторитар услуб ўзгаради. Бунинг натижасида профессор-ўқитувчилар маслаҳатчи мавқеини эгаллайдилар. Бу жараённинг вазифалари эса талабаларнинг ўз-ўзларини намоён қилишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, таълим олувчиларнинг ташаббус кўрсатишлари учун кенг йўл очиш, муаммоларни мустақил ечишларига имконият бериш, янги маълумотларни тўплашлари учун зарур моддий-техник базани вужудга келтиришдан иборат.

Интерфаол ўқитиш жараёнига мувофиқ келадиган технологияларни қўллаш орқали ҳам талабаларни креатив фаолликка ундаш, ўқитиш жараёнида ташкилий, мазмун билан боғлиқ, жараёнли, йўналтирувчи ҳолатларини ажратиш мумкин. Бундай ҳолатларнинг ҳар бир муайян ғояларга мувофиқ келади. Ўқув жараёнининг дастлабки жиҳатини мазмунга асосланган умумлашмалар, ўқув материалларини мувофиқлаштириш, ўқув фанларини интеграциялаш, дидактик бирликларни мустаҳкамлаш кабилар ташкил этади.

Интерфаол ўқитиш методларнинг яна бир ўзига хос хусусиятларининг тавсифи талабаларнинг ўзаро муносабатларида хайрихоҳлик, бирдамлик, ҳиссий-маънавий умумийликни вужудга келтириш билан тавсифланади. Бунда интерфаол методларни қўллаш натижасида таълим олувчилар идрок этиш жараёнининг тенг ҳуқуқли иштирокчилари сифатида намоён бўлиб, уларнинг тажрибаси ўқув-билув фаолиятининг манбаи сифатида хизмат қилади. Бу жараёнда профессор-ўқитувчилар талабаларга тайёр билимларни тақдим этмайдилар, балки уларни мустақил изланишга ундайдилар. Анъанавий ўқитишдан фарқли тарзда интерфаол ўқитиш жараёнида талабалар билан профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатлари ўзгаради. Жумладан, профессор-ўқитувчининг фаоллиги талабалар фаоллиги билан ўрин алмашади. Педагогларнинг вазифаси эса талабаларни ташаббускорликка ундашдан иборат бўлади. Профессор-ўқитувчилар талабаларга маълумотларни тақдим этувчи субъект ва уларга кўмаклашувчи маслаҳатгўй вазифасини бажарадилар. Шу ўринда интерактив методлар умумийлик характерига эгами? деган савол туғилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, интерактив ўқитиш методлари ҳеч қачон маъруза машғулотлари ўрнини боса олмайди. Бироқ улар маъруза материалларини муваффақиятли ўзлаштириш учун имконият яратиб, бу жараёнда талабаларда фикр, муносабат, хулқ-атвор кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, ўқитишнинг интерфаол методлари таълим жараёни самарадорлигини оширишда ўзига хос қуйидаги устувор жиҳатларга эга: талабаларда ўқув жараёнига нисбатан қизиқиш уйғотади; ҳар бир талабанинг ўқув жараёнидаги фаол иштирокини рағбатлантиради; ҳар бир талабанинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатади; талабаларнинг ўқув материалларини самарали ўзлаштиришлари учун имконият яратади; талабаларга кўп томонлама таъсир кўрсатади; тескари алоқани амалга ошириш имконини беради; талабаларда фикрлар, муносабатлар, креатив фаолият тажрибаларини шаклантиради; талабаларда ҳаётий-касбий кўникмаларни шакллантиради; талабалар хулқ-атворининг ўзгариши учун қулайлик яратади.

Интерфаол жараёнида талабалар ўз имкониятларини тўлалигича намоён эта оладилар. Улар ўзаро ахборотлар алмашадилар, мулоқотга киришадилар, қадриятли йўналишларини бойитиш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол ўқитиш жараёнида талалбалар ўзаро ҳамкорлик жараёнининг тенг ҳуқуқли субъектлари сифатида намоён бўладилар.

Интерфаол ўқитиш жараёнида талабалар мустақил ривожланиш субъектлари сифатида фаоллик кўрсатадилар. Талабалар янги ахборотларга нисбатан шахсий муносабатларини билдириб, касбий тажрибаларини бойитишга мувафақ бўладилар. Масалан, талабаларда креативликни ривожлантиришга йўналтирилган методларни қўллаш жараёнида буни яққол кўриш мумкин. Ўз касбий тажрибаларини ошириш жараёнида талабаларнинг ички қувватлари намоён бўлди.

Интерфаол ўқитиш жараёни субъектларнинг тенг ҳуқуқли диалоглари асосида ташкил топади. Шунинг учун ҳам интерфаол ўқитиш жараёнида фаолият шаклларини қўллашда кенг кўламли

https://buxdu.uz



импровизация учун йўл очилади. Интерфаол ўқитиш жараёнида талабаларда креативликни ривожлантириш учун қулай педагогик муҳит вужудга келади. Ҳар бир талабанинг ички қувватлари рўёбга чиқишида гуруҳдаги барча талабалар муҳим ўрин эгаллайдилар. Шунинг учун ҳам интерактив ўқитиш жараёнида жамоавий ўқув жараёнининг асосий принциплари ва таркибий қисмлари яққол намоён бўлади.

Интерфаол ўқитиш жараёни ўзида ҳар қандай усуллар, йўллар, уларни ишлаб чиқиш методлари, ўқув жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш механизмларини мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам мазкур жараён қуйидаги дидактик талабларга жавоб бериши керак:

а) интерфаол таълим жараёнини ташкил этиш ҳамда унинг сифатини текшириш ва назорат қилишда талабаларнинг тавсифномалари, талаблари, эҳтиёжлари, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;

б) интерфаол ўқув жараёнининг барча босқичларини амалга оширишда талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш;

в) талабаларнинг ўзлари учун зарур бўлган касбий компетенцияларни эгаллашларидаги фаолликлари, ташаббускорликлари, ижодкорликлари, яратувчиликларини таъминлаш;

г) интерфаол ўқитиш жараёнини бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятига имкон қадар яқинлаштириш;

д) интерфаол ўқув жараёни натижаларини амалиётга татбиқ этиш орқали талабаларнинг истиқболдаги касбий фаолиятини ривожлантириш;

е) талабаларнинг касбий-педагогик фаолият соҳасига хос бўлган компетенцияларни эгаллаш ва ўзларини мустақил ривожлантиришларини таъминлаш кабилар.

Кўплаб илмий манбаларни таҳлил қилиш натижасида биз касбий-педагогик таълим жараёнида амалга ошириладиган интерфаолўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Ўқитишнинг интерфаол методлари ва технологиялари талабаларнинг таълимий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади. Жумладан:

1. Интерфаол ўқитиш жараёнининг мазмуни бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билимларни эгаллаш эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиши лозим. бунда талабаларнинг шахсий қувватлари, нуқтаи назарлари, билим даражаларини аниқ ҳисобга олиш талаб этилади.
2. Интерфаол ўқитиш жараёнида талабалар ўз кучларига нисбатан қўшимча ишонч ҳосил қилиб, умуминсоний қадриятларни ўзлаштириб, ўз ўқув фаоляитлари учун масъулият ҳиссига эга бўладилар.
3. Тренинглар, ишчан ўйинлар ёрдамида талабалар мунтазам тарзда ўз мавқеларини аниқлашга муваффақ бўладилар. Чунки жамоавий иш шакли мунтазам тарзда ўз мавқеини аниқлаш, ўз нуқтаи назарларини қатъият билан ҳимоя қилишни талаб этади. Бунинг натижасида гуруҳ аъзолари билан келишган ҳолда умумий ечимлар қабул қилинади ҳамда талабаларда яхлит команда бўлиб ишлаш, бу жараёнда ўз қобилиятларини намоён қилиш кўникмалари шакллантирилади.
4. Интерфаол ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўзлари мустақил тарзда креатив қобилиятларини намоён қиладилар, фаол тарзда касбий сифатларни ўзлаштирадилар.
5. Талабалар ўзлари ўзлаштирган билимларни ва касбий сифатларни истиқболдаги фаолиятларида қўллаш кўникмаларини изчил тарзда эгаллайдилар.
6. Интерфаол ўқитиш жараёнида вужудга келтириладиган хайриҳохлик муҳити, ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорлик талабаларнинг ижодий юксалишлари учун қулай имконият яратиб, уларнинг креатвив қобилиятларини мунтазам ривожлантиришга асос бўлади.

Интерфаол ўқитиш жараёни талабалар фаолиятини таълимнинг турли йўналишлари бўйича ташкил этиш имконини беради. Жумладан:

- ташкилий йўналиш: интерфаол машғулотлар, тренинглар, мунозаралар, ишчан ўйинлар, матбуот конференцияларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- фаолиятли йўналиш: муаммолар устида ишлашнинг индивидуал усулларини аниқлаш, талабалар ҳаракатларининг жадвалини тузиш, талабаларнинг мустақил фаолиятларини йўлга қўйиш;
- рефлексия, яъни таҳлилий йўналиш: хатоларни таҳлил қилиш, режалар ва ҳаракатларга тузатишлар киритиш кабилар.

Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, интерфаол ўқитиш талабалар билиш фаолиятини ташил этиш ва ривожлантиришнинг махсус шаклидир. Билиш жараёнида талабаларнинг биргаликдаги фаолиятлари уларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшишларига имконият яратади. Улар бир-бирлари билан ўзаро билимлар, ғоялар, ҳаракат усулларини айрибошлайдилар. Бундай ўқув ҳаракатлари ўзаро хайрихоҳлик муҳитида амалга

https://buxdu.uz



оширилиб, талабаларнинг янги билимларни ўзлаштиришлари учун қулай педагогик вазиятни вужудга келтиради. Натижада улар ўзларининг мулоқот кўникмаларин ривожлантиришга муваффақ бўладилар. Мулоқот кўникмалари сирасига крусдошлари ёки гуруҳдошларининг фикрларини тинглай олиш, турли нуқтаи назарларни ўзаро қиёслаш ва баҳолаш, мунозараларда иштирок этиш, муаммоларга биргаликда ечимлар топиш кабиларни киритиш мумкин. Улар жамоада ишлаш кўникмасини эгаллайдилар, шу билан бирга ўқитиш жараёнида ҳимояланганлик ҳиссини туйиб, ўзаро бир-бирларини тушунадилар ва шахсий муваффақиятга эришиш имкониятига эга бўладилар.

Хулоса, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, интерфаол ўқитиш жараёни профессор-ўқитувчилардан ҳам зарурий педагогик, методик, психологик билим, кўникма ва малакаларни талаб этади. Бундай тайёргарликка эга бўлиш орқали профессор-ўқитувчилар машғулот учун қулай бўлган интерфаол жараённи ташкил этишга муваффақ бўладилар.

Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида, интерфаол ўқитиш методлари қуйидагиларни таъминлашга хизмат қилади:

- юқори даражадаги касбий майлларни ҳосил қилади;
- билимларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди;
- талабаларда ижодкорлик ва хаёлни шакллантиради;
- талабаларнинг мулоқотга киришувчанлигини шакллантиради;
- талабаларнинг фаол ҳаётий-касбий мавқени эгаллашларига кўмаклашади;
- талабалар орасида жамоавийлик руҳини вужудга келтиради;
- талабаларнинг ўзига хосликларини қадрлашларига замин ҳозирлайди;
- талабаларнинг ўзларини эркин тарзда намоён қилишларига хизмат қилади;
- талабаларда ўз касбий фаолиятларига урғу бериш кўникмасини таркиб топтиради;
- талабаларда ўзаро ҳурмат ҳиссини қарор топтиради;
- талабалар билан профессор-ўқитувчилар орасида демократик муносабатларни шакллантиради.

Бу эса ўз навбатида талабаларни касбий билимлари ва компетенцияларини мунтазам ривожлантиришга, бўлажак касбий фаолиятга оид ностандарт вазиятларни моделлаштиришга, талабаларни педагогик жараённинг фаол субъекти сифатида идрок этишига, ҳар бир ҳаракати ва қарори учун масъулиятни ҳис этиш ва муваффақият қозонишга ўргатади.

## Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. «Жисмоний ва маънавий етук ёшлар — эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир» деб номланган Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2017 йил 30 июнь.

2. Банина Т. С., Вавилова Л. Н. Современные способы активизации обучения. — М.: Академия, 2008. – 176 с.

https://buxdu.uz



# FILOLOGIYA VA TILLARNI O‘QITISH

**Рустам ЙЎЛДОШЕВ**

## МАХСУС ШАКЛЛАНТИРИЛГАН ОРФОЭПИЯ ҚОИДАЛАРНИ ЎРГАТАЙЛИК

*Мақолада орфоэпия меъёрларини талаффуз қоидаси саналмаслик ҳолатлари тушунтирилади, ноаниқ изоҳларга мисоллар келтирилади, шулардан келиб чиқиб талаффуз қоидалари қандай бўлиши зарур эканлиги ҳақида хулоса чиқарилиб, айрим намуналар берилади.*

***Калит сўзлар:** она тили дарслари, дарслик, орфоэпия меъёри, талаффуз қоидаси, қоида эмаслик, ноаниқлик, намуналар.*

*В статье разъясняются случаи не перечисления правил произношения норм орфоэпии, приводятся примеры неоднозначных толкований, из которых необходимо сделать выводы о том, какими должны быть правила произношения, и приводятся некоторые примеры.*

***Ключевые слова:** уроки родного языка, учебник, норма орфоэпии, правило произношения, ненормативность, неопределенность, примеры.*

*The article explains the cases do not enumerate the rules of pronunciation norms orchepia examples of ambiguous interpretations from which draws conclusions about what should be the rules of pronunciation, and lists some examples.*

***Key words:** lessons of the native language, tutorial, norms of orchepia, the rule of pronunciation, developing by uncertainty, examples.*

Нутқ маданиятини ривожлантириш долзарб бўлиб турган бугунги кунда талаффузда орфоэпия меъёрларига амал қилиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Сўз ва сўз шакллари қандай талаффуз қилинмасин, уларнинг маъноси англанаверади. Лекин тингловчи сўзловчининг адабий тилда гапирмаётганлигига эътибор берар экан, унинг нутқ маданиятида нуқсонлар борлигини кўнглига туйиб қўяди. Дарҳақиқат, сўзлашув нутқи турлича намоён этилиши мумкин:

1) адабий тилнинг орфоэпия қоидаларига мос равишда;
2) шева таъсирида;
3) китобий нутқ таъсирида (орфографик талаффуз).

Адабий тилнинг орфоэпия қоидаларига мос равишда сўзланган нутқ маданиятлилик белгиси саналади. Китобий нутқ таъсирида сўзловчилар, одатда, орфоэпия қоидаларидан бехабар бўладилар. Гапираётган одам ўзи яшаб турган шева вакиллари орасида ўша шевада гапиради. Сўзловчи зиёли бўлса, у шева вакиллари орасида ҳам кўпинча адабий тилда гапиришга ҳаракат қилади. Шевада ҳам талаффузи жиҳатдан адабий тилнинг орфоэпия меъёрларига мос келадиган сўзлар, сўз шаклларининг кўплиги инобатга олинса, бу интилиш маълум бир қийинчиликларни енгиб ўтиш учун имкон беради.

Бугунги кунда зиёлилар нутқида ҳам орфорафик талаффуз учраб туради. Масалан, «мен ҳам» (менам ўрнига), «у ҳам» (уям ўрнига), «тоғга» (тоққа ўрнига), «кетди» (кетти ўрнига) ва ҳ. Бундай талаффузнинг мактабдаги таълим билан боғлиқлик томонлари ҳам бор. Чунончи, 5–9-синф «Она тили» дарсликлари таҳлилидан маълум бўлишича, мактабда махсус шакллантирилган орфоэпия қоидалари деярли ўрганилаётгани йўқ. Диктант, баён чоғида ҳам ўқитувчи ёзма ишда хато кам бўлсин учун кўпинча орфографик ўқиш усулини қўллайди.

5-синф «Она тили» дарслигида (120-дарс) таъкидланишича, «Og'zaki nutqda bir necha xil talaffuz qilinuvchi tovush, ' qo‘shimcha va so‘zlardan adabiy tilga qabul qilingan bittasi to‘g‘ri talaffuz me’yori sanaladi...

To‘g‘ri talaffuz me’yorlarini o‘rganuvchi tilshunoslik bo‘limiga orfoepiya (yunoncha: *orfo* - «to‘g‘ri», *epos* -«so‘zlamoq», «nutq») deyiladi».

Дарсликда *орфоэпия* тушунчаси тушунарли қилиб баён этилган. Агар орфоэпия ўрганиладиган бўлса, у ҳолда талаффуз меъёрлари (қоидалари) берилиши керак. Лекин дарсликлардаги талаффуз ҳақидаги гапларни меъёр (қоида) деб қабул қилиш қийин. Уларда асосан имло қоидалари қайд этилган. Ушбу қоидалар «бундай талаффуз қилинса-да, мана бундай

https://buxdu.uz



ёзилади», мазмунида таърифланган. Бунинг устига айрим имло қоидаларида талаффуз мужмал кўрсатилган. Масалан:

*К* ва *қ* ундошлари билан тугаган отларга эгалик қўшимчалари қўшилганда, қандай эшитилса, ўшандай ёзилади, яъни баъзан *к* ундоши *г* товушига, *қ* ундоши *ғ* товушига ўзгаради.

Товушнинг қандай эшитилиши талаффуз қоидаси бўла олмайди, албатта.

Дарсликлардаги назарий маълумотларда акс этган талаффуз меъёрларида уч хил ҳолат мавжуд:

1) қоидага яқин тушунтиришлар;

2) қоидаликка яқин келмайдиган тушунтиришлар;

3) қоидаликка яқин келмайдиган, бунинг устига мужмал, ноаниқ тушунтиришлар

Дарсликларда қоидага яқин тушунтиришлар кўп. Масалан, қуйидаги таъриф қоида ўрнида қабул қилиниши мумкин:

*Рост (рос), ғишт (ғиш)* каби сўзларнинг охиридаги товуш талаффузда тушиб қолади, аммо улар ёзувда сақланади. *Оид, шоир* сўзларида эса икки унли орасида талаффузда *й* ундоши орттирилади, лекин ёзувда асл ҳолати сақланади.

Қуйидаги қоидалар аниқлаштиришга муҳтож:

Қатор келган унлили сўзлар бошқа тиллардан кириб келганлиги туфайли бундай сўзлардаги қатор унлиларни оғзаки нутқда ё бир чўзиқ унлига айлантириш (масалан, *муаллим - малим)* ёки қатор келган унлилар ўртасига айрим ундошларни қўшиш йўли билан тилимизга мослаштиришга ҳаракат қилинади. Масалан: *соат* сўзи Фарғонада *соҳат,* Тошкентда *соғат* тарзида талаффуз қилинади.

Бу ерда адабий тилга хос орфоэпик меъёр ўз аксини топмаган: шевадаги талаффуз кўрсатилган, холос.

Бизнингча, дарсликдаги орфоэпик қоидада ё ундай, ёки бундай талаффуз қилинади, деган ноаниқлик ҳам бўлмаслиги лозим: қайси сўзларда ундай, қайсиларида бундай айтилиши аниқ чегараланиши зарур.

Унлилар талаффузига доир қуйидаги тушунтириш қоидаликка яқин, лекин қоида эмас:

Икки бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида лаблашган *у* унлиси таъсирида иккинчи бўғиндаги *и* унлиси *у* ҳолида талаффуз қилинса ҳам, ёзувда *и* ёзилади. Шундай ёзилиши билан иккинчи бўғинида *у* ёзиладиган отлардан фарқланади.

Биринчи бўғинида у келиб, иккинчи бўғинида и ёзиладиган сўзларда шу иккинчи бўғин шакл ҳосил қилувчи қўшимча ҳисобланади, яъни ўзак-негизга қўшимча қўшилган бўлади. Туб сўз саналмиш отларда эса биринчи бўғинида у келганда иккинчи бўғинида ҳам у айтилади ва ёзилади. Кўринадики, қоидада икки хил тил ҳодисаси ноўрин бирлаштирилган.

Қуйидаги қоида ҳам талаффуз меъёри жиҳатидан ўта ноаниқ:

*Ғ* ундоши билан тугаган сўзларга жўналиш келишиги қўшимчаси қўшилганда ўзак ва қўшимча қандай айтилишидан қатъи назар ўзгармайди. Масалан: *бугга, боғга.*

Бу ерда сўз шаклининг қандай айтилиши ҳам, қандай ёзилиши кераклиги ҳам номаълум.

Сўз охирида *г* ва *к* ҳамда *ғ* ва *қ* товушлари ўртасида мавжуд бўлган жарангли-жарангсизлик белгиси бўйича фарқланиш йўқолиб, икки ундош бир хил *к* ва *қ* ҳолида талаффуз қилинса ҳам, ёзувда *г* ва *к, қ* ва *ғ* ҳарфлари орқали ёзилади.

Ушбу қоидада ҳам орфоэпик меъёр нуқтаи назаридан ноаниқлик кучли.

Аён бўлишича, аксарият қоидаларда орфоэпия меъёри шаклланмаган. Ўқувчилар улардан қандай талаффуз қилиш зарурлиги ҳақида узил-кесил хулосага эга бўлмайдилар. Улар имло қоидасинпи ўзлаштирадилар, холос. Бошқача айтганда, баъзан юз берадиган товуш ўзгаришлари имло қоидасини англаш ва унга амал қилиш учун зарурият сифатида тилга олинади.

Айрим имло қоидаларида фақат қандай ёзиш кераклиги ўз аксини топади. Масалан: *Мен, сен* кишилик олмошларига қаратқич ва тушум келишиги қўшимчалари ҳамда *-ники* қўшимчаси қўшилса, бир *н* ундоши тушиб қолади: *Мен+нинг-менинг, сен+ники- сеники.*

Бундай қоида сўз шаклини қандай талаффуз қилиш керак, деган саволга ўрин қолдиради, жавоб шарт ҳам эмас.

Орфоэпия қоидасининг қандайлигидан қатъи назар 5–9-синф она тили дарсликларида берилишига кўра қуйидаги каби талаффуз меъёрлари тилга олинади: К ва қ ундошлари билан тугаган отларга эгалик қўшимчалари қўшилганда, к→г, қ→ғ тарзидаги ўзгаришлар юз беради.

Хуллас, қоидада тил ҳодисаларининг қандай айтилиши зарурлиги акс этиши лозим; шунингдек, изоҳда *баъзан* сўзи эмас, асосан қандай талаффуз қилиниши кераклиги таъкидланмоғи даркор. Товуш ўзгармайдиган ҳолатлар эса мустаснолик сифатида кўрсатилиши тўғри бўлади.

Бизнингча, аввал имло қоидаси берилиб, кейин талаффуз қоидаси ҳақида гапирилгани маъқул. Қуйида шундай тушунтиришларга намуналар келтирамиз.

https://buxdu.uz



| Имло қоидаларига кўра | Талаффуз қоидаларига кўра |
|---|---|
| Жўналиш келишиги қўшимчаси ҳамма вақт -га шаклида ёзилади (сўз қ, к, ғ ундошлари билан тугуган ҳолатлар бундан мустасно).<br><br>Қ ундошидан кейин -қа ёзилади.<br>К ундошидан кейин -ка ёзилади.<br>Ғ ундошидан кейин -га ёзилади: тоғга, боғга каби. | Ушбу қўшимча унли товушлардан, жарангли ундошлардан кейин -га айтилади: овга, тузга каби.<br>Жарангсиз ундошлардан кейин -ка айтилади: туска, каби.<br>Қ ундошидан кейин -қа айтилади,<br>К ундошидан кейин -ка айтилади,<br>Ғ ундошидан кейин -қа айтилади: тоғ → тоққа, боғ → боққа каби. |
| Ўрин-пайт келишиги қўшимчаси ҳамма вақт -да деб ёзилади. | Унли товушлардан, жарангли ундошлардан кейин -да айтилади.<br>Жарангсиз ундошлардан кейин -ка айтилади: туста, шкафта каби. |
| Чиқиш келишиги қўшимчаси ҳамма вақт -дан шаклида ёзилади. | Ушбу қўшимча унли товушлардан, жарангли ундошлардан кейин -дан айтилади.<br>Жарангсиз ундошлардан кейин -тан айтилади: тустан, шкафтан каби |
| Ҳозирги замон давом феълининг -яп қўшимчаси унли ва ундош билан тугаган феъл асосларига аслича қўшилади. | Ушбу қўшимча унли билан тугаган феъл асосларида –яп, ундош билан битган асосларга -аяп тарзида талаффуз қилинади. |

**Шоҳида ЮСУПОВА**
Андижон давлат университети
ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси профессори,
педагогика фанлари доктори

# ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШДА ФАЛСАФИЙ ҚОНУНИЯТЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ: МИҚДОР ВА СИФАТ ҲОДИСАСИ

*Мақолада ўқувчилар тафаккурининг воқеланиши улар нутқининг ривожланиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам тил тафаккурнинг моддийлашуви ҳақида сўз юритилган. Тафаккури ривожланган ўқувчи фикрини изчил баён этади, маълум масала бўйича кенг мушоҳада қилади, тўғри ҳукм чиқаради, шароитга кўра ўз қарашларини баён қилади, асосли равишда баҳсга киришади. Ана шу мақсадга эришиш учун ўзбек тили фанини фалсафа фани билан боғлаб ўқитиш эътиборга лойиқдир.*

***Калит сўзлар:** ўқувчи, тафакуур, қонуният, мантиқий фикрлаш, адабий тил.*

*В статье рассказывается о том, как читательское мышление связано с развитием речи. Поэтому речь идет о материализации мышления. Мыслитель последовательно излагает мнение развитого читателя, широко рассуждает по определенному вопросу, выносит верное решение, излагает свое мнение по обстоятельствам, аргументированно спорит. Для достижения этой цели заслуживает внимания изучение узбекского языка, связанное с философской наукой.*

***Ключевые слова:** читатель, мышление, законность, логическое мышление, литературный язык.*

*The article describes how the reader's thinking is related to the development of speech. Therefore, we are talking about the materialization of thinking. The thinker consistently presents the opinion of the developed reader, discusses widely on a certain issue, makes the right decision, sets out his opinion on the circumstances, argues argumentatively. To achieve this goal, the study of the Uzbek language associated with philosophical science deserves attention.*

***Key words:** reader, thinking, legality, logical thinking, literary language.*

https://buxdu.uz



Арасту "Метафизика" асарида бир неча жуфт категориялар: яъни заруriят ва тасодиф, бутун ва бўлак, яккалик ва умумийлик категорияларининг моҳияти ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги фикрларни илгари сурган. Унинг диалектикаси асосида инсоннинг ҳақиқатга эришишда фикрлаш жараёни ётади. Шунинг учун ҳам диалектика борлиқ ва тафаккурнинг ҳақиқий асосини аниқлаш билан боғлиқдир [1]. Жумладан, диалектика ҳозирги ўзбек адабий тилини ўқитишда ҳам жуда зарур ва муҳим ўрин тутади. Айрим ўқувчилардаги фикрлашнинг пойма-пойлиги мантиқий тўғри фикр юритишни билмаганлигидандир. Ҳар бир фанни ўқитишда фалсафа ва унинг бир бўлими бўлган мантиқ илмининг тўртта асосий қонун-қоидасига риоя қилинмас экан, тафаккурни ривожлантириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ўқувчилар ҳамда талабалар тўғри фикрлашлари учун далиллаш, асослаш, зиддиятсизлик, истисно, айният қонунларини пухта билмоғи ва шунга асосланиб фикр юрита олмоғи зарур. Хулоса шуки, замонавий ўқувчидаги тафаккур чуқур, илмий, асосланган, мустақил, мантиқий бўлмоғи лозим.

Фалсафий категориялар бошқа фанларнинг тушунчаларидан ўзининг умумлашганлик, тизимлилик, алоқадорлик, изчиллик, мувофиқлаштириш каби хусусиятларга эга эканлиги билан фарқ қилади. Демак, ўқувчи -талабаларда тафаккурни ривожлантирмоқчи бўлсак, қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратмоғимиз зарур: ўқувчиларнинг тартиб билан гапиришларига, фикрларини умумлаштиришига, асослай олишига, ижодкорлиги, топқирлиги ва тезкорлигига эътибор бермоқ жоиз.

А.Чориев "Инсон фалсафаси" номли асарида инсон муаммосини ўрганувчи тадқиқотчиларнинг саъй-ҳаракатлари икки йирик қутбга бўйсундирилишини, биринчи қутб-инсоннинг табиий-ижтимоий моҳиятини ўрганувчи барча фанларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаши зарур эканлигини таъкидлайди [2]. Унинг фикрича, фанлар ҳамда нарса-ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни англаган ўқитувчи ўз дарсларини тўғри лойиҳалай олади. Бундай англаш одамлар фикридан билиб-билмай андоза олиш эмас, балки кўрган, идрок этган, мушоҳада қилган нарса-ҳодисаларга онгли муносабат билдирган ҳолда таҳлил қилиш, тизимлаш, таснифлаш, улар ичидан ўзига таллуқли томонларини олиб умумлаштириш ва таққослаш орқали ҳукм чиқариш, ўз нутқида буни айта олиш қобилиятидир.

Маълумки, ўқувчида оламни билишга, фалсафий мушоҳадага, психологик таҳлилга, мантиқий фикрлашга, тафаккур қирраларини ривожлантиришга иштиёқ ва ҳаракат кучли бўлади. Шу билан бирга, ўсмир ва ўспиринларда фантазияга мойиллик ҳам мавжуд бўладики, мана шу физиологик-психологик ҳолат тафаккурни ривожлантириш, билишга интилиш учун омил ҳисобланади. Бу эса ўспириннинг педагогик-психологик имкониятлари бошқа ёшдаги болаларга нисбатан кўпроқ эканини, оламни билишга иштиёқ кучлилигини билдиради. Шунинг учун ҳам ўспиринлик боланинг шахс сифатида шаклланишида асосий босқич бўлиб хизмат қилади. Айнан шу даврда уларда мустақил фикр юритишга иштиёқнинг пайдо бўлишидир. Шунинг учун ҳам бу даврда фақат назарий билим бермасдан, турли амалий вазиятларга муносабат билдиришни шакллантириш, кўпроқ изланиш, ижодий ёндашув, тафаккур ривожига эътибор қаратиш лозим. Жаҳон таълим тизимида фалсафа, психология ҳар бир фан учун методологик асос саналади. Чунки барча фанлар назарий жиҳатдан фалсафий қонуниятларга асосланади. Шунингдек, илмий тафаккур ҳам инсон психологияси ва фалсафий қонуниятлар билан чамбарчас боғлиқдир. Шуни эътиборга олган Э.Ғозиев [3] ўспиринларга дарс жараёнида ўзига хос равишда ёндашув зарур эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, ўқувчилар ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларнинг объективлиги, ҳаққонийлиги, тўғрилигига ишонч ҳосил қилишлари ва уларни исботлашни ўрганишлари, фан ўқитувчилари уларни нарса ва ҳодисалар тўғрисида оригинал фикр юритишга йўллашлари, шунингдек, ўқувчиларнинг машғулотларда қўлланавериб, маънавий эскирган бир қолипдаги сўзлардан, иборалардан фойдаланишларига йўл қўймасликлари; фан ўқитувчилари ўспиринларга билимларини амалиётга татбиқ қилишни ўргатишлари даркор. Бунинг учун эса уларда амалий малакаларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ўқувчида тафаккурни ривожлантириш учун унга психологик, фалсафий жиҳатдан ёндашиш зарурдир. Фалсафий тафаккур эса воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга хос бўлган барча алоқаларни, зиддиятларни, унинг тараққиёт қонуниятларини билиш, ҳар томонлама таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Борлиқни англаш тафаккур шакллари орқали вужудга келади. Ҳар бир ўқувчи ўз амалий фаолиятида фикрлашнинг мазмун-моҳияти, унинг ранг-баранглиги, кўп қиррали томон ва хусусиятларини ҳисобга олиб, уларга онгли равишда амал қилишлари лозим. Реал борлиқни англаш таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлигини ўргатишдан иборат. Ўқувчининг фикри кенг ва атрофлича бўлиши учун ўқитувчи таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлик томонини ўқувчиларга англатиши лозим. Билим олувчи ана шуни тушуниб етсагина ўз куч-ғайратини билимларни қизиқиб ўрганишга сарфлай олади.Педагогик ва методик адабиётларда кўрсатилишича, педагогик муаммоларни комплекс

https://buxdu.uz



ўрганиш ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, ўқув-тарбия ишларининг самарадорлигини ошириш, педагогик жараённи оптималлаштириш, таълимни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш имкониятларини оширади [4].

Маълумки, инсонда бирор ҳаётий муаммо туғилганда фикрлаш жараёни кучаяди ва унинг ечимини топиш давомида тафаккур фаоллашади. Тўғри фикрлаш учун бир нечта ечим бермоқ лозим. Бироқ хулосалар кўпайиб кетса, аниқликдан узоқлашиб кетиш мумкин. Фикрлашда аниқлик бўлиши учун хотиранинг бирин-кетинлик қонунига амал қилиш лозим. Агар шундай қонунга эришилмаса, пойма-пойлик юзага келади, тўғри фикрлаш акс эттирилмай қолади. Психолог В.Каримова хотиранинг қуйидаги саккизта қонуни борлигини таъкидлайди; а) англанганлик қонуни; б) қизиқиш қонуни; в) илгариги билимлар қонуни; г) эслаб қолишга тайёргарлик қонуни; д) ассоциациялар қонуни; е) бирин-кетинлик қонуни; ж) кучли таассуротлар қонуни; з) тормозланиш қонуни [5].

Ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил тафаккур эгаси бўлишлари учун мавзуларни хотирада сақлаш усулларини ишлаб чиқиши лозим. Хотирани ривожлантириш учун она тили дарсларида ўқувчилар фантазия қила олишлари, масалага ҳар томонлама ёндашишлари кутилган натижага олиб келади. Биз ҳам ўқувчи-талабалар тафаккурини ривожлантириш учун улар психологиясини эътиборга олган ҳолда фалсафий фикрлаш қонун-қоидаларини ўргатишни лозим деб ҳисобладик.

Мазкур ишда она тилини ўқитишда ўқитувчининг фалсафий билимлардан хабардор бўлиши, мавзуларга оламнинг ягона фалсафий тушунчасининг ҳар томонлама шаклланиши нуқтаи назаридан ёндашиши, дарсда замонавий педагогик технологияларни жорий этиши ва мунтазам равишда ўз устида ишлаб бориши, машғулотларни ижодий ўтиши эътиборга олинган. Таълим жараёнида борлиқ ва унинг унсурлари (бутун ва бўлак)ни, нарса ва ҳодисалар (от)нинг мавжудлиги, уларнинг ўзаро бири иккинчиси билан алоқадорлиги (система) ни, шу билан бирга, ўзаро фарқланиши (лексик-семантик гуруҳлар)ни, нарсаларнинг хусусиятларга эга бўлиши(сифат)ни, уларнинг замонда мавжуд эканлиги (замон категорияси)ни, инкор ва тасдиқни ифодалаши (бўлишли-бўлишсиз) ни ва бошқа фалсафий-ҳаётий тушунчаларни лисоний тушунчалар билан муқояса қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ўқитувчи доимо изланишда бўлиши, замонавий педагогик технологиялар билан таниш бўлишигина эмас, балки унинг яратувчиси бўлиши керак. Она тили дарсларида оламнинг сир-асрорларини англаб етишга ўргатиш тафаккур ўстиришнинг омили ҳисобланади. Таълим жараёнида ўқувчиларда борлиқ ҳақида маълумот, тушунча ҳосил қилибгина қолмай, ана шу дунёни ўзи англаб етиш учун шароит, имконият яратишимиз зарур. Ўқувчи объектив борлиқни англаб етса, ўз билимларини умумлаштира олади, уларни тизимга солади. Бу билан уларнинг дунёқараши кенгаяди. Ана ўшандан кейингина улар ўз таклифини бера олади,ғояга эга бўлади, исбот қилади, ўз фараз ва қарашларини илгари суради, тафаккури ривожланади. Ўқитувчи моҳият-ҳодиса, сабаб-оқибат, миқдор ва сифатни билишга интилиш ҳиссини уйғота олса, ҳар қандай билиш, ўрганиш ҳам муваффақиятга йўл очади ва ўқувчи тафаккурининг фаол бўлишини, такомил топишини таъминлайди, ўрганилаётган ҳодисани мукаммал ва тўлиқ англаб етишга олиб келади. Бу вақтда ўқувчи ўз фикрларини тизимга солиши, ўз қарашларини фалсафий асосга қуриши лозим.Аёнки,биз ҳаётда бўлаётган ўзгаришларни, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини тил орқали англаймиз. Бу ҳодисалар, албатта, тафаккурсиз юзага чиқмайди. Зеро, ўзбек тили ўқитишнинг асосий мақсадларидан бири тил орқали намоён бўладиган тафаккур ўстиришга боғлиқдир. Ҳозирги она тилини ўқитишда фалсафий қонуниятларнинг асосини ўқувчиларга ўргатиш, англатиш, тил ўқитиш билан фалсафани биргаликда олиб бориш, ана шу қонуниятларни амалда исботлаш, глобал таълимни амалга оширишга имкон беради.

Бугунги таълим бериш принципларининг марказида ўқувчининг мустақил фикрлаши, ўз фикрини исбот қилиши, унга мос равишда асословчи далилларни топиши мақсадга мувофиқ. Бу эса ҳар қандай объектга инсоннинг ўз нуқтаи назари бўлишини, фикрлар ранг-баранглигини ва, энг асосийси, ўқувчида ўз фикрини исботлаш ва ҳимоя қилишни шакллантиради. Она тили дарсларида борлиқни англашга ўргатиш тафаккур ўстиришни фаоллаштиради, ўқувчиларнинг мустақил мушоҳада маданиятини ривожлантиради, ўз фикрини далиллар билан асослай олишига, баҳслашиш маданиятининг юксалишига таъсир қилади.

Тил ва тафаккур ҳамда тафаккур ўстириш масалалари азал-азалдан файласуфлар, тилшунослар, психологлар ўртасида мунозара мавзуси бўлиб келган. Абу Наср Форобий ҳам “инсон фалсафага фақат диалектик баҳс орқали эришади»”,[6] – деб айтган эди. Фалсафа ўтмишда баҳс-мунозара юритиб, ҳақиқатни англаш, ҳар бир фанни атрофлича ўрганиш учун илмий-тадқиқот усули ҳамда тафаккур шакли сифатида ишлатилиб келинган.

Маълумки, тилимиздаги ҳодисаларни таҳлил қилиб, айни бир хулосага келишда фалсафий тафаккур ёрдам беради. Чунки диалектика борлиқ ҳақидаги билимларни ўткирлаштиради. Шунинг

https://buxdu.uz



учун ҳам диалектик категорияларнинг моҳиятини ҳар бир инсон ўрганиши лозим. Шу боис, биз ҳам ўзбек тилини ўқитишда фалсафий қонуниятларнинг акс этишини, мунозара қилиш ёрдамида фикрлардаги зиддиятларни тўғри таҳлил этишни, ҳақиқатга эришиш ва шу орқали тафаккур ўстириш усулларини тадқиқ қилишни ишимизга асос қилиб олдик.

Фалсафий қонуниятларни тўғри англатиш учун ўқитувчи фаннинг методологик асосларини тўғри таҳлил қилиб, ҳар бир ҳодиса, жараённи илмий нуқтаи назардан баён этиши зарур.

Ҳозирда она тили фанини ўқитишнинг назарий жиҳатдан юқори даражага кўтаришнинг методологик асослари, ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг ҳозирги замон муаммолари, шунингдек, амалий-татбиқий масалалар ҳақида фикр юритиш долзарб муаммолардан биридир. Шунинг учун ҳам биз она тили фанини ўқитишнинг методик асосларини таҳлил қилиб, унга фалсафий тушунчаларнинг амалий жиҳатлари нуқтаи назаридан ёндашдик. Чунки моддий оламни назарий ва амалий ўрганишда фалсафий тушунчалар, тил ҳодисалари, ғоялар, қонунлар ҳамда назарияларнинг аҳамияти каттадир. Бизни ўраб турган оламдаги ҳодисаларни ўрганишда фалсафий тушунчаларнинг моҳиятини очиш беқиёс катта аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчиларда илмий ва фалсафий дунёқарашни шакллантиришда муҳим ўрин тутади.Бундай дунёқарашни таркиб топтириш тил таълими учун ҳам ўрганилиши лозим бўлган масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.Чунки фалсафа инсон тафаккури тамойилларини ўрганса, тил таълими эса ана шу тафаккурни ривожлантириш билан шуғулланади.

Ўқувчиларга фалсафий қонуниятларни тил ўқитиш дарсларида асос қилиб олишнинг бош мақсади ҳам уларнинг тафаккурини ўстириш, атрофлича фикрлашга ўргатиш, моҳиятни тушуна билишга одатлантириш ва у орқали нутқини ривожлантиришдан иборатдир. Фикримизнинг далили сифатида **“Она тилини ўқитишда миқдор ва сифат ҳодисаси”** қандай намоён бўлишини ўрганамиз.

Бунги кунда комил инсонни замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчи илмий тушунчаларни ва тилга оид терминларни ҳосил қилишнинг асосини билиш ва уни амалда қўллаш олиши зарур. Чунки ҳар бир тушунчанинг тилда ифодаланиши натижасида таҳлил, таққослаш, мавҳумлаш, умумлаштириш пайдо бўлади.

Бизни қуршаб турган оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўрганар эканмиз, бир-бирларидан ўзларининг турли хусусиятлари билан фарқланишларини кўрамиз. Бунда уларнинг бир-биридан фарқ қилдирувчи нарса - уларнинг сифатидир. **Сифат** нарсаларнинг умумийлигини, яхлитлигини, унинг нисбий барқарорлигини, бир-бирига ўхшашлиги ёки ўхшамаслигини ифодалайди. У кенг маънода нарсаларнинг турли-туман хоссалари йиғиндисидир [6]. Сифат бир нарса ёки ҳодисани бошқа нарса ёки ҳодисадан ажратиб турадиган шундай муайянликка , унинг ўзгариши эса бошқа нарса ва ҳодисани вужудга келтиради.

Нарса ва ҳодисаларнинг сон, ҳажм, даража каби томонларнинг муайянлиги **миқдор** деб аталади. Нарса ва ҳодисаларда миқдор турлича ифодаланади. Уларда миқдор бир ҳолатда сон тариқасида, иккинчи ҳолатда ўлчов даража тариқасида, учинчи ҳолатда эса нарса ва ҳодисаларнинг макондаги ўзаро муносабати (узунлиги, кенглиги, баландлиги) тариқасида ифодаланади. Миқдор ва сифат доим бирликда, доимо ҳаракатда бўлади. Миқдор сифатга, ва аксинча, сифат миқдорга ўтади. Табиатда фақат миқдорга ёки сифатга эга бўлган, яъни сифати бўлиб миқдори, миқдори бўлиб, аксинча, сифати бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳар қандай нарса, ҳодисага миқдор ва сифат ўзгаришлари хосдир [7]. Айтайлик, бир китоб, агар унинг маълум варақларини олиб ташласак, миқдори озаяди, шу билан бирга унинг сифатига (мазмунига) ҳам путур етади.Жумладан,**тилла**-қимматбаҳо металл, **тила**-ният қилмоқ. Кўриниб турибдики, тилла ва тила сўзларидаги биргина **л** ундошининг орттирилиши ёки камайиши натижасида ғализ жумлалар пайдо бўлмоқда: Шунинг натижасида сўзнинг маъноси ўзгаряпти. Демак, **миқдор** ва **сифат** ҳодисаси юз беряпти.Бизга маълумки,миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш ҳодисаси тилшуносликда **геминация** ҳодисаси дейилади. Геминация - "Қўшоқланиш" ёки "Иккиланган ундош" ҳисобланади [8].

Иккиланган ундош фонетик ҳодиса бўлиб,у ўзгаришга учраганда ўзида шундай ҳодисани намоён этади. Ва шунинг натижасида киши руҳиятида хафалик ва хурсандлик, салбий ва ижобий бўёқдорлик юзага келади.

Жумладан**,** ***сер-р-айиб*** *тураверма!* Ёки *Собиржон* ***тарс-с*** *этиб, шапалоқлаб юборди.*Фонографик воситалар ёрдамида миқдор ва сифат юзага келади. **Гез-з-ариб** қараб туришдан унинг норози экани билиниб турарди (“Оила ва жамиятдан”дан).

Мисолларда "р", "с", "з" геминатаси орқали субъектив баҳо ифодаланмоқда.

Кўриниб турибдики, миқдорнинг ўзгариши (товушларнинг орттирилиши) сифатга (услубий маъно) таъсир қилмоқда. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш ҳодисаси диалектик

https://buxdu.uz



қонуниятдир. Бунда ундошларнинг қаватланиши услубий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам ўқувчи-талабаларга она тили фанини ўқитишда миқдор ва сифат ҳодисасини ўргатиш муҳимлик касб этади.

Дуч келган товушни қаватлаб қўллаб бўлмаганидек, сўзда турли сабаблар билан ёнма-ён келган барча ундошлар ҳам лингвопоэтик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлавермайди [9]. Демак,нутқда таъсирчанликни ошириш учун сўз қўллашни ва ундаги товушларни тўғри ишлата билишлик ўринли бўлади.

Барча фанлар бўйича илмий тадқиқотлар фалсафий методологияга таяниб иш кўриши табиий ҳолдир. Худди шунингдек, тилни ўқитишда ҳам фалсафий категорияларга таяниш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу назария ва амалиёт бирлигини акс эттирувчи тамойиллардан биридир.Бундай тамойиллар тафаккурни ижодийликка йўналтиради. Ижодий тафаккур ривожланиши учун эса фалсафий тафаккур ривожланиб, дунёни ранг-баранг идрок этиш, қарашлар хилма-хиллиги мавжуд бўлиши лозим. Фикрлар хилма-хиллигини акс эттирувчи фалсафий мушоҳада тил ўқитишда жуда зарур ва у муҳим ҳисобланади.Мантиқий билишда инсон тафаккури борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг изчил боғланишлари ва алоқадорликларини, уларнинг ҳаракат, ўзгариш ва ривожланиш қонунларини маълум фикр шакллари — ҳукм, тушунча ва хулоса чиқариш кабиларда ифодалайди. Бундай ҳиссий билиш образлари тафаккур учун материал бўлиб хизмат қилади. Тафаккур ҳосил қилган ақлий билишнинг бу фикрий шакллари тилда сўзлар ва гапларда ифодаланади [10].

Ўқувчиларда, талабада тафаккур ривожланиши учун ҳодисанинг моҳиятини англашга ўргатиш муҳимдир. Ана шундагина тўғри фикрлаш амалга ошади, талаба ўзида сўзамоллик санъатини мужассам этади.Таъкидланганидек, таълимда англаш руҳиятини сингдириш аҳамиятга молик ишларимиздан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки ўзини англаган, ҳодисанинг моҳиятини билган киши ўзи учун нима фойдалилиги ва у нималарга қодир эканлигини яхши тушунади. Фикрлаш қобилияти ожиз бўлган инсонда эса тушунча бўлмайди.

Она тилини ўқитишда нафақат грамматик билим бериш, балки моҳият ва ҳодисани англатиш ҳам зарур ишларимиздан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки моҳиятни ҳодисадан ажрата билиш жараёнида кишининг тасаввури кенг, тўғри ва аниқ бўлади. Шунингдек, назария ва амалиёт бирлиги ҳам амалга ошади. Бундай ёндашув натижасида ижодий фикрлаш тўғри йўлга қўйилади. Ушбу имкониятдан фойдаланиш эса она тили ўқитувчисидан тажриба ва маҳорат талаб этади. Ўқувчи фикрларини бир-бирига боғлашда ҳар бир нарса – ҳодисаларнинг моҳиятини билиш, улардан мақсадга мувофиқ равишда фойдалана олиши тафаккур ва нутқ ривожи учун имконият бўлиб ҳисобланади. Бу имкониятдан тўғри ва ўринли фойдаланмоқ ҳар бир она тили ўқитувчисининг асосий вазифаларидан биридир.

**Адабиётлар**


1. Ғарб фалсафаси.-Т.:Шарқ,2004.-Б.132.
2. Чориев А.Инсон фалсафаси.-Т.: Chinor ENK, 2002.139 с.
3.Ғозиев Э. Тафаккур психологияси.-Т.: Ўқитувчи, 1990.-Б.167-168.
4.Исследование методологических проблем комплексного подхода к воспитанию.-М.: наука,1982.-С.90.
5. Каримова В.Психология.-Т.: Халқ мероси,2002.-Б.101-102.
6.Аль-Фароби.Историко-философские трактаты.-Алма-Ата: Наука., 1985.
7. Фалсафа асослари.-Т.: Ўзбекистон. 2005.151-б
8.Неъматов Ҳ.Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси.-Т.: Ўқитувчи, 1992.86-бет.
9.Йўлдошев М.Бадиий матн ва унинг лингвоэтик асослари.-Т.:Фан.2007. 48-бет
10. Юсупов Э. таҳрири остида. Фалсафа. –Т.: Шарқ, 1999. 412 –б.

https://buxdu.uz



**Муталлиб Ҳазратқулов**
Самарқанд давлат университети
бошланғич таълим методикаси кафедраси
катта ўқитувчиси, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори(PhD)

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ИНШОНИНГ ЎРНИ

*Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида иншо ёзиш машғулотлари ўтказилади. Мактабгача тарбия давридаги атроф-оламга нисбатан пайдо бўла бошлаётган кичик тасаввурлар юқори босқичларда мукаммаллашиб, кенг қамровли ижодий ёзма ишларга асос бўла боради. Ушбу мақолада иншони ташкил этиш методлари кўрсатиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *сюжет, пейзаж, ҳиссиёт, индивидуаллик, эпизод, бадиий тасвир, иншо, образлилик, ёзма иш, узлуксиз таълим, тасаввур, атроф-олам, кўникма, бошланғич таълим, мактабгача тарбия даври, оғзаки матн.*

*В системе непрерывного образования сочинение по картине проводится на всех его этапах. Начиная с дошкольного возраста, творческие письменные работы могут быть широко применены в целях совершенствования начальных представлений детей об окружающей среде. В этой статье описывается, как методы организации написания сочинения..*

***Ключевые слова:*** *сюжет, пейзаж, чувство, индивидуальности, эпизод, художественного образа, метафоры эссе, письменные работы, непрерывное обучение, воображение, мир окружающей среды, навыки, образование, дошкольный период, словесный текст.*

*In the system of continuous education essay writing on pictures is carried out at its all stages. Beginning with the under-school age creative writing worke may be widely applied with the purpose of perfecting the childrens primary imagination about the environment. This article describes how to create an essay.*

***Key words:*** *the story, the landscape, a feeling of individuality, episode, artistic image, the metaphor of the essay, written work, continuous learning, imagination, the world of the environment, skills, education, preschool period, the verbal text.*

"Иншо" атамасига илмий адабиётларда шундай таъриф берилган: "Иншо–мавзуни мустақил ёритишга йўналтирилган ёзма иш турларидан биридир. Она тили ва адабиёт дарсларида, таълимий ҳамда назорат мақсадларида умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг барча босқичларида ўтказилади. Бажарилиш ўрнига кўра синф ва уй иншоларига бўлинади. Иншоларнинг ўқувчилар гуруҳи билан ёзадиган ва ҳар бир ўқувчи мустақил бажарадиган турлари бор. Иншо ўқитувчи томонидан тавсия этиладиган ёки бирор бир эркин мавзуда бўлиши мумкин. Иншо ўқувчилар бадиий адабиётни тўғри идрок этишларига, фикрни ихчам, мантиқий ифодалашларига, уларнинг ёзув саводи ўсишига ёрдам беради"[3; 79-б.].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "иншо" атамаси шундай изоҳланади: "Иншо – (ташкил этиш; яратиш, қуриш, барпо қилиш; ижод, баён, таҳрир) ўқув юртларида она тили ва адабиётдан ёзма иш"[4; 221-б.].

О.Мадаевнинг фикрича, ўқувчиларга иншо ёзишдан олдин назарий маълумот берилганда "иншо" сўзининг маъносини шарҳлаш яхши натижа беради. Бундан ташқари: "Иншо ёзиш маълум мавзу юзасидан мустақил фикрни ёзма тарзда ифодалаш экани тушунтирилади. Бундай шарҳнинг муҳим аҳамияти шундаки, ўқувчи иншо ёзиш ижод қилиш эканини англаб олади. Ишнинг дастлабки босқичиданоқ иншо бировнинг фикрини ёки дарсликдаги маълумотни кўчириш эмас, балки тема ҳақида мустақил фикр юритиш маҳсули эканлигига урғу берилади. "Иншо" сўзининг аввалги маъноси ҳозирги кунда торайгани қайд этилади. Аввалари бирон шахс томонидан ёзилган ҳар бир текст иншо деб тушунилган. Мактублар, илмий асарлар, шахсий архивда сақланувчи кундаликлар "иншо" термини билан юритилган. Ҳозирда эса, асосан, ўзбек тили ва адабиёти юзасидан маълум темага бағишланган ёзма ишлар мазкур атама билан юритилади. Демак, иншо терминининг маъноси ҳозирги пайтда торайган"лигини айтиб ўтиш муҳим аҳамиятга эга [5; 9-б.].

Иншо бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган методист Н.Сатторова қуйидаги мулоҳазаларни келтиради: "...иншо том маънода ўқувчининг мустақил бажарадиган ижодий иши

https://buxdu.uz



бўлиб, у оғзаки ва ёзма шаклларда бўлиши мумкин. Иншо ўзгаларнинг фикрини ёки маълум бир манбадаги маълумотларни кўчириш эмас, балки берилган мавзу юзасидан мустақил фикр юритиш маҳсули. Шунинг учун бир мавзуда синфдаги 25 – 30 ўқувчи 25 – 30 хил фикрлаши ва ёритилган масалага турли хилда ёндашиш талаб этилади. Масалан, гугуртга ўқувчилардан бири уй-рўзғор буюми сифатида қараса, иккинчиси ўт, аланга манбаи, учинчиси иссиқлик манбаи, тўртинчиси ёруғлик, бешинчиси муҳаббат манбаи сифатида қараши мумкин. Худди шу хусусиятлари билан иншо ўқувчилардан бир қатор зарурий коммуникатив малакаларни талаб қиладиган, шахснинг руҳий физиологик ҳолатларига боғлиқ бўлган фаолиятдир"[6; 21-б.].

Иншо таълим тизимидаги бошқа дидактик ишларга қараганда, ўқувчининг ўзини ўраб турган теварак-атрофга, бошқа кишиларнинг хатти-ҳаракатларига ва ўз хулқ-атворига муносабатини аниқлашда муҳим восита ҳисобланади. Ўқувчи ўзига берилган иншо мавзулари устида ўйланади, изланади, ишлайди, фикрлайди. Бу жараён унинг шахс сифатида шаклланишида, маънан баркамол бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчилар иншо устида ишлар экан, ўз ҳаётий тажрибаси, мактаб таълими, мустақил китоб ўқиши давомида тўплаган "билимлар омбори"дан берилган мавзуга мос маълумотларни саралайди ва мавзуга тегишли бўлмаганларига эътибор қилмай, иншо мавзусини ишонч билан очишга ҳаракат қиладилар. Улар саралаб олинган материалларни мантиқий изчилликда жойлаштириш, иншо мазмунига мос келадиган сўз ва ибораларни танлаш кўникмасига эга бўлиб борадилар. Бироқ, бу кўникмалар ўқувчига тайёр ҳолда, яхлит тарзда берилмайди, улар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ўқитувчи уларни тизимли таълим ва давомли машқлар натижасида ўқувчилар онгида шакллантира боради.

С.Долимовнинг "Таълимий баён ва иншо" номли рисоласида ўқувчиларда мавзуга мос материал тўплаш билан бирга, қизиқарли, ҳақиқий борлиқни аниқ акс эттирадиган воқеалар ривожида кетма-кетликни белгилаш – режа тузиш кўникма ва малакаларини шакллантириб бориш лозимлиги уқтирилади. Шу билан бирга, иншо нутқни тўғри қуриш ҳамда фикрни аниқ ифодалашга ўргатиб бориши таъкидланади: "Адабий ўқиш таълимий баён ва иншо ўтказиш учун замин яратиб беради, чунки дарс давомида ўқувчилар асарнинг планини тузишни, асар юзасидан қайта ҳикоя қилиб беришнинг турли формаларини, асарнинг ғоявий мазмунини, асардаги образлар ва уларнинг системасини, асарнинг композицион тузилишини, унинг тили ва бадиий хусусиятларини батафсил ўрганиб борадилар. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг мазмунли ёзма иш ёзишларини таъминлайди" [7; 13-б.].

Олим илгари сурган бу қарашларнинг барчаси ҳам бугунги адабий таълимнинг мақсадига монанд келавермайди. Гап шундаки, бадиий асарларнинг ғояси, тимсоллар тизими, унинг композицион тузилишини аниқлаш каби иш турлари бевосита адабиёт ва адабиётшунослик билан шуғулланишни мақсад қилиб олган филолог мутахассислар учун муҳим саналади. Лекин ҳаётнинг ҳар хил жабҳасида фаолият юритишга тайёрланаётган, айни замонда маънавий камолотга эришиши муҳим бўлган ёш авлод учун бу тушунчаларнинг аҳамияти унча катта эмас. Шу маънода, мазкур қарашларга ижодий ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади.

О.Мадаев "Иншо қандай ёзилади?" номли рисоласида шундай дейди: "Ўқувчини ижодий ишга ўргатиш ҳар бир фан ўқитувчисининг бурчи ҳисобланди. Ёзма иш эса мустақил ишлаш кўникмасини ҳосил қилишда асосий ўрин тутади" [5; 8-б.]. Дарҳақиқат, ҳар қандай ўқитувчи, хусусан, адабиёт муаллими ўқувчиларни иншо мавзусини ёритишга хизмат қилувчи тушунчаларга мос келадиган, ифода аниқлиги, жонлилиги, тасвирийлигини таъминлайдиган сўз ва ибораларни диққат билан танлай билишга йўналтириши, болаларда сўз ва ибораларни тўғри ишлатишиш, у ёки бу сўзни такрор қўлламаслик кўникмасини шакллантиришни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчи нутқида сўзларнинг грамматик шаклларидан тўғри фойдаланиш, сўзларни бўғинларга тўғри ажратиш, уларни тегишли келишик шаклида тўғри ифодалаш, кўмакчи ва боғловчилардан ўз ўрнида фойдаланиш кўникмасини амалга ошириш ҳам иншо ёзишда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларда таниш сўзлардан фойдаланиб гап қурилишини фарқлаш кўникмасини шакллантириб, ривожлантириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, ўқувчиларга ўрганилган грамматик қоидалар асосида иншони орфографик ва пунктуацион қоидаларга мувофиқ ёзилишига эришиш ҳам зарур.

Б.Турдиев "Ёзма нутқни ривожлантириш юзасидан практикум" китобида ўқувчиларнинг ёзма ишга тайёргарлиги жараёни ҳақида гапириб шундай ёзади: "Инсон фикрининг равонлиги, мазмундорлиги, нутқининг нечоғли мантиқийлиги, умуман, фикрлаш қобилияти унинг бадиий адабиётга бўлган муносабати билан белгиланади" [8; 88-б.]. Ўқувчилар ёзма нутқининг бойиши ва ривожланиши иншоларнинг ташкил этилиши билан бевосита боғлиқдир.

https://buxdu.uz



Олимнинг ўқувчи томонидан ёзилган иншони “таҳлил қилиш ва агар бор бўлса, фазилатларини эътироф этиш зарурлиги” борасидаги қаноати адабиёт дарсларида ташкил этилган иншолар учун ҳам бевосита дахлдордир.

Проф. А.Зуннуновнинг фикрича эса: “Иншо мактабда ўтказиладиган ёзма ишларнинг энг муҳим ва мураккаб туридир. Иншо ўқувчиларда нутқ, китоб устида мустақил ишлаш, ҳаётни кузатиш асосида ўзларида пайдо бўлган таассуротларни умумлаштириш малакасини, ижодий қобилиятини ўстиришда, умуман, билимларни пухта эгаллашларида муҳим роль ўйнайди” [9; 56-б.].

А.Зуннунов юқори синфларда иншонинг пухта мазмунга эга бўлиши учун ўқитувчидан қуйидагиларни талаб этади:

1. Темани тўғри танлаш, ёзиладиган иншонинг мазмуни ва ҳажмини аниқлаб олиш.
2. Темага тааллуқли материалларни пухта ўрганиб олишлик.
3. Теманинг мазмунига мос эпиграф танлаш.
4. Темани тўлиқ ёритишга ёрдам берадиган маълумотларни тўплаш.
5. Иншода ёритилиши лозим бўлган асосий фикрларнинг системаси ва изчиллигини таъминлашга ёрдам берадиган режа тузиш [39; 58-б.].

Иншо ёзишга тайёргарлик жараёнининг бу беш босқичига ижодий ёндашган ҳамда тезкор замон талабларини кўзда тутган ҳолда бугунги адабий таълимга ҳам татбиқ этиш мумкин. Буни жадвал шаклида қуйидагича кўрсатиш мумкин:

**Иншо ёзишга тайёргарлик жараёни жадвали**

| | |
|---|---|
| I. Далиллар тўплаш. | 1. Матнни ўқиш.<br>2. Матндаги муҳим жиҳатларни ажратиш.<br>3. Қўшимча маълумот тўплаш. |
| II. Далилларни таснифлаш. | 1. Муносабатни аниқлаш.<br>2. Далилларни таснифлаш.<br>3. Умумлашмалар қилиш. |
| III. Материалларни умумлаштириш. | 1. Олинган натижаларни қиёслаш.<br>2. Далилларни бир тартибда жойлаштириш.<br>3. Хулосаларни умумлаштириш. |

Ўқувчиларнинг ёзма ишларини ташкил этиш бўйича методист олимларнинг қарашлари ўқувчиларнинг аста-секин мантиқий ва образли типдаги янги, борган сайин мураккаблашадиган иш турлари билан танишишларида; вақти-вақти билан уларга аввал учраган иншолар машқ учун таклиф этилишида; аммо улар олдинги ишларга қараганда бир мунча мураккаброқ бўлишида ўзаро мутаносиб келган. Иншо ёзишга ўргатиш йўлидаги асосий кўрсаткичлар қайта ҳикоя, тавсифнинг мураккаб шакллари, асарнинг ғоявий мазмуни таҳлили, муаммолар таҳлили ва қиёсланиши кабилардан иборатдир.

9-синф адабиёт дарслари учун мўлжалланган ўқув режада Алишер Навоий қаламига мансуб “Хамса”ни ўрганиш учун 10 соат ажратилган. Шунингдек, бешта достон ўтиб бўлингандан сўнг 2 соат “Фарҳод ва Ширин образларига тавсиф” мавзусида назорат иншоси ўтказиш режалаштирилган [2].

Ўқитувчи дастлаб ўқувчиларга “Хамса” достони юзасидан ўтилганлар бўйича қисқагина суҳбат ўтказиб олса, сўнг иншо мавзусини танлашда ихтиёрийлик тамойилига асосланиб иш юритса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда Фарҳод ёки Ширин тимсоли билан чекланиб қолмасдан “Хамса”даги бошқа қаҳрамонлар Мажнун, Лайли, Дилором, Баҳром ва бошқа шу каби образлардан бирига тавсиф ёзиш имконияти берилиши ҳам “Хамса”нинг кенг қамровли ўрганилишини таъминлайди. Бунинг учун ўқувчиларга икки дақиқа ичида, тезкорлик билан достонда учрайдиган ва эсда сақланиб қолган сўз ва жумлалардан имкони борича кўпроқ ёзиш топширилади. Вақт тугагач, намуна сифатида бир икки ўқувчининг дафтарига туширган сўзлари таҳлил қилиниб, улар “Хамса”даги қайси достон ва қайси қаҳрамонга тегишли эканлиги аниқланади. Икки дақиқа ичида ўқувчиларнинг қоғозга туширган сўзлари кўпроқ қайси қаҳрамонга тегишли бўлса, ўқувчи ўша қаҳрамон ҳақида кўпроқ фикр билдириш имкониятига эга эканлигини англатади. Бу усул ўқувчиларнинг муносабат билдириш имкониятини кенгайтириш билан бирга иншо ёзиш самарадорлигига ҳам ижобий таъсир қилади.

“Хамса” достонларидаги қаҳрамонлардан бири тимсоли юзасидан ташкил этиладиган иншо учун умумий режани доскага ёзиб қўйишлик ҳам мақсадга мувофиқ саналмайди, режани ўқувчиларнинг ўзлари тузгани маъқул. Доскага ёзиб қўйилган айнан бир мавзудаги тайёр режа ўқувчиларнинг фикр-муносабатини бир хиллик томон тортади, бу эса, ўз-ўзидан, ўқувчиларнинг

https://buxdu.uz



мушоҳада майдонини торайтиради. Қуйидаги саволлар ўқувчиларнинг асар қаҳрамони тавсифи юзасидан ёзадиган иншолари учун муҳим очқич вазифасини бажариши мимкин:

1. Достон қаҳрамонининг менга ёққан жиҳатлари нимада?
2. Мен ёқтирган қаҳрамон достонда қандай тавсифланган?
3. Қаҳрамон тушиб қолган мураккаб вазиятга қандай баҳо бериш мумкин?
4. Шу қаҳрамон ўрнида мен бўлганимда қандай йўл тутардим?
5. Асар қаҳрамон ҳақида менинг хулосам.

Юқоридаги саволлар борасида қисман тушунча ва жавобга эга бўлган ўқувчи нафақат Фарҳод ёки Ширин образларига, балки Лайли, Дилором, Мажнун, Ҳотами Тойи, Шоҳ Ғозий образларига ҳам қийналмасдан ўз муносабатларини тўла-тўкис билдира олиш имкониятига эга бўлади.

Ўқитувчи ўқувчиларни иншо ёзиш муҳитига олиб кириш, уларда фикрий мушоҳадани фаоллаштириш мақсадида қисқа суҳбат ўтказиши мумкин. Бироқ суҳбат бир хиллик касб этиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда ўқувчиларнинг ўз мустақил фикрларини ифодалашларига тўсқинлик қилиши мумкин. Суҳбат натижасида ҳосил бўлган кўрсатма ва материаллар ўқувчига ёрдам сифатида доскага ёзиб қўйилиши ҳам мумкин. Масалан, Фарҳод образига хос инсоний фазилатларни акс эттирувчи мисралар ўз-ўзидан қаҳрамон характерини очиш учун ҳам хизмат қилади [10; 44-б.]. Буни қуйидаги жадвал асосида ҳам кўрсатиб бериш мумкин:

**Фарҳод тимсолига тавсиф**

| | | |
|---|---|---|
| Фарҳоднинг дунёга келиши билан боғлиқ тафсилотлар | Шабистонида туғди бир янги ой,<br>Янги ой йўққи, меҳри оламорой. | Шабистон – тунги ётоқ, хона.<br>Туғди – туғилди.<br>Оламорой – оламни яратувчи қуёш. |
| Фарҳоднинг камол топиши, ўсиб улғайиши билан боғлиқ тафсилотлар | Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,<br>Билиб таҳқиқини касб этмаган илм. | Таҳқиқ – бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш. |
| Фарҳоднинг феъл-атвори, ҳарактери тавсифи | Демонким, кўнгли пок-у ҳам кўзи пок,<br>Тили пок-у, сўзи пок-у, ўзи пок. | Демонким – дейманки, айтаман. |
| Фарҳоднинг ота-онасига бўлган муносабати тавсифи | Ато юзланмасин деб дард-у ранже,<br>Этиб ҳар кун бошиға садқа ганже. | Ганже – хазина, бойлик. |
| Фарҳоднинг меҳнаткашлиги, самимийлиги, бағрикенглиги тавсифи | Ҳунарни асрабон неткумдир охир,<br>Олиб тупроққаму кетгумдир охир. | Асрабон – асраб, сақламоқ. |
| Фарҳоднинг Ширинга бўлган муҳаббати тавсифи | Не англайким, қаю маҳрў экансен,<br>Ичим қон айлаган сенму экансен. | Маҳрў – ой юзли. |
| Фарҳоднинг вафоти пайтидаги ҳолати тавсифи | Туганган фаҳм этиб умри бақосин,<br>Совуғ оҳ урди ёд айлаб атосин. | Фаҳм этиб – билиб, англаб. |

Шу тариқа Фарҳод тимсолига хос бўлган жиҳатлар ажратиб олинади ва иншо ёзишга киришилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, 5 – 9-синфлар мисолида тақдим этилган дарс намуналари ўқувчиларни адабий мавзудаги ҳар хил шакл, мақсад, жанр ва бажарилиши услуб йўналишига кўра ижодий иншо ёзишга ўргатишнинг бир кўринишидир. Бунда мазкур ишларнинг асосий шакллари ва улар устида ишлашга ёрдам берадиган усуллар ҳисобга олинади.

**Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. –488 б.
2. Узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. –Т.: “Янгийўл полиграф сервис”, 2010. – 196 б.
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. –704 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2006. –671 б.
5. Мадаев О. Иншо қандай ёзилади: Ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари учун методик қўлланма. –Т.: “Ўқитувчи”, 1991. –88 б.
6. Сатторова Н. Ўқувчиларнинг иншо ёзиш малакаларини такомиллаштириш. (5-синфда она

https://buxdu.uz



тили ўқитиш жараёнида) пед. фан. номзоди… дисс. –Т., 1995. –142 б.

7. ДолимовС.Таълимий баён ва иншо. –Т.: “Ўқитувчи”, 1968. –103 б.

8. Турдиев Б. Ёзма нутқни ўстириш юзасидан практикум. Педагогика институтларининг филология факультетлари студентлари учун ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1980. –128 б.

9. Зуннунов А. ва бошқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1992. –333 б.

10. Йўлдошев Қ. Адабиёт. 9-синф учун дарслик-мажмуа. –Т.: Янгийўл полиграф сервис, 2010. –304 б.

**Feruza AKMALDINOVA**
Andijon davlat universiteti tadqiqotchisi

# GLOBALLASHUV SHAROITIDA MANTIQIY FIKRLASHNING O’RNI

**(Ona tili darslari misolida)**

*Globallashuv sharoitida o`qitish va dars mashg`ulotlarini bajarish jarayonida o`quvchilarning har bir topshiriqqa ijodiy yondashishi hamda mantiqiy fikrlashi juda muhim. Maqolada shularni inobatga olgan holda o`quvchilarning ijodiy tafakkurini o`stirish va mantiqiy fikrlashini tashkil qilishning samarali usullari haqida fikr yuritilgan. O`quvchilarning ta’lim jarayoniga ijodiy yondashishiga to`sqinlik qilayotgan ayrim muammolar ochib berilgan.*

***Kalit so`zlar:*** *globallashuv, ta’lim jarayoni, o`quvchi, o`qituvchi, usul, vosita, mantiqiy, ijodiy.*

*В условиях глобализации важно, чтобы учащиеся проявляли творческий подход к каждому заданию и логически мыслили в процессе преподавания и обучения. Учитывая это, в статье обсуждаются эффективные способы развития творческого мышления и логического мышления учащихся. Выявлены некоторые проблемы, мешающие творческому подходу учащихся к учебному процессу.*

***Ключевые слова:*** *глобализация, образовательный процесс, студент, преподаватель, метод, инструмент, логика, креатив.*

*In the context of globalization, it is important for students to be creative in each task and to think logically in the process of teaching and learning.Tthe article discusses effective ways to develop students ' creative thinking and logical thinking. Some problems that hinder the creative approach of students to the educational process are identified.*

***Key words:*** *globalization, educational process, student, teacher, method, tool, logic, creative.*

Zamonaviy ta’limda o’quvchi shaxsini har tamonlama rivojlantirish ta’limning asosiy maqsadi ekanligi hammamizga ayon. Jumladan, ona tili o’qitishda ham o’quvchi shaxsini va mulohaza malakasini rivojlantirish orqali uning dunyoqarashini kengaytirish, har bir voqealikka nisbatan to’g’ri mushohada yurita olish qobiliyatini shakillantirish, fikrini erkin va xatolardan holi ifodalay olishga o’rgatishga erishish mumkin. Demakki, bularning negizi sifatida mantiq ilmi alohida e’tirofga loyiqdir. Sababi, barcha voqea hodisalar, o’rganilayotgan predmet mazmuni mantiq orqali “taroz”i qilinadi va u nutq orqali reallashadi. Mantiq ilmining o’rganish obyekti – tafakkur. Tafakkur esa bilish jarayonining yuqori bosqichi hisoblanadi. Tafakkur orqali bilishning birinchi bosqichi bo’lgan hissiy bilishdagi sezgi organlarimiz orqali in’ikos etilgan obyektivlikdagi hodisotlar o’rtasidagi farqli yoki o’xshash jihatlar, o’zaro zaruriy aloqadorliklar, borliq va uning qonuniyatlari aniqlanadi va bu jarayonda til birlamchi hodisa hisoblanadi. Bilamizki, til va tafakkur bir-biri bilan bevosita aloqada. Til – tafakkur yuritishning asosiy quroli bo’lsa, tafakkursiz til ham ijtimoiylik kasb eta olmaydi. Tafakkur qancha rivojlansa, nutq sifati shuncha oshadi. Takakkurning sayozlashuvi nutq qiymatini tushiradi. Ana shu o’rinda mantiqning ona tili o’qitishdagi o’rni alohida ahamiyatga molik. O’quvchilar nutqining ravonligi va mazmundorligini oshirishda mantiqiy qonuniyatlarni ularning tafakkur jarayoniga singdirib borish orqali ko’zlangan maqsadga erishish mumkin. Mantiqda asosiy talab fikr chinligidir. Agar bu talabdan fikr chekinsa mantiqsizlik kasb etadi. Bunda tushunchalarga xos bo’lgan belgilarning chin yoki chin emasligi nazarda tutiladii. Mana shu jihatdan kelib chiqib nutqning har qaysi turida mantiqiy qonuniyatlarni bilish zaruriyati yuzaga chiqadi.

Ona tili darslarida o’quvchilarni mantiqning to’rt asosiy qonuniyatlari: ayniyat, ziddiyat (ziddiyatsizlik deb ham yuritiladi), istisno va yetarli asos qonuni asosida to’g’ri va asosli fikr yuritishga o’rgatish, fikrlarning o’zaro bog’langanlik, izchillik, aniqlik talablariga bo’y singdira olishga erishish mumkin. Agar bu qonuniyatlarning ahamiyati to’g’ri tashkil etilmasa, o’rganilayotgan obyekt to’g’ri tafakkur qilinmaydi va

https://buxdu.uz



buning natijasida shakllanayotgan shaxs – o'quvchi nutqida tutruqsizlik, mantiqsizlik yuzaga kelishi mumkin.

Ayniyat qonuniga ko'ra, ma'lum bir predmet yoki hodisa haqida aytilgan ayni bir fikr ayni bir muhokama doirasida ayni bir vaqtda o'z-o'ziga tengdir [1]. Ya'ni har qanday fikr muhokama jarayonida muayyanlik, aynanalik, barqaroqlik, aniqlik xususiyatlari o'zida mujassam etmog'i lozim. Bunda har qanday tushuncha, hukm muhokama jarayonida o'z o'ziga teng va aynan bo'lishi kerak.

Masalan, "Bahor fasli kirib keldi" yoki "O'lkamizga yangilanish fasli bo'lgan bahor tashrif buyurdi" degan ikki hukmni olsak, har ikkisida ham gap bir fasl haqida ketayotgani va bir xil bo'lgan aynan fikrlar ifodalanyotganini ko'rishimiz mumkin. Bunda ayniyat qonuning formulasi A=A o'z ifodasini topgan. Ya'ni bu yerda "a" har qanday chin hukm va tushunchani ifodalaydi.

Masalan, ona tili darslarida so'zlarni turkumlash jarayonida so'zlarning o'ziga xos bo'lgan muhim belgilari, tomonlari hisobga olinib ular mustaqil va yordamchi, alohida olingan so'zlar turkumlariga ajratamiz. Bunda asosiy talablar ayniyat qonuni orqali amalga oshiriladi.Masalan*," Yordamchi so'z turkumlari mustaqil ma'noli so'zlarni o'zaro bir biriga bog'lash va ularga qo'shimcha ma'no yuklash uchun xizmatqiladi"* yoki*"Atash ma'nosiga ega bo'lgan so'zlar har qanday grammatik qo'shimchalarni qabul qilmasin, shakl va ma'no jihatdan o'zgarsada u mustaqil so'z turkumi doirasidan chiqib ketmaydi"*. Yuqoridagi ikki fikrni bir biriga solishtirsak har ikkisida ham so'z so'z turkumlari haqida ketmoqda. Biroq tushuncha hajmining o'zgarishi ayniyat qonuning buzilishiga olib kelagan. Chunki fikr mazmun jihatdan bir xil emas.Tushuncha hajmi rivojlanish jarayonida o'zgarishini hisobga olsak, har qanday hukmning ma'lum vaqt o'tishi mobaynida o'zgarishlarga ega bo'lishi ayniyat qonuni o'zgartiradi.

Aniyat qonunining ongsiz ravishda buzilishi ham borki, u so'zlash o'qish, o'qitish faoliyatida mantiqsizlikni keltirib chiqaradi. Bu ifodalanyotgan hukmning keltirib chiqishiga sababchi bo'lgan tushunchaning to'la chin emasligidandir va shu bois ayni muhokma qilinayotgan hukm o'z o'ziga teng va aynan bo'la olmaydi. Masalan,***Yozda barcha mevalar pishadi va kuzgi tayyorgarlik uchun bog'bonlar hosilni terib oladilar.***Berilgan gapda ayniyat qonuni ongsiz ravishda buzilgan. Chunki yozda ayrim mevalar pishadi, hammasi emas va hech qachon kuz fasliga asrab meva terilmaydi.

Ona tili darslarida o'quvchilarning mantiqiy tatafakkurini rivojlatirish bosqichma-bosqich amalga oshirilsa, ular har bir tushuncha mohiyatini teranroq anglaydi va hukm jarayonida to'gri fikr orqali xulosalaydi. Bunda o'qituvchi darsni o'tish jarayonida darslikka kiritilgan mashqlar bilangina cheklanib qolmay, o'quvchi tafakkurini rivojlantiruvchi turli innavatsion texnalogiya va metodlardan foydalanishi maqsadga muvofiqdir. Masalan, "Mantiq zanjiri" texnologiyasi. Bunda o'quvchilarning har biriga turli mavzuga oid so'zlar aralash tarzda beriladi. O'quvchi berilgan so'zlar mantiqan bir- biriga yaqinlarini topib guruhlarga ajratib chiqadi. Guruhlarga ajratish jarayonida tushunchani shakllantiruvchi belgilar alohida bo'rtib qoladi. **Masalan**, bahor, kasb, darsxona so'zlarini olaylik bular: xos belgilarni o'quvchilar mantiqan ajratib chiqadilar. O'quvchilarga quyidagicha lug'at berilishi mumkin: *yomg'ir, gul, stol, qushlar, doska, ruchka, suv, kitob, ko'ylak, o'qituvchi, tadbirkor, boychechak, sumka, shifokor, muhandis…*

Berilgan so'zlardan *yomg'ir, gul, qushlar, suv, boychechak* so'zlarini mantiqan bir guruhga ajratish to'g'ri hisoblanadi. Chunki bu "bahor" tushunchasining semalaridir.O'quvchilar keyingi bosqichda ularni so'z birikmlariga, so'ng so'z birikmalaridan mantiqan bog'liqlik asosida gapga aylantirsalar, gaplar asosida esa matn hosil qilishlari mumkin. Barcha jarayon ayniyat qonuni asosida amalga oshiriladi. O'quvchilar ona tili darslarida ma'lum bir mavzu yuzasidan matn yoki bayon, insho yaratish jarayonida ayniyat qonuni asosida ish tutishi ular ishlarining mantiqan puxtaliligini ta'minlaydi.

Bilamizki, ijodiy faoliyatda "mantiqsizlikda mantiq" tushunchasi xarakterlidir. Biz buni mantiqning ongsiz tarzda buzilishi emas, ijodiy atayinlik deya qabul qilishimiz muhim. O'quvchilarga mana shu narsani singdira bilishlik, ayniyat qonuning buzilishidagi atayin sabab va ongsizlik oqibatini bir biridan farqlab olishiga, ularning tafakkuridagi jarayonlarni to'g'ri maqsad sari yo'naltira bilishlikka, nutqidagi mazmundorlik va ta'sirchanlik, bo'yoqdorlik, tasviriyliknikuchaytirishiga erishgan bo'lamiz.

Tafakkur qonunlari obyektiv voqelikning inson miyasida uzoq vaqt davomida aks etishi natijasida vujudga kelgan va shakllangan. Bu qonunlar fikrlashning to'g'ri amalga oshishini ta'minlab turadi [2].

Mantiqiy qonunlar obyektiv voqeliklarning shaxs ongida uzoq vaqt mobaynida aks etishi barobarida vujudga kelgan va shakllangan. Inson tafakkuri aniq, ravshan bo'libgina qolmasdan ziddiyatsiz bo'lishi ham zarur. U inson tafakkuriga xos eng muhim tomonlardan biridir. Ma'lumki, obyektiv voqealar bir vaqtning o'zida biror xususiyatga ega bo'lishi yoki ega bo'lmasligi mumkin emas.Masalan, gul bir vaqtning o'zida ham chiroyli, ham xunuk bo'la olmaydi. Bir zamon va makonda ma'lum bir predmetning ikki zid xususiyatga teng ega bo'la olmasligi, ulardan bittasi albatta xato bo'lishi mantiqda **ziddiyat** yoki **ziddiyatsizlik** qonuni sifatida shakllanib qolgan. Bu qonun «A ham B, ham B emas bo'la olmaydi» formulasi orqali ifodalanadi:

https://buxdu.uz



O'tkir Hoshimov "Ikkie shikorasi" romani muallifi.

O'tkir Hoshimov "Ikki eshik orasi" romani muallifi emas.

Berilgan hukmlardan biri albatta chin, ikkinchisi xatodir. Uchinchisiga mulohazaga esa o'rin yo'q. Fikrda uchinchi mulohazaga o'rin qoldirmaslik istisno qonuni hisoblanadi.

Ziddiyyat qonuniga ko'ra ikki qarama-qarshi fikr bir vaqtning o'zida ikkisi ham xato bo'lishi mumkinligini ham ko'rsatib qo`yadi. Masalan, hamma o'quvchilar kitob o'qishni yoqtiradi yoki hamma o'quvchilar kitob o'qishni yoqtirmaydi. Bu gaplardan birini ziddiyat qonuniga nisbatan chin deb qabul qila olmaymiz. Chunki bunda har ikkisi ham bir vaqtda xato bo'lishi muqarrar. Chunki o'quvchilarning yaxlit kitob o'qishni yoqtirishi haqiqatdan yiroq bo'lganidek, hammasining baravar kitob o'qishni yoqtirmasligi ham mantiqqa to'g'ri kelmaydi. Bunda uchinchi mulohaza paydo bo'ladi "Ayrim o'quvchilar kitob o'qishni yoqtirmaydilar". Bu holatda istisno qonuni amal qilmaydi. Agar ma'lum bir obyektga fikr bildirilayotganda ularning turli belgilaridan kelib fikr ifodalansa unda ziddiyatga o'rin bo'lmaydi. Maslan, "*Anvar voleybol sportiga qiziqadi". "Anavar futbolni yoqtirmaydi".* Yana shunday holat borki, fikrlar o'rtasida vaqt bilan bog'liq farq bo'lsa ham ziddiyat ifodalanmaydi. Masalan, *"Gulnora talaba", "Gulnora talaba emas"* ularning har ikkisi ham chin bo'lishi mumkin, sababi fikr Gulnoraning turli davrlari bilan bog'liq holatiga nisbatan aytilyapti. Shundayekan, tafakkurda ham bir xil ma'nodagi masala bo'yicha bir vaqtda bir-biriga qarama-qarshi ikki hukmni aytish, ya'ni ziddiyatga yo'l qo'yish xato bo'ladi. Shuning uchun mashhur tilshunos L.Yelmslevning empiric tamoyillari qatorida ziddiyatga yo'l qo'ymaslik turadi [3]. Ziddiyatsizlik qonunining asosiga ko'ra fikrda ziddiyatga yo'l qo'yish xatodir.

Ona tili darslarida ziddiyat qonununini puxta o'rganish o'quvchi nutqini o'stirishda, nutqning chinligi – mantiqiyigini ta'minlashda muhimdir. O'qituvchi buning uchun mashqlarda berilgan matnlardan samarli foydalangan holda ularni ziddiyatsizlik qonunlarining talablariga bo'ysunmagan holda qayta ishashni o'quvchilarga yuklasa, o'quvchi ishlash jarayonida ziddiyatsizlikning naqadar muhimligini teranroq anglab yetadi. Jumladan, 8-sinf Ona tili darsligining sintaksis bo'limida"Matndagi asosiy fikr" mavzusining 30-**mashq shartida**.matnda nima haqida gap borayotganligini, muallifning asosiy fikri ifodalangan jumlani topish singari topshiriqlar berilgan.**O'qituvchi shu topshiriqlar qatorida mantda ziddiyatsizlik qonuniga bo'ysunmagan holda qayta tahrir qilishni vazifasini beradi.**

**"To'g'ri tafakkur qil"**

Bobo eshigi oldidagi supada soatlab o'tirardi. O'tgan-ketganga choy tutib, supaga taklif qilardi. (O'quvchilar ziddiyatsizlik qonuni buzib *Bobo eshigi oldidagi supada soatlab o'tirmasdi. O'tgan-ketganga choy tutib, supaga taklif qilardi*tarzda o'zgartirishlari mumkin. Bunda ikkinchi fikr birinchi fikrdagi ziddiyat evaziga mantiqan bog'lana olmayapti.)

Bu bahor u supa yonboshiga kichkinagina gulzor qildi. Chiroyli jo'yakchalar tortib anvoyi gullar ekdi (*Bu bahor u supa yonboshiga kichkinagina gulzor qildi. Chiroyli jo'yakchalar tortib anvoyi gullar ekmadi.* Yaqqol ko'rinib turibdiki, ikkinchi jumladagi ziddiyat undan oldingi fikrga bog'lana olmasligiga asos bo'lmoqda) …Cholning ikki ko'zi shu g'unchada.Tikilgan qozon qaynamas degandek, uning ochilishi juda qiyin bo'ldi. (*Cholning ikki ko'zi shu g'unchada (to'g'ri). Tikilgan qozon qaynamas degandek, uning ochilishi juda* ***oson*** *bo'ldi.* Bilamizki, "Tikilgan qozon qaynamas" iborasi kutilgan voqealikning sekinlashish holatiga nisbatan qo'llaniladi. Ya'ni "qiyin" o'rniga "oson" tushunchasini ziddiyatga qo'yish evaziga fikr xato xuloslanayotgani anglashinib turibdi). O'quvchilar shu tarzda matnni qayta tahrirlab, fikrda ziddiyatsizlikning qanchalik ahamiyatga ega ekanligini izohlab beradilar. Sintaksisda gap bo'laklari va gaplarning grammatik jihtadan to'g'ri bog'lanishigina muhim emas, balki ularning mantiqiy jihatdan ham puxta aloqaga kirishishi nutqning to'g'ri tashkillanishiga bosh me'zon ekanligini shu orqali teranroq tushunib yetadilar.

Fikrdagi ziddiyat ba'zan aniq ko'zga ko'rinmaydi, uni toppish uchun esa zakiylik, mantiqiy fikrlash darkor bo'ladi. Darslikda berilgan mashqlarni ziddiyat qonuniga amal qilgan holda tashkil qilish hamda uni shunday asosda olib borish, topshiriqlarni bajartirish tafakkur o'stirish uchun omil bo'lib xizmat qiladi [4].

Tafakkur jarayonida fikrning to'g'ri va chin bo'lishi muhim ekanligini bilamiz.

To'g'ri fikrlashga xos bo'lgan zaruriy talablardan biri isbotlilik va ishonchlilikdir. Fikrlash jarayonida narsa va predmetlar to'g'risida chin muhokama yuritibgina qolmay, ularning chin ekanligini isbotlashga yetarlicha asoslar keltira bilishlik zarur hisoblanadi. Bunda avvaldan ma'lum bo'lgan chin mulohazalar mantiqan asoslanadi va boshqa bir chin mulohazaga taqqoslaniladi. Tafakkurda bu yetarli asos qonuni sifatida o'rganiladi. Yetarli asos qonuning formulasi "Agar B mavjud bo'lsa, demak uni shakllantirgan A ham mavjud" shaklidadir.

Ona tili o'qitishda yetarli asos qonuni boshqa tafakkur qonunlarining davomi sifatida o'quvchi mantiqiy fikrlashida asoslash, isbotlash, dalil keltirish malakalarini rivojlantirishda e'tiborga molikdir. Sababi har qanday bilimni o'zlashtirishdagi kabi ona tili qonuniyatlarini ham bir biriga taqqoslab, tildagi har bir

https://buxdu.uz



sathning o'zigagina taaluqli bo'lgan birliklarining o'ziga xos jihatlarini yetarlicha asoslab berish o'quvchi bilimlarini yanada ishonchli, mustahkam bo'lishiga olib keladi. O'quvchilarga turli topshiriqlar berish orqali yetarli asos qonuniyati asosida fikrlashga o'rgatish mumkin. Masalan, 6-sinf ona tili darslarida "Qo'shimchalar tasnifi" mavzusi berilgan. Darslikning 50-mashq shartiga ko'ra berilgan matn tarkibida *g* ajratib ko'rsatilgan so'zlardagi qo'shimchalarning turini aniqlash kerak bo'ladi. O'quvchilar shakl yasovchi qo'shimchalar turini nimaga asoslanib ajratganliklarini yetarli asos qonuni talabidan kelib chiqib isbotlab berishlari darkor. Bunda o'qituvchi o'quvchilarni guruhlab, ularga ikkita daraxt maketi tushirilgan ko'rgazma tarqatadi. Daraxtlarning biriga sintaktik shakl yasovchi, biriga esa lug'aviy shakl yasovchi qoshimchalarni barg shakllidagi qog'ozchalarga tushirib daraxtga yopishtiradilar. Belgilangan vaqt tugagach har bir guruh o'z ishida qo'shimchalarni qaysi nuqtayi nazardan ikki turga ajratganliklarini to'gri va yetarlicha asoslab, isbotlab bera olishlari lozim. Agar ular ma'lum bir qo'shimchalarda tavakkalchilikdan foydalangan bo'lsalar, yoki xatoliklarga yo'l qo'ygan bo'lsa isbotlash jarayonida asoslari yetarli bo'lmay kamchiliklar yaqqol ko'zga ko'rinib qoladi. Berilgan matnda yetarli asos qonuni mavjud yoki mavjud emasligini isbotlab berish navabtadagi vazifa qilib beriladi. Topshiriq matni quyidagicha:

**Biroz** yurishgandan**so'ng mulozimlar**shoirning qabristonga yaqinlashganda **otdan** tushishi **sababini so'rabdilar.** Alisher Navoiy ancha vaqt sukut **saqlab** turibdi-da, keyin mulozimlaridan norozi **ohangda shunday deb javob beribdi:**

1. Bu yerda **xalqimizning jigargo'shalari,** tabarruk padari buzrukvorlari mangu **uyquga** ketganlar. Bular yonidan ot choptirib, **changitib** o'tish insonlik sha'niga isnoddir, nahotki shuni ham bilmasalaring? *(«El desa Navoiyni» kitobidan)*

Mashqda mantiqiy fikrlashning yetarli asos qonuni mavjud bo'lib, buyukmutafakkirAlisherNavoiy fikri keltiriladi.

Umumman olganda, shaxsda yangi bilim hosil qilinishi va mustahkamlanishi yetarli asos qonuniyati evaziga yuz beradi. Agar o'rganilayotgan obyekt yetarlicha asoslanilmasa, bilimhamto'laqonlio'zlashtirilmayqoladi. Barcha mantiqiy qonuniyatlar bir birini to'ldiradi va ular bevosita aloqada bo'ladi.

Ona tili o'qitishda falsafiy qonuniyatlarning ahamiyatlilik darajasi amaliyot bilan chambarchas bog'liq ekan, o'quvchi tafakkurini takomillashtirishda mantiqning o'rnini to'g'ri baholay olgan, uni ta'lim mazmuniga asosli singdira bilganimizdagina biz o'quvchi kamolotida barkamol shaxsni ko'ra bilamiz.

## Adabiyotlar

1.Шарипов И., Файзихўжаева Д., Мантиқ.-Т., 2001. -Б. 58.

2.Шарипов М., ФайзихўжаевД. – Мантиқ. Ғафур Ғулом номидаги матбаа ижодий уйи. Тошкент-2004. –Б 55.

3.Ельмслев Л. Понятия управления. – В кн. Звегинцева В.А. «История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях». Ч. II. –М., 1960. 47 с.

4.Юсупова Ш. Ҳ озирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчи тафаккурини ўстиришнииг илмий-методик асослари (академик лицейлар мисолида) Пед. фанл.доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс..Тошкент – 2005.-Б

https://buxdu.uz



# ANIQ VA TABIIY FANLAR

**Gulnora IXTIYAROVA**
Toshkent davlat texnika universiteti,
Umumiy kimyo kafedrasi mudiri, professor

**Nigora JO'RAQULOVA**
Qarshi davlat universiteti kimyo
kafedrasi o'qituvchisi

**Ma'murjon AHADOV**
Navoiy davlat pedagogika instituti,
kimyo o'qitish metodikasi kafedrasi o'qituvchisi

**Charos HAYDAROVA**
Toshkent davlat texnika universiteti,
umumiy kimyo kafedrasi o'qituvchisi

## VIRTUAL LABORATORIYADAGI UCH O'LCHOVLI O'ZARO TA'SIRNING KIMYO TA'LIMIDAGI O'RNI

*Maqolada oliy ta'lim tizimida kimyo fanini o'qitishda qo'llaniladigan virtual va 3D ta'lim texnologiyalari, V-academia, simulyatorlarni ta'lim jarayoniga qo'llash to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan.*

*Shuningdek, oliy ta'lim muassasalari kimyo ta'limida o'quv jarayonining sifat samaradorligini oshirishda 3D-modellash, 3D- skanirlash, 3D-bosma chizmalarning ahamiyati to'g'risida g'oyalar, Crocodile Chemistry dasturi imkoniyatlari, Nazzar.uz texnologiyasi, uning kimyo ta'limida qo'llanilishi haqida ma'lumotlar keltirilgan.*

**Kalit so'zlar:***3D informatsion texnologiyalar, annimatsiya, programmalashtirish, virtuallik, 3D-modellash, 3D- skanirlash, V-academia, 3D-bosma chizmalar.*

*В данной статье приведены сведения об использовании симуляторов и виртуальных образовательных 3D технологий в преподовании химии в системе высшего образования, а также приведены идеи практического использования 3D-моделирования, 3D-сканирования и 3D-печатьных чертежей для повышения качества преподавания химии в высших учебных заведениях.*

*Также высказаны идеи о роли 3D-моделирования, 3D-сканирования, схем 3D-печати в повышении качества образовательного процесса в вузах по химии, возможностях технологии Crocodile Chemistry, Nazzar.uz применение в химическом образовании.*

**Ключевые слова:** *Информационные технологии 3D, анимация, программырование, виртуальный, моделирование-3D, сканирование-3D, печатьные чертежи-3D.*

*This article provides information on the use of simulators and virtual educational 3D technologies in teaching chemistry in the higher education system, as well as ideas on the practical use of 3D modeling, 3D scanning and 3D printing drawings to improve the quality of chemistry teaching in higher education institutions.*

**Key words:** *Information technologies 3D, animation, programming, virtual, modeling-3D, scanning-3D, printing drawings-3D.*

Fan – texnikaning rivojlanishi va axborot texnologiyalari sohasidagi erishilgan yutuqlar insoniyat oldida turgan turli-tuman yangidan yangi muammolarni yechishga imkon beradi.

O'zbekiston Pespublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida «Ta'lim va o'qitish sifatini baholashning Xalqaro standartlarini joriy etish asosida oliy ta'lim muassasalari faoliyatining sifati hamda samaradorligini oshirish» ustuvor vazifa sifatida belgilanib, bu borada bo'lajak kimyo fani o'qituvchilarini tayyorlash tizimida elektron dasturiy vositalar asosida o'quv jarayonini tashkil etish texnologiyasi, metodik ta'minoti, faoliyatga oid kompetensiyalar tizimi va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-son «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida»gi farmoni [1], 2017-yil 20-apreldagi PQ-2909-son «Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi l qarori, Vazirlar Mahkamasining 2012 -yil 25 -iyuldagi «O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi huzurida ta'lim mussasalarida elektron ta'limni joriy etish markazini tashkil etish to'g'risida»gi 228-sonli qarori hamda mazkur sohaga tegishli boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirish maqsadida ta'lim sifati samaradorligini oshirish borasida elektron darsliklardan, virtual texnologiyalardan keng foydalanish yo'lga qo'yilmoqda.

https://buxdu.uz



Ta'lim tizimida o'quv jarayonini tashkil qilishning sifat ko'rsatkichlari bo'yicha jahon andozalari darajasiga ko'tarish, zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarini yurtimizda keng joriy etish metodikasini yaratish dolzarb uslubiy masalalardan hisoblanadi.

Ta'lim tizimini isloh qilishning muhim yo'nalishlaridan biri axborot-kommunikatsion, ya'ni 3D texnologiyalarni qo'llab kimyo fanining o'quv jarayonini tizimli modernizatsiyalash hisoblanadi. Kimyo ta'limida kunduzgi va sirtqi ta'limni tashkillashtirishda kimyoviy jarayonlarni, ma'ruza, laboratoriya va amaliy mashg'ulotlarini olib borishda modulli ta'lim, virtual ta'lim, 3D texnologiyalaridan foydalanish o'quv jarayonining sifat samaradorligini oshirishda xizmat qiladi, hamda fan va ishlab chiqarish integratsiyasini rivojlantirish bilan xarakterlanadi.

Kompyuterning tasavvur qilinadigan xotirasi – virtual xotira sifatida qabul qilinib, u fizik jihatdan hech bir alohida olingan xotira tashuvchisiga muvofiq kelmaydi, ya'ni virtual xotira kompyuter elementlarining o'zaro funksional ta'sirlashuvi natijasi sifatida yuzaga keladi. Virtual xotirani yuzaga keltiruvchi dasturiy vositalar yordamida inson juda ulkan hajmdagi axborotlardan foydalana olish imkoniyatiga ega bo'ladi. Amaldagi zamonaviy kompyuterlarning barchasi maxsus Java virtual mashinasi bilan jihozlangan.

Ta'limda kinolavhalar hamda turli illyustratsiyalarga asoslangan virtual reallik elementlari ilgaridan qo'llanilib kelingan. Kompyuter texnikasi harakat va tovush bilan bog'liq axborotlarni yagona majmuaga biriktira olganligi, bilim oluvchilarga kuzatilayotgan jarayonlarga faol ta'sir ko'rsatish (muloqot qilish) imkoniyatlarini yaratishi bilan virtual reallikka asoslangan ta'lim resurslarini yaratishda sifat burilishini yasaydi.

Kompyuter bilan muloqot chog'ida yuzaga keladigan hissiyotlar (masalan, virtual shlemlar yordamida) insonning mavjud real borliq bilan muloqoti jarayonidagi tuyg'ulariga juda yaqin bo'lib, ba'zan ushbu hissiyotlar taqqoslanganda birinchisining usutunligi yaqqol sezilish hollari ham mavjud. Kompyuter o'yinlari texnologiyasidagi ongga chuqur kirib borishdagi maxsus ta'sir effektlaridan ta'lim jarayonida ham samarali foydalanish mumkin. Ushbu ma'noda, inson ongi turli vazifa, obraz hamda tasavvurlarni dastlab xayoliy amallar asosida talqin qilishi e'tiborga olinsa, uning o'zi qaysidir ma'noda virtuallik tabiatiga ega ekanligi anglanadi.

Virtual reallik — bu sun'iy hosil qilinadigan axborot muhiti bo'lib, u atrof-muhitning odatiy usuldagi tasavvurini — turli texnik vositalar asosida hosil qilinadigan axborotlar bilan almashtirishga qaratiladi. Ta'limiy maqsadlarda virtual reallik vositalarini ishlab chiqishga qaratilgan axborotlarni vizuallashtirish vositalarini yaratish — boshqa texnik vositalar yordamida erishib bo'lmaydigan pedagogik samarani berishi mumkin[4].

«Virtuallik» atamasi lotincha «virtualis» so'zidan olingan bo'lib, «muayyan bir sharoitlarda sodir bo'ladigan yoki ro'y berishi mumkin bo'lgan», yoki mavjud bo'lmagan, lekin amalga oshish ehtimoli mavjud bo'lgan jarayon kabi ma'nolarni anglatadi. Ushbu atama inson faoliyatining juda ko'p sohalarida uchraganligi uchun ham uni ta'lim tizimiga olib kirishga yetarlicha asoslar mavjud.

Vitual borliqning rivojlanishida uch o'lchovli muhit va internet texnologiyalarining imkoniyatlarining rivojlanganligi katta ta'sir o'tkazdi. Natijada, turli sohalarda virtual reallik ishlatila boshlandi.

Keng ma'nodagi virtual ta'lim deganda, uning asosiy subyektlari o'qituvchi-o'quvchi orasidagi bevosita ta'lim olish va berish paytidagi o'zaro hamjihatligiga qurilgan jarayon va uning natijalari tushuniladi. Virtual ta'lim makonini ta'limning asosiy obyektlari bilan uning subyektlari sanaladigan o'quvchi-o'qituvchining aloqalarisiz tasavvur qilish mumkin emas. Boshqacha qilib aytganda, ta'limdagi virtuallik muhiti sinf xonalari, ulardagi jihozlar, o'quv qo'llanmalari yoki o'qitishning texnik vositalari bilan emas, balki aynan ta'lim jarayonida ishtirok etadigan obyekt va subyektlarning hamjihatligi orqaligina vujudga keltiriladi.

Ta'kidlash joizki, dasturlarda ba'zi o'rinlarda o'quv materiallarini o'quvchilarning real o'zlashtirish darajasi, ta'lim subyektlarining o'zaro munosabatlari yetarli darajada inobatga olinmasdan, taqdim etilish hollari kuzatiladi.

Virtual ta'lim nafaqat masofaviy telekommunikatsiyagagina xos jihat bo'lib qolmasdan, balki ta'limning barcha, jumladan, kunduzgi shakllarida o'qituvchi, o'quvchi, o'rganilayotgan ob'yektlarning o'zaro munosabatlarida namoyon bo'lish xususiyatiga ega. Masofaviy texnologiyalar virtual ta'lim asosida kunduzgi ta'lim imkoniyatlarini kengaytirishni ta'minlashga xizmat qiladi. Virtual ta'limning asosiy maqsadi, insonning real borliqda tutgan o'rnining tub mohiyatini anglab yetishdagi — uning virtual va boshqa imkoniyatlari uyg'unligini ta'minlashdan iboratdir.

Hozirgi kunda XXI asr yuqori texnologiyalar asri bo'lib, kompyuter grafikasi tushunchasi bizning hayotimiz bilan chambarchas bog'liq bo'lmoqda.

https://buxdu.uz



Jamiyatimizda har xil yoshdagi insonlar qalbidan 3D virual, 3D hayot uch o‘lchamli modellashtirish Maya, ZBrush, Blender, 3D Max, Nazzar.uz kabi ko‘pgina programma mahsulotlari o‘rin egallamoqda.

“D” atamasi inglizcha “dimensions” so‘zidan olingan bo‘lib, “o‘lchamlar” ma’nosini beradi. 3D texnologiyasi tasvirni vizual va tovushli uzatib berishning dunyodagi eng ilg‘or usuli hisoblanadi.

Barcha aqlli insonlar 3 o‘lchamli tasvir, uch o‘lchamli grafika, uch o‘lchamli modellashtirish kabi to‘liq tushunchalarga egadirlar. Zamonaviy kinoindustriya, arxitektura dizayn hatto ta’lim sohasini olib qaraydigan bo‘lsak, turli xil 3D maxsus effektlar orqali real jarayonlarni kuzatish mumkin.

3D texnologiyani kimyo ta’limida virtual laboratoriya mashg’ulotlarini tashkil etishda qo’llanilasa fanni o’qitishda yuqori samaradorlikka erishiladi. Bunda virtual kimyo laboratoriya xonalari veb-muhitda yaratiladi va tajribalar xoxlagancha bajarib ko’rish mumkinligi talabalarga tushuntiriladi. Portlash xavfi bor tajribalar, zaharli xususiyatga ega bo’lgan tajribalar ham virtual kimyo laboratoriyasida bajarib ko’rish mumkin. (1-rasm).




***1-rasm. Virtual borliqni aks etuvchi kimyo xonasi va kimyo laboratoriyasi.***

Bugungi kunda uch o‘lchamli haykallar, yirik obyektlarning kichraytirilgan modellari (mashinalar, samolyotlar, binolar), shuningdek, turli ilmiy ishlanmalar modellarini yasash imkoniyati mavjud. Buning uchun albatta 3D printerlardan foydalanilmoqda (2-rasm).



https://buxdu.uz






*2-rasm. 3D printerlar va ular yordamida ishlab chiqilgan mteriallar.*

3D printerlar - uch oʻlchamli chizmalar asosida narsa-buyumlar "chop etuvchi" printerlardir. Hozircha bu kabi ishlanmalar tor doirada amalga oshirilayotgan boʻlsa, yaqin kelajakda bemalol uy sharoitida 3D -printerdan masalan bir juft krossovka, kiyim yoki roʻzgʻor buyumi chiqarib olishning imkoni boʻladi. Uch oʻlchamli chop etilayotgan mahsulotlarning narxi pasayishini inobatga olsak, ushbu texnologiyaga talab oshmoqda. Bugungi kunda Boyeing kompaniyasi oʻz samolyotlarining 200 dan ortiq detallarini 3D chop etish texnologiyasi asosida ishlab chiqmoqda (2-rasm).

Virtual reallikning yaratishda axborot texnologiyalarining kompyuter grafikasi, real vaqt rejimi va dasturlash texnologiyalarisiz shakllantirib boʻlmaydi. Bunda hozirda kompyuter grafikasining OpenGL, Direct 3D, Java 3D, va VRML kutubxonalaridan, dasturlashdan esa, C++, Perl, Java, Delphi va Python tillaridan foydalanilmoqda.

Bugungi kunda virtual reallikka asoslangan ta’lim resurslarini quyidagicha tasniflash mumkin:

• birinchi daraja — maxsus texnik vositalar (shlem-displey, maxsus qoʻlqop va boshqalar) vositasida toʻla virtuallika erishish;

• ikkinchi daraja — uch oʻlchamli (yoki stereoskopik) monitorlar yoki proyektor va maxsus koʻzoynak yordamida hajmli tasvir hosil qilish;

• uchinchi daraja — kompyuterning standart monitori yoki proyeksiya vositasi asosida virtual reallikni namoyish qilish.

Simulyatorlar esa shunday haqiqiy asbob-uskuna va jihozlarsiz virtual holatda kompyuter hamda netvork qurilmalarini yasash va sinovdan oʻtkazishga imkoniyat yaratadi. Bu oʻz-oʻzidan nafaqat katta miqdorda mablagʻlar tejalishiga, balki ularga umuman ehtiyoj ham tugʻdirmaydi.

Simulyatorlarning qariyb hech qanday moliyaviy mablagʻlar talab etmasligi ma’lum tadqiqotlarni talabalar tomonidan yuzlab, kerak boʻlsa minglab marotaba qayta-qayta amalga oshirishga imkoniyat yaratadi. Simulyatorlardan foydalanishning yana bir afzallik tomoni- ularning xavfsiz ekanligidir.

Hozirgi fan-texnikaning katta sur’atlarda rivojlanishi real-hayotiy tadqiqot uskunalarini ushbu rivojlanish bilan bir qatorda ketishida qiyinchilik tugʻdiradi. Simulyatorlarda esa bunday toʻsiqlar mavjud emas va hatto ushbu “virtual tadqiqotxonalar” fan-texnika rivojlanish tezligiga qoʻshimcha tezlik qoʻshadi.

v-Academia- dunyodagi yagona vitrual muhitdagi real hayotga yaqin uch nuqtali ta’lim hisoblanadi. 3D da yozilgan mashgʻulotlar aslidan farq etmaydi. v-Academia virtual muhiti har qanday kompyuter savodxonligi yuqori boʻlmagan oʻqituvchiga oʻquv mashgʻulotlarini oʻtkazishda yuqori imkoniyatini yaratadi.

v-Academia orqali virtual muhitida oliy ta’lim muassasasini sifatli yangi avlod elektron resurslari bilan oʻquv mashgʻulotlarini boyitish imkoniyati yaratiladi. v-Academia virtual muhiti talabalarga auditoriya mashgʻulotlari oʻrniga yangi yuqori sifatli muqobil ta’lim olish imkoniyati yaratiladi.

v-Academia virtual muhiti treninglar, turli oʻyinlar, simulyatorlar, master-klasslar orqali yuqori ta’lim sifatini ta’minlashga imkoniyat yaratadi.

Virtual ta’lim texnologiyalarini amalga oshirish boʻyichaquyidagicha:

Birinchidan, virtual ta’lim texnologiyalarini qoʻllashning bizning ta’lim muhitimizga qoʻllaganda yuzaga kelishi mumkin boʻlgan ijobiy va salbiy oqibatlarni jahon tajribasidan kelib chiqqan holda baholash;

https://buxdu.uz



Ikkinchidan, o‘zbek tilida virtual ta’lim texnologiyalaridan samarali foydalanish bo‘yicha qo‘llanmalar tayyorlashga alohida e’tibor qaratish;

Uchinchidan, milliy virtual ta’lim muhitlari va qurilmalari yaratish uchun ilmiy tadqiqotlar olib borish va tadqiqot natijasidagi dasturiy ta’minot va qurilmalarni targ‘ibotini olib borish.

To‘rtinchidan, virtual ta’lim resurslarini ishlab chiqaruvchilarni hukumat tomonidan rag‘batlantirish mexanizmlarini joriy etish kabi xulosa va takliflar berish mumkin.

Biz quyida kimyo sohasida qo’llaniladigan simulyatorlar **Crocodile Chemistry** dasturining mavjud imkoniyatlarini ko’rib o’tamiz -Crocodile Chemistry dasturi orqali D.I.Mendeleyev davriy jadvalida mavjud barcha elementlarning kimyoviy va fizikaviy xususiyatlarini o‘rganish mumkin. Odatda kimyoviy reaksiyalar ro’y berish vaqtida reaksiyaga qatnashayotgan molekulalarning boshqa molekulaga aylanish jarayonini (molekulyar darajada) kuzatish iloji yo‘q. Bu dastur orqali kimyoviy jarayonlarni modellashtirish, turli reaksiyalarni o‘tkazish va eng asosiysi, buni xavfsiz amalga oshirish mumkin.

Ushbu dastur orqali ixtiyoriy shakldagi idishlardan foydalanib, turli reaktivlarni o‘zaro aralashtirib kimyoviy reaktsiyani ko‘zatish mumkin. Kimyoviy reaktsiya vaqtida reaktivlarning rangi, moddalar ulushini, kimyoviy reaksiya formulalarni maxsus oynada ko‘rish imkoniyati dasturning kuchli pedagogik qurol sifatida foydalanish imkoniyatini beradi. Crocodile Chemistry dasturining bunday imkoniyatlari kimyo fanini o‘qitishda inqilobiy o‘zgarishga sabab bo‘ldi.(3-rasm).




**3-rasm. Crocodile Chemistry dastur muhitida yaratilgan kimyoviy reaksiya jarayoni**



**4-rasm. Nazzar.uz dasturi orqali molekulalar harakatini ko’rishimkoniyati**

Biz maqolada yana bir 3D texnologiyani o’zida mujassamlashtirgan, hozirgi kunda keng ommaga tarqalgan Nazzar.uz. dasturi haqida aytib o’tmoqchimiz. Nazzar.uz - bu kengaytirilgan voqelik elementlarini har qanday moddiy muhitga birlashtira oladigan innovatsion dastur hisoblanadi.

https://buxdu.uz



Bunda smartfoningizni ekrandagi Nazzar.uz. belgisiga ko'rsatganingizda haqiqiy ob'ekt tasviri smartfonda paydo bo'ladi va turli xil effektlar bilan to'ldiriladi. Mediyadagi statik rasm "hayotga keladi" va video bo'lakka aylanadi..

Ekrandagi fotosuratlar va rasmlar uch o'lchovli bo'ladi, ularni har tomonlama va har nuqtai nazardan ko'rishga imkon beradi. Audio foydalanuvchi smartfoni karnayi yordamida eshitiladi. Rasmdan "ko'proq ma'lumot olish", tomosha qilish paytida smartfon ekranida paydo bo'ladi.

Fotosuratlarni jonlantirish - fotografiya sohasidagi innovatsion yechim. O'zingizga va odamlarga beradigan jonli fotosuratlar nafaqat fotosuratning o'ziga, balki fotosessiya oldidan va undan keyin sodir bo'lgan ko'plab daqiqalarish imkonini beradi. Ushbu xizmat yordamida biz kimyoviy moddalarning molekulalari holatini haratkatlanishini kuzatishimiz mumkin.

Kimyoning muhim mavzularini o’qitish jarayonida ushbu texnologiyadan foydalanildi. Oksidlar, kislotalar, asoslar va tuzlar shuningdek, organik birikmalar formulalari fotosuratlari jonli ko’rish imkonini beradi. (4-rasm)

Xulosa qilib shuni alohida ta’kidlaymizki, yuqorida keltirilgan dasturlardan foydalangan holda o‘qish jarayonini tashkillashtirilsa, o‘quvchilar (talabalar) fanga qiziqish bilan yondashadilar, hech kimga sir emas hozir yoshlarni tabiiy fanlarga qiziqtirish juda qiyin ayniqsa kimyo faniga o’quvchilarni qiziqtirish kimyo ta’limi oldidagi muammo hisoblanadi. Yuqorida tavsiya qilayotgan dasturlardan foydalangan holda o‘quv jarayoni tashkillashtirilsa, o‘quvchilar (talabalar) kimyo fanlarini chuqur o‘rganishlariga sabab bo‘ladi.

Shuningdek, Oliy ta’lim muassasalarida elektron-ta’lim muhitini virtual 3D makonini shakllantirish, bu muhitda o‘quv jarayonini tashkillashtirish va ta’lim sifatini oshirish hozirgi kunning kimyogarlari uchun ayni muddaodir.

## Adabiyotlar


1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi «O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar Strategiyasi to‘g‘risida»gi PF-4947-sonli Farmoni. – O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 6-son, 70-modda.
2. Бегимкулов У.Ш. Олий таълим муассасаларининг ягона ахборот маконини ташкил этиш ва уни ривожлантириш истиқболлари //”Халқ таълими” жур. № 4, 2006 - 4-7 бетлар.
3. Соловьев, М.М., Самоучитель по 3D max:Соловьев, М.М. - М.:Солон-пресс, 2007. - 376 с
4. Хамидов В.С. Эркин ва очиқ кодли LMS тизимлар таҳлили, infocom.uz журнали №7,8. 14 бет, 2013 й.
5. Alsina-Jurnet, I., Gutiérrez-Maldonado, J., & RangelGómez, María-Virgina (2011). The role of presence in the level of anxiety experienced in clinical virtual environments. Computers in Human Behavior, 27, 504–512.
6. Berns A., Gonzalez-Pardo, A., & Camacho, D. (2013). Game-like language learning in 3-D virtual environments. Computers & Education, 60(1), 210– 220.
7. Bers M. & Chau, C. (2010). The virtual campus of the future: stimulating and simulating civic actions in a virtual world. Journal of Computing in Higher Education, 22, 1–23. doi:10.1007/s12528-009-9026-3.
8. Bronack, S., Riedl, R., & Tashner, J. (2006). Learning in the Zone: A social constructivist framework for distance education in a 3-dimensional virtual world. Interactive Learning Environments, 14(3), 219–232. doi: 10.1080/10494820600909157.
9. Z. Qurbanaliyeva, N. X. Jo’raqulova, G. A. Ixtiyarova- Kimyo sohasida 3D virtual texnologiyalardan foydalanish istiqbollari. “ Olima ayol- intellektual salohiyat va jamiyat taraqqiyoti yo’lidagi fidoyi kuch” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari. Toshkent-2019 yil 16 may, 21-23 betlar.
10. Nazzar.uz.Технология будущего.

https://buxdu.uz



**Машрабжон МАМАТОВ**
Ўзбекистон Миллий университети профессори,
физика-математика фанлари доктори
**Қундуз КАРИМОВА**
Ўзбекистон Миллий университети геометрия
ва топология кафедраси таянч докторанти

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАФАККУР АМАЛЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ

*Бошланғич синф ўқувчиларининг умумий фикрлаш маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоси энг долзарб масалалардан биридир. Мантиқий фикрлашни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни тизимсиз тарзда давом этмаслиги учун махсус шароитларни яратиш керак. Мақолада бошланғич синф ўқувчиларнинг фикрлаш тарзини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган бошланғич синф математика курсида методик қўлланма яратиш вазифалари ғоялари баён этилган.*

***Калит сўзлар.*** *Таълим, ривожланиш, тафаккур, мантиқий фикрлаш, бошланғич синф, математика, мураккаб масалалар.*

*Формирования и развития общей культуры мышления учащихся начальных классов является одной из наиболее актуальных проблем. В общем, необходимо создать особые условия, чтобы процесс формирования и развития логического мышления не продолжался бессистемно. В данной статье изложены идеи создания методического пособия по курсу задач начальной математики, направленного на формирование и развитие стиля мышления учащихся начальных классов.*

***Ключевые слова.*** *Образование, развитие, мышление, логическое мышление, начальная школа, математика, сложные вопросы*

*The problem of forming and developing the culture of global thinking of primary school students are one of the most crucial issues. In general, it is necessary to create the best conditions so that the change in the form of logical thinking and resuscitation does not continue in reverse order. The leading article touches upon exploring and developing updating methodic guides for the courses for primary school students .*

***Key words:*** *education, diversity, thinking, logical thinking, beginning class, math, complex problem.*

Мактабда ўқитишнинг энг муҳим мақсадларидан бири ўқувчиларнинг интеллектуал, жисмоний, ахлоқий, эстетик жиҳатдан ривожланиши билан биргаликда жамиятда тўлақонли ҳаёт учун зарур бўлган тафаккур фазилатларини шакллантириш ва ривожлантириш. Бу бугунги кунда давлатимиз томонидан таълимга қўйилаётган талаблардан бири бўлиб, бунга тайёргарлик эса энг долзарб масаладир. Мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг тафаккурини мантиқий масалалар орқали шакллантириш ва ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади

Тафаккурни фалсафа, педагогика, психология, мантиқ, кибернетика, тилшунослик, эстетика фанлари ўрганиб, шу билан бирга уларнинг ҳар бири муайян жиҳатдан ўзига хос бўлган томонини кўриб чиқади. Математик тафаккурнинг қизиқарли томони бирор қарашдан иккинчисига мантиқий йўллар орқали ўтишдир.

Ҳаётда бола ҳар куни ўрганганларини таҳлил қилиш, ўз фикрини илгари суриш ва ҳимоя қилиш, эҳтимоллик ва ишончлилик тушунчаларини тушуниш, бир нечта ечимларнинг энг яхшисини танлаш, хатога йўл қўйиш ва тўғри хулоса чиқариш билан боғлиқ вазиятларга дуч келади. Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш эса бу вазиятларда тўғри йўл танлай олиш имконини беради.

Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида билиш ҳамда инсон ақлий тафаккури масалаларига алоҳида ўрин берган бўлиб, Абу Райхон Беруний қуйидаги фикрни илгари суради: Инсон нарса ва ҳодисаларнинг фақат ташқи сифати ҳамда хусусиятлари ҳақида билим олмай, балки тафаккури, ақли туфайли нарса ва ҳодисаларни таққослайди, бир-бири билан солиштириб кўради, ўз билимларининг чинлигини аниқлайди [1, - 7б.].

https://buxdu.uz



Тафаккур инсоннинг шундай ақлий фаолиятидирки, бу фаолият воқеликни энг аниқ(тўғри), тўлиқ, чуқур ва умумийлаштириб акс эттиришга(билишга), инсоннинг янада оқилона амалий фаолият билан шуғулланишига имкон беради [3, - 303б.].

Математик тафаккур- бу объектив борлиқни инсон онгида акс эттирилиб, математик қонуниятлар асосида қайта ишланиб, умумлаштирилиб, аниқ далилларга таяниб, тилда содда ва маъноли ифодаланишидир. Математикани ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг математик тафаккурини ривожлантириш жуда муҳимдир.

Ақлий тафаккур узоқ муддат ҳамда тинимсиз изланиш натижасида юзага келади. Унинг шаклланишида илмий қараш ва эътиқод ўзига хос ўрин тутади [4. 233-б.].

Ўқувчи тафаккур операцияларни эгаллаб олганида, уларни ўзига бўйсундирганда, уларни тартибга солишни ва бошқаришни билсагина мантиқий фикрлай олади ва уни ҳаёти давомида шакллантиради. Математик тафаккурнинг нотўғри шаклланишига йўл қўймаслик учун ва мантиқий фикрлашни ривожлантириш учун таълим жараёнида бошланғич синфлардаёқ математика дарсларида шароитлар яратиб бориш зарур.

Маълумки, тафаккур- бу инсонни ўраб турадиган муҳитдаги нарса ва ҳодисаларни анализаторлар ёрдамида умумлаштириб тушунтира билиш ва уни тилга олиб чиқувчи жараён ҳисобланиб, математикани ўрганиш жараёнида шу анализаторга суянган ҳолда тафаккур амаллари- анализ ва синтез, таққослаш, абстракция, умумлаштириш, конкретлаштириш, таснифлаш, системалаштириш асосида математик масалалар ўрганилади ва улар математик қонуниятлар асосида бажарилиши назорат қилинади. Инсоннинг ақлий фаолиятида бу операциялар бир-бирига боғлиқ бўлиб, бирдамликда давом этади.

Тафаккурнинг анализ амали ёрдамида бирор мураккаб масалани содда масалаларга ажратиб, содда масалада берилган сонлар нимани билдиради, берилган терминларнинг маъноси, берилганлардан фойдаланиб қандай кетма-кетликда масала шарти бўйича натижага қараб бориш ва тўғри натижага эришиш сингари ақлий фаолият юритиб анализ қилинади.

Синтез ёрдамида масалаларнинг анализда ажратилган айрим бўлакларини фикран ёки амалий равишда бирлаштирамиз. Демак, синтез воқеа-ҳодисаларнинг бўлакларини бир бутун ҳолга келтиришдан иборат ақлий фаолият экан. Содда масалаларни, улар орасидаги ўзаро боғланишли шартларни яна бир-бирига мутаносиб қилиб бирлаштирилсагина бирор маънога эга масала ҳосил қилинади.

Анализ ва синтез бевосита ўзаро мустаҳкам боғланган бўлиб, агар воқеа- ҳодисалар анализ қилинмаган бўлса, уни синтез қилиб бўлмайди, ҳар қандай анализ предметларни, нарсаларни бир бутун ҳолда билиш асосида амалга оширилади. Анализ ва синтез қилишга ўқувчиларни ўргатишда фикрларни муайян обектларга йўналтириш асосий ўринни эгаллайди. Бунда ўқувчилар қандай тартибда ишни амалга оширишлари кераклигини мулоҳаза қила олишлари зарур. Анализ ва синтез амали қуйидагича ақлий фаолият тизимининг маҳсулидир:

а) берилган масалани диққат билан ўқиш;

б) масалани содда масалаларга ажратиш(агар мураккаб масала бўлса);

в) берилган сонлар нимани билдиришини англаш;

г) терминларнинг маъносини тўла тушуниш;

д) қандай кетма-кетликда масала ечимини қидириш;

г) юқоридагилардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда бирлаштириб натижага эришиш.

Инсон кўпинча бирор янгиликни у ҳақдаги аввалги ва кейинги маълумотларга таянган ҳолда эгаллаб олади. Билишнинг дастлабки ва зарур воситаси ўрганилаётган воқеа-ҳодисалар орасидаги ўхшашликни ёки фарқни, тенглик ёки тенгсизликларни, айният ёки зиддиятларни аниқлашдан иборат. Оғирликни ва узунликни ўлчаш орқали, баланд ва пастни кўриш орқали, ўхшаш масала ва мисоллар натижаларини кузатиш орқали солиштириб, тафаккурнинг таққослаш амалининг бажарилишини кўрамиз. Агарда ечими изланаётган масаланинг қай усулда ва қандай таққослаш усуллари бехато қўйилса кўзланган натижага эришиш осонлашади. Ўқувчи билим олиш жараёнида таққослаш усуллари билан қанчалик кўп шуғулланса, унинг фикрлаши ҳам шунчалик самарали бўлади.

Абстракция. Бу нарса ва ҳодисаларнинг, қонун ва қоидаларнинг айрим белгиси, сифати, аломати ёки хусусиятларини фикран улардан айириб олиб, мустақил фикр обектига айлантиришдан иборат фикр юритиш амалидир.Абстракция амалида ҳаракатга доир масалалардан улар учун умумий бўлган йўл(вақт ёки тезлик) терминини ҳаёлан ажратиб олиб, сўнгра шу термин ҳақида фикр юритилади.

Учбурчак, тўртбурчак, ромб, трапеция, параллелограммларни умумлаштириб кўпбурчак, қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлишни умумлаштириб арифметик амаллар, планиметрия ва стереометрияни бирлаштириб геометрия сингари иборалар билан ифодалашимиз умумлаштириш амали натижасидир.

https://buxdu.uz



Натурал сонлар тўпламини: жуфт ва тоқ сонлар тўплами; туб ва мураккаб сонлар тўплами; 3 га каррали, 3 га бўлганда 1 қолдиқ қолувчи ва 3 га бўлганда 2 қолдиқ қолувчи сонлар тўпламига ажратишда таснифлаш амали ва математик масала ва мисоллар, фикрлар, қонуниятлар қандай мақсадда кузатилишига қараб мантиқий тартиб бўйича жойлаштириб системалаштириш амалининг бажарилишини кузатамиз.

Математика ақлни ривожлантириш, тафаккурни ривожлантириш, мантиқий фикрлашни ривожлантириш учун қулай воситадир. Мисол учун, математикада математик объектларнинг муҳим хусусиятларини ажратиб кўрсатиш, бу муҳим хусусиятларга эга объектларни аниқлаш (кўпбурчакни синиқ чизикдан, қаварик кўпбурчакни эса ботиқ кўпбурчакдан ажратиш); математик объектларнинг асосий боғлиқлиги ва муносабатларини топиш (учбурчаклар ўхшашлигини ёки тенглигини топиш); математик фактлардан тўғри хулосалар чиқариш ва фикрлашни назорат қилиш тафаккурнинг изчил ва оқилона тарзда ифодалашини таъминлайди. Буларнинг барчаси математик тафаккурни шакллантиришга ёрдам беради.

Мантиқий масалалар ўқувчини ҳар бир нарсага беэътибор бўлмай, синчков қарашга, ҳар бир воқеа-ҳодисага холисона баҳо беришга, шу йўл билан мунтазам ва изчил фикр юритиш ва ҳар қандай оқилона фикрни ўзининг юксак тафаккури билан исботлай билишга ўргатади. Мантиқий масалалар ўқувчиларда мантиқий фикрлаш маданиятини ўстиришга, тўғри фикрлай олишга, ҳар қандай муаммоли вазиятда танқидий фикрлардан тўғри хулоса қила олишга, ҳозиржавобликка, суҳбатдошининг фикр-мулоҳазаларидаги хатоларни англашга ёрдам беради. Шу билан бирга, ҳақиқатни аниқлай олиш, унинг тўғрилигини исботлаш учун мантиқий қоидалардан фойдалана билиш, ўз фикрини аниқ, лўнда ва ишонарли қилиб баён этиш кўникмаларини ҳосил қилади.

Бошланғич синфларда мантиқий масалаларни ечишда дастлаб ўқувчиларда қийинчиликлар кузатилиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун ўқувчиларга дастлабки қадамларидаёқ мантиқий масалалардан олинган натижаларни амалий машғулотлар билан мустаҳкалаш зарур ва бу анча самарали натижа бериб, ўқувчини математика фанига бўлган қизиқишини янада оширади. Бошланғич синф ўқувчилари учун мантиқий масалаларни қуйидагича бошлаш мумкин:

1. 20дан кичик ва 8 га бўлинадиган икки хонали жуфт сонни топинг.

Бу топшириқни бажариш учун 8 га кўпайтириш жадвалини билиш кифоя. Ўқувчи жадвал орқалигина бу масалани энг осон ва тезда ечади.

2.Берилган сонлар орасидан ортиқчасини топинг: 3, 12, 8.

Бу масалани ечиш учун савол қандай мавзу бўйича берилаётганига эътибор қаратилмаса нотўғри жавоб олиш мумкин. Топшириқ бир хонали сонлар мавзуси, жуфт сонлар мавзуси ва 3 га бўлинувчи сонлар мавзусига мосланиб олинган бўлиб, шу мавзуларга мос равишда 12, 3 ва 8 сонлари ортиқча деб олинади.

3. Кетма-кетликни давом қилдиринг: 1, 5, 7, 11, 13,17,...

Бу кетма-кетликда тоқ сонлар берилган бўлиб унга мос қонуниятни топиш талаб қилинади. Бунинг учун ўқувчидан жуда зийраклик ва синчковлик талаб қилинади. Айнан бу кетма-кетликда 1 ва 5 га 6 ни қўшишдан 7 ва 11 ҳосил бўлган, 7 ва 11 га 6 ни қўшишдан 13 ва 17 ҳосил бўлган ва ҳоказо. Бундай қонуниятни қўлласак кейинги сонлар 19 ва 23 эканлигини аниқлаймиз.

4.Ифодани давом эттиринг: 4+3; 5+2;...

Бир қарашда йиғиндиси 7 га тенг бўлган ифодаларни кўрамиз, лекин диққат билан қарасак, биринчи қўшилувчи иккинчи қўшилувчидан катта. Бу топшириқдан кейин ўқувчилардан худди шундай жуфтликларга ажратиш каби мисолларни тузишни таклиф қилиш орқали ўқувчиларда ижодкорлик қобилиятларини ҳам ривожлантириш мумкин.

5.(Математик диктант.) 4 га 4 ни қўшиб 4 га бўлиш натижасида қандай сон ҳосил бўлади?

Агарда масалани 4+4:4=5 кўринишида ишланса хато натижага эга бўламиз. (4+4):4=2 кўринишида ишлаб, 2 деган жавобни олсак ҳам хато қилган бўламиз. Чунки биздан натижада қайси сон ҳосил бўлиши сўралмаган. Саволга диққат билан қарасак, “қандай сон ҳосил бўлади?” дейилган. Демак, масаланинг жавоби “энг кичик жуфт сон”.

Юқорида келтирилган топшириқларга ўхшаган қизиқарли мантиқий саволлардан мавзуга мос қилиб тузиб, ҳар бир дарсда фойдаланиш мумкин. Агарда бундай қизиқарли саволни уйга вазифа қилиб бериб борилса, ўқувчилар кейинги бўладиган математика дарсини зўр қизиқиш билан кутишади. Чунки улар берилган вазифанинг жавобини аниқлаштириш билан биргаликда, ўқитувчи томонидан яна қандайдир “сирли топшириқлар”ни олишади. Мантиқий масалаларнинг бошқа масалалардан фарқи унинг “мафтункор” эканлигидир. Агар мантиқий масалалар тушунарли ва аниқ қилиб берилса, у кўпчиликни ўзига ром қила олади.

https://buxdu.uz



Мактаб математика дарсликларида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантирадиган вазифалар жуда кам берилган ва бу вазифаларни тизимлаштиришни талаб килади. Бу берилган топшириқлардан фойдаланиб ўқитувчи ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантира олиши қийин бўлади. Шунинг учун мантиқий фикрлашни ривожлантириш муаммоси ўқитувчи томонидан эътиборсиз қолиб кетади.

Шундай қилиб, мактаб математика курсининг умумий мантиқий тузилишини сақлаб қолган ҳолда ва шунга мос равишда мактаб ўқувчиларининг математик тафаккурини тарбиялаш ва ривожлантириш учун математика материалини ўқитиш жараёнида ўқувчиларга онгли равишда ва тафаккур операцияларини тўғри қўллашга ёрдам берадиган йўналтирилган ва тизимли ишларни ташкил этиш муҳимдир.

Ушбу муаммони математикадан ташқари ихтиёрий дарсларда ҳам озгина эътиборли бўлиб ҳал қилишга ҳаракат қилиш мумкин. Машғулотларни ўтиш жараёнида ҳам ривожланиш дарсларини ўтказиш ёки ўтилаётган мавзуга мос қилиб чуқурроқ фикрлашни талаб қиладиган мисол ва масалаларни ихтиёрий равишда танлаб ишлатиш тавсия этилади. Бундай дарсларда ўқувчиларни хотирасини ривожлантириш билан биргаликда, асосийси тафаккур операциялари бўлган анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш ва бошқалар билан таништиришлари мумкин.

Шу билан бирга, дарсларда ишлатилиши мумкин бўлган ўқувчи мантиқий фикрлашини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган мактаб математика курсида қўллаш учун методик қўлланмаларни яратиш мақсадга мувофикдир.

Ушбу қўлланма мактаб ўқув режаси билан боғлик бўлган тушунарли материаллар учун тузилиши, курснинг барча мавзуларини қамраб олиши, ўқувчиларнинг тафаккурининг шаклланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва индивидуал қобилиятларига жавоб бера олиши керак. Бундай ҳолда, мантиқий давомийликни кузатиш керак, вазифалар нафақат таркиб билан, балки таркибнинг мураккаблашиб бориши, мантиқий тузилманинг ривожланиши билан ҳам боғлиқ бўлиши керак.

Масала: Масалалар тўпламидан Аброр, Малика, Нодира ва Воҳид беллашиб масала ишлашди. Маълум вақт оралиғида улар 5 та, 6 та, 8 та ва 9 та масала ишлашди. Агар қизларнинг биттаси энг кам масала ишлаган бўлиб, Нодира Воҳиддан кўпроқ ишлаган, Аброр ва Воҳид биргаликда ишлаган масалалари сони 5 га бўлинадиган бўлса, ҳар бир ўқувчи нечтадан масала ишлаган?

Агар биз ўқувчиларга юқоридаги масалани ечиш вазифасини топширсак, бу масаланинг ечимини анча қийинчиликлар билан топиши мумкин. Лекин ўқувчига мураккаб кўринишдаги ҳар қандай муаммоли масалаларни ечишни осон масалалардан қийинроқларига ўтишнинг тизимлилигини яратиб ўргатилса, ўқувчиларда ечимни топиш учун поғонама-поғона системалаштириш кўникмаси ҳосил бўлиши билан тафаккур доираси кенгайиб боришида яхши натижаларга эришамиз. Масалан, уларни қуйидаги тартибда тузишимиз мумкин:

1-масала: Гулноза ва Ҳулкар уйларида гул парваришлашади. Уларда 8 та ва 10 та гул бўлиб, Гулнозанинг гуллари сони энг кичик икки хонали сон. Ҳар бир қиз нечтадан гул парваришлайди?

Бу масалани ечиш учун аввало асосий эътиборни масала шартидаги "энг кичик икки хонали сон"га қаратилиши керак. Шундагина тўғри ечимга тез ва осон эришилади. Ўқувчи "энг кичик икки хонали сон"ни шошма-шошарлик билан "энг кичик сон" сон деб хато натижани олиши мумкин. Шунинг учун масалани ўқиганда ўқувчиларни масала шартидаги ҳар бир терминга эътибор қаратилишига ўргатиш зарур.

Бу масалани сал мураккаб вазифа тарзида қуйидагича беришимиз мумкин:

2-масала: Гулноза ва Ҳулкар уйларида жами 18 та гул парваришлашади. Уларнинг ҳар биридаги гуллар сони кетма кет келувчи жуфт сонлар бўлса ва Ҳулкарнинг гуллари кўп бўлса, ҳар бирида қанчадан гул бор?

Бу масалани ечишда ўқувчи "кетма кет келувчи жуфт сонлар"га эътибор қилган ҳолда, қуйидагича жуфтликларни ажратиб олади:

(2;4), (4;6), (6;8), (8;10), (10;12), ...

Бу жуфтликларни қўшиш натижасида 6, 10, 14, 18, 22, ...сонлари ҳосил бўлади ва улар орасидан 4-ўринда турган 18 сони бизга масала шартини қаноатлантирувчи кетма-кет келувчи жуфт сонлар жуфтлигини яъни, 4-жуфтликни топиш имкониятини яратади. Бу жуфликдан эса Ҳулкарнинг гуллари сони кўплигини билган ҳолда, ҳар бир қиздаги гуллар сонини аниқлаш жуда осон.

Худди шундай мазмундаги кейинги масалани кўрамиз.

3-масала: Анвар, Олим ва Гулида ручкалар бўлиб, уларнинг сони 5 та, 6 та ва 8 та. Олимнинг ручкалари сони Гулиникидан кўп ва Анварда ручкалар энг кам. Кимда қанча ручка бор?

https://buxdu.uz



Бу масаланинг юқоридаги масалалардан фарқли томони учта бола қатнашган бўлиб, исмлар кетма-кетлигига мос 5, 6 ва 8 сонлари орасидаги турли хил комбинациялар орасидан масала шартини қаноатлантирадиганини аниқлаш ёки исмлар комбинациялари орасидан 5, 6, 8 сонларига мосини аниқлашдан иборат. Бошланғич синф ўқувчилари учун қулай бўлган усул исмлар комбинациялари орасидан 5, 6, 8 сонларига мосини аниқлаш. Бунда биз масаланинг “Анварда ручкалар энг кам” шартидан фойдаланиб, Анварнинг ручкалари сони 5 та эканлигини аниқлаймиз ва кейинги босқичда эса “Олимнинг ручкалари сони Гулиникидан кўп” шартидан фойдаланган ҳолда масала ечими топилади. Бундай масалани ечишда масалада ечимга энг қисқа йўл орқали бориш ўқитувчи томонидан турли расмлар орқали йўналтирилса ҳам бўлади.

Энди бизга берилган энг асосий топшириқни ҳеч қийналмасдан ишласак бўлади. Чунки биз бу масалани ечимини топиш учун “асосий пойдевор”га эгамиз.

Масала: масалалар тўпламидан Аброр, Малика, Нодира ва Воҳид беллашиб масала ишлашди. Маълум вақт оралиғида улар 5 та, 6 та, 8 та ва 9 та масала ишлашди. Агар қизларнинг биттаси энг кам масала ишлаган бўлиб, Аброр ва Воҳид биргаликда ишлаган масалалари сони 5 га бўлинадиган бўлса, ҳар бир ўқувчи нечтадан масала ишлаган?

Ўқувчига масалани диққат билан ўқитиб, масалани дастлаб қайси берилган шартдан фойдаланиб ечишни бошлаш кераклиги яъни, “калаванинг учи”ни топиш сўралади. Ўқитувчи ўқувчиларни масалани қандай кетма-кетликда бажаришга ўргата олсагина ўқувчилар ечимга қисқа, осон ва самарали йўл орқали эриша олишади.

Демак, дастлаб “қизларнинг биттаси энг кам масала ишлаган бўлиб, Нодира Воҳиддан кўпроқ ишлаган” шартидан фойдаланиб, Нодиранинг энг кам ишламаганини билиб оламиз ва Малика энг кам масала ишлаган бўлади. Энди, “Аброр ва Воҳид биргаликда ишлаган масалалари сони 5 га бўлинадиган бўлса” шартига ва 6, 8, 9 сонларига эътибор қаратиб, 6 ва 9 сонлари йиғиндиси 5 га бўлинишидан Нодиранинг 8 та масала ишлаганини аниқлаймиз. Ва ниҳоят охирги босқичда масаланинг “Нодира Воҳиддан кўпроқ ишлаган” шартидан фойдаланиб, Воҳиднинг ишлаган масалалари сонини аниқлаб олинади.

Бундай вазифаларнинг кетма-кетлиги ҳақида кўплаб мисоллар мавжуд бўлиб, уларнинг мунтазам ишлатиш жуда муҳимдир.

Вазифаларнинг тўплами ҳар хил турдаги мантиқий топшириқларни, матнли ва ностандарт масалаларни, ўйин тарзида ўтказиладиган вазифаларни, геометрик мазмунга эга бўлган вазифаларнинг қизиқарли хусусиятларини ва муаммоларни ўз ичига олиши мумкин.

Ўқувчиларнинг фикрлаш жараёни тараққиётини фақат айрим дарслардагина эмас, балки барча дарсларда изчил равишда шуғулланиш ёрдамида сезиларли даражада ривожлантиришимиз мумкин.

Математикани ўқитиш жараёнида мантиқий масалалар орқали ўқувчиларда зарур билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ижодий қобилиятни ривожлантириш орқали юксак тафаккур эгаларини юзага чиқариш мумкин.

Энг муҳими, ностандарт, мантиқий мазмундаги масалалардан мақсадли равишда фойдаланиш ўқувчиларда мантиқий фикрлаш, илмий дунёқарашни шакллантириш ва улардаги шахсий сифатларни ривожлантиришда энг асосий восита ҳисобланади. Мантиқий масалаларни ечишни амалга оширишда қуйидаги тамойилларга амал қилиш зарур бўлади:

мантиқий масалалар ёрдамида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёнларининг яхлитлигини таъминлаш;

ижодий фаолиятларни шакллантириш жараёнида онглилик ва фаолликнинг таъминланиши;

мантиқий мазмундаги ностандарт масалаларнинг қийинлик даражасини изчил ошириб бориш;

мантиқий масалаларнинг сюжетини узлуксиз ўзгартириб бориш;

мантиқий масалаларнинг мазмунини ўқувчилар ёш хусусиятлари,билиш эҳтиёжлари ва қобилиятларига мослиги;

юқорида келтирилганларга мос равишда ўқувчилар мантиқий фикрлашини ривожлантириш жараёнига оддий масалалардан мураккаб масалалар ечишга, ундан мустақил ва ижодий масалалар билан ишлаш жараёнига ўтишнинг таъминланиши.

Шубҳасиз, ўқитувчи математикани ҳам мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлган ва мантиқий фикрлаш усулларидан фойдаланиш зарурлигини тушунадиган ўқувчи билан ишлашда янада самарали натижага эришади. Бундай ўқувчи бошқа фанларда ҳам билимларни яхшироқ ўрганади, ўқувчиларнинг фикрлаш доираси ҳам бойитилади, чунки бу ёндашув билан билиш жараёни улар учун шахсий эҳтиёжга айланади. Шу билан бирга, ўқитувчилар ўқувчиларнинг фикрлаш маданиятини тарбиялаш, интеллектуал салоҳиятини ошириш билан таълим соҳасида яхши натижаларга эришишади.

https://buxdu.uz



**Adabiyotlar**

1.Beruniy Abu Rayhon. Tanlangan asarlar // III jild. -T.: Davlat nashriyoti, 1966.

2. M.E.Zufarova. Umumiy psixologiya. // T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2010.

3. M.X.Toxtaxodjaeva, S.Nishonova, J.Hasanboev, M.Usmonboeva, S.Madiyarova, A.Koldibekova, N.Nishonova, N.Sayidahmedov. Pedagogika // T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2010.

4. Kuznecova E.A. Voprosы razvitiya mыshleniya uchaщihsya na urokah matematiki v sredney shkole // Obrazovanie, nauka i ekonomika v vuzah. Integraciya v mejdunarodnoe obrazovatelьnoe prostranstvo: materialы mejdunar. nauch. konf. Plock, 2008.

5. M. Ahmedov, N. Abdurahmonova, M. Jumaev. Matematika // 1 - sinf uchun darslik. T.:Turon-Iqbol, 2017.

6. N. Abdurahmonova, L.O'rinboeva. Matematika // 2-sinf uchun darslik. T.: Yangiyo'l Poligraf servis, 2018.

**Mansur ERGASHOV**
Buxoro davlat universiteti kimyo kafedrasi professori, kimyo fanlari nomzodi

**Mahbuba OCHILOVA**
Buxoro davlat universiteti kimyo kafedrasi o'qituvchisi

**Zulfiya QODIROVA**
Buxoro davlat universiteti kimyo kafedrasi o'qituvchisi

# MODULLI TA'LIM TEXNOLOGIYALARINI QO'LLAB "ASOSLAR VA TUZLARNING UMUMIY XOSSALARI" MAVZUSINI O'TISH

*Maqolada modulli ta'lim texnologiyalarini qo'llab umumiy kimyo fanini o'qitishning sifat va samaradorligi yoritilgan.*

***Tayanch so'zlar**: ta'lim jarayoni, interaktiv metod, Moodle tizimi, innovasion yondashuv, texnologik xarita, o'quv moduli, o'quv faoliyati*

*В статье описывается качество и эффективность преподавания общей химии с использованием модульных технологий обучения.*

***Опорные понятия:**. учебный процесс, интерактивный метод, система Moodle, инновационный подход, технологическая карта, учебный модуль, учебный план*

*The article describes the quality and effectiveness of the teaching of general chemistry using modular learning technologies.*

***Key words:** learning process, interactive method, Moodle System, innovative approach, technological map, training module, curriculum.*

Hozirgi vaqtda yurtimizda ta'lim jarayonini innovatsion yondashuvlar asosida, turli interaktiv metodlardan samarali qo'llagan holda tashkil etishga katta e'tibor berilmoqda. Akademik litsey va kasb-hunar kollejlarida ta'lim jarayonini interaktiv shaklda innovatsion yondashuv asosida tashkil etishda Moodle ta'lim tizimining o'rni muhim ahamiyatga ega. Modulli o'qitish pedagogik ta'limning quyidagi zamonaviy masalalarini har tomonlama yechish imkoniyatlarini yaratadi:

- modul - faoliyatlilik asosida o'qitish mazmunini optimallash va tizimlash dasturlarni o'zgaruvchanligi, moslashuvchanligini ta'minlash;
- o'qitishni individuallashtirish;
- amaliy faoliyatga o'rgatish va kuzatiladigan harakatlarni baholash darajasida o'qitish samaradorligini nazorat qilish.

Modulli o'qitishning hozirgi zamon nazariyasi va amaliyotida ikki xil yondashuvni ajratib ko'rsatish mumkin: fan bo'yicha faoliyat yondashuvi va tizimli faoliyat yondashuvi. Tizimli faoliyat yondashuvi asosida modulli o'qitish texnologiyasi o'quv materiallarini individual va mustaqil o'zlashtirishga to'la imkoniyat yaratilishi tufayli o'quv predmetini samarali o'zlashtirishni ta'minlaydi. Modul dasturi mustaqil o'qishga o'rgatadigan o'quv qo'llanma sifatida o'quvchiga o'quv moduliga kiritilgan o'quv materiali blokini o'qish vaqtida doimiy foydalanish uchun berilsa ta'lim samaradorligi oshadi. Predmetlarni modulli texnologiyada o'qitishni tashkil etish uchun ishchi dasturni bajarishning taqvimiy rejasining shakli turlicha bo'lsa ham mazmunini bir xil nazariy, amaliy, seminar, laboratoriya mashg'ulotlarni, mustaqil ish va nazorat savollari yoki test savollari yoki test savollari materiallarini tizimlashtirish asosida yaratish, so'ngra rejadagi ketma-ketlikda o'quv majmuasida mujassamlashtirish zarur.

https://buxdu.uz



Umumiy kimyo fanini mukammal o'qitish uchun akademik litseylarning tabiiy fanlar yo'nalishida 160 soat dars mashg'ulotlari ajratilgan. Shulardan 74 soati ma'ruzalar uchun, 14 soati laboratoriya mashg'ulotlari va qolgan 72 soat vaqt o'quvchilar tomonidan masalalar yechish, har bir blok bo'yicha nazorat ishi va referatlar muhokamasini o'tkazish uchun ajratiladi.
Umumiy kimyoda modul quyidagi qismlardan tashkil topadi:

1.Modul materialining asosiy maqsadi.

2.O'qish uchun ma'ruza matnlari.

3.O'quv materialini o'zlashtirish usullari (o'qish, yozish, masala va mashqlar bajarish, test topshiriqlari va boshqalar).

4.Topshiriqlarning bajarilganligini nazorat qilish usullari.

Modul tayyorlashning dastlabki bosqichida har bir bo'lim uchun o'qitish texnologik xaritasi tuziladi. Masalan, **"Noorganik birikmalarning eng muhim sinflari"** bo'limi uchun o'quv dasturida **12 soat** ajratilgan. O'quv dasturida nazariy dars 4 soat, amaliy 4 soat, mustaqil ta'lim 4 soat dars ajratilgan. Bu bo'limni modulli texnologiya asosida o'tish uchun quyidagi bosqichdagi ishlar amalga oshiriladi.

| Dars soatlari | 1 | 2 | 3 | 4 |
|---|---|---|---|---|
| Dars mavzusi | Oksidlar va kislotalarning umumiy xossalari | Oksidlar va kislotalarning olinishi va kimyoviy xossalariga doir masalalar yechish | Asoslar va tuzlarning umumiy xossalari | Asoslar va tuzlarning olinishi va kimyoviy xossalariga doir masalalar yechish |
| Ajratilgan soatlar | 2 | 2 | 2 | 2 |
| Mavzuning mazmuni | Oksidlar va kislotalarning nomlanishi turlari olinish usullari va xossalariga doir umumiy ma'lumot berish | Oksidlar va kislotalar olinish usullari va xossalariga doir masalalar yechishni tushuntirish. | Asoslar va tuzlarning nomlanishi turlari olinish usullari va xossalariga doir umumiy ma'lumot berish | Asoslar va tuzlarning kimyoviy olinish usullari va xossalariga doir masalalr yechishni tushuntirish |
| BKM elementlari | Asosli,kislotali,amfotr,befarq oksidlar.Kislorodli, kislorodsiz oksidlar | Oksid va kislotalar, test nazorati | Ishqorlar,suvda erimaydigan asoslar,o'rta,asosli,nordon,aralash,qo'sh,kompleks tuzlar | Asoslar va tuzlar, test nazorati |
| Ta'lim usuli | Kichik ma'ruza, namoyish, aqliy hujum | Ommaviy, guruhlarda ishlash. | Ma'ruza, semenar | Ommaviy, guruhlarda ishlash. |
| Dars turi | Yangi mavzuni o'zlashtirish | Masalalar yechish | Yangi mavzuni o'zlashtirish | Masalalar yechish |
| O'qituvchi nazorati | Og'zaki so'rov: Tezkor - so'rov , "nima uchun"- texnikasi | Test, topshiriqlar | Og'zaki so'rov: Tezkor - so'rov , "nima uchun"- texnikasi | Test, topshiriqlar,masalalar yechish |
| Uyga vazifa | Nazariy bilimlarini konspekt qilish, o'qib kelish | Nazariy bilimlarini konspekt qilish, masalalar yechish | Nazariy bilimlarini konspekt qilish, o'qib kelish | Konspekt qilish,masalalar yechish,takrorlash |

O'quvchilarga dars Noorganik birikmalarning eng muhim sinflari mavzusini modulli texnologiya asosida o'tiladi, ularning o'zlashtirishi aniqlanadi. Umumiy kimyo fani bilimlarini maxsus ishlab chiqilgan o'quv modullari yordamida mustaqil o'rganish faoliyati sinab ko'riladi. Eksperiment natijalarning aniq bo'lishini ta'minlash maqsadida kimyoviy bilimlari bir-biriga deyarli teng bo'lgan guruhlar (eksperiment va taqqoslash guruhlari sifatida) tanlab olinadi. Bunday guruhlarni tanlashdagi asosiy talablardan biri eksperiment va taqqoslash guruhlarida bir nafar o'qituvchining o'zi dars va darsdan tashqari mashg'ulotlar olib borish zarurligiga e'tibor qaratiladi. Eksperimental tadqiqotning asosiy maqsadi akademik litsey

https://buxdu.uz



o‘quvchilarining umumiy kimyodan Anorganik birikmalarning eng muhim sinflari mavzusini darsda o‘quv faoliyatini tashkil etish va takomillashtirishning didaktik-metodik qoidalari va qonuniyatlarini ishlab chiqishdan iborat. Shuningdek, o‘quvchilarning mustaqil bilim olish samaradorligini oshirishda o‘qitishning turli xil noan’aviy usullaridan foydalanishdir. Fanlarni modulli texnologiyada o’qitishni tashkil etish uchun o’qituvchilar yuqorida ko’rsatib o’tilgan talablarni amalga oshirishi zarur, ayniqsa, o’qituvchilar yetarlicha darsga tayyor bo’lishi, yangi pedagogik texnologiyalarni o’zlashtirishga istagi bo’lishi, har bir o’quvchini harakat dasturi bilan ta’minlab borishi lozim. O’quvchilardan esa mustaqil o’quv-bilish faoliyatini bajarib borishi, minimum va umumiy o’quv bilimiga ega bo’lishi, ijodiy yondashgan holda izlanishi talab qilinadi.

Tajriba-sinov ishlari o‘tkazishdan oldin eksperimental va taqqoslash guruhi o‘quvchilari umumiy kimyodan ishlab chiqilgan test topshiriqlarining asosiy shakllari hamda ularga javob berish tartibi bilan tanishtirib o‘tiladi.

Tajriba-sinov ishlarini o‘tkazishda eksperimental guruh o‘quvchilariga internet saytida berilgan ma’lumotlar manzili beriladi. Mavzuga tegishli ma’lumotlar buxdu.uz saytining masofaviy ta’lim qismida joylashtirilgan.




Umumiy kimyo darslarda internetda joylashtirilgan ma’lumotlarga tegishli mustaqil topshiriqlar beriladi. Har darsda bu topshiriqlarning bajarilishi nazorat qilinadi. O‘quvchilarning uyda mustaqil shug’ullanishlarini nazorat qilish uchun eksperimental va taqqoslash guruhlarida ham bir xil, ya’ni test topshiriqlarining 2-varianti orqali har bir darsda 100 ballik tizimda maxsus formula yordamida baholab boriladi.

Eksperimental guruhlarda umumiy kimyo darslari modulli ta’lim texnologiyalari asosida o’tiladi. Taqqoslash guruhlarida esa boshqa ilg’or pedagogik texnologiyalar asosida o’tiladi. Har ikkala guruh o‘quvchilarining o‘zlashtirish darajasi bir xil nazorat topshiriqlari yordamida baholanadi. Guruh o’quvchilarining texnologiyalari vositasida bilim olish jarayonida o’zlashtirish samaradorligi bilim darajasining o’zgarishini aniqlash yo’li bilan tasdiqlanadi. Bo’lim yuzasidan olingan natijalarga asoslanib, asoslarning nomlanishi va turlari, asoslarning olinish usullari va xossalari, tuzlarning nomlanishi va turlari, tuzlarning olinish usullari, xossalari va boshqa bo’limlar modulli ta’lim texnologiyalari asosida o’tildi. Bu jarayondagi o’zgarishlar ko’rsatkichi quyidagicha:

**O’quvchilarning ” Asoslar va tuzlarning umumiy xossalari” mavzusidan bilim darajasining o’zgarishi**

| Guruh | Talaba soni | Dastlabki sinov natijalari | | | Tajriba-sinov natijalari | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 5 baho | 4 baho | 3 baho | 5 baho | 4 baho | 3 baho |
| Eksperimental | 30 | 3 | 15 | 12 | 6 | 20 | 4 |
| Taqqoslash | 30 | 2 | 17 | 11 | 3 | 18 | 9 |

Eksperimental sinflarda “a'lo” 13% ga, “yaxshi” deyarli 13% ga ortgan. Taqqoslash sinflarida bunday ijobiy natijalar tajriba xatosi doirasidan tashqariga chiqmagan.Nazorat-test natijalari eksperimental sinflardagi «qoniqarli» va «qoniqarsiz» baholar soni taqqoslash sinflariga nisbatan qariyb 2 marta kamayganligini ko’rsatadi. Elektron o’quv modullaridan darslarda foydalanilsa, o’quvchilarning mustaqil ishlash, kompyuter bilan ishlash bilan bog’liq bilimlarini oshiradi. O’qituvchi uchun esa iqtidorli va bo’sh o’zlashtiruvchi bilan alohida ishlash imkoniyatini yaratib beradi.

https://buxdu.uz



Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Moodle ta'lim tizimining ta'lim muassalariga joriy etishi har tomonlama foyda keltiradi. Hozirgi kunda Respublikamizdagi ta'lim muassalarida bu tizimni joriy etish uchun barcha ta'lim muassasalarida axborot kommunikasiya texnologiyalari bilan ta'minlanganligi, internet tarmog'iga ulanganini hisobga olib , ta'lim muassasalariga an'anaviy o'qitish tizimi bilan parallel holatda masofaviy ta'limni keng joriy etish juda ko'p muammolarni o'z vaqtida hal etish imkonini beradi.

**Adabiyotlar**


1. Avliyaqulov N.X., Musayeva N.N. Kasb-hunar kollejlarida kasbiy fanlarning modulli o'qitish texnologiyalari. O'quv metodik qo'llanma. - T.: Yangi asr avlodi, - 2003. – 88 s
2. Masharipov S., Tirkashev I. Kimyo. Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. T.: O'qituvchi, 2012 yil. 320 bet.
3. Ergashov M.Y., Ochilova M.K. Ta'limda LMS Moodle tizimining o'rni. Buxoro davlat universiteti.Pedagogik mahorat. 1-son. 2019-yil, fevral.
4. Гильмутдинов А.Х. Электронное образование на платформе MOODLE. Казань, КГУ. – 2008.–169 с.
5. Головатенко А. Модульная технология на уроках истории. — «История», 1996, № 23.
6. http://www.moodle.org/


**Муаттархон АКБАРОВА**
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети ўқитувчиси

# НОКИМЁВИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДА "КИМЁ" КУРСИНИ ЎҚИТИШДА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Ушбу мақолада нокимёвий таълим йўналишларида ўқитиладиган "Кимё" курсининг амалиётга киритилган дидактик материаллари ва маърифий-тарбиявий жамғармасини шакллантиришда кимё дидактикасининг тавсия ва хулосалари ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар**: дидактика, компонент, метод, назарий ва амалий машғулотлар, объект, предмет, фанлараро алоқадорлик, методология.*

*В данной статье обсуждается рекомендации и выводы по химии при формирование практических и дидактических материалов, а также основ образовния по курсам химии, преподаваемые в области образования.*

***Ключевые слова:** дидактика, компонент, метод, теоретическая и практическая подготовка, объект, предмет, междисциплинарное общение, методология.*

*This article discusses the recommendations and conclusions on Chemistry in the formation of practical and didactic materials, also the basics of education in chemistry courses taught in the field of education.*

***Key words:** didactics, component, method, theoretical and practical training, object, subject, interdisciplinary communication, methodology.*

Нокимёвий таълим йўналишларида ўқитиладиган "Кимё" курсининг дидактик аппаратини таҳлил қилишда жиддий эътибор унинг умумийлигига ва таълим йўналишларининг базавий маълумотлари бўлажак биология, тупроқшунослик, экология, физика, гидрология, гидрометрология, геофизика, геокимё, геология мутахассислари учун хизмат қилишига қаратилиши лозим.

Ушбу курснинг дидактик мазмунини белгилашда асосий эътибор кимё таълимининг мазмунини белгиловчи асосий тушунчалар, нокимёвий таълим йўналишлари учун яратилган бакалавриат давлат таълим стандартларининг талаблари асос қилиб олинган. Унда шу курс мазмунининг асосий компонентлари ҳамда тузилмаси белгиланган. Курс учун ўқитиш методлари танланган, улар таснифланган, умумпедагогик ва умуммантиқий методлардан фойдаланиб ўқитиш кўзда тутилган. Курсни ўқитишда, яъни назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишда ҳамда мустақил таълим мазмунини белгилашла кимёвий экспериментдан ушбу таълимнинг асосий методи сифатида фойдаланиш зарурати ҳисобга олинган.

https://buxdu.uz



Шунингдек, ушбу курсни ўқитиш жараёнида машқ ва масалалар ечиш, тест топшириқларидан фойдаланиш, кимёвий диктантлар ўтказиш, дидактик ўйинлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Ўқув машғулотларининг мазмунини белгилашда бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган ва улар ишчи ўқув дастури ҳамда фан бўйича яратилган ўқув-услубий мажмуа мазмунида акс эттирилган.

Курснинг амалдаги намунавий ўқув дастури асосида ишчи ўқув дастурини яратишда ушбу жиҳатлар эътиборга олинган [1].

"Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да таълимнинг табиий йўналиши бўлимида кўрсатиб ўтилган талабаларнинг табиат ҳақидаги дунё қарашини бойитиш, уларда мустақил фикрлаш туйғуларини қарор топтириш, олинган назарий ва амалий билимларни ҳаётга татбиқ этишни амалга оширишга қаратилганлиги билан белгиланади [2]. Кимё фани атрофимиздаги оламни, табиатни ўрганувчи фанларнинг биридир. Бутун олам, бутун борлиқ материядан иборат. Маълум қонун асосида ўрганиш ва ундан инсоният манфаати учун фойдаланиш фаннинг асосий вазифаси ҳисобланади. Баъзан, моддада шундай ўзгариш бўладики, бунинг оқибатида у бошқа моддага айланади ва кимёвий жараён содир бўлади.

Ҳозирги даврда атроф-муҳитни мухофаза қилиш инсоният олдида турган муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Сув ва ҳавонинг тозалигини назорат қилиш, чиқиндисиз технология яратиш ва ҳоказо масаларни ҳал қилишда кимё фаннинг аҳамияти катта.

"Кимё" фани талабалар билимларини чуқурлаштириш натижасида талабаларни модда (атом ва молекулалар) тузилишига доир назарияларни эгаллашга, кимёнинг жуда муҳим мавзуларини ўзлаштиришга йўналтиради. Кимёнинг ривожланиш тарихи, илмий ва амалий ютуқлари, келажакда ҳал қилиниши лозим бўлган назарий ва амалий асослари билан талабаларни таништириш ва уларда кимё фанига қизиқиш уйғотиш ҳамда ижодий куртакларни ўстириш фаннинг асосий мақсади ҳисобланади.

"Кимё" фанини илмий ва амалий жиҳатларини ўрганиш, кимё фанининг халқ хўжалигидаги роли катта аҳамиятга эга эканлигини талабаларга тушунтириш, кимё фани ҳақида умумий тушунчалар бериш ва кимё фанининг аҳамияти тўғрисида талабалар билимларини чуқурлаштириш, кимё фанининг илмий ва амалий асосларини ўргатиш кабилар асосий дидактик мақсаддир [3]. "Кимё" фани атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа экология соҳаларини кузатиб боришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кимё фанининг моҳияти, унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги, унинг аҳамияти, материя, модда, атом, молекула ва кимёвий элемент тўғрисидаги тушунчалар, атом-молекуляр таълимот, молекуляр таълимот ва кимёвий элемент ҳақида тушунча, кимё фанининг асосий қонунлари, идеал газ қонунлари, атом тузилиши, атомнинг ядро модели, атом тузилиши ҳақида классик таълимот, атом ядросининг тузилиши, ядро энергиясидан фойдаланиш, кимёвий элементларнинг хусусиятлари, Бор постулатлари, даврий қонун ва Д.И.Менделевнинг кимёвий элементлар даврий системаси, кимёвий боғланишнинг умумий тавсифи, кимёвий реакция тезлиги ва кимёвий мувозанат, эритмалар, электролитик диссоциланиш, тузлар гидролизи, оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари, комплекс бирикмалар, айрим металл ва металмасларнинг хоссалари ва ишлатилиши, электроманфийлик, ион боғланиш, ковалент боғланиш, боғ энергияси, ковалент боғланишнинг хусусиятлари, металл боғланиш, водород боғланиш, валент боғланиш ва молекуляр орбиталлар усули, кимёвий боғнинг асосий хусусиятлари ва кимёвий боғнинг ҳосил бўлиш механизми, кимёвий боғнинг тўйинувчанлиги ва йўналувчанлиги, кимёвий боғланишларнинг асосий турлари, кимёвий кинетика ва кимёвий мувозанат, реакция тезлиги, реакция тезлигига концентрациянинг таьсири, массалар таъсири қонуни, реакция тезлигига температуранинг таьсири, кимёвий реакциянинг фаолланиш энергияси, оддий ва мураккаб реакциялар, катализ, қайтар ва қайтмас реакциялар, кимёвий мувозанат ва унинг константаси, гетероген системаларда бўладиган кимёвий мувозанатлар, кимёвий мувозанатнинг силжиши, кимёвий реакцияларнинг иссиқлик эффекти, табиий ва сунъий элементлар, табиий ва сунъий радиоактивлик, кимё фанининг ривожига ҳисса қўшган етук ўзбек олимлари илмий изланишлари ҳақидаги маълумотлар [4], кимёнинг геология, география, биология, тупроқшунослик, физика, астрономия, экология каби мутахассислик фанлари билан алоқадорлигини таъминлаш каби масалалар нокимёвий таълим йўналишиларда ўқитиладиган "Кимё" курсининг асосий дидактик жамғармаси ҳисобланади. Шундай қилиб, кимё дидактикаси махсус педагогик фан сифатида кимё таълимини ўқитишнинг алоҳида шакли ва билим олувчиларни тарбияловчи омил тарзида ўрганади. Кимё дидактикаси олий кимё таълими билан боғлиқ кўпгина ва муҳим методологик ва назарий-методик муаммоларнинг ечимини топишга хизмат қилади. Кимё дидактикаси ўзининг илмий аппаратига, яъни ўз объекти, предмети, моҳияти, хусусиятлари, мақсади, вазифалари, фанлараро алоқадорлигига эга бўлгани ҳолда замонавий кимё таълимининг методологиясини ўрнатади ҳамда кимё таълимининг мақсад ва

https://buxdu.uz



вазифаларини белгилагани ҳолда у кимё таълимининг қонуниятларини ўрганади. Нокимёвий таълим йўналишларида ўқитиладиган “Кимё” курсининг амалиётга киритилган дидактик материаллари ва маърифий-тарбиявий жамғармасини шакллантиришда кимё дидактикасининг тавсия ва хулосаларидан фойдаланилган.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, талабаларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Бугунги кунда республика таълим муассасаларида интерфаол таълимни ташкил этишда қуйидаги энг оммавий технологиялар қўлланилмоқда: **Интерфаол методлар:** «Кейс-стади», «Блиц-сўров», «Моделлаштириш», «Ижодий иш», «Муносабат», «Режа», «Суҳбат». **Стратегиялар:** «Ақлий ҳужум», «Бумеранг», «Галерея», «Зиг-заг», «Зинама-зина», «Музёрар», «Ротация», «Т-жадвал», «Юмалоқланган қор» ва ҳ.к. **График органайзерлар:** «Балиқ скелети», «БББ», «Венн диаграммаси», «Инсерт», «Кластер», «Нима учун?», «Қандай?» ва б.

Интерфаол таълим бевосита интерфаол методлари ёрдамида ташкил этилади. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида таълим методларидан фойдаланганда, аввало, бу методдан фойдаланишнинг ўрни, унинг самарадорлигини билиши муҳимдир. Бунинг учун ҳар бир педагог ҳаётий тажрибага эга бўлган, етарли билимлар билан қуролланган, таълим олувчиларга нисбатан муаммоларнинг ечимини олдиндан ҳал эта оладиган ва уларни таълим олувчиларга етказиш малакасига эга бўлиши лозим.

Янги педагогик технологиялар ўз ичига кўп масалаларни қамраб олади: жумладан, назарий ва амалий кимёнинг анъанавий воситалари ёрдамида кўрсатиб бўлмайдиган кўпгина жараёнларнннг динамик моделларини компьютер ёрдамида анимация килиб, улардан фойдаланиб компьютер дарсларини ўтказиш, шу дастурга киритилган таълим мавзусига оид тест саволлари ёрдамида талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини аниқлаш, дарс жараёнида талабаларни фаоллаштирувчи, хорижий давлатлар - Америка, Англия, Финляндия олимлари томонидан ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган инновацион технологиялардан фойдаланиш, шунингдек, мавзуга оид Республиканинг табиий кимёвий заҳиралари ва улардан кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни баён этиш, кадимий Шарқ мутафаккирларининг кимёга оид меросларидан, ҳамда Ўзбекистон кимёгар олимларининг кашфиётларидан дарсда фойдаланиш ва бошқалар.

Ҳар қандай юқори савияда ўтказилган маъруза, гарчанд у фактларга бой бўлса ҳам, агар узоқ вақт давом этса, талабаларнинг эшитиш қобилияти сусаяди ва чарчайди. Шунинг учун янги педагогик технология асосида ташкил этилган маърузалар самарали бўлади.

Ўқитувчи ўз маърузасини бир неча блокларга бўлади. Ҳар блокни 15-20 минут давом эттиради ва ҳар бир блокдан сўнг тўхтаб, савол-жавоб ўтказилади.

Ўқитувчи маъруза давомида айрим муаммоларни ўртага ташлайди. Шу вақт оралиғида бу муаммога талабаларнинг муносабатини аниқлайди, уларнинг фикрларини тинглайди. Ҳар бир фикр билдирувчига имконият яратади. Унинг фикри диққат билан тингланади. Аммо уни танқид остига олмай, бошқаларнинг фикрлари тингланади. Бу ҳолат маърузага нисбатан бўлган муносабатни ижобий томонга ўзгартиради, маърузага бефарқ қарамасликка сабаб бўлади. Талаба-ўқувчиларни суҳбатга тортиш 5 минут давом этади.

Ўқитувчи талабаларнинг қизиқиш, интилиш, масъулияти ошиб боришни кузатиб боради. Маърузани давом эттиради ва шу ҳол такрорланади. Шу давр ичида доимо фаол иштирок этувчилар, теран фикр билдирувчилар маърузачининг таянчига айланади.

Маъруза давомида мавзуни секин-аста талабанинг кундалик фаолиятига боғлаш бошланади, аста-секин уларга ҳам қисқа мунозаралар асосида жавоб топилади.

Шу ҳолда кечган маърузаларда талабалар вақт қандай ўтиб кетганини билмай қоладилар. Маърузанинг яна давом этишини хоҳлаб, бефарқлик ўрнини ҳушёрлик, ички интилиш, ечим қидириш эгаллайди, ўзлари ҳам ечимни топишда шахсан иштирок этишга ҳисса қўшишга интиладилар.

Бундай маърузалар ҳар икки томоннинг ўзаро фаоллигини оширади. Навбатдаги мунозараларга чорлайди.

## НОВЕРБАЛ ВОСИТАЛАР

Новербал воситалари мимика, қўл, гавда ҳаракатлари орқали бирор маъно-мазмунни ифодалаш ёки таъкидлашдан иборат. Новербал воситалар жиддий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ўрнини бошқа нарса боса олмайди. Инсоннинг ҳар бир ҳаракати маълум маънога эга бўлиб, бу ҳаракатларни турли халқларда турлича тушунилади. Бу ҳаракатларни новербал нутқ деб номлаш қабул қилинган. Новербал нутқ инсоннинг у ёки бу мускуллари ҳаракати, шу жумладан, унинг

https://buxdu.uz



фикрлаши ҳам ундаги маълум мускуллар ҳаракатидан иборат эканлигини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Айрим ҳолатларда имо-ишора қилиб қўйишнинг таъсири гапиргандан кўра кучли бўлиши мумкин.

**ВИЗУАЛ ВОСИТАЛАР**

Визуал (кўргазмали) воситалар педагогик технология жараёнида талаба-ўқувчилар кўз билан кўришлари учун мўлжалланган барча воситаларни ўз ичига олади. Буларга доскадаги ёзув ва бошқа тасвирлар, китоблардаги ёзув ва тасвирлар, тарқатма материаллар, ўқув плакатлари, фото суратлар, тасвирий санъат асарлари, видео, кино тасвирлар, жониворлар, ўсимликлар, табиат объектлари, турли буюмлар ва бошқалар киради.

Кўргазмали воситаларнинг педагогик технологияда қўлланилиши талабаларга ўргатиш керак бўлган ахборотга тегишли мазмунни турли шакл ва усулларда кўрсатиш орқали тез, аниқ ва тўғри тушунтириш имкониятини беради.

**АУДИО ВОСИТАЛАР**

Аудио воситалар эшитиш орқали ахборотни ўрганиш, ўзлаштириш имкониятини беради.

Ҳозирда кўпроқ аудиовизуал воситалар, яъни бир вақтда эшитиш ва кўришга хизмат қилувчи воситалар: кино ва бошқа овозли видео тасвирлардан фойдаланилади.

Аслида эса амалиётда мавжуд шароит ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ижодий ёндашув асосида мавжуд воситалардан комплекс фойдаланиш энг яхши самара бериши мумкин.

**ТАБИИЙ ВОСИТАЛАР**

Табиий воситаларга педагогик технология жараёнида ўрганиш кўзда тутилган мазмунга тегишли барча табиий нарсалар киради. Булар одам ва жониворлар, ўсимликлар ва табиат, асбоб-ускуналар, буюмлар, машиналар, механизмлар, иншоотлар ва шу кабилардан иборат.

Талаба ва ўқитувчи учун зарур ўқув анжомлари ҳамда жиҳозлари педагогик технологиянинг зарур воситалари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда барча таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида ўқитувчининг касбий маҳорати, ҳаётий тажрибаси, замонавий ўқитиш услублари-интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Умуман таълим самарадорлиги ва сифати ҳозирги кунда кўп жиҳатдан барча турдаги зарур воситаларнинг сифати ва улардан юқори самарадорлик билан фойдалана билишга боғлиқ. Бу воситалардан тўғри ва унумли фойдаланиш ўқитувчининг малака, маҳорат, ижодкорлиги, изланувчанлигига боғлиқ.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 68 б.
2. Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва буюрувчи ҳужжатлар тўплами. –Т.1-2. –Тошкент, 2002.
3. Пак М.С. Дидактика химии. –Москва:Владос, 2004.
4. Н.А.Парпиев, Ҳ.Р.Раҳимов, А.Г.Муфтахов, Анорганик кимёнинг назарий асослари, Тошкент, 2000.

**Анваржон РАШИДОВ**
Бухоро давлат университети
математика кафедраси
таянч докторанти

# МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ УСУЛИ ОРҚАЛИ АНИҚЛАШ

*Мақолада масофавий таълимнинг турли моделлари нафақат қўлланиладиган технологиялар, балки бошқарилиш даражаси, ўқитувчи ва талабаларнинг масъулияти хусусида фикр юритилади. Айрим моделларда ўқитувчилар ва таълим муассасаси, худди анъанавий таълим тизими аудиторияларида ўқитилганидек, таълим жараёнини бошқариш функциясини тўлиқ сақлаб қолади. Бошқа турларида эса, таълимни бошқариш таълим олувчиларга ўтади.*

***Калит сўзлар:*** *масофавий таълим, таълим моделлари, ўқитиш моделлари, компьютер конференциялари, тажриба-синов ишлари.*

*В статье рассматриваются различные модели дистанционного образования, не только применяемые технологии, но и уровень управления, ответственность преподавателей и студентов.*

https://buxdu.uz



*В некоторых моделях учителя и образовательное учреждение, как и в традиционных аудиториях системы образования, полностью сохраняют функцию управления образовательным процессом. В других видах управление образованием переходит к получателям образования.*

***Ключевые слова:*** *Дистанционное обучение, образовательные модели, модели обучения, компьютерные конференции, экспериментальная работа*

*The article discusses various models of distance education, not only the technologies used, but also the level of management, responsibility of teachers and students. In some models, teachers and educational institutions, as in traditional classrooms of the education system, fully retain the function of managing the educational process. In other types of education management is transferred to the recipients of education.*

***Key words:*** *distance learning, educational models, teaching models, computer conferences, experimental work.*

Масофавий таълимда турли таълим моделлари қўлланилади, бироқ уларнинг барчасига хос бир хусусият мавжуд, бу ҳам бўлса, унда барча талаба ва ўқитувчилар масофа жиҳатидан ажратилишидир.

Барча таълим турлари каби масофавий таълимнинг ҳам ҳар хил моделлари мавжуд. Бу таълим жараёнининг қуйидаги асосий таркибий қисмлари: фан мазмунининг баёни; ўқитувчилар билан ўзаро бевосита ва билвосита мулоқот; амалий топшириқларнинг бажарилиши; талаба билимини назорат қилиш ва баҳолашдан иборат бўлади. Ҳар бир модел шу каби таркибни ҳамда уни амалга оширувчи технологияларни қўллайди. Илмий манбаларнинг тарихий аналитик тадқиқи шуни кўрсатдики, кўплаб муаллифлар масофавий ўқитиш моделларини тузишга ўз эътиборларини қаратишган. Жумладан, Э.С.Полат раҳбарлигидаги жамоа ўз монографияларида қуйидаги 6 та моделни кўрсатганлар:

1. Экстернат тури бўйича ўқитиш.
2. Университет масофавий таълим модели.
3. Бир неча олий таълим муассасалари ҳамкорлигида ўқитиш.
4. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқитиш.
5. Автоном ўқитиш.
6. Мультимедиа дастурларига асосланган, норасмий, интеграллашган ўқитиш [1].

Ҳозирги даврда дунёдаги ривожланган мамлакатлар таълим муассасаларида масофавий усулда таълим беришнинг ана шу олтита модели қўлланиб келинмоқда:

**Экстернат тури бўйича ўқитиш.** Бу шаклда ўқитиш қуйидаги қулайликларга эга: биринчидан, иқтидорли талабалар учун вақтдан самарали фойдаланиш имконини беради; иккинчидан, малакасини оширишга эҳтиёж сезаётган ва шу йўналишда бевосита амалиётда фаолият кўрсатаётган мутахассисларга қисқа муддат давомида ўз малакаларини ошириш имкони яратилади. Масофавий усулда экстернат шаклида таълим берувчи олий таълим муассасаси мисолида Лондон университетини таъкидлаш мумкин.

**Университет масофавий таълим модели.** Фақат бир университет базасида шу университетда мавжуд таълим йўналишлари ўқув режасидаги фанлар АКТ асосида ташкил этилган масофавий таълимнинг техник воситалари орқали ўқитилади. Бунда ҳар бир фан учун тегишли кафедралар томонидан тайёрланган ва доимий бойитилиб борувчи электрон китоблар ҳар хил турдаги ахборот ташувчилар орқали талабаларга етказиб турилади ва талабалар ўзлаштириши шу кафедралар томонидан назорат қилинади. Бундай шаклнинг устувор томони шундаки, илғор технологиялар асосида яратилган электрон китоблар шу университетдаги таълимнинг кундузги ва бошқа шакллари учун кенг қўлланилади. Бундай таълимнинг ҳар хил шаклида ягона дастур асосида тайёрланган электрон китобларнинг қўлланиши талабалар билимининг чуқурлашувига олиб келади ва катта иқтисодий самара беради. Мисол тариқасида, Англиянинг Оксфорд ва Кембридж университетларини, Голландиянинг Шеффильд университетини, Австралиянинг Жанубий – Уэлс университетини, Канаданинг Ватерлоо университети, Янги Зеландиянинг Массей университети, Пенсилвания университетларини келтириш мумкин.

**Бир нечта олий таълим муассасаларининг ҳамкорлигига асосланган масофавий таълим модели.** Бир неча таълим муассасаси ҳамкорлигида яратилган электрон китоблар ва қўлланмалар биринчидан, илмий жиҳатдан мукаммал ва сифатлироқ бўлса, иккинчи томондан, уларга иқтисодий жиҳатдан бир мунча кам харажат қилинади. Бундай шаклдаги масофавий таълимни Европа қитъасидаги инглиз тилида сўзлашувчи давлатлар, Буюк Британия ҳамкорлигида «Таълимда ҳамкорлик» (Commonweailth of Education – 1997-йил) дастури бўйича ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида, Европадаги инглизча сўзлашувчи мамлакатлар фуқаролари ўз уйларида туриб, махсус

https://buxdu.uz



ташкил этилган масофавий таълим телекоммуникатция тизими орқали шу мамлакатларнинг университет ва коллежларида таҳсил олиш имкониятига эга бўлдилар.

Яна бир мисол сифатида Аргентина, Боливия, Бразилия, Чили ва Парагвай давлатлари таълим муассасалари иштирокида амалга оширилаётган «Кеприкон» (Capricorn Interuniverstu Teleducation Prograe, 1990 йилдан бошланган) дастурини келтириш мумкин. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, юқоридаги беш мамлакат ҳамкорлигида ташкил этилган масофавий таълимда бир томондан шу давлатлардаги мавжуд илмий салоҳиятлар бирлаштирилган ва уларнинг тажрибалари умумлаштирилган бўлса, иккинчи томондан, ушбу дастурнинг молиявий харажатлари мутаносиб равишда беш мартага қисқарган.

**Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳамкорлигида ташкил қилинган масофавий таълим моделлари.** Бундай махсус ташкил этилган тизимлар сиртқи ва масофавий шаклда таълим олувчиларга мўлжалланган бўлиб, янги таълим технологияларининг кенг қамровли қўлланиши натижасида фаолият юритади. Мазкур шаклда телекоммуникатция тизимидан ташқари, мултимедиа курслари кенг қўлланилади ва бунинг натижасида талабаларга таҳсил бериш билан бир қаторда, улар билимларини баҳолаш ва аттестациядан ўтказиш имкониятлари кенгаяди. Ушбу шаклнинг иқтисодий томондан қулайликлари қуйидагилардан иборат: ягона дастур асосида тайёрланган электрон дарсликлардан бир неча ҳамкорликда фаолият юритаётган таълим муассасаларида фойдаланилади; ягона дастур асосида таълимнинг турли шаклларида (кундузги, сиртқи, масофавий) таҳсил олувчи талабаларга тегишли фанлардан тайёрлаган электрон китоблардан фойдаланиш имконини беради; талабалар билимини баҳолаш ва аттестация қилишнинг дастурда умумлаштирилганлиги ўқув соатлари ва ортиқча харажатларни иқтисод қилади; масофавий таълим дастурлари ва электрон китоблар яратиш харажатлари ҳамкорликда фаолият юритаётган бир неча таълим муассасалари ўртасида тақсимланади; бу жиҳат, албатта, масофавий шаклда таълим олиш шартнома қийматлари камайишига хизмат қилади. Бу каби ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳамкорлигида ташкил этилган масофавий таълим шакли кенг қўлланган ўқув юртларига АҚШнинг Колорадо штатида жойлашган Миллий технология университети, Лондондаги очиқ университети, Буюк Британиянинг очиқ университети, Испаниянинг Миллий масофавий ўқитиш университети, Ҳиндистоннинг Индира Ганди номли очиқ университетини мисол сифатида келтириш мумкин.

**Автоном ўқитиш модели.** Бу шаклдаги ўқитиш дастурлари мустақил таълим олиш тамойилида ташкил этилиб, телевидения, радио эшиттиришга асосланган бўлади. Талабаларни ўқитишда асосий ўқитиш воситалари бўлиб, сунъий йўлдош орқали трансляция қилинадиган радио ва телелекциялар ҳисобланади. Бу ҳолатда мутахассисларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, ўз малакаларини оширишлари ва қўшимча мутахассисликларни эгаллашларида қулайликлар яратилади. Бу каби тизимга Америка телевизион лойиҳасини мисол қилиб, келтириш мумкин. Ушбу моделнинг асосий камчиликлари сунъий йўлдош орқали узатиладиган ахборотнинг қимматлилиги ва талабаларнинг белгиланган маълум вақтда яшаш жойларидаги марказда бўлишлари шарт эканлигидир. Бошқача қилиб айтганда, билим беришнинг бундай усули аниқ белгиланган вақт ва аниқ жойга боғлиқ бўлади.

**Мультимедиа дастурларига асосланган, норасмий, интеграллашган ўқитиш модели**. Бу шаклдаги масофавий таълим тизими асосан мустақил малака ошириш, қўшимча мутахассисликни эгаллаш ва тил ўрганиш кабилар бўйича ўқитувчилар ёки таълим муассасаларга мурожаат қилиш зарурати бўлмайдиган дастурлардан иборат бўлиб, компьютер ва телерадио тизимлари орқали ўрганиш воситаси ҳисобланади ва олий таълим тизимида кам қўлланилади. Р.Танинг ва И.Сейнонлар чет эллардаги мустақил ўқитиш технологияларидан фойдаланувчи таълим муассасаларида ишлаб чиқилган моделларни ўрганиб, қуйидаги уч масофавий таълим моделларини ажратиб кўрсатган [2]:

1.Маслаҳат модели.

2.Расмий ёзишмалар (корреспонденция) модели.

3. Бошқарилувчи мустақил ўқитиш модели.

Т.П.Воронина, В.П.Кашитсин, О.П.Молчановалар монографиясида масофавий таълимнинг тўрт модели кўриб чиқилади, булар: анъанавий сиртқи, очиқ – телевизион таълим (телетаълим), виртуал синфлар ва виртуал университетлар [3].

Қуйида келтирилган барча моделларда таълим хизматларининг потентциал истеъмолчилари, оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидения ёки бошқа бир таълим муассасаси танланиб, кириш синовларидан ўтган ва уларнинг барча зарурий ҳужжатлари расмийлаштирилган, деб кўзда тутилади [4].

Булар: Экстернат турида ўқитиш, бир университет негизида ўқитиш, махсус масофали ўқитиш мақсадида ташкил этилган автоном таълим муассасалари моделлари ЮНЕСКО томонидан тан

https://buxdu.uz



олинган масофавий таълим моделлари: ягоналик модели, иккиланган модел, аралаш модел, концортциум, франчайзинг, валидация, узоқлаштирилган аудиториялар.

Қуйида масофавий таълимнинг учта модели келтирилган. Албатта, улар масофавий таълимга бўлган барча ёндашувларни акс эттирмайдилар. Лекин улар таълим бошқарувини ўқитувчидан талаба томонга ўзгаришини ифодаловчи иккита энг четки ҳолат ва ўртача ҳолатни акс эттирадилар.

**1. Тақсимланган аудитория модели.** Бу модел турли манзилларда яшовчи талабалардан ташкил топган синф, гуруҳга мўлжалланган курснинг интерактив телекоммуникацион технологиялар ёрдамида тарқатилишига аратилган. Натижада, анъанавий таълим олувчилар ва масофавий таълим олувчиларни бирлаштирувчи аралаш синф ҳосил бўлади. Бу моделнинг кўрсаткичлари:

- машғулотлар синхрон коммуникацияни талаб қилади, яъни талаба ва ўқитувчилар маълум вақтда, маълум жойда бўлишлари керак (масалан, ҳеч бўлмаганда ҳафтада икки маротаба);
- иштирокчилар сони биттадан бештагача ва ундан кўпга ўзгариб туради, иштирокчилар сони анча кўп бўлса, шунча техник, мантиқий ва маърифий мураккаблик ортиб боради;
- таълим олувчиларга ўқиш жойларини ўқув даргоҳида эмас, балки, уйи ёки иш жойида ташкил қилиш мумкин;
- ўқув муассасалари яқин бўлмаган ҳудудларда яшовчи талабаларга хизмат қилишга мослашган;

**2. Мустақил таълим олиш модели.** Бу моделда талабаларга аниқ вақтда, аниқ жойда бўлиш масъулияти юкланмайди. Талабалар курснинг батафсил дастури ва мазмунини ифодаловчи материаллар тўплами билан таъминланадилар, ҳамда рабарлик қилувчи саволларига жавоб бериб, ишни баҳоловчи ўқитувчига мурожаат қилиш имкониятига эга бўладилар. Талаба ва ўқитувчи ўртасидаги мулоқот телефон, компьютер конференциялари, электрон ва оддий почталарни қўллаш орқали амалга оширилади. Бу моделнинг кўрсаткичлари:

- машғулотлар аудиторияда олиб борилмайди, фанлар (курслар)ни талабалар дастурдаги батафсил йўриқлар асосида мустақил ўрганадилар;
- талабалар ўқитувчи билан айрим белгиланган пайтлардагина, бошқа талабалар билан эса истаган ҳамда белгиланган вақтда мулоқот қиладилар;
- курс бўйича барча материаллар босма нашрлар, компьютер дисклари ёки видеоёзувлар шаклида тақдим қилинади ва талабалар улардан ихтиёрий вақтда, ихтиёрий жойда фойдаланишлари мумкин бўлади;
- курс материаллари бир неча йиллар давомида фойдаланилади. Бу материаллар курс ташкилотчилари, экспертлар ва мутахассислар иштирокида яратилган бўлади ва улардан барча ўқитувчилар учун умумий шаклда фойдаланади.

**3. Очиқ таълим + Синф модели**. Бу модел курснинг босма матни ва бошқа воситалари (масалан, видеоёзув ёки компьютер дисклари)ни қўллашга қаратилган. Бу эса, талабага, масофавий гуруҳ ичидаги талабалар мулоқотлари ташкил этилишига ёрдам берувчи интерактив телекоммуникацион технологияларни қўллаган ҳолда, курсни ўрганиш имкониятини беради. Бу моделнинг кўрсаткичлари:

- курс бўйича барча материаллар босма нашрлар, компьютер дисклари ёки видеоёзувлар шаклида тақдим қилинади ва талабалар улардан ихтиёрий вақтда якка тарзда ёки гуруҳда фойдаланишлари мумкин бўлади;
- курс материалларидан биттадан ортиқ семестрда фойдаланилади ва ҳар бир ўқитувчи учун фарқ қилади, (масалан, унинг видеомаърузаси);
- талабалар ва ўқитувчи вақти-вақти билан машғулот ўтказиш учун тўпланадилар. Бунда интерактив технологиялар қўлланилади (тақсимланган синф моделига мос равишда);
- синфлардаги машғулотлар, талабаларнинг асосий тушунчаларини ойдинлаштириш, масалаларни ечиш кўникмаларини ҳосил қилиш, гуруҳда ишлаш ва бошқа вазифаларни бажаришлари учун, ташкил қилинади.

Масофавий таълимнинг ихтиёрий моделига зарур бўлган, тадқиқотлар натижасида аниқланган баъзи талабларни келтирамиз:

- ўқув материалларини барча талабалар ўз вақтида олишларини таъминлаш;
- ёзма имасофавий таълимиҳон кўзда тутилган ҳолатларда барча имасофавий таълимиҳон топширувчилар учун бир хил шароит яратиш.

Таълимнинг анъанавий тури ва масофавий таълимнинг турли моделларини келгусидаги ривожланиш истиқболларини белгилаш масадида тажриба-синов ўтказилди.

**Тажриба-синов ишларини амалга ошириш механизми.**

https://buxdu.uz



Тажриба Бухоро давлат университетида олиб борилди. Ўзлаштириш даражалари бир- бирига яқин бўлган параллел гуруҳлар танлаб олинди ва мос равишда улар тажриба ва назорат гуруҳларига бўлинди. Назорат ва тажриба гуруҳларида олиб борилган дарсни баҳолаш мезони бир хил бўлиб қуйидаги натижалар олинди:

Гуруҳ тури: Назорат ва Тажриба.

Гуруҳ сони: 2 та

1- Жадвал

| Тажриба босқичи ва ўқув йили | Таълим муассасаси | Талабалар сони | | Даража (ўзлаштириш) | Тажриба гуруҳида | Назорат гуруҳида |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Тажриба гуруҳи | Назорат гуруҳи | | | |
| 2020 ўқув йили | БухДУ | 36 | 35 | Энг юқори (аьло) | 14 (39%) | 9 (26%) |
| | | | | Юқори (яхши) | 17 (47%) | 16 (46%) |
| | | | | Ўрта (қониқарли) | 5 (14%) | 10 (28%) |

Гуруҳдаги талабаларнинг давлат таьлим стандартлари талабларига жавоб бериши ҳисобга олинди. Тажриба-синов асосида “Математика” йўналиши фанларини янги педагогик технологиялар асосида ўқитишнинг самарадорлигини аниқлаш учун талабалардан олинган якуний саволлари, тест ва умумлаштирувчи машғулотларнинг натижалари сифат ҳамда миқдор бўйича таҳлил қилинди.

Қуйидаги жадвалда янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш жараёнида талабалар билим даражаси динамикасининг ўзгариши (сон ва % ҳисобида) келтирилган.

**Талабаларнинг “Математика” йўналиши фанлари бўйича педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда кўникма ва малакаларининг шаклланганлик кўрсаткичлари**.

| Тажриба босқичи ва ўқув йили | Таълим муассасаси | Ўзлаштириш даражаси | Тажриба бошида | | Тажриба охирида | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Тажриба гуруҳида | Назорат гуруҳида | Тажриба гуруҳида | Назорат гуруҳида |
| 2020 ўқув йили | Бухоро давлат университети | Энг юқори(аъло) | 8 (22%) | 7 (20%) | 14 (39%) | 9 (26%) |
| | | Юқори (яхши) | 12 (33%) | 13(37%) | 17 (47%) | 16 (46%) |
| | | Ўрта (қониқарли) | 16 (45%) | 15(43%) | 5 (14%) | 10 (28%) |

Бу маълумотлар асосида қуйидаги белгиланишларни киритамиз:

$x_i$ орқали тажриба гуруҳига мос келадиган баҳоларни белгилаймиз;

$y_i$ орқали назорат гуруҳига мос келадиган баҳоларни белгилаймиз;

$\bar{x}$ ва $\bar{y}$ миқдорлар билан тажриба ва назорат гуруҳлари учун мос келадиган ўртача арифметик қийматлар белгиланади.

У ҳолда

$$\bar{x} = \frac{\sum x_i n_i}{n}, \quad \bar{y} = \frac{\sum y_i m_i}{m} \tag{1}$$

Тенгликлар ўринли бўлади.

Тенгликларда $х_{и}$, $й_{и}$ ўзгарувчилар мос равишда 3, 4, 5 қийматли баҳоларни қабул қилади. м, н миқдорлар эса мос баҳоларга нисбатан талабалар сонидир.

Таькидлаш жойизки, ўқув жараёни самарадорлигини баҳоловчи ўртача қиймат тажриба ва назорат гуруҳлари баҳоларининг ўртача арифметик қийматлари нисбатидир, яьни самарадорлик коэффициенти қуйидагича олинди.

$$\eta = \frac{\bar{x}}{\bar{y}} \cdot \tag{2}$$

Ўртача квадратик оғиш катталиклари;

$$S_x^2 = \frac{1}{n} \sum_i n_i \cdot (x_i - \bar{x})^2$$

https://buxdu.uz



$$S_y^2 = \frac{1}{m}\sum_i m_i \cdot (y_i - \bar{y})^2 . \quad (3)$$

Стандарт оғиш катталиклари;

$$S_x = \sqrt{S_x^2};\ S_y = \sqrt{S_y^2} . \quad (4)$$

Ўртача қийматларни аниқлаш кўрсаткичи;

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{n}\cdot\bar{x}}\cdot 100\%; \quad C_y = \frac{S_y}{\sqrt{m}\cdot\bar{y}}\cdot 100\% . \quad (5)$$

Бўш тўпламнинг номаълум ўрта қийматлари учун ишонч оралиқлари:

$$a_x \in \left[\bar{x} - \frac{t}{\sqrt{n}}\cdot S_x;\ \bar{x} + \frac{t}{\sqrt{n}}\cdot S_x\right];$$

$$a_y \in \left[\bar{y} - \frac{t}{\sqrt{m}}\cdot S_y;\ \bar{y} + \frac{t}{\sqrt{m}}\cdot S_y\right]. \quad (6)$$

Бу ерда $t$ - меьёрлашган четланиш ишонч эҳтимоли $R$ асосида аниқланади. Масалан: $R = 0{,}95$ да $t = 1{,}96$ га тенг.

Биз ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги $H_0 : a_x = a_y$ фаразни илгари суриб, унга қарама-қарши $H_0 : a_x \neq a_y$ эканлигини юқоридаги маълумотлар асосида студент мезони асосида текширамиз.

$$T_{m,n} = \frac{|\,\bar{y} - \bar{x}\,|}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} . \quad (7)$$

Агар $T > T_r = t$ бўлса, $H_1$ фараз рад этилиб, $H_1$ фараз олинади.

Қуйида ушбу маълумотларга асосланиб, ҳар бир босқич учун ҳисоб ишлари ва уларнинг қиёсий таҳлили жадвал орқали кўрсатилади.

Ушбу илмий тадқиқот давомида талабаларнинг тажриба-синов ишлари натижаларининг бошланғич ҳолати ва тажриба охирида эса математика соҳаси барча фан мавзулари бўйича ёзма ва оғзаки баҳолаш орқали ҳамда талабаларнинг мустақил ишлаш билим, кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражалари аниқланди.

Олиб борилган тажриба-синов ишининг қиёсий таҳлили:

$m = 36,\ n = 35$ тажриба ва назорат гуруҳидаги талабалар сони.

$a$ - тажриба бошида.

$o$ - тажриба охирида.

$$\bar{x}_{a'} = \frac{1}{36}(38\cdot 5 + 12\cdot 4 + 16\cdot 3) = \frac{1}{36}(40 + 48 + 48) = \frac{136}{36} = 3,78$$

$$\bar{y}_{a'} = \frac{1}{35}(7\cdot 5 + 13\cdot 4 + 15\cdot 3) = \frac{1}{35}(35 + 42 + 45) = \frac{122}{35} = 3,21 .$$

Самарадорлик коэффициенти:

$$\eta_{a'} = \frac{\bar{x}_{a'}}{\bar{y}_{a'}} = \frac{3,78}{3,21} = 1,18 .$$

Стандарт оғиш катталиклари учун қуйидаги тенгликлар олинди:

$$S_x^2 = \frac{1}{36}\cdot(8\cdot(5-3,78)^2 + 12\cdot(4-3,78)^2 + 16\cdot(3-3,78)^2) =$$

$$= \frac{1}{36}\cdot(8\cdot 1,22^2 + 12\cdot 0,22^2 + 16\cdot 0,78^2) = \frac{1}{36}\cdot(11,9 + 0,58 + 9,7) = \frac{22,21}{36} = 0,62 ;$$

$$S_x = \sqrt{S_x^2} = \sqrt{0,62} = 0,79 ;$$

$$S_y^2 = \frac{1}{35}\cdot(7\cdot(5-3,21)^2 + 13\cdot(4-3,21)^2 + 15\cdot(3-3,21)^2) =$$

$$= \frac{1}{35}\cdot(7\cdot 1,79^2 + 13\cdot 0,79^2 + 15\cdot 0,21^2) = \frac{1}{35}\cdot(22,43 + 8,11 + 0,7) = \frac{31,24}{35} = 0,89 ;$$

$$S_y = \sqrt{S_y^2} = \sqrt{0,89} = 0,94$$

Ўртача қийматлар аниқланиш кўрсаткичлари:

$$\tilde{N}_x = \frac{S_x}{\sqrt{36}\cdot 3,78}\cdot 100\% = \frac{0,79}{6\cdot 3,78}\cdot 100\% = \frac{79\%}{22,68} = 3,48\% ;$$

$$\tilde{N}_y = \frac{S_y}{\sqrt{35}\cdot 3,21}\cdot 100\% = \frac{0,94}{5,91\cdot 3,21}\cdot 100\% = \frac{94\%}{19} = 4,95\% ;$$

https://buxdu.uz



$$a_x \in \left[3,78-\frac{1,96}{\sqrt{36}}\cdot 0,79;\ 3,78+\frac{1,96}{\sqrt{36}}\cdot 0,79\right]=[3,52;\ 4,04];$$

$$a_y \in \left[3,21-\frac{1,96}{\sqrt{35}}\cdot 0,94;\ 3,21+\frac{1,96}{\sqrt{35}}\cdot 0,94\right]=[2,9;\ 3,52]$$

Ушбу ҳисобларни тажриба охирида қандай натижаларга эга эканлигини ҳисоблаб чиқамиз:

$$\overline{x}_o=\frac{1}{36}\cdot(14\cdot 5+17\cdot 4+5\cdot 3)=\frac{1}{36}\cdot(70+61+15)=\frac{146}{36}=4,06;$$

$$\overline{y}_o=\frac{1}{35}\cdot(9\cdot 5+16\cdot 4+10\cdot 3)=\frac{1}{35}\cdot(45+64+30)=\frac{139}{35}=3,97.$$

$\eta_i=\frac{\overline{x}_o}{\overline{y}_0}=\frac{4,06}{3,97}=1,02$ -нисбий ўсиш

Демак, тажриба гуруҳи назорат гуруҳига нисбатан тажриба охирида 1,02 баробар юқори кўрсаткичга эга бўлдилар.

Агар тажриба бошига нисбатан таққослайдиган бўлсак у ҳолда:

Тажриба гуруҳида

$$\eta_{o'}=\frac{\overline{x}_0}{\overline{x}_{a'}}=\frac{4,06}{3,78}=1,07$$

Назорат гуруҳида

$$\eta_i=\frac{\overline{y}_0}{\overline{y}_{a'}}=\frac{3,97}{3,21}=1,24$$

Самарадорликка эришилган.

Стандарт оғиш катталиклари учун қуйидаги тенгликлар ўринли:

$$S_x^2=\frac{1}{36}\cdot(14\cdot(5-4,06)^2+17\cdot(4-4,06)^2+5\cdot(3-4,06)^2)=$$

$$=\frac{1}{36}\cdot(14\cdot 0,94^2+17\cdot 0,06^2+5\cdot 1,06^2)=\frac{1}{36}\cdot(12,37+0,061+5,62)=\frac{18,05}{36}=0,5;$$

$$S_x=\sqrt{S_x^2}=\sqrt{0,5}=0,707;$$

$$S_y^2=\frac{1}{35}\cdot(9\cdot(5-3,97)^2+16\cdot(4-3,97)^2+10\cdot(3-3,97)^2)=$$

$$=\frac{1}{35}\cdot(9\cdot 1,03^2+16\cdot 0,03^2+10\cdot 0,97^2)=\frac{1}{35}\cdot(9,55+0,014+9,4)=\frac{18,964}{35}=0,54;$$

$$S_y=\sqrt{S_y^2}=\sqrt{0,54}=0,73.$$

Ўртача қийматлар аниқланиш кўрсаткичлари:

$$\tilde{N}_x=\frac{S_x}{\sqrt{36}\cdot 4,06}\cdot 100\%=\frac{0,707}{6\cdot 4,06}\cdot 100\%=\frac{70,7\%}{24,36}=2,91\%;$$

$$\tilde{N}_y=\frac{S_y}{\sqrt{35}\cdot 3,97}\cdot 100\%=\frac{0,73}{5,91\cdot 3,97}\cdot 100\%=\frac{73\%}{23,46}=3,11\%;$$

$$a_x \in \left[4,06-\frac{1,96}{\sqrt{36}}\cdot 0,707;\ 4,06+\frac{1,96}{\sqrt{36}}\cdot 0,707\right]=[3,83;\ 4,29];$$

$$a_y \in \left[3,97-\frac{1,96}{\sqrt{35}}\cdot 0,73;\ 3,97+\frac{1,96}{\sqrt{35}}\cdot 0,73\right]=[3,73;\ 4,21]$$

Ҳар бир босқич бўйича олинган натижалар математик-статистик таҳлил қилинди ва ушбу натижаларга кўра Студент мезони орқали текширилиб хулосалар чиқарилди.

$$T=\frac{|\overline{x}_a-\overline{x}_o|}{\sqrt{\frac{S_{x_a}^2}{n}+\frac{S_{x_o}^2}{m}}}.$$

Тажриба гуруҳи:

$$\overline{x}_{a'}=3,78 \text{ ва } \overline{x}_o=4,06$$

$\eta_{o'}=1,07$ самарадорлик коэффициенти.

$$T_{o'}=\frac{|3,78-4,06|}{\sqrt{\frac{22,32+17,5}{1260}}}=\frac{0,26}{\sqrt{0,032}}=\frac{0,26}{0,18}=1,44.$$

$T_m=1,44<T_{0,96}(t)=1,96$ Демак, $H_0$ фараз қабул қилинди.

Назорат гуруҳи:

$$\overline{y}_{a'}=3,21 \text{ ва } \overline{y}_o=3,97$$

$\eta_i=1,24$ самарадорлик коэффициенти.

https://buxdu.uz



$$T_i = \frac{|3,21-3,97|}{\sqrt{\frac{32,04+18,9}{1260}}} = \frac{0,78}{\sqrt{0,04}} = \frac{0,78}{0,2} = 3,9$$

$T_i = 3,9 \succ T_{0,96}(t) = 1,96$ Демак, $H_0$ фараз қабул қилинмади.

Талабалар билимларининг самарадорлик кўрсаткичлари талабаларнинг Математика йўналиши дарс жараёнлари бўйича педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда малакаларининг шаклланганлик даражасини қуйидаги жадвалда келтирамиз.

| № | Кўрсаткичлар | Таьлим муассасаси | Тажриба гуруҳида | | Назорат гуруҳида | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Тажриба бошида | Тажриба охирида | Тажриба бошида | Тажриба охирида |
| 1 | Ўртача арифметик қиймати ($\bar{x}, \bar{y}$) | БухДУ | 3,78 | 4,06 | 3,21 | 3,97 |
| 2 | Самарадорлик кўрсаткичи ($\eta$) | БухДУ | 1,07 | | 1,24 | |
| 3 | Ўртача қиймат ишонч оралиғи ($a_x \in, a_y \in$) | БухДУ | [3,52;4,04] | [3,89;4,29] | [2,9;3,52] | [3,73;4,21] |
| 4 | Ўртача қиймат стандарт хатолик ($S_x, S_y$) | БухДУ | 0,79 | 0,707 | 0,94 | 0,73 |
| 5 | Аниқлаш кўрсаткичи ($s_x, s_y$) | БухДУ | 3,48% | 2,91% | 4,95% | 3,11% |
| 6 | Студент (Т) мезони | БухДУ | 1,53 | | 3,9 | |
| 7 | Кўрсаткичлар натижаси | БухДУ | $H_0$ фараз қабул қилинади | | $H_0$ фараз қабул қилинмади | |

Демак, жадвалдаги натижаларга асосан тажриба гуруҳида қўлланилган методика назорат гуруҳига нисбатан самарали эканлиги аниқланди.

Ўтказилган тажриба-синов натижалари талабаларнинг Математика йўналиши дарс жараёнлари бўйича педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда кўникма ва малакаларининг шаклланганлик кўрсаткичлари тажриба гуруҳида 1,07 баробар ва назорат гуруҳида 1,24 баробар самарадорликка эришилганлиги кўрсатилди.

Олинган илмий натижа асосида талабаларнинг дарс жараёнига технологик ёндашуви уларнинг билим, кўникма ва малакаларининг шаклланганлик кўрсаткичаринининг қиёсий таҳлили қуйидаги гистограммаларда берилган.

**Тажриба гуруҳи натижалари гистограммаси**



https://buxdu.uz



**Назорат гуруҳи натижалари гистограммаси**




Демак, ўтказилган тажриба-синов натижасида шу нарса маълум бўлдики, масофавий таълимнинг мустақил таълим олиш модели келгусида энг кенг кўламда тарқалишини башорат қилиш мумкин. масофавий таълим қандай моделга ва қандай АКТга асосланган бўлишидан қатъий назар улар умумий қоидалар асосида ташкил қилиниши лозим.

**Адабиётлар**

1. Полат Е.С., Моисеева М.В., Петров А.У., Бухаркина М.Ю., Аксенов Ю.В., Горбунькова Т.Ф. Дистанционное обучение. −М.: ВЛАДОС, 1998, 304 с.
2. World Bank, Bureau Cross, 2000.− 110 б
3. Воронина Т.П., Кашицин В.П., Модчанова О.П. Образование в эпоху ВИТ.−М.: АМО, 1995.
4. Tuninga R.S., Seinen I.B. The Supple and Demand of Distance Education in Russia /− The Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан, 2009.145 б.

**Shabnam YUSUFZODA**
Buxoro davlat universiteti
boshlang'ich ta'lim metodikasi
kafedrasi o`qituvchisi

# BOSHLANG'ICH SINFDA MISOLLAR YECHISH JARAYONIDA YO'L QO'YILADIGAN XATOLAR VA ULARNI BARTARAF ETISH

*Boshlang'ich sinf o'quvchisida arifmetik amallarni ma'lum tizim asosida o'rgatish, ularni ongli tazrda yecha olish ko`nikmasini shakllantirish kerak. Ammo o`quvchi amallarni yechish jarayonida ayrim xatolarga yo'l qo`yadi. Maqolada shunday xatolarning oldini olish va ularni bartaraf etishning bir nechta samarali usullari qayd etilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *arifmetik amallar, amal xossalari , sonni yig'indiga qo'shish, yig'indiga sonni qo'shish, sondan yig'indini ayirish, yig'indidan sonni ayirish, yig'indiga yig'indini qo'shish, yig'indidan yig'indini ayirish.*

*Учащихся начальной школы необходимо обучать арифметике, основанной на определенной системе, чтобы развить способность решать их осознанно. Тем не менее, студент делает некоторые ошибки в решении проблемы. В статье перечислено несколько эффективных способов предотвращения и устранения таких ошибок.*

***Ключевые слова:*** *арифметические действия, свойств действий, сложение сумму к чему, сложение число к сумме, вычитание числа от суммы, вычитание суммы от числа, сложение суммы к сумме, вычитание суммы от суммы.*

https://buxdu.uz



*Elementary school students need to be taught arithmetic based on a particular system in order to develop the ability to solve them consciously. However, the student makes some mistakes in solving the problem. The article lists several effective ways to prevent and eliminate such errors.*

***Key words:*** *arithmetical sum, characters of sum, addings sums of numbers, adding the numbers of sums, detach the sum from number, detach the number from the sums, adding sums to sum, detach the sums from sums.*

Boshlang'ich sinfda o'quvchilar arifmetik amallar xossalarini ma'lum tizim asosida o'rganishadi. Misollarni bajarishda o'quvchilar bu xossalarni o'rinli qo'llay olmaslik natijasida ayrim tipik xatolarga yo'l qo'yishadi.

1 - sinf o'quvchisi o'rin almashtirish xossasi bilan 67-darsda tanishadi. Bu esa o'quvchilar 10 ichida qo'shish va ayirish jadvali bilan tanishgach, qo'shishning mazkur xossasi o'rganiladi. Bizningcha, hozirgi o'quv dasturi va darsliklaridagi o'rin almashtirish xossasini o'tish vaqti o'z o'rnida emas. Chunki o'quvchi + 4 , - 4 kurinishidagi qo'shish va ayirishni o'rgangach, qo'shishning o'rin almashtirish xossasi bilan o'quvchilarni induktiv tarzda tanishtirish maqsadga muvofiq. Sababi o'quvchi__+ 5,__+ 6,__+ 7,__+ 8,__+9 ko'rinishdagi qo'shishni o'rganishi uchun qo'shishning o'rin almashtirish xossasini bilishi muhim. O'quvchi 2+6 ko'rinishdagi misolni bajarishga ko'ra bevosita 6+2 ni tez topadi. Shu sababli o'quvchi ko'pincha, qo'shishning o'rin almashtirish qonunini qo'llash jarayonida ayrim juz'iy xatolarga yo'l qo'yadi.

Masalan, 1+8 ni bajarish uchun, 1 ga sakkiz marta birni bittalab qo'shib, topmoqchi bo'ladi, buni qo'l barmoqlari bilan bajarib, natijasini chiqarishda xatoga yo'l qo'yishadi. O'quvchi qo'shishning o'rin almashtirish xossasini o'rinli qo'llab, 8+1=9 ni tez chiqaradi.

O'quvchilar 1 - sinfda ikki amalli masalalar bilan tanishayotganda, qo'shishning guruhlash (assotsiativlik) xossasini o'rgana boshlashadi. Bir necha masalalarni tuzib bajarishgach, o'quvchilar (a+v)+s=a+(v+s) qo'shishni guruhlash xossasini misollarda ko'rib chiqib, amalda qo'llashga o'rganishadi.

Masalan, quyidagi masalani qaraymiz: «Birinchi likopchada 3 ta olma, ikkinchi likopchada 4 ta olma, uchinchi likopchada 2 ta olma bor. Uchala likopchada nechta olma bor?»

Ushbu masalani muhokama qilib, quyidagi uch xil ko'rinishdagi yechimni berish mumkin:

1. (3+4)+2=7+2=9 (ta olma)
2. (3+4)+2=3+(4+2)=3+6=9 (ta olma)
3. (3+4)+2= (3+2)+4=5+4=9 (ta olma)

O'quvchi guruhlash xossasini qo'llab, yig'indiga sonni qo'shish», «songa yig'indini qo'shish» xossalarini o'rganadi.

a) yig'indiga sonni qo'shish xossasi: «Yig'indiga sonni qo'shish uchun qo'yidagi uch holni qarash o'quvchi diqqat markazida bo'lishi, misol hamda masalalarni yechishda qo'llay bilishi kerak.

1-holat (8+3)+2=(8+3)+2 =11+2=13

Yig'indiga sonni qo'shish uchun dastlab ikki son yig`indisi topiladi, chiqqan yig'indiga son qo'shiladi.

2-holat (8+3)+2=8+(3+2)=8+5=13

Yig'indiga sonni qo'shish uchun dastlab ikkinchi qo'shiluvchiga son qo'shilib, so'ngra birinchi qo'shiluvchi bilan yig'indisi topiladi.

3-holat (8+3)+2=(8+2)+3=10+3=13

Yig'indiga sonni qo'shish uchun dastlab birinchi qo'shiluvchiga son qo'shilib so'ngra ikkinchi qo'shiluvchi qo'shib topiladi. Ayrim o'quvchilar yig'indiga sonni qo'shishning bu hollarini qo'llash jarayonida xatoga yo'l qo'yishadi. Yuqoridagi misol (8+3)+2 ni hisoblash jarayonida o'quvchilar tomonidan yo'l qo'yilishi mumkin bo'lgan ayrim xatolarni keltiramiz.

1) (8+3)+2=8+3=11 Bu yerda o'quvchi ifoda tarkibidagi yig'indini topib,

qo'shiladigan son(2)ni qo'shishni esidan chiqarib qoladi.

2) (8+3)+2=8+2=10 Bu holda o'quvchi yig'indiga sonni qo'shish xossasini

qo'llamoqchi bo'ladi. Ammo birinchi qo'shiluvchiga sonni qo'shib, ikkinchi qo'shiluvchini qo'shishni esidan chiqaradi.

3) (8+3)+2=3+2=5 Ushbu topshiriq yechimida o'quvchi ikkinchi qo'shiluv-

chiga sonni qo'shib,birini qo'shiluvchiga qo'shishni esidan chiqarib qoladi.

O'quvchi ko'pgina misollarni bajarish jarayonida sonli tenglik xossalarini buzib noto'g'ri natijalar chiqaradi.

Yuqoridagi misolda yo'l qo'yilgan shunday xato namunalarini keltiramiz.

1) (8+3)+2=11=11+2=13

2) (8+3)+2=8+2=10+3=13

https://buxdu.uz



3) (8+3)+2=3+2=5+8=13

Ushbu misollar yechimi to'g'ri topilgan, ammo sonli tenglik xossasi buzilgan. Sonli tenglik tranzitivlik xossasiga ega, ya'ni a=v va v=s bo'lsa, a=s bo'ladi.

O'quvchi misolni bajara turib, sonli tenglikning tranzitivlik, simmetriklik xossasini qo'llay bilmagan.

Yig'indiga soni qo'shish xossasini qo'llashda yo'l qo'yilgan xatolarga o'xshash xatolarni "songa yig'indini qo'shish" xossasini qo'llashda ham yo'l qo'yayotgani tajribada kuzatilmoqda.

Bunday xatolarni bartaraf etishda o'qituvchi nihoyatda o'z mahoratini ishga solmog'i zarur.O'qituvchi birinchi navbatda guruhlash xossasi bilan o'quvchilarni tanishtirar ekan, bu xossaning qo'shishga nisbatan songa yig'indini qo'shish, yig'indiga sonni qo'shish xossalarini yaxshilab o'rgatib, misol va masalalarni bajarishda o'rinli qo'llay bilishga o'rgatmog'i darkor. Yuqorida qayd etilgan o'quvchilarning yo'l qo'yayotgan kamchilik sabablari tushuntirilib, o'z o'rnida bartaraf etish choralarini ko'rib borishi kerak.

O'quvchilarga quyidagi ko'rinishdagi masalani yechish tavsiya qilinadi: Masala: "Bahromning oyisi 12 dona olma olib keldi. Tushlikda 5 ta, kechqurun 3 ta olma yeyildi, nechta olma yeyilmay qoldi?".

Bunday ko'rinishdagi masala ustida ishlash o'quvchiga sondan yig'indini ayirish xossani o'rganishni taqozo qiladi. O'quvchi bunday masalalarni muhokama qilib yechar ekan, quyidagi uch yechim usulini beradi:

a) 12-(5+3)=12-8=4(ta olma)

b) 12-(5+3)=(12-5)-3=7-3=4(ta olma)

d) 12-(5+3)=(12-3)-5=9-5=4(ta olma)

Aynan shunday ko'rinishdagi masalalarni yechgan paytda ko'pchilik o'quvchilar «tipik» xatolarga yo'l qo'yishadi. O'quvchilar yo'l qo'ygan variantlarni keltiramiz:

12-(5+3)=12-5+3=7+3=10

Bunday xatoga yo'l qo'yilishiga sabab o'quvchining sondan yig'indini ayirishning usullarini puxta o'rganmaganligidadir. Chunki sondan yig'indini ayirishda shu sondan qo'shiluvchilar ketma-ket ayiriladi. O'quvchi esa berilgan sondan birinchi qo'shiluvchini ayirib, ikkinchi qo'shiluvchini qo'shib xatoga yo'l qo'ydi. «Nima uchun 12-(5+3) ifoda qiymatini hisoblashda 12 dan 5 ni ayirib, 3 ni qo'shding?» deb o'quvchiga murojaat qilganimizda o'quvchi «3 soni oldida plyus(qo'shuv) amali bor-ku!»deb javob qildi. Bu xatolikni oldini olish uchun o'quvchiga quyidagi masalani yechishni tavsiya qilish mumkin:

«Senda 12 ta konfet bor edi. Shu konfetlardan 5 tasini o'rtog'ing Nodirga, 3 tasini Shamshodga berding. Senda nechta konfet qoldi?» O'quvchi darhol 4 ta deb javob qiladi. Masala yechimini doskaga bajarishi so'ralganda, o'quvchi masalani quyidagicha yechadi:

12-(5+3)=12-5-3=7-3=4 (ta)

Yo'l qo'ygan xatosini bilib oladi. O'quvchilarga 12-(5+3) ifodasini qiymatini yana qanday topish mumkinligi so'ralganda o'quvchilardan biri, ulardan biri "12 dan avval 5 ni sungra 3 ni ayirib topamiz» deb aytsa, yana biri "12dan avval 3 ni so'ngra 5 ni ayirib topamiz",yana biri "Avval5 ga 3 ni qo'shib, 12 dan chiqqan natijani ayiramiz» deb javob qilishi mumkin.

Ushbu masala yuzasidan o'quvchilar daftarlarini kuzatilganda, ayrim o'quvchilar tomonidan yo'l qo'yilgan xatoni payqash mumkin.

12-(5+3)=12-3+5=8+5=13

Shunda o'qituvchi o'quvchini nomini aytmasdan sinf o'quvchilariga murojaat qilib «O'quvchilar bordi-yu men shu masalani yechib, yechimni quyidagicha yozsam (o'quvchi yo'l quygan xato yechimi misol doskaga yoziladi), men masalani to'g'ri yechgan bo'lamanmi?».

Shunda o'quvchilar birdaniga «siz 12 dan 3 ni ayirib, yana beshni ayirishingiz kerak» deb javob qilishadi. Shunda yo'l qo'yilgan xato umumsinf ishi tariqasida o'quvchilar faolligida bartaraf qilinadi.

Tajribada «Yig'indidan sonni ayirish» xossasini masala va misollarga tatbiq etishda ham o'quvchilarning ayrimlari juz'iy xatolarga yo'l qo'yganini payqash mumkin. O'quvchilar (12+7)-5 ifoda qiymatini hisoblashda quyidagicha ish tutishgan.

1) (12+7)-5=19-5=14 (Yig'indidan sonni ayirish uchun yig'indi hisoblanib, undan son ayiriladi)

2)(12+7)-5=(12-5)+7=7+7=14 (Yig'indidan sonni ayirish uchun birinchi Qo'shiluvchidan son ayrilib,ikkinchi son qo'shiladi).

3.(12+7)-5=12+(7-5)=12+2=14 (Yig'indidan sonni ayirish uchun ikkinchi Qo'shiluvchidan son ayrilib, birinchi qo'shiluvchi qo'shiladi)

Bu uch usul to'g'ri usullar bo'lib, yig'indidan soni ayirish xossasini ifodalovchi yechish usullaridir. Endi o'quvchilar tomonidan yo'l qo'yilishimumkin bo'lgan xatoyechim variantlarini keltiramiz:

1.(12+7)-5=12-5-7=7-7=0 Bu yerda o'quvchi birinchi qo'shiluvchidan soni ayirib, ikkinchi qo'shiluvchini qo'shish o'rniga ayirib xato natijaga erishdi.

https://buxdu.uz



2.(12+7)-5=7-5=2 O'quvchi ikkinchi qo'shiluvchidan 5ni ayirib birinchi qo'shiluvchini qo'shmay qoldi. Natija noto'g'ri chiqdi

3.(12+7)-5=12-5=7 O'quvchi birinchi qo'shiluvchidan sonni ayirib, ikkinchi qo'shiluvchini qo'shmay qoldi.

4. (12+7)-5=12+7=19 O'quvchi yig'indini topib, sonni ayirmadi

5.(12+7)-5=12-7-5=0 O'quvchi faqatgina amal xossasigina emas, amal bajarilishida xatoga yo'l qo'ydi.

6.(12+7)-5=7-5=12+2=14 Natija to'g'ri chiqarilgan, ammo tenglik buzilgan. Chunki,7-5=12+2 tengmi? O'quvchi sonni tenglik xossalarini o'z o'rnida to'g'ri ishlata bilishi kerak.

Ayrim hollarda «yig'indidan sonni ayirish» xossasini barcha hollarini tatbiq etib bo'lmaydi.

*Bunday hollarda ham ayrim xatolarga yo'l qo'yilishi tabiiy.

Quyidagi ifoda (3+8)-4 qiymatini topish talab qilingan bo'lsin.Bu ifoda qiymati faqatgina ikki holda topiladi.

(3+8)-4=11-4=7

(3+8)-4=3+(8-4)=3+4=7

Ammo o'quvchi yo'l qo'ygan xatolari quyidagi bo'lishi mumkin.

(3+8)-4=(3-4)+8=1+8=9

O'quvchi yig'indidan sonni ayirish xossasini qo'llab ifoda qiymatini topmoqchi bo'ldi, ammo birinchi qo'shiluvchi ayirilayotgan sondan kichik bo'lgani uchun sondan birinchi qo'shiluvchini ayirib, ikkinchi qo'shiluvchini qo'shdi.

(3+8)-4=8-4-3=4-3=1

Yig'indidan sonni ayirish xossasini tatbiq etolmagani uchun shunday xatoga yo'l qo'ydi. 3 sonini qo'shmay, ayirib qoldi.

* Hisoblashlar natural sonlar to'plamida qaralyapti.

Ko'pincha «yig'indidan sonni ayirish» xossasini qo'shuvchilarning har biri berilgan sondan kichik bo'lgandagi hollarda o'quvchilarning xatolarga yo'l qo'yayotganini guvohi bo'lasan kishi.(5+6)-7 ifoda qiymatini topish talab qilingan bo'lsin. O'quvchi bundan ifoda qiymatini faqatgina yig'indi qiymatini topib, so'ngra yig'indidan sonni ayirishi kerak edi:

(5+6)-7=11-7=4

Ammo o'quvchi ushbu ifoda qiymatini quyidagicha ko'rinishlarida ifodalashi mumkin.

(5+6)-7=7-5+6=2+6=8

(5+6)-7=7-6+5=1+5=6

(5+6)-7=5+6=11-7=4 (Tenglik xossalarini qanoatlantirmaydi).

Bunday xatolarni tezda payqagan o'qituvchi ularni bartaraf etish choralarini ishlab chiqmog'i lozim.

Uchinchi sinflarda o'quvchilar sonni yig'indiga ko'paytirish xossalari bilan tanishgach, bu xossalarni misol va masalarni yechimini topishda qo'llashni o'rganadi. Agar o'qituvchi shu xossalarni o'quvchilarga yaxshi tushuntirmasa, o'quvchilar tomonidan ayrim juz'iy xatolarga duch kelishadi.

«Quyidagi ifoda qiymati topilsin: 5*(2+4)» degan topshiriq o'quvchilar tomonidan turlicha bajarilishi mumkin.

1-usul 5*(2+4)=5*6=30

Bu yerda misol to'g'ri bajarildi. Qoidasi ham to'g'ri yoritildi: «Sonni yig'indiga ko'paytirish uchun shu sonni yig'indi natijasi bilan ko'paytirildi».

2-usul 5*(2+4)=5*2+5*4=12+20=30

«Songa yig'indini ko'paytirish uchun son har bir qo'shiluvchiga ko'paytirilib, ular natijasi qo'shiladi».

Bu usul ham to'g'ri hisoblanadi.

3-usul 5*(2+4)=5*2+4=10+4=14 - xato usul

O'quvchi sonni yig'indiga ko'paytirish usulini noto'g'ri qo'llab hisoblashlarni bajardi. Huddi shunday yana quyidagi xato variant ham amalda uchrab turadi.

4- usul 5*(2+4)=2+4*5=2+20=22

Bunday xatolar yig'indisini songa ko'paytirish, ayirmani songa ko'paytirish xossalarini amalga noto'g'ri qo'llash natijasida sodir bo'ladi. Masalan:

(3+7)*5=3*5+7=15+7=22

(3+7)*5=3*5=15

(3+7)*5=7*5=35

(3+7)*5=3+7*5=3+35=38

(8-2)*5=8*3-2=24-2=22

https://buxdu.uz



(8-2)*3=8-2*3=8-6=2

Bunday xatolarni bartaraf etish uchun o'qituvchi, avvalo, har bir hisob usulini va har bir amal xossalarini o'quvchi ongiga to'g'ri singdirib olishi kerak. Amalda o'quvchining misol va masalalar yechimlarini topishda bunday xatolarga yo'l qo'ymasligini ta'minlashi kerak.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini yig'indini songa bo'lish jarayonida yo'l qo'yayotgan ayrim xato yechim jihatlarini ko'rib o'tamiz. O'quvchilar "Yig'indini songa bo'lish" mavzusini o'rganib, (8+6):2,(20+40):4,(30+12):3, (2+18):6, (8+12):5ko'rinishdagi misollarni songa bo'lish xossalarini qo'llaydi.

Bunday misollarni bajarish jarayonida ayrim boshlang'ich sinf o'quvchisi ba'zi xatolarga yo'l qo'yadi.

Bunday hisoblashlarda yo'l qo'yilgan ayrim xato yechim variantlarini keltiramiz:

(8+6):2=8:2+6=4+6=10

(8+6):2=8+6:2=8+3=11

Bunday xatolar «tipik xatolar bo'lib, o'quvchi agar har bir qo'shiluvchi biror songa bo'lishsa, u holda yig'indini songa bo'lishi uchun har bir qo'shiluvchini songa bo'lib, ularning yig'indisini topishi kerak» degan qoidaga rioya qilmagan holda sodir bo'lgan.

Bunday xatolar oldini olish uchun dastlab har bir qo'shiluvchisi biror songa bo'linadigan yig'indini songa bo'lishga doir (Ms;(8+6):2), so'ngra har bir qo'shuvchi biror songa bo'linadigan yaxlit o'nliklardan tuzilgan qo'shiluvchilar yigindisini biror songa bo'lishga doir (Ms,(20+40):4), har bir qo'shiluvchi biror songa bo'linadigan ammo jadvaldan tashqari bo'linuvchi qo'shiluvchilar biror songa bo'linib yig'indini songa bo'lishga doir misollar((8+12):5) ni tizimli ravishda yechish yo'llarini o'rgatmog'i zarur.

Darhaqiqat, ushbu topshiriq yechimlari o'quvchilarga puxta o'zlashtirilishi uchun har bir hisob usullari to'g'ri va asoslab bajarilishi maqsadga muvofiqdir.

1-usul. (8+6):2=8:2+6:2=4+3=7

2-usul. (8+6):2=14:2=7

(8+12):5 ifoda qiymati faqatgina bitta usul: "Dastlab (8 va 12) sonlari yig'indisi hisoblanib, natija 5ga bo'linadi " (8+12):5=20:5=4

O'quvchilar hisoblash jarayonida ayrim xatolarga yo'l qo'yishlari sabablaridan biri "Ko'paytmani songa bo'lish", "Soni ko'paytmaga bo'lish" xossalarini o'rinli ishlata bilmasliklaridir. Masalan.

(27*18):9=(27:9)*(18:9)=3*2=6 – o'quvchi ko'paytmani songa bo'lish xossasini noto'g'ri qo'llash natijasida xatoga yo'l qo'ygan.

Ushbu misol echimining to'g'ri varianti: (27*18):9=(27:9)*18=9*18=162

Ba'zan, ko'paytuvchilardan birortasi songa karrali bo'lib, ko'paytmani songa bo'lish talab qilinadigan misollarni bajarishda ham o'quvchi xatoga yo'l qo'yishi mumkin.

To'rtinchi sinfda o'quvchilar sonni ko'paytmaga bo'lish, bo'linmani songa ko'paytirish, sonni bo'linmaga bo'lish xossalarini qo'llab, misol masalalar bajarishadi. Shu xossalarni noto'g'ri qo'llash natijasida ham juz'iy xatolarga yo'l qo'yishadi. O'quvchilar yo'l qo'ygan xato namunalarini keltiramiz:

1) 48:(3*4)=(48:3)*4=16*4=64

2) 48:(3*4)=(48:4)*3=12*3=36

Bu misol yechimida o'quvchilar "Sonni ko'paytmaga bo'lish " xossasini noto'g'ri qo'llashlari sabab bo'ldi.

Ushbu misol bajarilishida quyidagi qoida hisobga olinishi kerak:

"Soni ko'paytmaga bo'lish uchun shu sonni ko'paytuvchilarga ketma- ket bo'lish kerak "

48:(3*4)=(48:3):4=16:4=4

3) (12:3)*3=12:(4*3)=12:12=1

4) (12:4)*3=(12*3):(4*3)=36:12=3

O'quvchi "Bo'linmani songa ko'paytirish" qoidasini noto'g'ri qo'lladi. Ushbu misol quyidagicha yechilishi mumkin.

(12:4)*3=3*3=9 yoki

(12:4)*3=(12*3):4=36:4=9

Demak, bo'linmani songa ko'paytirish uchun bo'linuvchini songa ko'paytirib, ko'paytmani bo'luvchiga bo'lish kifoya.

Kuzatishlar natijasi sifatida aytish mumkinki, sonni bo'linmaga bo'lish jarayonida ham ko'pchilik o'quvchilar xatolarga yo'l qo'yishadi.

5) 54:(9:3)=54:3=6:3=2

6) 54:(9:3)=(54:3):9=18:9=2

Ammo o'quvchi bu yerda bo'lish amalining guruhlash xossasiga ega emasligini va sonni bo'linmaga bo'lish xossasini bilmagani uchun topshiriq xato bajarildi. O'qituvchi sonni bo'linmaga bo'lish qoidasini o'zi

https://buxdu.uz



puxta bilib o'quvchilarni shu qoidaga asoslanib misollarni bajarishlariga o'rgatib bormog'i zarur. Yuqoridagi topshiriq o'quvchilarga quyidagicha yechib ko'rsatilishi maqsadga muvofiq.

54:(9:3)=54:3=28 yoki 54:(9:3)=(54:9)*3=6

Umuman olganda, o'quvchilarning arifmetik amallarni bajarish jarayonida arifmetik amal xossalarini qo'llash jarayonida yo'l qo'yilayotgan "tipik" xatolarni o'z vaqtida aniqlab, ularni bartaraf etish orqali o'quvchilarning mantiqiy fikrlashi oshib dars samaradorligi ko'tariladi.

**Adabiyotlar**

1. Jumayev M.E. Matematika o'qitish metodikasi. Toshkent, 2018.

2. Qosimov. F.M., Hakimova M.H., Saidova U.J. Boshlang'ich sinflarda arifmetik amallarni o'rganish metodikasi. Toshkent, "Durdona" nashriyoti. 2016.

3.Ahmedov M, Abdurahmonova N., Jumayev M. 1-sinf Matematika darsligi. Toshkent, "TURON-IQBOL". 2019.

4. Abdurahmonova N., O'rinboyeva L. 2-sinf Matematika darsligi . Toshkent, "Yangiyo'l Poligraf Serviz". 2018.

**Baxtiyor UNGAROV**
**Nafosat MUHAMADIYEVA**
Navoiy davlat pedagogika instituti

# IXTISOSLASHTIRILGAN UMUMTA'LIM MAKTABLARI BOSHLANG`ICH SINF MATEMATIKA DARSLARIDA KO`PAYTIRISHGA OID ALGORITMLARNI ISHLAB CHIQISH TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

*Boshlang`ich sinf matematika darslarida o`quvchilarning o`qishga qiziqishini orttirish, matematik kompetensiyani shakllantirish, ularning qobiliyatlarini yuzaga chiqarish va ijodkorligini rivojlantirishda misol va masalalar yechishni algoritmlashirish muhim ahamiyatga egadir. Maqolada ana shu jarayonga ko`maklashadigan samarali usullar haqida fikr bildirilgan.*

***Kalit so`zlar:*** *algoritm, matematika, usul, yechim, misol, masala, topshiriq, o`quvchi, o`qituvchi.*

*Алгоритмизация примеров и решения задач важна для развития у учащихся интереса к чтению, формирования математической компетентности, развития их способностей и творчества на уроках математики в начальной школе. В статье рассматриваются эффективные способы облегчения этого процесса.*

***Ключевые слова:*** *алгоритм, математика, метод, решение, пример, задача, задача, студент, преподаватель.*

*Algorithmization of examples and problem solving is important for the development of students' interest in reading, the formation of mathematical competence, the development of their abilities and creativity in mathematics lessons in elementary school. The article discusses effective ways to facilitate this process.*

***Keywords:*** *algorithm, mathematics, method, solution, example, task, task, student, teacher.*

Ixtisoslashtirilgan umumta'lim maktablari boshlang`ich sinf o`quvchilarining shaxsiy qobiliyatlari hamda matematik tafakkurlarini shakllantirish va rivojlantirish har bir o`quvchining, avvalo, ijodkorlik qobiliyatiga, shuningdek o`qituvchining pedagogik mahoratiga bog`liq jarayondir. Bunda matematika darslarida o`quvchilarga tavsiya etiladigan yangiliklar, matematikaga oid mustaqil topshiriqlar, qiziqarli mantiqiy mashqlar muhim ahamiyatga ega bo`lib, bunday topshiriqlar o`quvchilarda ijodiy mustaqillikning shakllanishiga sabab bo`ladi. Ijodiy bilish o`rganilayotgan jarayonning yangi qirralarini ochishni, bilimlarni kengaytirish va chuqurlashtirishni, o`quv materialini o`rganishning yanada mukammal metodlaridan foydalanishni, shuningdek, bilish faoliyatining yangi metodlarini egallashni taqozo etadi. [2]

Boshlang`ich sinf matematika darslarida o`quvchilarning o`qishga qiziqishini orttirish, matematik kompetensiyani shakllantirish, ularning qobiliyatlarini yuzaga chiqarish va ijodkorligini rivojlantirishda misol va masalalar yechishni algoritmlashirish muhim ahamiyatga egadir. Quyida biz ko`paytirish amaliga oid algoritmlashtirish jarayonining ba'zi holatlarini ko`rib chiqamiz.

https://buxdu.uz



Sonni 5 ga ko`paytirish.

Dastlab biz sonni tashkil qilgan raqamalarning barchasi juft yoki nol bo`lgan holatni qarab chiqamiz.

Masalan: 2648 x 5=

6048 x 5=

Ushbu jarayon quyidagi algoritm asosida bajariladi:

1. Dastlab sonni tashkil qilgan raqamlarning barchasi juft (yoki 0) dan iborat ekanligi tekshiriladi.

2648 soni 2,6,4,8 kabi juft raqamlardan, 6048 soni esa 6,4,8,kabi juft raqamlardan shuningdek 0 dan iborat.

2.Sonni tashkil qilgan raqamlarning har birining yarmi tenglikdan so`ng yozib chiqiladi.

2648 x 5 =1324

6048 x 5 = 3024

3.Hosil bo`lgan sonning oxiriga 0 qo`yiladi.

2648 x 5 = 1240

6048 x 5 = 30240

Endi biz ko`paytuvchini tashkil qilgan raqamlardan ba`zilari toq bo`lgan holatlarni qarab chiqamiz.

Masalan: 7456 x 5=

Ushbu jarayon quyidagi algoritm asosida bajariladi:

1.Dastlab sonni tashkil qilgan raqamlarning juft yoki toqligi tekshiriladi.

Ushbu sonda 7,5 toq raqamlar, 4,6 juft raqamlar.

2.Toq raqamlar ham yozuvda bo`lganligi uchun sonning ikkala tomoniga xayolan 0 qo`yib chiqamiz.

(0)7456(0)

3.Yozuvning o`ng tomonidagi birinchi raqamning yarmi olinadi ya`ni 0:2=0.

Chap tomondagi unga qo`shni raqamning juft yoki toqligi qaraladi. Unga qo`shni raqam 6 ya`ni 0745**6**0. Qo`shni raqam juft bo`lganda 0 : 2=0 natija o`zgarishsiz holda yoziladi va demak ko`paytmadagi oxiridan birinchi raqam 7456 x5 =….0

4.Navbatdagi bosqichda o`ng tomondan ikkinchi raqam ya`ni 6 ning yarmi olinadi va unga qo`shi raqam qaraladi. Qo`shni raqam 074**5**60 yozuvda 5 toq raqamdan iborat. Agar qo`shni raqamlar toq bo`lsa har doim sonning yarmiga 5 raqami qo`shiladi.

6:2=3

3+5=8

Demak ko`paytmadagi ikkinchi raqam 7456 x 5=….80

5.Navbatdagi bosqichda o`ng tomondan uchinchi raqam ya`ni 5 ning yarmi olinadi qo`shni raqam 4 juft bo`lganligi uchun natija o`zgarishsiz yoziladi.

5:2=2,5 bunda sonning butun qismi yani 2 olinadi.

Demak ko`paytmadagi uchinchi raqam 7456x5=….280

6.Navbatdagi bosqichda 4 ning yarmi olinadi va qo`shni raqam 7 toq bo`lganligi uchun natijaga 5 ni qo`shamiz.

4:2=2

2+5=7

Demak ko`paytmadagi to`rtinchi raqam 7456 x 5=…7280

7.Navbatdagi bosqichda 7 ning yarmi olinadi va unga qo`shni raqam 0 toq bo`lmaganligi sababli natijaning o`zi yoziladi.

7:2=3,5 bunda sonning butun qismi 3 olinadi.

Demak ko`paytmadagi beshinchi raqam 7456 x 5=37 280 bo`ladi, bu esa oxirgi natija ya`ni ko`patmani beradi.

Endi biz sonni 9 ga ko`paytirish algoritmini ko`rib chiqamiz.

Masalan 124 x 9 =

Ushbu jarayon quyidagi algoritm asosida bajariladi:

1.Dastlab sonning ikkala tomoniga xayolan 0 qo`yamiz.

(0)124(0) x 9 =

2.O`ng tomondagi birinchi raqam 0 ning yarmi olinadi va chap tomondagi qo`shni raqamni har doim 4 ga ko`paytirib natijaga qo`shiladi.

0 : 2 =0

4x4=16

16+0=16 Bunda 16 ning 6 si olinadi va 1 dilda saqlanadi.

Demak ko`paytmaning oxiridan birinchi raqami 124x9=…6

https://buxdu.uz



3. O`ng tomondagi ikkinchi raqam yani 4 ning yarmi olinadi qo`shni raqam 4 ga ko`paytirilib natijaga qo`shiladi. Oxirgi natijaga oldingi bosqichdagi 1 dildagi raqam qo`shiladi.

4:2=2

2x4=8

8+2+1=11 ning 1 raqami yoziladi va 1 dilda saqlanadi.

Demak ko`paytmaning navbatdagi raqami 124x9=…16

4.O`ng tomondagi navbatdagi raqamning yani 2 ning yarmi olinadi unga qo`shni raqam 1 ni 4 ga ko`paytirib natijaga qo`shiladi. 2 ga qo`shni raqam 1 toq bo`lganligi uchun natijaga 5 soni hamda dildagi son 1 ham qo`shiladi.

2:2=1

1+(4x1)=5

5+1+5=11 ning 1 raqami yoziladi va 1 dilda saqlanadi

Demak, ko`paytmaning navbatdagi raqami 124x4=..116

5.O`ng tomondagi navbatdagi raqamni yani 1 ning yarmi olinadi unga qo`shni raqam 0 ni 4 ga ko`paytirib natijaga qo`shamiz. Qo`shni raqam toq bo`lmaganligi uchun oxirgi natijaga faqat dildagi son ya`ni 1 qo`shiladi. Shuni unutmaslik kerakki faqat qo`shni raqam toq bo`lgan holatdagina natijaga 5 soni ham qo`shiladi.

1:1=0,5 sonning butun qismi 0 olinadi.

0+(0 x 4)+1=1

Demak ko`paytmada navbatdagi raqam 1 raqami bo`lib u oxirgi raqam hisoblanadi.

124 x 9=1116

Shuningdek, 5 raqami bilan tugaydigan ikki xonali sonlarni o`z-o`ziga ko`paytirish (kvadratini topish) algoroitmini quyidagicha izohlashimiz mumkin:

1)Ko`paytma har doim 25 bilan tugaydi shuning uchun ham natijaning o`ng tomoniga 25 soni yozib qo`yiladi;

2)Ikki xonali sonning o`nliklar xonasida turgan raqam bilan sonlar ketma-ketligida undan keyin keladigan raqam ko`paytmasi 25 sonining old tomoniga yozib qo`yiladi bu esa natija bo`ladi.

M:1) 25x25=…25

25 sonida o`nliklar xonasidagi raqam 2 va sonlar ketma-ketligida 2 dan keyin keladigan raqam 3 bo`lganligi uchun bu ikki sonning ko`paytmasi 25 sonidan oldin yo`zib qo`yiladi bu esa natijani ifodalovchi son bo`ladi.

25x25=(2x3)25=625

2)45x45=…25

45 sonida o`nliklar xonasidagi raqam 4 va sonlar ketma-ketligida 4 dan keyin keladigan raqam 5 bo`lganligi uchun bu ikki sonning ko`paytmasi 25 sonidan oldin yo`zib qo`yiladi bu esa natijani ifodalovchi son bo`ladi.

45x45=(4x5)25=2025

Endi ikki xonali son 5 raqami bilan tugamagan holatlar uchun ya`ni raqamlari ixtiyoriy tarzda berilgan sonlarning o`z-o`ziga ko`paytmasini (kvadratini) topish algoritmini ifodalaymiz.

Ikki xonali sonni o`z-o`ziga ko`paytirishda ko`paytmaning oxiriga berilgan sonning birliklar xonasidagi raqamning kvadrati, undan oldin esa sondagi o`nliklar va birliklar xonasidagi raqamlarning ikkilangani, undan oldin esa sondagi birliklar xonasidagi raqamning kvadrati yoziladi.

M: 1)12x12=….(2x2)=…4

12x12=…2x(1x2)(2x2)=…44

12x12=(1x1)x2x(1x2)(2x2) =144

2) 31x31=….(1x1)=…1

31x31=…2x(3x1)(1x1)=…61

31x31=(3x3)x2x(3x1)(1x1) =961

***Eslatma:*** Ko`paytmada natijalar o`ng tomondan yozib boriladi. Agar ko`paytmada raqamlarni ko`paytirish natijasida 10 dan katta sonlar hosil bo`lsa, natijada birliklar xonasidagi raqam yozilib o`nliklar dilda saqalanadi va keyingi natijaga qo`shib yoziladi.

M:1) 32x32=….(2x2)=…4

32x32=…2x(3x2)(2x2)=…24 (1 dilda saqlanadi)

32x32=(3x3)2x(3x2)(2x2) =1024

Ushbu tavsiya etilganlar boshlang`ich sinf o`quvchilarining matematika faniga qiziqishlarini taminlash bilan birgalikda ijodkorlik bo`yicha ko`nikma va malakalarini shakllantirishga xizmat qiladi.

https://buxdu.uz



Biz izchillik bilan mulohaza yuritar ekanmiz, bilib olish va matematik qonuniyatlarni tekshirish metodlarini egallash ham nazariy va amaliy jihatdan g`oyat muhim degan xulosaga kelishimiz shart.

**Adabiyotlar**

1. Хабиб Р.А. Ўқувчиларнинг математик тафаккурини шакллантириш. – Т.: “Ўқитувчи”, 1971. 240 b. (12-bet).
2. “Xalq ta’limi” jurnali. 2008-yil, 2-son. 21-bet.

**Shahlo XUDOYQULOVA**
Samarqand davlat universiteti
boshlang’ich ta’lim metodikasi
kafedra o’qituvchisi

# TABIATSHUNOSLIK VA UNI O’QITISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISHDA TALABALARNING MUSTAQIL VA IJODIY ISHLARINI TASHKIL ETISH

*Ushbu maqolada tabiatshunoslik va uni o’qitish metodikasini takomillashtirishda talabalarning mustaqil va ijodiy ishlarni tashkil etish tabiatshunoslik va uni o’qitish metodikasi kursidan talabalarning mustaqil ish topshiriqlari didaktik materiallar funksiyalari haqida so’z yuritilgan.*

***Kalit so’zlar****. Tabiatshunoslik, reproduktiv, produktiv, kreativlik, metodik tayyorgarlik, mustaqil ish, ijodiy ish, didaktik materiallar.*

*В настоящей статье излагаются мысли о природоведении и оптимизации его методики обучения, при организации самостоятельных и творческих работ студентов, функциях дидактических материалов в самостоятельных учебных заданиях и его методики обучения студентов на курсе природоведения.*

***Ключевые слова****. Природоведение, репродуктивность, продуктивность, креативность, методическая подготовка, самостоятельная работа, творческая работа, дидактические материалы.*

*This article sets forth thoughts on natural study and the optimization of its teaching methodology in organizing independent and creative work of students and the functions of didactic materials in independent educational tasks of students in a course of natural study and its teaching methodology.*

***Key words.*** *natural study, reproductive, productive, creative, methodological training, independent work, creative work, didactic materials.*

Jamiyatimizda yuz berayotgan o’zgarishlar, mamlakatimiz iqtisodiyoti, fan va texnologiyalarning rivoji uzluksiz ta’lim tizimining barcha bo’g’inlarida tashkil etiladigan ta’lim-tarbiya jarayonini tubdan modernizasiyalash orqali bilim, ko’nikma, malaka, tayanch va fanga doir xususiy kompetensiyalari shakllangan yoshlarni tarbiyalash bugungi kunning dolzarb muammolaridan biri sanaladi.

Mamalakatimiz Prezidenti o’z ma’ruzalarida ta’kidlaganlaridek, “farzandlarimizni mustaqil fikrli, zamonaviy bilim va kasb hunarlarni egallagan mustahkam vatanparvar insonlar sifatida tarbiyalash” muhim ahamiyat kasb etadi [1; 103]

Mazkur muammoni hal etishda uzluksiz ta’lim tizimining asosiy bo’g’inlaridan biri bo’lgan boshlang’ich ta’lim, shuningdek, mazkur ta’lim muassasalarida pedagogik faoliyat yuritayotgan o’qituvchilarning kasb malakasi va pedagogik mahorati muhim omil bo’lib xizmat qiladi.

Bo’lajak boshlang’ich sinf o’qituvchilarni kasbiy pedagogik tayyorlashda bakalavriat yo’nalishi o’quv rejasidan o’rin olgan tabiatshunoslik va uni o’qitish metodikasi kursidan tashkil etiladigan ta’lim-tarbiya jarayonida talabalarning fan asoslari bo’yicha bilim, ko’nikma, malaka, tayanch va fanga doir xususiy kompetensiyalarni mustahkam egallashlariga zamin tayyorlaydigan mustaqil ishlar muhim o’rin tutadi.

Boshlang`ich sinf o`quvchilariga bilim berishda dasturda belgilangan o`quv va ko`nikmalarni singdirishda metod va metodik uslublarning o`ziga xosligi tabiatshunoslikni o`qitishning samaradorligini ta`minlashda muhim o`rin tutadi
[2; 337]

https://buxdu.uz



Tabiatshunoslik va uni o'qitish metodikasi kursidan tashkil etiladigan ta'lim-tarbiya jarayoni, ya'ni ma'ruza, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlari, mustaqil ta'limni tashkil etishda talabalarning mustaqil ishlarini maqsadga muvofiq tashkillashtirishga e'tibor qaratish zarur.

Mustaqillik - shaxs xarakterining xususiyatlaridan biri bo'lib, insonning tafakkur tizimida, turli ko'rinishdagi faoliyat va harakatlarida aks etadi. Mustaqillik tushunchasi inson oldida turgan vazifalarni hal etish yo'llari va vositalarini tanlashdagi mustaqil faoliyat to'g'risidagi tasavvuri bilan bog'liqdir.

Inson hayotining har bir bosqichida o'zining mustaqillik darajasi turlicha bo'ladi. Mazkur mustaqillik darajasi insonning rivojlanish sharoitlariga va zaruratga bog'liq holda yuqori yoki past bo'lishi mumkin.

Bilimlarni mustaqil ravishda egallashga intilish - talaba faoliyatining ta'lim muassasasidagi eng ajralib turadigan xususiyati, mustaqil o'qib bilim orttirish asosi hisoblanadi. Mustaqil o'qib bilim orttirish bo'lajak boshlang'ich ta'lim o'qituvchilarilarning mustaqil tayyorgarlik ko'rishi demakdir.

O'qituvchi talabalarning mustaqil ta'limini kasbiy-pedagogik faoliyat samaradorligini oshirishga yo'naltiriladi va rejalashtiriladi. Bunda o'qituvchi talabalar tomonidan erishilgan mustaqil ish natijalarini tahlil etib o'z kasbiy pedagogik faoliyatini loyihalaydi. Mustaqil ta'lim va ishning asosiy maqsadlaridan biri bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining kasbiy pedagogik tayyorgarlik darajasi va kasbiy mahoratini orttirish, kelgusi pedagogik faoliyatida yuqori yutuqlarga erishishga zamin yaratish sanaladi.

J.O.Tolipovaning ilmiy izlanishlarida "O`qituvchilarning o`z pedagogic faoliyatini pedagogik kvalimetriya metodlaridan biri mashg'ulotlatni taxlil qilishga o'rgatish, tahliliy-tanqidiy, mustaqil fikr yuritish ko'nikmalarini rivojlantirish"ni ko`rish mumkin [3; 5]

Tabiatshunoslik va uni o'qitish metodikasini o'qitishda ta'lim berish jarayoni nafaqat ma'lum bir maqsadni amalga oshirish usuli, balki talaba shaxsini har tomonlama kamol topishining shartlaridan biridir. Shuning uchun bo'lajak o'qituvchilar tabiatshunoslik fani asoslari, pedagogika, psixologiya, tarbiya nazariyasi va didaktikadan ma'lum bir bilim va ko'nikmalarini chuqur va mustahkam o'zlashtirgan bo'lishlari zarur.

Mustaqil ta'lim va ishni samarali tashkil etish uchun mashg'ulotga tayyorgarlikni aniq sharoitlarda eng yuqori yakuniy natijaga erishishni ta'minlovchi o'quv-tarbiyaviy faoliyat sifatida muhim tadbirlarni ishlab chiqish lozim.

O'qituvchi talabalarni o'z bilim va malakalarini orttirish uchun aniq mazmundagi manbani mustaqil o'zlashtirishga yo'naltirishi, motivasiyasini kuchaytirishi, o'quv muammoli vaziyatlarni vujudga keltirishi, mazkur o'quv muammolarni hal etish imkonini beradigan amaliy faoliyatni maqsadga muvofiq tashkillashi orqali ko'zlangan natijaga erishishi mumkin.

Talabalarning mustaqil ishini maqsadga muvofiq tashkil etishda o'qituvchi quyidagilar:

1. O'rganiladigan mavzuning ma'lum bir qismini maqsadga yo'naltirilgan holda qiyinlik darajalari: reproduktiv, produktiv, qisman-izlanishli va ijodiy (kreativ) bo'lgan mustaqil ish topshiriqlarini tuzishi va ularni o'zida mujassamlashtirgan talabalarning mustaqil ish daftarini shakllantirishi;
2. Talabalarning intilishlari, qiziqishlarini e'tiborga olgan holda ularga individual va tabaqalashtirilgan yondashuvni amalga oshirishi;
3. Talabalar bilan emotsional aloqa o'rnatish, ularning aqliy va axloqiy tomonlariga faol ta'sir etish;
4. O'qituvchi mustaqil ish topshiriqlarini shakllantirishda umumiy pedagogika, psixologiya, mehnat gigiyenasi va fiziologiyasining tabiiy fanlar bilan integrasiyasini amalga oshirishi;
5. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining pedagogik mahoratini oshirish uchun o'z ustida ishlash tizimining eng samarali usullari, yo'llarini tanlab olishi kerak.
6. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining o'z bilimlarini oshirish ishlari doimiy ijodiy izlanishlar maqsadiga yo'naltirilishi zarur.

Mustaqil ta'lim talabalarda: shaxsiy, kasbiy, individual xususiyatlarni namoyon qilish; bilim, ko'nikma, malakalar negizida tayanch va fanga doir xususiy kompetensiyalarni shakllantirish; ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga asos bo'ladi.

Pedagogikaga oid adabiyotlarda mustaqil ishlarning quyidagi turlari qayd qilingan: namunalar bo'yicha mustaqil ishlar; rekonstruktiv – variativ; evristik (qisman ijodiy); ijodiy tadqiqot.

«Mustaqil ta'limi» - tushunchasi pedagogik lug'atlarda – o'quv yurtidan tashqari, mustaqil ishlash tufayli egallanadigan ta'lim turidir, deb ta'riflangan.

Mustaqil ta'lim bu bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining o'quv –bilish faoliyatini o'quv dasturidan o'rin olgan mavzular yuzasidan qo'shimcha bilim olishga yo'naltirish, mustaqil ish esa mustaqil ta'lim tarkibiga kirib o'rganilgan mavzu mazmunidagi bilim, ko'nikma, malakalarni odatiy, tanish, shuningdek, yangi kutilmagan vaziyatlarda qo'llash orqali yangi bilimlarni egallash jarayoni sanaladi.

https://buxdu.uz



Bilimlarni mustaqil ravishda egallashga intilishi - talaba faoliyatining o'quv yurtidagi eng ajralib turadigan xususiyatlari, mustaqil o'qib bilim orttirish asosi hisoblanadi. Mustaqil o'qib bilim orttirish talabalarning mustaqil tayyorgarlik ko'rishi demakdir.

Talabalarning mustaqil ishlarini tashkil etishda mazkur jarayon o'qitish metodi, o'quv faoliyatning bir turi, o'qitish vositasi, o'quv-bilish faoliyatini tashkil etish shakli sifatida namoyon bo'ladi. Shuningdek, talabalarning mustaqil ishlari didaktik maqsadi, talabalarning mustaqil faoliyatining darajasi, individual yoki guruhga mo'ljallanganligi, axborot manbai va bilim olish metodlari, shakli va bajarish o'rni bilan ham farqlanadi.Tabiatshunoslik va uni o'qitish metodikasi kursida talabalarning mustaqil ishini tashkil etish, rivojlantirish va faollashtirishda quyidagilar:

1.Mustaqil ishlarni o'quv maqsadlari asosida tashkil etishda o'quvchilarning fikr yuritish ko'nikmalarni rivojlantirish

2. Bilishga bo'lgan ehtiyoji, qiziqishini bilish dars jarayonining asosi sanaladi.

3. Shaxsning bilishga bo'lgan ehtiyojini rivojlantirish - talabalarning yangi axborotlarni, axborotlarni o'zlashtirish usullarini egallashga bo'lgan ehtiyojining ortishiga olib keladi.

4. Bilishga bo'lgan ehtiyojning o'sib borishiga muammoli vaziyatlarni vujudga keltirish bevosita va bilvosita ta'sir ko'rsatadi.

5. Shaxsning bilish faolligi va mustaqil tahsilining samaradorligini oshirishga imkon beradigan qulay ijtimoiy psixologik muxit yaratish asos qilib olindi.

Mustaqil ishni tashkil etishda o'qitish vositasi va axborot manbaini to'g'ri tanlash muhim o'rin tutadi.

Tabiatshunoslik va uni o'qitish metodikasi kursida talabalarning mustaqil ishini quyidagi o'qitish vositalari va axborot manbalari asosda tashkil etish maqsadga muvofiq:

1. Mamlakatimizning ichki va tashqi siyosatiga oid Prezident Farmonlari, asarlari, ta'lim sohasida qabul qilingan me'yoriy hujjat, Vazirlar Mahkamasining Qarorlari va ular asosida qonunlarning amaliyotga tatbiqi yuzasidan ishlab chiqilgan tavsiyalar, me'yoriy hujjatlar.
2. Darslik, qo'shimcha adabiyotlar, ommaviy axborot vositalarining manbalari.
3. Didaktik va tarqatma materiallar.
4. Tabiiy va tasviriy ko'rgazma vositalari.
5. Ekran vositalari, kompyuter dasturlari, multimedialar.
6. Internet tarmog'i materiallari.

Mustaqil ishni maqsadga muvofiq tashkil etishda bo'lg'usi boshlang'ich sinf o'qituvchilarining kasbiy faoliyatga yo'naltirishni loyihalashda tayanch o'quv rejadan o'rin olgan barcha kurslarning ulushi hisobga olinishi zarur.

Tabiatshunoslik va uni o'qitish metodikasi kursini o'qitishda dolzarb muammolaridan biri, talabalarning mustaqil ishini tashkil etishda bo'lg'usi mutaxassis shaxsini shakllantirish maqsadida gumanitar va ijtimoiy, kasbiy, mutaxassislik va ixtisoslik fanlari bloklaridagi o'quv kurslarini talabaning kelgusida egallaydigan mutaxassisligini nazarda tutgan holda fanlarni o'qitishni muvofiqlashtirish, bu boradagi muammolarni bosqichma-bosqich hal etishni loyihalashtirish, oliy ta'lim muassasalari tayanch o'quv rejasidan o'rin olgan barcha fanlarni o'qitishda ma'ruza, seminar, amaliy va laboratoriya mashgulotlar bilan bir qatorda, mustaqil ishda ham kasbiy faoliyatga yo'naltirish va fanlararo bog'lanishlarni chuqurlashtirish sanaladi.

Didaktik olimlarning fikricha, talabaga nimadir o`rgatish, shuningdek mustaqil fikrlashga o`rgatish ham uning shaxsiga katta diqqat-e`tiborni talab qiladi. Talabalarda mustaqil fikrlashni rivojlantirish uchun, bilimlarni o`zlashtirish jarayonini mahoratli o`qituvchi shunday tashkil etish lozimki, bu jarayon davomida nafaqat xotirasi mashq qilib qolmasdan, mustaqil fikrlash, muammolarni mustaqil yechish qobiliyati ham mashq qildirilishi lozim [4].

Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining tayyorgarlik darajasini orttirishda mustaqil ish muhim o'rin tutadi va mazkur jarayonning samarali tashkil etishda quyidagi omillar muhim ahamiyatga ega ekanligi aniqlandi:

- oliy ta'lim muassasalarida tashkil etiladigan ta'lim-tarbiya jarayonining barcha shakllarida, shu jumladan mustaqil ishda ham mutaxassislar tomonidan kelgusida amalga oshiradigan faoliyatga kasbiy yo'naltirilganlik yetakchi o'rinni egallashi lozim;
- pedagogik-psixologik fanlarni o'qitishda shuningdek, mazkur fanlardan tashkil etiladigan mustaqil ishda talabalarda kasbiy sifat va kasbiy tayyorgarlikning tarkibiy qismlarini shakllantirishga e'tiborni qaratish, yuqori darajadagi pedagogik-psixologik tayyorgarlikka erishish orqali ilmiy-metodik tayyorgarlikka asos yaratish, ushbu jarayonda pedagogika va psixologiya fanlari bilan tabiatshunoslik va uni o'qitish metodikasi kursining uzviyligini nazarda tutish;

https://buxdu.uz



• mutaxassislik o'quv kurslarini o'qitishda shuningdek, mazkur fanlardan tashkil etiladigan mustaqil ishda kasbiy yo'naltirishni amalga oshirish va talabalarning ilmiy-nazariy tayyorgarligini kasbiy tayyorgarlik bilan uyg'unlashtirish.

Mustaqil ish rejasi mazkur kursning o'quv dasturining mazmunan mantiqiy yo'nalishiga muvofiq holda induktiv yoki deduktiv mantiqiy yo'nalishga ega bo'lishi mumkin.

Induktiv mantiqiy yo'nalishga ega bo'lgan mustaqil ish rejasida talabalarning mustaqil ishlash ko'nikmalarini egallaganlik darajasini hisobga olgan holda xususiy masalalardan umumiy muammolarni hal etishga yo'naltirilgan bo'ladi.

Oliy ta'lim muassasalarining I-II kurs talabalari uchun mustaqil ishlar rejasi aynan induktiv mantiqiy tuzilishga ega bo'lishi maqsadga muvofiq. Shuningdek, bo'lg'usi mutaxassislarning kasbiy tayyorgarligini shakllantirish va orttirishga mo'ljallangan o'quv kurslarining mustaqil ish rejasi induktiv yo'nalishga ega bo'ladi. Bunda avval darslik, me'yoriy hujjatlar, internet materiallarini tahlil qilish, so'ngra muayyan mavzular bo'yicha qisman izlanishli mustaqil ish topshiriqlarini berish zarur.

Mustaqil ish rejasining induktiv mantiqiy yo'nalishga ega bo'lishining asosiy sababi, mutaxassislarni yetarli darajada kasbiy bilim, ko'nikma va malakalarni egallaganlik darajasini hisobga olgan holda, shuningdek, o'zlashtirilgan nazariy bilimlar bilan uzviyligini ta'minlash hisoblanadi.

Mustaqil ta'lim faqat ta'limni mazmunli tashkil etishdagina dolzarb bo'lmay balki, pedagogik ta'lim muassasalarida, pedagogik kadrlarni tayyorlashda ham muhimdir. Ta'limni insonparvarlashtirish, demokratiyalashtirish sharoitlarida insonning rivojlanishida eng asosiy yo'nalish o'quv tarbiyaviy jarayonga qaratilgan.

Tabiatshunoslik va uni o'qitish metodikasi kursidan talabalarning mustaqil ish topshiriqlari didaktik materiallar sirasiga mansub bo'lib, u quyidagi funksiyalarni amalga oshiradi:

**Mustaqil ish topshiriqlarining ta'limiy funksiyasi**. Mustaqil ish topshiriqlari talabalarning o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalaridagi tipik kamchiliklarni aniqlash barobarida, ularni o'z bilimlarini orttirish maqsadida muntazam va tizimli fan asoslarini o'rganishga undaydi.

**Mustaqil ish topshiriqlarining tarbiyaviy funksiyasi**. Mustaqil ish topshiriqlari talabalar tomonidan to'g'ri javobni topish jarayonida muayyan bilish qiyinchiliklarini his etishi, muammoni hal etish maqsadida aqliy operasiyalar: tahlil, sintez, qiyoslash, umumlashtirish va xulosa yasash kabilarni bajarishi orqali ularda barkamollikka zamin tayyorlaydigan sifatlar: iroda, ongli intizom, muayyan o'quv muammolarini hal etishga safarbarlik, chidamlilik, sabr-toqat, yutuqlarga erishish uchun bilimi va kuchini sarf etishi orqali shaxs sifatida rivojlanishiga imkoniyat yaratadi.

**Mustaqil ish topshiriqlarining rivojlantiruvchi funksiyasi**. Mustaqil ish topshiriqlari talabalarining egallagan bilim, ko'nikma va malakalarini mustahkamlash, rivojlantirish, o'zining bilimi natijasida erishilgan natijalar shaxs sifatida va kelgusi faoliyatidagi o'rnini anglagan holda o'z-o'zini rivojlantirishga undaydi.

**Mustaqil ish topshiriqlarining bilimlarni to'ldirish funksiyasi.** Mustaqil ish topshiriqlari talabalarining egallagan bilim, ko'nikma va malakalaridagi bo'shliqlarni aniqlash va ularni to'ldirish, mustahkamlash va rivojlantirishga imkon yaratadi.

**Mustaqil ish topshiriqlarining bilimlarni yangilash funksiyasi.** Mustaqil ish topshiriqlari talabalar faoliyatini avval egallagan bilim, ko'nikma va malakalarini yangi va kutilmagan vaziyatlarda qo'llashga yo'naltirib yangi bilimlarni o'zlashtirishga zamin tayyorlaydi.

**Mustaqil ish topshiriqlarining bilimlarni ijodiy faoliyat tajribalarini egallash funksiyasi**. Mustaqil ish topshiriqlarining qisman izlanishli va kreativ murakkablik darajasiga ega turlari talabalarni ijodiy fikrlashga yo'naltirib, ijodiy faoliyat tajribalarini egallash, qarorlar qabul qilish va xulosa yasash orqali vitagen tajribalarning qaror topishiga yordam beradi.

**Mustaqil ish topshiriqlarining bilimlarni korreksiyalash funksiyasi.** Talabalarning egallagan bilim, ko'nikma va malakalaridagi tipik kamchiliklarni aniqlash, o'quv topshiriqlarini takror bajarish orqali ularga barham berish, bilimlarning mustahkamligini orttiradi.

**Mustaqil ish topshiriqlarining bilimlarni nazorat va o'z-o'zini nazorat funksiyasi**. Mustaqil ish topshiriqlarining reproduktiv, produktiv, qisman izlanishli va kreativ murakkablik darajasiga ega turlari axborot texnologiyalarning ta'limiy dasturlariga gipermedial ta'lim shaklida joylanganligi nazoratning keng qamrovliligini ta'minlash barobarida o'qituvchi nazorati bilan bir qatorda talabalar egallagan bilim, ko'nikma va malakalarini o'z - o'zini nazorat orqali aniqlashi, erishilgan natijaga ko'ra o'quv motivlarini rivojlantirishga erishiladi.

Xulosa qilib aytganda, tabiatshunoslik va uni o'qitish metodikasi kursidan mustaqil ishni tashkil etishda o'qitish vositalari, axborot manbalari, mustaqil ish shakllaridan o'z o'rnida samarali foydalanish, mazkur jarayonga keng ko'lamli yondashuv, uning ta'lim-tarbiya jarayonida tutgan o'rni va afzalligi

https://buxdu.uz



haqidagi tasavvurni kengaytiradi. Boshlang`ich sinf o`qituvchilarini tayyorgarlik darajasini orttiradi hamda o`z ustida mustaqil-ijodiy ishlash qobiliyatini takomillashtiradi.

**Adabiyotlar**

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjonob xalqimiz bilan quramiz. –T. :O`zbekiston, 2017 –B. 286

2. Sharipova D. va boshqalar. Tabiatshunoslik va uni o`qitish metodikasi. –T.: "Barkamol fayz mediya nashriyoti", 2018. –B.337.

3.Tolipova J.O. Pedagogik kvalimetriya. –T.: TDPU, 2016. –B. 5.

4.Tolipova J.O.Talabalarning mustaqil ta`limini tashkil etish. "Xalq ta`limi", 2003. –№1

**Майсара НУРИДДИНОВА**
Самарқанд давлат университети
бошланғич таълим методикаси
кафедраси доценти

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ "АТРОФИМИЗДАГИ ОЛАМ" ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН УСЛУБЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ушбу мақолада бошланғич синфларда атрофимиздаги олам фанларини ўқитишда инновацион услублардан фойдаланишнинг методик хусусиятлари таҳлил этилган. Бунда дарсларини замонавий технологиялар асосида ташкил этишнинг афзалликлари ҳақида сўз юритилиб, дарс жараёнида дидактик ўйинлар, интеграцион усуллар, муаммоли таълим усулларидан кенг фойдаланиш ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, атрофимиздаги олам фанини ўқитиш жараёнида муаммоли усуллардан фойдаланиш атрофлича таҳлил этилган ва шу асосда тегишли хулосалар берилган.*

***Калит сўзлар:** таълим, тарбия, метод, усул, дарс, замонавий технология, дидактик ўйинлар, интегратив усуллар, муаммоли таълим, муаммоли дарс, муаммоли саволлар.*

*В этой статье раскрывается сущность использования методических свойств инновационных методов на уроках окружающего мира в начальных классах. Прилагаются материалы по методическим особенностям в организации современных уроков, в частности проблемные уроки для обучения окружающего мира в начальных классах. В статье также рассматриваются задачи проблемных уроков и делаются выводы о том, что в каждом уроке окружающего мира можно создать проблемные ситуации, которые ученики смогут решать самостоятельно или же отвечать на заданные им проблемные вопросы.*

***Ключевые слова:** обучение, методы, методические приёмы, урок, современные технологии, дидактические игры, интегративные методы, проблемное обучение, проблемный урок, проблемные вопросы.*

*This article reveals the essence of using the methodological properties of innovative methods in the lessons of the surrounding world in primary classes. Materials are attached on methodological features in the organization of modern lessons, in particular problem lessons for teaching the world around us in primary classes. The article also discusses the problems of problem lessons and concludes that in each lesson of the surrounding world, you can create problem situations that students can solve independently or answer the questions they are asked.*

***Key words:** teaching methods, instructional techniques, lesson, modern technologies, didactic games, methods integrative, problem-based learning, problem-based lesson, problematic questions.*

Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг бугунги замонавий босқичи таълим-тарбия тизими олдида демократик жамиятда эркин яшай оладиган, ҳуқуқий маданияти шаклланган, ижтимоий муносабатларга киришимли, умуминсоний қадриятларга йўналган ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан етук ёшларни тарбиялаш вазифасини қўймоқда.

Жумладан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг чиқиши "Олий Мажлисга мурожаатномаси"да қўйидагиларни: "...Учинчидан, биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал

https://buxdu.uz


ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, аввалambor, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали анги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур" деб кўрсатиб ўтган [1].

Ҳозирги кунда ўқувчиларни замон талабига мос қилиб ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш билан бир қаторда, таълим жараёнини уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишни тақозо этмоқда. Бу жамиятда ўз қарашлари шаклланган, кенг фикрга эга, ижодкор, қобилиятли, эгаллаган билимларини ҳаётга тадбиқ эта оладиган, давр талабига мос яшаб меҳнат қиладиган, маданиятли, одоб-икромли, одамгарчилик хусусиятларига эга бўлган, жисмоний жиҳатдан баркамол ёшларни тарбиялаш талабини қўймоқда [6].

Жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар ўқитиш методикасида назарий ва амалий жиҳатдан давр талабига мос дарсни ташкил қилишни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам таниқли олимлар билан методистлар, ижодкор ўқитувчилар, бугунги дарс қандай бўлиши керак, у олдинги ўтилган дарсдан нимаси билан фарқ қилиши лозим деган саволга жавоб қидирмоқда.

Маълумки, дарс таълим-тарбия жараёнининг маркази ҳисобланади. Шунинг учун, ҳам давр талабига мос кадрлар тайёрлашда мактабнинг урни катта эканлиги ҳамамизга маълум. Шу боис, мактабда дарсга алоҳида аҳамият қаратилади ва ўқитувчининг замон талабига мос дарс ўтиши талаб этилади. Узоқ даврлар мобайнида дарс жараёнини ташкил этиш назарияси ишлаб чиқилган бўлсада, уни амалга оширишда айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, ўқувчининг ўзи мустақил равишда ишлаши, билимларни ўзи мустақил эгаллаб олиш қобилияти, ҳали тўғри йўлга қўйилмаган.

Таълим жараёнида янги педагогик технологиялар, илғор технологияларнинг қўлланиши, даорсларнинг ранг-баранг қизиқарли тарзда ташкил этилганлигига олиб келиши билан бирга ўқув материалларини чуқур ўзлаштиришларига ҳам кенг имкониятлар яратади. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи ўқитишнинг илғор, самарали усулларини излаши ёхуд анъанавий усуллардан ижодий фойдаланиши лозим.

Кўрсатиш лозимки, бошланғич синф табиатшунослик дарсларида ўқувчиларга жонли ва жонсиз табиат тўғрисида аниқ билимлар бериш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини очиб бериш, одам организмини ва унинг саломатлигини сақлаш тўғрисида маълумотлар бериш, табиатда кузатишлар ўтказиш ўқув ва кўникмалари билан қуроллантириш, табиатдан оқилона фойдаланиш ва унинг бойликларини кўпайтиришга қаратилган инсоннинг меҳнат фаолияти билан таништириш, жонажон табиатга муҳаббат уни муҳофаза қилишга интилишни тарбиялаш каби масалалар ёритилади. Бунда ўқувчиларга одамлар меҳнати атроф табиат билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатиш ғоят муҳимдир [5, 6].

Бугунги кунда табиатшунослик дарсларининг самарадорлигини оширишда фанлараро боғланиш услублардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бошланғич синф табиатшунослик дарсларида интеграцион усуллардан фойдаланишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Маълумки, ҳозирги замонда табиатни муҳофаза қилиш, экологик таълим ва тарбия бериш масалалари энг асосий ва долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Асосан бошланғич синфларда бу масалаларни қандай ҳал этиш, қайси методлардан фойдаланиш, қайси фанларда бу тушунчаларни болаларга етказиш, ҳозиргача ўз ечимини тополмай келяпти.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда фанлараро боғланиш муҳим рол ўйнайди. Айниқса ҳозирги кунда унинг асосини табиатшунослик бўйича билимлар ташкил этиб уларни интеграцион усуллар билан ёритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди [3, 4].

Бу билан бир қаторда табиатшунослик дарсларида дидактик ўйинлардан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Айниқса 1-2 синфларда "атрофимиздаги олам" фанини ўқитишда турли дидактик ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Дидактик ўйинлар орқали ўқитувчилар ўқувчиларга табиат жисмлари, табиат ҳодисалари ҳақида маълумот бериб, бу билан биргаликда уларнинг фаоллигини оширишади ва фанга нисбатан қизиқишларини ўйғотишади.

Замонавий педагогик технологиялар асосида таълим жараёнини ташкил этишнинг, билим эгаллашнинг турли хил бир-бирига боғлик бўлган босқичлари мавжуд бўлиб, тайёр билимларни ўқувчилар онгига етказиш, эсга олиш, эсда сақлаш, қайта ёдга тушириш, сўзлаб бериш, ёзма ифодалаш каби ҳолатлари, билиш, тушуниш даражаларини ифодалайди. Бу даражада билим олувчидан ижодий ёндашув талаб этилмайди. Ўзлаштиришнинг кейинги даражаларида эса ўқувчилар олган билимларини амалда татбиқ этиш, маълум натижаларни қўлга киритиш, тўлдириш, бойитиш, ўзгартириш, ўзининг мустақил нуқтаи назарига эга бўлиш талаб этилади. Бу ўзлаштириш даражалари учун муаммоли ёндашув муҳимдир [3].

https://buxdu.uz



Жумладан,бошланғич синф табиатшунослик дарсларида ҳам муаммоли таълим усулларидан фойдаланиш мумкин. Албатта,ўқув жараёнини муаммоли тарзда ташкил этиш синфга ўзига хос психологик жиҳатдан ёндашувни талаб этади.

Бунинг учун, ўқитувчи ва синф ўртасида хеч кандай психологик тусиқ бўлмаслиги, аксинча, илиқ психологик муҳит яратилиши лозим. Психологик тусиқни олиш учун танишув тренинги ўтказиш тавсия этилади. Танишув тренингида хар бир ўқувчи ўзининг исмини айтиб, ўзида мавжуд бўлган бирор бир фазилатни ифода этиши лозим. Сўнгра бугунги машғулотларни самарали ўтказиш қоидаси қабул қилинади.Ушбу жараён синф билан биргаликда амалга оширилади. Ўқитувчи бугунги машғулотнинг самарадорлигини таъминлаш учун ўқувчилар қандай коидаларга амал килиши лозимлигини синфдан сурайди.

Машғулотнинг самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиши тавсия этилади: гапни бўлмаслик, бир-бирини эшита билиш, бир-бирини тинглай олиш кўникмаси, навбат билан гапириш кўникмаси, қўл кўтариш қоидасига амал қилиш, сабр-тоқатли бўлиш ва ўзаро ҳурмат кабилар.

Дарсни муаммоли тарзда ташкил қилиш учун, биринчи галда ўқувчи баҳс-мунозара юритишга, фикрларини эркин баён этишга,танқидий муносабат билдиришга тайёр бўлиши лозим. Бунинг учун, қўйиладиган муаммоларга боғлиқ бўлган тушунчалар берилади. Сўнгра муаммога оид аниқлик киритилиб, маълум хулосалар чиқарилади. Бу жараён фикр-мулоҳазаларда ифодаланади.

Бошланғич синфларда муаммоли дарслардан фойдаланиш ўзига хос методик хусусиятларга эга. Мисол тариқасида, бошланғич синф “Атрофимиздаги олам” фанидан 2-синфда “Эрта баҳорда ўсимликлар” мавзўсидаги муаммоли дарсни келтиришимиз мумкин..

Дарс табиат бўйича ўгказилган баҳорги экскурсиядан кейин ўтказилади. Бунда ўқувчилар кундузи қуёшнинг баландлиги қандай ўзгарганлигини, кун узунлигини, кўпайганлигини ва исишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига қандай таъсир кўрсатаётганлигини кузатганлар.

Кириш сўҳбати давомида ўқувчиларга эрта баҳорда жонли ва жонсиз табиатда содир бўладиган ўзгаришлар тўғрисида ҳикоя қилиш таклиф қилинади. Улар сайргоҳда экскурсия вақтида дарахтларнинг яланғоч турганлигини, ер чириётган баргларнинг қалин қатлами билан қопланганлигини, бироқ баъзи ўсимликлар (бойчечак, бинафша, чучмома, лола ва ҳ.к) гуллаётганини албатта аниқлайдилар. Ўқувчилар экскурсия жараёнида кўрган ўсимликлари, баъзи ўсимликлар (бойчечак, бинафша, чучмома, лола ва ҳ.к) гуллаётганини айтиб беришади. Шундан кейин ўқитувчи томонидан “Эрта гулловчи ўсимликлар” тушунчаси киритилади, унинг маъноси очиб берилади, кейин нима учун, нима сабабдан санаб ўтилган ўсимликларни эрта гулловчилар деб айтилиши аниқланади.

Энди бу ўсимликлар болаларга экскурсиядан таниш, шунга кўра ўқитувчи ўқувчиларни уларнинг фарқига бора олишларини текшириш учун саволлар беради. Бунинг учун, синф тахтасига ўсимликларнинг номлари: бинафша, чучмома, бойчечак, лола ва бошқалар ёзиб қўйилади. Ўқувчилар бу номларни ўқиб, ўсимликни гербарий ёки кўргазмали қуролдан кўрсатадилар ва унинг номини айтадилар. Кейин, санаб ўтилган ўсимликларнинг ҳар бирини қараб чиқиш ва таърифлаш таклиф қилинади.Ўсимликларнинг органлари таққосланганда ўқитувчи муаммоли ўқитиш методидан фойдаланади, нима учун лола, бойчечак, бинафша, чучмома эрта гуллаганлиги аниқданади.

Бунинг учун,ўқувчилар ўсимликларнинг ташқи тузилишини ўхшашлиги ва хилма-хиллиги тўғрисида хулосалар чиқаришлари керак. Бу билимлар дарс жараёнида янги материални ўрганиш ва қўйилган муаммони бутунлай ҳал қилиш учун таянч бўлади [5, 7].

Ўқитувчи кириш ҳикояси олдидан топшириқлар бажартириб, ўсимликлардаги ўхшашлик фақат ер усти органларидагина эмас, балки ер ости органларида ҳам бўлишини белгилайди ва ўз хикоясини бинафша, чучмома, бойчечак, лола илдизларини кўрсатиш билан намойиш қилади.

Ўқувчиларнинг экскурсиядаги кузатишларига асосланиб, ўқитувчи эрта гулловчи ўсимликларни қаерда (қуёш кўп тушадиган жойларда) курганликларини аниклайди.

Жавобларни умумлаштириб, ўқитувчи ўқувчиларни шундай хулосага олиб келади: эрта гулловчи ўсимликларда йил давомида ер ости органларида озиқ моддалар тўпланади, улардан ўсимликлар баҳорда фойдаланади. Баҳорги ўсиш жараёнининг кўчайишига бу хилда тўпланган озиқ моддалар ёрдам беради. Ўсимликларнинг эрта гуллашини ўқувчилар озиқ моддалар захирасининг бўлиши ва баҳорги иссиқ билан тушунтиришлари керак.

Муаммо қуйилиши ва уни мустақил ҳал қилиниши болаларнинг билишга қизиқишини, яъни уларнинг билимларни эгаллашга ва масалалар ечишни ўргатишга бўлган интилишларини ривожлантириш учун рағбатлантириш бўлиб хизмат қилади. Муаммони ҳал қилишда асосий вақтни амалий иш эгаллайди.

https://buxdu.uz



Чунончи, “Куз”, “Қиш”, “Баҳор” (2-синф) мавзуларини ўрганишда ўқувчилар олдига қуйидаги муаммоли саволларни қуйиш мумкин: нима учун кузда қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар, нима учун баъзи ҳайвонлар қишда ухлашади, нима учун кузда совуқ тушади ва ҳоказо.

Ўқувчилар олдига у ёки бу муаммони қуйишда уларнинг ҳар бири қанчалик дарс мазмунидан келиб чиқаётганлигини, дидактик ва тарбия мақсадларига хизмат қилишини пўхта ҳисоблаб чиқиш керак. Бу талабларга жавоб бермайдиган муаммоларни қуйиш, фақат дарсда қараб чиқилаётган масалаларнинг моҳиятини аниқлашга халақит беради. Шунингдек, ўқувчилар олдига улар зарур билимларга эга бўлмасалар, онгли ҳал килиниши учун муаммо қуйиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, ўқитувчи дарснинг ҳар хил босқичларида: материални тушунтириш, амалий иш, тажрибаларни намойиш қилиш жараёнида ва ҳоказоларда унинг мазмунига қараб, муаммоли вазиятлар ҳосил қилиши ва муаммоли саволлар қуйиши мумкин. Фақат шуни эсда тутиш керакки, бошланғич таълимда, фанларни ўқитишда муаммоли ёндашишда етакчи ролни ўқитувчи ўйнайди. Ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрлаш мустақиллигини, амалий ва ақлий ишларини, уларнинг билиш фаолиятини доимо изчиллик билан ва моҳирона раҳбарлик қилгандагина муваффакиятли ривожлантиради.

Бунинг учун, биринчидан, энг аввало синфда мустақил психологик муҳит, ўқувчиларга ҳурмат-эҳтиром,ишонч ва ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш лозим

Иккинчидан, ўқувчиларни  билим олишини кафолатловчи ишончли метод ва усуллар билан таништириш. Бу ўқувчиларнинг яхши ўқишига, таълим-тарбия олишда фаолликка, ижодкорликка олиб борадиган фойдали йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Учинчидан, дарсни ўқувчиларнинг мустаҳкам, яхши билим олишга (бу назарий олган билимларини ҳаётда қўллай билиш деган сўз) йўналтириш. Бу эса ўқувчининг ўз билимига ва кучига ишончини янада оширишига олиб келади.

Тўртинчидан, дарсда ўқувчиларнинг ижодкорлик ва меҳнатсеварлик фаолиятлари ривожлантирилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўқув материалини муаммоли баён қилиш, унинг исботланишини ва зарур миқдордаги билимларнинг онгли ўзлаштирилишини таъминлайди, уларга бўладиган қизиқишни оширади ва болалар тафаккурини фаоллаштиради. Бу олинган билимларни фақат онгли қилибгина қолмасдан, балки уларнинг ишончга айланишига ҳам ёрдам беради. Шунингдек, ўқув материалини  муаммоли баён қилиш ўқувчиларда ўзларининг хусусий фаразларини айтиб, улардан фақат ҳақикатга мувофиқ келадиганларини танлаб олишга имкон беради, яъни уларда мантиқий фикрлашни ривожлантиради. Муҳимлиги, муаммоли баён қилиш  ҳиссиётли бўлади, шунинг учун ҳам ўрганишга қизиқишни оширади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган материаллар асосида айтиш мумкинки “Атрофимиздаги олам” дарслари орқали ўқувчилар ўзлари яшаётган теварак атроф, табиат жисмлари, табиат ҳодисалари ва табиат қонуниятлари ҳақида бирламчи тушунчаларга  эга бўлишади. Уларни асраб авайлаш, муҳофаза этиш учун ҳаракат қилишади. Бу эса ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун кенг имкониятлар беради.

**Адабиётлар**

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Зарафшон” газетаси, 2020-йил, 25-январь,10-11- сон.

2.Григорянц А.Г.–Методика преподавания природоведения.Т.:  Ўқитувчи, 1992.

3. Мавлянова Р. ва Рахманкулова Н.- Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграцияси.  Т.: “Ворис-Нашриёт”, 2013.

4. Мирзахматова Ш., Пулатова Д. Табиатшунослик дарсларида интерфаол таълим (Услубий қулланма). Т.: “Янги аср авлоди”. 2011 йил.

5.Нуриддинова М.И. Табиатшуносликни ўқитиш методикаси. “Чўлпон”, Т. 2005.

6.Нуриддинова М.И. Бошланғич синфларда табиатшунослик  фанларини ўқитишда муаммоли таълим элементларидан фойдаланишнинг методик хусусиятлари. // “Инновацион жараёнларни ривожлантиришда  олималарнинг ўрни” мавзусидаги олималар ва иқтидорли талабаларнинг Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд, 2017.

7.Нуриддинова М.И. Табиатшуносликни ўқитишнинг услуб ва шакллари.(услубий қулланма). Самарқанд, 2019.

https://buxdu.uz



# IQTISODIY TA'LIM VA TURIZM

**Махаммаджон БУТАБОЕВ**
Кокандский университет, профессор
**Фарход МУЛАЙДИНОВ**
Кокандский университет

# СУЩНОСТЬ И ОСОБЕННОСТИ ЗЕЛЕНОЙ ЭКОНОМИКИ

*В статье рассматриваются взаимосвязь и общие аспекты концепций и определений «зеленой» экономики, «зеленого» роста и устойчивого развития, которые предлагаются рядом международных организаций, таких как UNEP EEA, OECD и UNESCAP.*

*Многообразие объяснений «зеленой» экономики и связанных с ней понятий порождает различные точки зрения на этот феномен.*

*В ходе исследования авторы предлагают собственное определение «зеленой » экономики.*

*В настоящее время большая часть потребляемой в Узбекистане энергии вырабатывается ТЭС.*

*Основная доля в структуре энергопотребления принадлежит углеводородному сырью, имеющему ограниченный ресурс. Учитывая, что объем расходуемой электроэнергии в Узбекистане к 2030 году может увеличится вдвое, истощение запасов традиционных углеводородных не возобновляемых энергоресурсов может оказаться серьезным препятствием на пути экономическое развития Узбекистане.*

***Ключевые слова:** Зеленая экономика, зеленые инвестиции, зеленое финансирование, энергоэффективность, биотоплива, природный капитал, амортизация природного капитала, солнечная фотоэлектрическая станция, зеленые рабочие места, ветряная энергетика, экологическая эффективность, эленая модернизация, органическая продукция, солнечная батарея*

*The article discusses the relationship and General aspects of the concepts and definitions of "green" economy, "green" growth and sustainable development, which are proposed by a number of international organizations, such as UNEP EEA, OECD and UNESCAP.*

*The variety of explanations of the "green" economy and related concepts gives rise to different points of view on this phenomenon.*

*In the course of the study, the authors offer their own definition of a "green" economy.*

*Currently, most of the energy consumed in Uzbekistan is generated by thermal power plants.*

*The main share in the structure of energy consumption belongs to hydrocarbon raw materials, which have a limited resource. Given that the amount of electricity consumed in Uzbekistan may double by 2030, the depletion of traditional hydrocarbon non-renewable energy resources may prove to be a serious obstacle to Uzbekistan's economic development.*

***Key words**: green economy, green investments, green financing, energy efficiency, biofuels, natural capital, depreciation of natural capital, solar photovoltaic plant, green jobs, wind energy, environmental efficiency, green modernization, organic products, solar battery.*

Актуальность данной статьи состоит в её новизне, недостатке проводимых исследований и мер по проблеме изменения экологической ситуации в мире и в Узбекистане, в частности, путей и методов перехода Узбекистана к «зелёной» экономике на основе подобного опыта других государств.

Предметом данного исследования является анализ возможностей перехода Узбекистана к «зелёному» сценарию, перспективы развития, методы и выгоды от перехода к «зелёной» экономике.

Одним из самых злободневных вопросов современного, быстро развивающегося мира, является вопрос утилизации отходов жизнедеятельности человека. На сегодняшний день, по подсчётам учёных, человечество выбрасывает более 3,5 тонн мусора ежедневно. Помимо твёрдых бытовых отходов, в процессе производства материальных благ, человечество выбрасывает в атмосферу, почву и воду тысячи тонн загрязняющих веществ. На утилизацию этих отходов тратятся миллиарды долларов, нанося ущёрб экономике стран мира. Существующая практика утилизации отходов в большинстве слабо развитых и развивающихся стран мира – складирование отходов на свалках – неизбежно приведёт к экологической катастрофе мирового масштаба. Ведь и твёрдые отходы становятся источниками выбросов загрязняющих веществ в атмосферу, почву и воды мирового

https://buxdu.uz



океана. Но если изменить концепцию переработки мусора, то это не только будет способствовать улучшению экологической ситуации в мире, но и приведёт к росту экономики государств.

В течение последних десятилетий появилась альтернатива так называемой, «коричневой» экономике основанной на варварском отношении к природным ресурсам – «зелёная» экономика. Согласно определению ЮНЕП, **«зеленая» экономика** - это экономическая система, которая позволяет обеспечить рост благосостояния людей и социальную справедливость, уменьшая при этом экологические риски и сокращая дефицит природных ресурсов. Она позволяет создавать некоторые ресурсы, которые раньше считались не возобновляемыми, либо эффективно использовать возобновляемые ресурсы с точки зрения экономики и экологии. Оказалось, что применение основных принципов «зелёной» экономики на практике позволяют не только беречь природные ресурсы, но и получать экономические выгоды. Если сравнить показатели развития мировой экономики «коричневой» и «зелёной», можно увидеть, как будут изменяться потребности человечества в природных ресурсах и какими будут потери при этих двух сценариях развития экономики. Очевидно, что «зелёная» экономика не только позволяет обеспечить необходимыми ресурсами потребности людей, но и в сотни раз снизить отрицательные последствия промышленного производства.

Первые шаги к переходу к новым технологиям, позволяющим сохранять и возобновлять природные ресурсы, были сделаны в странах Западной Европы ещё в конце двадцатого века. Одной из первых стран, получивших ощутимые экономические выгоды, стала Дания. С 1980 года ВВП этой страны вырос на 78% при минимальном увеличении энергопотребления. Внедрение энергосберегающих технологий в производство, позволило Польше за последние 17 лет сократить выбросы вредных веществ в атмосферу на треть, несмотря на экономический бум. Переход к «зелёной» экономике позволит Швеции отказаться от нефти, угля и газа и перейти на энергию из возобновляемых источников уже к 2020 году.

Одной из самых интенсивно развивающихся стран последних десятилетий является Южная Корея, вложившая в стратегию «зелёного роста» 9,3 млрд евро. Причём, эта стратегия охватывает почти все сферы экономической жизни: транспорт, альтернативные источники пресной воды, технология переработки отходов. Основные направления этой стратегии: промышленность, транспорт, инвестиции. Цель стратегии – сохранить объёмы промышленного производства при минимальном использовании природных и энергоресурсов, сократить воздействие на окружающую среду всех видов ресурсов и превращение инвестиций в природоохранную деятельность.

Огромную роль в продвижении концепции «зелёной» экономики сыграла Экономическая и Социальная Комиссия для Азии и Тихого океана (ЭСКАТО). Членами этой организации являются Армения, Азербайджан, Грузия, Казахстан, Кыргызстан, Россия, Таджикистан, Узбекистан и Туркмения. В 2005 году, по инициативе ЭСКАТО была принята стратегия «зелёного» развития включавшая четыре приоритетных направлении: рациональные модели производства и потребления; озеленение» предприятий и рынков; устойчивая инфраструктура и «зелёная» налоговая и бюджетная реформы. Позже были добавлены ещё два направления – инвестирование в природный капитал и показатели экологической эффективности.

Для перехода к «зелёной» экономике предлагаются следующие инструменты:

- соответствующее принципам устойчивого развития ценообразование, включая отказ от неэффективных субсидий, оценку природных ресурсов в денежном выражении и введение налогов на то, что вредит окружающей среде;
- политика государственных закупок, которая поощряет производство экологичной продукции и использование соответствующих принципам устойчивого развития методов производства;
- реформирование систем «экологического» налогообложения, предполагающего смещение акцента с налога на рабочую силу на налоги за загрязнение;
- рост государственных инвестиций в соответствующую принципам устойчивого развития инфраструктуру (включая общественный транспорт, возобновляемые источники энергии, строительство энергоэффективных зданий) и природный капитал для восстановления, поддержания и увеличения объёма природного капитала;
- елевая государственная поддержка исследований и разработок, связанных с созданием экологически чистых технологий;
- социальные стратегии, призванные обеспечить согласование между целями в социальной области и существующими или предлагаемыми экономическими стратегиями.

Для сокращения дифференциации между развитыми и развивающимися странами предлагается ввести, так называемый, налог Тобина в размере 1% от всех международных торговых сделок. Кроме того, для формирования низкоуглеродной экономики предлагается укрепить международное

https://buxdu.uz



сотрудничество в области развития и распространения чистых технологий, в частности, технологий улавливания и захоронения $CO_2$, технологий возобновляемых источников энергии, развития рынка экологических товаров и услуг.

Человечество прошло большой путь, прежде чем перешло к энергосберегающим технологиям не только в производстве, но и в жилищно-коммунальном хозяйстве. Первый до, основанный на энергосберегающих технологиях был построен в Германии в 1991 году в г. Дармштадте. Затраты на отопление этого дома составляли 1 литр жидкого топлива на 1 $м^2$ площади в год. Отопление в таком доме организуется за счёт тепла, выделяемого людьми, проживающими в доме, бытовой техники и солнечных батарей. Такая технология получила широкое распространение в странах Западной Европы. В Дании, Чехии, Финляндии построены целые экологические деревни, насчитывающие более шести тысяч так называемых, пассивных домов.

Использование альтернативных источников энергии имеет не только положительные экономические, но и экологические стороны. Одна ветряная установка, мощностью 500 кВт (1 млн. кВт ч/год) предотвращает выбросы вредных веществ при выработке такого же количества электрической энергии на тепловых станциях на угле:

$CO_2$ – 750 -1250 тонн;

Двуокиси серы – 8 тонн;

Оксидов азота – 3-6 тонн;

Органической пыли – 0,5 тонн;

Золы – 40 -70 тонн.

В 2008 году Европарламентом была принята директива, согласно которой 27 стран ЕЭС к 2020 году должны довести применение альтернативных источников энергии до 20% от всего объёма. В Дании ветряная энергетика обеспечивает 21,3% общей энергии. В Швеции и Финляндии применение биотоплива, полученного из биомассы, позволяет вырабатывать 20-25% от общего объёма тепловой энергии. Общий мировой показатель использования энергии солнца –60%, энергии ветра – 30%.

Узбекистан обладает неисчерпаемыми источниками солнечной, ветряной энергии. Высокий процент сельскохозяйственного производства в экономике страны позволит использовать биомассу не только в качестве удобрений, но и как сырьё для альтернативного источника получения топлива. Проблема возобновляемых источников энергии получает развитие и в Узбекистане. По расчётам Центра экономических исследований, проведение политики «озеленения» через создание нетрадиционных возобновляемых источников энергии, позволит Узбекистану к 2050 году сократить долю углеводородов до 50% от общего объёма производства. Потенциал энергосбережения в отраслях экономики оценивается в 18-20 млн тонн нефтяного эквивалента в год

Экономика Узбекистана имеет достаточно сформированную базу для развития основных секторов экономики. Это создаёт предпосылки для её устойчивого развития. Но устойчивое развитие – это не только рост ВВП и прочих показателей, но и формирование долгосрочной стратегии, ориентированной на глобальные тенденции. Основным инструментом долгосрочного развития экономики страны её переход к «зелёной» модели, позволяющей не только развивать все отрасли экономики, но и сократить энергозатраты, увеличить количество рабочих мест, сократить вредные выбросы производства. Переход к «зелёной» экономике позволит обеспечить рост благосостояния людей и социальную справедливость, уменьшив экологические риски и сокращая дефицит природных ресурсов.

Для разработки стратегии перехода Узбекистана к «зелёной» экономике необходимо учесть опыт стран Западной Европы, успешно внедривших новые технологии в своих странах.

В целом, приведенные выше оценки и факты показывают обоснованность необходимости перехода к «зеленой» экономике. Согласно оценкам в мировом масштабе «зеленые» инвестиции позволят добиться более высоких годовых темпов роста, увеличивая при этом запасы возобновляемых ресурсов, необходимых для развития мировой экономики (см. рис.1).

Сегодня экономика Узбекистана является одной из наиболее динамично развивающихся экономик мира. После обретения независимости в республике получили развитие новые отрасли экономики, требующие больших энергозатрат. В то же время, при прежнем отношении к природным ресурсам, сохранению уровня потребления угля и газа, согласно Аналитическому докладу UNDP «Концептуальные подходы к формированию Green Economy в Узбекистане» за 2011 год, природных запасов этих энергоносителей в Узбекистане хватит на 20-30 лет, а запасы нефти истощены[1]. Не менее острым становится вопрос запасов питьевой воды. При установленном лимите 53,5 млрд. куб. м.[1] для Узбекистана, гарантировать получение этого ресурса, при нынешнем уровне водопотребления, мировое сообщество нам не может. Как следствие, площадь посевных площадей

https://buxdu.uz



может сократиться на 20-25% в течение 30 лет[1]. Это значит, что динамичному развитию экономики Узбекистана будут мешать недостаток природных ресурсов: земельных, водных, энергетических. Именно поэтому стал необходимым переход к «зелёной экономике» нашей республике, и не в будущем, а уже сейчас. Помимо сохранения природных богатств, наша страна получит экономическую выгоду. По оценкам учёных, сценарий развития «зелёной экономики» уже через 5-10 лет обеспечит более высокого темпа экономического роста, по сравнению с «коричневой экономикой» и увеличит количество возобновляемых ресурсов, необходимых для развития мировой экономики[1].

рис. 1




Согласно результатам исследования, стратегию перехода страны на «зеленые» рельсы целесообразно осуществлять по следующим основным
направлениям:
В сфере внедрения возобновляемых источников энергии:
1. Установка фотоэлектрических преобразователей в сельской местности в целях обеспечения полной электрификации удаленных хозяйств к 2030 году
2. Создание крупных фотоэлектрических станций в энергетике
3. Внедрение солнечных приставок в котельные системы теплоснабжения
Проведение политики «озеленения» посредством развития возобновляемых источников энергии позволит к 2050 году обеспечить сокращение доли углеводородов до 50% в общем объеме производства энергии.
В секторе жилищно-коммунального хозяйства:
1. Модернизация теплового узла (наружная теплоизоляция и термостаты, модификация трубопроводной системы)
2. Внедрение технологии пассивно-солнечного отопления
3. Широкое использование возобновляемых источников энергии в зданиях.
Предполагается, что политика «озеленения» в секторе ЖКХ позволит охватить к 2050 году весь жилой фонд в городах республики с учетом нового строительства.
В транспортном секторе:
1. Повышение энергоэффективности топлива, потребляемого парком транспортных средств
2. Расширение использования альтернативных «зеленых» видов топлива (в В сфере управления отходами:
Стратегия развития системы управления отходами в Узбекистане должна ориентироваться на полную переработку годового объема поступающих твердых бытовых отходов в республике.
В сфере управления земельными и водными ресурсами:
1. Повышение эффективности использования водных ресурсов и предотвращение дальнейшего засоления и ухудшения качества земли за счет широкого использования водосберегающих

https://buxdu.uz



технологий, модернизации водохозяйственных систем, повышения коэффициента полезного действия (КПД) каналов, строительства на них противофильтрационного покрытия.

2. Внедрение принципов «чистого» сельского хозяйства, сокращение использования минеральных удобрений и пестицидов в аграрном секторе.

3. Совершенствование системы питьевого водоснабжения и развитие экологически безопасных систем канализации[2].

Переход от «коричневой» к «зелёной» экономике позволит Узбекистану получить дополнительные рабочие места и получить огромную, по сравнению с вложениями, экономическую выгоду. Ниже приводится таблица с данными научных исследований, которые наглядно демонстрируют экономическую выгоду и экономический рост.

Рис. 2

**Оценка перспектив перехода к «зеленой» экономики в Узбекистане**

| Направление «озеленения» | Суммарные дополнительные ежегодные выгоды за счет перехода к «зеленой» экономике | Суммарный объем необходимых ежегодных вложений | Создание дополнительной «зеленой» занятости |
|---|---|---|---|
| Развитие возобновляемых источников энергии | $5,289 млрд | $65 млн. | 175 тыс. рабочих мест к 2020 году и до 270 тыс. рабочих мест к 2050 году |
| «Озеленение» сектора ЖКХ | $2,115 млрд | $120 млн. | 15тыс. рабочих мест к 2020 г. и до 120 тыс. рабочих мест к 2050г |
| Транспорт | $722,875 млн | $70 млн. | 95 тыс. рабочих мест к 2020 году и до 175 тыс. рабочих мест к 2050 году |
| Совершенствование управления отходами | $611,6 млн | $85 млн. | 17,5 тыс. рабочих мест на МПЗ и 100 тыс. в кооперативах по сборке отходов |
| Управление земельными и водными ресурсами | $1 млрд | $ 440 млн | Каждые три года создание 86 тыс. дополнительных «зеленых» рабочих мест; к 2050 году - 516 тыс. рабочих мест |

3

2 Сектора выбраны согласно широко распространенному определению «зеленой» экономики К. Бурхарта

3 Узбекистан: возможности и перспективы перехода к «зеленой» экономике «Development Focus» июнь 2011 г.

Как видно из приведённой таблицы (рис. 2), при ежегодном вложении в развитие возобновляемых источников ресурсов суммы в 65 млн. долларов США, можно получить дополнительные ежегодные выгоды в 5,289 млрд. долларов США, плюс 175 тысяч рабочих мест к 2020 году. А за последующие 30 лет, количество рабочих мест в этой сфере увеличится на 95 тысяч. Наиболее перспективным направлением развития «зелёной» экономики по созданию рабочих мест является управление земельными и водными ресурсами. В этой сфере прогнозируется создание 86 тыс. дополнительных рабочих мест каждые три года, а к 2050 году количество рабочих мест в этой сфере достигнет 516 тыс. Конечно, эта сфера экономики требует значительных финансовых вложений – 440 млн. долларов США ежегодно, при получении ежегодной дополнительной выгоды в 1 млрд. долларов США, но при ежегодном значительном естественном приросте населения в Узбекистане,
создание дополнительных рабочих мест имеет не только экономическое, но и социальное значение.

Потребности Узбекистана в финансировании, необходимом для эффективного предотвращения изменения климата и адаптации к последствиям этого глобального процесса, остаются значительными. С началом функционирования Зеленого климатического фонда (ЗКФ), новые программы, которые поддерживают деятельность по обеспечению доступа к средствам Фонда, а также недавно принятое международное соглашение об изменении климата, представляют собой уникальную и своевременную возможность для Узбекистана развивать свою институциональную архитектуру для эффективного и устойчивого управления климатическим финансированием.

Зеленый климатический фонд является уникальным финансовым механизмом Рамочной Конвенции Организации Объединенных Наций об изменении климата (РКИК ООН), который нацелен на финансирование потребностей развивающихся стран в предотвращении и адаптации к последствиям изменения климата.

https://buxdu.uz



Совместный проект ООН Окружающая Среда, Программы развития ООН (ПРООН) и Института мировых ресурсов (ИМР) «Программа подготовки Узбекистана к доступу к ресурсам Зеленого климатического фонда», финансируемый Федеральным министерством по окружающей среде, охране природы, строительства и ядерной безопасности через Целевой фонд ООН Окружающая Среда, был одобрен в январе 2016 года.

22 июня 2016 года был подписан проектный документ между ПРООН и Центром гидрометеорологической службы при Министерстве по чрезвычайным ситуациям (Узгидромет) в качестве национального агентства-исполнителя.

Целью проекта является оказание содействия Правительству Республики Узбекистан в укреплении национального потенциала для эффективного доступа, управления, использования и мониторинга климатического финансирования, в частности из средств Зеленого климатического фонда. Данные мероприятия осуществляются в соответствии с национальной политикой и приоритетами страны.

Программа нацелена на два важных аспекта работы с ЗКФ: доступ к его средствам и вовлечение частного сектора, каждый из которых требует значительной подготовительной работы. Программа подготовки к доступу к ресурсам ЗКФ будет сконцентрирована на ряде подготовительных мероприятий. Это:

- создание и наращивание институционального потенциала национальных органов и институтов в Узбекистане с фокусом на прямой доступ к Зеленому климатическому фонду;
- помощь в подготовке инвестиционных стратегий, программ и проектов, нацеленных на предотвращение изменения климата и адаптацию к его последствиям при активном участии частного и финансового секторов.

Узбекистан обладает огромным, практически неисчерпаемым потенциалом возобновляемых источников энергии (ВИЭ), которые, по оценкам экспертов, на порядок превышают ресурсы органического не возобновляемого топлива. При этом около 97% имеющегося потенциала приходится на солнечную энергию, а по количеству солнечных дней (320) Узбекистан превосходит даже Испанию – родину современной гелиоэнергетики. Согласно данным Азиатского и Всемирного банков, валовой потенциал солнечной энергии превышает 51 миллиард тонн нефтяного эквивалента. Переход к сценарию «зелёной» экономики позволит экономически эффективно использовать этот вид энергии, как в развитии возобновляемых источников ресурсов, так и в сфере ЖКХ, транспорта. За прошедшие семь лет, после публикации Аналитического доклада ЦЭИ, Узбекистан проделал большую работу по внедрению технологии пассивно-солнечного отопления, строительству фотоэлектрических станций в стране. Согласно утвержденной Президентом Шавкатом Мирзиёевым Программы мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017–2021 годы, одним из направлений является развитие солнечной энергетики. В частности, в стране начинается строительство промышленных фотоэлектростанций. Развитие генерирующих мощностей за счет внедрения технологий по использованию альтернативных источников энергии и строительства фотоэлектрических станций позволит увеличить установленную мощность электростанций республики на 1,25 ГВт без нагрузки на топливную составляющую и при этом не окажет отрицательного воздействия на экологию. Создание в стране собственного производства этой продукции позволит существенно снизить стоимость фотоэлектрических станций до 30% и, как следствие, обеспечить более интенсивное развитие возобновляемой альтернативной энергетики, вывод ее на качественно новый уровень. К 2020 году в Узбекистане планируется построить 3 СЭС мощностью 100 МВт каждая.

## Литературы


1 Концептуальные подходы к формированию Green Economy в Узбекистане UNDP Ташкент 2011г.

2 Узбекистан: возможности и перспективы перехода к «зеленой» экономике «Development Focus» июнь 2011 г.

3 Нетрадиционные возобновляемые источники энергии. Под общей редакцией Безруких П.П. Сборник аналитических, методических и нормативных материалов. М., 2002 .

4 М. Сафаев, С. Мухамеджанов, С. Самойлов, Т. Таджиев, К. Таджиев, Д. Мусаева. Автомобильный транспорт и окружающая среда// Экологический вестник. 2007. № 8

5 Доклад UNEP «Навстречу «зеленой экономике» 2011.

6 Вода – Критический ресурс для будущего Узбекистана. ПРООН. Ташкент, 2006.

https://buxdu.uz




7 Проект «Совершенствование и развитие базы данных экологических индикаторов с применением ГИС для мониторинга состояния окружающей среды в Узбекистане». Экологический обзор Узбекистана, основанный на индикаторах. Государственный Комитет Республики Узбекистан по охране природы совместно с ПРООН в Узбекистане. Ташкент.
8 Стратегия И&Д, ВБ,2001 Узбекистан – Стратегическое Исследование Сектора Ирригации и Дренажа. Всемирный Банк, Часть 1, Заключительный отчет. (Стратегия базируется на Правительственных Постановлениях (№398 и №357) и Национальной Программе Развития Ирригации на 2000-2005).
9 Общее состояние окружающей среды, Всемирный банк, 2002 год
10 Постановление Президента Республики Узбекистан «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017 — 2021 годы» от 26 мая 2017 года № ПП-3012
11 А.А.Григорьянц «К вопросу о развитии экотуризма в Узбекистане»
12 http://agronews.uz/uz/analytics/845-kapelnoe-oroshenie-v-uzbekistane-istoriya-i-perspektivy
13 http://www.ut.uz/ru/ekonomika/solnechnaya-energetika-uzbekistan-zapuskaet-promyshlennoe-proizvodstvo-solnechnykh-batarey/
14 https://www.gazeta.uz/ru/2018/06/09/electric-cars
15 http://www.bigness.ru/articles/2011-02-28/news/122290/
16 http://www.ut.uz/ru/ekonomika/v-uzbekistane-nachali-rabotu-pervye-zavody-po-pererabotke-musora/
17 https://www.gazeta.uz/ru/2017/10/31/recycling
18 https://podrobno.uz/cat/economic/uzbekistan-i-kazakhsta/
19 https://agrodoc.livejournal.com/5498.html
20 http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/operations/projects/environment_and_energy/gef-sgp.html
21 http://agronews.uz/uz/analytics/845-kapelnoe-oroshenie-v-uzbekistane-istoriya-i-perspektivy

https://buxdu.uz



# TASVIRIY SAN'AT VA MUSIQA

**Саидахбор БУЛАТОВ**
Низомий номидаги ТДПУ профессори,
педагогика фанлари доктори, Россия халқаро
педагогик таълим фанлар академиясининг
академиги

# УЛУҒБЕКНИНГ ЖАҲОН ОЛИМЛАРИНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИГАН КАШФИЁТИ АНИҚЛАНДИ

*Самарқандда жаҳон олимларини ҳайратга соладиган яна бир кашфиёт аниқланди. XV асрда Мирзо Улуғбек раҳбарлигида Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси пештоқисида ишланган астрологик безакда "Ўн саккиз минг олам харитаси" (метагалактика) ўз аксини топганлиги аниқланди. Ушбу "Ўн саккиз минг олам харитаси" ўша даврда яратилган биринчи ва дунёда ягона нусхаси ҳисобланиб, 600 йил бўлибдики, ўз ечимини кутиб келмоқда эди. Бундан ташқари тасвирда сайёрларни, галлактикаларни ва бутун оламнинг яъни чексиз гравитацион системалар тизими маҳфий рамзлар ва тимсоллар орқали акс эттирилганлиги кашф этилди. Бундан ташқари Исаак Ньютондан 200 йил аввал бутун дунё тортилиш қонунини кашф этилганлигидан дарак беради. Мақолада худди шу муаммолар ечими ҳақида илмий фараз баён этилган.*

***Калит сўзлар:*** *рамз, галактика, ядро, юлдуз, сайёралар, харита, архитектура, қанос, тимсол, фалокёт, астрология, гирих, композиция, харакат, меҳроб, морпеч, спирал.*

*В Самарканде сделали открытие, которое повергло ученых в изумление. В астрологической росписи 15 века на потолке медресе Улугбека была найдена "Всемирная карта", выполненная под руководством Улугбека. Эта "Всемирная карта" являясь единственной созданной в то время, и не имеющая аналогов, вот уже 600 лет ждет свою разгадку. Также было обнаружено, что изображение планет, галактик и всей вселенной, то есть системы бесконечных гравитационных систем, представлено секретными символами и изображениями. Кроме того, Исаак Ньютон обнаружил, что закон всемирного тяготения был открыт 200 лет назад. В статье делается научное предположение о решении этих проблем.*

***Ключевые слова:*** *символ, галактика, ядро, звезда, планеты, карта, архитектура, фасат, изображение, космос, астрология, гирих, композиция, движение, меҳроб, морпеч, спираль.*

*In Samarkand, a discovery was made that plunged scientists into amazement. In the astrological painting of the 15th century on the ceiling of the Ulugbek madrasah was found the "World Map", made under the direction of Ulugbek. This "World Map" being the only one created at that time and having no analogues, has been waiting for its solution for 600 years. It was also discovered that the image of planets, galaxies and the entire universe, that is, a system of infinite gravitational systems, is represented by secret symbols and images. In addition, Isaac Newton discovered that the law of gravity was discovered 200 years ago. The article makes a scientific assumption about solving these problems.*

*Keywords: Symbol, galaxy, core, star, planets, map, architecture, facet, image, space, astrology, girih, composition, movement, meҳrob, morpech, spiral.*

***Key words:*** *Bulatov Saidakhbor Sobitovich - Professor of Tashkent State Pedagogical University named after Nizami, Tashkent, Republic of Uzbekistan.*

"Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир," деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Дунёдаги ҳеч бир жойда мусулмон меъморчилиги сингари бу қадар мукаммал тарздаги безак санъати қўлланилган эмас. Нақш Аллоҳ яратган гўзалликнинг бир кўриниши бўлиб, у ўрта асрда айниқса, ривож топган ва у мусулмон маданиятининг юксалишида етакчи ўрин эгаллаган. "Оддий безак" даражасидан иннавацион ғояларни ифода этувчи ўзига хос санъатга айланган.

https://buxdu.uz



Бутун жаҳон астрономия дунёсини ларзага солган, олти юз йилдан ортиқ вақт ичида жахон олимлари тилида ва дилида достон бўлган буюк Султон, беназир аллома олим Мирзо Улуғбек ҳаёти, илмий фаолиятини ўрганиш ва татбиқ этиш натижасида маълум бўлаётган илмий кашфиётлар ҳанузгача башариятни лол қолдирмоқда. Кўплаб илмий монографиялар, унинг сиёсатчилик ва иқтисодиёт соҳасидаги фаолияти, илмий ва маърифий меросини ўрганиш бўйича очилган жабҳалар Мирзо Улуғбекнинг кўп қиррали фаолиятни очиб бериш билан бирга, унинг номини мангуликка муҳрлади. Шундай бўлсада, кейинги даврда Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти, ҳукмдорлик сиёсати ва иқтисодийислоҳотлари, меъморчилик, ислом дини ва маънавиятини кенг татбиқ этиш йўлидаги янги қирралари очилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Кейинги йиллардаги олимларимиз томонидан буюк мунажжимнинг юқоридаги фан ва ижтимоий ҳаёт жабҳаларини ёритиш ишлари объектив – ҳолисона равишда очилмоқда.

Мирзо Улуғбек яратган меъморий ёдгорликларга боқсак, ўша даврда тасвирий ва амалий санъат турларини нақадар даражада ривожланганлигига иқрор бўламиз. Мирзо Улуғбек қурдирган расадхонасининг ички деворларида ва шифтларида фалакиёт, ер шари, етти иқлим билан боғлиқ бўлган кашфиётлар, муҳим белги, рамз, тимсол ва рақамлар тасвирлари ишланган. Бу тасвирларни Абдураззоқ Самарқандий қуйдагича таърифлаган: “...у олий бунёд ва улуғсифат иморатнинг хоналари ичига тўққиз фалакнинг ҳайъатию тўққиз (осмон)доиралари шаклларини даражалар, дақиқалар, сониялардан тартиб то оширалargача (чизилди) ҳамда айланувчи фалаклар, етти сайёра, собита юлдузлар кўриниши ва ер курраси ҳайъати-ю иқлимлар сувратлари, тоғлар, биёбонлар ...дилназар нақшлару беназир рақамлар билан”чизилди.

Мирзо Улуғбекнинг дўстлари ва яқинлари орасида Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи каби машҳур математик-астрономлар Улуғбек мадрасаси деворига (расадхонада хам чизилган бўлган) етти иқлим харитасини чизганлар. Ҳозирда қоғозга кўчириб олинган етти иқлим харитаси нусхаси сақланади (1-расм.)

Улуғбек мадрасаси пештоқиданги композиция гулли гирихдан ташкил топган. Гўёки юлдузли осмони инсон кўз ойнасида намоён бўлади. Бу юлдузлар ўймакор кошин бўлакларидан ҳосил қилинган. Гириҳлар орасида майда ислимий нақшли ўйма мармар безаклар ишланган. Сангтарош усталар қанос безакларни жуда маҳорат билан геометрик ва ислимий нақшлар билан безатганларки, узоқдан ҳам, яқиндан ҳам жозибали кўринади. (2-расм).



1-*расм. Улуғбек мадраса ҳужраларидан бирининг деворига (кейинчалик расадхонада ҳам чизилган) чизилган етти иқлим харитасининг қоғзга кўчириб олинган нусхаси.*

Тарихий ёдгорликлар тасвирини таҳлил қилишда бадиий, астрологик, фалсафий, психологик, рамзий ва синергетик таҳлил қилиш турларининг мезонлари асосида ўрганилади. Чунончи, Самарқанддаги Улуғбек меъморий ёдгорликнинг қаносидаги астрологик безакларини синергетик тахлил қилиб кўрамиз ва улардан тегишли хулосалар чиқариб оламиз.

Синергетика (юнон. Sunergeia – ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик) системаларнинг ўз-ўзидан ташкил бўлиш назарияси, ўз-ўзини бошқариш, ҳозирги замон назарияси, ночизиқли ҳодисаларни ўрганиш, дунёни янгича изоҳлаш, табиий ва ижтимоий-иқтисодий мураккаб тизимли жараёнларнинг табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, тафаккур услуби.

https://buxdu.uz



Сенергетикани XXI асрда пайдо бўлиб, тараққиётнинг янги қирраларини тушунишга ёрдам бераётган янги тафаккур услуби деб баҳоласа бўлади.



*2-расм. Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси. (1417-22).*

Сенергетика жамият, инсон ҳаётида, фан тараққиётида илгари учрамаган янги муносабатларни фалсафий таҳлил этишга ҳаракат қилувчи, илмий йўналиш сифатида пайдо бўлди. Сенергетиканинг энг муҳим томони шундаки, у ижтимоий ва ўз-ўзини бошқарувчи тизимларда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи-олимлар ишларини маълум бир йўналишда бирлиштиришга хизмат қилади.

Улуғбек мадрасасининг меъмори – Қавомиддин Шерозий (? -1440, XV аср ) бўлган. У Улғбек Мирзонинг отаси Шоҳруҳ Мирзо саройида хизмат қилган.

XV асрда Регистонда қурилган барча иншоотлардан бизгача етиб келгани Улуғбек мадрасасидир. Унинг тархи шу йўсиндаги ўқув юртларининг композициясига хосдир. Ҳовли айланасида икки ошёнли қилиб талабалар учун хужралар қурилган, ғарб томонида-масжид, бинонинг тўрт томони талабалар ёз кунлари шуғулланадиган эндор айвонлар жойлашган, шарқ томонда-икки ёнини юксак миноралар эгаллаган, анча ичкарилаб кирган даромад равоқнинг бурчакларида юлдуз накшли гириҳ — юлдузли осмон тасвирланган. Улуғбек учун бу мавзу тасодифий эмас: у ҳаётини фалакиёт илмига бағишлаган, мадраса ўқувчилари фанни эгаллашлари, таълим бериш тартибини диний қойидалар доираси билан чеклаб қўймаслик кераклигига ишора килар эди. Интилиш-ҳар бир эр ва аёл мусулмоннинг бурчидир», деган сўзлар маърифатпарвар подшоҳнинг ўзига хос ақидаси эди.

Ҳандасий нақшлардан иборат гирих равоқ тоқнинг асосий нақш қитъаларига ажратилишини белгилайди. Ён пештоқларнинг йирик миқёсидаги нақшлари узоқдан кузатишга мўлжалланган. Уларнинг устида осуда ҳандасий нақшли гилам тўшаб қўйилгандек.

Улуғбек мадрасаси безакларини геометрик нақшлар, ёзувли нақшлар ва ўсимликсимон нақшлар эгаллаган. Энг кўп ишлатилган нақш геометрик гирих, яъни ҳандасий нақшлардир. Хандасий нақшлар жуда катта математик аниқликни талаб қилади. Геометрик нақшларнинг хаммаси борлиқни аниқ ўлчамга ва шаклга эгалилигига ишора қилинган. Юлдузсимон нақшларни кўп ишлатилишини Улуғбек бор умрини фалакиёт илмига бахшида этганлигини билдиради. Миноралардага геометрик нақшларнинг ичидаги ёзувли нақшлар уйғунликда бажарилган. Қаносда эса 5-8-16 рахли юлдизли гирих композиция ишланган бўлиб, улар айланма ҳаракат кўринишида тасвирланган. Гирихлар бир-бирлари билан узвий боғланган. Улуғбек мадрасаси қаносидаги безакларда галактикаларнинг тўрсимон, бир-бири билан занжирсимон ўзаро тортишиш кучи асосида боғланган чексиз гравитацион системалар тизими яъни дунё харитаси ўз аксини топган. Ушбу фикримизни исботлаш учун муқаддас китобимиз бўлган Қуръони Каримга мурожаат қиламиз, *“Раббингиз осмонлару Ерни олти кунда яратган... қуёш, ой юлдузларни ўз амрига мусаххар (муте) қилиб қўйган Аллоҳдир.”* (Қуръони Карим, Аъроф сураси, 54-оят.) Бу билан бизнинг фикримизча бутун оламни Аллоҳ мукаммал ва бир-бири билан узвий ва занжирсимон ўзаро тортишиш кучи асосида боғланган. Рене Декарт айтадики, “Дунё аъло даражада мойлаб

https://buxdu.uz



қўйилган механизм ва уни кимдир ҳараакатга келтириб туриши аниқ.” 3-расмда бутун олам галактикаларининг тизими берилган ва уларнинг умумий кўриниши акс эттирилган.



*3-расм. “Ўн саккиз минг олам”нинг (метагалактика) харитасини схематик кўриниши.*

4-расмда Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қаносидаги безакларнинг таҳлили берилган бўлиб, шу безакларни бирма-бир рамзий тахлил қилиб чиқамиз. 1.Галактика. 2. Галактика ядросидаги тўйнук 3. Галактика ядросидаги ҳалқа. 4.Митти юлдузлар. 5.Тўрсимон ислимий нақшлар. 6.Юлдузлар. 7.Юлдузлар ўқи. 8.Геометрик нақшлар орасидаги ўсимликсимон нақшлар. 9.Саккиз қиррали юлдуз маркази. 10. Ўн олти қиррали юлдуз.11. Ўнолти қиррали юлдузнинг ўқи. 12. Саккиз қиррали юлдуз. 13,14-мунаббат нақшнинг тўрт томонда такрорланиши. 15. Меҳроб. 16. Морпеч, яъни арқонсимон бурама нақш. 17. Олти қиррали юлдузчадан ташкил топган ҳошиясимон нақш қиррали юлдузча.




*4-расм.. Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қаносидаги безакларидаги “ўн саккиз минг олам”нинг (метагалактика) харитаси ва уни рамзий таҳлили.*

Галактика. Галактика (юн. Calaktikos) - сутли, сутсимон, умумий ўзаро тортишиш кучи билан боғланган ҳамда қуёшни ҳам ўз ичига олган 200 млрд.дан ортиқ юлдузнинг улкан граватацион системаси. Галактика юлдузидан ташқари юлдузлараро муҳит-газ, чанг ва турлари майда космик зарралар ҳам бор. Галактика грекча - “Сомон йўли”. Галактиканинг кўндаланги тахминан 100 минг ёруғлик йилига баробар. Бундай галактикаларни бир нечтаси метагалактикани ташкил этади (5,6,7-расмлар). Галактика марказида эса зич, деярли шарсимон юлдузлар тўплами бўлиб, у Галактика ядросини ташкил қилади. Барча юлдузлар ана шу Галактика ядроси атрофида айланади. Қуёш ўз атрофидаги сайёралар билан бирга Галлактика ядросини 180 миллион йилда тўлиқ айланиб чиқа олади. Ана шу ниҳоятда катта вақт оралиғи Галактика йили деб аталади.

https://buxdu.uz



Юлдузлардан ташқари, Галактика таркибига майда қаттиқ космик чанг ва газларнинг жуда йирик сийрак булути ҳам киради. Улар чанг ва газ туманликлари деб аталади.




5-расм. Галактика қисмлари. 1-Галлактика 2-Галлактиканинг ядроси (халқаси ва туйнуги) 3-Юлдузлар 4-Юлдузларнинг айланиш ўқи.

Галактика ядроси, халқаси ва унинг туйнуги. Галактика ядроси туйнук халқадан ва бошқалардан иборат бўлади. 5,7-расмлар.



*6-расм. Улуғбек мадрасаси қаносидаги галактика ва коинотдаги галактиканинг фото суратини солиштирма кўриниши хамда уларнинг ядроси.*

Мирзо Улуғбек даврида ҳозирдагидек телескоплар бўлмаган бўлсада, ўз тасаввурида олтинчи сезгиси яъни қалбдан ғойибона бутун оламни тасаввур қила олган. Чунки инсон коинот билан доим боғланишда бўлади. Инсон ғойибона олтита йўл билан боғланади, биринчиси туш орқали, иккинчиси илхомланиш, учунчиси ҳаёл, тўртинчиси ибодат, бешинчиси само тадбири,

(8-расм). Мирзо Улуғбек ҳам ушбу ғояни туш, илҳомланиш ва бошқа жарёнларда олган бўлиши мумкин. Бу ҳолатлар Юсуф алайҳиссалом,

Д.И.Менделеев, Исаак Ньютон, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Ат-Термизий кабиларда ушбу ғойибона боғланишларни ҳаётларида бўлиб ўтганликларини манбаларда учратиш мумкин. Масалан, Ёқуб алайҳиссалом Юсуф алайҳиссаломга дилбанди ёшлигида кўрган тушининг таъбири, яъни ўн бир юлдуз ҳамда қуёш ва ой унга таъзим ила сажда қилганлиги ўз исботини топганини эслатади. Юсуф “Шоҳ: “Келтиринглар уни хузуримга, уни ўзимга хос кишилардан қилиб олай!” дейди. У билан сўзлашгач (шоҳ): “Сен бугун (дан бошлаб)”бизнинг ҳузуримизда мартабали ва ишончли (шахс)дирсан”, дейди. (Қуръони карим, Юсуф сураси, 54-оят.)

Д.И. Менделеев ўзининг Химиявий элементлар даврий системаси жадвалини туши орқали яратган. Исьак Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонуни кашф этилишига тасодифан дарахтдан тўкилиб тушган олма сабабли, ҳаёл ва илҳомланиш жарёнида бутун олам тортишиш қонунини кашф этади.

https://buxdu.uz



Алишер Навоий ҳам “Сабъаии сайёр” асарини ёзишини туш орқали кўрсатилганлиги ҳақида бундай дейди: “Мана энди, вақти - соати етгач, яна қалам тебратиб, тўртинчи номани, яъни “Ҳамса” нинг тўртинчи достони бўлмиш “Сабъаии сайёр”ни ҳам ёзадиган бўлдинг”, яна “У, менга бу мулкни (ижод мулкини) фатҳ” этиб, эгаллашни насиб этмиш. Агар, тангри бировга бирор нарсани насиб айлаган бўлса, бу бобда дунёнинг сўз ва сознинг аҳамияти йўқдир. Бу нарса насиб бўлган одамнинг қанчалик узрли юмуши бўлса ҳам, барибир, шу ишга киришмай иложи йўқ.”

Мирзо Улуғбек мадрасасининг меъмори - Қавомиддин Шерозий олимлар, уломолар, хаттотлар ва наққошлар билан маслаҳатлашиб бутун олам харитасини геометрик шакллар ва ўсимликсимон нақшлар воситасида




*7-расм. Галактика ядросидаги ҳалқа. Галактикани фото нусҳалари ва уларнинг тузилиши акс эттирилган.*

астрологик тасвирлашга мувофиқ бўлганлар. Мирзо Улуғбек фан оламида анча илгарилаб кетганлиги учун ушбу нақшлардаги коинот фалсафасини англашга халқ тайёр эмас эди. Шунинг учун Мирзо Улуғбек ўз илмий фаразини астрологик безакларида акс эттириган. Мирзо Улуғбекнинг фалсафий ғояси бирор - бир архитектура ёдгорликлари безакларида учрамайди.

https://buxdu.uz



Баъзи-бир архитектура ёдгорликларида умумий ўхшашлик бўлсада, унинг деталлари мантиқан тўғри келмайди. Масалан, коинотдаги юлдизларни ўз ўқи атрофида айланиши, галактикаларнинг ядросидаги тўйнук ва ҳалқаларни берилиши ва бошқалар мисол бўла олади.




8-расм. Инсон билан коинотни боғланиш тизими. ( А- Аллоҳ. S-инсон 1-Туш; 2-Илҳомланиш; 3- Хаёл; 4-Ибодат; 5-Само тадбири; 6-Вахий) олтинчиси вахий орқали ( вахий фақат пайғамбарларга хабар келтиради).

Бизнинг илмий фаразимизча, Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қаносида тасвирланган юлдузсимон шакллардаги гулли гирихли безак композициясида Мирзо Улуғбек галактикаларнинг тўрсимон бир-бири билан занжирсимон умумий, ўзаро тортишиш кучи асносида боғланганлиги маълум бўлди. Бутун коинотдаги барча жисмлар, сайёралар чексиз гравитацион тизимлар, яъни дунё харитаси ўз аксини ва ҳаттоки барча галактикалар тортишиш қонунига бўйсунганлигини илмий фараз қилган. Натижада, Мирзо Улуғбек фикр - мулоҳазалари ва илмий фаразларни астрологик нақшлар орқали акс эттиришга мувофиқ бўлган. Ўша вақтда галактика термини ишлатилмаса ҳам дунёни тузилиши ва мазмунини юқори даражада тафаккурга эга бўлганлар. (9-расм.)



9-расм.Мирзо Улуғбекнинг Бутун дунё харитасидаги чексиз гравитацион тизимлар.

Мирзо Улуғбек илми қол (Зоҳирий ва расмий мадраса илмлари), илми ҳадис, илми ладуни (Худо томонидан берилган илму дониш бўлб, бирор устоз ёки шахснинг ёрдамисиз ғайбдан эгалланган илм), илми ҳайъат (астрономия, космография.), илми ҳикмат (фалсафа илми, физика илми), илми ҳол (ботиний-руҳий илм, тасаввуф), илми ҳузури (хаёлий жисмларнинг суратини ақли идрок этиш илми), илми жафр (бўлажак ҳодисалардан огоҳ бўлиш илми, яъни башорат қилиш ), илмул яқин (воқеа ёки нарсаларнинг шакку гумонсиз билиб олиш моҳияти ҳақидаги илм), илми нужум (юлдузшунослик, астрология, астрономия), илми нафс (психология), илми риёзи

https://buxdu.uz



(матиматика) ва бошқа қатор илмларни билгани учун бутун дунё харитаси таффакурига эга бўлган. Шунинг учун Мирзо Улуғбек бутун дунё харитасини тассавур қила олган деб ҳулосалаймиз.

Ўрта асрларда айтилган "Ўн саккиз минг олам" иборасида инсон тафаккур бобида тасаввур қилиши мумкин бўлган бутун олам тушунчаси акс этган. Бу тушунча маълум маънода эндиликда ҳам жоиз, аммо энди у замонавий фалокиёт илмидаги "метагалактика" (инсон кузатадиган ва тадқиқ этадиган коинот) деб тушунилади. Демак, ўрта асрдаги "ўн саккиз минг олам" ва эндиликдаги "метагалактика" тушунчалари бир нарсани англатади. Яъни инсон тафаккурида тасаввур қиладиган оламнинг чегараси.

Бизнинг илмий фаразимизча, XV асрда Мирзо Улуғбек раҳбарлигида Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси пештоқисида ишланган астрологик безакда "Ўн саккиз минг олам харитаси" (метагалактика) ўз аксини топганлиги аниқланди. Ушбу "Ўн саккиз минг олам харитаси" ўша даврда яратилган биринчи ва дунёда ягона нусхаси ҳисобланиб, 600 йил бўлибдики, ўз ечимини кутиб келмоқда эди. Бундан ташқари тасвирда сайёрларни, галлактикаларни ва бутун оламнинг яъни чексиз гравитацион системалар тизими маҳфий рамзлар ва тимсоллар орқали акс эттирилганлиги кашф этилди. Бундан ташқари Исаак Ньютондан 200 йил аввал бутун дунё тортилиш қонунини кашф этилганлигидан дарак беради.

**Адабиётлар**

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида "Ўзбекистонда ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 23 июндаги маърузаси. Маърифат газетаси, 2017 йил 24 июнь, №50 (9011).

2. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдийи ва мажмаи баҳрайн. – Т.: 1969, 278-б.

3.Фалсафа қисқача изоҳли луғат /Муаллифлар: /М.Н.Абдуллаева ва бошқалар. – Т.: "Шарқ", 2004, 284 бет.

4. Комилҳон Каттаев. Самарқанднома."MASHHUR-PRESS", Т.: 2017, 101 - 103- бетлар.

5.Навоий Алишер. Сабъаи сайёр. Насирга айлантирувчи И. Махсум. Т.:Адабиёт ва санъат нашрёти, 1977. 6-бет.

6. Ziyaxanov R.F. "Astronomiya tarixi.", Т.: 2008, 131 - 132-бетлар.

7. Мамадазимов Т. "Мирзо Улуғбек даври архитектураси." Монография. Т.: "ТАҚИ", 2014, 161-бет.

8. Булатов С.С., Саипова М.С. Гўзалликдаги коинот фалсафаси. Т.: "Иқтисод-молия", 2016,

9. Булатов С. С., Саипова М.С. Бадиий таҳлил тамойиллари . (Тасвирий, амалий ва меъморчилик санъат асарлари мисолида). Монография. -Т.: "Фан ва технология", 2016, 260 бет.

10. Азизов С. Марказий Осиёда астрономия ва Улуғбек мактаби. – Т.: "Ўзбекистон", 2009. – 36 - 37 – бетлар.

11. Элмира Гул. Сўфизм ва накш санъати. // Санъат журнали, 2000. №4.

**Бахром МАДРИМОВ**
Бухоро давлат университети
мусиқа таълими кафедраси профессори,
педагогика фанлари номзоди

# ТАЛАБАЛАР ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

*Мақолада тарбиянинг мақсади ҳамда мазмунини ташкил қилиш методлари ва ижтимоий муносабатлар тизими, гуруҳ мураббийларининг тарбиявий жараённи ташкил қилишдаги маҳорати мезони: ўз тарбиявий фаолиятида ечиладиган вазифаларни англаши; талабаларнинг тарбия субъекти сифатида муносабатини тушуниши тўғрисида фикр юритилади.*

**Калит сўзлар:** *устоз-шогирд, олий ўқув юрти, тарбиявий жараёнб тарбия, тараққиёт, педагог, режалаштириш.*

*В статье описываются цель и содержание образования, методы организации и системы социальных отношений, критерии мастерства групповых тренеров в организации образовательного*

https://buxdu.uz



*процесса: понимание задач, решаемых в их учебной деятельности; считается, что студенты понимают свои отношения как предмет образования.*

**Ключевые слова:** *учитель-студент, университет, учебный процесс, развитие, педагог, планирование.*

*The article describes the purpose and content of education, the methods of organization and the system of social relations, the criteria for the skill of group trainers in organizing the educational process: an understanding of the problems to be solved in their educational activities; it is believed that students understand their relationship as an educational subject.*

***Key words:*** *teacher-student, university, educational process, development, teacher, planning.*

Мустақиллик шароитида жамият тараққиётининг ҳамма соҳаларида инсон омилининг ошганлиги, шахсни комил инсон қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилиниши бу жараённи илмий бошқариш асосларини ишлаб чиқишни педагогика фанининг долзарб муаммосига айлантирди.

Тарбия жараёнини оптимал режалаштириш, энг аввало, олий ўқув юрти-тарбиявий, ташкилий-педагогик, ижтимоий-сиёсий ишларнинг ажралмас қисмига айланиши билан ҳамда таълим жараёнида тарбиявий йўналишни кўчайтиришга боғлиқ. Чунки ўқув юртида талаба ва педагоглар меҳнати (вақти)нинг асосий қисми ўқишга сарфланади. Талабалар шахсини шаклланишида таълим белгиловчи, тарбиявий ишлар тўлдирувчи ва мустаҳкамловчи роль ўйнайди. Тарбиявий жараённи режалаштириш объекти тарбиянинг мақсади, таркибий қисмлари, шакл, методлари, воситалари, принцип ва қонуниятлари бўлиб, булар воситасида талабага кўрсатиладиган тарбиявий таъсир самарадорлигини оширишдир.

Тарбиянинг мақсади, мазмунини, ташкил қилиш, методлари ижтимоий муносабатлар тизими характерига қараб ўзгаради.

Жамиятнинг тарбиявий институтлари мураккаб ижтимоий-педагогик тизим сифатида ўз ичига педагоглар, талабалар, таълим-тарбия муассасаларни олади. Жамиятнинг тарбия институтларига талаби кун сайин қийинлашиб боради. Шу билан бирга шахсга таъсир қилувчи турли воситалар оқими ҳам кучаяди. Тарбиявий жараённи бошқаришда турли таъсирларни ҳисобга олиш тобора мураккаблашиб бормоқда. Шундай вазиятда тарбиявий жараёнга тизимли ёндашув илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тарбиявий тизимини бошқариш мураккаб ва кўп қирралидир. Уни бошқариш бир-бирига боғлиқ икки жараёндан иборат: тизим ҳолати ҳақида ахборот олиш ва унга таъсир кўрсатиш. Ҳар қандай тарбиявий тизимни бошқариш бўлиши мумкин: ижтимоий-педагогик, ташкилий-педагогик, психолог-педагогик.

Ижтимоий–педагогик бошқариш жараёни тарбия мақсадини аниқлаш, тизим ривожланиши учун шароит яратиш ҳамда уни фаолиятини назорат қилиш.

Ташкилий-педагогик бошқариш талабалар фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ. Бошқариш субъекти бу босқичда педагоглар жамоаси ва ўз-ўзини бошқариш органлари ҳисобланадилар.

Тарбия жараёнини бошқаришнинг ҳар қандай босқичида унинг таъсирчан воситаси комплекс ёндашиш ҳисобланади. Комплекс ёндашишнинг мазмуни тарбиявий тизимни бир-бирига ўзаро боғлиқ компонентларни яхлит бирликда ишлашига «мажбур» қилишдир. Акс ҳолда тизим тарқоқ қисмлар сифатида фаолият кўрсатиб, тарбиявий вазифаларни бажара олмайди.

Комплекс ёндашиш таъминлаш мумкин, агар:

- бир ёқламаликни бартараф қилиш, тизим айрим компонентига эътиборни кучайтиришни ҳисобга олиб, қолган қисмлар таъсирини пасайтириш ҳисобига амалга оширса;

- тарқоқликни олдини олиш – тизим айрим компонентлари билан ўзаро алоқадорлигида олиб бориладиган ишларни тугал цикл сифатида тасаввур қилиш, қолганларининг ўзаро алоқадорлигини эътибордан четда қолдирмаслик.

Шундай қилиб, комплекс ёндашиш тизимга кўрсатиладиган таъсирларни бошқаришнинг мувофиқлаштириш имкониятини беради.

Гуруҳ раҳбарлари учун психологик билим талабаларнинг руҳий ҳолатини билиш, улардаги инсоний имкониятларини ошкор қилиш, мажбур қилиш чораларини қўлламай, уларни ташаббус кўрсатиш, гуруҳда мўтадил руҳий-психологик вазиятни яратиш тарбиявий ишларни бошқаришни осонлаштиради.

Тарбиявий жараён таъсирчанлиги кўп жиҳатдан уни ташкил қилиш, йўналтириш ва коррекциясига боғлиқ бўлади. Бу жараённи бошқариш эса тарбиячи ва бу жараёнга иштирок

https://buxdu.uz



этувчиларнинг фаолиятларини маълум мақсадга бўйсундириш ва шу асосда талаба шахсига тарбиявий жараённинг таъсирини кучайтириш билан боғлиқ. Тарбияга бўлган талабнинг ошиб бориши, бошқаришни илмий асосда ташкил қилишни тақозо қилади. Талаба шахсини маънавий-ахлоқий шакллантириш, таълим жараёнини касбий ва ахлоқий сифатларини сингдиришнинг муҳим омилига айланиши ва бу жараёнларни мақсадга мувофиқ ташкил қилиш билан боғлиқ. Методологик ва амалий жиҳатдан ҳам олий ўқув юртида талаба шахсга таъсир этувчи омилларни билиш ва ўзаро мувофиқлаштириш зарур ҳисобланади. Чунки методология тарбиявий жараёнларини узвий яхлитликда шахс шаклланишига йўналтиришни, бу жараёнга дахлдор боғланиш ва жараёнларни узвий бирликда ўрганишни талаб қилади. Тарбиявий жараёнларни ўрганиш улардаги объектив муносабатлар ҳамда улардаги мавжудли ривожланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш асосида амалга оширилиши мумкин.

Тарбиявий жараён реал ҳаётда яхлит тизим сифатида амал қилади. Уни айрим қисмларини бутундан ажратиб қараш мумкин эмас. Бу бирёқламаликка ва жараённинг моҳиятини тушунмасликка олиб келади. Тарбиявий жараёнга онгли-мақсадли ёндашиш ва уни таъсирини талаба шахси комолотига йўналтириш – бошқаришни тақозо қилади. Тарбиявий жараёнларни талаба шахсига таъсирини билиш асосида ташкил қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан бошқаришни заруриятга айлантиради.

Бошқариш тарбиявий жараён таркибий қисмлари ва унда иштирок этувчи субъектлар фаолиятини яхлитлигини таъминлаб, кутилган натижага эришишни осонлаштиради. Тарбиявий ишларни бошқаришга талабнинг ошиши қатор омиллар билан боғлиқ:

- мутахассислар тайёрлашга бўлган талабнинг ошиши;
- мутахассисларга фақат касбий билимларни эмас, шахсий-ахлоқий сифатларига бўлган, яъни моҳир касб соҳиби ва инсон, шахс сифатида шакллантиришнинг яхлит амалга ошириш эхтиёжининг кучайганлиги;
- тарбиявий ишларни яхлит тизим сифатида унинг ҳамма компонентларини ягона мақсадга бўйсундириш.

Шу асосда талаба шахсини шаклланишини мақсадга мувофиқ ва мустақиллик шароитида талаба ҳаёти ва фаолиятини илмий асосланган ташкил қилиш, тарбиявий ишларни ташкил қилиш даражасига боғлиқ. Тарбияга тизимли ёндашиш асосида режалаштириш қатор талабларга жавоб бериши керак. Чунончи,

- энг аввало, тарбия таркибий қисмларини яхлитлиги, ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;
- илмий асосланган талаб ва кўрсаткичларга асосланиш;
- аниқ ҳаётий тажриба, ахборот ва таҳлилларга асосланиш;
-тарбияда амалга ошириладиган шароитни, талабалар хусусиятини, моддий базасини инобатга олиш;
-белгиланган тадбирларни изчил амалга ошириш;
-самарадор, истиқболли бўлиб, талабалар ижтимоий фаоллиги, касб эгаллашига кўмаклашувини, катта-катта таълим-тарбиявий тадбирларни амалга оширишга пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Олий ўқув юрти талабалари билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни факультет ва гуруҳларда режалаштиришда факультет деканинининг маънавий-маърифий ишлар бўйича муовини ва гуруҳ раҳбарлари кенгаши алоҳида роль ўйнаши керак. Бунда гуруҳ раҳбарлари тарбиявий иш режалари шунчаки расмият учун тузиб чиқилган ҳужжат эмас, балки гуруҳнинг хусусияти, талаби, эҳтиёжи, талабаларнинг фанларни ўзлаштириши, ўзаро муносабатлари, бўш вақтларини ўтказишларига эътибор бериш лозим. Шу билан бирга ота-оналар, жамоатчилик билан алоқалар ҳам режада ўз ифодасини топиши лозим.

Режалаштиришда ўтган ўқув йилида амалга оширилган ишлар, уларнинг ютуқ ва камчиликлари, камчиликларнинг сабаблари ҳамда жорий ўқув йилида гуруҳда тарбиявий ишларнинг асосий мақсад ва вазифалари, йўналишлари белгиланиши лозим. Тарбиявий ишларни режасида унинг асосий йўналишлари ва таркибий қисмларининг ўзаро мутаносиблигига алоҳида аҳамият бериш керак. Бунда энг муҳими тарбиянинг бир таркибий қисмига алоҳида эътибор бериб, қолганларини эсдан чиқармаслик лозим. Талабалар тарбиясининг асосий йўналишларида илмий дунёқарашни шакллантириш асоси бўлган маънавий-маърифий ишларга алоҳида эътибор бериш керак. Шундан сўнг тарбия таркибий қисмлари бўйича тадбирлар гуруҳ эҳтиёжи асосида режада ўз ўрнини топиши лозим.

Олий ўқув юртида талабалар тарбиявий жараёнини ташкил этиш, уни режалаштириш ва бошқаришга ғоявий ва мақсадга қаратилган, илмий ва режали, амалий ва табақалаштирилган

https://buxdu.uz



ёндашиш асосида ҳар бир талаба шахсининг ривожи ва касб эгаллашига қулай шароит яратишга йўналтирилиши лозим. Аммо шуни таъкидлаш керакки, олий мактаб педагогикаси мактаб (умумий) педагогика даражасида ривожланмаган, маълум маънода шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Шунинг учун олий мактабда тарбиявий жараённи илмий асослари борасида ҳам катта ишларни амалга ошириш лозим бўлади. Аммо бу узоқ жараённи кутиб ўтирмай умумий педагогикадаги тарбия назарияси асосида талабалар тарбиясини ташкил қилишнинг назарий асосларини, шакл, методлари, принципларини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Бунда олий мактаб хусусиятини ҳисобга олиб, таълим-тарбия жараёнида талабаларни мустақиллик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, вазиятдан келиб чиқиб мустақил қарор қабул қилиш, янги илғор усул ва воситаларни амалга қўллашга ўргатишга алоҳида эътибор бериш муҳим ҳисобланади.

Талабаларни тарбиялаш ишларни тўғри режалаштириш мазкур тизимнинг самарадорлигини таъминлашнинг асосидир. Шундай тизимни шакллантириб, уни оқилона бошқариш, аниқ педагогик таъсир кўрсата олиш дастурига эга бўлиш ҳамда уни такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш демакдир. Ҳамда талаба шахсига таъсир этувчи манбалар ва омилларни ҳисобга олишни тақозо қилади. Бу эса тарбиявий ишларни ҳукумат ва вазирликнинг директив ва норматив меъёрий ҳужжатлари асосида тўғри режалаштиришда ўз ифодасини топиши керак. Тўғри режалаштириш тарбиячининг вақтини иқтисод қилиш турли тарбиявий ишларнинг такрорланиши, фойдасизларини олади,хатоларни бартараф қилади. Режалаштириш олдинни кўра билишга асосланади.

Талабалар тарбиявий ишини ташкил қилишда уни ривожланишини асосий йўл ва воситаларини изламасдан жорий (тезкор) режалаштириш билан қаноатланилса, тарбивия жараённинг самадорлиги пасаяди. Аниқ ва мақсадга мувоффиқ режалаштириш тарбиявий ишларнинг яхши натижасига олиб келиб, гуруҳ талабалари эҳтиёжига жавоб бериб, кўпгина тасодифий, аҳамиятсиз ишлар оқимига тушиб қолмай, асосий мақсадни кўзлашга асос бўлади.

**Адабиётлар**

1.Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. // “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 8 февраль сони ва Интернет. www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 «Musiqa», 2011.
3. Иброҳимов О. ва б. Мусиқа: 4–синф учун дарслик. – Т.: “Ғ.Ғулом”, 2003.- 110 б.
4. Петросянц А. Узбекский народный инструменты. – Ташкент. 2000.
5. Мадримов Б. Ўзбек мусиқа тарихи. Ўқув қўлланма. Тошкент-2018. 7-,5- б.

**Маърифат УМУРОВА**
Бухоро давлат университети

## АЖДОДЛАР МЕРОСИДА МУСИҚА ВА РУҲИЯТ ТАЛҚИНИ

*Мазкур мақолада Шарқ халқлари таълимотлари ва мутафаккирлари мероси мазмунида мусиқий тасаввурлари ва ғояларининг ифодаланиши ҳамда унинг инсон руҳияти билан уйғунлиги масалалари ўз ифодасини топган.*

***Калит сўзлар**: инсон, мусиқа, руҳият, мерос, санъат, кечинма, адабиёт, сўз, маҳорат, усто, шогирд, камолот.*

*Эта статья посвящена выражению музыкальных идей в контексте учения и наследия народов Востока, а также его гармонии с психикой человека.*

***Ключевые слова:** человек, музыка, психика, наследие, искусство, опыт, литература, слово, мастерство, мастер, ученик, зрелость.*

*This article is devoted to the expression of musical ideas and ideas in the context of the teachings and heritage of the peoples of the East, as well as its harmony with the human psyche.*

***Key words:** man, music, psyche, heritage, art, experience, literature, word, skill, master, student, maturity.*

https://buxdu.uz



Мусиқа оллоҳнинг инсониятга берган илоҳий туҳфаси сифатида инсоннинг руҳияти ва дидини юксалтиради, тасаввур оламини кенгайтиради. Миллий ғурур, ақл-заковат англашга ожизлик қиладиган ботиний туйғуларни уйғотади, инсонга ички хотиржамлик бағишлайди. Шу сабабли асрлар давомида мутафаккирлар ва донишмандлар мусиқанинг инсон камолоти ва руҳиятига таъсири масалаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида изланишлар олиб бориб, нодир рисолалар яратганлар.

Мусиқа ва руҳият психологияси бўйича илк изланишлар куртакларини антик давр файласуфлари асарларида кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, Пифагор (эр. авв. VI аср), Платон (эр. авв. V аср), Аристотель (эр. авв. IV аср) асарларида мусиқа тарбиянинг энг муҳим воситаси сифатида тавсифланиб, мусиқий оҳанглар, куй ва ритм инсон қалбига муайян таъсир кўрсатиши асосланган. Шунингдек, инсоннинг умидсизлик, руҳий изтироблар, асабийлашиш, ғазаб ва бошқа нохушликларга қарши мусиқий даво усуллари ёритилган.

Мусиқа санъати энг қадимги даврлардан бошлаб Марказий Осиё ҳудудларида яшаб келган халқлар маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланган. Унинг йўналишлари, жанрлари, шакллари ўзбек халқининг аждодлари бўлмиш ҳозирги Ўрта Осиё, Афғонистон, Покистон, Эрон ва Шарқий Туркистон ҳудудида яшаган қадимги сўғдийлар, хоразмийлар, парфияликлар, бақтрияликлар ижодий фаолияти ва тафаккурининг маҳсули сифатида асрлар давомида шаклланиб тараққий этиб келган. Шунингдек бу санъат турининг ривожланишига Хитойнинг шимолий чегараларидан то шарқий Европагача чўзилган улкан минтақанинг дашт, ўрмон-дашт, тоғлик ўлкаларида яшаган (скиф, савромат-сармат, сак-массагет) халқларнинг таъсири ҳам ниҳоятда катта бўлганлигини исботловчи даллилар етарли.

Инсоннинг ички руҳий кечинмалари, яшаш, ҳаёт, ўлим билан боғлиқ мушоҳадалари, кундалик мунособатлар доирасидаги воқеа ва ҳодисаларга нисбатан таъсир остидаги мулоҳазаларининг яққол ифодаси мусиқий оҳанглар садоси тарзида, жилоланиб баралла янграй бошлади. Ўз навбатида мусиқа халқнинг руҳий-эмоционал туйғуларига таъсир этиш ҳадисини олган коҳинлар учун мафкуравий қурол, яъни таъсир кўрсатиш воситаси сифатида ҳам хизмат қилди.

Шарқ халқларининг бебаҳо маънавий ва маданий ёдгорлиги ҳисобланмиш “Авесто”да ҳам мусиқа, унинг инсон ривожи ва фаолиятига таъсири ёритилганлиги диққатга сазовордир. “Авесто”нинг қисмлари бўлмиш “Гоҳ”лар ва “Яшт”лар мустақил таълим тарзида ёддан ўрганилиб, қироат асосида талаффузни шакллантириш, оғзаки нутқни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган. Толиби илмлар ибодатхоналардаги акустика қоидаларига мос равишда қурилган товушнинг тебраниши, жарангдорлигини таъминлайдиган махсус хоналарда товуш ва овоз мосламасини тўғри йўлга қўйиш, такомиллаштириш мақсадида қироат ҳамда воизлик санъатини мустақил равишда ўрганганлар. “Авесто” нинг Яшт китобидаги бўлим ва бандларнинг “гоҳ”лар ва “фаргард”лар деб аталиши айнан қўшиқ маъноларини англатиб, кейинги даврда шаклланган миллий меросимиз Шашмақом қисмларининг яратилишига асос бўлганлиги шубҳасиздир.

Бунда, айниқса, Турон ва Эронда мусиқа ва қўшиқ ижрочилигида беназир буюк ҳофиз сифатида танилган Борбад (585/589-623/638)нинг ҳиссаси беқиёс бўлгани манбаларда эътироф қилинган. У куйлаш сабоғини "Авесто" гоҳ (қўшиқ)лари-ю, Зардушт "Занд" ларини юксак маҳорат билан ижро этиб, эл орасида зандхон сифатида шуҳрат қозонган отасидан ўрганиб олиб, бора-бора ўзи ҳам, Халил ибн Аҳмад ҳамда Қайс Розийлар эътирофича, бадиий ижод ва ижрочилик оламида қўшиқчи-шоир ва бастакор-хонанда сифатида танилди. У отасидан фарқли ўлароқ, "Авесто" гоҳ (қўшиқ)лари ижроси билан чекланиб қолмади, балки уларнинг оҳанги ва вазнида янги-янги туркум қўшиқлар тўқиб, ўртагувчи бир ҳарорат билан куйлаб, элдошлари қалбига ларза солди, бунинг эвазига оташпарастлик эътиқодини тоблантириб, Шашмақомнинг дастлабки пойдеворига асос солган бўлса ажабмас.

Ўлкамизда мусиқий меросимизнинг ажралмас қисми бўлмиш ҳофизлик азалдан муқаддас саналган. Ислом оламида муқаддас китобимиз бўлмиш «Қуръон» оятларини дилга жо қилиб, унинг зери - забарлари билан ёддан ижро этган алломаларни «Ҳофизи Қуръон» деб юритганлар. «Ҳофиз» арабча сўз бўлиб, «ёдда сақламоқ» маъносини англатади. Ҳофиз - Оллоҳнинг 99 исмларидан бири деб ҳам таърифланади. Мумтоз ҳофизларимиз исломий билимлардан ҳамда бадиий шеъриятдан хабардор бўлганлар. Шунинг учун ҳам улар ижро этган қўшиқлар ниҳоят таъсирчан бўлиб, тингловчиларни ўзларига ром эта олган. Мумтоз шоирларимизнинг беқиёс маънога эга бўлган ғазалларини куйга солиб, ижро этган қўшиқлари учун «Ҳофиз» деган номга мушарраф бўлишлари ҳам қандайдир рамзий маъно касб этиши табиийдир. Бу ўринда Мажзуби Намангонийнинг қуйидаги сатрлари ибратлидир:

Дема танбур ноласин қўл ташлаганда тордин

https://buxdu.uz



Билки келмиш бу тарона санъати Жаббордин.

Араблар истилоси тугатилиб, марказлашган давлат барпо этилгач, Хуросону Мовароуннаҳрда илм-фан, маданият, адабий ҳаёт, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланади. Айниқса, давлатнинг қудрати Амир Наср II Сомоний (914–943) даврида янада ошади. У шаҳару қишлоқлардан, узоқ-яқиндан аҳли ҳунар, илм-адаб аҳлини пойтахт Бухорога тўплайди ва уларнинг фаолияти учун шароит туғдириб беради, ҳомийлик қилади. Шеърият ва мусиқада шуҳрати ошган Рудакий ҳам саройга олинади ва “Маликуш-шуаро” этиб тайинланади. Натижада шоир бутунлай ижодга шўнғиб кетади: қасидалар, ғазаллар, рубоий, қитъа, достонлар яратади. Рудакий Сомоний амирларининг энг “яқин надими” (Авфий) сифатида хушхон ҳофиз, моҳир машшоқ, моҳир шоир сифатида беқиёс обрўга эга эди. Бир гал амир у мулозимлари билан кичик бир лашкар ҳамроҳлигида шикорга чиқади. Ов қилинган жой ёқиб қолиб, ҳукмдор ундан кетмай қолади. Орадан ойлар ўтса ҳам уйга қайтишга хоҳиш билдирмайди. Лашкар ва мулозимлар безовта бўла бошлайдилар, қаровсиз қолган хўжаликларини хотирлаб хавотирликлари оша бошлайди. Шу кез Абу Абдулло Рўдакийга мурожаат этиб, андишаларини баён этадилар. Улуғ шоир ўша кеч бир ғазал ёзиб, тонг чоғи чанг чолғуси орқали ушбу шеърни қўшиқ қилиб уни ҳукмдорга ўқиб беради. Ғазал матни қўшиқ куйидан таъсирланган Наср ибн Аҳмад ҳатто этигини ҳам киймай, ҳамроҳларини отлантириб Бухоро томон от суради. “Мўлиённинг хуш ҳиди келгай буён, Эсга тушгай ёди ёри меҳрибон”, деб бошлангувчи машҳур ғазал ана шу тарихий воқеанинг ҳосиласи аслида. Кўриниб турибдики, сўз қудрати ва мусиқанинг жозибадор кучи ҳукмдор руҳиятига таъсир этиб, унинг фикрлари ва ҳолатини қанчалик ўзгартириб юборган.

Мўлиённинг хуш ҳиди келгай буён,
Эсга тушгай ёди ёри меҳрибон.
Ҳам Амунинг қумлари, қумлоқ йўли,
Пойимизга ёйилар бахмалсимон.
От белидан паст тушар Жайҳун суви
Дўст висолини хаёл қилган замон.
Эй Бухоро, шод бўлу мангу яша,
Шоҳ борар бағрингга яйраб шодмон.
Шоҳ агар ойдир, унинг осмони сен,
Ой борар осмон — Бухорога томон.
Шоҳ агар сарвдир, унинг бўстони сен,
Сарв борар бўстон — Бухорога томон.
Мадҳу таърифдан бугун етгай ҳаён,
Гарчи ганжга етса-да ундан зиён(С.Воҳидов таржимаси).

Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда мусиқа психологияси Форобий, Ибн Сино, Жомий, Мароғий, Кавкабий Зайнулобиддин Хусайний, Дарвиш Али Чангий каби буюк мутаффаккирлар ижодида ўз ривожини топди. Масалан, Форобий (873-950) «Мусиқа ҳақида катта китоб»ида мусиқанинг инсон психологияси ва руҳий оламидаги улкан аҳамияти ҳақида ёзган. Мусиқа кишиларни хурсанд қилиши, қувонтириши, тинчлантириши, ўйлантириб қўйиши, хотиржамлик бахш этиши, сергаклантириши ва бир вақтнинг ўзида ухлатиб қўйиши ҳам мумкин.

Ибн Сино (980-1037) мусиқанинг руҳ билан биргаликда танага ҳам шифобахш таъсир кўрсатиши ҳақида айтиб ўтган. У мусиқани ҳам физиологик, ҳам психологик нуқтаи назардан ўрганган.

Абдураҳмон Жомий (1414-1492) «Рисолаи мусиқа»сида, шунингдек, интервал оралиқларининг ҳис этилиши, уларнинг мелодик ва гармоник тузилишлари консонанс (ёқимли) ва диссонанс (ёқимсиз) бўлишлари ҳақида фикр юритган.

Ҳазрати Жомий мусиқий рисолани шундай бошлайдилар.

"Нафас, тан, жон бердинг Худованд,
Қилиб жонларни танлар билан пайванд.
Агар айтувчи деса бепарво там-там,
Куйда ушбу танлар айридир жондан".

Куй ҳам ўша там-тамлардан тузиладию, лекин жонсиз бўлади, қуруқ бўлади.. Жомий бундай танларни олиб бориб кўмиш керак дейди. Тириклар ундан пок бўлса яхши, дейди. Чунки тирикнинг ичида руҳ бор, руҳи шу мусиқа.

Қаранг жон билан танни бирлаштириб Худо яратдику, руҳ билан танни пайванд қилди, қайси бир жойда у руҳи, қайси бир жойда тани эканлигини ким ажрата олади?

https://buxdu.uz



Тарихдан биламизки, кўплаб машҳур мусиқачилар устозлари олдида ўзларини қарздор деб биладилар. Касб тажрибаси тараққий этиб, бойитилиб, муттасил авлоддан-авлодга ўтиб келган. Шарқда кенг тарқалган «устоз-шогирд» мактаби бунинг ёрқин мисолидир. Унга кўра, «шогирд» нафақат ўқитувчининг сабоғини олган, балки унинг уйида яшаб, мусиқа санъати сирларини оилавий-маиший психология билан биргаликда эгаллаган. Кейин эса, ўқувчи маълум бир камолот даражасига етгач, ўзи ҳам шунга ўхшаш «устозлар мактаби»ни ташкил этган. Бу мактаб вакиллари кўпинча катта уюшма сифатида бирлашиб, оммавий-маданий тадбирлар ва бошқа байрамларни ўтказишган.

Шарқ фалсафасида устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатлар самимият устига қурилган бўлиб, ҳар иккала томон унинг софлигини сақлашга соме экани — илм ва ҳунар ўрганишда самарадорлик омили бўлиб хизмат қилади. Фарзанд наслнинг давомчиси бўлгани каби шогирд устозлар таълимотининг давомчиси сифатида қадрланади. Ноқобил фарзанд қарғишга учраса, отаси билан баб-баробар устозига ҳам лаънат олиб келади. Аксинча, мақтовга лойиқ иш қилса, одамлар "Э отанга раҳмат, таълим берган устозингга салламно!" дейишади. Шунинг учун ҳам таълимни тарбиядан айро олиб бўлмайди. Илм эгаллашнинг биринчи шарти одоб сақлашдан бошланади. Устоз сабоғини таъмага тақаса, мувозанат бузилади. Шунинг учун ҳам Навоий бобомиз устоз муаллим ва шогирд талабага ибрат тариқасида: "Ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила", деб ёзганлар. Қолаверса, шогирднинг устоздан ўзиши, улғайиб улуғлик мартабасига эришиши устознинг қадрини заррача камайтирмаслигини, у ҳар қандай вазиятда ҳам ота сингари улуғ ва мўътабар бўлиб қолишини таъкидлаб: "Гарчанд шогирд шайхулислом ёхуд қозидир, устод ондин рози-худо розидир!" деганлар.

Кўриниб турибдики, Шарқ мутафаккирлари меросида мусиқа ва руҳият масаласи алоҳида мавзу сифатида чуқур таҳлил этилган бўлиб, ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялашда улар меросидан фойдаланиш масаласи ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Зеро, мусиқанинг инсон саломатлиги, эмоционал ҳолатига таъсир этиш имконияти, мусиқани тинглаш ва ижро этиш жараёнидаги чуқур мусиқий кечинмаларнинг ижобий таъсири — тиббиётда ҳам, мусиқада ҳам илмий изланишлар олиб бориш учун муҳим асос ҳисобланади.

**Адабиётлар**

1. А.Жомий. Мусиқа ҳақида рисола. – Т.: 1960.
2. Абу Наср Форобий. «Китабул-мусиқа аль-Кабир». Арабчадан А.Ф.Назаров таржима қилган. – Т.: Қатортол. Камалак. 1997. 14-15 бетлар.
3. Охунжон Сафаров. Шашмақом ватани оҳанглари. 2008.
4. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т.: "Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти", 2009.

**Рустам РАҲИМОВ**
тадқиқотчи

# МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ АХЛОКИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*Мақолада мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларини ахлокий-эстетик шакллантириш ва етук кадр қилиб етиштириш масалалари ҳақида фикр юритилган. Бунда мусиқанинг ўрни ва ўқувчиларнинг онгига тарбия элементларини мусиқа воситасида сингдириш, тарбия жараёнида мусиқанинг роли очиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *мусиқа, тарбия, руҳият, онг, таълим жараёни, мелодия, ахлоқ.*

*В статье рассматриваются вопросы нравственно-эстетического воспитания учащихся музыкальных и художественных школ и их развития в качестве ведущих специалистов, роль музыки в образовательном процессе, внедрение воспитательных элементов в сознание учащихся через музыку.*

***Ключевые слова:*** *музыка, воспитание, психика, разум, учебный процесс, мелодия, этика.*

*The article discusses the issues of moral and aesthetic education of students of music and art schools and their development as leading experts, the role of music in the educational process, the introduction of educational elements in the consciousness of students through music.*

https://buxdu.uz



***Key words:*** *music, education, psyche, mind, educational process, melody, ethics.*

Мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларини ахлоқий-эстетик шакллантиришда мусиқа ниҳоятда катта ўрин тутиши шубҳасиздир. Зеро, мусиқа боланинг руҳий оламига энг кучли таъсир кўрсатувчи санъат турларидан биридир. Мусиқанинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, у болалар ҳис-туйғулари ва руҳий ҳолатларининг энг нозик қирраларини, улардаги фарқларни ўзида ифода қилади ва шу орқали боланинг ички оламига чуқур таъсир кўрсатади.

Мусиқа санъати қадим замонлардан бери муҳим тарбия воситаси бўлиб хизмат қилиб келган. У болада оламга ва бошқа кишиларга бўлган инсоний муносабат асосларини таркиб топтиради. Мана шу сабабдан таълим тизимида, хусусан, мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятида ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш вазифаси муҳим муаммолар қаторидан ўрин эгаллайди. Ўтмиш аждодларимизнинг педагогик-психологик қарашларида, шунингдек, педагогика ва психологияга оид адабиётларнинг янги нашрлари ҳамда илмий-тадқиқот ишларда кўрсатилганидек, ёшларни мусиқа санъати орқали ахлоқий-эстетик руҳда тарбиялашда миллий мусиқа санъатининг аҳамияти беқиёсдир. Шунинг учун ҳам мусиқашунос, туғма истеъдод соҳиби бўлган буюк аллома Дарвеш Али Чангий (XXII аср) «Рисолаи мусиқий» «Мусиқа рисоласи» асарида ёзишича, «Халқнинг миллий мусиқий маданиятини ажойиб ёдгорлик сифатида эҳтиёт қилиб, сақлаш лозим.» -деб мусиқаларимизни қадрлаб, асраб-авайлаб келгуси авлодлар учун сақлашга даъват этади.

Абу Наср Форобий ўзининг «Китоб ал-мусиқ ал-кабир» асарида мусиқанинг умумназарий масалалари хусусида сўз юритади. «Китоб ал-мусиқ ал- кабир» - «Катта мусиқа китоби» демакдир . Жумладан, мусиқанинг инсон хис- туйғуларига таъсири, эстетик диднинг шакилланиши, ташқи тасирдан завқланиши, фикр ва тасаввурларининг ўзаро муносабати каби масалалар аниқ таҳлиллар орқали очиб берилади.

Абу Наср Форобий мусиқа илмини келтириб чиқарган сабабларни назарий жиҳатдан тахлил қилиб шундай дейди:- «Мен тасдиқлайманки, субстанция ҳаракатга эга бўлгандан сўнг овозга ҳам эга бўлади ва бу овоз уч турга бўлинади, хусусан, баланд , паст ва ўртача. Бундай овозлар ҳақида бизга номаълум бўлган нарса қолмаслик даражасида баланд, паст ва ўртача овозларни билишга қаратилган илмга эҳтиёж туғилади. Бу овозлар тўғрисидаги илмдир.

Бу илм шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган инсонлар хулқини тартибга келтиради, мукаммалликка етмаган хулқни мукаммал қилади ва мувозанатда бўлганлар (инсонлар) хулқининг мувозанатини сақлаб туради. Бу илм тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир, чунки тана касал бўлса, руҳ ҳам сўлади, тана тўсиққа учраса, руҳ ҳам тўсиққа учрайди. Шунинг учун овозларнинг таъсири билан руҳни соғайтириш ёрдамида тана соғайтирилади, руҳ эса ўз кучларининг тартибга солиниши ва ўз субстанциясига мослаштирилиши орқали соғаяди. Бу илмнинг уч асоси бордир: банд, мелодия (оҳанг) ҳамда куй ва бошқа аъзолар ҳаракати. Банд ақлий тушунчаларни маълум тартиб – тенгликка келтириш учун кашф қилинган, мелодия паст ва юқори овозларни маълум тартиб – тенгликка солиш учун кашф этилгандир. Бу ҳар икки асар эшитиш сезгисига бўйсунади. Қўл ва баданнинг бошқа аъзолари харакати кўриш сезгисига бўйсунади: улар шундай ўзаро таққослаб кўриш лозим бўлган, шунга ўхшаш ҳаракатларни банд ва овоз билан мослаштириб туриш учун яратилгандир. Қўл ва бадан аъзоларининг ҳаракати ҳақидаги илм бу икки муҳим сезгига, яъни эшитиш ва кўришга бўйсунади. Шундай қилиб, мусиқа илмининг қаердан ва қандай қилиб келиб чиққанлиги аниқланади. Бу илм “тарбияловчи” илм деб аталадики, у илмларни ўрганувчини тарбиялайди, янада нафис қилади ва унга кейинги илмларни ўрганишнинг йўл- йўриқларини кўрсатади.

Фороб шаҳрида ўтган (874-950) Мавлона шайх Абу Наср Форобийдур. Бу азиз табобат илмида Фахриддин Розийдан, диний илмда Мухаммад Ғаззолийдан ортиқ камолат эгаси эди, тиб фанида Ибн Синодан ҳам юқори эди. Аниқ фанлар тариқат илми, шариат илми, тавсиф илми, фалсафий илмлар, адабиёт, геометрия, остромония, ҳатто нард, шатранж илмларидан билмайдигани йўқ эди. Жумладан, мусиқа илмида ниҳоятда юксак маҳорат ва туғма истедодга эга, унинг назарий томонини ҳам, амалий томонини ҳам чуқур эгаллаган олим эди. У “Қонун” чолғу асбобини ўз қўллари билан ясаб симлар тортиб, парда тузиб, шогирдларига ўргатган ва ўзи басталаган куйларни ижро этиш жараёнида мусиқанинг инсон руҳиятига таъсирини тадқиқ қилган. «Рок», «Ушшоқ» шўба шаҳобчаларини ижод қилиб оламга ёйган. Мақомларни 1-2-3 ва.. ҳакозо бўлимларигача кашф қилган. «Рисолаи мусиқий» деган китобида «Мусиқани тилсиз нола-мунглари инсон руҳига маънавий ўтни ( олов )ни туташтирувчи омилдир; агар унга ғазал, шеър қўшилса, у мунг ( жонли оҳанг)нинг нима эканлиги маълум бўлади», деб айтади ва яна … Юз йил ибодат қилиб олаолмаган файзни менинг «Қонуним» симларидан олгайсизлар» дейди.. Бу азиз инсон турли фанлар ҳақида 114 дан ортиқ

https://buxdu.uz



китоблар ёзди. У китобларнинг бири «Рисолаи муғаннийун» ( созандалар рисоласидир). Бу китоб араб тилидадир. Мен буни қўлим кучи етканча ва вақтимнинг борича туркий тилга таржима қилишга ният қилдим- дейди буюк симо Исматуллоҳ Мужизий ўзининг «Тарихий мусиқийюн» ( Мусиқа тарихи) асарида.

Форобий ўзининг «Зинат можолиз» қўл ёзмасида ёзишича, «Бир зиёфатда куй ижро этган, куйнинг биринчи қисмини бажарганида ўтирганларнинг ҳаммаси машқдан ниҳоятда хурсанд бўлибди ва кулишибди, куйнинг иккинчи қисми эса эшитувчиларни йиғлатибди, учинчи қисми ижро этилганда, уларнинг ҳаммаси ҳаяжонга тушибдилар- да, сўнг ухлаб қолибдилар». «Ўзларида маълум бўлган мусиқавий санъатлардан тўғри фойдаланишга одатланган одамлар таҳсинга сазовордирлар. Уларнинг маъносини ўзгартириб, ўринсиз ва мавридсиз фойдаланувчилар ёмонлашга ва қоралашга лойиқдирлар, чунки бу илм билан ғам- кулфатга сабаб бўладилар», - деб таъкидлайди Форобий.

Мусиқа қудратли эммоционал таъсир кучига эга. У кишидаги эзгу туйғуларни тоза ва яхши сақлаш ҳамда уни янада баркамол этиш имкониятига эга. Чунки унинг асосида юксак эмоцияли қахрамон туради. Мусиқа ўзида бутун ахлоқий-эстетик ғояларни мужассамлаштирган бўлиб, унинг мазмуни, ўзига хос хусусияти, инсонга таъсир кўрсатиш хислати ҳам ана шундадир. Бу ҳақда Шарқ оламининг етук алломаси Абу Али Ибн Сино шундай дейди: «Агар товуш назм ва мутаносиблик билан безалган бўлса, у инсонга кучлироқ таъсир қилади».

Абу Али Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» китобида мусиқанинг аҳамияти ҳақида яна шундай дейди: “Боланинг мижозини кучайтирмок учун, унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-аста тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқани чалиш ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш микдорига қараб боланинг танаси билан бадантарбияга, руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил бўлади”. “Ўзбек халқ қўшиқлари ранг- баранг жанрларда таркиб топган бўлиб, инсон туғулишидан тортиб, то ҳаётининг сўнгги кунларигача бўладиган жамини маросимлар, анъана ва удумларнинг бари турли- туман қўшиқларда мужассамлашган. Азалдан қўшиқсевар аждодларимиз ижтимоий мураккаблигини табиат ва жамият муносабатларининг сирларини қалбида туғилган туғёнларни қалбида жо қилишга интилган”.

Инсон руҳиятининг минг бир хилда жилваланишлари ҳасрат-надомати, орзу-тилаклари, воқеликка бўлган бадиий муносабати қалб тўридан булоқдай жўшиб, қайнаб чиққан қўшиқларда мужассамлашган. Азалдан қўшиқсевар аждодларимиз ижтимоий хаётнинг мураккаблигини табиат ва жамият муносабатининг сирларини тушунишга, қалбида туғилган туғёнларни мисраларда жо қилишга интилган.” Маълумки, ахлоқий тушунчалар, ахлоқий ишонч ва ахлоқий сифатлар ахлоқий онгнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ахлоқий тушунчалар ўқувчиларнинг билим даражасининг кенгайишига ёрдам беради. Улар ўқувчиларга турли туман мусиқалар орқали ҳам сингдирилади. Бу аждодларимиз тажрибасидан яхши маълум.

Мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларнинг ахлоқий ҳис-туйғуларни миллий- мусиқий оҳанглар ва куйлар орқали янада мукаммалроқ сингдириб бориш катта аҳамиятга эга. Чунки мусиқа ва санъат мактабларида ўқувчиларнинг ички ва ташқи дунёсининг гўзал бўлиши миллий мусиқий тарбия ишларининг нечоғлик тўғри ҳал этилаётганлигига боғликдир. “Инсоннинг ички ва ташқи дунёси бир бўлгандагина, у юқори камолатга эришади. Инсоннинг ички ва ташки (озодалиги, орасталиги) дунёсининг гўзаллиги олийжанобликнинг ўзагидир”. Шу нуқтаи назардан Абу Али Ибн Сино ўзининг бир неча асарларида ахлокий-эстетик тарбия муаммоларини асоссий масала қилиб кўрсатади. “Шифо”, “Ишорат”, “Донишманднома”, “Хай ибн Якзон”, “Саломон ва Ибсол”, “Тайр” шулар жумласидандир.

Унинг фикрича, “Яхши ахлоқли бўлиш тарбиянинг самарасидир. Чунки тарбия орқали ёшларга халқпарварлик, ҳақиқий дўстлик, келажакка қатъий ишонч, мустаҳкам ирода, мардлик, меҳнатга муҳаббат, инсонларга чуқур иззат ҳурмат, ватанга содиқлик каби ахлоқий хислатлар сингдирилади”. Шунинг учун хам Ибн Сино қуйдаги тарбия тизимини тавсия қилади:

1) Ақлий тарбия.
2) Жисмоний тарбия (даволаш ҳам шунга киради).
3) Эстетик тарбия.
4) Меҳнат тарбияси (ҳунар ўрганиш).

Ибн Сино ёшларни мардликка юксак камолатга даъват этади: “Одамларнинг ботири мушкулотдан қўрқмайди. Камолат ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир.”

Юсуф хос Ҳожиб эса аҳлоқий тарбияга ўз муносабатини билдириб шундай дейди: “Аҳлоқий камолот инсоннинг бутун ҳаёти ва фаолиятининг бирламчи асосидир. Кимнинг одоби яхши ва ахлоқи тўғри бўлса, у киши ўз мақсадига етади, бахт унга кулиб боқади, зеро яхши ахлоқ жамики яхшиликларнинг заминидир”

https://buxdu.uz



XV асрнинг иккинчи яримида “Мусиқа назарияси” монодия ( яъни, бир овозли ) га асослаган эди. Бу назария биринчи ( илим таълиф ) овозларнинг ўзаро муносабатлари ва товуш каторларини ўрганиш, иккинчи ( илим ико) ритм ҳақидаги маълумотдан иборат бўлган.

Ўша даврда мусиқа назариясига оид қонунларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган буюк алломалардан бири Абдурахмон Жомийдир. Бу зотнинг қанчалик буюклигини ва юқори қобилият эгаси эканлигини шундан билса бўладики, у Алишер Навоийдек буюк зотга ҳамма илм ва амалиётлар бўйича устоз эдилар. А.Навоийнинг ўзи бу зотни устозим, пирим деб атаганлиги етарлидур. У “Хамса” асарида беш жойда тўхталиб фахр ила тарифлаганлар.

У танбур, сетор, Қонун сингари созларни чалар эдилар , ҳаттоки, “Ажам” деган бир мақомни ҳам унинг икки шахобчалари билан ижод қилдилар. Кўп шогирдларни бу илмда мукаммал қилиб етиштирдилар. Бу фан ҳақида “Рисолаи даввор“Мусиқий рисола”номли бир китоб ёздилар. АмирАлишер хазратлари хам бу фанни Жомийдан ўргандилар”-дейди И. Мўжизий “Мусиқа тарихи” китобида.

Жомий ўтмишдошлари каби овозларнинг оралиқ ҳолдаги ўзаро муносабатларини кўрсатиб беради. Овозларни торнинг қисмлари нисбатидан чиқарган ҳолда асосий товуш қаторларни ташкил қилиш, улардан жам (пардалар) ташкил этиш усулин кўрсатади. У асосий ритмик ифода (яъни, усул) лар тузишни тадқиқ қилади. А.Жомий мусиқачиларнинг соғлом ҳиссиётига мурожжат қилиб, назариядан амалиётига ўтади ва мусиқа санъатининг катта психологик аҳамиятини қуйидагича илмий амалий исботлаб беради: “Шундай бўладики, дилнинг қайғу ёки қувонч, маъюслик ёки умид , тушкунлик ёки кўтаринкилик каби энг махфий ҳолатларидан бири товушни ўз рангига ўраган ҳолда унга таъсир этади. Шу туфайли тингловчи бу махфий ҳолатдан огох бўлади ва ундан алоҳида лаззат олади” .

Абдурахмон Жомий “Рисолаи даввор” (Мусиқий риисола) асарининг хотима қисмида лад оҳангларининг тингловчиларга руҳий таъсирини тўрт категорияга бўлиб кўрсатади:

1) Шижоат ва жасурлик уйғотувчи оҳанглар .
2) Хурсандлик ва қувонч уйғотувчи оҳанглар.
3) Қайғу ва мунг уйғотувчи оҳанглар.
4) Ғам ва маъюслик аралашган шодлик ва завқ уйғотувчи оҳанглар.

Абдурахмон Жомий оҳангларни ҳиссий таъсир этишига кўра 12 маком, 6 овоз ҳамда 24 шўъбадан ташкил топган умумий 42 оҳангдан 38 тасини қайд этади.

XXI асрда яшаган Амир Унсурулмаолий Қайқовус ҳам ҳофиз ва созандалик зикридан ажойиб насиҳатнома ёзиб қолдирган. “Эй фарзанд, - деб уқтиради у, - агар ҳофиз бўлсанг, хушфеъл, қувноқ бўл, ҳамиша пок, мутайяб хушрўй ва хуш забон бўлғил ва ўз ишингга машғул бўлғил, қўпол башара бўлмағил”. Қайқовус ўзининг “Қобуснома” деб номланган асарида соз чалиш хусисида шундай дейди: “Ҳамма вақт оғир йўлларни чертмағил, чунки барча машқ ва оҳангни бир хилда чертиш шарт эмасдур, нединким одамларнинг барчаси бир хилда бўлғон эримаслар, таъблари ҳам бир- бирига мувофик эрмас, яъни халқ мухталиф хар хил дурлар”. Айникса, Қайқовуснинг тор чалишда одамларнинг морфо-физиологик хусусиятлари, таъби ва руҳиятини эътиборга олиш лозимлиги ҳақидаги қарашлари диққатга сазаворди р. “Бир мажлисда ўлтурсанг, мажлис аҳлига қарағил, агар эшитувчи қизил юзлик ва мошбиричи (мошгуруч) соқоллик бўлса, пайвас (узлуксиз), зер (ингичка ва нозик овоз) тор билан чертғил; агар сариқ юзлик бўлса, бўш тор билан чертғил; агар қора юзлик, нахиф (озғин) ва савдойи бўлса, кўпрок уч тор билан чертғил; агар оқ, семиз ва мартуб (рутубатли) бўлса, кўпрок бам (баланд тон) била чертғил, нединким, бу рудни (мусиқа қуроли) одамнинг тўрт таъби учун муҳайё қилмишлар”.

Юқорида таъкидланган фикрларни умумлаштирган ҳолда шундай хулоса чиқариш мумкинки, мусиқа ва санъат мактабларида ахлоқий- эстетик тарбияни яхши йўлга қўймай туриб, маънавий маданиятли шахсларни камол топдириш мумкин эмас. Бунинг сабаби шундаки, мусиқа ўқувчининг ижодий қобилиятини ва руҳий дунёсини бойитади.

**Адабиётлар**

1.Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 8 февраль сони. www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: “Ўзбекистон”, 2014.

3. Иброҳимов О. ва б. Мусиқа: 4–синф учун дарслик.- Т.: “Ғ.Ғулом”, 2003.- 110 б.

4. Петросянц А. Узбекский народный инструменты.-Ташкент.2000.

5. Мадримов Б. Ўзбек мусиқа тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: 2018. 7-,5- б.т.

https://buxdu.uz



**Нурбек РАҲМАТОВ**
Бухоро давлат университети
мусиқа таълими кафедраси
ўқитувчиси

# ТАЛАБАЛАРНИ ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ ВОСИТАСИДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШ

*Мақолада талабаларни халқ қўшиқлари воситасида эстетик тарбиялаш бўйича фикр юритилган. Навоий, Ҳазиний, Фурқат, Маҳтумқули каби мумтоз шоирларнинг ёр, диёр, ватан ва ота-онани улуғловчи, тўғрилик, эзгулик, одобахлоқ, дўстликни тараннум этувчи шеър ва ғазаллар воситасида талабаларни эстетик тарбиялаш имкониятлари таҳлил этилган.*

***Калит сўзлар:** эстетик тарбия, санъат, одоб-ахлоқ, миллий нафосат, мумтоз мусиқа, қўшиқчилик,фольклор қўшиклари.*

*Статья посвящена эстетическому воспитанию студентов через народные песни. Анализируются возможности эстетического воспитания учеников посредством стихов и газелей классических поэтов, таких как Навои, Хазини, Фуркат, Махтумкули, прославляющих друга, Родину и родителей, прославляющих честность, доброту, порядочность, дружбу.*

***Ключевые слова:** эстетическое воспитание, искусство, этикет, национальная элегантность, классическая музыка, пение, народные песни.*

*The article is devoted to aesthetic education of students through folk songs. The article analyzes the possibilities of aesthetic education of students through poems and ghazals of classical poets, such as Navoi, Khazini, Furkat, Makhtumkuli, praising each other, Homeland, Homeland and parents, praising honesty, kindness, decency, friendship.*

***Key words**: aesthetic education, art, etiquette, national elegance, classical music, singing, folk songs.*

Педагогика олий ўқув юртлари (педагог ўқитувчилар тайёрлайдиган университет ва институтлар кўзда тутилади) ўрта мактаблар учун мутахассис ўқитувчилар тайёрлайди. Бугунги талабалар эртанги тарбиячи-мураббийлардир. Шунинг учун ҳам бу даргоҳларда фаолият кўрсатадиган ҳар бир фан ўқитувчиси ўз соҳаси бўйича талабаларга таълим-тарбия берар экан, тарбиянинг барча қисмлари қатори бир қанча ҳаётий ва масъулиятли масалаларни назарда тутиши лозим. Шундай муҳим масалалардан бири эстетик тарбиядир. Олий ўқув юртларида талабаларни эстетик тарбиялаш борасида ўзига яраша муаммолар билан бирга кенг имкониятлар мавжуд. Айниқса, санъатга доир тўгараклар, бадиий ижодга қизиқувчи ёшларни ўз атрофига уюштирган ҳаваскорлик дасталари шулар жумласидандир. Ҳозирги пайтда жуда кам бўлса-да олий ўқув юртларида ашула, рақс, халқ чолғу ансамбли, хор ижрочилиги, мақомчилар ансамбли, вокал-чолғу, драма ва ҳатто балет сингари турлар бўйича тўгараклар фаолият кўрсатаётгани шундан далолат беради. Талабалар ўқишдан бўш пайтларида ана шундай тўгаракларга қатнашадилар. Шунинг учун ҳам эстетик тарбия тизими санъатнинг турли хил кўринишлари билан доимий алоқада бўлиб, ёшлар онги ва ҳиссиётига кучли таъсир ўтказади. Бу ҳол машғулот жараёнида зоҳир бўлади ва фанларнинг ўзаро алоқасини йўлга қўйишда зарур омил саналади. Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларидаги машғулотлар ёшларни гўзалликка, ижобий воқеаларга ҳайрихоҳлик туйғусини ўстиради. Бу, ўз навбатида, дидлар баҳсига олиб келади. Баҳс эса ривожланишнинг ўзига яраша қонунидир.

Талаба-ёшларда дидни тарбиялаш мураккаб ва машаққатли ишдир. Ёшларнинг дидлари ҳар хил бўлганидан уларни тўғри йўлга йўналтиришда ҳар бир шахснинг ўзига яраша тайёргарлигини, ғоявий ва маънавий етуклигини, қизиқишларини ҳисобга олиш лозим бўлади. Шу илмий-ҳаётий ҳақиқатни таъкидлаб ўтиш зарурки, ҳозирги ёшлар орасида учраб турадиган дағаллик, одобсизлик, ҳавойилик, катталарга ҳурматсизлик, ишёқмаслик, санъатга нописандлик сингари иллатларга қарши курашда эстетик тарбия беназир воситадир. Миллий нафосат ва миллий ахлоқ, миллий этика республикамизнинг маънавий равнақида нақадар салмоқли ўринга эга бўлса, эстетик тарбия билан ахлоқий тарбия ҳам ёшларнинг маънавий баркамол бўлишида бебаҳо воситалардир. Шунинг учун ҳам халқ қўшиқларини ёшлар маънавиятига чуқур сингдириш борасида ишни тубдан ўзгартириш, бугунги кун талабаларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида педагогик йўналиш, услублардан фойдаланиб иш тутиш лозим бўлади. Мумтоз мусиқани ҳис қилмай туриб, замонавий мусиқани идрок этиб бўлмайди. Мумтоз шоирларимиз ва бастакорларимиз, хонанда ва созандалар томонидан яратилган

https://buxdu.uz



ва ижро этиб келинган қўшиқларнинг ҳаммаси ахлоқий-эстетик тарбия учун хизмат қилиб келган. Бинобарин, ўтмишда қўшиқ ўз матни, яъни шеъри билан уйғун ҳолатда кишилар ҳиссиётига таъсир этиб келган. Қўшиқларда одоб, аҳлоқ, мардлик, ватанпарварлик, ота-она қадрига етиш, уларни эъзозлаш, яхшилик қилиш, ҳалоллик сингари инсоний фазилатлар мадҳ этилган. Дўстлик, саҳийлик, камтарлик, олижаноблик, ёмон иллатларга нафрат ҳақида ёзилган ғазаллар, шеър намуналари хофизлар тилидан тушмай келган. Буюк мутафаккирлар: Навоий, Лутфий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Зебинисо, Нодира, Увайсий, Ҳазиний, Фурқат, Муқимий, Завқий, Маҳтумқули каби мумтоз шоирларнинг ёр, диёр, ватан ва ота-онани улуғловчи, тўғрилик, эзгулик, одоб ҳам ҳаёни, дўстликни тараннум этувчи шеър ва ғазаллари билан айтилувчи, шу кунларда ҳам халқ ҳофизлари, хонандалар томонидан севиб куйланиб келинаётган қўшиқларнинг умрбоқийлиги, халқчиллиги, оммавийлиги аслида улардаги илгари сурилган ғояларнинг жуда нафис, халқ руҳига, дилига, қалбига яқин мусиқий оҳанглар билан уйғунлашиб, маҳорат билан куйланиб келинаётганлигидадир. Бундай қўшиқлар халқимиз маънавий бисотидан жуда кўп бўлиб, улардан айримларининг мазмун-моҳияти, тингловчига тарбиявий таъсири хусусида педагогик нуктаи назардан таҳлилий фикр билдириш фойдадан ҳоли эмас.

Шеърият султони Алишер Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар ўзбек халқ қўшиқчилигида салмоқли ўрин эгаллайди.

Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон басе қилдим фидо, ороми жоне топмадим.
Ғам била жонимга етдим, ғам гусоре кўрмадим,
Ҳажр ила дилҳаста бўлдим, дилистоне топмадим (1,19,326-327) ғазали билан айтиладиган қўшиқ, ёки «Ушшоқ» номи билан машҳур:
Қаро кўзим келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил (2,422-423) сатрлари билан бошланадиган қўшиқни, ёки каттаю-кичик, санъатга алоқаси бўлмаса ҳам ҳамма бирдай куйлайдиган, куйлашга интиладиган ва севиб тинглайдиган, мусиқасига ракс тушадиган «Муножот» куйига солиб айтиладиган «Сарви гулру келмади» қўшиғини олиб кўрайлик:
Кеча келгумдир дебон, ул сарви гулру келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.
Лаҳза-лаҳза чиқдиму, чекдим йўлида интизор,
Келди жон оғзимғаву ул шухи бадҳу келмади. (2,254-255).

Бу каби умрбоқий, каттаю-кичик бирдай севиб тинглайдиган, тўю-томошаларда кўп бора ижро этиладиган қўшиқларнинг қудрати, сеҳри нимада? Бу аввало уларни ғазалларининг маъно жиҳатидан мукаммал бўлиши билан шу қўшиқларнинг ғоявий мазмунига мос мусиқий куйга солиб айтиб келинаётганлигидадир. Айнан шунинг учун ҳам талаба-ёшларни енгил-елпи, мазмун жиҳатидан ўта саёз, оҳанг нуктаи назаридан миллий, халқчилликдан йироқ бўлган «замонавий мусиқий асарлар»дан кўра миллий мусиқий меросга жалб этиш муҳим тарбиявий тадбирдир. «Тановар» сирасига кирувчи қўшиқларни даврдан даврга янада жозибали, янги оҳанг ва жилолар касб этиб, сайқалланиб келинаётганлигининг боиси ҳам ушбу қўшиқларнинг шеърий фазилатларини ҳеч бир камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, улар оҳангларининг ўта жозибадорлиги ва халқ қалбига яқинлигидадир. Бу фикримизни ушбу қўшиқларни турли шеър намуналари билан айтиб келиниши билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Маҳтумқулининг одоб-ахлоққа, тўғриликка, инсоф-диёнатга чорловчи шеърларининг деярли барчаси қўшиқ қилиб куйланиши бежиз эмас. Улар ўз ўрнида тарбиявий кучи билан ҳам ажралиб туради.

Кел кўнглим, мен сенга насиҳат қилай,
Ватанни тарк этиб кетувчи бўлма.
Ўзингдан паст бўлган ғайир, номарднинг
Хизматида қуллуқ этувчи бўлма.
Мард ўғлидур элга ёзар дастурхон,
Тўғри сўз устида берар ширин жон.
Умрини ўтказар, айтмайди, ёлғон,
Жаҳл айлаб ёлғон сўз айтувчи бўлма (3,108).

Шоирнинг қуйидаги шеъри билан айтиладиган қўшиқда номард одамларнинг салбий хислатлари, кишиларга вафосизлиги тасвирланади.

Номардлар ҳам мухаммаслар ночорлар,
Таоминг еб, ишинг бўлса қочарлар.

https://buxdu.uz



Сиринг билиб, сўнг айбингни очарлар,
Таълим берган устозингдан айрилма (3,98).

Фурқатнинг ватан муҳаббатини ва халқ қудратини мадҳ этувчи қуйидаги ғазали билан айтилувчи қўшиқ ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, ватаннинг ҳар нарсадан азиз ва муқаддаслигини чуқур англашларида ижобий рол ўйнаши шубҳасиз.

Киши ҳолимни билмас, меҳрибонидин адашганман,
Ватан оворадурмен, маконидан адашганман,
Ва ё бир мурғи ваҳший ошёнидан адашганман,
Ғариби куйи ғурбат, хонумонидан адашганман (4, 144-145).

Фурқат шеъри билан айтиладиган машҳур «Тортадур» номли қўшиқда ҳаётдаги баъзи бир тенгсизликларни ифодаловчи шундай мисралар мавжуд:

Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғман,
Айшни нодон суриб кулфатни доно тортадур (4, 61-62).

Ҳазинийнинг ёшларни тўғриликка, ота-онани, ёру-дўстларни қадрига етиш, уларни эъзозлашга чорловчи қуйидаги шеъри билан куйланадиган қўшиқда айни халқ педагогикасининг насиҳат йўли билан кишиларга тарбиявий таъсири намоён бўлади:

То етим бўлмай киши, билмас атони қадрини,
Жону дилдан тарбия қилғон анони қадрини,
Билмағай ҳеч ким ако бирла укони қадрини,
Бир неча ҳешу табору ақрабони қадрини,
Ажрағай билғай ако бирлан укони қадрини (5, 36).

Чустийнинг дўст танлаш, дўст қадрига етиш, ота-она қадрини улуғлашга даъват этувчи қўшиқлари халқимиз маънавиятидан чуқур жой олгандир:

Ҳар йигитни имтиҳон эт, ошно бўлмай туриб,
Сўнгра ундан ажрама умринг адо бўлмай туриб.
Ёру дўстингу замон сендан бўлмас ризо,
Ота-онанг аввало сендан ризо бўлмай туриб (6, 60).

Ёки, элу-юртга садоқатни талқин этувчи:

Халқини шод айламак, ақли расоларнинг иши,
Элни ранжитмак ҳамиша беҳаёларнинг иши (6,131). Бу каби қўшиқларнинг тарбиявий мазмуни ўз-ўзидан равшандир. Келтирилган халқ қўшиқларининг мазмунида асосан инсоний сифатлар тараннум этилганини кўрамиз. Айнан ана шу сифатлар аввало эстетик тайёргарлик, даража, маданият кўлами асосида таркиб топтирилади. Шунинг учун ҳам халқ қўшиқлари воситасида талаба-ёшларни эстетик тарбиялаш педагогик муаммо сифатида тадқиқ этилмоқда. Кишилар турмуш тарзи, ҳаётий маросим, урф-одатлари билан боғлиқ фольклор қўшиқлари ҳам ёшларни эстетик тарбиялашда, уларни халқимизнинг ўтмиш ҳаётини чуқур билиш, ҳис қилиш, тасаввурларини кенгайтиришда беқиёс аҳамият касб этиши аёндир. Чунки бундай қўшиқларнинг асосий тарбиявий хусусияти ҳаётнинг маълум бир парчасини акс эттиришида, қудратли таъсир этувчи кучга эга эканлигидадир.

Ҳар бир санъатнинг ўзига хос ифода воситаси бор. Қўшиқлардаги образларни ифодалилиги, эмоционал бойлиги, ҳар бирида мусиқий шакл ва усул мавжудлиги ва бошқа омиллар шеърият ва мусиқанинг узвий уйғунлигини таъминлайди. Хушовоз хонанда ижросидаги қўшиқ оҳанглар гўзаллиги билан инсон қалбининг ёрқин ифодасига айланган сўз гўзаллигини ҳам намаён этади. Бу эса тингловчиларнинг ахлоқий эстетик оламини бойитади. Шу жиҳатдан қўшиқнинг киши қалбига чуқур кириб боришида ижро этувчиларнинг хизмати ҳам каттадир. Бадиий ҳаваскорлик тўгараклари раҳбарлари ҳаваскорларга халқ қўшиқларини ўргатар экан, ўзи шу каби жиҳатларга жиддий эътибор бермоғи лозим бўлади. Зеро, халқ қўшиқларини ижро этиш орқали талаба аввало ижрочи сифатида унинг мазмун таркибига чуқур кириб боради, қолаверса, ўз ижроси билан атрофдагиларга ҳам эстетик таъсир этади. Унинг таъсир доираси, кучини ошириш ҳам, педагогик муаммо сифатида эътироф этилиши мумкин.

Халқ қўшиқларини талабалар онгли равишда тинглаб, ўрганиб, ўзлари ижро этишлари, ундан таъсирланиб эстетик завқ олишлари учун қўшиқ сўзлари тушунарли, улардаги фикрлар ижобий таъсирга эга, мусиқий ижро этилиши ёқимли бўлиши талаб этилади. Бу ҳам назарий-педагогик муаммо сифатида тадқиқ этилиб, бир қатор педагогик омиллар қатори айнан айтиб ўтганимиздек мазмун жиҳатидан тушунарли, ижро жиҳатидан ёқимли мусиқий асарни муайян педагогик талаблар, мезонлар асосида танлаб олиниши лозим.

https://buxdu.uz



Халқ қўшиқларидан талабаларга эстетик тарбия беришда фойдаланиш бадиий ҳаваскорлик тўгараклари фаолиятига жиддий ёндашишни, бу ишга алоҳида тайёргарлик билан киришиш масъулиятини юклайди. Бу эса педагогика олий ўқув юртларидаги бадиий ҳаваскорлик тўгараклари билан маданият муассасалари, таниқли хонандалар, бастакорларнинг ўзаро ижодий алоқасини йўлга қўйишни тақазо этади. Ана шундагина ҳақиқий қадриятлар руҳида тарбияланган ёшларнинг ўзи сохта, ўткинчи санъат асарларидан, енгил-елпи, кўнгилочар қўшиқлардан қочадилар, бадиий юксак намуналарни қадрлай биладилар.

Халқ қўшиқларига ёшларни эътиборини кучайтириш, олий ўқув юртларидаги мавжуд бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига амалий ёрдам кўрсатиш учун, бизнингча, қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим:

– халқ қўшиқларини нота ёзуви билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлганларини ва бадиий юксак намуналарини алоҳида тўпламлар қилиб чоп этиш ҳамда олий ўқув юртларидаги таълимий жараёнга татбиқ этиш;

– олий мусиқий таълим жараёнини таниқли ҳофизлар, хонандалар, ижодий дасталар ижро этган халқ қўшиқларининг аудио ёзувлари билан таъминлаш;

– мусиқа факультети мавжуд бўлган олий ўқув юртларида ашула ва рақс ҳамда мақом ансамбллари ўқув режасига халқ қўшиқларини киритиш, бу тарбия объектларида педагогик иш юритиш жараёни ишлаб чиқилиши лозим. Бу ишларни амалга ошириш орқали эстетик тарбия соҳасидаги ишларни такомиллаштириш сари муҳим қадам қўйилган бўлади. Талабаларни халқ қўшиқлари воситасида эстетик тарбиялашни жонлантириш йўлларидан бири олий ўқув юртларида талабаларни ҳаваскорлик тўгаракларига фаол жалб қилишдир. У ерда таъкидлаб ўтилган принципларга кўра иш юритилиб, ҳар бир санъатга иштиёқманд талабанинг халқ санъати намуналарини ўрганишга бўлган майл ва иштиёқларини ошириш мумкин.

Олий ўқув юртидаги ҳаваскорлик тўгараклари раҳбарлари талабалар билан иш олиб борар экан, улардаги санъатга ҳавас, эстетик тайёргарлик ва иқтидорини чуқур ўрганиши, кейин унинг натижаларига таяниб иш кўриши лозим бўлади. Бу сифатларни ўқитувчи ва раҳбар ҳар бир талаба билан алоҳида суҳбатлашиб, мусиқий қобилияти, овози, қизиқиш ва тушунчасини, умумий маданий савиясини текшириш орқали аниқлашга муваффақ бўлади.

Эстетик тарбиянинг жуда кўп воситалари орасида қўшиқ санъати ғоят муҳим бўлиб, бунинг сабабини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

– қўшиқлар ҳам бошқа санъат турлари каби воқеликнинг эстетик инъикосидир. Чунки ҳар қандай санъат асарларида воқеликнинг бирор томонини эстетик ва маънавий жиҳатдан баҳолаш яққол ёки яширин ҳолда мавжуд бўлади;

– халқ қўшиқлари ўз табиатига кўра эмоционалдир ва шунинг учун у инсон ҳиссиётига таъсир этиб, унда санъатдан завқланишни, уни муайян баҳолаш таассуротини пайдо қилади;

– ҳозирги кунда санъат билан, хусусан қўшиқ санъати билан деярли ҳар куни мулоқотда бўлмайдиган кишини тасаввур қилиш қийин. Бунда радио ва телевидениенинг беназир хизмати чексиздир. Лекин, шунчаки тинглаш билан қўшиқларни режалаштирилган изчил машғулотлар жараёнида тинглаб, ижро этиб, у ҳақдаги керакли маълумотлар билан танишиб, моҳир ижрочилар билан мулоқот қилиб бориш ўртасида катта фарқ бор. Кузатишлар шуни кўрсатадики, халқ қўшиқлари талабаларнинг маънавий дунёсига, эстетик дидига ва эҳтиёжларининг ўсишига бир хил бўлмасада, самарали таъсир этади. Ана шу ижобий таъсир тўгарак ва дасталарнинг қатнашчиларида тингловчилардагига нисбатан кучлироқ бўлишини яққол англаш мумкин. Бу ҳол мутлақо табиийдир. Чунки тўгарак ва дасталарнинг қатнашчилари ижодий жараёнда фаол иштирок этадилар. Улар билан мусиқанинг тарбиявий аҳамиятини оширишга қаратилган махсус ишлар олиб борилади. Шунингдек, тўгарак ва ансамблнинг қатнашчилари талабалар орасида халқ қўшиқларини оммалаштирувчилар сифатида ҳам фаолият кўрсатадилар. Халқ қўшиқларининг талабалар онги, иродаси, сезгиси, мусиқий идрокига таъсири мураккаб психологик жараён бўлиб, буни унинг тузилишидаги кўп жиҳатликка, яъни куй, матн, ижрочилик маҳоратига боғлиқ изоҳлаш мумкин. Масалан, Алишер Навоий ғазали билан «Муножот» куйига солиб айтиладиган «Ул сарви гулрў келмади» ашуласини қараб кўрайлик. Ушбу қўшиқнинг куйида қўшиқ матнининг чуқур лириклиги ва ғамгинлиги акс этади. Бу оҳангдор, ифодали куйда кўринади. Куйнинг сокин, бир маромдаги ижроси аста-секин кучли ҳаяжонланиш томонга ривожланиб боради. Асар куйида халқ мусиқасининг бетакрорлиги ва шу билан бирга қўшиқ матнининг ғоявий мазмунига ғоят мойиллиги намоён бўлади.

Шеърий асар сифатидаги қўшиқнинг матни ва ритмикаси куйга таркибий равишда қўшилади ва шу туфайли бир бутунлик ҳосил бўлади. Куйнинг мусиқавий безалиши ҳам қўшиқчилик санъатининг эстетик аҳамияти ва таъсирини оширишда муҳим роль ўйнайди.

https://buxdu.uz



Қўшиқнинг матни, ғоявий мазмуни ёш авлодни эстетик тарбиялашнинг кучли воситаси ҳисобланади. Мана шу восита фақат ҳиссиётга эмас, балки онгга ҳам таъсир кўрсатади, ҳамдардлик туйғусини уйғотади, фикрлашга ундайди, маънавий ва эстетик қадрлашни шакллантиради, яъни тингловчиларни ахлоқий ва маънавий тарбиялашга ёрдам беради. Қўшиқнинг бадиий хусусиятлари, яъни тили, услуби, ритми, ижроси ва шеърий мукаммаллиги катта аҳамиятга моликдир. Баъзан қўшиқнинг куйи ёқимли бўлса-да, унинг матни мукаммалликдан узоқ бўлади ва у тингловчиларни қаноатлантирмайди, аксинча уларнинг ғашига тегади.

Қўшиқчилик санъати тизимида яна бир жиҳат муҳим бўлиб, бу унинг ёқимли овозга эга маҳоратли хонанда томонидан ижро этилишидир. Бинобарин, эл муҳаббатини қозониб келаётган яхши қўшиқ нуноқ хонанданинг ижросида ўзининг қимматини йўқотади.

Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида халқ қўшиқларини талабаларга ўргатиш, улар воситасида иш олиб бориш жараёнида раҳбар мана шу сифатларни унутмаслиги керак. Ҳар томонлама тўғри ташкил этилган ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашиб келадиган ҳаваскор хонандалардан келажакда машҳур санъаткорлар чиқиши мумкин. Ўз навбатида ҳаваскорлик санъати профессионал санъат намоёндалари сафларини тўлдирадиган муҳим омиллардан биридир. Лекин бу ерда бош мақсад халқ қўшиқларининг профессонал ижрочиларини тайёрлаш эмас, балки улар воситасида талабаларни эстетик тарбиялаш, бу тарбиявий жараёнга жалб этилган талабалар сонини орттириш орқали халқ қўшиқларини оммалаштириш, унинг эстетик таъсир доирасини кенгайтиришдан иборатдир.

